

Нарын  
газалиёттى талқинлари


83.3(54)  
Н-14



# Навоий сағалиёти талқинлари

ТОШКЕНТ  
«O'ZBEKISTON»

2018



УЎК 821.512.133-1

КБК 84(5Ў)1

Н 14

Тўпловчи, тузувчи, нашрга тайёрловчи:

**Нусратулло Жумахўжа,**  
филология фанлари доктори

Масъул мухаррир:

**Шуҳрат Сироҷиддинов,**  
филология фанлари доктори, профессор

Тақризчилар:

**Иқболов Адизова**, филология фанлари номзоди, доцент  
**Олимжон Давлатов**, адабиётшунос

ISBN 978-9943-28-849-2

© Нусратулло Жумахўжа (тузув.), 2018

© «O'ZBEKISTON» НМИУ, 2018

## ТАХЛИЛ ЛАЗЗАТИГА НЕ ЕТСИН

Алишер Навоий асарларини мутолаа этарканмиз, кани энди хар ким Навоий меросини ўзлаштиришга сидку садоқат билан ҳаракат қилса, дея орзу этамиз. Аммо баъзан ҳаётда ҳоҳишига тескари ҳолатларнинг гувоҳи бўлиб турамиз. Масалан, ҳозирги адабиёт дарслклари ва мажмуаларида Навоий ижоди аввалгидан анча кенгроқ ёритилган, асарларига кўпроқ изоҳ ҳамда шарҳлар берилган бўлишига қарамай, айрим мутахассис ўқитувчилар Навоийни ўрганишдан осонгина чекинмоқчи бўладилар.

Хусусан, филология ва журналистика факультетларининг баъзи талабалари Навоий асарларини асл матнда ўқий олмасликлари ҳамда буни очик-ойдин тан олишларини эшитиб ҳайрон қоласан, киши. Хўш, эртага муаллим ва журналист бўладиган бундай зотлар тайёрлайдиган ўқувчилар, кўрсатув ва эшиттиришларнинг ахволи, савияси қандай бўлади? Жамиятнинг маънавий даражаси уларга боғлиқ эмасми? Аслида, эринмасдан луғатлар ёрдамида Навоий асарлари мағзини чақиш уларнинг биринчи галдаги вазифаларидир.

Навоийнинг асарларини аслиятда ўқиб, ҳар бир сўзнинг мағзини чақиш лаззатига нима етсин. Мухлислардан бири Навоий ғазаллари мутолааси юзасидан бир савонни ўтага ташлади: «...кўрмадим» радифли ғазалдаги икки сатр менда шубҳа уйғотяпти:

«Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға...»

«Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға...»

Курсив билан ёзилган сўзлар шубҳамга сабаб. Ҳазрат Навоий шундай ёзганларига ишонмаяпман, чунки бир сўз бир сатрда икки марта келиши ғалати туюляпти».

Ушбу мисраларда шубҳага ўрин йўқ. «Бош» ва «жон» сўзлари табиий мантиқ асосида мисралар таркибида такрорланган. Мазкур мисралар «Ҳазойин ул-маоний»нинг учинчи девони «Бадое ул-

васат»нинг 434-ғазалидаги 2- ва 4-байтларнинг биринчи мисрала-  
риdir.

Кимга бошимни фидо қилдимки, бошим қасдиға  
Хар тарафдин юз туман тифи жафосин күрмадим?!

Байт мазмуну тазод санъати асосига қурилган. Лирик қаҳрамон  
Фидойилигига жавобан вафо, меҳр-муруват қайтиши лозим зди.  
Эгилган бош – сийловга лойик. Эгилган бошга хусумат сакланмайди.  
Бахтга қарши, фидо бўлган бош қасдига ҳар томондан юз минг  
жабру жафо ёғилади.

Кимга жонимни асир эттимки, жоним қатлиға,  
Файр сори хулқу лутғи жонфизосин кўрмадим.

Ушбу байтда ҳам тазод санъати асосида зиддиятли ҳолат тас-  
вири ифодаланган. Табиийки, ошиққа фақат маҳбубанинг жонбахш-  
лиги нажот бериши мумкин. Таассуфки, маҳбуба ғайр – ағёрга  
лутғу карам кўрсатиб, жон бағишлади ва бу терс қилмиши билан  
ошикни қатл этади...

Бизнинг назаримизда, Навоий ижодида «бир сўзнинг бир сатр-  
да икки марта келиши ғалати» эмас. Алишер Навоийни ортиқча  
улуғлашга ҳам эҳтиёж йўқ. Навоий шеърларида бир сўзнинг оддий  
ҳолда такрорланиш ҳодисаси ҳам кузатилади.

Азиз адабиёт ва санъат шинавандалари, азиз китобхонлар ва  
Навоий мухлислари. Улуғ мутафаккиримиз Алишер Навоий тарихан  
биздан узоклашиб боргани сари, биз унга маънан яқинлашиб бор-  
япмиз. Ҳар йили юртимизда Навоий ҳақида юзлаб мақолалар ва  
китоблар чоп этилади. Ўқув юртларимизда ва таълим-тарбия мас-  
канларимизда ижоди энг кўп ўқитиладиган адабий сиймо ҳам Али-  
шер Навоийдир. Адабий мероси биззагача тўлиқ етиб келган, асарла-  
ри тўлиқ нашр этилган ҳамда ҳаёти ва ижоди олимларимиз томо-  
нидан энг кўп тадқиқ этилган улуғ бобокалонимиз ҳам, шубҳасиз,  
Навоийдир. Ҳалқимиз Навоий маънавиятини ўзлаштиргани сари то-  
бора маънавий баркамоллашиб бораверади.

Мамлакатимизнинг Биринчи Президенти Ислом Каримов 2000  
йилнинг бошида ҳалқни Алишер Навоийни тушуниш даражасига ет-  
казиш лозимлигини Олий Мажлис минбаридан туриб таъкидлаган

эдилар. Шундан бери ҳам, неча йил ўтди. Янги мустақил давлат ва жамият равнақи йўлида маънавиятни юксалтириш бош масала бўлиб, давлат сиёсати даражасига кўтарилган экан, Навоийни тушуниш, меросини ўзлаштириш ҳам шундай долзарб мақом эгаллаши табиий зарурият эди. Чунки унинг ижоди маънавият ҳазинаси, миллий маънавиятимиз қомусидир.


Ушбу китоб халқимизнинг Навоийни тушуниши, англаши сари хизмат қиласидиган мухим манба бўлади, деган умиддамиз. Ушбу китобда таникли олимларимиз ва шоирларимиз томонидан Навоий асарларига ёзилган сара шарҳларни тўплашга ҳаракат қилдик. Аслида, Алишер Навоийнинг барча, хусусан, тўрт мустақил девондан ташкил топган «Ҳазойин ул-маоний» куллиётидаги лирик асарларнинг тўлиқ шарҳини яратиш бизнинг орзуимиздир.

Мазкур китоб шу ишнинг дастлабки тажрибаси бўлиб, уни изчил давом эттириб, тўлдириб, такомиллаштириб бориш мумкин. Биз шарҳларнинг келажакда тўлиқ ва тугал ҳолатга келишини назарда тутиб, асарлар ва уларнинг шарҳларини Навоий девонларидаги тартибда жойлаштирилди. Асарлар ва уларнинг шарҳлари «Ҳазойин ул-маоний»даги девонлар изчиллиги тартибида ҳамда девонда тутган ўрнига асосан жойлаштирилди. Келажакда яратиладиган шарҳлар китобнинг кейинги нашрларидан ана шу тартибда ўрин олаверади. Албатта, амалда мавжуд шарҳлар мазкур китобдагидан кўпроқ. Аммо китобни тайёрлашга киришилган қиска фурсатда уларнинг ҳаммасини қамраб олишнинг илохи бўлмади. Бунга мурожаат қилган баъзи олимларимиз шарҳларини бизга етказиб бера олмаганликлари, ўзимиз барчасини қидириб топа олмаганимиз ва айrim шарҳларнинг савияси талабга жавоб бермаслиги сабаб бўлди. Китоб учун белгиланган нашр имконияти ҳам чегараланган.

Кейинги нашрларда қамров кенгайиб бориши шубҳасиз. Китобдан, ҳозирча, асосан ғазал жанридаги асарларга ёзилган шарҳлар кенг ўрин эгаллади. Бошқа лирик жанрлардаги асарлар шарҳини қисқартиришга тўғри келди. Келажакда барча жанрдаги асарлар тўлиқ қамраб олиниши кўзда тутилади. Айrim машҳур ғазалларга яратилган бир неча шарҳлардан биттаси танлаб киритилди. Баъзи мақолаларда шундай шарҳларнинг қиёсий таҳлили ўрин олди. Шунга ҳам эътибор берилдики, факат оммалашган ва давр синовидан

Ўтган, яъни муаллифларнинг ўз китоблари ёки матбуотда чоп этилган шарҳларгина мажмууга киритилди. Шарҳларни нашрга тайёрлаш жараёнида ҳар бир шарҳловчининг ўз услуби сақланди. Умид қиласизки, Навоий лирикаси асосида тайёрланган ушбу шарҳлар китоби азиз китобхонларга манзур бўлади.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*



«ФАРОЙИБ УС-СИҒАР»  
(ЁШЛИК ФАРОЙИБОТЛАРИ)



## «ХАЗОЙИН УЛ-МАОННИЙ»НИНГ ФОТИҲАСИ<sup>1</sup>

Ашрақат мин акси шамси-л-каъси анвору-л-худо,  
«Ёр аксин майда кўр» деб, жомдин чиқти садо.

Ғайр нақшидидин кўнгул жомида бўлса занги ғам,  
Йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо.

Эй хуш ул майким, анга зарф ўлса бир синган сафол,  
Жом ўлур гетиинамо, Жамишид ани ичкан гадо.

Жому май гар бўйладур, ул жом учун қилмоқ бўлур  
Юз жаҳон ҳар дам нисор, ул май учун минг жон фидо.

Дайр аро хуш аҳли расво бўлғали, эй муғбача,  
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо.

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чехрайи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо.

Ваҳдате бўлғай муяссар май била жом ичраким,  
Жому май лафзин деган бир исм ила қилғай адо.

Сен гумон қилғандин ўзга жому май мавжуд эрур,  
Билмайин нафй этма бу майхона аҳлин, зоҳидо!

Ташналаб ўлма, Навоий, чун азал соқийсидин,  
«Ишрабу ё айюҳа-л-атшон» келур ҳар дам нидо.

(«Фаройиб ус-сигар», 1-ғазал)

Буюк боболаримиз ҳар бир ишни аввал «Куръони карим»ни назарга олган ҳолда амалга оширганлар. Ҳазрати Навоийнинг фаолияти ва ижоди ҳам шу амалга асосланган. Куръони мажид «Фотиҳа» сураси билан очилади. «Фотиҳа» – очувчи дегани. Бу суранинг бундай аталишига сабаб китобнинг ўзи ва унинг мазмуми шу сура билан очилади. Шундан илҳом олган муслим Навоий ўзининг «Хазойин ул-маоний»сини юқоридаги фотиҳа ғазали билан бошлаган.

<sup>1</sup> Академик Алибек Рустамов қаламига мансуб шарҳлар олимнинг «Адиблар одобидан адаблар» («Маънавият», Т., 2003) номли китобидан олинди.

Мазкур шеър Навоийнинг тўрт девондан иборат бўлган «Хазо-йн ул-маоний», яъни «Маъно оламининг хазиналари» деб аталган асарининг биринчи девонидаги илк фазалдир. Аммо бу фазал «Фаройб ус-сигар», яъни кичиклик, ўсмирилкнинг қизиқликлари деб аталган биринчи девоннинг бошида келтирилган бўлса-да, у қолган девонларга ҳам, яъни бутун «Хазоийн ул-маоний»га муқаддимадир. Шунинг учун, бу фазални Навоий айтган биринчи фазал деб тушуниш керак эмас. У девонларнинг мажмуасидаги ўрнига кўра биринчи фазалдир. Фазал тўққиз байтдан иборат. Хар бир байт икки мисрадан тузилган бўлади. Фазалда матланинг иккала мисраси ва қолган байтларнинг иккинчи мисралари ягона қофияга эга бўлади.

Бу фазалнинг қофияси ридфи муқайяд қофиядир. Қофия ҳосил бўлиши учун тақрорланиши шарт бўлган товуш равий деб аталади. Бу ерда равий «о» товушидир. Равий қофиянинг асосий бирлигидир. Аммо бу қофияда унинг ҳамоҳанглигини оширувчи ридф деган бирлик ҳам бор. Бу «д» товушидир.

Фазалнинг вазни – фоилотун фоилотун фоилун. Учинчи байтнинг биринчи мисраси – фоilon. Мисра охирида фоилун билан фоilon бир шеърнинг ўзида ўрин алмашиб келаверади. Бу вазннинг охирги рукни фоилун бўлганда «рамали мусаммани маҳзүф» деб, фоilon бўлганда «рамали мусаммани маҳсур» деб юритилади.

Фазалда вазн туфайли тил қоидалари бузилиши ёки услуг ва мъянига нуқсон етган ҳолатлар йўқ.

Фазалнинг энг яхши чиққан байтини шоҳбайт дейилади. Лекин бу фазалнинг ҳамма байти шоҳбайт даражасида. «Жом» ва «май» сўзлари ҳамма байтларда тақрорланган. Бу илтизом санъатидир. «Жому май» илтизоми Навоийнинг ақидаси, ушбу фазал мазмунига мувофиқ тушган. Чунки етуқ инсоннинг кўнгли, яъни маънавий олами ҳақиқат майининг жомига айланган бўлади. Жомига мазкур май тушган, яъни борлиқнинг ҳақиқатидан огоҳ бўлган кимса мангу са-одат згаси бўлади ва бунинг битмас-туганмас кайфидан, яъни лаз-затидан баҳра олади. Фазалга борлиқда мана шу мақсаддга эришиш йўли борлиги ва кишининг ўзида бунга зотий истеъдод мавжудлиги мавзу қилиб олинган. Шу билан бирга, бу фазал Навоийнинг фаоли-яти, жумладан, адабий ижодининг хабарномаси ҳамдир.

Фазал ҳусни матла билан бошланган. Матла мазмунан ва шаклан ўз ўрнига муносиб бўлса, «ҳусни матла» дейилади. Бу матла фақат

мазкур ғазалга нисбатан эмас, балки умуман «Хазойин ул-маоний»га нисбатан ҳусн бўлиб тушган, ғазалнинг ўзини ҳам девонга нисбатан ҳусни ибтидо дейиш мумкин. Бу матла муламма (ширу шакар) ҳамдир: биринчи мисраси арабча, иккинчиси ўзбекча. Бу Навоийда ва у тарғиб қилаётган ғояда миллий чекланишнинг йўклигини ва тил фарқининг ғоявий бирликка моне бўлолмаслигини кўрсатади. Мазмун бирлиги доирасидаги шаклий ранг-баранглик бадииятнинг асосий усуllibаридан биридир. Бу ғазалнинг мазмунини англаш учун биринчи навбатда «май» сўзининг рамзий маъносини билиб олиши миз керак.

Лугавий маъносига кўра, узумни ачитиб тайёрланадиган ичимликини «май» ва унинг «шароб», «бода», «хамр», «чоғир», «роҳ», «мудом», «саҳбо» сингари маънодолари бадиий-фалсафий асарларда истиора тарзида ҳақиқат маърифати ва ишқига нисбатан ҳам ишлатилади. Ишқу муҳаббат бир неча жиҳатдан майга ўхшайди. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Лавомеъ» асарида муҳаббат билан майнинг ўхшаш жиҳатларидан ўнтасини баён қилган.

Биринчиси, май ўзининг аслий ўрни бўлмиш ҳум ичидан ўзидан қайнаб, ўзини кўрсатишга ҳаракат қилганидек, ошиқлар кўнглидаги яширин ишқ ҳам ғалаён қилиб зухур этишга интилади.

Иккинчиси, май ўз зоти ҳаддида муайян бир шаклга эга эмас, қайси идишга тушса, шу идишнинг ички шаклини олади. Ҳудди шунингдек, ишқ аслан мутлақ бўлиб, унинг зухурида муҳаббат аҳлининг қобилияти ва истеъодига яраша содир бўлади. Ошиқлар орасидаги тафовут ишқнинг зотий хусусиятига эмас, уларнинг кўнгил идишига боғлиқдир.

Учинчиси, майнинг ҳам, ишқнинг ҳам сирояти ялпи жараёндан иборатdir. Май кишининг ҳамма аъзосига таъсир қилганидек, ишқ ҳам ошиқнинг кону жонига кириб, унинг бутун вужудини эгаллаб олади.

Тўртинчиси, май ўзининг ичкучисини, ишқ севгучини марду саҳий қилиб қўяди. Аммо май мости пулни аямаса, ишқ мости жону жаҳонини, бору йўғини баҳшида қиласди.

Бешинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини қўрқмас ва ботир қилиб қўяди. Лекин май ботирлиги оқибатни кўрувчи ақлнинг мағлуб бўлишидан бўлса, ишқ шижоати ҳақиқат нурининг голиблигидандир. Биринчиси шахсни фалокату ҳалокатга олиб боради, иккинчиси абадий ҳаёту саодатга бошқаради.

Олтинчиси, май ҳам, ишқ ҳам киши бошидан кибру ҳавони учиради ва ниёзу тавозуга туширади. Бироқ ичилиникнинг оқибати хорлигу разолатдир, пок ишқ натижаси иззату шарофатдир.

Еттинчиси, май ҳам, ишқ ҳам сирни фош қилади. Асрлар давомида аён бўлган ҳақиқату маърифат сирларини ишқ юзага чиқарган.

Саккизинчиси, май ҳам, ишқ ҳам кишини беҳуш қилади. Аммо май беҳушлиги нодонлик ва ғафлатнинг тубан даражасидир, ишқ беҳушлиги эса сезигирик ва огохликнинг энг олий мартабасидир.

Тўққизинчиси, майпараст майни ичган сари яна қўпроқ ичгиси келади, ишқпараст ҳам, ишқ дардига мубтало бўлган сари яна ортикроқ берила боради. Лекин ичқучи борган сари одамийлик қиёфасини йўқота боради, севгучининг эса инсоний фазилатлари орта боради.

Ўнинчиси, май ҳам, ишқ ҳам номусы ҳаё пардасини кўтаради. Бироқ ичган ўзидан ўзгани ҳақорат қилиб, халқа озор беришдан уялмайди, севган эса ўзгалар учун ўзини хору зор қилишдан орқилмайди.

Демак, май билан ишқнинг ўхшаш томонлари кўп, лекин оқибат жиҳатларидан улар бир-бирига тамоман зид экан. Натижа эътибори билан май заҳр ва ишқ нўш экан, нима учун ишқни май билан таъбир қилинади, деган савол туғилиши табиийдир. Бунинг жавоби шундай:

Тажрибасиз хом ёшлар ва айрим нафси аммораси ружу қилган қарилар тасаввурнида ичкилик неъматларнинг энг олийси ва мастилик лаззатларнинг энг лазизидир. Агар ичмай ҳавас қилувчиларни ҳам ҳисобга олсак, бундай хато тасаввурга эга бўлганлар дунёда жуда кўп. Бинобарин, ишқни «май» деб аталганда, биринчидан, мавзуга кўпчиликнинг дикқати тортилган бўлади, иккинчидан, май билан ишқ орасидаги ташки ӯхшашлик билан ички зиддият лаззатталабларга равшан бўлиб, мутлақ лаззат ҳақиқий ишқда эканлиги аён бўлади.

Май ишқ рамзи қилиб олинганда, «жом» сўзи ва унинг маъндошлари кўнгилни билдиради. Аммо биринчи мисрадаги жом маъносидаги «каъс» сўзи кўнгилни эмас, ишқнинг ўзини англатади. Буни Навоийнинг ўзи каъсни қуёшга ӯхшатиш йўли билан ифодалаган. «Ашрақат» порлаб чиқди, «мин акси шамси-л – каъси» май косаси қуёшининг аксидан, «анвору-л-худо» тўғри йўл, яъни ҳақиқат нурлари деган маънода. Тўғри йўлга бошловчи «ҳодий», ҳодийлик «ҳидоят» дейилади. Демак, «ашрақат мин акси шамси-л-каъси анвору-л-худо» май косасининг қуёши аксидан ҳақиқат йўлининг нурлари порлади, деган мазмунда экан. Бунда май косаси қуёшга ӯхшатилган. Қуёш оламда нур тарқатувчи ягона мавжудот бўлгани учун май косасидан мурод ишқ, яъни жозиба манбаи мутлақ борлиқдир. Демак, Навоий-

нинг фикрига кўра, ҳақиқат йўлини мунаввар этиб, унга тўғри олиб борадиган восита ишқ экан.

Иккинчи мисра «Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқти садо». Бундаги «ёр» Ҳақ таоло маъносида бўлиб, мисранинг мазмуни шундай: Ҳақ таолонинг нури – оламнинг ҳақиқати ундаги барча мавжудотда акс этади. Аммо ишқ майи шу ҳақиқатни кўриш, яъни идрок қилиш воситасидир. Жом, яъни ишқ майнининг идиши – кўнгил буни тасдиқлади. Чунки ошиқ ҳақиқатни ишқ воситаси билан кўнгилда идрок этади. Иккинчи байтдаги «файр» деганда маъшуқдан, яъни Ҳақ таолодан ўзга ҳамма нарсалар тушунилади. «Файр нақши»дан мурод кўнгилга маъшуқ хаёлидан ўзга нарса ташвишининг қаттиқ ўрнашиб олишидир. Жом ишлатимагандан, яъни унга май тушиб турмагандан ёки бошқа нарса солингандан занглағанидек, ҳақиқат нури тушиб туриши керак бўлган кўнгилда ўзга нарсалар, айниқса, ёвуз фикрлар бўлса, шуларнинг занги, доғи, яъни таъсири уни ғамхонага айлантиради. Шундай бўлган тақдирда, яъни маъшуқдан ўзга нарсалар ғами маъшуқнинг кўнглида жилоланишига тўқсингил қилганида, «йўқтур, эй соқий, майи ваҳдат масаллик ғамзудо». «Масаллик» – бамисоли, сингари дегани. «Майи ваҳдат масаллик» майи ваҳдат сингари деган маънода. «Ғамзудо» – ғамни аритувчи, ғамдан пок қилувчи дегани. Шоир соқийга мурожаат қилиб, майи ваҳдатдек ғамни аритувчи нарса йўқ деб, уни ўшандай пайтларда ваҳдат маънини сузишга ундейди. Бу ўринда соқийдан мурод косагул эмас, балки шеър ўқиш, ҳикматли сўзлар айтиш ёки бошқа шунга ўхшаш йўллар билан шавқ ўйғотувчи кишидир.

«Майи ваҳдат» – ваҳдат туфайли ҳосил бўлган жуда ширин бехушлиқдир. Ваҳдатнинг ўзи нима? «Ваҳдат» сўзининг луғавий маъноси бирлиқдир. Бунинг истилоҳий маъноси ҳам бўлиб, ваҳдат зътиқодига кўра, борлик ягона бир вужуддан, оламдаги бор нарсалар шу вужуднинг турли кўринишидан иборат. Ваҳдат тушунчасига кўра, борлиқнинг асоси азалий ва абадий ҳаракатга эга бўлган чексиз Ҳақ таоло нуридан иборат. Мана шу нур оламнинг жони хисобланади. Бу нур рангу шаклга эга бўлмагани, макону замонда чекланмагани ва узлуксиз давом этиб тургани учун киши уни сезмайди. Аммо оққўнгилликни олий дараражага кўтара олган киши илм ва ишқ орқали мазкур нурни идрок қилиши мумкин. Шунда киши ўзини унубтиб, шу нур ичиди йўқолгандай бўлади. Ваҳдат майидан мурод – мана шу ҳолат жозибаси ва ишқдир. Бунга эришган кимса оламнинг нималигидан, жумладан, ўзининг кимлигидан воқиф

бўлади. Бундай кишининг кўнглига ҳаётда юз берадиган турли балолар, кишилар ўртасидаги низолар, унга қарши қилинган иш ва гап-сўзлар таъсир қилмайди. У ҳеч кўнглини бузмай, ўзининг инсоний вазифасини аъло даражада бажариб, халққа бефараз хизмат қиласди. Унинг гояси ва амали кўнглини факат шодлик билан тўлдиради. Киши агар, фалончи менинг ҳақимда ёмон гап қилди, деб ундан хафа бўлса; фалончининг машинаси бору, нега менда йўқ, деб сиқилса; фалончини нега халқ хурмат қиласди-ю, менинг кадримга етмайди, деб ҳасад қилса, унинг кўнглида курсандликка ўрин қолмайди. Мабодо, ўша кишилар билан ўчакиша бошласа, уларга зарар етказиш режаларини туза бошласа, турли руҳий касалликларга чалинади ва ўзгаларга қазиган соҳига ўзи тушади.

Учинчи байтдаги «зарф» – идиш, «гетийнамо» – жаҳонни кўрсатувчи. Афсоналарга кўра, Жамшид деган подшонинг сехрли жоми бўлган. Биринчидан, бу жомдаги май ичган билан тугамаган, иккинчидан, жаҳонда бўлаётган воқеаларни кузатиш мумкин бўлган. Жамшидинг ўзи олий даражада айшу ишрат қилган шахс тимсоли сифатида тилга олинади. «Базми Жамшид» деган иборанинг вужудга келиши ҳам шундандир. Жамшид баъзан «Жам» шаклида ҳам кўлланади. «Жоми Жам» деганда, Жамшидинг сехрли Жоми тушунлади. Навоий мазкур байтда агар кишига ваҳдат майи мусассар бўлса, жом ўрнида синган сафол косаси бўлса ҳам яхши бўлади, бундай синик сафол косага ўшандай май тушса, у Жамшидинг сехрли жомидай «гетийнамо», яъни жаҳоннамога айланади, уни ичган киши эса гадо бўлса ҳам, Жамшидинг шоҳона айшу ишратининг кайфини суради, дейди. «Синган сафол»дан мурод, биринчидан, синик кўнгил, яъни дардли кўнгил, иккинчидан, факт, яъни бойлийка хирс кўймаслиқдир. Ҳақиқат майнинг айшини суриш учун ортиқча молу мулк, олтин-кумуш бўлиши шарт эмас. «Гетийнамо»дан мурод шуки, мазкур майдан баҳраманд бўлган кимса борлик сирларидан воқиф бўлади.

Тўртинчи байтда Навоий, агар жом билан май шундай бўладиган бўлса, бундай жом учун юз жаҳонни нисор қилиб, яъни сочки қилиб, бундай май учун минг жонни фидо қилса бўлади, дейди. Бешинчи байтдаги «дайр» сўзининг иккита ҳақиқий маъноси бор, биринчиси – гумбаз, иккинчиси – файриисломий ибодатхона, мажозий маънода майхонани ҳам билдиради. Бу байтда «дайр» рамзий мазмундаги майхона бўлиб, ҳаммаслак покбоз ошиклар даврасини ва мажлиси-ни ҳамда йиғилган ерини билдиради.

«Мугбача» аслида муглар хизматидаги дастёр бола бўлиб, кўчма маънода соқийни билдиради. Муг – умуман, оташпараст, хусусан, оташпарастлар руҳонийси. Навоийнинг мазкур байтидаги «мугбача» ҳам «дайр» сўзи каби рамзий мазмундаги соқий – ишқ даврасини қиздирувчи кишини билдиради. Бу иккинчи байтнинг шарҳида мазкур бўлди. Бу ерда «мугбача» сўзининг ишлатилишига сабаб унинг «дайр» сўзига нисбати борлигидир. «Мугбача» ўрнида «соқий» ёки бошқа сўз ишлатилса, улар «дайр» сўзига йўғунлашмас эди. «Соқий» сўзи «майхона», «майкада» каби сўзларга йўғундир. Моҳир санъаткорлар сўзларни рамзий мазмунда ишлатганда ҳам уларнинг асл луғавий маъноларини назардан четда қолдирмайдилар.

«Хуш ахли»дан мурод ишқ майидан маст бўлмаганлардир, «расво бўлмоқ»дан мурод ишқ беҳушлигининг сиридан беҳабарларнинг таънасига қолмокдир. «Ибтидо қилмоқ» – бошламоқ дегани. «Мен-и» сўзидағи «и» изофа қўмакчисидир.

Демак:

Дайр аро ҳуш ахли расво бўлғали, эй мугбача,  
Жоми май тутсанг, мени девонадин қил ибтидо, –

деган байтнинг ташқи мазмуни: «Эй соқий, майхонада ҳушёрларни маст қилиб расво қилиш учун май ичирадиган бўлсанг, мен эси йўқдан бошла, шу расволикка мен жуда муштоқман», деган Фикрдан иборат. Аммо шоирнинг асл мақсади: «Эй ошиклар даврасини қизитувчи йигит, бизга сирдош бўлмаганлар расволик деб ўйлаган ишқ эссилиги ҳолатини вужудга келтириш мақсадида қўнглимиза ишқ ўтини ёқмоқчи бўлсанг, бу ишни мендан бошла, чунки ўзгаларга нисбатан мен бунга қўпроқ муштоқман», деган Фикрдан иборатдир.

Олтинчи байтдаги «ул май»дан мурод ваҳдат майи бўлиб, унинг мазмуни иккинчи байтнинг шарҳида мавжуд. «Жилвагар бўлмоқ» – жилва қилмоқнинг маънодошидир. Кишига ўзни ўзига хос бир тузы тарзда кўрсатмоқни жилва дейдилар. Шу сўздан «тажалли» деган фалсафий истилоҳ ҳам ясалган. «Тажалли»нинг луғавий маъноси жилваланишидир. «Тажалли» бу мутлақ борликнинг мавжудот тусида жилваланишидир. Мазкур байтдаги «жилвагар бўлмоқ»дан мурод тажали этимокдир. «Чехрайи мақсад»дан мурод важхул ҳақдир. Важхул ҳақ мавжудотнинг ҳақ, яъни бор қилиб турувчи абадий ва

азалий жихатидир. Оламдаги турли-туман нарсалар мана шу жихати билан ягоналашади, ваҳдат ҳосил қиласи.

Буни идрок қилган киши ўзини олам, хусусан, инсон билан боғланмаган алоҳида бир мавжудот деб тушунмайди. Ҳаммани бирдай кўради ва жамияту табиятга камоли эҳтиром билан қарайди.

«Маҳв ўлмоқ» – йўқ бўлмоқ, «ҳамул» – ўша, «моадо» – ўзга нарсалар дегани, ўзга нарсалардан мурод чехрайи мақсуддан ўзга нарсалар, яъни мавжудотнинг важхул ҳақдан ўзга, бирини биридан жудо қилувчи жихатлариdir.

Шундай қилиб:

Токи ул майдин кўнгул жомида бўлғач жилвагар  
Чехрайи мақсуд, маҳв ўлғай ҳамул дам моадо, –

байтининг зоҳирий маъноси: «Ул май воситасида кўнгул жомида мақсуд чехраси жилваланиши билан ундан ўзга нарсалар йўқ бўлади», деган сўздан иборат. Ички ҳақиқий мазмуни: «Киши ваҳдатга эришиб, унинг кўнглида мавжудотнинг азалий ва абадий бўлган ва уларни бор қилиб турган умумий жихати жилваланса, уларнинг бошқа хусусий бир-бирига қарама-карши жихатлари ғойиб бўлади», деган фикрдан иборат.

Еттинчи байтнинг юзаки мазмуни шундай: «Жомга май тушгач, улар орасидаги бирлик ҳосил бўлади, шунинг учун жом ва майни бир сўз билан ифода қиласидилар, яъни «жом» деганда ҳам жом, ҳам унинг ичидаги май назарда тутилади». Бунинг ҳақиқий маъноси эса қўйидагича: «Сўзда ҳам ўз ифодасини топган ўша жом билан май орасидаги бирлик кўнгил билан ҳақиқат орасида ҳам бор. Ҳақиқат нури тушган кўнгил нурга айланиб, бундай кўнгил эгаси нуроний тус олади».

Саккизинчи байтда, юзаки қараганда, шундай дейилган: «Эй зоҳид, яъни охират учун тарки дунё қилган киши, сенинг тасаввурингдаги салбий хоссаларга эга бўлган жом билан майдан ўзга ижобий жому май ҳам бор. Шунинг учун сен бу майхонадаги биздек майпарастларни билар-бilmас инкор қилма». Бунинг ҳақиқий маъноси шундай: «Эй, масалага юзаки қараб, ўзгаларни камситиб, ўзини улуғ деб билувчи кимса, сўз бошқа, нияту амал бошқа, шакл бошқаю мазмун бошқа, мақсад бир, йўл кўп. Шунинг учун тушунар-тушунмас ишқ аҳлининг тутган йўлини нотўри дейишига шошилма!»

Фазал мақтасининг ташки мазмуни тубандагича: «Эй Навоий, азал соқийисидан дам-бадам «ичингиз, эй ташналар» деган нидо

келиб тургач, ташна юрмасдан, ўша майни ичиш ҳаракатида бўл!» Бунинг ички маъноси қуидагича: «Инсоннинг ҳақиқатга бўлган ташналигини кондириш борликнинг азалий хоссаларидан бири. Оламда бунинг равшан белгилари намоён. Шунинг учун агар сидқидилдан ҳаракат қилсанг, борлик сенинг ҳам ҳақиқатга бўлган ташналигинги ни кондиради. Шунга ҳаракат қил, умрингни зое қилма!»

Энди, муҳтарам ўқувчи, ғазални вазни талабига риоя қилган ҳолда ўқинг! Унинг ҳижо ва руқнлари қуидагича:

Аш-ра-қат-мин ак-си-шам-сил къа-си-ан-во рул-ху-до,  
Ё-р-ак-син май-да-кўр-деб жо-м-дин-чиқ ти-са-до.  
Фай-р-нақ-ши: дин-кў-нгул-жо ми:-да-бўл-са: зан-ги-ғам,  
Йўқ-ту-рэй-со қий-ма-ий:-ваҳ дат-ма-сал-лик ғам-зу-до.  
Эй-ху-шул-май ким-а-нга:-зар фўл-са-бир-син ған-са-фол,  
Жо-м-лур-ге: тий-на-мо-Жам ши:-да-ни:-ич кан-га-до.  
Жо-му-май-гар бўй-ла-дур-ул жо-му-чун-қил мок-бў-лур  
Йуз-жа-хон-ҳар дам-ни-со-рул май-у-чун-минг жон-фи-до.  
Дай-ра-ро-ху: шаҳ-ли-рас-во бўл-ға-ли:-эй мүғ-ба-ча,  
Жо-ми-май-тут санг-ме-ни:-де во-на-дин-қил иб-ти-до.  
То-ки-ул-май дин-кў-нгул-жо ми:-да-бўл-ға-ч жил-ва-гар,  
Чех-ра-йи:-мақ су:-д маҳ-вўл фай-ҳа-мул-дам мо-а-до.  
Ваҳ-да-те-бўл фай-му-йас-кар май-би-ла:-жо мич-ра-ким  
Жо-му-май-лаф зин-де-ган-бир ис-ми-ла-қил фай-а-до.  
Сен-гу-мон-қил ған-ди-нўз-га: жо-му-май-мав жу:-да-рур,  
Бил-ма-йин-наф йэт-ма-бу:-май хо-на-аҳ-лин, зо-хи-до.  
Таш-на-лаб-ўл ма:-На-во-ий, чун-а-зал-со қий-си-дин  
Иш-ра-бу:-ё ай-ю-ҳал-ат шон-ке-лур-ҳар дам-ни-до.

**Эслатма:** 1. Остин-устун икки нуқта унлиниңг чўзиқлигини билдиради. 2. Чўзиқ унлидан кейин келган «н»дан бошқа ундошлар мисра ўртасида бир қисқа ҳижо ҳосил қиласди. Масалан, ғазалдаги «жом» сўзининг «жо» қисми бир чўзиқ ҳижони, «м»си эса бир қисқа ҳижони ҳосил қиласди. Агар «жон» сўзини олсак, бу сўз бутунлигича бир чўзиқ ҳижодан иборатдир. Чунки «н» бундай ҳолларда алоҳида ҳижо ҳосил қилмайди. Аммо ундошдан сўнг «н» масалан, «айн» деганда қисқа ҳижога ўтади. 3. Сўз охиридаги ундошлар, ундан кейинги сўз унли билан бошланган бўлса, шу сўз бошига кўчиши мумкин. 4. Руқн чегараси сўз охиригагина эмас, сўз ўртасига ҳам тўғри келиши мумкин.

Алибек Рустамов

## ЭРУР ПАЙДОЛИГИНГ ПИНХОН, ВАЛЕ ПИНХОНЛИГИНГ ПАЙДО<sup>1</sup>

Зиҳи ҳуснунг зухуридин тушуб ҳар кимга бир савдо,  
Бу савдолар била кавнайн бозорида юз ғавғо.

Сени толмоқ басе мушкилдуур, толмаслиғ осонким,  
Эрүр пайдолигинг пинхон, vale пинхонлигинг пайдо.

Чаман оташгахыга оташин гулдин чу ўт солдинг,  
Самандардек ул ўтдин кулга ботти булбули шайдо.

Не ишга бўлди беором кўзгу аксидек Мажнун,  
Юзи кўзгусида аксини гар кўргузмади Лайло.

Қуёшга гаҳ қизормоқ, гоҳ сорформоқ эрүр андин,  
Ки сунъунг боғида бор ул сифат юз минг гули раъно.

Недин юз гул очар ишқ ўтидин булбул киби Вомик,  
Юзунгдин гар узори боғида гул очмади Узро.

Каломингни агар Ширин лабида қилмадинг музмар,  
Недин бас лаъл ўлур Фарҳоднинг қон ёшидин хоро.

Жамолинг партавидин шамъ ўти гар гулситон эрмас,  
Недин парвона ўт ичра ўзин солур Халилосо?

Малоҳат бирла туздунг сарвқадлар қоматин, яъни  
Ки мундоқ зеб бирла ул алифни айладинг зебо.

Қаноатнинг далилин инзуво қилдинг, яна бир ҳам  
Далил ушбуки «қониъ» ҳарфидин халқ айладинг «Анқо».

Навоий қайси тил бирла сенинг ҳамдинг баён қилсун,  
Тикан жаннат гули васфин қилурда гунг эрүр гўё.

(«Гаройиб ус-сигар», 2-ғазал)

<sup>1</sup> Профессор Нажмиддин Комилов қаламига мансуб шарҳлар олимнинг «Маънолар оламига сафар» («Тамаддун», Т., 2012) номли китобидан олинди.

## Луғат

**Зиҳи** – офарин, қойил, ажойиб.

**Зухур** – кўринмоқ, намоён бўлмоқ, ошкоро бўлмоқ.

**Савдо** – ҳою ҳавас, девоналиқ, ташвиш, орзулар, хаёллар, уриниш-интилишлар.

**Кавнайн** – икки дунё.

**Бозор** – кўчма маънода: ташвиш-таланишлар, муомала-муносабат, дунёвий ҳаёт.

**Пинҳон** – яширин, кўринмас.

**Пайдо** – равшан, очиқ, кўринадиган.

**Оташгах** – олов кўраси, ўчоқ, оловли жой. «Чаман оташгоҳи» – гулзор, очилган қизил гуллар.

**Самандар** – афсонага кўра, оловда туғилиб, олов ичида яшайдиган жонивор.

**Шайдо** – ошиқ, ошуфта, маству девона.

**Сунъ** – санъаткорлик, яратиш, ижод қилиш.

**Узор** – юз, чехра.

**Музмар** – яширин, беркитилган, нарсанинг замирида яширганлик.

**Хоро** – қаттиқ, тарашланмаган тош.

**Партав** – нур, шуъла, чақин, сафо.

**Гулситон** – гулистон.

**Халилосо** – Халил каби. Халил – Иброҳим пайғамбарнинг лақаби, худонинг дўсти дегани. Куръонда келтирилишича, у подшо Намруд томонидан гулханга ташланган, аммо ёнмаган.

**Малоҳат** – мулоҳимлик, жозибадорлик, дилкашлиқ.

**Сарвқад** – тик ва гўзал қомат.

**Инзиво** – узлат, гўшанишинлик, одамлардан ўзини четга олиш.

**Конеъ** – қонаатли одам.

**Анқо** – Афсонавий күш, топилмас, кўринмас күш, Симурғ.

**Алиф** – араб ёзувининг биринчи ҳарфи. Тикка бўлганлиги учун гўзал қоматлар унга ўхшатилган.

## Байтларнинг насрый баёни

1. Эй Тангрим, ажойибки, Сенинг ҳуснинг намоён бўлиши – порлашидан ҳар кимда бир талпиниш ҳосил бўлибди. Бу ташвиш, орзу-ҳаваслардан икки дунёда юз хил фавғолар юз берибди.

- Сени топмоқ жуда қийин, балки топмаслик осонроқ, чунки кўринишинг яширин, аммо яшириңганинг кўринишингдир.
- Гулзорлар, боғларга оловранг гуллардан ўт-аланга солдинг, ошиқи шайдо булбул бу гулзор – оловга ўзини самандардек отиб, кулга айланди.
- Агар Лайлининг юзи кўзгусида аксинг кўринмаса эди, Мажнун бунча беором бўлмаган бўларди.
- Кўёшнинг баъзан қизариши (шафак), гоҳида сарғайиши (кундузи) Сендандир, зеро санъатинг боғида юз минг раъно гуллар сифати мавжуд.
- Узро юзининг гули яшнаб очилмаганда, Вомиқ булбул каби бунчалик ишқ ўтида ёниб куйламаган бўларди.
- Сўзингни Ширин лабида яширмаганингда, Фарҳоднинг қонли ёшидан қаттиқ тош лаълга айланармиди?
- Сенинг жамолинг порлашидан агар шамнинг шуъласи гулистон-дай бўлиб кўринмаганида, парвона Иброҳим пайғамбардай ўзини оловга ташлармиди?
- Сарвқомат гўзал инсонлар қоматини дилкаш, жозибали қилиб яратдинг, яъни гўё ул алифни чиройли қилиб безатдинг.
- Қаноатнинг далилини узлат деб белгиладинг, яна шуки «қонеъ» сўзидан «Анқо» сўзини келтириб чиқардинг.
- Навоий қайси тил билан Сени мақтасин, ахир тикан жаннат гулининг васфин қилишда гунгидир.

### **Ғазалнинг умумий маъно-мазмуни**

Бу ғазал девондаги биринчи ғазалнинг бевосита давомидир. Биринчи ғазалда ифодаланган моддийлик ва илоҳийликнинг бирлиги (ваҳдати) ҳақидаги фикр иккинчи ғазалда, айтиш мумкинки, мисоллар билан тушунтирилган. Яъни Оллоҳ тажаллиси борлиқни қамраб олгани, ҳаракатга келтириб туриши, жумладан, инсон зоти, уни ўраб олган мұхит, ҳаётнинг балқиб, яшнаб туриши, товланишлар, интилиш ва талпинишлар, яралиш ва бузилишлар, мұхаббатнинг узилмас торлари-ю, азоб-нашидаси – ҳаммаси шу Тажаллиёт зухуридан эканлиги тасвирланади.

Аммо буни ҳамма ҳам идрок этмайди, ваҳдат ул-вужуднинг бу сирини англаған одам, ҳаёт маъноси, инсонийлик маъносини чуқурроқ англаб етади, дейди шоир. Оллоҳ зотини ҳеч ким кўра олган эмас, лекин унинг сифатлари, нури бутун борлиқда мавжуд. Шу боиским,

булбул гулга талпинади, гулзор хусну жамоли уни мафтун этади, у ўт ичидо пайдо бўлган самандардай, ўзини гулзор олови ичига отади. Худди шу каби, парвона ҳам айни шу илохий қурдат туфайли шам шуъласига талпинади ва оловга қўшилиб ёнади. Шу қурдат, шу куч Вомикни Узрода, Мажнунни Лайлита, Фарҳодни Ширинга ошиқ қилиб қўйган. Чунки Узро, Лайли, Ширин жамоли – ҳар бири бир мазҳар. Яъни, тажалииёт нури акс этган нуқта, марказ. Вомик, Мажнун, Ширин бу нуқталарда Илоҳнинг нурини кўриб, унга беҳуд ва бекарор бўлиб талпинадилар, шу мазҳарга етишиш билан Оллоҳнинг ўзига ошиқликларини исботлайдилар, яъни, сифатдан Зотга қараб борадилар.

Лекин бунга покланиш ва қаноат йўли олиб боради, дейди Навоий. Зеро, қаноатнинг далили парҳез, сабру тоқатдир. Бунда сўз ўйини ҳам бор, яъни араб ёзувида «қаноат», «қонеъ», «анқо» сўзларининг ўзаги бир. Бундан ташқари, «қонеъ» – тўйинган, рози деган маъноларни англатса, «Анқо» – ҳеч қачон кўзга кўринмайдиган, аммо бор бўлган афсонавий қуш номи. Ана шундай рамзларни яратган ҳам Худонинг ўзи, дейди Навоий.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ЭЙ МУСХАФИ РУХСОРИНГ АЗАЛ ХАТТИДИН ИНШО

Эй мусҳафи руҳсоринг азал ҳаттидин иншо,  
Дебочайи хуснунгда абад нуқтаси туғро.

Заррот аро ҳар зарраки бор, зикринга зокир,  
Амтор аро ҳар қатраки бор, ҳамдинга гўё.

Машшотайи хуснунгдуур улким, нафас ичра  
Кун кўзгусин оқшом кулидин қилди мужалло.

Кун шакли юзунг саждасидин бўлди мушаккал,  
Тун турраси қаҳринг елидин бўлди мутарро.

Сунъунг қилибон субҳни ул навъ мушаъбиб,  
Ким меҳр ўти оғзидин этар ҳар нафас ифшо.

Гўёки қуяр оғзи ул ўт ҳирқатидинким,  
Анжумдин ўлур обилалар гирдида пайдо.

*Мұхтож Сенинг даргаҳынга хұсраву дарвеш,  
Парварда Сенинг неъматинга жоҳилу доно.*

*Гул юзида булбул сенинг асроринга нотик,  
Шамъ ўтида парвона Сенинг хұснунга шайдо.*

*Ушшоқ аро, ё Рабки, Навоийға мақоме  
Бергилки, Сенинг ҳамдинга бўлсун тили гўё.*

(«Фаройиб ус-сигар», 3-ғазал)

### **Лұғат**

**Сафҳа** – саҳифа.

**Рұхсor** – юз.

**Азал** – бошланиши йўқ замон, азалий, ибтидосиз қадимийлик.

**Дебоча** – кириш, мұқаддима, бошланиш.

**Абад** – чексизлик, чексиз давомийлик, туганмас замон.

**Ушшоқ** – ошиқлар.

**Заррот** – зарралар.

**Зикр** – номини тилга олиш, эслаш, Зокир – Оллоҳ исмини тилга олиб юргувчи одам.

**Амтор** – ёмғир томчилари, ёғин.

**Ҳамд** – мақтоб.

**Машшота** – пардоғчи, юзни, сочни безайдиган одам.

**Мужалло** – сайқал берилган, жилоланган.

**Мушаккал** – шаклга кирған, шаклланган.

**Турра** – зулф, соч.

**Мутарро** – тароватли, тоза.

**Субҳ** – тонг.

**Мушаъбид** – найрангбоз.

**Ифшo** – фош қымоқ, ошкор этмоқ.

**Хирқат** – аланга, ҳарорат, иссиқлик.

**Анжум** – юлдузлар.

**Обилалар** – қавариқлар, пұфакчалар.

**Гирд** – атроф, айлана.

**Парварда** – тарбияланган, парвариш қилинган.

**Асрор** – сирлар.

**Түғро** – подшоҳ фармонининг ифода белгиси, шоҳона үнвон.

## **Байтларнинг насрый баёни**

1. Эй, Сенинг юзинг саҳифасида азалийлик хати битилган, ҳуснинг китоби аввалида абадийлик мухри – унвони мавжуд.
2. Борликдаги жами зарралар исмларингни зикр этади, ёмғирнинг ҳар қатраси ҳамдингни айтади.
3. Сенинг құдрату санъатинг безакчиси бир нафасда қундузнинг күзгусини түн кули билан тозалаб жило берди (Бунда занглаған күзгүни күл билан тозалаш назарда тутилмоқда).
4. Қүёшнинг шакли Сенга сажда қилиш ҳолатидан ҳосил бўлган. Туннинг сочи қаҳринг шамолидан тозаланади.
5. Санъатинг тонгни шундай хийлагар қилибдики, у қуёш тафтини ҳар дамда оғзидан намоён қилиб туради.
6. У олов ҳароратидан, гўё оғзи куйгандай, атрофида юлдузлардан сув пуфакчалар – қавариқлар пайдо бўлади.
7. Сенинг ҳузурингга подшо ҳам, гадо ҳам муҳтож бўлиб интилади. Нодон ҳам, доно ҳам Сенинг неъматинг билан парвариш топади.
8. Гул юзига шайдо булбул Сенинг сирингни сўзлайди, парвона ҳам шам шуъласига Сени деб талпинади.
9. Ё Раббим, Навоийга шундай мақом бергилки, Сенинг мақтовингга тили гўё бўлсин.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ҳам Навоийнинг ҳамд ғазалларидан. Бироқ ҳамд ғазаллар ичида муножот оҳангига йўғирилган ва Қуръон оятлари мазмуни ўзига ҳос тамсил ва ташбеҳларда бўртиб ифодаланганлари ҳам бор. Келтирилган ғазал шундай ҳусусиятга эга. Чунончи, матлада, Оллоҳ таолонинг замон ва макондан ташқари, балки замон ва маконни қамраб олувчи, уни яратувчи азалий ва абадий Зот эканлиги, бу Зотнинг ҳусну жамоли, қурдати ва яратувчилиги (сонеъ – сунъ этгаси эканлиги) таъкидланади.

Шундан кейин бутун олам Оллоҳга зикр айтиши, шукроналар қилиши, кеча ва қундуз, тонг ва шом, оламу одам унга тобелиги тараффум этилади. Улуғ шоир Худо қурдатини тоза, қалба таъсир этадиган ташбеҳ – тамсиллар воситасида таъриф этади. Чунончи, машшота (юзни пардозловчи) санъаткорлиги қундуз күзгусини кечада билан тозалаб, жилолантириди, кечада (тун)ни қундузсиз, қунни тунсиз тасаввур қилиш қийин, зеро, Парвардигор ўзаро

зидликни бир-бирига боғлиқ қилиб яратган. Бу – илохий ҳикмат: тунсиз күн, кундузсиз тун чиройли эмас ва бутун бўлмайди. Кундуз (куёшнинг) мунаввар шакли. Кунни Худонинг меҳрига, тунни Унинг қаҳрига ўҳшатганда ҳам, шу ҳикмат назарда тутилган.

Тонгда икки хислат бор: биринчидан, у қуёшнинг чиқиши, кундузнинг бошланишидан дарак берса, иккинчидан, тонг алдамчи ҳамдир, яъни, баъзан күн ёришгандай бўлиб туюлса-да, аслида ҳали тун тугамаган бўлади. Буни «ёлғон тонг» ҳам деганлар: «субҳи козиб», «субҳи содиқ» (ёлғон тонг, чин тонг). Навоий шунга ишора қилиб, тонгни найрангбоз деб айтади ва тонгни ҳар лаҳзада оғзидан олов чиқариб, одамларни алдайдиган ва айни пайтда ҳайратлантирадиган масҳарабозга ўҳшатади. Яъни, тонг ҳар лаҳзада Қуёш чиқишидан нишона бериб туради, демоқчи. Аммо ташбех бағоят гўзал ва тоза. Навбатдаги байтда ушбу ташбех яна давом эттирилган: тонг отишидан олдин юлдузлар осмонда ёрқинроқ кўринади, бу гўё ўт ҳароратидан масҳарабознинг оғзи куйиб, лаблари гардишида қабариклар пайдо бўлган кабидир. Кейинги уч байтда Тангри таолонинг ризқ берувчилик, одиллик сифатлари таърифланади ва бутун мавжудот Ундан баҳра олиб, Унга интилиши айтилади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ШОХУ ДАРВЕШ ҲИКМАТИ

Шарқ шоирлари асарларини мутолаа қилар эканмиз, дарвеш, гадо, фақири соҳибдил, солиҳ, ориф каби сўзларга тез-тез дуч келамиз. Аксар бу сўзлар шоҳ, шаҳзода султон, салтанат сўзлари билан ёнма-ён келади, «шоҳ-гадо» контраст-зиддиятли ибора орқали эса турли хилдаги Фикр-мулоҳазалар, ижтимоий-ахлоқий қарашлар баён этилади. Шундай экан, ўйлаймизки, бугунги ўқувчилар ҳам мазкур сўзларнинг маъносини англаб олиши ва бу сўзлар ишлатилган асарлар замирида яширинган мухим гоялар, мутафаккир адилларнинг ҳамон долзарб бўлиб келаётган қарашларини билиши зарур. Хўш, дарвеш ким? Шоҳ-чи?

Форсча дарвеш сўзининг луғавий маъноси гадо, камбағал демакдир, яъни дарвешлик – бенаволик, қашшоқлик. Камтар, хокисор бўлиш, ўзини ҳақиру забун ҳисоблаш дарвешнинг асосий фазилати деб қаралган. Шу билан бирга, қаландарларни, узлатга чекинган гўшанишин кишиларни ва яна кўп ҳолларда ориф сўфиларни ҳам

дарвеш деб атаганлар. Дарвеш кейинги маънода, айниқса, шेъриятда кенг қўлланилган. Дарҳақиқат, тиланчи гадо билан дарвеш ёхуд сўғининг ижтимоий ахволи, юриш-туришида ўхашлик бор: сўфи ҳам гадо – дунё мол-мулкидан мосуво бўлган, жанда тўнидан бошка нарсаси йўқ қашшоқ одам. Аммо сўғининг дарвешлиги онгли-иҳтиёрий сабю қўшиш натижасидир, унда тама йўқ, дарвешлик – унинг эътиқоди, у тариқат маслагини қабул қилиб, шу йўлда жонини, борлигини фидо этади.

Шайх Абу Саид Абул Хайдан сўфилик нима, деб сўраганларида, у: «Қўлида бор нарсасини ўзгаларга бағишлиш, бошдаги бор номақбул фикр-хаёлларни ташлаш ва бошга нима (қийинчилик) тушса – чидаш», – деб жавоб берган («Он чи, ки дар даст дорӣ – бидиҳи, он чи, ки дар сар дорӣ – биниҳи ва он чи, ки ба сар ояд – начаҳи»). Сўфи дарвеш корин тўйғизиш илинжиха юрган пастҳиммат, беор тиланчилардан шу жиҳати билан фарқ қилган (вокеан, Алишер Навоий «Маҳбуб ул-кулуб»да ўғриларга шерик очоғат тиланчи гадоларни нафрат билан мазаммат этади). Сўфи дарвеш ҳам тиланчи, лекин унинг тиланчилиги билан гадонинг тиланчилиги орасида еру осмонча тафовут мавжуд. Ўзини Ҳақ йўлига бағишлиб, дунёдан юз ўғирган; бойлик, олтин-жавоҳирга беписанд қараб, инсоний шаъну шараф, ҳикмат ва маънавий ганжинани ҳар қандай зару зевар, сарвату маснаддан афзал деб билган; қаноатли-диёнатли дарвешнинг тиланчилиги (толиблиқ) Илоҳ жамолига этишиш, файбнинг сиру асрорини кашф этиш учун тинмай изланиш, руҳни имтиёзлантириб, яйратиб боришдир.

Дарвешлар зоҳиран афтодаҳол, жанда кийимда (хирқа) кўринсалар-да, лекин ботинан илм-маърифатли, закий, ҳозиржавоб ва мард-ҳамиятли кишилар бўлганлар. Яъни, гуманист шоирлар наздида жамики яхши хулқ-атвор, қарам-саҳоват, инсоний фазилат дарвеш одамда акс этиши керак. Шайх Саъдий «Гулистон» асарида ёзади: «Дарвешларнинг зоҳири жанда кийим ва қиртишланган соч, ҳақиқати эса – тирик кўнгил, бедор дил ва ўлган нафсdir». Навоийнинг замондоши Мирхонд фикрига кўра: «Дарвешлик – афзалият каасб этиш учун кураш демак». Шу хусусияти билан дарвеш ўз нафсининг хокимига айланади, саркаш нафсни жиловлаб, қаноат таҳтини эгаллайди; маънавият мулкининг шохи бўлиб олади. Бундай мартабани эгаллаган дарвешларни «шоҳ дарвеш», «шайх», «хожа» (Баховуддин Нақшбандни муридлари «бизнинг хожамиз» деб тилга оладилар), «соҳибдил», «солиҳ» унвонлари билан эъзозлаганлар.

«Соҳибдил – ўз қалбининг эгаси, кўнгил амри билан юрадиган, ҳамиша огоҳ; ҳолнинг дардли кечинмаларини нозик ҳис этувчи дийдаси уйғоқ одам демак. Солиҳ деганда эса соҳибдил фазилати билан бирга раҳм-шафқатли, қарамли бўлиш ҳам назарда тутилади. Яхшилик қилишга қобил, некбин, ички дунёси бут, имон-эътиқодли кишиларга нисбатан солиҳ сўзи ишлатилган.

Шайх Саъдийнинг «Гулистон» ва «Бўстон» асарларида, Оғаҳий таржима этган «Мифтоҳ ут-толибин», «Далоил ул-хайрот», Толибхўжа таржимасидаги «Ҳикоят ус-солиҳин» номли китобларда соҳибдил дарвешларнинг ажойиб-ғаройиб хислатлари қизиқ-қизиқ ҳикоятлар тасвири орқали кўрсатилади. Солиҳ дарвешлар ҳалқ молига кўз олайтирмасдан, ўз меҳнатлари билан кун кўрадилар, бирорнинг ҳақини ейишдан ҳазар қиласидилар. Улар нафсни жиловлаганлари учун бирорвага боғлиқ эмаслар, амал-манрабга интилмайдилар ва шунинг учун ҳам эркин-озод яшайдилар. На шоҳнинг қули, на ҳўжанинг бандаси, на фуқаро шоҳи, на банданинг ҳўжасидирлар.

Ҳажга пиёда кетаётган дарвешнинг қўшиғидан:

На бар астар саворам, на чу уштур зери борам,  
На худованди раият, на гуломи шахриёрам.

(Саъдий Шерозий, «Гулистон»)

(Туя минган эмасман, аммо туя каби юқ остида ҳам эмасман, раиятга подшоҳ ҳам, подшоҳга кул ҳам эмасман).

Ҳа, дарвеш ҳамма дунёвий қайдлардан озод, унинг хаёли-хотирираси ва қалбида биргина Илоҳ бор, холос. Зоро, озод, мустақил одамгина олий ҳақиқат учун муросасиз жангга кира олади, молманраб, унвон-марtaba тамаида юрган одам, албатта, ҳокимиятга, шоҳга, мансабдорга қарам бўлади, ўз иродаси билан иш қилолмайди. Аммо шоҳ-чи? У – қул, дунё қули! Чунки у мол-дунёга ҳирс қўйган одамларнинг энг «пешқадами», энг зўри, унинг фикру ёди дунё эгаллаш билан банд. Шундай қилиб, шоҳ дунёдан тўймаслик, зулму зўравонлик рамзи бўлса, дарвеш ўз хусусияти билан шоҳнинг бутунлай тескариси – салтанат, тахту тожни инкор этиш, унга нафрат тимсолидир. Абдураҳмон Жомий буюрадилар:

Тораки дарвеши торик фориғ аз тожи зар аст,  
Камтарин тарқ аз кулоҳи торакаш тарки сар аст.

Кай муқаммал гардад аз тарки ду олам он кулаҳ,  
З-он ки тарки дидани он тарқ тарки дигар аст.

Сахраи нафси баҳимонро на зебад тожи факр,  
Сар ки ҳаст афсарро дархўр на жойи афсар аст.

(Тарк этувчи дарвешнинг боши олтин тоҷдан холидир, яъни тоҷни тарк этган, уни бошидан улоқтирган дарвешнинг боши озод, олтину зар хаёлидан холи. Унинг ўз бошининг тепаси – тарки энг камтарин кулоҳдир. Бу кулоҳ, яъни бош кийим икки олам – дунё ва оҳиратни тарк этишдан мукаммал бўлармикин, чунки икки оламни тарк этган бошни кўриш бошқачадир. Ҳайвоний нафснинг харсанг тошига дарвешлик тожи ярашмайди, подшолик тоҷига лойиқ бош – раҳбар бўлишга лойиқ эмас).

Демак, олтин тож ортидан юргурган, дунёни згаллашга ружуъ этган одам ҳалққа раҳбар бўлишга қодир эмас, чунки у факат ўзини ўйлади, ҳолбуки, ўз манфаатини ўйламайдиган одамгина ўзгалар манфаатини ўйлаши мумкин. Бугина эмас, Жомийнинг фикри чукурроқ: агар мақсад кишиларни нафс аждаҳосидан қуткариши, маънавияти оламига етаклаша бўлса, ўз нафси домига гирифтор шоҳ мамлакатни, ҳалқни тӯғри йўлга бошлай оладими? Йўқ, шоҳ ўз ижтимоий аҳволи, мақсад-нияти билан моҳиятан ҳалққа раҳбар бўлиши мумкин эмас. Ҳалққа раҳбар бўлиш учун бошни тож билан эмас, балки илоҳиёт нури билан, маърифат зиёси билан безаш керак. Маърифат эса тожни тарк этган бошга мусассар бўлади.

Шу боис шоҳу дарвеш жамиятнинг икки қарама-карши кутби, икки хил моҳият, икки хил ижтимоий мавкеъ, бир-бiriни тамоман рад этувчи икки хил интилиш, ақида – дунёқараш сифатида Шарқ гуманист адилларининг дикқат-эътиборини қаратиб келган. Бундан ташқари, мазкур муаммо мантиқий равишда инсон хилқати, эрки, жамиятнинг тузилиши-тартиботлари дунёдорлик, жамиятни бошқариш, адолатли ҳукмдор, якка ҳокимлик ва фуқаро, жаҳонгирилик ва мазлум ҳалқлар тақдири каби қадимдан давом этиб келаётган ва ҳамиша кун тартибида турган масалалар билан бοғланиб кетади. Бир томондан, шоҳлар, сultonлар ниҳоят улуғланар, расмий дин эса шоҳлар пайғамбарнинг ноиби, Ҳудонинг ердаги сояси деб уқдирар, аслзода синфлар вакили хону амирлар атрофига уюшиб, уларнинг химоясида жамият сарватларидан истаганча тасарруф этиш пайда бўлардилар. Феодал иерархия – мулкий нотенглик, тоифа-табакаларга бўлинish шоҳга сўзсиз итоат этишни тақозо этар, унинг обрў-эътиборига доф туширмасликка қаратилганди. Бутун мамлакат тақдири, миллионлаб одамларнинг тақдири яккаҳокимлик қилувчи

шохлар қўлида эди. Шунинг учун подшонинг шахсияти, ахлоқи, одил ёки золимлиги Жомий ва Навоий сингари улуғ шоирларнинг доимий мавзуига айланиб, улар қарийб ҳар бир асарида бу хусусда тўхтагланларини кўрамиз. Муҳими шундаки, мутафаккир адиллар шохларни адолатга даъват этиш билан чегараланиб қолмай, одиллик ва золимликнинг сабаблари, қаердан келиб чиқиши ҳақида ҳам бош қотирганлар ҳамда буни тасаввуфнинг дарвешлик тариқати билан изохлашга интилганлар. Шоҳ ва дарвешни қиёслаш ана шу интилишдан келиб чиқкан.

Демак, бир томондан, шохни улуғлаш, уни жамиятнинг энг юқори мансабни эгаллаган ҳукмфармо одами деб ҳисоблаш, иккинчи томондан, уни оддий дарвеш билан қиёслаш, ҳатто ундан паст қўйиш. Воеан, ҳалқ ва Ҳақ наздида кимнинг обрў-эътибори баланд – жаҳонни титратувчи «зилли Илоҳ» сultonларми ёки гадо қиёфасидаги покдил донишмандми? Кимнинг ҳиммати улуғ – ҳеч вақоси йўқ, лекин бирор миннатини кўтармайдиган, ўзининг ҳалол меҳнати билан кун кўрувчи камбағалми ёхуд қилич зарби билан юрт очиб ҳазина тўплайдиган ва ўз маддоҳлари бошидан зар сочадиган шавкатли подшоми? Агар ҳамма дарвешга айланса, мамлакат аҳволи нима кечади, ўшанда подшога ҳожат қоладими? Шоҳ дарвешга айланиши ёки таҳтга дарвеш ўтириши мумкиними? Шоҳу дарвеш бир-бирига меҳр қўйиб, ўзаро яқинлаша оладими ё бўлмаса, улар орасидаги зиддият агадул абадим?

Кўриниб турибдики, шоҳу дарвеш муносабати факат мавқеига кўра жамиятнинг икки қарама-қарши кутбидаги турувчи одамлар орасидаги муносабат эмас, балки ҳокимият ва билим, маърифат ва давлат, мулк ва сиёsat масалалари, улар орасидаги муносабатни ҳам қамраб олади. Буларнинг ҳаммаси эса, умуман, инсон ва ҳокимият масаласига келиб тақалади. Ҳокимият, таҳту тоҳ инсонга қандай таъсир этади, инсон табиатидаги қандай фазилатлар ёки нуқсон ожизликларни рўёбга чиқаради – бу жуда муҳим, чунки жуда доно, закий одамлар ҳам давлат тизгинини қўлга киритгандан кейин жабр ва зўрлик қилишдан тийилмаганлар! Не учунки, давлатнинг ўзи зўрлик куроли, муайян кишилар манфаатини ҳимоя қилиш воситаси. Шоҳ ҳам, истайдими-истамайдими, ўзи мансуб синфнинг манфаатини ҳимоя қиласди, кимларгадир зўрлик қиласди, кимларнидир жазолайди. Худди шу нарсанинг ўзи, яъни ҳокимлик, мансаб инсонни бузади, унинг ахлоқига, қалбига футур етказади. Аммо шоҳ кимни жазолаши, кимни ҳимоя қилиши керак? Жомий ва

Навоий (улардан олдин ўтган мутафаккирлар ҳам) назарида подшо яхшиларни ҳимоя қилиб, ёмонларни жиловлаши лозим.

Ёмонлар деганда улуг шоирлар халқа нохақ зулм ўтказувчи ҳокимлар, қонун ва шариатдан ташқари чиқкан рухоний, қози-ю уламолар, корилар, фирибгарлар, ортиқча солиқ ундирувчи амалдорларни назарда тутадилар. Одил подшоҳ тадбиркор чўпондай ўз фуқаросини ана шундай золимлардан ҳимоя қилиши, маърифат ахлини ардоқлаб, улар маслаҳати билан сиёsat юргизиши керак. Маърифат ахлиниң пешвоси эса дарвешлардир. Бироқ инсондаги ҳокимиятга ҳирс, дунёпарастлик, бир-бири устидан ҳукм юритишга интилиш маърифатни, дарвешлик эътиқодини борган сари кўпроқ рад этар, унинг ғояларини саройдан четлаштиради. Натижада, шоҳу дарвеш орасидаги жарлик нафақат моддий нуқтаи назардан, балки мағкуравий-маънавий нуқтаи назардан ҳам кенгайиб борар, улар орасидаги зиддиятни чуқурлаштирап эди. Шўнинг учун шоирлар шоҳу дарвеш масаласини ҳар бири ўз ижодий концепцияси, ижтимоий қарашларига амал қилган ҳолда турли йўсинда талқин этган бўлсалар-да, бироқ ана шу келиштириб бўлмас тафовутни акс эттиришни маъқул кўрганлар.

Ўрта асрлар Шарқида бу масаланинг муҳимлиги яна шу билан ҳам кучаярдики, сўфи дарвешларнинг кўпি ҳаётнинг ўзида шоҳларга ва ҳокимиятга нисбатан қарама-қарши турганлар, айниқса, золим ҳукмдорларни жиловлаш, мазлум оммани зулмдан ҳимоя қилишни дарвешлар ўз бурчлари деб билганлар. Зоро, тасаввуфнинг ўзи таълимот сифатида ҳокимиятга, зулм ва зўрликка қарши эди, шу заминда пайдо бўлиб, шу халқил позицияда ривожланарди. Бунинг акси бадиий адабиётда кўринди. Шайх Саъдий асарларида солиҳ дарвешлар эл орасидаги обрўларидан фойдаланиб, золим амирларни қаттиқ танқид қиласидилар, ҳаттоки, улардан бири «Гулистон»да жабр-зулм ўтказишида машхур Ҳажжож ибн Юсуфга: «Одамларга озор бергандан кўра ўлганинг яхши, тезроқ ажалинг етиб, сен ўлсанг ҳам эл қутулади, ҳам сенинг ўзинг», дейишгача боради.

Саъдий Шерозий дарвешлар рафтори, сийратини зўр муҳаббат билан тасвирлаган. Низомий Ганжавий, Фаридиддин Аттор, Жалолиддин Балхий, Ҳофиз Шерозий ижодида ҳам бу хақда битилган оташин сатрлар анча. Аммо бу ижодкорларнинг ҳаммасида битта ғоя етакчилик қиласи, яъни, дарвеш шоҳдан устун, дарвешлар шоҳларга эмас, балки шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, дарвешларнинг насиҳат-маслаҳатларига қулоқ солиб, адолат ва ин-

соф йўлидан боришлари лозим. Чунки дарвеш олий зот, Худога яқин, Ҳакни кашф этган одам. Шунинг учун шоҳ уни истаб бориши, дусосини олиши, унга итоат этиши шарт, шунда иши ривож топади.

Шоҳ дарвешга муҳтож. Бунинг маъноси шуки, шоҳ нафақат маслаҳат-насиҳатга, балки Илоҳга, Илоҳни танитишининг энг тўғри йўли бўлмиш тасаввуфга муҳтож. «Хусравлар жаҳон ҳожатмандларининг қибласи бўлсалар-да, аммо бунинг сабаби уларнинг дарвешларга бандалигидир», – деб ёзди Ҳожа Ҳофиз. Бошқача айтганда: подшолар дарвешларга банда бўлганлари учун ҳожатманд кишилар уларга қараб интиладилар, яъни, шоҳнинг сарват-салтанати, шуҳрат-эътибори дарвеш туфайли пойдор.

Юқоридаги мисол Ҳофиз Шерозийнинг ўн уч байтилди ғазалидан олинди. Шуни қайд этиш керакки, ушбу ғазалда дарвешликнинг бутун бир қоида-низомияси баён этилган. Шоир дарвешларни инсоният жамиятининг энг мўътабар, энг муқаддас ва азиз кишилари деб таърифлайди. Унингча, барча яхшиликлар дарвешлар туфайлидир, улар ҳаётнинг, борлиқнинг ўзак-тиргаги, уларнинг ҳиммати ва ҳашамати олдида жаннату ризвон ҳам кичкина, арзимас нарсага айланиб қолади:

Қасри фирдавс, ки ризвонаш ба дарбоний рафт,  
Манзаре аз чамани нуэҳати дарвешон аст.

(Ризвон номли фаришта ашигини қўриклийдиган жаннат қасри дарвешлар покизалиги чаманидан бир манзара, холос).

Дарвешларнинг сухбати шундай кимёким, пишмаган ҳаёлларни пиширади, қалбни қора доғлардан тозалаб, сайқал бера олади. Офтоб «такаббур тожи»ни улар қошида ерга олиб қўяди, фалаку сайёра шунча улуғворлиги билан дарвеш теграсида айланади. Дарвешларнинг узлати, хилватхонаси – тилсимлар тўла ганжидир, бу ганжни қўлга киритиш ҳам «дарвешлар раҳматининг назари» билан бўлади. Шунинг учун дарвешларнинг давлати – туганмас, завол билмас давлат:

Давлатеро, ки набошад ғам аз осеби завол,  
Бетакаллуф бишнав, давлати дарвешон аст.

(Емирилиш офати ғамидан эмин бўлган давлат – ҳеч шубҳасиз, дарвешлар давлатидир). Шоир шоҳларнигина эмас, барча бойлар, манман кишиларни огоҳлантириб, ҳирсу ҳавога берилмасдан, ха-

сислик қилмасдан мұхтожларга қарашиб туришни, дарвешнинг дуойи бадига учрамасликни таъкидлайды, бўлмаса, Қорун каби уларни ер ютиши хеч гапмас:

Ганчи Қорун, ки фурӯ меравад аз қаҳр ҳануз,  
Хонда бошӣ, ки ҳам аз ғайрати дарвешон аст.

(Агар ўқиган бўлсанг, ҳали-ҳанузгача ер қаърига кириб кетаётган Қорун ганжи ҳам дарвешларнинг ғайратидандир).

Куръони каримда келтирилишича, Қорун жуда катта бой бўлган экан. Ҳисобсиз олтин-жавоҳир йиққан, аммо нихоятда хасислигидан бирорвга бир мири бермас экан, Оллоҳнинг қаҳри келиб, унга ғазаб қиласди ва у бутун бойлиги билан ер қаърига кириб кетади. Ҳожа Ҳофизнинг фикрича, ана шу илоҳий ғазаб дарвешлар дуоси туфайлидир. Ҳофиз ғазалидаги қуйидаги байт ҳам диққатни тортади:

Аз карон то ба карон лашкари зулм аст, вале  
Аз азал то ба абад фурсати дарвешон аст.

(Кирғоқлардан қирғоқларга қадар зулм лашкари ёйилган, яъни ҳамма ёкни зулм босиб кетган, аммо азалдан абадгача дарвешларнинг вақтидир).

Нима демоқчи шоир бу билан? «Зулм лашкари» Ҳофиз байтида икки маънога эга: 1) инсонларнинг бир-бирига зулми, жабру жафонинг ҳаддан зиёд кўплиги; 2) дунёнинг, фалакнинг одамларга зулми чексиз-чегарасизлиги. Бу икки зулм бир-бири билан қўшилиб кетган, дунёпарастлик, нафс ортидан югуриш, ўз-ўзига зулм қилиш, яъни, нафс зулми остида эзилиш чархи фалак зулмининг бир кўринишидир. Фалак ҳам, инсоннинг жисмоний эҳтиёjlаридан пайдо бўладиган ўзаро низолар, олишув-талашувлар ҳаммаси зулмдир, аммо ана шу зулм лашкари дарвеш хислати билан бартараф этилиши мумкин. Дарвешнинг таъсири, дарвешнинг эътиқоди Улуғ Тангри мисол азал ва абад мавжуддир, унинг вақтининг худуди йўқ, дарвешлар ҳамма ерда, ҳамма вақт инсонларни қутқаришга ҳозири нозир. Шунинг учун:

Ҳофиз, ар оби ҳаёті абадий меҳоҳи  
Манбааш хоки дари хилвати дарвешон аст.

(Эй Ҳофиз, агар абадий ҳаёт бағишловчи оби ҳаёт истасанг, билгилки, унинг манбаи дарвешлар хилватхонаси эшигининг тупроғидир).

Хожа Ҳофизнинг мазкур ғазалида ифодаланган ғоялар Жомий ва Навоийга ҳам таъсир этган кўринади, чунки ҳар икки замон-дош адиб шу мавзуда бир неча ғазалларни яратгандар. Навоийнинг «Девони Фоний»сига кирган ғазали вазн, қофия ва радифи билан («дарвешон аст») Ҳофиз ғазалига ҳамоҳанг. Аммо Алишер Навоий татаббуъ аньanasiga риоя қилгани ҳолда шаклий белгиларни сақлаб, баъзи ибора-ифодаларни қайтарган бўлса-да, лекин ғояни ривожлантириш, янги тасвирий образлар қўллаб поэтик мазмунни чуқурлаширишга муваффақ бўлган. Шуниси ҳам борки, Навоий ғазали «татаббуи Махдум», яъни Жомийга татаббу сарлавҳаси остида келтирилган. Афтидан, улуғ ўзбек шоири бу орқали ғазални ёзишда ҳам Ҳофиз, ҳам Жомий асарларидан илҳомланганини билдирган. Аммо унда Ҳофиз руҳи ёрқинроқ намоён бўлган. Чунончи, Ҳофиз матлаи:

*Равзай ҳулди барин хилвати дарвешон аст  
Мояи муҳташамӣ хидмати дарвешон аст.*

(Беҳишти жовидоннинг боғи – дарвешлар хилватидир, улуғворлик, ҳашаматнинг асоси дарвешлар хизматидир).

Навоий – Фоний матлаи:

*Матлаи субҳи азал талъати дарвешон аст,  
Махзани нақди абад хилвати дарвешон аст.*

(Азал тонгиннинг отиши дарвешлар юзидир, абадийлик сармоясининг ҳазинаси дарвешлар хизматидир).

Муҳими шундаки, Навоий ўз ғазалида ифодалаган ғоялар Ҳофиз ва Жомий ғоялари билан ҳамоҳанг. Навоий ҳам дарвешнинг мартабасини арши аълога кўтариб мақтайди, уларни эзгу ишлар ижодкори, илохий раҳмат ва хайру баракат манбаи деб ҳисоблайди. Яхшиси, ғазалдан бир неча байт келтириб кўрайли:

*Шамъи ҳуршед, ки гулзори жаҳон равшан аз ўст,  
Гуле аз базмгоҳи нузҳати дарвешон аст.*

*Жоми Жамшед, к-аз ў кори жаҳон аст аён,  
Як сафоли кўҳан аз сухбати дарвешон аст.*

*Арши аъзам, ки бувад боли малак жорубаш,  
Куббай боргаги ҳашмати дарвешон аст.*

*Тоири кудс, ки бар арш нишеман дорад,  
Пайки пайғомдиҳи ҳазрати дарвешон аст.*

(Жаҳон гулзорини равшан этувчи офтоб шамъи дарвешлар поклик базмининг бир гулидир. Жаҳон ишларини кўрсатиб турувчи Жамшид жоми дарвешлар сұхбатидаги битта эски синик сафолга тенгдир. Малоика қаноти супургиси бўлган Буюк арш дарвешлар ҳашамати қасрининг куббасидир. Аршга кўнадиган муқаддас қуш – фаришта дарвешлар ҳуэурига пайғом – хабар келтирадиган элчидир). Шунга ўшаш дарвешларнинг қудрати бекиёс экани турли ташбеҳлар орқали баён этилади. Чунончи, юлдузлар билан безангандан фалак – дарвешнинг исмат ҳарамидан бир парда, хайли бало дилга хавотир солгандা, дарвеш уни енги билан силтаб дафъ эта олади, ҳатто инсонга қараб отилган қазо ўқини қайтаришга ҳам дарвешнинг қурби етади ва ҳоказо. Шунга асосан, шоир хуласалайди:

*Фониё, равшанини вақт зи дарвешон жуй,  
К-ин күшод аз назари раҳмати дарвешон аст.*

(Эй Фоний, замона-вақт равшанлигини дарвешлардан изла, чунки бу күшойиш дарвешлар назарининг раҳматидандир). Ҳуллас, комил инсон фазилатларини ўзида акс эттирган, аҳлулоҳ, яъни илоҳий ҳақиқат изловчилар ер юзида ўзгалар учун раҳнамо бўлиши, эзгу-хайр ишларни амалга ошириши, илоҳий неъматларни ёйиши мумкин. Бошқача айтганда, дарвеш – умумлашма образ, эзгулик-нинг тимсоли. Кароматли улуғ шайхлар ҳам, қалби соғ қаландарлар ҳам, мискин мўминлар ҳам, ижодкор адабилар ҳам бунда ўзларини кўришлари мумкин. Лекин аксар авлиёлик даражасига кўтарилиган сохибкарот дарвешлар кўпроқ назарда тутилгани равшан кўриниб турибди, албатта.

Масалан, Фаридуддин Атторнинг «Тазкират ул-авлиё», Абдураҳмон Жомийнинг «Нафаҳот ул-унс» ва Алишер Навоийнинг «Насойим ул-муҳаббат» асарларида келтирилган шайхларни айнан шундай дарвешлар зумрасига киритса бўлади. Масалан, Ҳожа Аҳрор Валини Жомий факт аҳлининг пешвоси деб таъриф этади «Футухот ушшабоб» девонига кирган «Дар маънни факт аст ва дуои хожа» (Факт маъносидадир ва Ҳожа Убайдуллоҳ дуосида) номли қасидасида. Тарихий ҳужжатлар ва ҳалқ орасида тарқалиб етиб келган ривоятларга қараганда, Ҳожа Аҳрорнинг молу мулки жуда кўп бўлган. Унда Жомий таърифини қандай тушуниш мумкин, «факт» сўзини Ҳожа Аҳрорга нисбатан ишлатса бўладими?

Афтидан, Абдурахмон Жомий Хожа Ахорори Валини факру фано ахли қаторига кўшганда, у кишининг шахсий фазилати, хулқи ва турмуш тарзини, сўфиёна ҳаёти-ю маърифатли қалбини назарда тутган. Чунки Хожа Ахорор гарчи ҳисобсиз бойликка эга бўлса ҳам, ўзи фақирона ҳаёт кечирган, унинг бойликлари эса қашшоқларни бокиши, муҳтожларга қарашиш учун сарфланган. Жомий ҳам «фақр» деганда кўнгилнинг Илоҳдан бошқа нарсага қаратилмаганини англайди ва бу сифат Хожа Ахорорда мужассам деб ҳисоблайди. Кези келганда айтиш керакки. Жомийнинг ўзини Алишер Навоий олиймақом дарвеш – илоҳиёт кошифи деб улуғлаган. Навоий ўз пири Абдурахмон Жомий сиймосида комил инсоннинг фазилатларини кўради; «Тухфат ул-афкор» қасидасида у ёзди:

*Хомии шары наби Жоми, ки жоми шаръро  
Дошта бар каф лаболаб аз шароби кавсар аст.*

*Он ки аз илми фузун аз ҳад набиро ворис аст,  
Балки аз қавли наби пайғамбаронро ҳамбар аст.*

*Равзай раъий мунираш гулшане дон, қ-аш зи лутф  
Қатраи руҳсораи ҳар барг меҳри анвар аст...*

(Пайғамбар шариатининг ҳомийси Жомийким, кафтида тутган шариат жоми кавсар шаробидан лиммо-лимдир. Ҳаддан зиёд илми билан пайғамбарга ворис бўлган бу одам, пайғамбарнинг ўз қавлига кўра, пайғамбарларга баробардир). (Муҳаммад пайғамбарнинг «Олимлар – пайғамбарларга ворис» деган ҳадиси назарда тутилган.) Нур таратувчи фикри богини шундай гулшан деб тасаввур қилики, унда ҳар бир барг юзидаги қатра лутфининг порлок қўёшидир...)

Алишер Навоийнинг туркий ва форсий девонларида шунга ўхшаш дарвешлар сийратини мадҳ этувчи шеърлар кўп. «Хазо-йин ул-маоний» девонларининг ҳар бири аввал Илоҳ ва Муҳаммад пайғамбарга ҳамду наът билан очилиб, кейин дарвеш орифлар хислатини, улуғворлигини таъриф этувчи фазаллар билан давом этади. Бундан ташқари, девонлар алифбо тартибида тузилгани учун, ҳар бир янги ҳарф билан ёзилган фазаллар мажмуини Навоий одатда дарвешлар ҳақидаги фазал билан бошлайди. Биргина «Ғаройиб ус-сигар» девонининг ўзида дарвеш мавзуига бағишлиланган қирқча яқин фазал, муҳаммас ва қитъаларни учратдик. Навоий дарвешларни Худо ва пайғамбардан кейин тилга олиб, уларни инсоният билан Илоҳ орасидаги воситачи, руҳий-маънавий олам посбонлари сифатида

эъзозлайди. Аммо улуф ўзбек шоирини шоху дарвеш муносабати ва бундан келиб чикадиган масалалар кўпроқ қизиқтирган, буни шундан билса бўладики, адиднинг қарибй ҳамма насрый ва назмий асарларида бу ҳақда бевосита ёки билвосита фикру мулоҳазалари бор. Бу ҳол Навоий ёшлик айёмидан бошлаб мазкур масала устида бош котиргани ва дарвешлик, тасаввуф гояларини комил эътиқод билан ўзлаштириб, барқарор дунёқарашибга айлантирганини ҳам исботлайди. Энг муҳими, у шоху дарвеш масаласини ҳал қилишда янги, ўзига хос мустақил йўл тутиб, ўз замонаси учун гоят аҳамиятли қараашлар силсиласини олға сурган. Чунончи, «Гаройиб ус-сигар» девонидаги мана бу ғазалга дикқат қилинг:

Ҳар гадоким бўриёни факт эрур кисват анго,  
Салтанат зарбафтидин ҳожат эмас хильят анго.

Ким фано туфроғига ётиб қўяр тош узра бош,  
Тахт уза эрмас музахҳаб муттако ҳожат анго.

Шаҳ юриб олам очар, дарвеш оламдин қочар,  
Ҳам ўзинг инсоғ бергилким, бу не нисбат анго.

Ҳар не шаҳ мақсадидур – дарвешнинг мардудидур,  
Кўр: не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анго.

Факт кўйи туфроғин шаҳ мулкига бермас факир,  
Мулк кўрким, тенг эмас туфроқ ила қиймат анго.

Шаҳ сипаҳ чекса, факир аҳволига етмас футур,  
Бу vale чеккач нафас барбод ўлур ҳашмат анго.

Шаҳ эмастур бир нафас осуда дўзах ваҳмидин,  
Эй хушо дарвешким, мардуд эрур жаннат анго.

Шаҳфа сидқ ахли дамидин машъали давлат ёрур  
Мехрдекким, субҳ анфоси очар тальят анго.

Шоҳга шаҳлиқ мусалламдур агар бўлгай мудом  
Шоҳлиқ таркин қилиб, дарвеш ўлур ният анго.

Мумкин эрмас шаҳлар ичра бўйла ниятлиф, магар  
Шоҳи Фозийким, мұяссыр бўлди бу давлат анго.

Шоҳлар дарвеши-ю дарвешлар шоҳи, ки бор  
Шоҳлиқ сурат анго, дарвешлик сийрат анго.

То шаҳу дарвеш бўлгай, айлагил ё Раб, аён  
Шоҳдин хизмат мунга, дарвешдин ҳиммат анго.

*Гар Навоий сўз узатти, факрдин эрмас деманг  
Бўлмағунча хукм шаҳдин, қайда бу журъат анго.*

(«Фаройиб ус-сифар», 8-ғазал)

Мухтарам китобхонларга тушунарли бўлиши учун мавзу мазмунига мувофиқ тазод-зидлаш усулида ёзилган ушбу ғазалнинг насрый баёнини келтирамиз: «Факирлик бўйрасини ўзига тўшак қилиб олган гадо учун салтанатнинг зардан тикилган шохона либосига эҳтиёж йўк; фано (йўқлик) тупроғи уза ётиб, тошни ёстиқ қилиб олган одамга олтин суви юргизилган тахт устига суюниб ўтириш керак эмас; шоҳ қўшини билан юриш қилиб, олами згалласа, дарвеш оламдан қочади, яни, дунё молидан безор бўлиб, узлатга чекинади; энди ўзинг инсоф юзасидан айт: уларни бир-бирига қиёслаш мумкинми?! Нимаики шохнинг мақсади бўлса, у дарвешнинг нафратини келтиради; дарвешнинг ҳимматини кўргину шохнинг аҳволига бок!

Факир одам дарвешлик кўчасининг тупроғини шоҳ хазинасига алиштиrmайди; ахир, кўярпсан-ку, уларнинг мулки тенг эмас – шохнинг бутун бойлиги дарвеш назарида тупроқ билан баробар; агар шоҳ лашкар тортса, гадонинг аҳволига футур етмайди, лекин гадо оҳ урса, шохнинг тахту тожи, ҳашаматли саройи барбод бўлади; шоҳ дўзах азоби ваҳимасидан бир нафас осойишта яшоммайди; аммо дарвешга офарин, чунки у жаннату дўзах ғамидан фориғ; шоҳлар давлатининг чироги ростгўй дарвешлар нафасидан ёнади, бу нафас гўё тонг юзини очган күёш кабидир; агар шохда ҳар вақт шоҳлиқдан воз кечиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга муносиб ва барқарордир; бундай ният шоҳларда мавжуд эмас, фақат шоҳи Фозий – Ҳусайн Бойқаро бу олий давлатга мушарраф бўлган; у шоҳларнинг дарвеши-ю дарвешларнинг шохидир, чунки ташки кўриниши шоҳ бўлгани билан, ички оламига кўра дарвешдир; эй Тангirim, токи шоҳу дарвеш бор экан, шоҳдан дарвешга хизмат ва дарвешдан шохга ҳимматни аён айлагин; агар Навоий факр ҳақида сўзни чўзган бўлса, бу шохнинг (Ҳусайн Бойқаронинг) ҳукмидандир, бўлмаса унда бундай журъат қаерда эди.

Бу ғазал шоҳ ва дарвеш муносабати ҳақидаги яхлит бир баённома – дастур! Навоийнинг фикрлари салафлари – Саъдий, Ҳофиз, Жомийга нисбатан ва ҳатто, ўзининг форсий ғазалида ифодалаган (бу ғазални юқорида кўриб ўтдик) ғояларига қараганда кескинроқ, қиёслари дадил ва журъатли. Унинг дарвешга рағбат-майли,

бугина эмас, эътиқод-сигиниши шундайгина кўриниб турибди. Бунга ажабланмаслик керак, чунки Навоий учун дарвеш идеал, маҳбуб ва маъшуқдир. Шу боис шоир шоҳ ва дарвеш орасидаги тубсиз жарлиқдай кўринган тафовутни бир-бирини рад этувчи далил-мисоллар билан ажойиб тарзда, ҳаяжон, шавқ билан қиёслаб кўрсатар экан, тасаввуфнинг жасоратбахш ғояларидан бири – дарвеш шоҳдан афзал ва улуг, шунинг учун дарвеш шоҳга эмас, шоҳ дарвешга муҳтоҷ, демак, шоҳлар дарвешларга хизмат қилиши керак, деган фикрни эҳтиросини яшимрмай, қизғин маъкуллади. Бу концепция Навоийдан олдинги шоирлар ижодида ҳам асосий йўналишлардан бири эканини кўриб ўтдик, Навоий мазкур анъанани давом эттирган. Аммо ғазалнинг биринчи қисми бўйича фикр юритганимизда шундай хулосага келиш мумкин, ғазалнинг тўқизинчи байтидан кейинги иккинчи қисмига ўтганда эса, шоирнинг позицияси ўзгаради – у салафлар фикрига зид ўлароқ шоҳу дарвеш хусусияти бир шахсада муҗассамлашиши мумкин, деган фояни олға суради ва Ҳусайн Бойқаро сиймосида бунинг конкрет ҳаётий мисолини ҳам кўрсатиб беради.

Нима бу – ўз сultonига билдирилган ҳурмат-мадҳиями ёки ҳақиқатан ҳам шоирнинг кузатишлари, ишонч-эътиқодидан келиб чиқадиган хulosами? Айтидан, бу ўринда ҳар икки максад ҳам кўзда тутилган. Негаки, гарчи дарвешларни улуғлаш аввалдан давом этиб келаётган анъана бўлса-да, бироқ саройда хизмат қилаётган Навоий учун бундай изҳорот, унинг ўзи таъкидлаганидай, жуда қалтис журъат эди. Бу гап сарой аъёнлари, калтафаҳм авом кишилар наздида сulton обрўйини пасайтириб, мавқеини тушириши мумкин эди. Бироқ зукко шоир Ҳусайн Бойқаро табиатида ҳеч бир шоҳда кўринмаган дарвешлик хислати мавжуд, дейиш билан, аксинча, сultonнинг обрў-эътиборини янада баландроқ кўтариб юборади ва айни вақтда, шоҳ ва дарвеш ҳақидаги ўзининг янги қарашини изҳор этади.

Бу қараш Шарқ ҳалқлари ижтимоий-сиёсий тафаккури тарихида янги босқич, адабиётда эса янги ижодий концепциянинг кун тартибига кўйилиши эди (Навоийдан олдинги шоирларда аҳён-аҳён донишманд дарвешнинг таҳтга ўтиргани ёхуд ҳукмдорнинг дарвештабиат бўлиши ҳақида орзу-истаклар мавжуд. Аммо бу, Навоийда бўлганидай, мунтазамлик касб этиб, конкрет тарихий шахс мисолида кўринган эмас. Масалан, Ҳофиз Шерозий вазирнинг нисбатан дарвешлик рутбасини раво кўради, шунда ҳам бу фикр орзу тарикасида баён этилган: «Мен шундай доно вазирнинг қулидирманки, унинг

сурати хожа бўлса ҳам, лекин сийрати дарвешона бўлсин»). Алишер Навоий ўзининг бу қарашини турли асарларида ҳар хил образ ва воқеалар талқини орқали қайта-қайта таъкидлаб, Ҳусайн Бойқарога хос бу фазилатнинг янги-янги қирраларини очишга эришади. Баъзан ўз фикрига шубҳа билан қарайди, баъзан эса уни астойдил химоя қиласди, лекин ҳар гал шу масала қўзғалганда, ё бўлмаса адолатли шоҳ ҳақида гап кетганда, албатта, Ҳусайн Бойқарони тилга олиб, унинг «шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳи» эканини таъкидлашни лозим деб билади.

Масалан, «Бадоев ул-бидоя» дебочасида ёзилишича, Ҳусайн Бойқаро ёшлигиданоқ (маълумки, Навоий билан Ҳусайн Бойқаро ёшлиқда бирга таҳсил кўришган, дўст-ўртоқ бўлиб, бир неча йиллар бирга юришган) хуштабъ, дарвешсифат одам бўлган экан, таҳтга ўтиргандан кейин эса:

*Султонлик анга гарчи мусаллам бўлди,  
Бу турфаки, дарвешсифат ҳам бўлди.*

1469 йилда Ҳусайн Бойқаронинг таҳтга ўтириши муносабати билан ёзилган «Хилолия» қасидасидан:

*Шоҳликда ояте дарвешлиқдин кўрмайин  
Бўриёйи фактча заркаш сарирни рифъатин.*

*Шоҳлар дарвеши-ю, дарвешлар шоҳи, ки ҳақ  
Шоҳ қилди суратин, дарвеш қилди сийратин.*

Бу байтларда ифодаланган фикрни олдин «Бўриёйи факт...» деб бошланувчи ғазалда учратган эдик. Лекин бу ерда «шоҳ юксак таҳтини факт бўриёсича кўрмайди, у шоҳликда дарвешлиқдан нишона тополмади», деган факт ҳам мавжуд. Ҳолбуки, бу – табрик сўзи, Навоий дўстини шоҳлик билан муборакбод этмоқчи. Аммо шундай пайтда ҳам шоир шоҳ учун дарвешлик зарурлигини айтишдан ўзини тиёлмаган.

Дарвешлиқнинг белгиларидан бири Ҳақни таниш, илмга ташналик ҳамда хокисорлик, ўзни факиру ҳақир ҳисоблашдир. «Ҳазойин ул-маоний» дебочасида Ҳусайн Бойқаронинг шу сифатлари таърифланади:

*Ҳақ кўнглин анинг биликка маҳзан айлаб,  
Ҳар фан ариғ зотини якфан айлаб,*

*Жоҳи-ю таҳтин чархи мусамман айлаб,  
Туфроқдек ул ўзин фурӯтган айлаб.*

Яъни: Худо унинг кўнглини билим конига айлантирган, ҳар бир фаннинг нозик жиҳатларини тезда ўзлаштириб олади, тахту баҳти чархи фалак билан тенг. Аммо шундай бўлишига қарамай, ўзини камтарин, афтодалар каби тутади.

Дарвешликнинг яна бир муҳим белгиси – ошиқлик, Илоҳ ёдида дардмандин, огоҳдил бўлиш. Турфа буким, бу хислатлар ҳам султондан бор экан:

Ҳам қиблай иқбол ҳарими жоҳи,  
Ҳам қаъбаи омол бийик даргоҳи.

Шоҳларнинг дардманди-ю огоҳи,  
Бу турфаки дардманларнинг шоҳи.

Яъни, унинг тахтининг атрофи – иқбол қибласи, унинг буюк даргоҳи – орзу-армонлар қаъбаси, ўзи шоҳларнинг огоҳдил дарвеши, ажибки, шоҳларнинг дардмандигина эмас, дармандларнинг шоҳи ҳам.

Ва ниҳоят, «Лайли ва Мажнун» достонининг бағишловидан:

Шоҳлар аро ўрни токи афлок,  
Дарвешлар оллида овуч хок.

Дарвеш десам улус уза шоҳ,  
Шоҳ-дарвеш, боракаллоҳ...

«Лайли ва Мажнун»даги ушбу бағишловда Навоий Ҳусайн Бойқаронинг таҳтада ўтириб, тариқат русуми билан ошно бўлгани, ўзини лир (Жомий) ихтиёрига топширгани, вақти-вақти билан қадамжолар, хонақоҳларни зиёрат этгани, Ҳиротдаги дарвеш-орифлар, шайхлар аҳволидан хабар олиб туриши, ваҳдат ул-вужуд таълимотини ўзлаштиришга интилгани ва ҳатто, сўфийларни йиғиб, бу мавзуда сұхбатлар кургани, баъзан ғолиб келгани, шоҳ бўлсада, тахту тоҷдан нафрatlаниб юришини, қалбан дарвешлигини маҳсус қайд этиб ўтади. Ҳуллас, Алишер Навоий фикрича, таҳтга ўтириб, таҳтдан нафрatlаниш, тоҳ кийиб салтанатга маҳлиё бўймаслик, шоҳлик рутбасида дарвешдай ҳалол ва ҳалим, ҳаким ва карим бўлиш, дарвеш маслагини қабул қилиб, адолат ҳукми билан юртни бошқариш мумкин. Бу ҳукмдан дунё обод бўлади-ю, аммо ҳукмдорнинг дунё билан иши йўқ. Мазкур хислатлар султон Ҳусайн Бойқарода қанчалик мужассамлангани бизга қоронги. Албатта, у ўз даврининг феодал шоҳларидан бўлган, «феодал тартиботлар талаби

ва ўша даврнинг адолатли идора усули» асосида подшолик қилган. Унинг ҳамма тадбирлари ҳам Навоий ва Жомийга маъқул бўлмагани, Навоий ҳар бир қуляй фурсатдан фойдаланиб, сultonни адолатли ҳукмлар чиқаришга чорлагани тариҳдан маълум. Бироқ шуниси ҳам аники, Ҳусайн Бойқаронинг шахсий хусусияти, риндана табиатидаги ўзига хос кайфиятлар, илм-маърифатга мойиллик Навоий идеалидаги шоҳ дарвешликнинг бир қанча сифатларини зоҳир эттириб, некбин шоирнинг умид фунчаларини яшнатишга сабаб бўлар, унинг эзгу тоялари амалга ошгандай эди.

Шу ўринда диккatingизни яна бир далилга қаратмоқчимиз. Ҳусайн Бойқаро бир ғазалида «салтанатдан унча фахрланмайман, мени Ёр кўйининг гадолари хайлидан ҳисобласалар дуруст бўларди», деган фикрни баён этади. Навоий сultonнинг шу ғазалига мусаддас боғлаб, маслақдошлиқ изҳор этган:

Чун Навоий жонини май орзуси кўйдурур,  
Йўқ гадоликқа ажаб майхоналарда кубдурур («куб» – хум).

Журъаे дайр аҳли бергунча замоне телмурур,  
Шоҳ агар мундоқ гаддони салтанатқа еткурур.

Эй Ҳусайнний, салтанатдин онча фахрим йўқтурур,  
Ким дегайлар кўйининг хайли гадосидин мени.

Аслини олганда, Навоийда шоҳу дарвешни бирлаштириш тоясининг пайдо бўлишига боис фақат сultonнинг «дарвеш» табиати эмас. Ҳусайн Бойқаро бу ерда бир восита, мисол, холос. Шоирнинг бундай хulosага келишига, бизнингча, иккита асосий сабаб бор. Биринчиси – Навоийнинг ижтимоий-сиёсий ҳаётда фаол иштирок этиб, олиб борган амалий курашлари бўлса, иккинчиси – нақшбандия таълимотининг назарий принципларидир. Биз яхши биламизки, Алишер Навоий ҳам давлат арбоби ва ҳам қалби ёниқ ижодкор шахс сифатида жамият ишларида фаол иштирок этиб турган (диккат килинг: Атоуллоҳ Ҳусайнний Навоийни «Худованди корий», яъни иш, фаолият эгаси, яратувчи деб таърифлайди), шу билан бирга, у Шарқ фалсафасини, айниқса, тасаввуфни чуқур ўзлаштирган, даврининг энг зўр донишманди ва орифи кошифи Абдураҳмон Жомий хуэурида тариқат сулукининг одоб ва ахлоқидан дарс тинглаган.

Бошқача айтганда, Навоий шахсининг ўзида ижодкорлик, олимлик, давлат арбоби (сиёсатдонлик) ва дарвешлик хусусиятлари уйғунлашиб кўзга ташланар, шунинг учун ҳам, у тасаввуф таълимо-

тидан амалий мақсадларда фойдаланишга, бу таълимотнинг талаб ва тамоилларини яхши инсоний ахлокни тарбиялашга ва эзгу-хайр ишларни амалга оширишга хизмат қилдирмоқчи бўлганди. Шу боис шоир тайинли касбу кори бўлмаган одамларни ёқтиргаган. Жумладан, у кўча-куйда санғиб юрувчи қаландарлар, соҳта шайх-сўфийларни, бадмаст риндларни «Хайрат ул-аброр» ва «Махбуб ул-кулуб» асарларида қаттиқ танқид қилгани ҳолда, «Мажолис ун-нафоис» асарида дарвештабиат олим-шоирлар, хунармандларни яхши ахлоқли кишилар сифатида алоҳида ажратиб кўрсатади. Чунончи: «Амир Давлатшоҳ (Давлатшоҳ Самарқандий) хуштабъ ва дарвешваш ва кўп салоҳиятлик йигиттур. Гўшае ихтиёр қилиб, факр ва даҳқанат (дехқончилик) била қаноат қилди ва фозил ва камолот иктисоби (касби) била умр ўтказди». Ёки Амир Махмуд Бар-лос ҳақида Навоий бундай дейди: «...дарвешваш ва фониймашраб (фано бўлишга мойил) ва бетакаллуф кишидур, табъи солим (бутун) ва хулки карими бор». Бу сифат, шоирнинг ёзишича, Хожа Махмуд, Мавлоно Масъуд, Мавлоно Ҳожи, Мир Ҳусайн Али Жало-йир; шаҳзодалардан Султон Аҳмад Мирзо, Султон Муҳаммадларнинг табиатида мавжуд экан. Султон Муҳаммадни Навоий «табъи дарвешу ўзи шоҳнишон..., қаноат қўнимининг хокнишини, илму зако ахлининг ягонаси, факру фано хайлиниңг бенишонаси», дея таъриф этади. Демак, дарвешлик инсоннинг яхши хулк-атворини белгилайдиган, камтарин, шафқатли-мехрибон бўлиш, мўмин-мусулмонлик фазилати сифатида улуғланган.

Навоий, Жомий каби XV аср мутафаккирларининг ахлоқий қарашлари шундай эди. Алишер Навоий ўзининг таниш-билиши, дўстлари, шогирдларидан ҳам шу фазилатларга эга бўлишини талаб қилган. Масалан, «Мажолис ун-нафоис»да у атоқли адабиётшунос олим, ўзининг устозларидан бири Мир Атоуллоҳ Ҳусайнин хусусида бундай дейди: «Фақир густохлик юзидин (беодоблик қилиб) Мирга дерменким, фазоил ва камолотингизга кўра дарвешлигиниз ҳам бўлса эрди – хўб эрди». Илм эгаллаб, олimu окил бўлиш яхши, аммо хокисор, қаноатли, хушахлок киши бўлиш учун дарвешлар сулукини сайр этиш керак. Инсон маънавий камолотининг тўғри йўли ана шу, деб тушунарди Навоий. Билим, заковат кишини ақлий жиҳатдан юксалтиради, бироқ ният, эътиқод тўғри бўлмаса, ақл фаолиятидан эзгулик йўлида фойдаланиш қийин. Ақлу дониш дарвешона қалб билан қўшилса, одамийлик моҳияти солимлашиб, ахлоқан мукаррам

бўлиш мумкин. Чунки дарвешлик дардмандларга ҳамроз, малҳам бўлиш, эзилган, жабр кўрганларни ҳимоя қилмок демак.

Шу маънода, дарвешлик зоҳидлик тариқатини ҳам инкор этади, чунки зоҳидлар ижтимоий ҳаётга аралашишини батамом рад этар здилар. Зоҳидлар бирор қасб билан шуғулланиш, меҳнат қилишини ҳаром деб ҳисоблардилар. Навоий тарғиб этган дарвешлик эса, кўриб ўтганимиздек, қасбу корни инкор этмайди. «Насойим ул-мухабbat» асарининг муқаддимасида улуғ адид буни алоҳида таъкидлайди: «Ҳар оина «ал-косибу ҳабибуллоҳ» («қасб эгаси Оллоҳнинг суйган бандасидур») мазмуни била кибор машойих баъзи санъатларга (хунарларга) иштиғол қилибтурлар (шуғуланибдирилар). Шайх ул-машойих Абу Саид Ҳарроҳ эрдиким... алар ўтук тикарга мансубдурлар. Ва шайх Муҳаммад Саккокким ўз замони машойихининг ягонаси эрмиш, пичоқчиликка мансубдурлар. Ва шайх Абу Ҳафс Ҳаддод темурчилик қилибдур. Ва шайх Абу Бакр Ҳаббоз ўтмакчиликка (новвойликка) мансубдир. Ва шайх Абул Аббос Омулийким, ўз замонининг кутби ва ғавси эрмиш ва сultonни тариқат шайх Абу Саид Абул Ҳайрнинг хирка пири эрмиш, қассоблик қилибдур». Бу ҳақда юқорида тўхтаб ўтдик, шу кифоя.

Демак, меҳнат қилиш – ҳалол яшашнинг гарови, ҳалол еб, ҳалол яшамаган одам эса дарвеш бўлолмайди. Наинки оддий дарвеш сўфийлар, балки улуғ шайхлар ҳам фойдали хунар билан шуғулланганлар, бироннинг қўлига қарам бўлишдан сақланганларким, бу ғоят ибратли аъмол эди (бу аъмол ҳозир бизга ҳам ибрат бўлишга арзирли) ва буюк Навоийнинг ҳусни рағбатига сазовор бўлганди. Дарвоқе, нақшбандия сулукининг асосий шиорларидан бири ҳам «Дил ба Ёру, даст ба кор», яъни, «Кўнгил Ёрда-ю, қўл ишда» эканини биламиз. Баҳовуддин Муҳаммад Нақшбанд кашта тикишдан (у кишининг лақаблари шундан келиб чиқсан) ташқари, тижорат билан ҳам шуғулланганлар, Навоий буни «Ҳайрат ул-абброр»да таъкидлаб ўтади. Бовужуд, алар зоҳиран фоний машраб – ички дунёси Илоҳ ёди или фарқ, огоҳида шахс бўлган. Алар ўзларини жамиятдан хориж этмаганлар («Ўзни қилмай яшурун, ошкор»), жамоа ичра юриб, қалб хилватини ташкил этароқ. Мутлақ рух висолига эришиш йўлини таълим берганлар. Алар зоҳирий расм-русум, худнамолик, тақаббурликни қатъян қоралаганлар. Алар шайх Юсуф Ҳусайнининг: «Ал-Ҳайру куллуху фи байтин ва мифтоҳу ат-тавозузъ ва ашшарру куллуху фи байтин ва мифтоҳу ат-такаббур» («Яхшиликнинг жами бир уйдадирки, унинг калити тавозедир ва ёмонликнинг жами

бир уйдадирки, калити такаббурлиқдир» сўзларини дастуриламал билгандар). Маълумки, бир тоифа шайхлар амир-амалдорлар, шоху султонларни ўз даргоҳларига йўлатмаганлар, мол-мулк эгаларининг дарвешликка алоқаси йўқ, деб айтганлар. Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд эса тасаввуфни «демократлашириб», уни ҳаммага баробар таълимот, деб эълон қилди. Натижада, темурий шаҳзодалар, ҳоким синф вакиллари орасидан чиқкан айрим кишилар ўзларини фақру фанога даҳлдор ҳисоблаб, дарвешлар сулукига киргандар. Айрим тадқиқотчилар буни тасаввуфнинг халқиликдан чекиниши, ҳоким синфлар манфаатини ҳимоя қилишга ўтиб олиши деб баҳолайдилар. Бизнингча, бу бир томонлама қарашдир. Тўғри, тасаввуф ҳокимиятга ва ҳоким синфларга мухолифатда пайдо бўлиб, ҳунар ахли, бенаволар манфаати ва қарашларини ифодалаб келган эди. Аммо Ҳожа Баҳовуддин тариқатда шоху гадо тенг, дейиш билан камбағаллар манфаатидан юз ўғирган эмас, аксинча, шоҳамирларни дарвешликка тортиб, уларни ҳам тарбиялаш, шоҳларни дарвешлар даражасига кўтариш ақидасини илгари сурган.

Бу ўзига хос синфий келишув, муроса бўлиб туюлиши мумкин (Хилолийнинг «Шоху гадо» достонида гадо ва шоҳ бир-бирига ошиқ бўлгани, бир-бирининг висолига интилганини эсланг), лекин аслида, моҳиятан олиб қараганда, тасаввуф кучини кўрсатиш, шоҳларнинг дарвешларга итоатини амалий йўсунда қонунлашириш эди. Шунинг учун, бу таълимот Жомий ва Навоий каби гуманист мутафаккирларга маъқул бўлди, айниқса, Навоининг шоху гадо ўйғунлигини таъминлаш ҳақидаги орзусига мувофиқ эди. Хуллас, Алишер Навоий эътиқодига кўра, дарвешлик фавқулодда қобилияти танланган шахслар, маҳсус руҳий-психологик синовлардан ўтган (чила ўтириш, зикр, важд ва ҳоказо) одамларнинггина насибаси эмас. Ҳар бир пок тийнат, пок нияти инсон яхши хулқи билан дарвеш рутбасига мушарраф бўла олади. Жумладан, шоҳлар ҳам. Энди шу нуқтаи назардан «Фаройиб ус-сигар» девонидан олиб таҳлил килганимиз фазалга яна мурожаат қиласиз. Унинг мана бу байти:

*Шоҳга шоҳлик мусалламдур, агар бўлғай мудом  
Шоҳлиқ таркин қилиб, дарвеш ўтур ният анга.*

Биз ният сўзини алоҳида олиб, таъкидлаб тушунтирмоқчимиз. Чунки агар шу сўз бўлмаганда, мазкур байт мазмунидан Иброҳим Адҳам каби шоҳликни тарқ этиб, дарвеш бўлган шоҳ – ҳақиқий шоҳ, яъни, у дарвешлар шоҳи (дарвешлар ўз ораларидан пешво-

шоҳ сайлаганлар ва унга шоҳ дарвеш, шоҳ машраб деган унвонлар бергандар), ўз нафсининг ҳокими бўла олади, деган анъанавий гоя келиб чиқсан бўларди. *Ният* сўзининг киритилиши билан байтнинг мазмуни бутунлай ўзгарган: агар шоҳда ҳар доим шоҳликни тарк этиб, дарвеш бўлиш нияти бўлса, шоҳлик унга ярашади, муносибдир, дейди Навоий. Бошқача изохласак, шоҳга дарвеш бўлиш учун тожу тахтни тарк этиш шарт эмас, балки кўнглида ана шу *нияти* бўлса етарли. Бу ният тахту тожнинг бебақолиги, бани одамнинг Ҳақ олдида тенг-баробарлиги, шоҳ ҳоким, эзувчи эмас, раҳбар, пособон эканини ҳамиша ёдига солиб туради. Боз устига, ана шундай ният билан тахта ўтирган шоҳнинг иши ривожда, салтанати барқарор. Зоро, дарвеш хислатлик шоҳ, одил ва инсонпарвар бўлиши, улус ғамини ейиши аниқ. Мазкур гоя Навоий-Фонийнинг машҳур форсий қасидаси «Тұхфат ул-афкор»да янада ёрқинроқ ифодаланган:

Шоҳ, ки ёд аз марг н-орад, з-уст вайронии мулк,  
Хусрави беоқибат хусри билоду кишвар аст.

(Шоҳ агар ўлимни эсга олмаса, у мамлакатнинг вайроналигига сабаб бўлади, чунки оқибатни – охиратини ўйламаган подшо юртнинг зиёнидир).

Бу байтда қизиқ сўз ўйини ҳам бор: араб ёзувида «хусрав» сўзининг охирги ҳарфи тушириб қолдирилса, «хуср» – касофат қолади. Яна шу қасидадан:

Подшоҳе, к-аш гадойи фақр гаштан орзуст,  
Чун гадое бошад он, к-аш подшоҳи дар бар аст.

(Факир дарвеш бўлишни орзу қилган подшо подшоликни эгалланган гадо кабидир). Кўриниб турибдики, бу ерда ҳам орзу-ниятнинг аҳамияти алоҳида таъкидланган. «Тұхфат ул-афкор» қасидасида шоҳ ва гадо қадриятини қиёслаш кенг суратда давом этади; шоир шоҳни банддаги шер (нафс домига илинган одам), шоҳликнинг ўзини эса қуруқ бўш оғриқдан бошқа нарса эмас, деб айтади. Зотан, қасиданинг матлаиданоқ, шоҳ ва дарвеш масаласи тоза ташбеҳлар кўлланилган ҳолда кескин қилиб қўйилган:

Оташин лаъле, ки тожи хусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.

(Подшоҳлар тожини безаган оловдай ёниб турувчи лаъл, яъни бошдаги хом хаёлларни пишириш учун чўғдир). Бу байтни илмий адабиётларда кўп марта учратгансиз. Олимларимиз ҳазрат Навоий-

нинг шоҳларга муносабатини аниқлаш учун келтирадилар ва аксар у, Навоий умуман шоҳу султонларга салбий муносабатда бўлган, шунинг учун уларни мана шундай таңқид қилган, деган фикрни тасдиқлашга хизмат қиласди. Аслида эса, Алишер Навоий шоҳга эмас, балки шоҳликнинг ўзига салбий муносабат билдиради бу ерда. Байтдаги «хом хаёл» иборасига эътибор беринг. Нима бу «хом хаёл»? Бу – нафс, дунёга, унинг бойликларига хирсdir. Навоий тожни ҳам шу арзимас «хом хаёл» ичига қўшиди. Шоҳ бўлиб керилиш, салтанат завқи – хом хаёл. Уни эса дарвешлик чўғи билан пишириш керак, ўшанда шоҳлик ҳақиқий шоҳлик бўлиши мумкин. Навоийнинг бу шоҳбайти ана шундай чуқур маънога эга.

Улуг шоир форс тилида яна бешта форсий қасида ёзган. Бу қасидаларнинг номланишидаёқ улар ҳам дарвеш сулуки таърифига бағишлиланганидан дарак беради, чунончи: «Насим ул-хулд» («Жаннат шамоли»), «Рух ул-кудс» («Муқаддас рух»), «Айн ул-ҳаёт» («Хаёт чашмаси»), «Минҳож ун-нажот» («Нажот йўлбошчиси»), «Қут ул-қулуб» («Қалбларнинг озуқаси»). Масалан, «Қут ул-қулуб» қасидасининг матлаи:

Жаҳон, ки марҳалаи танги шоҳроҳи фаност,  
Дар ў масоз иқомат, ки раҳи шоҳу гадост.

(Жаҳон фано шоҳроҳига олиб борадиган тор манзилдир, шунинг учун унда кўп тўхтама, бу йўл шоҳу гадога бир).

Навоийнинг «Фаройиб ус-сиғар» девонига киритган мухаммасларидан (Ҳусайн Бойқаро ғазалига тахмис) олинган мана бу банд ҳам мавзуимиз нуқтаи назаридан жуда муҳим:

Шаҳлик этгандин не ҳосил фақр сиррин билмайин,  
Хеч ким мулки бақо султони бўлганму экин,  
Фонийи маҳз ўлмайин Султон Абулғози бикин,  
Эй Навоий, давлати боқий тиласен васлидин,  
Они касб этмак фано бўлмай не имкон оқибат.

Сатрлар ўзбекча бўлса-да, лекин соддалаб тушуниришга эҳтиёж сезилмоқда. Яъни: Фақр – дарвешликнинг моҳияти, сирини билмасдан шоҳлик қилиш бефойда. Султон Ҳусайн Бойқародай батамом фоний бўлмасдан ҳеч ким бақо мулкининг султони бўлганми экан? Эй Навоий, Илоҳ висолига етиб, давлати боқий тиласанг, фано бўлмасдан бунга мұяссар бўлиш мумкин эмас, ахир. Ха, боқий давлат – бу Илоҳ дийдори, қолгани ўткинчи, бебақо нарсалар. Бунда Навоий ва Ҳусайнин – Ҳусайн Бойқаро ҳамфир бўлиб майдонга чиққанини кўрамиз.

Шундай қилиб, шоҳ учун баҳодирлик, лашкарбошилик қобилияти, ақлу заковат, доно вазирлар маслаҳати қанчалик зарур бўлса, дарвешлик хислати ҳам шунчалик керак. Чунки бу барча фаолиятга тўғри йўл кўрсатувчи машъал. Шоҳ дарвеш бўлмасдан туриб, адолатпарвар бўлиши қийин – Алишер Навоийнинг тушунчаси шу. У умрининг охирида яратган «Махбуб ул-қулуб асарида одил шоҳга «Ҳақдин ҳалойикқа раҳматдир ва мамоликка мубиби амният», дея хуласавий ҳикмат билан таъриф берар экан, мисол қилиб яна Ҳусайн Бойқаронинг номини тилга олади:

Улус подшоҳи-ю дарвешваши,  
Анга шоҳлиқдин келиб фақр хуш.

Навоий умрининг охирларида ёзган асарларидан яна бири «Тарихи мулуки ажам»дир. Унда Эрон подшоларининг тарихи, ишлари ҳикоя қилинади ва китоб Султон Ҳусайнга бағишинланган маснавий билан якунланадиким, унда яна ўқиймиз:

Демай айни инсонки, инсони айн  
Ҳам инсону ҳам айн Султон Ҳусайн.

Шоҳо, келди шаҳлиқ мусаллам санга,  
На шаҳлиқки дарвешлиқ ҳам санга.

Бўлуб салтанат таҳтида фарқжўй,  
Шах ўлса, вале бўлса дарвешхўй...

Демак, шоир султонга бўлган ишончидан қайтмаган, ундаги дарвешлик собит хусусият эканига икрор бўлиб, бу хислат унинг характерини белгилашдан ташқари, мамлакат ахволига таъсир этиб, анчагина ҳайрли ишларнинг амалга ошишига кўмак берганини кўрган. Жомий ва Навоий ўгитларига қулоқ солиб, золим амирларни жазолаши, заиф ва бечора кишиларнинг арз-додини эшлиши (гарчи мунтазам бўлмаса-да), ободончилик йўлидаги ишлари, балки шунинг натижасидир.

Алқисса, Алишер Навоий тасаввуф таълимотини ҳаётга татбиқ этиш, уни яхши, намунали ахлоқ низомиясига айлантириб, инсон тарбиясида кўллаш тарафдори ва ташаббускори бўлиб майдонга чиққани аёnlашди. Бу мавзу улуғ адабининг «Ҳамса»сида, хусусан қомусий мазмунли муazzзам достони «Садди Искандарий»да янада кенг ўрин олган, хилма-хил ривоятлар орқали бадиий-фалсафий йўсинда талқин этилган. Шоҳ ва дарвеш муносабати бу асарда драматик тўқнашувлар, руҳий кечинмаларнинг можароли изтироблари, фожиалар замирида очилади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## УЛ ПАРИВАШКИМ, БҮЛУБМЕН ЗОРУ САРГАРДОН АНГО

Ул паривашким, булубмен зору саргардон анго,  
Ишқидин олам манга ҳайрону мен ҳайрон анго.

Үқларингдин дамбадам таскин толар кўнглум ўти,  
Бордуур бир қатра сув, гўёки ҳар пайкон анго.

Бир диловардур кўнгулким, ғам сипоҳи қалбида  
Охи новак, тоза доғедур қизил қалқон анго.

Новакининг парру пайконида рангин тус эрур,  
Ёки кўнглумдин чу паррон ўтди, юқмиш қон анго.

Номайи шавқум не навъ ул ойға еткой, чунки мен  
Эл отин ўкур ҳасаддин ёзмадим унвон анго.

Хизри хаттингнинг ажаб йўқ сабзу хуррам бўлмоғи,  
Лаб-балаб чунки сув берур чашибайи ҳайвон анго.

Эй хушо муғ кўйиким, рифъат била зийнатда бор  
Меҳр анго бир шамсаву кўқ тоқидур айвон анго.

Истамиш булбул вафо гулдин, магарким жоладин  
Бағри қотмиш гунчанинг, баским эрур хандон анго.

Қилмамиш жонин фидо жононға етмас дер эмиш,  
Эй Навоий, ушбу сўз бирла фидо юз жон анго.

(«Фаройиб ус-сифар», 9-ғазал)

### Луғат

**Париваш** – парига ўхшаш, пари каби гўзал, тасаввуфий маънода  
парда ичидаги хаёлий маҳбуб.

**Саргардон** – йўлинин йўқотган, ҳайрон, боши айланган.

**Пайкон** – камон ўқининг металдан қилинган ўткир учи.

**Диловар** – жасур, қаҳрамон, ботир.

**Сипоҳ** – қўшин.

**Калб** – қўшиннинг ўртаси.

**Новак** – ўқ, камон ўқи, кипприк.

**Паррон** – учеб бораётган, учайдган.

**Ҳасад** – бу ерда: рашқ, қизғаниш.

**Унвон** – адрес, нишон маъносида.

**Чашмаи ҳайвон** – тириклик суви булоғи. Тасаввуфий маънода илоҳий файз манбаи ва комил инсон қалби.

**Хизр** – ҳамиша тирик, тириклик суви – оби ҳаётни ичган пайғамбар, вали зот, тасаввуфий маънода илоҳий мұжданинг сүғи күнглиға нозил бўлиши, хушхабар.

**Сабзу ҳуррам** – яшил, яшнаб турган майсалар.

**Лаб-балаб** – лиммо-лим, лиқ тўла.

**Муғ кўйи** – оташпараастлар кўчаси, тасаввуфий маънода пир ҳузури, ошиқ дарвешлар талпинадиган висол мақоми.

**Шамса** – иморатлар пештоқидаги нақш, кубба.

**Кўк тоқи** – осмон гумбази.

**Рифъат** – кўтарилиш, баланд мартаба, юксаклик.

**Зийнат** – безанган, зеб берилган.

**Яшил ҳат** – маъшуқа юзидағи туклар, тасаввуфий маънода барзах – моддий ва руҳоний олам ўртаси, бақо чегарасини айтганлар. Ҳақ юзининг аёнлашуви, мутлақ жамолнинг пайдо бўлишини ҳам англатади.

**Ўқ** – киприк. Тасаввуфий маънода Илоҳнинг инояти, Маҳбуби азалий назарининг ошиқ қалбига нур бўлиб тушишини айтганлар.

### **Байтларнинг насрый баёни**

1. Ул парисифат соҳиб жамол мени шундай мафтун ва беҳуш қилибдурки, унинг ишқида сарсонлигимга қараб, олам аҳли менга ҳайрон, мен эса ул гўзалнинг жамолига ҳайрону девонаман. Ёки: парда ичидағи ул руҳоний (хаёлий) гўзал ишқида шундай овораманки, олам бу ахволимга ҳайрону мен эса, Унга ҳайронман.
2. Эй гўзал пари, киприкларинг ўқидан (ёки ул илоҳий назарнинг қалбимга тушишидан) кўнглим ўти пасайди, чунки ўқинг учидаги темир тиф гўё қатра сувдай бу оловни учиради.
3. Кўнгил шундай бир баҳодирки, ғам лашкари ўртасига ҳужум қилганда, унинг оҳи ўқдай бўлса, янги яраси – доғи қизил рангли қалкон кабидир.
4. Ёр ўқи (киприги)нинг патлари ва темирдан қилинган уни рангли тус олган, балки бу ўқ юрагимни тешиб учиб ўтганда оқкан қон унга юқмишdir?

- Ишқ шавқида ёзган мактубим ул гўзал парига қандай қилиб етсинки, мен одамлар ул пари исмани ўқиб, хабардор бўлмасин деган фикр билан мактуб устига нишони – отини ёзмадим.
- Сенинг Хизрдай абадий ҳаёт нишонаси бўлган тукларингнинг яшина буриши ажаб эмас, чунки ҳаёт булоғи уни тириклик суви билан сугориб турибди.
- Мулгар кўчаси (пири комил ҳузури) қандай яхши, унинг марта ба ва ҳашамати шундай баландки, гўё Күёш унинг пештоқидаги чиройли кубба, осмон гумбази эса бир айвондай гап.
- Булдул гулдан вафо – боқийлик истагани қизик ёки жала ёғавериб, Гунчанинг бағри қотиб қолганидан, булбулга бу хандон гулдай кўриниб, абадийлик нишонасидай туюлгандир?
- Жонини фидо қилмаган одам Жононга етмайди, деганлар, шу боис, эй Навоий, ушбу сўзнинг маъносидан келиб чиқиб, юз жоним бўлса ҳам, бари Ёрга фидо бўлсин дейман.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Ушбу ғазал Алишер Навоийнинг ошиқонаға ғазаллари сирасига киради. Аммо бу ерда ошиқоналик билан орифоналилк муайян маънода қоришиб кетган. Зеро, «ошиқона» дегани ишқ-муҳаббат завқи ва изтироблари, ёр жамоли васфи ва бу жамолга етишишга интилиувчи кўнгил кечинмалари ҳиссиёти, ҳаяжон ва талпинишларини тасвириловчи лирик асардир. Муҳаббат бир вақтнинг ўзида ҳам олам ва одам гўзаллиги, ҳам илоҳий Ёр жамолига қаратилган бўлиши мумкин. Гарчи орифона фалсафада моддий оламни мажоз, Мутлак руҳни ҳақиқат (ҳақиқий мавжудлик) деб ажратилган бўлса-да, аммо бу икки тушунча батамом бир-бирига зид деб қаралмаган.

Аксинча, мажозий олам тасвиридан мақсад Ҳақиқатни чукурроқ англаш, Уни инсонга яқинроқ қилиб тасавур этиш кўзда тутилган. Ҳазрат Навоий тили билан айтганда, «айни ҳақиқатдир мажоз». Бундай қараш ваҳдат ул-вужуд таълимоти моҳиятидан келиб чиқади. Негаки, бу таълимотга кўра, Мутлак руҳ (Парвардигор) ҳамма ерда мавжуд. Олам гўзаллиги, ҳаётнинг нашъу намоси, жумладан, инсон зоҳирий ва ботиний гўзаллиги, камолоти ҳам шу Мутлак руҳ туфайли ва унинг ҳикмати, файзу таровати натижасидир. Шу боис, гўзал инсон (у чиройли аёл, навқирон йигит, қалби дониш ва кароматга лиммо-лим мўйсафид бўлиши мумкин)га муҳаббат орқали илоҳий қудрат кашф этилади. Буни аввалги ғазаллар шарҳида ҳам кўрдик.

Келтирилган ғазалда ҳам мана шундай тасвир усули қўлланилган (Навоийнинг кўпчилик ғазалларида буни мушоҳада этиш мумкин). Яъни, ошиқ соҳибжамол инсонни кўриб, унинг ҳусну жамолига мафтун бўлганидан девонадай бўлиб қолади, одамлар ошиқнинг бу ахволига ҳайрон. Албатта, бу тасвирида анъанавийлик йўқ эмас, бироқ у тоза ва завқу шавқ қўзғатадиган ташбеҳлар билан воқеликни жонлантиради. Ошиқнинг бехуду шайдолигига сабаб ёр кипригидир (ноэли қараши, қараshima). Киприк камон ўқига ўҳшатилган, бу ўқ тўғри ошиқ юрагига бориб тегади, демак, маъшуқа ошиққа эътибор қилган, унга назар ташлаган.

Ана шу назар бир томондан, ошиқни хурсанд этган бўлса, иккинчи томондан изтироб ва азоб ўтига гирифтор этган. Ошиқ шунинг учун ҳам маъшуқа жамолига ҳайрон бўлиб, қалбida ишқ олови ёнсана, аммо унинг киприклири қалбига тегиб, бу ўтни ўчиради, чунки ўқнинг уни темирдан, темир эса сувга ўхшайди, дейди шоир. Шундан кейин бу ўққа бардош берган кўнгилнинг яралари, бу яралардан оқкан қизил қонлар тасвирланган. Ғазалда ёр юзининг туклари Хизэр кийимининг ранги (Хизэр ҳар доим яшил либос билан тасаввур қилинади, чунки у абадий ҳаёт рамзи) ва майсазорга ўҳшатилган. Бу – ошиққа ҳаёт бағишлайдиган баҳорий ранг ва илоҳий булоқ кабидир. Бу ўринда рамзийлик ва реаллик, илоҳийлик ва моддийлик бир-бирини тўлдириб, бири иккинчисини изоҳлаб, ажойиб лавҳа тасвирини вужудга келтирган. Ушбу байтдан кейин келадиган байт ҳам олдинги байт мазмунини давом эттириб, пири комил ҳузуридаги маънавий мулоқот таърифига бағишлиланган ва булбулга ўҳшаб зоҳирий – ўткинчи гўзалликка эмас, балки ҳақиқий Моҳиятга ошиқ бўлиш, бу Моҳиятни англаш, идрок этишга даъват этароқ, Навоий бунинг мушкуллигини ҳам ғазал мақтаида қайд этади: жонни фидо этмагунча Жононага етиш мумкин эмас.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ЖУМЛАЙИ ОЛАМ МУСАХХАРДУР МАНГО

Менмудурменким сенинг васлинг мүяссардур манго,  
Бахти гумрахдин қачон бу қисса бовардур манго.

Ҳақ тануқдурким, тириклиқдин манго сенсен мурод,  
Йўқса оламнинг йўку бори баробардур манго.

Эй кўнгул, гаввоси баҳри васл ўлубмен, не ажаб  
Гар насиб эмди ўшул покиза гавҳардур манго.

Не учун базми висол ичинда имай бодаким,  
Кўзию оғзи буқун бодому шаккардур манго.

Ою хуршидингни йиғ, эй чархи гардунким, бу дам  
Ҳамдам ул ой чеҳралиг хуршидпайкардур манго.

Сарвни ўртаб, суманни елга бер, эй боғбон,  
Ким бугун ҳамсухбат ул сарви суманбардур манго.

Кўрқарам ҳирмон саҳобин ёпмагай фахм этса чарх,  
Ким шабистон меҳро шамъидин мунаvvардур манго.

Эй Навоий, ҳеч билмонким толибмен васлини,  
Ё магарким, жумлайи олам мусаххардур манго?

(«Фаройиб ус-сиғар», 15-ғазал)

### Луғат

**Васл** – боғланиш, етишиш, қўшилиш, учрашув.

**Гумраҳ** – йўлуни йўқотган, овора, адашган.

**Бовар** – ишонч, ишониш.

**Тануқ** – гувоҳ.

**Гаввос** – денгиз тубига шўнғиб, гавҳар изловчи, сувга шўнғийдиган одам.

**Гавҳар** – денгиз тубида садаф ичида пайдо бўладиган қимматбаҳо минерал тош.

**Хуршид** – офтоб, қўёш.

**Хуршидпайкар** – кўриниши, қадду қомати қўёшдай нурли гўзал.

**Сарв** – қишин-ёзин яшнаб турадиган, тик ўсадиган, игна баргли чиройли дараҳт.

**Суман** – ёсуман, оқ рангли, хушбўй гул.

**Хирмон** – маҳрумлик, ноумидлик, бенасиб қолиш.

**Саҳоб** – булут.

**Шабистон** – ишратхона, ҳарам, тунги базм хонаси.

**Мехр** – офтоб, күёш.

**Мусаххар** – тасарруфга олинган, мағлуб этилган, эгалланган.

### **Байтларнинг насрий баёни**

1. Сен билан учрашиш, сенга етишиш менга мұяссар бўлармикин, бу афсонанинг ҳақиқатга айланишига кўзим етмайди, чунки баҳтим қора, йўлдан адашганман.
2. Тириклигимдан мақсад – муродим сен эканига Ҳақ таоло гувоҳ, шу умид бўлмаса, менга оламнинг йўқу бори баробардир.
3. Эй кўнгул, васл уммонининг фаввоси бўлибман, ажаб эмаски, ўша покиза гавҳар – ёрим дийдори менга насиб этса.
4. Висол базми ичида хурсандчилик бодасини нега ичмайинки, бугун ёрнинг кўзи бодом каби, оғзи эса шакардай бўлиб, лаззат бағишиламоқда.
5. Эй осмон, ой билан офтобингни йиғишитириб ол, негаки бу дам менга ул юзи ойдай, қомати қўёшдай гўзалим йўлдошdir.
6. Эй боғбон, боғингдаги чиройли сарв дараҳтию, хушбўй ёсуман гулини совуриб ташла. Чунки ул сарв қоматли, суманбар, соҳибжамол ёрим ҳамсұхбатимдир.
7. Коронғи тун ул гўзал чехраси шамъидин нурафшондир, фалак мабодо маҳрумлик булатуни юбориб, шамъимни беркитмаса, деб кўрқаман.
8. Эй Навоий, ёр васлини топганманми – йўқми, ҳеч билолмадим, ёки бутун олам тасарруфимга кирганмикин? (ва шу боис васлини сезмаяпманми?)

### **Ғазалнинг умумий маъно-мазмуни**

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазалида муайян кечинма, ошиқнинг бирор ҳолати тасвирга олинади. Шунга яраша ташбех, тамсил танланади. Олдинги ғазалда ёр назаридан ҳосил бўладиган кечинмалар куйлангани учун кипприк ва карашмали қараш тимсоли – камон ўқи марказий тамсил бўлган бўлса, бу ғазалда ёр дийдорига етишиш умиди тасвиirlангани боис васл, висол сўзлари марказий образ – тамсил қилиб олинган. Матлада васлга етишиш илинжи, ёр эътибо-

рига тушиш армони қаламга олинади, ошиқ маъшуқага «мен шунга лойикманими, кошки лойик бўлсайдим», деган ўқинчли оҳ чекади. Иккинчи байтда ёрга садоқат, ишқнинг кучи тилга олиниб, ошиқнинг бутун дунёси, ҳаётдан, яшашдан максади ёр висолига етишиш экани айтилади, бу бир аҳду паймондай жаранглайди, зеро ошиқ: бу ниятимга Оллоҳнинг ўзи гувоҳ дея қасам ичгандай ишонтиради бизни.

Шундан кейин васл гавҳарини топиш йўлидаги талпиниш ва қувончлар тасвирга олинади. Шоир ўз лирик қаҳрамонининг идеаллари, орзуларини, янги-янги ташбеҳлар билан жонлантириб боради: у васлдан сархуш, осмондаги ою қуёш унга писанд эмас, чунки ёнида тенгизси соҳибжамол ёри бор, ердаги сарву суман ҳам бу гўзал олдида хира ва бекадр. Ана шундай висол базмининг давом этишини истайди шоир, аммо фазал мақтаидаги буларнинг бари хом-хаёл экани, ёр васлини топибдими-йўқми – ноаниқ экани, дунёни эгалласа ҳам, балки бу васл мусассар бўлиши даргумон эканини бир армон билан қайд этади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### МУБТАЛО БЎЛДУМ САНГО

Кўргали ҳуснунгни зору мубтало бўлдум санго,  
Не балолиг кун эдиким ошно бўлдум санго.

Хар неча дедимки, кун-кундин узай сендин кўнгул,  
Ваҳки кун-кундин батаррак мубтало бўлдум санго.

Мен қачон дедим: вафо қилғил, манго зулм айладинг,  
Сен қачон дединг: фидо бўлғил манго, бўлдум санго.

Қай парипайкарға дерсен: телба бўлдунг бу сифат,  
Эй парипайкар, не қилсанг қил манго, бўлдум санго.

Эй кўнгул, тарки насиҳат айладим, оввора бўл,  
Юз бало етмаски, мен ҳам бир бало бўлдум санго.

Жоми Жам бирла Хизр суйи насибимдур мудом,  
Соқиё, то тарки жоҳ айлаб гадо бўлдум санго.

Фусса чангидин навое топмадим ушшоқ аро,  
То Навоийдек асиру бенаво бўлдум санго.

(«Фаройиб ус-сигар», 16-ғазал)

## **Луғат**

**Мубтало** – боғланган, гирифтор, шайдо, ғамга боғланган.

**Пайкар** – сурат, ҳайкал, жусса, жисм.

**Жоми Жам** – Жамшид жоми.

**Жоҳ** – мансаб.

**Ғұсса** – ғам, ғұсса чанги – ғам чолғуси, ғам-алам күйини тарат-  
ган чанг.

**Наво** – а) күй; б) бойлик, бутунлик, гармония. Бенаво – ному-  
каммал, қашшок, ғарип.

**Ушшоқ** – ошиқлар.

## **Байтларнинг насрый баёни**

- Хуснингни кўрай деб сенга зору асир бўлиб қолдим. Сенга ошно бўлган куним қандай балолик кун экан?
- Сендин кўнгил узай деб ҳар қанча уринмайин, лекин кун-кундан баттарроқ сенга боғланиб қолдим.
- Мен қачон сенга: менга вафо қил, деб айтдимки, менга устма-  
уст зулм қилмоқдасан, сен қачон менга фидо бўлгил дедингки,  
сенга фидо бўлмадим?
- Қайси пари қоматли гўзалга бу хилда ошиқи девона бўлдинг, деб  
сўрайсан. Эй пари қоматлигим, менга не жабру жафо қилсанг  
ҳам розиман, чунки сени севиб, девонанг бўлиб қолдим.
- Эй кўнгул, улуғлар, донолар насиҳатига мен қулоқ солмадим,  
энди сен ҳам овора бўладиган бўлдинг. Бошимдаги юз бало ет-  
маганидек, сен ҳам бир бало бўлдинг (ёки мен сенга бир бало  
бўлдим).
- Жамшид жомидаги май – васл сархушлиги ва абадий ҳаёт рам-  
зи Хизр суйи насибам бўлсин десанг, мансабдан кечиб, дарвеш  
бўл.
- Навоийдек сен маҳбубага асиру бенаво бўлмагунча ошиқлар  
орасида ишқ алами күйини эшитмадим.

## **Ғазалнинг умумий маъно-мазмуни**

Навоийнинг ушбу ғазали анча машҳур, хонандаларимиз уни  
кўшиқ қилиб куйладилар. Ғазал мухаббат мавзууда бўлиб, ошиқ ва  
маъшуқа орасидаги айтишув (диалог)га асосланган: маъшуқа ноз-

Фироқ күргузади, ошикни қийнайды. Ошик эса буни писанд қилмай, ҳамма балолар, жабр-зулмга чидайды ва ишқида содик эканини исботлаб бораверади.

Ғазал матлаидан бошлаб ошикликнинг азоб экани, муҳаббат дилни оҳанрабодай тортиб, тинч қўймаслиги, маъшуқа қанча ўзини олиб қочса, ошик шунча телбаларча унга интилиши тасвирланади. Шунга яраша мубтало, жафо, вафо, бало, фидо, телба сўзлари иштирокидаги байтларда икки хил характер, яъни нозу карашмали маъшуқа ва қийноқлар гирдобида қолган умидвор ошик образлари яратилган.

Олтинчич байт ғазалда мазмунан алоҳида ажралиб туради. Албатта, бу байт ҳам аввалги байтлар билан боғланган. Аммо бунда шоир муҳаббат мавзудига ушбу ғазал ҳам орифона маънога зга эканини таъкидлаб ўтгандай бўлади. Чунончи, Жамшид жоми ва Хизр сўйи (оби ҳаёт) – бу пири комил қалби, бу қалб Оллоҳ нури билан мунаввар. Навоий дейдики, агар мансабу давлатни тарқ этиб, дарвеш бўлсан, ана шу абадий илохий файз насибам бўлади. Соқий деганда ҳам пири комил, ҳам ёри азиз, маъшуқа назарда тутилади. Яъни, соқийга – пирга етишиб, ишқ нурига гарқ бўлиш учун дарвеш бўлиш керак. Охирги байт ҳам шунга боғлаб юборилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### **БАХР ЁШУРМИШ НАВОИЙ ҲАР ДҮРИ МАКНУН АРО**

Заврақ ичра ул қуёш сайр айламас Жайхун аро,  
Ахтари саъди ҳилол ичра кезар гардун аро.

Англамон: Жайхунда ул ой кема бирла сайр этар,  
Ё ҳилолу меҳр аксин эл кўтар Жайхун аро.

Кемадин ҳар дам чиқиб рангин су кўзум қонидек,  
Анда ёр андокки мардум дидайи пурхун аро.

Боргил, эй Мажнунки, ул ой заврақидек тез эмас  
Жўнгким, Лайло аморисин чекар ҳомун аро.

Олма хум гирдобидин бир лаҳза соғар заврақин,  
Бахри ғамдин истасанг маҳлас бу даҳри дун аро.

**Баҳр мавжидин мушавваш бўлмасун деб хотиринг,  
Мавж урар юз баҳри ғам бу хотири маҳзун аро.**

**Дур бўлур баҳр ичра пинҳон назмидин шаҳ мадхидা,  
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро.**

(«Фаройиб ус-сифар», 20-ғазал)

### **Луғат**

**Заврак** – қайик.

**Жайхун** – Амударё.

**Ахтари саъд** – баҳт юлдузи.

**Хилол** – янги ой.

**Гардун** – чархи фалак, осмон.

**Мардум** – одамлар, бу ерда кўз қорачиги.

**Пурхун** – қонга тўла, қонли.

**Жўнг** – кема.

**Амора** – одам ташиш учун туяга ортиладиган кажава.

**Ҳомун** – саҳро, чўл.

**Софар** – шароб ичадиган коса, пиёла, қадаҳ.

**Махлас** – халослик, кутулиш.

**Даҳри дун** – дунё.

**Мушавваш** – паришон, ташвишли, беором одам.

**Маҳзун** – ҳазин, ғамли, ташвишли.

**Макнун** – яширин.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Қуёшдай юзи порлоқ ул гўзал Амударёда қайик ичида сайр қилмоқда деманг, балки гўё янги ой ўрги ўртасида осмонни кезаётган баҳт юлдузи деб айтинг.
2. Амударёда ул ой кема ичида сайр этаяптими ёки одамлар янги ой билан қуёш аксини дарёда кўрмоқдаларми, билмай қолдим.
3. Кемадан ҳар дамда рангли суюқлик – қизил шароб менинг ҳижронда оқаётган қонли кўз ёшимдай оқаёттир. Кемадаги ёр (шу боис) қонли кўз ичидаги қорачиқка ўштайди.
4. Эй Мажнун, нари бор, ахир кажавасига Лайли ўтирган түянинг суръати ул отнинг кемаси (қайифи)дай тез эмас.

- Бу пасткаш дунё ғами денгизидан қутулмоқчи бўлсанг, хумнинг гирдобидан бир лаҳза қайиқ мисоли май косасини олма.
- Ушбу денгиз (ғам денгизи)дан сенинг хотиринг паришон бўлмасин деб, бу ҳазин ва ғамили дилимда юз денгиз ғами тўлқинланади.
- Дур денгиз тубида яширингандай, шоҳ мақтоворидаги Навоийнинг назмини денгиз ҳар бир яширин гавҳар ичига беркитмиш.

### **Ғазалнинг умумий маъно-мазмуни**

Етти байтли мазкур ғазални икки қисмга ажратиш мумкин: а) 1–4 байтлар ва б) 5–7 байтлар. Аввалги қисм байтларда маҳбубанинг Жайхун (Амударё)да кемада сайру саёҳати тасвирланган. Дарёдаги кема (қайиқ) ва унда ўтирган маҳбуба осмонда сайр этадиган ҳилол ва ёрқин баҳт юлдузига ўхшатилган. Фоят чиройли ташбеҳ! Бу Навоий хаёлоти, бадиий санъаткорлигининг мўъжизаларидан биридир. Лайли мингандан түянинг сахро кемасига ўхшатилиши ҳам жозибали. Зотан, түяни сахро кемаси дейиш ҳалқ орасида машҳур. Лекин Навоийнинг максади фақат түяни сахро кемасига ўхшатиш эмас, балки дарёда кемада сайр қиласётган ёрининг Лайлидан гўзалроқ экани, ҳатто кеманинг суръати карvonдан тезроқ эканини таъкидлаш бўлган.

Ғазалнинг иккинчи қисмидаги шоир завқли ташбеҳлар тасвиридан бирданига андуҳли оҳангга ўтади ва денгиз, тўлқин, қайиқ, гирдоб сўзларини ошиқнинг изтиробли кечинмаларини ифодалашда кўллади. Айтидан, дарёда сайр этаётган ёрга етишиш дарди ошиқни қийнаб, умр, дунё, ҳаёт ҳақида ўйлашга мажбур этгандай бўлади ва май сақланадиган идиш – хумни денгизга, пиёлани эса қайиқка ўхшатиб, шу майдан ичиб, дунё ғамини унутишга чорлайди. Албатта, май, хум, соғар тасаввуфий маънога эга, яъни: май – илоҳий ишқ, тажалли – Ёр нуридан баҳра олиб, ҳол мақомига эришиш, хум – илоҳий тажалли манбаи, орифи комил кўнгли, соғар – шу нурдан баҳра олиш, мушоҳадага берилиш – илоҳий насиба. Шоир қаҳрамони ана шу насибага интилиб, юз ғам денгизи дуч келса ҳам рози бўлишга тайёр. Хўш, бу қисмлардаги тоялар орасида қандай боғланиш бор? Боғланиш шуки, биринчи қисмда зоҳирий ҳаёт гўзаллиги шавқу завқи тасвирланган бўлса, иккичи қисмда ботиний ҳаётга ташналил акс этган. Аслида, ҳар икки жиҳат ҳам бирбирига боғлиқ. Мажоз – ҳақиқат, ҳақиқат – мажоз бўлгач, зоҳирдан ботинга ва ботиндан зоҳиррга қараб бориш ҳам мантиқий ҳолдир.

**Нажмиддин КОМИЛОВ**

## **КҮНГЛУМ ЎРТАНСУН АГАР ФАЙРИНГФА ПАРВО АЙЛАСА**

Күнглум ўртансун агар файрингфа парво айласа,  
Хар күнгүл ҳамким сенинг шавқингни пайдо айласа.

Хар киши васлин таманно айласам, навмид ўлай,  
Хар киши ҳамким сенинг васлинг таманно айласа.

Ўзгалар ҳуснин тамошо айласам, чиқсун кўзум,  
Ўзга бир кўз ҳамки ҳуснунгни тамошо айласа.

Файр зикрин ошкоро қилса, лол ўлсун тилим,  
Қайси бир тил ҳамки зикринг ошкоро айласа.

Рашқдин жонимға ҳар наргис кўзи бир шуъладур,  
Бог аро ногаҳ хиром ул сарви раъно айласа.

Йўқ оғиздин нукта айтур маҳвашимдек бўлмағай,  
Гар қуёш ҳар заррасидин бир Масиҳо айласа.

Офият жонимға етти, эй хуш ул муғким, мени  
Бир қадаҳ бирла ҳаробот ичра расво айласа.

Келтурунг дафъи жунунимға парихон, йўқ табиб,  
Ким ул ансабдур pari ҳар кимни пайдо айласа.

Субҳдек бир дамда гардун қўймагай осорини,  
Ногаҳ ахли сидқ қўнгли меҳрин ифшо айласа.

Даҳр шўхига, Навоий, сайд бўлма нечаким,  
Кун узори узра тун зулфин мутарро айласа.

(«Фаройиб ус-сифар», 23-ғазал)

### **Луғат**

**Файр** – ўзга, бегона, дунё.

**Парво** – эътибор.

**Таманно** – орзу.

**Навмид** – ноумид.

**Сарви раъно** – гўзал қоматли маҳбуба.

**Нукта** – сўз, ҳикматли сўз.

**Маҳваш** – ой юэли, ойдай.

**Офият** – тинчлик.

**Муғ** – оташпаст руҳоний, тасаввуфий маънода ориф инсон.

**Харобот** – хароб бўлган жой, тасаввуфий маънода, пири комил хузури.

**Жунун** – девоналиник, жиннилик дарди.

**Парихон** – афсунгар, дуохон, азойимхон.

**Ансаб** – энг муносиб, лойикроқ.

**Осор** – асаллар, белгилар, излар, нишоналар.

**Аҳли сидқ** – вали инсонлар.

**Ифшо** – фош қилинган, очилган, ошкора.

**Узор** – юз.

**Мутарро** – тозаланган.

**Даҳр шўхи** – дунё гўзали, дунё безаги, ҳаёт.

**Сайд** – ов.

### Фазалнинг насрый баёни

1. Сендан ўзгага эътибор қиласа, кўнглим ўртаниб ёнсин, сенинг шавқингни пайдо қилган бошқа кўнгиллар ҳам ўртансин.
2. Бошқа маҳбубалар васлини истасам, ноумид бўлай, Сенинг васлингни тилаган ҳар бир киши ҳам шундай бўлсин.
3. Агар ўзгаларнинг хусну жамолига маҳлиё бўлиб қарасам, кўзим чиқсин, сенинг хуснингни тамошо айлаган бошқа кўз ҳам оқиб тушсин.
4. Сендан бошқанинг номини айтсам, тилим тутилсин, номингни зикр этган бошқа тил ҳам шундай бўлсин.
5. Агар ул раъно қоматли нигорим бое аро сайдр айласа, нарғисдай чиройли кўзлари рашиқдан жонимни шуъладай бўлиб ёндиради.
6. Қуёш ҳар заррасидан бир Исо яратса ҳам, у менинг тор оғизли (оғзи кўринмайдиган) ой юзли гўзалимдай бўлолмайди.
7. Хурсандман ул пири комилданки, бир қадаҳ май тутиб (илохий мұждадан баҳраманд этиб), ўз хузурида бехуду маст этди ва жонимга роҳат, осойишталик бағишлиди.
8. Девоналигимни даволаш учун дуохон ё табиб келтиринг, чунки кимники бир парипайкар гўзал шайдо айлаган бўлса, унга шу муносибидир.

- Агар сидқ ахли – вали инсонлар күнгли Унинг меҳрин фош этса, осмон тонг ёғдуси каби ўз нурини бир лаҳза қўймай тўкаверади.
- Хар қанча тун зулфини тозалаб, хушбўй таратиб, кундуз юзига ёпса ҳам, эй Навоий, дунё гўзалига ов бўлма.

### **Ғазалинг умумий мазмун-маъноси**

Навоийнинг ушбу ғазалини рашкнома деса ҳам бўлади. Ошиқнинг ўз маъшукасига ишқи шунчалик кучлики, у ҳеч кимни унга яқинлаштиргиси келмайди, иложи бўлсаю, маҳбубасини барча файр ва бегона кишилардан яширса, ҳеч ким у ҳақда гапирмаса, ҳатто, номини тилига олмаса. Шу боис, ҳар бир байт бир илтижоли қасамдай жаранглайди, яъни, ошиқнинг ўзи ҳам ёрдан ўзгага боқмасликка онт ичади. Ха, хақиқий муҳаббат ана шундай, у фақат севган ёр васфини талаб қиласди, ўз ёрини барчадан устун деб билиш, бутун вужуди, фикру ўйи билан ёр ёди или яшаб, унга талпинади. Рашк ва қизғаниш, ахир, муҳаббат кучидан нишона. Севмаган одамда rashk бўлмайди.

Аммо Навоий, ҳар галгидай, бу ғазалда ҳам яна ошиқона хиссиятлар тасвиридан орифона фикрлар баёнига ўтади, бошқача айтганда, муддаоси пири комил ҳузури эканини қайд этиб ғазални якунлайди.

**Нажмиддин КОМИЛОВ**

### **НАВОИЙ, СЕН КИМУ ИШРАТ МАЙИ...**

*На хуш бўлгай иковлон маст бўлсақ васл боғинда,  
Кўлум бўлса анинг бўйнидаю оғзим қулогинда.*

*Даме васл ичра вололиғ била руҳсорим эгнида,  
Яна бир дам ниёзу ажз ила бошим аёгинда.*

*Тутуб гоҳе занахдонин мукаррар айласам бот-бот,  
Кўруб гуллар очилғон бодадин руҳсори боғинда.*

*Шимиб ютсан гаҳе ҳайвон суйидек завқдин, кўргоч  
Тараашшух бодадин гул яфроғи янглиғ дудоғинда.*

*Гаҳе кўз суртаримда, йўқса ҳар ён шодлиғ ашким  
Гул узра қатра шабнамлар киби сиймин сақоғинда.*

*Гаҳе бехудлугумдин сесканиб тутсам адаб расми,  
Белига чирмашурда шавқнинг ифрати чогинда.*

*Не келса тонгла келсин, бир тун усрук ётса ҳам хушдур  
Киши гул чоги бир гул хирманин тортиб қучогинда.*

*Қачон даврон манго бир бўйла ишратни раво кўргой,  
Ки ўргатмиш мени ўртарга ҳижрон дарди доғинда.*

*Навоий, сен киму ишрат майи, билмасмусенким, ит  
Агар кон исча ҳам боши керактур ўз ялогоинда.*

(«Фаройиб ус-сигар», 28-ғазал)

### **Луғат**

**Вола** – мафтун, шайдо; воло – баланд мартаба.

**Ниёз** – талабгорлик, эҳтиёж, илтиҳо.

**Ажз** – охиззлик.

**Занаҳдон** – ияқ, жағ, сақоқ. Тасаввуфий маънода маҳбуб лутфи.

**Мукаррар** – такрор, қайта-қайта.

**Бода** – ичимлик, май. Тасаввуфий маънода илоҳий нусрат ва ишк.

**Рұксор** – юз.

**Хайвон суйи** – Хизр ичган абадий тириклиқ суви.

**Тарашшүх** – суюқликнинг сизиб чиқиши, намоён бўлиши.

**Дудоғ** – лаб.

**Сиймин сақоқ** – кумушдай ияқ.

**Ифрот** – ҳаддан ошиш, чегарадан чиқиш.

**Ялоғ** – итлар овқат ейдиган идиш, ялоқ.

**Усрук** – маст, сархуш.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Иккаламиз васл боғида дийдор кўришишдан, ишқ ғалабасидан шоду хуррам оламни унтиб бехуд бўлсак, қўлим ёрнинг бўйнидаю, оғзим кулоғида бўлса, қандай яхши бўларди.
2. (Шунда) бир нафас васл шайдолиги ичра юзимни эгнига суртиб, яна бир нафас илтиҳо билан унинг оёғига бошимни қўйсам эди.
3. Гоҳида иягини тутиб қайта-қайта силасам ва шароб таъсирида юзи гулшанида очилган гулларни кўриб завқлансанам.

- Гоҳида гул япрогига ўхшаш лабларини ишқ завқидан Хизр ичган тириклик сувини ичгандай шимиб ютсам.
- Гоҳида шодлигимдан оқкан кўз ёшларим кумушдай иягида шабнам қатрасидай томганини кўруб, яна завқим тошса.
- Гоҳида шавқиму завқим ошганидан одоб қоидасидан чиқиб, белидан қучоғлаб олганимда сесканиб кетсам.
- Қиёмат куни нима бўлса бўлар, киши гул очилган баҳор айёмида бир гул хирмани – жононани қучоғига олиб бир кеча бўлса ҳам, беҳуду маст бўлиб ётса яхсидир.
- Даврон менга қачон шундай ишратни раво кўрар экан, мени васл хурсандлигига эмас, айрилик дарду доғини чекишга ўргатди.
- Эй Навоий, сен киму васл майнинг ишратини суриш қайда. Ахир, билмайсанмики, ит қон ичса ҳам, боши ўз ялоғида бўлиши лозим.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу асарда Навоий лирик қаҳрамони орзуларининг ажойиб тасвири келтирилган. Аммо ана шу хаёлий лавҳаларни шоир реал ва ниҳоят жозибали, жонли гавдалантира олган. Бир-бирига муштоқ севишганларнинг васл боғидаги учрашуви, бир-бири дийдоридан лаззатланиши, ошиқнинг нозик, баъзан эса ўзини тутолмай қилган «қўпопрок» хатти-ҳаракати ўқувчига кучли завқ берадиган даражада таъсирчан, жонли тасвир этилган. Ошиқ ёрининг бўйнига қўлини қўйиб, қулогига муҳаббатдан сўзламоқда, яна бир лаҳзадан кейин белини кучади, юзларини силайди, лабларидан ўпади, кўзларини ёр юзига суртади. Бу муҳаббатнинг галабаси, ширин висол дамларининг нозик ҳолатларини дилкаш ва эсада қоладиган деталлар билан тасвирлаш санъати, Навоий лирик маҳоратининг дурдона наомунаси. Тўқиз байтлик ғазалнинг етти байтида севишган қалбларнинг мулоқоти ва бундан роҳатланиши, ажиб инсоний кечинмалар худди буюк бир рассом чизгандай бадиий сўз воситасида етти хил ҳолатда кўрсатиб берилган.

Бироқ саккизинчи байтга келганда, бу тасвир Навоий хаёлининг маҳсули экани маълум бўлади. Шоир бир ўқинч билан: қани эди, замону даврон менга ҳам шундай бир васл дамларини насиб этсайди, ёр васидан лаззатланиш бир кеча бўлса ҳам бир умрга татигулик, умргагина эмас, икки дунёга арзигулик ва қиёмат куни нима жазо бўлса ҳам, аммо ана шундай висол оқшомидан воз кеч-

мас эдим, деган хайёмона фикрни баён этади. Бироқ ана шундай ширин дамлар Навоийга ўхшаганларга насиб этиши мумкин эмас, у «ишрат майдан» маҳрумлигини ғазал мақтаида аламли тарзда қистириб кетади.

Ўкувчиларда бу ғазалдаги тасвиirlарда орифона маънолар ҳам борми, деган савол туғилиши мумкин. Зоро, агар бода дегандага илоҳий файз нусрати ва ишқ назарда тутиладиган *ниёз* Оллоҳга талабгорлик, маастлик, усрук – пир сўзидан сархушликни англатадиган бўлса, шу каби *васл*, *занаҳдон*, *лаб* (дудоқ), бел, хайвон суви каби сўз ва иборалар кўпинча тасаввуфий маънога эга бўлса, унда ғазалдаги тасвиirlарда сўфиёна маъно назарда тутилган эмасми?

Албатта, Навоийнинг бу ғазалида ҳам тасаввуфий маъно бор. Бу хаёлий ҳолатларни пири комилга интилган талабгор кишининг руҳий кечинмалари билан қиёслаш мумкин. Аммо, камина назаридагазалда дунёвий севги тасвири устунроқ ва умуман олгандага эса, юқорида кўрганимиздай, Алишер Навоийнинг ошиқона ғазалларида ҳам орифона маънолар акс эттирилган ва бу «мажоз усулида» ижод қилувчи шоирларда бир усул, анъана эди.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ҲАЖР ҮЛУМДИН ТАЛХ ЭМИШ<sup>1</sup>

Не наво соз айлагай булбул гулистондин жудо,  
Айламас тўти такаллум шаккаристондин жудо.

Ул қуёш ҳажринда, кўрқармен, фалакни ўртагай  
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуг аффондин жудо.

Дема: «Хижронимда чекмайсен фифону нола кўп»,  
Жисм айларму фифон, бўлғон нафас жондин жудо.

Ҳажр үлумдин талх эмиш, мундин сўнг, эй гардун, мени  
Айлагил жондин жудо, қилғунча жонондин жудо.

Бўлса юз минг жоним ол, эй ҳажр, лекин қилмағил  
Ёрни мендин жудо ёхуд мени ондин жудо.

Васларо парвона ўртанди, ҳамоно билдиким,  
Қилғудекдур субҳ ани шамъи шабистондин жудо.

<sup>1</sup> Нусратулло Жумахўжа қаламига мансуб шархлар олимнинг «Сатрлар силсила-сидаги сеҳр» («Ўқитувчи», Т., 1996) номли китобидан олинди.

*Бир иёсиз ит бўлуб эрди Навоий ёрсиз,  
Бўлмасун, ёрабки, ҳаргиз банда султондин жудо.*

(«Фаройиб ус-сиғар», 38-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ёшлиқ лирикаси маҳсули бўлиб, ишқ мавзуида рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

**Фоилотун ғоилотун ғоилотун ғоилун**

Асарнинг гоявий моҳияти – ишқ ва висолни улуғлаш. Изҳор услубида яратилган. Таркибий хусусиятларига кўра якпора ғазалдир. Мураддаф. Ғазалнинг лирик қаҳрамони ошиқ инсон. Ифодаланган барча изтироб, кечинмалар унинг туйғулари орқали юзага чиқади. Лирик қаҳрамон тилидан изҳор этилган ҳажр ва висол ҳакидаги фикр, умумлашмалар шоирнинг шахсий кечинмалари хulosасидир.

Гарчи анъанавий ишқ мавзуида битилган бўлса-да, ғазал мазмун ва ифода зътибори билан оригиналдир.

Асар таркибидаги барча байтлар бадиий баркамолликда ўзаро беллаша олади. Шунинг учун улар орасидан бирини шоҳбайт сифатида ажратиб кўрсатиш қўйин. Ўзига хос тимсолий тасвири билан иккинчи байт ажралиб туради:

*Ул қуёш ҳажрида, кўрқармен, фалакни ўртагай  
Ҳар шарореким, бўлур бу ўтлуг афғондин жудо.*

Байтда кутилмаган, ўзига хос муболага яратилган. Бу муболага ақлга сиғмас даражада хаёлий: ул қуёш, яъни, манзур ҳажрида ошиқ шу қадар ўртаниб фифон чекадики, унинг алангасидан сачраган ҳар учкун фалакни ёндирап даражада ўтли.

Ушбу ғазал ишқ фалсафасини теран ифодалаши билан ҳам мумтоуз.

*Ҳажр ўлумдин талх эмиши, мундин сўнг, эй гардун, мени  
Айлагил жондин жудо, килғунча жонондин жудо.*

Навоий бу байтда ишқ табиатидаги қонуниятни кашф айлаган, бутун ишқ ахли қалбидаги дардни изҳор этган. Ғазалдаги ишқ нуқтаи назари қиёслар орқали ифодаланган қуйидаги хulosаларда тажассум топган: гулистондан жудо булбул – навосиз қуш, шакаристондан жудо тўти – гунг мавжудот, ҳижрондаги ошиқ аҳволи – оху фифон, ҳижрондаги ошиқ вужуди – фифонсиз жисм, чунки ундаги

жон – нафасдан айрилган, демак, жонондан жудолик – жондан жудолик, висолсиз ошик – шамъи шабистондан жудо парвона, ёрсиз инсон – султонсиз банда ва эгасиз ит.

Газалдаги «жудо» радифи айрилиқ рухини байтма-байт изчил таъкидлаб, кучайтириб боришга хизмат қиласы. Умуминсоний фикр-түйғулар билан йүғирилган бу газал халқнинг севимли мұмтоз ашуласига айланған.

Нұсратулло ЖУМАХҰЖА

### ТИЙРА КУЛБАМҒА КИРИБ, ЖОНО

*Тийра кулбамға кириб, жоно, үлумдин бер нажот,  
Зулмат ичра Хизрға ул навъким оби ҳаёт.*

*Сода күнглум ичра лаълингнинг хаёли тушгали,  
Шишаедурким, анинг ичига солмишлар набот.*

*Оразинг меҳрида юзингдур гадолиғ қылғоним,  
Ҳақ сени хуршид құлмиш, заррае бергил закот.*

*То күнгүлдин бош чиқармиш ҳар тараф пайконларинг,  
Күш боласидек бўлубтурким, бўлур темирқанот.*

*Васл умидига тилармен умр, лекин войким,  
Сенсизин кўрсам тирикмен, ўлтирур мени ўёт.*

*Истасангким, ул қуёш чиққач санга қылғай тулувъ,  
Эй кўнгул, ғам сели еткач, тоғдек тутқил сабот.*

*Ишқинг ўтин гар Навоий десаким айлай рақам,  
Сўзидин куяр қалам, қурур қаро, эрир давот.*

(«Фаройиб ус-сиғар», 74-ғазал)

### Лұғат

**Тийра** – қоронғи.

**Зулмат** – афсонага кўра ерости мамлакати, қоронғи ер ости.

**Оби ҳаёт** – қоронғи ерости мамлакати чашмаси, абадий ҳаёт бағищловчи сув.

**Сода** – тоза, шаффофф, тиник.

**Закот** – исломда мол-мулк солиғи.

**Пайкон** – камон ўқининг ўткир учи, найза, ўқ.

**Темирқанот** – эндиғина қанотларини учишга шайлаётган қуш боласи.

**Тулұъ** – офтобнинг нур сочиб чиқиши.

**Сабот** – чидам, тоқат.

**Қаро** – ёзиш учун тайёрланған қора рангли суюқлик, сиёх.

**Давот** – сиёҳдон.

**Сүз** – сүз ва тафт, ҳарорат.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Эй жонажон махбубам, еости зулмат дунёсида ҳаёт суви Хизрга абадий умр бағишилаганидай, сен ҳам қоронғи кулбамга кириб, мени ўлимдан халос эт.
2. Ләльдай лабингнинг ҳаёли соғу покиза күнглимга тушубдир, бу худди шишадан ясалған идишга новвот солинганидай бўлиб кўринади.
3. Юзингнинг қуёши (мехри)ни тилашдан мақсадим (нуқтадай тор) оғзингдир, Ҳақ таоло офтоб мисоли яратибдир (нурингдан) бир зарра менга закот бер.
4. Ўқларинг (пати билан бирга) күнглиминг турли томонидан тешиб чиқибдилар. (Кўнглим) гўё эндиғина темирқанот бўлган қуш боласига ўхшаб қолибди.
5. Васлинг умидида Худодан умр тилайман, аммо войким, сенсизтирик юрганимни кўрсам, уят мени ўлдиради.
6. Эй кўнгил, агар ул қуёш чиққандан кейин сенга нур сочиши (караши, тажалли этиши)ни истасанг, ғам сели оқиб келганда, тоғдек сабру тоқат қилиб чидагин.
7. Агар Навоий, сенга бўлган ишқини ёзаман деса, сўзи (ҳарорати) дан қалам куяди, сиёҳ курийди ва сиёҳдон эриб кетади.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ҳам Навоийнинг мажоз усулида яратган ошиқона ғазалларидан. Аммо кўлланилган ташбехлар, тасвирий воситалар ўзига хостароват, янги жилога эга. Ошиқнинг кўнгли топ-тоза, артилган шишадай шаффофф, шу боис Ёр жамоли бутун товланиши, мафтункорлиги билан унда акс этади. Шоир бу байтда гўзал Ёр лабини лаълга, шу лаълнинг ҳаёlinи шиша идишга солинган новвотга

ўхшатган. Дарҳақиқат, новвотни шиша идишда сақлаш халқимизнинг қадимий одатларидан. Аммо лаъл – қизил, рангига кўра у новвотга ташбех бўла олмайди. Навоий эса ана шу номувофиқликни мувофиқлаштириш учун лаълнинг хаёли, яъни, лаълдай лаб ҳақидаги ўй-хаёлни новвотга ўхшатган. Бу эса бағоят гўзал, санъаткорона тасвир. Ошиқнинг ички олами ҳам бунда намоён бўлган.

Учинчи байтдаги тасвир ҳам ажойиб: Ёр юзи қуёшга ўхшатилмоқда. Лекин шу қуёш ичидан у нуктадай оғизни изламоқда. Оғизни нукта деб айтишимизга сабаб бор. Мумтоз адабиётда Ёр оғизнинг торлиги, баъзан кўриниб кўринмай туриши гўзаллик белгиси деб қаралган. Қадимгиларнинг эстетик завқи, идроки мана шундай. Бироқ бунинг тагида орифона маъно бор. Оғизнинг торлиги комил пирнинг ниҳоят нозик сири ва валининг қудсий нафасига ишорадир. Айни шу маънода Ёр қуёшга тенглаштирилган ва унинг зарралари – нури (сўзи, ҳикмати) ошиқ учун оби ҳаётдир. Шу пири комилдан баҳраманд бўлиш ўйлида у гёё гадо ва закот талабори. Кейинги байтдаги ёр киприклири ўқидан мажрух бўлган дил ҳолатининг тасвири – ўқларнинг патини жўжа қушчанинг эндиғина учишни ўрганиб, типирчилашига ўхшатиши ҳам покбоз ошиқнинг садоқат изҳори. Ошиқ тоғдай саботу матонатли бўлиши, ёр тарафидан, ҳаёт чарх-палагидан келган балоларга чидаши шарт. Бўлмаса, у ошиқи содик эмас. Ана шундай ошиқларнинг дили ёниқ ва ҳарорати атрофдагиларга ҳам таъсир этувчиидир.

Ғазалнинг мақтаси – охирги байти бағоят гўзал, уни ҳусни мақта десак хато бўлмайди. Чунки бу байтнинг образ – ифодаларигина эмас, ҳароратли оҳангни ҳам дилга қўзголон солади. Шоир муҳаббат кудратини ажойиб ташбеҳлар тизими орқали васф этган, кечинмалар түғёнини тараннум этган.

Нажмиiddин КОМИЛОВ

## ЭЙ НАСИМИ СУБХ, АҲВОЛИМ ДИЛОРОМИМФА АЙТ

Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимфа айт,  
Зулфи сунбул, юзи гул сарви гуландомимфа айт.

Буки лаъли ҳасратидин қон ютармен дам-бадам,  
Базми айш ичра лабо-лаб бода ошомимфа айт.

**Ком-талху бода-захру ашк рангин бўлғанин  
Лаъли ширин, лафзи рангин, шўхи худкомимга айт.**

**Шоми хижрон рўзгоринг тийра невчун қилди, деб  
Сўрмагил мендин бу сўзни, субҳи йўқ шомимимга айт.**

**Ул пари ҳажрида нангу номким тарк айладим,  
Кўнгул отлиғ ҳажр водийсида бадномимимга айт.**

**Эй кароматгўй, ишим оғози худ исён эди,  
Шамъи раҳмат партави еткайму анжомимимга, айт.**

**Йўқ Навоий бедил ороми ғам ичра, эй рафиқ,  
Холини зинҳорким кўрсанг дилоромимимга айт.**

(«Фаройиб ус-сигар», 84-ғазал)

### **Луғат**

**Насими субҳ** – тонг ели. Тасаввуфий маънода илоҳий нур тажаллиси.

**Сунбул** – хушбўй, ҳалқа-ҳалқа гулли гиёҳ, маҳбубанинг зулфига ўҳшатилади.

**Сарви гуландом** – гулдай чиройли сарвқомат одам.

**Лаъл** – қизил лаб. Тасаввуфий маънода пир сўзининг қиймати, маъшуқа каломининг бебаҳолиги.

**Бодаошом** – шароб ичувчи.

**Ком** – оғиз, мурод-мақсад, орзу, баҳт.

**Талх** – аччиқ.

**Ашк** – кўз ёши.

**Лафа** – сўз.

**Худком** – ўз мақсади, фойдасини ўйлайдиган киши.

**Тийра** – қоронғи.

**Нангу ном** – ор, номус, обрў-эътибор.

**Кароматгўй** – башоратчи, ғайбдан хабар берувчи.

**Оғоз** – бошланиши.

**Исён** – бўйин товлаш, итоатсизлик, гуноҳ.

**Партав** – шуъла, порлаш.

**Шамъи раҳмат** – Оллоҳ нури, тажаллиси.

**Анжом** – охир, якун.

**Бедил** – дилсиз, дилини маҳбубга топширган, ошиқ.

## Ғазалнинг насрый баёни

1. Эй тонг ели, аҳволимни юзи гулдай чиройли, сочи сунбулдай хушбўй, қомати сарвдай тик ва гул каби нозик дилга ором бергувчи ёримга айт.
2. Унинг лаълдай қизил лаби ҳасратидан бот-бот қон ютишимни қизил майдан пиёланни лиммо-лим тўлдириб ичаётган ва айш қилаётган маҳбубимга етказ.
3. Оғзим аччик (ёки баҳтим қора), ичаётган бодам заҳар, қон йиглаётганимни лаъли лаби ширин, сўзлари гўзал ва ранг-баранг, ўзига бино қўйган шўхи жононимга айт.
4. Ҳижрон шоми ҳаётингни нега қоронги қилди деб мендан сўрама, буни тонги йўқ шомимга айтгин.
5. Паридай ул гўзал маҳбуба фироқида ор-номусдан айрилганимни ҳижрон водийсида оввора кўнгил отлиғ бадномимга айт.
6. Эй башоратчи, менинг ишимнинг бошланишининг ўзи итоат-сизлик, саркашлик (гуноҳ) эди, аммо охирида шамъи раҳмат – илоҳий файз нури етадими менга, шундан хабар бер.
7. Эй дўст, Навоийнинг ғам ичиди дилсиз орому қарори йўқ, бу аҳволимни агар кўрсанг, албатта, дилоромимга айт.

## Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ошиқона бу ғазалда севгувчи қалбнинг фифону ноласи акс этган. Ёр узокда, у шодлик боданўшлиги, ҳаёт гаштини суриш нашидаси билан банд. Ошиқ эса ҳижрон азобини тортмоқда, у шу аҳволидан ёрини хабардор этмоқни бўлади, бунинг учун тонг шамолига мурожаат этади.

Умуман, тонг (субҳ) тимсоли, тонгга мурожаат Шарқ шоирларида анъянавий усуллардан ҳисобланиб келган. Бироқ Навоийда бу усул янги тасвирий воситалар билан намоён бўлган. Шоир ошиқ аҳволи ва маъшуканинг бепарвонигини ташбеҳлар тазоди – қиёслаш йўли билан очиб беради. Айни вақтда бу ёр жамоли – васфини ҳам ўз ичига олган.

Ёрнинг юзи гулга, зулфи (халқа сочи) хушбўй гиёҳ сунбулга, қадду қомати тик ўсадиган чиройли сарв дарахтига ўхшатилган. Ошиқ ҳижронда аламлар ютади, у ҳам бода ичади, аммо бу унинг учун заҳардай аччик, ҳар замон ёрнинг лаълдай қизил лаби, яъни пурмайно сўзларини қўмсайди, шу ширин лаблардан ўпиб, роҳатлангиси

келади. Мана шундай икки ҳолатни зид қўйиб тасвирлаш кейинги байтларда ҳам давом этган. Олтинчи байт ўзига хос мазмунга эга: Навоий ошиқликни ўзига хос исён деб таърифлайди, яъни, маҳбубага бундай шайдолик зоҳирий қоидалар, расм-русларга тўғри келмайди. Лекин охирида у Илохий тажалли нурига етишиш, шамъи раҳмат шуъласини кўришдан умидвор. Шу мақсад ошиқни овунтиради ва азоблари унуптилади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ЎЛТУРУР МАҲРАМНИ СҮЛТОН...

Хусни ортар юзда зулфин анбарафшон айлагач,  
Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.

Юзни гуллардин безабму, "бизни курбон айладинг,  
Ё юзунгга тегди қонлар, бизни курбон айлагач?

Тийф ила пайконларинг етти, кўнгул бўлғоч хароб,  
Сув қиуб тухм эктинг, ул кишварни вайрон айлагач.

Қон эмаским, ёпти гулгун |хулла жаннат| хозини,  
Ишқ мақтулин шаҳид айларда урён айлагач.

Оғкор айлаб юзин, кўзумни ҳайрони айлади,  
Ешурун олди кўнгул, кўзумни ҳайрони айлагач.

Жонға кўйғоч |нақди ишқин| килди кўнглумни халок.  
Ўлтурур маҳрамни сўлтон |ғанжи тинҳон| айлагач.

Эй Навоий, ишқагар кўнглунгни мажрух ётмади,  
Бас недурким, қон келур өғзингди |ғарғон| айлагач?!

«Фаройиб ус-сийф», 98-ғазал)

Навоий ижодий камолотининг ўрта ёш босқичига мансуб бу ғазал ишқ мавзуида яратилган. Етти байт мобайнода мавзу изчил ёритилиб, ғазал якпора таркиб касб этган. Услубан ғазал таъриф-тавсиф ва изхор уйғунлашган аралаш турда вужудга келган. Рамали мусаммани маҳзуз фазнида битилган:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Машхур мумтоз қўшик ёки шеър сифатида тинглаганимизда, жошиб шаклу шамойили ва мафтункор оҳанганинг ўзиёқ бизни маҳлиё этиб қўя қоладиган ушбу ғазалнинг сехри шундаки, унда инсон гўзаллиги, ишқ синоатлари, воқе ҳаёт ҳамда табиат манзаралари билан муқояса этиш усулида акс эттирилган. Шоирнинг маҳоратига қойилки, у мавхум, сирли нарса ва хусусиятларни ҳаётий ҳодисалар билан қиёслаш воситасида аёнлаштириб, ҳайратомуз тарзда тасвирлаб беради. Масалан, матланинг иккинчи мисрасида кундалик турмушда учрайдиган оддийгина ҳодиса шоир қаламида бадиий ашёга айланган:

*Шамъ равшанроқ бўлур торин паришон айлагач.*

Маълумки, шам каттароқ шуъла таратиши ва атрофни кенгроқ ёритиши учун уни қирқилиб, ришталари ёйилади, яъни тори паришон бўлади. Натижада, шам равшанроқ ёна бошлайди. Мана шу ҳаётий тафсилни шоир шундай бадиий фикрни асослаш ва шарҳлашга хизмат қилдирадики, гўё маъшуқа соchlарини ёйиши ва атрофга муаттар хидлар таратиши, натижада, ҳусну жамол яна ҳам кўркамлашуви мазкур ҳодисани эслатади.

Иккинчи байтда тажоҳули ориф санъати ҳам қиёсий тасвирга қўшилиб, адабий муддао изҳорига хизмат қилади:

Юзни гуллардин безабму, бизни қурбон айладинг?  
Ёузунгга тегди қонлар, бизни қурбон айлагач?

Изҳори ишқ зимнидаги шу маъно аниқки, лирик қаҳрамонни қурбон айлаган нарса маъшуқанинг гулгун қизил юзлари-ю ол ёноқлари. Аммо буни тўғридан-тўғри икрор этиш, умуман, ғазал услугуга ва хусусан, мазкур ғазалнинг ўзига хос услугуга мувофиқ тушмас эди. Шунинг учун шоир «Юзни гуллардин безабму бизни қурбон айладинг» ёки «бизни қурбон (катл) қилган чоғингда, қонидан юзларинг қизармишми, билмадим?» тарзида ҳайратли сўроқ орқали фикрини англатади.

Ошкор айлаб юзин, қўзумни ҳайрон айлади,  
Ёшурун олди кўнгул, қўзумни ҳайрон айлагач.

Мазкур байтда маъшуқанинг гўзаллиги ва айни пайтда, айёрлиги тасвирланган. Шоир тавсифича, у асли кўнгул олмок қасдида эди, бунинг учун аввал жамолини жилвалантириб, кўнгулни олиб қўйди. Гарчи бу ҳаётий ҳол бўлса ҳам, байтнинг бадиий моҳияти шу билан

чегараланмайды. Маъшука, юз, күз, күнгүлнинг рамзий маънолари хам бор, албатта. Байтлардаги «бизни қурбон айладинг», «бизни қурбон айлагач», «кўзумни ҳайрон айлади», «кўзумни ҳайрон айлагач» қайтариқлари бадиий мантиқ тақозосига кўра қўлланган такрор санъати нишонасиdir.

Фазал таркибида иккита шоҳбайт бор. Бири матла бўлса, бири мақтадан олдинги байт. Бу байт хам матла сингари фоявий-бадиий етуклиги, фалсафий теранлиги билан ажралиб туради.

*Жонға кўйғоч нақди ишқинг, қилди кўнглумни ҳалок,  
Ўлтутур махрамни сulton ганжи пинҳон айлагач.*

Олдинги байтларда кўнглини олдиргани, кўнгли ҳайронликда қолганидан бўзлаётган лирик қаҳрамон энди маъшуки азал кўнглини ҳалок этганини изҳор этмоқда. Ажабки, маъшука ишқ нақдидини жон бағрига яширгач, ошиқ кўнглини ҳалок этади. Негаки, бу сирли ҳодисага кўнгил гувоҳ, бир куни уни ошкор этиб қўйиши мумкин. Шунинг учун кўнгил ҳалокатга маҳкум этилади. Биринчи мисра замиридаги шу мавзунинг ўзиёқ яхлит бир асар мундарижасига та-тириди. Аммо Навоий тамсил санъати воситасида биринчи мисрага шундай мутганосиб далилли жуфт яратадики, бадиий қиммати бебаҳо даражадаги байт юзага келади. Фазалга бадиий ашё бўлиб кўшилган ҳаётий тафсил шундан иборатки, сulton ўз ҳазинаси яширилгач, ҳазинани яширган ва ҳазина яширилган жойдан воқиф бўлган ягона гувоҳ – махрамни ўлдирап экан. Бунда ҳазина – ишқ нақдига, маҳрам – кўнгилга таносуб қилинган. Махрамнинг қатлига боис шуки, у ҳам кўнгил сингари бир кунмас, бир кун ҳазина яширилган жойни ошкор қилиб қўйиши, натижада, ҳазина ва унинг соҳиби бесаранжом бўлиши хавфи бор. Бу байт ижтимоий ҳаёт ва ҳукмдорлик сиёсатидаги умумий бир қоида, фоже найрангни мудом эслатиб туради. Тарихда бутун умрини салтанат хизматига фидо этган, салтанат манфаатигагина эмас, балки сиёсий макрнинг фош этилишига ҳам ишлаб қолиши хавфу хавотири туғилган не-не зakovatли зотлар ҳалокатга маҳкум этилмаган? Албатта, тақдирлар турлича кечган бўлиши мумкин, аммо сultonлар қўллаган тадбир моҳияти бир хил қонуниятга эга. Бу байт қадим тарихнигина эмас, яқин йиллар кечмишини ҳам хотирга солиб, кишини ҳушёрликка ундаиди. Қирғинбарот, қатағон йилларида миллионлаб ҳалқ фарзандлари ижтимоий ҳақиқатни билгандлари, сталинчилик салтанати сирларидан огоҳ бўлганликлари туфайли шафқатсиз қатл этилган-

лари ҳам шу байт ҳикматини ёдга солади. Чунки улар ҳам халқнинг вижданни, бағри эдилар ва бир куни катта сиёсатдаги ҳийлаларни фош этиб, чинакам адолатни тикилашлари муқаррар эди.

Хуллас, мазкур ғазал ана шундай чуқур ижтимоий салмоқдор маъноларни қамраб олгани, кишини фақат ишқий кечинмалар хаётига чорламай, ижтимоий, фалсафий мушоҳадаларга толдириши ҳам замонавий ва умрбоқий аҳамиятга эгадир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ЖОН ВА ЖОНОН СИРЛАРИ<sup>1</sup>

*Навоий ижодида «жон» ва «жонон»  
истилоҳларининг маънолари*

### Маърифий татаббӯъ Кисқа муқаддима

Мумтоз шеъриятдан ҳар ким ўз идроки, маърифати даражасида баҳра топади. Ҳар ким ўз кўзасига яраша ундан сув олади. Амир Низомиддин Алишер Навоий ўз девонини бекорга «Хазойин ул-маоний» («Маънолар ҳазинаси») деб атаган эмас. Унинг ғазалларида шу қадар теран ирфоний маънолар, хос тасаввуфий истилоҳ ва иборалар, мажозларга бурканган ҳақиқатлар, ишқи илоҳийга далилат қўливлчи қўйма тимсоллар борки, булар ҳақиқатан маънолар ҳазинасидир. Бу маънолардан фақат тасаввуфий истилоҳларни англаш йўли билангина тўлиқ баҳраманд бўлиш мумкин. Ғазалларнинг ташқи маънолари, мажозий тасвирлари кишига беҳад ҳайрат, завқ, сурур баҳш этади. Бас, жонга ҳузур-ҳаловат, қалбга нур ва зарофат, онга маъно ва ҳайрат етмоғи учун моҳиятдан – ички, ҳақиқий маънолардан хабардор бўлмоқ лозим.

Алишер Навоийнинг хуш оҳанг, яширин ранг ва турфа маъноларни ўзида мужассам этган асарларидан бири «Жон ва жонон» ғазалидир. Ғазални шартли равишда шундай номлаймиз. Зоро, унда жон билан жонон сирлари пинҳондир. Тан билан жон, жон билан жонон бир-бирларига қандай пайваста бўлса, ғазалда мажоз ва ҳақиқат ана шундай бир-бирига боғланган.

<sup>1</sup> «Жон ва жонон сирлари» мақоласи «Тафаккур» журнали (2012 йил, 2-сон, 38-47-бетлар) да чоп бўлган.

## 1. Жонбахш лаб ҳакиқати

Хар лабинг ўлганни тиргузмақда, жоно, жон эзур,  
Бу жиҳатдин бир-бисири бирла жоножон эзур.

Эй жон! (Эй жоним-севгили!) Хар бир лабинг ўлкни тирилтиришда бир жондир. Бу жиҳатдан икки лабинг бир-бири билан жонажондир, ажралмас дўсттир.

Матлаъни ва умуман, ғазални яхши тушуниш учун «лаб», «жон», «жонон» истилоҳларининг ирфоний-тасаввуфий маъноларини билмоқ лозим. Сайид Жаъфар Сажходийнинг «Фарҳанги истилоҳ ва таъбироти ирфоний» («Маърифий истилоҳ ва иборалар лугати»), Сайид Содиқ Гӯҳарийнинг «Шарҳи истилоҳоти тасаввуф» («Тасаввух истилоҳлари шарҳи»), Сулаймон Улудогнинг «Тасаввух теримлери сўзлугу» («Тасаввух атамалари лугати») асарларида муҳим истилоҳлар батафсил изоҳланган. Муҳаммад Фиёсуддин ибн Жалолуддин ибн Шарафуддин Ромпурӣ – Мустафоободийнинг машҳур «Фиёс ул-луғот»ида ҳам баъзи лугавий шарҳлар бор.

«ЛАБ» – маълум аъзо, дудоқ. Орифлар тилида – калом, сўз. (Фаҳруддин Ироқий). Баъзилар «лаб»ни «нафаси раҳмоний», яъни, илоҳий тажаллиларга ишорадир, деганлар.

Турли ирфоний маънолар тақозоси билан «лаб» деганда «жон», «жон» деганда «жонон» истилоҳлари бир-бирига зргашиб келаверади.

«Хар лабинг ўлганни тиргузмақда, жоно, жон эзур...» Матлада «лаб» «жон»ни зргаштириб келди, иккинчи байтда «жон» «жонон»ни зргаштириб келади. Илк байтда «жон» сўз ва ўзак сифатида уч бор уч маънода қўлланган: 1) жон-о – эй жон, эй менинг жоним бўлган севгилим; 2) жон – жасаддаги рух, ҳаёт; 3) жоножон – жонни жонга боғлаган ажралмас дўст. Бу иштиқоқ – ўзакдош сўзларни қўллаш санъатидир.

Навоий «Фаройиб ус-сиғар» девонидаги бошқа бир ғазалида айтади:

Бармоғи ҳайрат билаким лаъли хандон ичрадур,  
Ул алиф янглиғдурким, фильмасал жон ичрадур.

Ул маҳбубанинг бармоғи ҳайратдан хандон лаъли лабининг орасидадир, бамисоли алиф жон ичидаги бўлганидек.

Байтда лаб, яъни лаъли хандон яна «жон»ни пайдо қилди. Одатда, қизлар ҳайратдан бармоқ тишлияди. Гўзалнинг лаълдек хандон лаблари орасидаги ҳайрат бармоғи худди жон орасидаги алиф кабидир. Байтнинг мажозий ва ирфоний маъносидан ташқари яна «имловий» маъноси ҳам бор: «жон» сўзи арабчада алиф иштирикда ёзилади ва алиф ҳарфи жим билан нуннинг орасида бўлади.

«Тасаввуф атамалари лугати»да: «Лабдаги намлик оби ҳаётга, ишқ ва муҳаббат чашмасига ўхшатилади», – дейилган. Нега байтда «лаъли лаб» зикр қилинганда дарҳол «жон» эсланди? Чунки «лаб» деганда инсонга жон, рух, ҳаёт баҳш этувчи манба – ишқ ва муҳаббат булоғи тушунилади. Бу жонбаҳш, ҳаётбаҳш лаб мумтоз шеъриятда лаби шакарий, лаби ширин; лаби лаъл ёки қисқача лаъл каби иборалар билан тавсифланади. Бу таъбирлардан ҳар бирининг яна ўз тасаввуфий маънолари бор:

*Лаби шакарий* – шакар лаб, шакар дудоқ; пайғамбарларга малак, яъни фаришта Жаброил алайҳиссалом воситасида Оллоҳдан нозил қилинган калом, сўз, яъни илоҳий калом, муқаддас сўз; авлиёларга эса қалб тасфияси, яъни қалбни поклаш, мусаффо қилиш натижасида илҳом қилинадиган сўз, каломдир (Фахруддин Ироқий).

*Лаби ширин* – ширин лаб, чучук дудоқ: 1) идрок қилинмасдан ва хис этилмасдан бевосита келган калом, сўз; 2) маъшук сўзи; 3) севгили, маъшук; севгили лаби (Фахруддин Ироқий, Тахонавий).

*Лаби лаъл* – қизил лаб, ол дудоқ: 1) сўзнинг ботини, ичи, моҳияти, яъни маъшукнинг каломи, сўзи; 2) руҳнинг нафаси, жон киритувчи, тирилтирувчи нафас. Ва яна «лаби жонбаҳш»дан мурод борлиқ соясидаги йўқлинидир, деганлар. Яъни, нафаси раҳмонийга – илоҳий нафас, илоҳий тажаллиларга ишора бўлган лабнинг нишона-белгилари ва лавозими – тақозосидан вужуднинг вужуби ихотасидаги йўқлик имконининг намойишидир. Чунончи, Навоий мазкур матла билан бошланган ғазалида айтади:

*Лаъли бир сўз бирла юз йиллик ўлукни Хизр этар,  
Гўйиё Руҳуллоҳ ушбу оби ҳайвон ичрадур...*

Севгилининг лаби бир сўз билан юз йиллик ўлукни тирилтиради, яъни, Хизр алайҳиссалом ҳаёт сувини ичиб, абадий ҳаёт топганидек, бу лаб юз йил ўлиб ётган жасадга боқий ҳаёт баҳш этади. Гўёки Руҳуллоҳ, яъни, Исо алайҳиссалом бу ҳаёт сувини топишда восита бўлгандек.

Мазкур байтда юқоридаги маъноларнинг ҳаммаси мавжуд: маъшук сўзи ҳам, бевосита илохий калом ҳам, илохий тажаллилар ҳам, Руҳуллоҳ, яъни, Исо алайҳиссалом ҳам, муқаддас калом ҳам. Куръони карим ҳақиқатан инсонга руҳ бағишлади, хастага шифо, заифга қувват, дамсизга дам, очга озуқа, адашганга ҳидоят, баҳт-сизга баҳт, ўлик дилга ҳаёт бўлади. Бу маънолар тасаввуфий шеъриятнинг рангин гулзоридир. Фузулий айтади:

Мен лабинг муштоқиям, зуҳҳод – Кавсар толиби,  
Нечаким, маста май ичмоқ хуш гелар, хушёра сув...

Мен лабинг муштоқиман, зоҳидлар эса Кавсарга талағордирлар. Нечунким, мастга май ичмоқ хуш келади, ҳүшёрга эса сув ичмоқ.

Бундаги мастилик илохий ишққа мазҳарлик ва зикр ила яна ишқ талаб қилишдир. «Лаб» мажозининг асл-асосини баён этишдан олдин «жон» ва «жонон» истилоҳларининг маъноларини кузатайлик.

## 2. «Жон»нинг маърифий маънолари

Жоним андок тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким,  
Жон эрур жонон эмас; ё жон эмас, жонон эрур...

Жоним жонон билан шунчалик тўлдики, танамдаги ҳаёт ё жонон эмас, жондир, ёки жон эмас, жонондир – буни фаҳм этиб бўлмайди.

Сажжодий «жон»нинг тасаввуфий маъноларини бундай баён этади:

Жон – 1) инсоннинг руҳи; 2) нафаси раҳмоний, яъни илохий (раҳмоний) нафас; 3) Ҳақнинг тажаллиёти. Шу уч маъно Навоий қўллаган «жон» сўзига етарли таърифдир. Бироқ яна гўзал шарҳлари бор.

Сулаймон Улудог айтади: «Жон – Мавлавия (Мавлоно Жалолиддин Румий) тариқатларида дарвеш, мурид маъносидадир».

Фаҳруддин Ироқий айтади: «Жоний дегани – руҳий дегани (яъни, руҳга, жонга оид сифат). Бу ҳеч қачон фоний бўлмайдиган (йўқ бўлмайдиган) ва абадиян бокий бўлган сифат».

Имом Фаззолий айтади: «Ҳақиқатда одамнинг жони ўз зоти билан қоимдир. Ва унинг хос сифоти қолипдан мустағнийдир (яъни, жон қолипдан беҳожатдир, у жасад қолипига муҳтоҷ эмас, жасад эса жонга муҳтоҷ, жон бўлмаса, жасаднинг ҳаёти тугайди, тупрокка айланади. Жон эса жасадсиз ҳам ўз зоти билан тургувчидир).

Ўлимнинг маъноси жоннинг йўқ бўлиши эмас, балки бунинг маъноси жоннинг тасарруфи қолипдан (жасаддан) узилишидир.

Хашр, нашр, баъс ва иоданинг маъноси (яъни, киёмат куни ўлганларнинг қайта тирилиши, маҳшаргоҳда тўпланиши, ўликни тиргизиш ва қайтариш тушунчаларининг маъноси) жонни йўқдан вужудга келтириш эмас, балки унга қолип кийгизилмоғидир (яъни, жоннинг жасадга қайта киритилмоғидир).

«Жон» истилоҳининг ирфоний ва адабий китобларда келган таркибларидан баъзилари қуидагилар:

- 1) *Горати жон* – жонни талон қилиш, битириш, яғмо этиш, олиш;
- 2) *Жони мажруҳ* – яраланган, аламли, эзилган, қийналган жон;
- 3) *жон ва жисм*; 4) гулистони жон – жоннинг гулбоги, катта гулзори, яйраб-яшнайдиган жойи; 5) *машоми жон* – жоннинг машоми, хид билиш аъзоси, күш бўйни сезиши; 6) *жони жаҳон* – жаҳоннинг жони, оламнинг руҳи, ҳаёт; 7) *сарчашмаи жон* – жоннинг сарчашмаси, илк манбаи, ҳаёт булоги; 8) *қиблай жон* – жоннинг қибласи, мурожат қиласидиган, йўналиб, интилиб, талпиниб турадиган, Ҳақдан ўз жохатини сўрайдиган томони; 9) *куввати жон* – жоннинг куввати, мадад, руҳ оладиган омили; 10) *коми жон* – а) жоннинг истаги, тилаги, мақсади, б) баҳраси, баҳра оладиган манбаи; 11) *гиребони жон* – жоннинг ёқаси, жоннинг чиқар жойи, узилиш ҳолати; 12) *ороми жон* – жоннинг ором, таскин топадиган манбаи, 13) *муниси жон* – жоннинг ҳамдами, ёри, улфати; 14) *равзали жон* – а) жоннинг жаннати, боғи, гулбоги; б) жоннинг маскани, қабр; 15) *Исийи жон* – жоннинг Исо Масиҳи, тирилтирувчиси, ҳаёт берувчи; 16) *жонгудоз* – жонни қийновчи, қийноққа солувчи, азоб берувчи; 17) *жонпарвар* – жонлантирувчи, жон баҳш этувчи, руҳ, кувват етказувчи; 18) *жонбахш* – жон бағишловчи, жон киритувчи, руҳлантирувчи...

Жонафзо иборасидан мурод эса соликнинг бақосидирки, бу сифат билан у боқий ва абадий бўлгайдир ва унинг фаносига йўл бўлмагай (Сажжодий).

Бу маънолар ила мумтоз шеъриятга назар ташласак, фикримиз тозаради, нафсоний қарашларимиз жилоланади, қалбимиз нурланади. Бироқ ҳар даврда ҳам адабиётни зоҳирий тушунувчилар бўлган. Ҳатто, Навоий даври ҳам бундан мустасно эмас. Чунончи, Навоий «Ҳазойин ул-маъоний» девонининг очқичи бўлмисх илк фазалида: «Сен гумон қилғондин ўзга жому май мавжуд эрур» деб китобхон тафаккурини зоҳирий нарсалардан узиб, мангу гўзал боти-

ний маънолар сари йўналтиришга мажбур бўлган. Ёки бошқа ғазалида ирфоний маъноларни очиқроқ шарҳлашга мажбурият сезган:

Жаҳон ғамию узум бодаси гумон қилманг,  
Ки зоҳир аҳлига бу маъни этди бўйла зухур.

Яъни, «Биз ғам деб, бода деб ёзамиз, лекин сиз буни ўткинчи дунё ғами ва узум шарбати деб гумон қилманг, ҳамма нарсани юзаки кўрадиган, мажознинг ҳақиқатига қарамайдиган зоҳир аҳлига бу маъни шундай туюлади».

Валек ахли ҳақиқатга май эрур ваҳдат,  
Ғам ушбу касрат эрурким, қилур кўнгилга хутур...

«Лекин ҳақиқат аҳлига май ваҳдатdir, бирлик яккаю ягоналик шавқи, Биру бор Аллоҳнинг ишқидир. Ғам эса кўнгилга келадиган кўплик (бирликка зид) фикрлардир...»

Шунга ўҳшаб, «Лаб ҳам инсонга жон бағишлайдими, ўлганни тирилтирадими?! Муболага ҳам эви билан-да!» дейилиши мумкин. Алҳол, энди «лаб» мажознинг ҳақиқатини баён этамиз.

### 3. Тиргизиш мўъжизасининг асослари

Мумтоз адабиётда «ўликни тиргизиш» ифодаси ҳазрати Исо алайҳиссаломнинг мўъжизаларига асосланади. «Лаб», «нафас», «анфос», «тиргузмок» сўzlари ҳамиша Исо Масих зикри билан ёнма-ён келади. «Жон ва жонон» ғазали матласида бу ном учрамаса ҳам, сатр замирида мавжуд. Исо Масих у зотнинг Қуръони каримда таъкидланган номлари. Бу улулазм пайғамбар ўз нафаслари билан ўликларни тиргизганлари боис шеъриятда мажозан севгили лаби жонбахшлик жиҳатидан Исо Масих ва у зотнинг нафасларига қиёс қилинади. «Масиҳонафас», «Масиҳонфос», «Масиҳодам», «Масиҳваш», «Исийи жон» тавсифларининг қўлланиши шундандир. Масалан, Навоий ёзади:

Сариф либос аро ул нўшлабки, хандондур,  
Эрур Масиҳки, хуршид ичинда пинҳондур...

«Сариф либос ичиди ул шириналаб севгили хандон турган чоғида худди қуёш ичиди яширинган Исо Масих каби ўликка жон бағишлайди». «Қуёш ичиди яширинганлик» эса Исо алайҳиссалом асло ўлдирилмасдан, асло чормих қилинмасдан, юксакка

күтарилигларига ишора. Бу илохий ҳақиқатдир. Чунончи, Куръони каримда Оллоҳ таоло: «Аниқки, уни ўлдирмадилар. Балки, Оллоҳ уни ўз ҳузурига күтарди», дейди (Нисо сураси, 157-158-оятлар). Фақих Абул-Лайс Самарқандий бу оятни шарҳлаб: «Оллоҳ таоло Исо алайҳиссаломни Ўзидан бошқасининг ҳукми жорий бўлмайдиган бир мақомга юксалтирди. Ҳукм ва ҳикмат эгаси танҳо Удир», – дейди. «Хуршид ичинда пинҳон» деганда Навоий ана шу юксак мақомга ишора қиласди.

Яна бир мисол:

*Ул Масиҳ анфоси жонбахшу лаби – ҳайвон суйи,  
Оллоҳ-Оллоҳ, неча жоним нотавон бўлғусидур!..*

«Ул Масиҳнинг нафаси жон бағишловчи, лаби эса ҳаёт сувидир, Оллоҳ-Оллоҳ, яна менинг жоним нечун бунчалик нотавон бўлади?..»

Яна бир мисол:

*Лаълидин тиргузмак этсам орзу, айб этмангиз,  
Ким, киши ўлтурмоқ этмайдур Масиҳодин тамаъ!..*

«Машуқнинг лаъли лабидан мени тирилтиришини орзу қилсан, айб қилмангизлар. Ахир, киши Исо Масиҳдан ўлдиришни умид қилмайди-ку!»

Мумтоз шеъриятдаги ирфоний истилоҳларнинг мантиқий қуввати шундаки, Исо Масиҳ алайҳиссаломнинг ўз нафаслари билан ўликни тиргизиш мўъжизалари асло ривоят ёки афсона эмас, балки илохий калом билан собит тарихий ҳақиқатдир. Чунончи, Оллоҳ таоло Куръони каримда Исо алайҳиссаломнинг Бани Исроилга айтган ушбу сўзларини илоҳий лафз или баён этади: «Мен сизларга (ўзимнинг ҳақ пайғамбар эканлигим ҳақида) Парвардигорингиздан оят-далил келтирдим. Мен сизларга лойдан қуш тимсолини ясаб, унга пуфласам, у Оллоҳнинг изн-иродаси билан ҳақиқий қуш бўлади. Ва яна кўр, пес касалларини тузата оламан ва Оллоҳнинг изни билан ўликларни тирилтираман ва уйларингизда саклайдиган нарсаларингизни айтиб беришга кодирман. Агар мўмин бўлсаларингиз, албатта, бу ишларда сизлар учун аниқ оят-далиллар бордир» (Оли Имрон сураси, 48-49-оятлар).

Яна Оллоҳ таоло Куръони каримда бундай дейди: «Эсланг, Оллоҳ айтган эди: «Эй Исо ибн Марям! Сенга ва онангга берган неъматимни ёдингга ол, қайсики, сени Рухул-Кудс (Жаброил фаришта) билан қувватладим, одамларга бешикда ва вояга етганингда гапир-

динг. Сенга ёзувни, ҳикматни, Таврот ва Инжилни таълим бердим. Менинг изним билан лойдан күш шаклини ясадинг. Сўнгра унга дам урганингда, у Менинг изним билан (чинакам тирик) күшга айланди. Менинг изним билан кўр ва песни тузатдинг. Менинг изним билан ўликларни (қабрларидан тирик ҳолда) чиқардинг...» (Моида сураси, 110-оят).

Бинобарин, тасаввуфий адабиётнинг суюнган тоғи аввало Қуръони каримдир. Ўликни тирилтириш ҳақидаги мажознинг ҳақиқати ҳам Қуръони каримдадир. Таврот, Инжил, Забурнинг асл нусхалари ва Қуръони каримни «инсон тафаккурининг маҳсули» дейиш асло жоиз эмас, балки ҳақиқий илоҳий қалом, Оллоҳнинг муқаддас сўзиdir.

Оллоҳ барча пайғамбарларни муайян мўъжизалар билан қувватлаган ва Исо алайҳиссаломга беш мўъжиза ато этган. Диққат қилсак, олдинги оятда «Оллоҳнинг изни билан» деган ибора ва кейинги оята «Менинг изним билан» деган илоҳий сўз қайтакайта таъкидланмоқда. Бедаво қасалларни тузатиш ва ўликни тирилтириш ишларини зохирда Исо алайҳиссалом бажардилар, лекин моҳиятда эса бу факатгина Оллоҳнинг изн-иродаси билан воқе бўлди. Бу Оллоҳнинг кудратидир. Ўликни тирилтирувчи нафас Исо алайҳиссаломники, аммо бу нафасни ато этган зот Оллоҳдир. Бинобарин, мумтоз шеъриятдан, айниқса, Навоийдек мухаҳид зотнинг мажозларидан эътиқодий нуқсон излаш инсофдан эмас.

#### 4. Инсон маъбуд эмас

Алишер Навоий Самарқанд улуғларидан бўлган ва фикҳда Абу Ҳанифаи Соний, яъни, иккинчи Имоми Аъзам деб эътироф этилган Ҳожа Фазлуллоҳ Абуллайсий ҳузурида иккى йил таълим олган. Бу зот эса Фақих Абул-Лайс Самарқандий авлодидандир. Навоий: «Онча илтифотлари бор эрдиким, «фарзанд дер эдилар», дейди тавозу билан. Бинобарин, Фақих Абул-Лайс Самарқандийнинг тасаввуфий тафсири Жомий ва Навоий ўқиган мўътабар тафсирдир. Шунинг учун ана шу «Тафсири Самарқандий»дан юқоридаги оятлар шарҳига оид сўзларни келтирмоқ мақсадга мувофиқдир. Фақих ҳазратлари Исо алайҳиссаломга юқоридаги мўъжизалар берилгандан кейинги воқеани бундай изоҳлайди: «Ваҳоб ибн Мунаббих бундай дейди: «Исо алайҳиссалом Байти муқаддаснинг бир кўчасида турғанларида шайтон у кишига яқин келиб бундай деди: «Эй Исо!

Сенга Рубубият (худолик) сифати етди. Чунки сен ўликларни тирилтирдинг, бешикда туриб тапирдинг, түгма кўрларнинг кўзини очиб, кўрадиган қилдинг, пес-мохов касалига йўлиқканларни тузатдинг. Ана шулар худо эканлигинг аломатларирид». Бу сўзларни айтган шайтонга Исо алайҳиссалом: «Эй малъун! Рубубият (Парвардигорлик) фақатгина Оллоҳга хос! Мен Унинг изни билангина ўликларни тиргиздим, кўрларнинг кўзини очдим, пес-моховларни тузатдим!..» – деб жавоб беради.

Шайтон кейинроқ келиб: «Эй Исо! Сен ер юзининг маъбудисан!» – дейди. Исо алайҳиссалом эса: «Ер ва осмонларнинг маъбуди ёлғиз Оллоҳдир. Ундан бошқа илоҳ йўқ!» – деб жавоб берадилар. Накл қилинишича, худди шу аснода Жаброил фаришта шайтонни қаноти билан уриб, денгизнинг нариги томонидаги бир гўшага улоқтириб ташлайди». («Тафсири Самарқандий», 257-бет). Бинобарин, пайғамбарлардан зоҳир бўладиган мўъжизалар ва авлиёлардан содир бўладиган кароматлар фақатгина Оллоҳнинг изн-иродаси биландир! Бас, ана шу тавҳид нури билан қаралгандা: «Ҳар лабинг ўлганни тиргумзакда, жоно, жон эзур» сатрининг мажозида ирфон борлиги маълум бўлади. Иккинчи байтда эса Навоий тўғридан-тўғри илоҳий ишқ изҳорига ўтиб, тўлғунлиқдан дам уради: «Жоним андок тўлди жонондинки, бўлмас фаҳмким, Жон эзур, жонон эмас, ё жон эмас, жонон эзур...»

«Бўлмас фаҳмким» ибораси орифона сархушлиқдан дарак беради.

## 5. Жон – ошиқлар кўзгуси

Турли маърифий қомуслардан «жон»нинг рангин маъноларини кўрдик. Яна «Тасаввух истилоҳлари шарҳи»даги баъзи изоҳларга дикқат қиласайлик.

Жон – аъёни событадир, яъни Ҳақ таоло азалдан яратиб, белгилаб, событ қилиб қўйган нарсадир. «Аъёни событа»нинг яна «Илоҳий исмлар, яъни Оллоҳ таолонинг исм-сифатлари тажаллиси натижаси ва илмий тасаввур» деган маънолари ҳам бор.

Жон – мавжудотнинг ҳақиқати, яъни, борлиқ-дунёдирки, илмий тажаллидан ваҳдоният ва жабарут – ягоналик ва улуғлик оламида зоҳир бўлмишdir.

Жон – а) миръот ул-ушшок, яъни, ошиқлар оинаси; б) софлик, тиниклик, равшанлик. Бу истилоҳни улуғ аллома, мутасаввиф ва муфассир Ҳожа Абдуллоҳ Анзорий тасаввухга киритганлар. Пири

Хирот форсий манзумада «жон»нинг таърифини орифона-ошиқона келтирганлар. Насрий баёни: «Субҳоноллоҳ! (Чексиз ҳайратлар бўлсин Ул пок-муназзаҳ Оллоҳнинг санъатигаким!) жаҳонда жондан ҳам кўра таажжуброқ нарса мавжудот ичидагани йўқ! Кийимлар ичидаги кетаётган киши қандоқ? Унда жон яшириниб, йўқ бўлиб кетгандирки, у абадий тириқдир. Ўша тирик бўлган жон унинг ўзиdir. Тил асло тилга келмайдиган бир иборани тилга олмоқда...»

Бутун борлиқ-мавжудотда ҳаёт сабаби бўлиб турган нарса шу борлиқ-мавжудот ичидаги пинҳондир. Уни кўрмоқقا изн йўқ. Мавлоно айтадилар:

*Танга жону жонга тан пинҳон эмас,  
Жонни кўрмоқ кимсага имкон эмас!..*

Жон зоҳир кўзига кўринмайдиган борлиқдир. Хожа Абдуллоҳ Ансorий айтади: «Сўфийлар сахифасида дил йўқ, сўфийлар сахифасида кўлланадиган жон сўзи жон эмас. Жон ҳам йўқ. Аммо рашк тариқида жонга баҳона (ишора) бор».

Мавлоно айтади: «Жон бўлу жон йўлидан жонни танигил, кўриш (басират) дўсти бўл, қиёс фарзанди бўлма!» Яъни, зоҳирнинг «қол»нинг асири бўлма.

Бас, жон борлиги маълум, аммо кўздан ниҳон ҳаёт белгисидир. Вужуд жон билан тўлган, жон эса жонон билан тўлган. Вужуддаги бу тўлғун ҳаёт жонми, жононми – фаҳмлаб бўлмайди, дейди Навоий. Иккиси бир нарсага айланиб кетган. Шу боис «можаро» сўзи буларга ярашмайди. «Можаро» мумтоз луғатда кечмиш, саргузашт, бугунги луғатда низо, жанжал, тортишув маъносини билдиради. Ҳолбуки, жон билан жонон ўртасида низо бўлиши мумкин эмас.

## 6. Жонон маъшуқ ва жоннинг эгасидир

Ғазалдан ҳузур тўймоқ учун «жонон» истилоҳининг маъноларини кўрайлик.

«Жонон» – луғатда маъшуқ, маҳбуб; жонон, жонона – ёр, маъшуқ, севгили. Тасаввуфий маънода эса қаййумий сифатдирки, бутун мавжудотнинг қиёми – борлиги, туриши, яшаши унинг биландир. Агар (қаййумий сифат) бир зум мавжудотга пайваста бўлмаса эди, бирор нарса вужудга келмас ва бақо топмас эди.

«Қаййумий сифат»нинг маъноси нима? Ал-Қаййум – Оллоҳ таолонинг Куръонда билдирилган гўзал исм-сифатларидан бири.

Оллоҳ Қаййумдир, яъни, бутун мавжудотни (осмонларни, ерларни ва ҳамма нарсаларни) тутиб турувчи зотдир. Ўзи ўз зоти билан қоимдир. (Ҳеч кимга, ҳеч нарсага эҳтиёжи йўқ). Яна «зоти ўзгармайдиган, кимсага эҳтиёж сезмайдиган абадий турувчидир», деб ҳам шархланган.

Жонон – жоннинг азизи, суюклиси; жоннинг эгаси, яратувчиси, мутасарифи – бошқариб турувчисидир. Жонон жонга мазмун, маъно, ҳаёт бахш этган нурдир. Жонни нурга тўлдирган ишқи илохий манбаидир.

«Миръот ул-ушшоқ» – ошиқлар оиласига маъно жихатидан қарайдиган бўлсак, байтдаги жон ва жонон юксак маънавий мартаба, валоят даражаси, ҳол манзараси эканлиги маълум бўлади. Чунки жоннинг ошиқлар оиласи бўлиши софлик, азим риёзатлар, поклик, тиниқлик, зуҳду тақво натижаси, илохий тажаллиларга мазхар бўлиш аломатидир. Бу орифона ишқи илохий самарасидир.

«Жоним андок тўлди жонондинки...» мисрасининг шарҳига яна бир мисол шуки, валоятда эркаклар мартабасига эришган орифа аёл – Робиат ул-Адавийядан: «Шайтонни душман тутармисан?» деб сўрадилар. «Йўқ», деди. «Нечун?» деганларида: «Шунинг учунки, кўнглимда Раҳмон (Оллоҳ) севгиси шунчалик тўлиб тургайки, шайтон душманлиги унга сифмас!» деб жавоб берди. Навоий байти шундай тўлғунлики эслатади.

Шу билан бирга, инсоннинг бундай тўлғунлиги, ишқи ва ирофони, шавқи ва афғони ўз қуввати, идроки, қалбининг ҳоли доирасидаги тўлғунлиқдир.

Мавлоно Жалолиддин Румий айтади: «Боязиднинг чанқоғи бир журъя билан қонди, серобликдан дам урди, идрокининг кўзаси шу билан тўлди ва ул нур (маърифат нури) унинг уйининг равзанаси хурдида (туйнугида) эди! Аммо Мұхаммад Мустафо соллаллоҳу алайҳи васалламнинг ҳоллари улуғ ва чанқоқлик ва сувсизлик устига сувсизлик эди! Ва муборак кўкси: «Алам нашроҳ лака содрок?» – «Биз сенинг кўксингни кенг – мунаввар килиб қўймадикми?» – (оятининг) шарҳи билан «Ва арзулоҳи восиъатун» – «Ва Оллоҳнинг ери кенгдур» (ояти) бўлган эди! Шунинг учун (ичган сари тобора) ташналиқдан дам урдилар ва ҳар куни курбат (Оллоҳга яқинлик) истидъосида (илтижосида) бўлдилар!..

Бас, ориф-oshiqlarning ishq ilasi tuldunligi yuz maъrifati kyzasiga munosib bouldadi. Shu bilan birga, Navoij sўzi ham shunchaki sanъat ёки daъvo emas, balki haqiqatani botin olamidan darak

берувчи ҳол жилосидир. Бу мартабани Навоий тариқатдан, муршиди комилларнинг таважжухи ва ҳимматидан топган.

«Жонон» «жон» сўзининг кўплиги эмас, форс тилида жонли нарсаларга – он, қисқа унли билан тугаган бўлса, – гон, чўзиқ унли билан тугаган сўз бўлса, – йон кўшимчалари қўшилиб, кўплик шакли ясалади. Масалан: мард – мардон, (киши – кишилар); доно – доноён (билағон – билағонлар); ташна – ташнагон (чанқоқ – чанқоқлар). Иккى жон бирикиб, «жонлар»ни ташкил этгандек кўринса-да, аммо «жонон» «жонлар» дегани эмас, балки жоннинг азизи, маъшуқ, жоннинг жони деганидир.

Жоннинг жонон билан тўлгани илохий муҳаббатга далолат қиласиди. Муҳаббатнинг таърифини эса Мұхаммад Фаззолий бундай келтирадилар: «Банданинг Оллоҳни севмоғи Оллоҳ бандасини севмоғининг аломатидир.. Севги – томирлари соғлом, шоҳлари осмонларга қараб юксалган муazzам бир дараҳт кабидир. Бу муҳаббат дараҳтининг мевалари кўнгилларда, тил ва аъзоларда маърифат ва зикр шаклида вужудга келади. Бундан эса амал туғилади. Шундай қилиб, худди тутун оловга, мева дараҳтга далолат қилганидек, тил ва аъзоларда вужудга келган маърифат, зикр ва амал муҳаббатга далолат қиласиди».

## 7. Жоннинг бақоси жонон билан

Бўлса жонон, бордурур жон ҳам, чу жонон қилди аэм,  
Жон кетиб жонон била, жондин манга ҳижрон эрур.

Жонон бўлса, жон ҳам бордир, жонон кетишга аэм этса, жон ҳам жонон билан бирга кетади. Жон билан менинг ўртамга ҳижрон тушади. Ёки жон туфайли мен ҳижронда қоламан...

Юқорида кузатдик, мавжудотнинг яшаб туришини таъминловчи қайумий сифат бир дақика пайваста бўлмаса, бирор нарса мавжуд бўлмайди ва бақо топмайди. Бас, жононнинг илохий тажалли ҳеч қачон фоний бўлмайдиган абадийан боқий сифат эканлигини эътиборга олсак, «ла мавжуда иллаллоҳ» – «Оллоҳдан бошқа мавжуд (нарса) йўқ» сўзи ёдга келади. Ёки Куръони каримдаги: «Оллоҳнинг важхидан (зотидан) бошқа ҳамма нарса ҳалок бўлгувчидир. Ҳукм Уникидир ва сизлар Үнгагина қайтарилгайсизлар», деган ояти карима хотирга келади (Қасас сураси, 88-оят).

Энди бир нозик нүктага эътиборимизни қаратайлик. Бу жон ва инсон ўртасига тушадиган ҳижрондир. Жонон кетишга шайланса, жон ҳам у билан бирга кетади: «Жондин менга ҳижрон эрур...» Навоий бу айрилиқ иборасини олимона ва орифона қўллаган. Чунки жоннинг бадандан кетиши жоннинг йўқ бўлиши эмас. Ўлимнинг маъноси жоннинг қолипдан узилишидир. Жон мавжуд, аммо жасаддан кетган. Жасад ҳам мавжуд, фақат у тупроқа айланган. Ҳашр кунида жон билан жасад қайта топишади. Ана шу ўтрадаги масофа ҳижрондирки, Навоий бу ҳақиқатни ҳайратомуз зарофат билан маъзога туширган.

## 8. Жон жонон учун

Жон манга жонон учундир, йўқки жонон жон учун,  
Умр жононсиз қотиқ, жонсиз вали осон эрур.

Менинг жоним жонон учундир, аммо жонон жон учун эмас. Жонсиз умр кечириш осон, лекин жононсиз умр кўриш қийин...

«Жонсиз умр осон» ифодаси бояги «ҳижрон»нинг шарҳидир. Инсон вафот этиб, жон билан жасад ўртасига ҳижрон тушгандা ҳам, барибир, иккиси ҳамиша Оллоҳнинг тасарруфида! Агар дунё хаётida жонон билан – ишқ билан, иймон билан яшаган бўлса, жасаднинг қабрдаги ҳоли ҳам осон. Лекин жононсиз – ишқсиз, иймонсиз яшаган бўлса, ахволи танг. Байтнинг ботин маъноси шу. Энди зохир маъносини кўрайлил.

Бу ўринда «қотиқ» ва «осон» ифодалари жон билан жононнинг нисбатини ва мақомини белгилаш учундир. Инсоннинг жони жонон учун – Жоннинг эгаси бўлмиш Холики зул-жалол учун! У аслига қайтгувчи, тугал маънода жононники! Аммо жонон жон учун эмас, унинг жонга ҳеч қандай эҳтиёжи йўқ. «Жомеъ ул-мутун»да айтилади: «Оллоҳнинг бу яратмоги Ўз қурдатини ва сунъини (санъатини) изхор этмоқ учундир. Ҳаргиз уларга ва уларнинг ёрдамларига муҳтоҷ бўлганидан эмас!» (65-саҳифа).

Жонон – ўз зоти билан қоим: қадимдирки, ибтидоси йўқ; абадий тирик – боқийдирки, интиҳоси йўқ. Жон ҳам ўз зоти билан қоим, аммо у жасадга муҳтоҷ бўлмаган ҳолда жононга муҳтоҷдир. Унинг қайумияти – бор бўлиб туриши жонон туфайли.

Мұхаммад ибн Ҳомид Термизийдан Оллоҳ таолонинг ушбу оятидаги: «Йа аййуҳаннасу антум фуқаро-у иллаллоҳу, валлоҳу Ҳувал-

Фаниййул-Ҳамид» – «Эй инсонлар! Сизлар Оллохга мұхтождирсизлар. Оллоҳнинг йози Фаний ва Ҳамид – беҳожат ва мақтогва лойик зот-дир» (Фотир сураси, 15-оят) деган муборак сўзи ҳақида сўрадилар; айтди: «Сизлар Оллоҳнинг раҳматига мұхтожсизлар, деганидир ва Ул Оллоҳ таоло сизларнинг феълларингиздан – қиладиган амалларингиздан буткул беҳожатдир. Сизлар эса Оллоҳнинг раҳматига мұхтожсизлар, демақдир», дея жавоб бердилар. (Абдураҳмон ас-Суламийнинг «Табоқот ус-суфий» китобидан).

Фузулий айтади:

Жонни жонон тиламиш, вермамак ўлмас, эй дил,  
Не низо айлаялим, ул на санинтур, на баним...

Жонни жонон сўрайяпти, бермасликнинг иложи йўқ, эй дил! Қандай ҳам низо, эътиroz қилайлик, ахир, бу жон сеники ҳам эмас, менини ҳам эмас!.. У Яратган эгасиникидир.

Тўғри, жасад жонсиз яшай олмайди. Илмий мантиқ ана шундай, лекин бу ўриндаги «жонсиз умр осон»лиги жонсиз яшаш мумкинлигини билдирумайди, балки жононсиз яшаш мумкин эмаслигини таъкидлайди, яъни жонон бўлмаса, баданда жон ҳам йўқ кабидир. Чунончи, кейинги байт бу маънони қувватлайди.

## 9. Жонсиз ва жононсиз ҳаёт йўқ

Борса жон, жонон йитар, гар борса жонон, жон кетар,  
Кимсага жонону жонсиз умр не имкон эзур?!

Жон кетса, жонон йўқ бўлади; жонон кетса, жон ҳам кетади. Кишлага жонону жонсиз яшашнинг қандай имкони бор?!

«Жонсиз вали (умр) осон эзур»нинг асл маъноси энди очилди. Олдинги байтда жонсиз яшаса бўлади, лекин жононсиз яшаб бўлмайди, дейилган эди. Бу байтда жонону жонсиз яшашнинг асло имкони йўқ, дейилди. Бу маъно олдинги байтни рад этиш ёки сўзидан қайтиш эмас, чунки бу гал иккиси қўшиб зикр қилинди. Бу аввалги маънони тасдиқлаш, очиш ва ривожлантириш, байтни байт билан шарҳлашдир.

Сулаймон Улудоф Фахруддин Ироқий шарҳига таяниб, «жонон»ни тасаввуфий маънода: 1) Мавло, Раб, Оллоҳ; 2) Оллоҳнинг қайомият сифати, деб изоҳлайди ва: «Бутун борликлар бу сифат соясида ўз борликларини саклаб туради ва давом эттиради. Қайомият (сифати) билан алоқаси узилган мавжудот бирор зум бор бўлиб туралади».

олмайди, дархол йўқ бўлиб кетади», деб таъкидлайди. Ана шунинг учун жонон кетса, жон кетади, ана шунинг учун кимсага жонону жонсиз умр кўришнинг имкони йўқ!

Жонон кетса, жоннинг кетиши Саъдийнинг «Карвон»ини (яъни, «Эй сорбон»ини) эсга солади:

Жоннинг бадандан кетгусин сўзлайдилар ҳар не йўсин,  
Мен ўз кўзим бирлан ўзим кўрдимки жоним кетадур...

«Жоннинг бадандан кетиши ҳақида ҳар хил илмий ва ноилмий фикр-қарашлар, гап-сўзлар мавжуд. Лекин мен ўз кўзим билан кўрдимки, жоним кетиб бораётир...»

Бу маърифий ифода жоннинг баданга эҳтиёжи бўлмасдан, ўз зоти билан қоим эканлиги ҳақидаги илмий мантиқа асосланган. Навбатдаги байтда Навоий олдинги маъноларни умумлаштириб, ху-лосалайди.

## 10. Жононсиз жаҳон зинданdir

Хуштуур жону жаҳон жонон била, жонон агар  
Бўлмаса жон илаким, ўлмас жаҳон, зиндан эрур...

Жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан яхшидир, агар жонон жон билан бирга бўлмаса, жаҳон бўлмайди, балки зиндан бўлади...

Куръони каримда: «Оллоҳ осмонлар ва ернинг нуридир», деб марҳамат қилинади. («Нур» сураси, 35-оят). Изоҳда: «Яъни, уларнинг барчасини ёритиб, йўқдан бор қилиб тургувчидир», дейилади. Оллоҳ қайумият сифати тажаллиси билан еру осмонларни, жону жаҳонни тутиб турувчи бўлса, Нур сифати билан еру осмонларни (оламларни) ёритгувчи, нурли, мунаввар қилгувчидир. Ўзи хоҳлаган сиймоларга, зеҳнларга ва кўнгилларга нур ёғдиргувчидир. Жононсиз жаҳон бўлмас, балки зиндан бўлур.

Жононнинг дил оташидан – ишқи илоҳийдан хабардорлиги Р. Яхёнинг ушбу байтида чиройли очилган:

Сўзи дилдан бехабар деб ўйламанг жононани,  
Шамъни ёқмасми ул оташким, ёқар парвонани!..

«Жононани дилнинг ёнишларидан бехабар деб ўйламанг, ахир, парвонани ёқаётган бу олов шамнинг ўзини ёқмайдими!..» Яна Абу Ҳомид Фаззолий сўзини эслайлик: «Банданинг Оллоҳни севмоғи Оллоҳ бандани севмоғининг аломатидир...»

## 11. Абадият сабаби

Жон ва жонон мумтоз шеъриятнинг жонажон истилоҳларидандир. «Жонафзо» калимаси жонни нашъалантирувчи, жонни жонга қўшувчи, деган маънони билдиради, аммо тасаввифий истилоҳда Ҳак таолонинг бақо сифатидир (Ирокий). Соликни фанодан узоклаштириб, уни боқий ва абадий қилувчи сифат бу. Шу боисдан мумтоз адабиётни ҳар ким ўз идроки даражасида англайди. Бас, жон ва жонон ғазалининг жони бўлган ўта муҳим хulosани ошкор этиш вақти етди. Бундай мурод ҳам руҳи инсонийдир. Зеро, ҳар кимки бејондир, у билишдан маҳрумдир. Билиш тириклик белгисидир. Билиш – жонга хос ҳусусият!.. Жононни билмоқ учун жасадга жон керак, чунки жонга жонон керак. Ҳадиси кудсийда Оллоҳ айтади: «Мен яширин ганж эдим. Ўзимни ошкор қилишни севдим!» Бас, жон ҳам, жаҳон ҳам жонон билан ёргуф ва гўзал! Жонон жон билан бирга бўлмаса, жаҳон нурсиз, қоронгу зиндан бўлади. Бу – жаҳолат, нурсизлик, ишқизлик, маърифатсизлик, бехабарлик, ғафлат зинданидир. Жон билан жононнинг бирлигидан мақсад маърифатдир, маърифатуллоҳдир, жоннинг эгаси бўлмиш Холики зул-жалол ва зул-камолни танимоқдир. Ана шундан ишқ туғилади. Жаҳон нур ва маъно билан тўлади. Адабиётдаги ирфоний истилоҳлардан мурод ана шудир. Шунинг учун Аҳмад Зиёуддин ал-Кумушхонавий «Ирфон» сўзини шарҳлаб: «Оллоҳ таолони ва Унинг сифатларини билмоқ илмларнинг энг юксаги, энг улуғи, энг фойдалиси, энг мукаммали, энг шарафлиси, энг порлоги, руҳга энг кўп таъсир этадиганидир. Ақли салим эгаси бўлган мусулмон киши авто тарзда бу илмни таҳсил олмоғи фарздир. Бу илм бутун илмларнинг асоси, ҳамма нарсанинг мағзи, бутун саодатларнинг манбаи, барча гўзал, яхши хислатларнинг бошланғичи, дунё ва охират саодатининг асосидир. Бу илмни яхши билган инсон ўз эътиқодини шубҳа қоронғулигидан, шайтон ва нафснинг ҳийлаларидан қутқарган бўлади!..» дейди («Жомиъ ул-мутун», 27-саҳифа).

«Жоним андоқ тўлди жонондин», «Жон манга жонон учундир», «Хуштуур жону жаҳон жонон била» каби ифодалар ирфон аломати, жоннинг эгасига муҳаббат изҳоридир...

## 12. Тан билан жоннинг хижрони мувакқатдир

Жоним ол, эй ҳажру жононсиз манга ранж истама,  
Чунки жононсиз Навоий жонидин ранжон эзур.

Эй ҳажр, жононсиз менга ранж – қийноқ-машаққат истама, ундан кўра жонимни олиб қўяқол, чунки Навоий жононсиз жонидан безордир!

Байтда «жон» ўзаклари, жим ҳарфи пайдар-пай қўлланиб, бетак-пор иштикоқ санъати вужудга келган.

Фузулий ёзади:

*Ё Раб, бана жон геракмас,  
Жонон йўқ эса, жаҳон керакмас...*

Ирфон масаласида мумтоз шоирларда маъно оҳангдошлиги мавжуд.

Савол туғилиши мумкинки: «Хақиқат турганда нега тасаввифий шеъриятда мажоз восита қилинади?» Дунё ҳаёти абадий ҳаётдан бир жузъ бўлганидек, дунёдаги бошқа ҳамма нарсалар ҳам жузъийдир. Зоҳир кўзи билан кўриладиган нарсаларга муҳаббат боғлаш бор нарса. Оллоҳ Куръонда айтади: «Зўйина линнаси хуббуш-шаҳавоти минан-нисои» – «ИНсонлар учун аёлларга нисбатан эҳтиросли муҳаббат зийнатли қилинди...».

Нафсоний истак устун бўлган жойда муҳаббат ҳалокатга яқин бўлади. И.П. Эккерманнинг «Гёте билан сухбатлар» китобида қизик воқеа нақл этилган. Гётенинг котиби ёш бир шоиранинг шеърларини келтириб, унинг фоят истеъодли эканини айтади. Сухбатда улуғ шоиранинг табиби ҳам бор эди. Шеърлар қараб чиқилгач: «Бу қиз эрга теккач, шеър ёзишни ташлайди», – дейишади. «Нега?» – дейилганда, қизнинг ишқий шеърларида нафсоний истак кучли эканлиги, у муродига етгач, шеърга эҳтиёжи қолмаслиги айтилади. Демак, нафснинг муродга етиши севгигагина эмас, истеъоддога ҳам салбий таъсир қилиши англашилмоқда. Албатта, чин муҳаббат билан боғланган умрлар бундан мустаснодир.

## 13. Мажозий муҳаббатнинг моҳияти

Мажозий-башарий муҳаббат нафсоний ва шахвоний эҳтиёждан холи бўлмагани учун, ориф зотлар, тариқат мансублари дунё севгисини барча хатоларнинг боши, деб ҳисоблаганлар. Илоҳий ишқни

таржих этгандар. Тасаввуфий адабиётда бунга мисоллар кўп. Навоий ҳам ошиқ йигит, бемор маъшуқа ва табиб воқеасида мажозий муҳаббатнинг мусибатини кўрсатган. Доктор, профессор Маҳмуд Асьад Жўшон (раҳматуллоҳи алайх) «Ҳақиқий севги» китобида: «Бу дунёдаги инсонларнинг турли севгилари ишқи мажозийдир, ҳақиқий эмасдир. Чунки келгай, кетгай. Ўткинчидир, вақтнчаликдир. Бир қанча вақт ўтгач, севганингдан нафрлатланишинг ҳам мумкин... Кимиси, вақтлар ўтиб, ўзи тушуниб, ўйлаб, ёқтириб, севиб олган ёридан совиди...», дейдилар. Ана шунинг учун инсоннинг ҳаётига нур ва маъно бағишладиган ишқи илоҳий асл муҳаббат сифатида таррнум этилади.

Хасан Басрий Робиъага: «Эй Робиъа! Агар хоҳлассанг, сени никоҳимга олайин», дейди. Робиъа: «Эй устоз! Никоҳ вужудга қилинади. Менда ўзи вужуд бўлмаса, нимамга никоҳ қиласиз!», деб жавоб беради. Инсоний, мажозий муҳаббатнинг омили вужуд ва мавжуд нарсалардир... Илоҳий ишқ билан тўлган жон эса ўзини фано мақомига етказиб бақо топган.

Навоий ўзининг бу шайдолигини, ишқи илоҳий мақомини бошқа бир ғазалида бундай ифодалайди:

*Жонда ишқинг бўлгуси, то танда жон бўлгусидир,  
Танда жондек жон аро ишқинг ниҳон бўлгусидир...*

Инсоний-мажозий муҳаббатнинг ўткинчи эканлигини таъкидлаш асло уни рад этиш эмас. Инсон борки, муҳаббат бор, дард бор, соғинч бор, бир-бирига интилишлар бор. Зеро, абадий гўзал ҳақиқатга кўприк бўлган нарса ана шу ўткинчи мажоздир.

Одатда татаббу бир шеърий асарга эргашиб ёзилган мустакил назмий асардир. Аммо бу маърифий татаббу Нажмиддин Комиловнинг «Жон ва жонон можароси» шарҳига жавобан битилди. Олим фикрларини баҳоли қудрат тўлдириш, янгилаш билан бирга, баъзи саҳвлар ислоҳига ҳам кўл урган бўлдик. Илло, ушбу ожизона шарҳ чин қалбдан марҳум азиз устозга бағишловдир.

Мирзо КЕНЖАБЕК

## ҚИЗИЛ ТҮН КИЙДИ ЁР

Лолагун түн ичра, ё раб, ул ғазоли Чин эрур,  
Ё күзүмнинг мардуми қон ўш ила рангин эрур.

Билмон, оёким, шафак ичра эрур заррин ғазол,  
Лолагун түн ичра ёхуд ул ғазоли Чин эрур?

Айламиш гулдаста банд сунъ тўну жисмини,  
Санъатиким, аргувон барги аро насрин эрур.

Қадмудур бу ё эрур шингарф ила ёзғон алиф,  
Белму ё тореки, лаъл ичра анга таскин эрур?

Кўнглум ичра солди ул тўн акс ёхуд бўлди қон,  
Халқ кўнглин қон этарга, вах, бу не ойин эрур?

Бир қадаҳ гулгун май, эй соқий, тўла тутким, кўнгул  
Ул бути гулгун қабо бедодидин фамгин эрур.

Эй Навоий, қатл учун гар худ қизил тўн кийди ёр,  
Басдур ул тўн ранги, не муҳтожи қатлу кин эрур?

Дема тоғу лола даҳр ичра – ажал қаплони бил,  
Ким кийиклар қонидин бошдин-аёғ рангин эрур.

(«Фаройиб ус-сиғар», 192-ғазал)

### Луғат

**Лолагун** – лоладай, лоладай қизил рангли.

**Ғазол (ғизол)** – оху, кийик.

**Чин** – Хитой.

**Кўз мардуми** – кўз қорачиги.

**Рангин** – рангли, қизарган, ранг – баранг.

**Аргувон** – қизғиши гули дарахт.

**Шингарф** – қизил бўёқ, қизил ранг.

**Таскин** – тинчланиш, хотиржам бўлиш, жой олиш.

**Ойин** – одат, йўл-йўрик, қоида, урф.

**Гулгун** – гул каби, гул рангли, қизил.

**Кин** – ўч, қасос.

**Насрин** – оқ рангли хушбўй гул.

**Сунъ** – ясаш, яратиш, маҳорат.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Лола рангли (қизил) түн кийган ёрим хитой охусимикин ёки кўзимнинг қорачиги қонли ёш билан қизариб кўринмоқдамикин?
2. Шафақ ичидаги олтин оху (тимсоли)ми ёки у лола рангли хитой охуси (кийиги)микин?
3. Кизил түни ва жисмини гулдаста каби маҳорат билан шундай бирга боғламишки, у гўё қизил гулли аргувон дарахти япроқлари орасидаги насрин (оқ хушбўй гул)га ўхшайди.
4. Бу қадмикин ёинки қизил ранг билан ёзилган алифмикин, нозик белимикин ё бир тордирки, лаъл ичida сокин жой олибди (маскан тутибди)?
5. Бу қизил тўннинг акси кўнглимга тушибди ёки (кўнглим унинг таъсирида) қон бўлибди. Одамлар кўнглини қон этиш учун, э воех, бу қанақа одат бўлди?
6. Эй соқий, қизил майдан бир қадаҳ тўлдириб қуй, зеро, кўнглим ул қизил тўнли санам жафосидан ғамлидир.
7. Эй Навоий, агар ёр қатлим учун қизил түн кийган бўлса, ўша тўннинг ранги етарли, қасд этиш, қасос олишга ҳожат йўқ.
8. Дунёдаги тоғ ва лола (кувончи)дан гапирма, уларни ажалнинг қоплони бил, бу тоғу тошлар (дунё) кийиклар қони билан бўялгандир.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Алишер Навоий ғазаллари орасида алоҳида-алоҳида ранглар тасвири, маъшуқнинг турли рангли либосларда кўриниши ва бунинг ошик ахволи-руҳиясига таъсирига бағишланганлари ҳам бор. Чунончи, қизил либос кийган маъшуқа жамоли бир неча ғазалларда мавжуд.

Ушбу ишқий ғазалда эса қизил рангли түн кийган маҳбуб жамоли тасвири яратилган. Ана шу тасвири турли поэтик қиёслар, ташбеҳлар қўлланилган. Чунончи: қизил түн, лола, қонли, ёш, бағир қони, шафақ, гулдаста, аргувон дарахти, қизил ранг, лаъл, қизил май каби зоҳирий кўриниши ўхшаш нарса ва ҳодисалар билан чоғиширилади, турли бадиий санъатлар ҳосил қилинади, умуман, ранглар дунё гўзаллигининг асосий воситасидир, ранглар мутаносиблиги эса кишининг нафақат кўзини, балки қалбини ҳам қувонтиради. Навоий

ғазалида ҳам ошиқ қизил либос кийган маҳбуб жамолидан сархуш, аммо шоир шунда ҳам фақат айни ранглар қўзғатган завқни тасвирлаш баробарида ошиқнинг юрагидаги рангоранг кечинмаларни ҳам кўрсатишига муваффақ бўлади.

Ошиқ ёрнинг қизил тўни унга нақадар ярашгани, у худди Хитой ва Хўтсан охусидай чиройга тўлганини айтиб, айни вақтда, бу қонга беланган кўз қорачигига ўхашини ҳам қайд этади. Ёинки қизил тўн кийган ёр ишқи кўнглини қон қилганини ҳам айтиб ўтади. Бу ғазалнинг ўзига хослиги яна шундаки, унда мақтадан кейин бир байт илова қилинади (Навоийда яна бир нечта шунақа ғазаллар бор). Агар мақтада маҳбубнинг қизил тўни ошиқ катли учун етарлидир, деган фикр баён этилган бўлса (балки, қизил тўн кийган жаллод назарда тутилгандир?), илова байтда бу фикр ривожлантирилиб, дунё гўзаллиги, гулу лоласи абадий эмаслиги, замон гардиши, ажал қоплони уларни нобуд қилиб туриши ҳақида бир фалсафий мушоҳадани айтиш билан асар маъно-мазмунини кенгайтирган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ПАРКАНД-ПАРКАНД АЙЛАНГИЗ

Ул пари кўйида мен девонани банд айлангиз,  
Банди бандим зулфи занжирига пайванд айлангиз.

Халқ тарки ишқи айларга, мени дилхастани  
Үлтуруб, олам элига мужиби панд айлангиз.

Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,  
Тўш-тўшидин тишлибон парканд-парканд айлангиз.

Бодайи ишқ асру маст этмиш мени, эй дўстлар,  
Жомима афюн эзиб, бир дам хирадманд айлангиз.

Йигласам аччиғ, малул ўлмоқ недур, эй хўблар,  
Ҳазл учун гоҳе боқиб, сиз ҳам шакарханд айлангиз.

Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,  
Кўнглунгиз ул нақди ёди бирла хурсанд айлангиз.

Килсангиз тасвир Лайли ҳуснин, ул ойдек сизинг,  
Лек Мажнунни Навоий бирла монанд айлангиз.

(«Фаройиб ус-сигар», 221-ғазал)

Матла мазмуниданоқ кўриниб турибдики, ушбу ғазал ишқ даридан, хижрон қийноғидан баҳс этади. Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикаси маҳсулидир. У шарҳи ҳол услубида яратилган, матлада кўтарилигтан мавзу етти байт мобайнинда изчил ёритилган якпора ғазал. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Ғазал лирик қаҳрамоннинг висол соғинчи ва умидворлиги изҳори билан бошланган. Хижронзада ошиқ ўзини ёр кўйида банд айлашларини, вужудини ёрнинг зулфи занжирига пайванд этишларини илтижо қиласди. Лекин маҳбуба васли умидидаги бу илтижолари ижобат бўлиши даргумон. Маҳбубанинг дийдорига, назарига мушарраф бўлиш шунчалик мушкул экан, ошиқ энди лоақал «ёр кўйи итлари»га манзур бўлиш илинжида илтижо қиласди:

*Телба кўнглум топсангиз, эй ёр кўйи итлари,  
Тўш-тўшидин тишлабон, парканд-парканд айлангиз.*

Бундан ошиқнинг маъшуқага, қандай йўсинда бўлмасин, фидо бўлиш истагини тушуниш мумкин. Лекин лирик қаҳрамон тилидан зохир бўлган сўзларнинг ҳаётий амалиётини тасаввур қилиш қийин. Чунки ғазалдаги тимсолий тасвиirlар унинг дунёвий ишқдан кўра кўпроқ илоҳий ишқ тавсифида битилганини кўрсатади. Унда висолнинг инсонга муюссар бўлмас даражада тасвиirlаниши ҳам шундан далолат беради:

*Ишқ баҳрида дури васл истаманг, эй аҳли дард,  
Кўнглунгиз ул нақди ёди бирла курсанд айлангиз.*

Лирик қаҳрамон дард аҳлидан нақд висолга умидвор бўлмасликни, балки унинг хаёли, ёди, васфи билан таскин-тасалли топишини сўрайди. Навоий ғазалиётидаги айрилиқ шунчалик чексиз, висол шунчалик етиб бўлмаски, у бизнинг бугунги ёр висоли ҳақидаги тасаввуримизга мувоғик эмас. Бир қарашда, эҳтиросли муҳаббат ҳақида ёзилгандек тюладиган бундай ғазалларни Навоий дунёкарашини, сўфилик фалсафасини, илоҳиёт илмини ўзлаштирибгина мукаммал тушуниш даражасига кўтарилиш мумкин.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## АМАЛҒА БОҚМАКИ, БЕБАХРИ ФАЗЛ ЭРУР ЯКСОН

Бирөвки амр хилофидин айлагай зъроз,  
Агар улус шаҳидур йўқ анинг киби муртоз.

Риёву ужбу ҳасад дағъин эт фано билаким,  
Кетар бу дору ила мунча мухталиф амроз.

Амалға боқмаки, бебахри фазл эрур яксон,  
Фузайлии Бармакий ўлсун, Фузайли Аёз.

Замона аҳлини бу коргоҳ аро билгил,  
Зуруфеким тўладур анда мухталиф ағроз.

Ҳалоки нафс вали нутки билки, риштайи куфр  
Кесар ишига Али зулфиқоридур микроз.

Замона мушкунгга кофур қотти, кўз очғил,  
Ки чун кўз оллидадур бўлмас айламак иғмоз.

Савод жаҳлини юб, вақт эрурки уйғонсанг,  
Ки умр шомига субҳи ажал кетурди баёз.

Фақир яшурун оҳиға боқмаким, ўртар  
Жаҳонни, гарчи эрур бу чоқин иши иймоз.

Бўлур ўлукка Навоий ҳадиси жон берса,  
Нединки файз эшигини боғламайдурур файёз.

(«Фаройиб ус-сигар», 276-ғазал)

### Лугат

**Эъроз** – узоқлашиш, қочиш, юз ўгириш, қайтиш.

**Муртоз** – риёзат, такво билан нафсини тарбиялаган, тийилган одам.

**Риё** – кўзбўямачилик, ўзини кўз-кўз қилиш, алдаш, сохта тақводорлик.

**Ужб** – манманлик, такаббурлик, ўзига оро бериш.

**Фано** – йўқолиш, тугаш.

**Амроз** – касалликлар, «мараз»нинг кўплик шакли.

**Коргоҳ** – ишхона, дунё, фалак.

**Зуруф** – «зарф» сўзининг кўплиги, идишлар.

**Ағроз** – баразлар, мақсад, ниятлар.

**Микроз – қайчи.**

**Кофур – мижозни совутадиган оқ рангли дори, камфара.**

**Иғмоз – яшириш, беркитиш.**

**Иймоз – ялтираш, ярақлаш, ёришиб күриниш.**

**Файёз – файз етказувчи, лутфу карам қилувчи.**

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Худо амрига хилоф иш қилишдан ўзини сақладиган одам, агар у ҳалқа шоҳ бўлса ҳам, риёзату тақво (дарвешлик)да унга тенг келадигани йўқ.
2. Фано (ўзини Худога топшириш) билан риёкорлик, манманлик, тақаббур ва ҳасадни дафъ эт, бу хилма-хил касаллик – дардларга дори факат шудир.
3. Амалу мансабга эътибор қилма, зеро, фазилатдан баҳрасиз одамлар, улар Фузайл Бармакий бўлсин ёхуд Фузайл Аёз – бир хилдир.
4. Агар билсанг, замона кишилари бу дунёи дунда гўёки ичига хилма-хил касалликлар тўлдирилган идишларга ўхшайдилар.
5. Нафсни ҳалок этувчи куч – бу вали инсонлар нутқи – нафаси деб бил, бу нутқ ҳудди Ҳазрати Али каримуллоҳ Қиличидай нафс риштасини кесувчи қайчидир.
6. Замона сочингни оқартирди, кўзингни оч, нимаики кўз олдингда бўлса, уни яшириб бўлмайди.
7. Жоҳиллик коралигини (ёки қоралик жаҳлинини) ювиб, уйғониш вактинг келди, чунки умр шомиға (қоронғилигига) ажал тонги (ёргуғлиги) баёз (нома)ни келтирди.
8. Факир дарвешнинг яширини оҳини эътиборсиз қолдирма, чунки бу ҷақин ялтираб кўринса ҳам, аммо жаҳонга ўт солиши мумкин.
9. Навоийнинг сўзи ўликини тирилтириши мумкин, зеро, файзу карам етказувчи Зоти мукаррам лутфу марҳамат зшигини бер-китмайди.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Танбеҳ усулида ёзилган ушбу ғазалда нафси амморани жиловлаш, умрни огоҳлик билан эзгу ишларга бағишлиб ўтказишғояси ифодаланган. Ғазалда танқид ҳам, огоҳликка даъват ҳам, тариқат

йўлига кирган факир кишиларнинг ботиний олами гўзаллигини ибрат қилиб кўрсатиш ҳам бор. Оллоҳнинг амру фармонига амал қилиб яшайдиган одам, Навоий назарида чин инсондир, бунинг акси ўлароқ риёкор, такаббур, ҳасадчи одамлар Оллоҳ наздида ҳам, бандаси наздида ҳам безътибордир, уларни чин инсон деб бўлмайди. Навоий бундай одамларга ўз нуқсонларини англаб, уларни тариқат риёзати, Ҳаққа чин юракдан юз ўгириш йўли билан дафъ этишини маслаҳат беради.

Зеро, фақат ёмон хислатларни йўқотиш – фоний этиш, нафс вассасасини енгиш билан ичдаги ахлоқий иллатлар, маразларни тузатиш мумкин. Шоҳ учун ҳам, гадо учун ҳам риёзат нафси амморани енгиб, покланишнинг энг мақбул дориси. Риёзатда бўлган одил подшо таҳтда ўтиrsa ҳам, у чин дарвеш ва «одамийлар одамийси»дир. Инсон амалу мансаби билан эмас, эзгулик йўлидаги ишлари, хулқи билан фозил ва улуғ. Шу муносабат билан Навоий машҳур дарвеш Фузайл Аёз билан Аббосий халифаларнинг машҳур вазири Фузайл Бармакийни солишитиради. Бири оддий дарвеш, иккинчиси буюк донишманд вазир, аммо Худо олдида уларнинг қайси қадрли? Қайсиники, инсоний фазли (Навоий бунда сўз ўйини ясаган) баланд бўлса, ўшанинг қадри баланд, яъни Худовонд уларнинг амалу мансаби ёки танлаган йўлига қараб эмас, балки илохий фазлдан баҳрамандлигига қараб баҳолайди.

Шу муносабат билан Навоий ўз замонаси (ва барча замонлар) одамларини ажойиб бир ўхшатиш билан танқид остига олади. Яъни, бу дунёдаги одамлар худди ичига турфа касалликлар тўлдирилган идишлар кабидирлар. Ажойиб ташбеҳ! Канака касалликлар булар? Ҳар ҳолда, жисмоний касалликлар эмас, балки айтиб ўтилганидай, нафс касалликлари – манфаат учун турланиш ва товланишлар, алдов, ҳасад, панд бериш, ёлғон, тилёғламалик, мансабпарамстлик, зулм, талончилик ва ҳоказо, ҳоказолар. Навоий ана шу касофатларни Алининг зулфиқоридай кесадиган қайчи билан қирқиб ташлашни тавсия этади (Алининг зулфиқори қайчидай икки тиғли бўлган). Навоийнинг яна бир ташбеҳи муҳим: эй одам боласи, дейди шоир куюниб, мушқдай қора сочинг кофурдай оқарди. Энди кўзингни оч, ахволингга қара, буни яшириб бўлмайди, умр оз қолди, ўзингни тузат, нафс кетидан қувишни йигиштири. Мана шундай насиҳат оҳангизда бошланган ғазал охирида танқидий рух касб этган, улуғ гуманист шоирнинг азалий қайғуси – инсонни гафлатдан уйғотиш, ёмон хислатлар, интилишлардан халос этиш-

га чорловчи даъватномадай жаранглаган. Шоир ҳақли равиша: Навоий сўзлари ўлика жон бағишлайди (у «ўлик» деб камолга зришмаганларни назарда тутмоқда), зеро, Файёзи олам – Тангри таолонинг карами, файзи эшиклари биз учун очик, биз унга лойиқ бўлсак, мушарраф бўламиз.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ЁРДИН АЙРУ КЎНГУЛ МУЛКЕДУРУР СУЛТОНИ ЙЎҚ

Ёрдин айру кўнгул мулкедурур султони йўқ,  
Мулким султони йўқ, жисмедакдурким жони йўқ.

Жисмдин жонсиз не ҳосил, эй мусулмонларким, ул  
Бир қаро туфроғдекдурким, гулу райҳони йўқ.

Бир қаро туфроғким, йўқтур гулу райҳон анга,  
Ул қоронғу кечадекдурким, маҳи тобони йўқ.

Ул қоронғу кечаким, йўқтур маҳи тобон анга,  
Зулматедурким, анинг сарчашмайи ҳайвони йўқ.

Зулматеким, чашмайи ҳайвони онинг бўлмағай,  
Дўзахедурким, ёнида равзайи ризвони йўқ.

Дўзахеким, равзайи ризвондин ўлғай ноумид,  
Бир хуморедурким, анда мастилиғ имкони йўқ.

Эй Навоий, бор анга мундоқ уқубатларки, бор  
Ҳажрдин дарди ва лекин васлдин дармони йўқ.

(«Фаройиб ус-сиғар», 310-ғазал)

### Луғат

**Ёр** – (аввалги ғазаллар шарҳига қаранг).

**Маҳи тобон** – тўлин ой.

**Сарчашмайи ҳайвон** – тириклиқ суви булоғи.

**Равзайи ризвон** – жаннат боди.

**Хумор** – талвин мақоми, маҳбуба ишқини қўмсаш, касрат пардаларининг кўтарилиши, тажаллиси, яқинлашган ҳолат.

**Мастлиғ** – кўнгилнинг ишқ ғалабасидан беҳудлиги, фанофиллоҳ ҳолати.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Ёридан айрилган кўнгил худди сultonидан ажралган мамлакатга ўхшайди, сultonи – бошлиғи йўқ мамлакат эса жонсиз жисм кабидир.
2. Эй мусулмонлар, жони йўқ жисм (бадан)дан нима фойда, ахир жонсиз жисм гулу райхони – ҳаёти йўқ қора тупроқдай гап.
3. Гулу райхони йўқ қора тупроқ эса бамисоли порлоқ тўлин ойи бўлмаган қоронги тун кабидир.
4. Тўлин ой порлаб турмаган қоронги кеча оби ҳайвон – тириклик суви йўқ зулматидир.
5. Ҳаёт чашмаси бўлмаган зулмат ёнида жаннат боғи бўлмаган дўзахдекидир.
6. Жаннат боғидан умидсиз дўзах ишқ бодасидан тўймаган, моддий оламнинг ранг-баранг жилоларидан узилмаган, касрат пардаларини батамом ёриб чиқмаган кўнгил кабидир.
7. Эй Навоий, ёр ҳажридан дарди бор, аммо васл умидидан давоси йўқ одамнинг азобу уқубатлари шунаقا бўлади.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-моҳияти**

Ажойиб шоирона санъаткорлик намунаси, ўзига хос бир-бирига уланиб кетган ташбеҳлар занжири. Байтлар аро боғланишдан ташқари, мисралар аро мантиқий изоҳ – бадиий шарҳ усули қўлланилган. Ғазалнинг бош фояси – ёридан айрилган ошиқ кўнгил ҳолатлари ва қийноқларидир. Улуғ шоир ошиқнинг ана шу ҳолатини бирин-кетин сultonи йўқ юртга, жонсиз жисмга, ҳаёт нишонаси кўринмайдиган қора тупроққа, қоронги кечага, ер ости зулматига, дўзахга ўхшатади.

Биринчи байт – мақтадаги маъно ҳам ўкувчи диккатини дарҳол ўзига тортади: ёрсиз кўнгил сultonисиз юрт ва жонсиз жисм каби бузилиш, ҳароб бўлишга маҳкум. Демак, сulton (подшо, раҳбар) мамлакатнинг жони, мамлакат бутунлиги, яшнашининг гаровидир, бошқача айтганда, мамлакат жисм бўлса, подшо унинг жони, ҳаёт бағишловчи кучидир. Бу ерда Навоийнинг муҳим сиёсий-ижтимоий қараши ҳам акс этганини кўрамиз. Кейинги байтлардаги ташбеҳлар ана шу фояни изоҳлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилган. Кўнгил бутунлиги Ёр билан, жисмнинг соғломлиги, фаолияти жон билан, мамлакат бутунлиги, ободончилиги одил ва доно шоҳ билан. Бу ерда «сарчашмайи ҳайвон», «зулмат» иборалари алоҳида изоҳни талаб

килади. Навоий ушбу ташбек орқали Хизэр пайғамбар афсонасини назарда тутмоқда. Ривоятга кўра, ер остида зулмат (коронғилик) дунёси бор бўлиб, унда оби ҳаёт булоғи мавжуд. Ана шу булоқдан сув ичган одам ўлмасдан абадий яшайди. Искандар Зулқарнайн ер устидаги дунёни олгандан кейин, ерости мамлакатини ҳам забт этиб, ҳаёт булоғидан сув ичиш ниятида ер остига отланади. Аммо Хизэр ундан олдин ер остига тушиб, булоқ сувидан ичади ва абадий ҳаётга мушарраф бўлади. Ҳазрат Навоий шу ривоятга ишора қилиб, Ёр васлини абадий ҳаёт бағишловчи булоқ сифатида тасвиrlайди. Ёрнинг васли шу боис жаннат боғи ҳузурини билдиrsa, ҳижрон азоби дўзах азобига тенглаштирилган. Бунда ҳам биз шоирнинг абадий ҳаёт, Буюк комиллик фарогатига интилган қалби пок инсонлар армони тасвирини кўрамиз.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### «ҚАРО КЎЗУМ...» ФАЗАЛИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

Қаро кўзум, келу мардумлуғ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.

Таковарингға бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.

Фироқ тогида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тогда кўҳкан қилғил.

Юзунг висолиға етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни боштин-аёғ чин ила шикан қилғил.

Ҳазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.

Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Аннинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.

(«Фаройиб ус-сигар», 371-ғазал)

Оммавий матбуотда 1986 йили «Машхур ғазаллар таҳлили» руҳни остида ғазаллар насрий баёнларининг пайдо бўлиши бизни қувонтирар, чиқаётган таҳлилларнинг сифат ва савияси эса ўйлантиради. Негаки, Шарқ ғазалиётининг энг мумтоз намуналари танлансанга ҳам, таҳлил ниҳоятда ибтидоий ва саёз бўларди. Мен бу ҳолдан ҳайрон бўлиб, бирга ишлайдиган устоз навоийшунослардан Абдуқодир Хайитметов, Абдурашид Абдуғафуров, Ёкубжон Исҳоқовларга мурожаат қилдим, содир бўлаётган аҳволга муносабат билдириш зарурлиги ҳақида фикрлашдим. Лекин ҳамма ўз режа ва ишлари билан бандлигидан бўлса керак, амалий акс-садо топмадим. Ортиқ «одоб доираси»да туролмай, «Таҳлил мукаммал бўлсин!» («Машхур ғазаллар таҳлили» хусусида) сарлавҳали танқидий мақоламда асосан, «Қаро кўзум...» ғазали таҳлили ва бошқа ғазаллар ҳақида баҳс-мунозара этиб, уни «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтномаси таҳририятига топширдим.

Бир неча ой ўтиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати»да (1987 йил, 27 февраль) менинг мақолам «Ғазал ва таҳлил» сарлавҳаси остида бироз қисқартириб зълон қилинди, «Ёшлик»да Нажмиддин Комиловнинг «Ишқни оловлантирган сув» сарлавҳали мақолалари босилиб, унда фақатгина «Қаро кўзум...» ғазали таҳлил этилганди. Ҳақиқатан, бир ғазал ҳақидаги икки кишининг кузатишлари, мулоҳазаю хуласалари бир-бирига жуда яқин эди. Албатта, Н. Комиловнинг қадим Шарқ адабий манбаларидан боҳабарликлари, бадиий сўзнинг ифода миқёсларини чуқур ва атрофлича идрок этишлари бу муқоясадан мустасно.

Орада севимли ғазалнавис шоиримиз Эркин Воҳидовнинг «Шоиру шеъру шуур» китобини мутолаа этишга мұяссар бўлдик. Ундан ўрин олган «Қаро кўзум...» талқини ҳам юқоридаги талқинлар билан муштарак хусусиятларга эга экан. Кейин билсам, мазкур талқин илгари матбуотда чоп этилган ва мен бундан бехабар бўлиб чиқдим. Бу талқинлардаги фикрий, руҳий ҳамоҳанглиқ, аввало, ўрганилган матн ягоналигидан бўлса, иккинчидан, муаллифларнинг танлаган йўли, нуқтаи назари тўғрилигидан гувоҳлик берарди. Адашмаганимга шуқроналар айтдим.

Эндилиқда «Қаро кўзум...»нинг мукаммал таҳлили орзусидамиз. Бу жуда мушкул вазифа бўлса-да, мукаммал таҳлил яратиш жарайёнида қатор талқинлардан кўз юмиш нотўри ва бунинг иложи ҳам йўқ. Уларни четлаб ўтиб ғазал ҳақида янги гап айтиш душвор. Шунинг учун мутолаа мобайнинда мулоҳаза қўзғайдиган иштибоҳлар

пайдо бўлса, муҳтарам мухлислар ҳамда устозлардан узроҳолик тилаймиз. Мазкур ғазал таҳлилларидағи ютуқ-камчиликлар мухлислару толиблар учун ибрат ва сабоқ бўларлидир. Шунинг учун биз баъзи янгиликлар қўшиш баробарида, мавжуд талқинларга таянган ҳолда, қиёсий тахлил заминида «Қаро кўзум...» таҳлилини умумлаштиришга интиламиз.

\* \* \*

Алишер Навоийнинг «Илк девон»идаги ғазал нусхасини кенг китобхонлар оммасига танишириш ва у ҳақдаги айрим мулоҳазаларни баҳам кўришни маъкул кўрдик.

Ғазалнинг илк нусхаси девонда етти байт ҳажмида акс этган. Муқаммал нусхадаги – «Фироқ тоғида топилса туфроғим, эй ҷарх, Ҳамир этиб яна ул тоғда Кўҳкан қилғил» байти илк нусхада йўқ. «Илк девон» улус орасида нашъу намо топган асарлар асосида, бевосита Навоий назоратида эмас, унинг ихлосмандлари томонидан тузилгани учун ушбу байтни девон муассислари ёхуд котиб айби билан тушиб қолган, дея таҳмин қилиш мумкин. Лекин матнга Шарқ ғазалчилигида шаклланган событ адабий низом (канон) талаблари билан, ғазал «Бадоеъ ул-бидоя»га кўчгунга қадар шоир шуурида кечган ижодий ишлов жараёнини кўзда тутган ҳолда ёндашсак-чи? Бундай байт «Бадоеъ ул-бидоя»ни тартиб бериш пайтида Навоийнинг ўзи томонидан қонуний равишда киритилганини эътироф этишга тўғри келади.

Ғазал байтларидан бирида асосий мавзудан чекиниб, «чарх», «гардун» ва «фалак» образларига нидо ёки илтижо қилиш анъанаси Навоийгача ҳам ғазалнависликда мавжуд бўлиб, Навоий ғазалиётида бу адабий низом мезонларидан бирига айланди. Назаримизда, Навоий ўз лирик ижодий такомилининг ҳар бир босқичида асарларини адабий низом тақозосига кўра такомиллаштириб борган. Келтирилган байт ҳам шундай ижодий ишловлар маҳсули бўлса, ажаб эмас.

Асарнинг «Илк девон» нусхасида тўртта ундалма – яъни «қаро кўз», «бобон», «рафиқ», «Навоий»га мурожаат бор. Ғазал мазмунини ривожлантиришда ҳар бир ундалма ўзига хос бадиий вазифа бажаради. Ғазалнинг муқаммал нусхасига энг олий салтанат – ҷархга мурожаат мазмунидаги байтни киритиш заминида ҳам муҳим адабий муддао ётади.

Юзида терни күруб ўлсам, эй рафик, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил, –

байтингинг иккинчи мисраси ҳам «Илк девон»да «Гулоб ила бу гул баргидин кафан қилғил» тарзидан битилган.

Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Аннинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил, –

байтингинг иккинчи мисраси «Аннинг бошлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил» шаклида келади. Бир қараашда, бу ҳам «Илк девон»ни күчирған Султонали Машҳадий хатоси туфайли юз берган, деган хукм чиқариш мүмкин. Аммо «Илк девон» ва «Бадоөй үл-бидоя» ўртасидаги барча тафовутларга Навоий замонасида «хаттоллар сultonи» деб донг таратган Султонали Машҳадийни сабабчи қилиб күрсатиш унчалик түғри бўлмас. Газалнинг илк нусхасида Навоийнинг ўзи «Гулоб ила бу гул баргидин кафан қилғил», деб ёзган бўлиши эҳтимол. Сўнгги сатрдаги «бошоғлиғ ўқ»ни ҳам «Илк девон»даги «бошлиғ ўқ»нинг қайта ишланган, янгиланган нусхаси сифатида қабул қиласа бўлади. Чунки «бошлиғ ўқ» ҳам жон (жон) сўзи ўртасида алиф (!) ҳарфини айнан ифодалайди. Кейинчалик шоир «бошоғлик ўқ» истиорасини кашф этади ва бу унга «бошлиғ ўқ»ка нисбатан жозибалироқ туюлади. Шу тариқа, «Бадоөй үл-бидоя»га «бошлиғ ўқ» – «бошоғлиғ ўқ»ка айлануб кўчади.

«Каро кўзум...» газалининг «Илк девон» ва «Бадоөй үл-бидоя» вариантилари орасида яна бир неча тафовут борки, қатъий айтиш мүмкин, у Султонали Машҳадий хатоси туфайли юз берган. Биринчи мисрада «фан» сўзидан сўнг иккита ҳарф ортиқча ёзилган, тўрттинчи мисра «Қадинг ниҳолиға жон гулшан чаман қилғил», олтинчи мисра эса «Итингга ғамзаси жон риштасин расан қилғил» тарзидан хато кўчирилган...

Каро кўзум, келу мардумлиқ эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.

Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолиға жон гулшан чаман қилғил.

Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзаси жон риштасин расан қилғил.

*Юзунг висолига етсун десанг күнгулларни,  
Сочингни боштин оёғ чин ила шикан қилғил.*

*Хазон сипоҳиға, эй бөгбон, эмас монеъ  
Бу бօғ томида гар игнадин тикан қилғил.*

*Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафик, мени  
Гулоб ила бу гул баргидин кафан қилғил.*

*Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Аннинг бошлиғи ўқин шамъи анжуман қилғил.*

(Алишер Навоий, «Илк девон», 88-а варак)

Аввало, умумий маълумот учун қайд этиш лозимки, ушбу ғазал Навоийнинг ишқий-фалсафий мавзуда битилган ёшлиқ лирикаси маҳсули. Мужтасси мусаммани маҳбуни мақтуъ мусаббаъ вазнида ёзилган: Мафоилун фаилотун мафоилун фаялон. Ғазал мадҳ ва изхор ўйғунлашган юқори услубда яратилган. Шаклий тузилиши, мантиқий изчиллигига кўра, якпора ғазал. Мураддаф.

Ушбу ғазалдаги рух, тасвир ўзига хос мураккабликка эга. Профессор Нажмиддин Комилов ғазални шарҳлашга киришар экан, ёзади: «Ғазалнинг ҳар бир байти алоҳида бир шеърий санъат, алоҳида пурмично ҳикмат – дурлар тизмасидан иборат. Шоир Шарқ шеърияти анъаналаридан фойдаланишнинг юксак маҳоратини кўрсата олган. Аммо биз бу ерда асарни нуқул классик илми бадеъ қоидалари асосида шарҳламоқчи эмасмиз. Негаки, Навоийнинг шеърий маҳорати бу қоидалар доирасидан чиқиб кетади, анъана унинг учун бир восита бўлиб хизмат қилган, холос. Иккинчидан, илми бадеъ истилоҳларини зичлаб келтиравериш мақсадимизга хилоф – мақсад асар маъноларини тушунтириш бўлганидан кейин бунга халақит берадиган нарсалардан қочиб, гапни байтлардаги асосий «ўқ сўзлар»ни (қадимгилар тили билан айтганда, «нукот»– нукталарни) изоҳлаш билан бошлаш жоиз». Тўғри, илми бадеъ истилоҳларини зичлаб келтиравериш са-марасиз йўл, лекин илми бадеъ санъатларини четлаб ўтиш ҳам тўғри эмас. Мақсад нукталарни изоҳлаш, маъноларни тушунтириш экан, Навоий каби санъаткорлар шеърий-бадиий усуллар воситасида нуктапошлиқ (маъно дурларини сочиш) қилганларини унутмас-

лигимиз лозим. Тахлил жараёнида, имкони борича, бирор бадий санъатни назардан қочирмаганимиз маъкул. Назаримизда, бадиият таҳлилигина ғазалнинг бадиий мазмунини тўлиқ юзага чиқариши мумкин.

Ғазал лирик қаҳрамоннинг манзурга висол илинжидаги илтижоси билан бошланган:

*Қаро кўзум, келу мардумлик эмди фан қилғил,  
Кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил.*

Аввал байтдаги тушунилиши қийин бўлган сўз, ибора, тимсолларни аниқлаб, маъно товланишларини белгилаб олайлик. «Қаро кўзум...» байтда манзурга мурожаатни ифодалайдиган ундалма вазифасини бажаради. Уни «қора кўзум» ёхуд «қаро кўзим» шаклларида ёзиш Навоий тили ва ифодасини бузишдан иборат хатодир. Мавжуд нашрларда бу хатога бот-бот йўл қўйилган. Ушбу ундалмани «эй кўзимнинг қораси» ва «кўзимнинг оқу қораси» тарзида баён этиш ҳам унчалик тўғри эмас. У «қора кўзлигим» маъносида кўлланган. Мазкур ундалма илоҳий – сўфиёна ҳамда дунёвий маънолар билан йўғирилган. Илоҳий мазмунда у Оллоҳни ифодалайди, дунёвий маънода эса севикли, гўзал маҳбуба, ёр, дўстни англатади. Форсий «мардум» сўзи машҳур икки маъносида, ушбу байтда ҳам, событ: 1. Одам, одамлар, халойиқ. 2. Кўз қорачиги – гавҳари (мардумак – гавҳарак шаклида ҳам кўлланади). Мардумлиғ – одамгарчилик, инсонийлик, муруват, марҳамат, лутф-илтифот, раҳмашафқат, инсонпарварлик, фуқаро маъноларига эга. «Фан» сўзи ҳам кўпмаънолилик хусусияти билан диққатга сазовор. У мазкур ўринда ҳозирги тилимиздаги «ilm»ни ифодаламайди. Сўзнинг бирламчи маъноси расм, одат, ойин демақдир. Иккиласми маъноси (айниқса, «пурфан» шаклида кўлланганида) ижобий хислатнинг киноявий талқинидаги макр-ҳийла, найранг, ҳунар, йўл-йўрик, вафога ваъда қилмаслиқдир. Байтдаги оддийигина «эмди» сўзи ҳам узоқ айрилиқ алами ва висол соғинчини таъкидлашга хизмат қилади. «Ватан» сўзида – зоҳиран ошён, манзил, макон, маскан; ботинан қўним, сукунат, ҳаракатсизлик, истиқомат маънолари мужассамлашган.

Хўш, бадиий мазмун таъминоти учун қандай поэтик усууллар сафарбар қилинган? 1. «Мардум» ва «мардумлиғ» орасидаги шакл ва маъно муносабатлари асосида сўз ўйини – тажнис яратилган. 2. Мисраларнинг «қаро кўзум» ва «кўзум қаросида» бирикмалари билан бош-

ланишида тарди акс (терс такрор) санъати мавжудки, бу эҳтиросли назмий оҳангни юзага чиқаришда мӯҳим эстетик хизмат ўтаган. З. Н. Комилов талқинича, шоир «мардум» ва «мардумлиғ» орасида сўз ўйини – тажнис ясаш билан кифояланмай, шу маъноларни ифодаловчи ўзбекча «қаро кўзум» ва «кўзум қароси» бирикмаларини келтириб, тўрт томонлама ширу шакар (икки тилли) тажниси том санъатини ижод этган».

Энди байтнинг умумий мазмунини тушунишга уриниб кўрайлик. Зоҳирий, дунёвий моҳиятга кўра, лирик қаҳрамон висол илинжида маҳбубага илтижо қилаётир: «Қаро кўзли гўзалим, келсанг-чи, муруват ва вафо йўлини, одамийлик расмини тутсанг-чи». Одамнинг кўз қорачигида кўз гавҳари жойлашган бўлади. Кўз мана шу гавҳар воситасидагина борликни кўра олади. Ана шу табиат қонунини на-зарда тутиб, шоир иккинчи мисрада яна илтижо қиласди: «Кўзимнииг қорачигида гавҳар каби ватан тутсанг-чи, токи мен кўзим ёришиб, олам гўзалликларидан баҳраманд бўлсан». Инсон энг севимли, азиз кишисинигина кўз қорачигида, кўз қорачигидек асрайди. Зотан, севикли ёрисиз ошиқ кўзига олам қоронги. Э. Воҳидов шарҳлашларича, «ошиқ ёрни фақат кўриб туришни эмас, кўз қорачигида жо қилмоқни истайди ва қаён бокмасин, ойгами, гулгами, шабнамгами – барига ёр жамоли орқали боқишини орзу қиласди, барида унинг тимсолини кўришни тилайди». «Мардум» сўзининг «одам» маъноси фақат биринчи мисрадагина эмас, балки иккинчи мисрада ҳам мавжуд. Кузатган бўлсангиз, юзма-юз турган кишиларнинг акси бир-бирларининг кўз гавҳарларига тушиб туради, бошқача айтганда, рўпарадаги киши сухбатдошининг кўзига жойлашган бўлади. Иккинчи мисрадан шу манзарани ҳам туйиш мумкин. Зеро, ошигини ўз васлидан баҳраманд этган маъшуқагина унинг кўзида гавҳар каби маскан тутиши мумкин.

Тагзаминдаги сўфиёна моҳиятга кўра, байтдаги илтижо жамол орзуси, яъни Оллоҳнинг лутфу эҳсони тажаллисига умидворликдир. Сўфи учун ўз нигохида, қорачигида илоҳий нур жилваланиши, олами шу муборак нур орқали кўриши олий баҳт, Ҳақ васлига муюссарликдир. Сўфининг илоҳий маъшуқни «кўзум қаросида мардум киби ватан қилғил» дея чорлаши асл моя билан бирлашиш, қовушиш, уни ўзига сингдириб, ўзи унга сингиб кетиши – ваҳдати вужуд истагидир.

Шунчалар чуқур ва серқатлам маънолар мужассамлаштирилган биринчи байтни шоҳбайт ёки ҳусни матла (етук, олий, гўзал бош-

ланма) дея таърифлаш мумкин. Ғазалнинг ана шундай зоҳирий-дунёвий ва ботиний-тасаввуфий моҳияти байтма-байт муайянлашиб, уйғун равишда такомиллашиб боради. Ундан фақат дунёвий мазмун чиқариш ёхуд нуқул тасаввуф тимсолларини ахтариш бирёқламаликка олиб бориши тайин! Бироқ хеч бир шориҳ Навоий кўзда тутган бадиий мазмунни мукаммал, юз фоиз юзага чиқариш даъвосини қиолмаса керак. Чунки ҳазратнинг қалбига, руҳига яқинлашишга ҳар қанча уринмайлик, ақли ожизимиз баъзи иштибоҳ, тусмолу тахминларга йўл қўйиши эҳтимолдан холи эмас.

*Юзунг гулига кўнгул равзасин яса гулшан,  
Қадинг ниҳолига жон гулшанин чаман қилғил.*

Мазкур байтда тасвир анча содда ва муайян. Бироқ бу байт ҳам бир қанча рамзий иборалардан таркиб топган бўлиб, уларни шарҳламай туриб, мазмун моҳиятини англаб етиш қийин. Ўзи аниқ бу ифодаларнинг тимсолий моҳияти қизиқарли. 1. «Юзунг гули» – шеъриятда бугунгача ҳам қўлланаётган бирламчи зоҳирий маъноси севимли ёр чехраси. Ботиний маъноси – Ҳак жамоли. 2. «Кўнгул равзаси» – кўнгил боғи, инсоннинг руҳият олами. 3. «Қадинг ниҳоли» – ёрнинг ниҳолдек қадду қомати, «жон» сўзи таркибидаги «алиф» ҳарфи, илоҳий маъшүқ қомати. 4. «Жон гулшани» – ошиқнинг вужуди, бағри, алиф (!) ҳарфининг маскани бўлмиш жон (ନ୍ତର୍କ) сўзи, манзурнинг жавлонгоҳи.

Биринчи мисра «Сенинг юзинг менинг кўнглим гулбогида гул очсин» маъносидаги висол илинжини таъкидлаб турибди. Шунингдек, бу мисрада биринчи байтнинг мантикий давоми ҳам англашилиб турибди. Маълуммик, кўз – кўнгилнинг ойинаси. Ёр жамолига мусасар бўлган кўнгил ёришади. Кўз қорачигида макон курган ёр жамоли чукур томир ёзади, кўнгилда акс-садо беради, кўнгил боғини мазҳаргоҳга айлантиради, унда ишқ чечаклари кулф уриб гуллайди, бўстонга айланади. Шунинг учун лирик қаҳрамон, сенинг алпдек қоматинг ниҳоли менинг жону дилим боғида яшнасин ва юзинг гули бу боғни гулшангэ звисрсин, дея илинж-илтижо изҳор этмоқда. Демак, ёрнинг ошиқ кўз қаросида гавҳар каби ватан қуриши ва ўз жамоли жилвасига кўнгил боғини гулшан этишидан силсилавий, тадрижий тасвир ҳам ҳосил бўлаётир.

Иккинчи мисра мазмуни эса ҳарфий санъат, ташбеҳи измор, яъни яширин ташбеҳ воситасида ифодаланган. «Жон» сўзининг араб ёзувидаги кўринишини кўз олдингизга келтиринг (ନ୍ତର୍କ). «Жон»

сўзи «жим» (ж), «алиф» (!), «нун» (н) ҳарфларидан ташкил топган. «Алиф» ҳарфи сўз ўртасида (бағрида) жойлашган бўлиб, у ниҳолга монанд. Байтда маъшуқа қомати ана шу «жон» сўзидағи «алиф»га қиёсланган. Демак, шоир айтмоқчи, «алиф» «жон» гулшани бағрида жойлашгани сингари, сенинг ҳам «алиф» ва ниҳол янглиғ қоматинг хамиша менинг жоним, бағримда бўлсин!

*Таковарингга бағир қонидин ҳино боғла,  
Итингга ғамзада жон риштасин расан қилғил.*

Ҳар бир сўз ва образнинг маъно кўламини очиш байтнинг аниқ тахлини юзага чиқарди. Байтдаги от (таковар) ва ит образлари, «Хино боғламоқ» ва «ғамзада жон» ибораларининг маъносини тўғри тушунмаслик таҳтил йўналишини издан чиқариб юбориши мумкин. «Таковар», яъни тезюрар, йўрга от мумтоз шеъриятдаги анъанавий тимсоллардан. Фазалларда маъшуқа отлиқ қиёфада чиройли назмий манзараларда тасвирланади. Севиклиниң отига илтифот кўрсатиш орқали ўз муҳаббати ва садоқатини изхор килиш барча мумтоз шоирларимиз учун умумий хусусият. Масалан, Навоий издошларидан бири Мунисда бу «Отланур бўлсанг, менинг кўксимни жавлонгоҳ қил» тарзида учрайди. Бундаги мазмун Навоий мисрасига оҳангдош. Лирик қаҳрамон маъшуқа от елдириб унинг ёнидан ўтиб кетишини, ҳижрон балосига яна мубтало бўлишини истамайди. Шунинг учун, суюкли ёрига мурожаат қилиб айтади: «Оtingnинг туёғига бағрим қонидин ҳино боғлагин, токи у қошимдан шитоб билан ўтиб кетмасин, мен сенинг васлингдан баҳраманд бўлай».

«Хино боғламоқ» иборасининг асл ва Навоий ғазалидаги кўчма маъноси лугатларда учрамайди. Ажабланасиз: «Наҳот, бу ибора шу кадар эскириб, замонамиздан узоқлашиб кетган бўлса?!» Йўқ, ҳино қўйиш одати билан боғлиқ бу ибора халқ тилида ҳамон яшаётир. У баъзан қулоққа мана бу шаклда чалиниб қолади: «Тезроқ юрсангчи... оёғингга ҳино боғлаганмисан?» Иборанинг тириклиги оёққа ҳино боғлаш одати ҳамон мавжудлигидан дарак беради. Ҳино боғлаш Шарқ халқларининг қадимий тиббий ва байрамона удумларидандир. Ҳино хотин-қизлар ҳайит кунлари безаниши учун маҳсус тайёрлана-диган зеб-зийнат бўёғи ҳамдир. Ҳино иссиқ иқлимли мамлакатларда ўсадиган гиёҳ бўлиб, унинг барглари аввал куритилиб, янчилиб, эзилиб, сўнг сувга аралаштирилади. Байрам бўсағасида бош, кўл, оёқ (кафт ва бармоқларга) ва сочга суртиб боғланади. Ҳино бош,

қўл ва оёқлардаги оғриқларни йўқотувчи шифобаҳш хусусиятга эга бўлиш билан бирга, соч ва бадан терисини тўқ қизил ранг билан зийнатлаган. Оёғига хино кўйилган одам юрмаслиги, ором олиши лозим, шунинг учун хино кечаси уйкудан олдин боғланган. Хинонинг тўқ қизил ранги баданга кўчган ва шодлик-хурсандчилик айёмларида узок вақт сақланиб юрган. «Таковарингга бағир қонидин хино боғла» сатри мазмуни ана шундай ҳолат билан боғлиқ. Ошиқ хижрон азобида қонга айланган юрак-бағрини маъшуқанинг ўзигагина эмас, уни ошиқ томон олиб келиб дийдоридан баҳраманд этган отининг қадамига курбон этади.

Ғазал талқини тарихида муҳлислар томонидан «ғамзада» сўзини ноз, карашма маъносидағи «ғамза» сўзи ўрнида қабул қилиш ва шу тарзда шарҳлаш ҳоллари бўлди. Аслида, «ғамзада» ва «ғамза» мутлақо бошқа-бошқа лугавий бирликлар. «Ғамзада» – «ғам» ва «зада» сўзларининг бирликишидан ҳосил бўлган кўшма сўздир. Ғам – замондошларимизга тушунарли. «Зада бўлмоқ» – «озор чекмоқ», «жабр чекмоқ» демакдир. «Ғамзада жон» эса қайгули, муттасил озор чеккан, жабрланган жон маъносини ифодалайди.

«Ит» ҳам Шарқ мумтоз шеъриятидаги анъанавий тимсоллардан эканлиги эътиборга олинмоги лозим. Мумтоз шеъриятда маъшуқанинг итига ҳам висол илинжидатда лутф изҳор қилиш ҳоллари кўп учрайди. Шунингдек, ит маъшуқа ва ошиқ орасида тўқсинглик қилувчи тимсол сифатида ҳам намоён бўлади. Бунда у анъанавий рақиб образига ўхшаб кетади. Маъшуқа висолига эришиш мақсадида унинг ити билин дўстлашиш майллари ифодалангандан байтлар жуда кўп. Мунисда бунинг гўзал намунаси мавжуд:

*Итинг кўрсам, манга унс айласун деб,  
Берурман гаҳ кўнгулни, гаҳ бағирни.*

Назаримизда, Навоий мисрасидаги итга муносабат заминида ҳам ошиқ ва маъшуқа орасига рахна солувчи тўсиққа киноя ётибди. Айни пайтда, итига меҳр, фидойилик кўрсатиш манзурнинг ўзига ҳам жонфидолик рамзидир. Хуллас, лирик қаҳрамон маъшуқага яна илтижо қиласди: «Итингга ҳижрон ғамидан зада бўлган жоним ипларини арқон қилиб боғла, токи бизнинг дийдорлашувимизга халакит бермасин». Яна ўша ҳажр дарди ва висол иштиёқи! Ёхуд мисрадан бундай мазмун ҳам англашилиб туради: «Эй ёр, ҳажринг ғамида арқондек ингичка тортган жонимни итингга боғла. Мен лоақал итингга баҳшида бўлай, лоақал итинг орқали васлингга муюссар эт!»

Фироқ тогида топилса туфроғим, эй чарх,  
Хамир этиб яна ул тогда кўҳкан қилғил.

Ушбу ғазалнинг бошқа ғазаллардан фарқи ва ўзига хослиги шундаки, унда лирик қаҳрамоннинг дардпарвар нидолари руҳбоб чекинишлар билан бир неча марта бўлинади. Яъни ошиқ нолалари фақат манзургагина қаратилмай, бошқа мағхумлардан ҳам најот илтижо этади. Тўртинчи байт ана шундай лирик чекинишлардан биринчисидир. Байтнинг замирида тилсимланиб ётган мазмун «фироқ тоги», «туфроқ», «хамир», «кўҳкан» образларида мужассам.

Изоҳлашни «кўҳкан»дан бошламок жоиз. Чунки байтда лирик қаҳрамон ўз ишқи ва қисматини машҳур Кўҳканнинг ишқи ва қисматига қиёслаган. «Кўҳкан» сўзи луғавий жиҳатдан форсий «кўҳ» (тоғ) ва «кан» (кандан – «қазимоқ» феълининг ҳозирги замон ўзаги) сўзлари биркувидан вужудга келган қўшма сўз бўлиб, у «тоғ қазувчи» маъносини билдиради. Кўҳкан афсонавий ҳамда Навоий асарларида Фарҳод сиймосининг рамзиdir. Кўҳкан ва Фарҳод адабиётда маънодош образлар сифатида ҳам қўлланилади. Кўҳкан – Фарҳоднинг истиоравий лакаби. Маълумки, Шириннинг васлига мусассар бўлиш учун Фарҳод Фироқ тогини қўпоромоги шарт эди, бироқ Навоий назарда тутган маъшуқа ва унинг Фироғи абадий. Фарҳод Фироқ тоги аталмиш меҳнат, ранж, аламни чека-чека, айрилиқ билан олиша-олиша ўша манзилда оламдан ўтган, тупроққа айланган. Тасаввуф таълимотига кўра, Фироқда ҳижрон чекиш ва ҳақ васлига эришиш, аслиятга қайтиш, тупроққа эврилиш сўфи – ошиқнинг олий ва абадий маслаги. Фарҳод исменинг Фироқ, ранж, ҳажр, дард сўзларидан олингани ҳам шунга ишора. Демак, Фарҳод ёки Кўҳкан – ишқ йўлида, илоҳий висол илинжида дард тортишнинг бадиий тимсоли. Фожия макони Фироқ тогида Фарҳод мислсиз меҳнат ва жасорат кўрсатиб тоғ қазиб, сув чиқариб Ширин, Мехинбону ва ҳалқ дардига малҳам босади, лекин ўз орзусига эришолмай ҳалок бўлади.

«Туфроқ» – инсон умрининг ибтидоси ва интихоси. Инсон тупроқдан яратилган ва у фоний дунёдаги умрини яшаб бўлгач, яна тупроққа айланади, аслига қайтади.

«Хамир» ифодаси бир оз чуқурроқ шарҳни тақозо этади, чунки бу сўз нон ёпиш мақсадида ундан қориладиган хамирни англатади. Аслида, Тангри таоло тупроқдан хамир қориб, ушбу хамирдан инсониятнинг бобокалони Одам атони яратган. Бу хамирни биз бугун

лой деб атаймиз ва одамзод лойдан яралган, дея нақл юритамиз. Мазкур образлар воситасида англашиладиган хосила шуки, лирик қаҳрамон чархга ёлвориб айтади: «Агар айрилиқ билан жангда енгилсам, жисму жоним барбод бўлса, фироқ тогида тупроққа айланган танимдан қайтадан Кўҳкан яратгин, токи мен ёр висолига интилишида давом этай».

Мустақил мазмунга эга бўлишига қарамай, бу байт ғазалнинг аввалги байтларидан ажралиб қолмаган. Лирик қаҳрамоннинг ўзи ишқида сабитлиги, висол иштиёқида ўртаниши, маслак сари сабот ва курашчанлик касб этаётгани изчилликни сақлаб турибди. Тупроқсифат хокисорлик, кўҳканвор меҳнаткашлик лирик қаҳрамоннинг сўфиёна баркамол сийратидан далолат беради.

Бешинчи байт яна бевосита манзурга мурожаат руҳида битилган:

Юзунг висолига етсун десанг кўнгулларни,  
Сочингни бошдин-оёқ чин ила шикан қилғил.

Бир қараашда, бу байтда мураккаб ибора ва тимсоллар йўқ, лекин бадиий мазмунни таъминлаб турган бир неча англама байт замирига яширинганки, уларни, албатта, назарда тутмоқ керак. Масалан, юз – дунёвий маъшуқа чехрасини, айни пайтда, оллоҳ ҳусну жамолини англатади. «Кўнгуллар» сўзини «юраклар» изоҳлаёлмайди, чунки «кўнгул»нинг маъно миқёслари «юрак»дан кўра кенгроқ. Кейин, «кўнгуллар» дегандা ошиқлар образи тушунилади. Бу тимсол заминида Ҳақ висолига ташна сўфилар ҳам мужассам. Сочнинг ҳусну жамол тимсоли янглиғ талқинлари ҳам мавжуд, аммо бизнинг назаримизда, соч қоронги ва узоқ айрилиқ белгисидир. Байтда манзурнинг бошидан оёғигача етадиган соч соҳибаси эканлиги хакидаги тасвир ҳам яширинган.

Ўқувчини «чин» или «шикан» сўзлари кўпроқ ўйлантиради. Ўзаро маънодош бу форсий сўзлар ўрам-ўрам, ҳалқа-ҳалқа, занжирсимон-силсилавӣ, қат-қат, печу тобли, қармоқсимон, илгаксимон сифатларини маъшуқа сочига нисбатан ифодалайтириш.

Ғазалдаги маъшуқа образи – бениҳоя юксак, улуғвор ва етишиб бўлмас симо. Ошиқ кўнгиллар эса хокисор ва нотавон. Бу кўнгилларнинг жони ва дармони фақатгина ёр висоли. Ошиқ кўнгиллар билан маъшуқа жамоли оралиғида эса соч – поёнсиз ҳижрон мавжуд. Шунинг учун энди лирик қаҳрамон маъшуқанинг ўзидан мадад сўрайди: «Агар ошиқларингга раҳминг келса, улар висолингдан баҳраманд бўлишларини истасанг, сочингни бошдан-

оёқ қармок, илгак ва ўрамлар каби жингалак қил, токи афтода ошиқларинг шу «чин»у «шикан»лар воситасида оёғингдан бошингга-ча кўтарилиснилар, «юзунг висолига етсун»лар». «Чин или шикан» об-разлари орқали Ҳақнинг дийдорини излаб сўфийлар босиб ўтадиган сўфийлик сулуки силсилаи назарда тутилган бўлса ҳам, ажаб эмас.

Олтинчи байтда иккинчи лирик чекиниш содир бўлади ва у «боғбон» образига мурожаатда акс этади:

*Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қилғил.*

Мураккаб ва тагдор маъноли бу байтда шоир изчил ёритилаёт-ган ҳижрон ва висол мавзуидан лирик чекиниш қилиб, фонийлик ва боқийлик ҳақида фалсафий мушоҳада юритади. Лирик қаҳрамон ёр васли, унинг соғинчлари, ошиқлик саргузаштлари ҳақида илтижо-лар қиласкан, ногаҳон унинг хаёлини ёрнинг эмас, умр ва дунёнинг вафоси ҳақидаги маҳзун ва дардчил ўйлар чулғаб олади. Орзу-ар-монлар ҳасрат, афсус-надоматларга дўнади. У вафо бўстонидан бир гул талабгор эди. Аммо боғнинг, борлиқнинг ўз боқийлигига умид боғласа бўлармикин? Беш кунлик дунёнинг ташвишлари, ўртанишлари азият, ранжу ғусса чекишига арзирмикин? Ёр гўзаллиги, ошиқнинг сабру бардоши, ишқнинг саботи ҳазон елларига совурил-масмикин?! Шу сархуш ҳаёллар оғушида шоир боғ ва боғбон му-носабатларини рамзийлаштириб, истиоравий манзарали байт бунёд этади. Ҳар қандай ҳодиса ё манзарани тимсоллаштириш учун тим-сол ниҳоятда ҳаётий ва ибратли бўлиши керак. Табиийки, боғбон ўз боғини ҳар қандай ҳалокатлар хуружидан асрраб-авайлайди. Аммо азал қисматига, «ҳазон сипоҳига» – ҳазонрэзги қатлиомига моне-лик йўқ. Шоир боғбонга мурожаат этаркан, уни боғни асрраб қолиш учун ҳар қандай чораю тадбир кўрмасин, ҳатто боғнинг деворларию томи – осмонини игнабанд қилиб ўраб олмасин, ҳазон фаслидан, қуритиш лашкаридан омон сақлаёлмаслигидан огоҳлантиради. На-войи ана шундай образли мушоҳадакорлик орқали ҳаётнинг фани-матлиги, ҳазон фасли (карилик) етгач, ўлимга ҳеч қандай қудрат ва чораю тадбир қаршилик киломаслиги ҳақида фикр юритади.

Навоийнинг олтинчи байтга келиб, фанолик ва бақолик ҳақида фалсафий мушоҳадага берилиши тасодифий эмас. У олдинги байт-ларда маъшуқа жамоли ва ошиқ аҳволини тасвиirlади. Энди меҳрсиз

маъшуқа жамоли, маҗжур ошиқ умри, ҳаётнинг ўзи ҳам омонат вағанимат эканлигини эл катори, маъшуқага ҳам уқтирмоқчи. Бағбону лирик қаҳрамонни ҳам бу аччиқ азал қисматига икрор этмоқчи. Байт инсон руҳиятининг маҳзун манзарасини суратлантирса ҳам, унинг ҳосиласи тушкунлик ва умидсизлик эмас.

Мазкур байтни навоийшунос олим Ёкубжон Исҳоков муайян назарий фикрларига асос қилиб олиши бир оз баҳсли кўринади: «Навоий ғазаллари семантик структураси учун типик бўлган яна бир хусусиятни алоҳида таъкидлаш лозим. Аксар ғазалларда мақтадан олдинги байт мазмун ва услуб жиҳатидан бутун ғазал таркибидағи бошқа байтлардан ажралиб туради. Бундай байт, олдинги байтлардаги тасвир усулидан қатъи назар, иккинчи шахсга (мазмунан, ўқувчига ёки умумуга) қаратилган мурожаат, хитоб тарзидағи ўғит (шунингдек, таъна, кесатиш) ёки умумлашган ибраторумуз хулосадан иборат. Шоир, кўпинча, ўз фикрини соқийга ёки бошқа бирор обьектга (маъшуқага, шоҳга, гулга) мурожаат шаклида изҳор қилади... Уларнинг аксарияти ғазал структурасида мустақилликка эга бўлиб, бошқа байтлар билан радиф ва кофия орқалигина боғланиб туради. Улар алоҳида ҳолда ҳам тугал маъно билдиради. Лекин ана шу нисбий мустақиллик барча тип ғазалларда бир даражада эмас. Тавсифий таъриф, мадҳда ҳам ғазалларда лирик чекиниш характеридаги байтларнинг «бегона» ёки қистирмалиги яққол сезилиб туради. Улар тушириб қолдирилса ҳам, ғазал структураси ва тасвир оқимига зарар етмагандек бўлиб туюлади. Масалан, ёшлик даврига мансуб «Каро кўзум, келу мардумлуг эмди фан қылғил» деб бошланувчи ғазални эсга олайлик. Маъшуқага қаратилган ва унинг сиймоси билан боғлик истиоравий тасвир орасида бирдан боғбонга (рамзий атама) мурожаат тарзидағи кўйидаги байт пайдо бўлади:

Хазон сипоҳига, эй боғбон, эмас монеъ,  
Бу боғ томида гар игнадин тикан қылғил.

Агар қофия ва радифни ҳисобга олмасак, мазмунан катта фалсафий умумлашма даражасидаги бу байт конкрет шахс қиёфаси билан боғлик тасвир ичида, чиндан ҳам, тасодифийдек туюлади» (Ё. Исҳоков. Навоий поэтикаси, «Фан», Тошкент, 1983 йил, 62-бет).

Бу назарий умумлашмани бошқа ғазалларга татбиқ этиш мумкинdir. Бироқ..., аввало, келтирилган парча мақтадан олдинги байт эмас. Боз устига, у «қистирмалиги яққол сезилиб турадиган» да-

ражада «бегона» ҳам эмас. Синчилаб кузатганимизда, байтлараро рухий, мантикий боғланиш борлигини илғаймиз ва мазкур байт «тасодифийдек» туюлмайди ҳам. Дастреки байтларда маъшуқа одамийликни одат қилишга, кўз корачигида мардум киби ватан тутишга, ошиқнинг жон гулшанини чаман айлашга даъват этилиши шу туйғу заминида мантиқан мазкур байтга боғланади ва унга асос бўлиб хизмат қиласи.

Шоир ғазалнинг кейинги байтларини ҳам ана шу ҳаёт фалсафа-сидан келиб чиқиб, узвий давом эттиради.

*Юзида терни кўруб ўлсам, эй рафиқ, мени  
Гулоб ила юву гул баргидин кафан қилғил.*

Ушбу байт ниҳоятда қизиқарли ва сехрли моҳиятга эга бўлиб, унинг талқинлари ҳам ранг-баранг, жозибалидир. Э. Вохидов ихчам ва мўъжаз баён шарҳ билан чекланади. Н. Комилов байтнинг ўзига хос тугал ва муқаммал талқинини яратишга зришади. И. Абдулаев ҳам мазкур байтни чинакамига таҳлил этишига ҳаракат қиласи: «Агар маҳбуб юзида терни кўриб ўлиб кетсан, эй дўст (рафик), мени гул суви билан юв-да, гул баргидан кафан қилиб, дафн эт...».

«Бу байтнинг маъноси анчагина мураккаблиги учун кўп баҳсларга сабаб бўлиб келмоқда. Бизнингча, бу байтга шундай маъно бериш мумкин: илгари вақтда гулоб тайёрлаш ва уни истеъмол қилиш одат тусига кирган бўлиб, гулобни турли усувлар билан тайёрлаганлар. Шулардан бири гулни бир идишга қўйиб, тагига ўт ёқиб, уни буғлатиб, терлатган ва ўша гул тери томиб-томиб бошқа идишга тушаверган, кейин у гулоб сифатида истеъмол қилинган. Навоий бу ерда маҳбуб юзини гулга ўхшатар экан, унинг хижолатдан ёки уятдан терлаган пайтими гулнинг гулоб олишдаги терлашига ўхшатади. Бу ниҳоятда бир гўзал манзара бўлгани учун, агар ана шундай ҳолда сенинг юзингни кўриб, бунга тоқат қилолмай ўлиб кетсан, гулоб билан ювиб, гул баргидан кафан қилгин, демоқчи. Баъзилар бу байтдаги «тер» сўзини «тир» (ўқ) деб ўқиш керак, шунда юзингда ўқни кўриб ўлсам, маъноси чиқади, дейишади. Лекин бу иккинчи мисрадаги гулоб ва гулга боғланмайди. Баъзилар эса «маҳбуб ме-нинг олдимга шошилиб, югуриб келса, унинг юзида терни кўрсам», деб талқин қилишади. Лекин бу ҳам тўғри эмас. Ахир, маҳбуб ошиқ олдига югуриб келмайди-ку. Яна баъзилар «маҳбубнинг ўлим тўшагида ётиб, ажал терига тушганини кўрсам», деб ҳам маъно беришади. Бу фикр ҳам мантиқан иккинчи мисрага боғланмайди».

И. Абдуллаев гулоб тайёрлаш жараёнини мароқли тасвирлаган. Лекин байтни бу манзара билан боғлаб талқин этиш етарли эмас. Муаллифнинг байт мазмуни ҳакидаги турли мулоҳазалар билан мунозараға киришуви таҳлилни жонлантирган. Ҳақиқатан, «тер» сўзини «тир» дея талқин этиш ва «маҳбубнинг ўлим тӯшагида ётиб, ажал терига тушганлиги» ҳакидаги тахминлар асоссиз. Лекин «маҳбуб менинг олдимга шошилиб, югуриб келса, унинг юзида терни кўрсам» тарзидаги талқинга И. Абдуллаевнинг «ахир, маҳбуб ошиқ олдига югуриб келмайди-ку», дея билдириган эътирозини ўйлаб кўриш керак. Навоийнинг:

*Тун оқшом келди кулбам сори ул гулруҳ шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб, -*

матлаини эслаб кўринг-а. Назаримизда, бу иккала байтдаги тер ва гулоб образларида муштарак хусусият мужассам. Бу образлар Навоий лирик қаҳрамони – маъшуқадаги иффат, ҳаё, назокат, уят, ҳаяжон, эҳтирос белгиларидир. Навоий орзу этган маъшуқа киёфасини ҳар иккала ғазал бир хил образлар орқали ифодалаган бўлса-да, бу ғазалларнинг бири висол севинчларини, иккинчиси ҳижрон изтиробларини ифодалайди.

Олдинги байтда шоир тирикликнинг омонат ва ғаниматлиги, ўлимнинг муқаррарлиги ҳақида ўй сурган эди. Шундай маҳзун кайфиятдаги лирик қаҳрамоннинг армони битта – у ҳам бўлса, маъшуқа висоли. Унинг муроди севиклисининг юзида ҳаяжон ва эҳтирос терларини кўриб ўлиш. Бу муддаони шоир биринчи мисрадаёт баён этаркан, иккинчи мисрада психологик мувозийлик усули воситасида уни яна бир бор таъкидлайди ва мустахкамлайди. Биринчи мисра мазмуни «юз» ва «тер» образлари орқали ифодаланган эди. Иккинчи мисрада бу образларга мувозий равишда «гулоб» ва «гул барғи» образлари кўлланади. «Гулоб» маъшуқа юзидаги тер тимсоли бўлса, «гул барғи» юзнинг рамзидир. Фараз қилинг, ошиқ жасади гулоб, яъни маъшуқа терлари билан ювилса ва гул барғи, яъни маъшуқа юзига буркалса, демак, маъшуқа висолига эришган, у билан қовушган бўлади. Ушбу байт мазмунини фақат дунёвий мъянода тушунадиган бўлсан, унинг ботиний мъяносидан кўз юмган бўламиз, чунки бу ғазалда сўфиёна мазмундаги ошиқ-маъшуқ муносабатлари ҳам мужассам. Тажалли таълимотига кўра, маъшуқ (яратувчи)нинг висолига етишиш, у билан бирлашиш ошиқ (яратилмиш) учун чи-

накам висол (ваҳдати вужуд), олий баҳт демақдир. Хуллас, мазкур байтда дунёвий мазмундаги висол билан Навоий тасаввуфидаги висол онлари бир йўла тажассум топган. Умуман, Навоийнинг бу каби мураккаб ғазалларининг ҳар байти замирада ана шундай тагзамини мазмун борлигини назардан қочирмаслик керак.

Ғазалнинг тугалланма байти ҳам жуда қизиқ ва тилсимли:

*Навоий, анжумани шавқ жон аро тузсанг,  
Аннинг бошоғлиғ ўқин шамъи анжуман қилғил.*

Байт чукур фалсафий асосга таянади. «Анжумани шавқ» ибораси тасаввуф маслагига мурожаат этишга чорлайди. Шавқ – тасаввуф мақомларидан бири. Тасаввуф таълимоти ҳақидаги китобларда кўрсатилишича, шавқ шундай руҳий ҳолатки, ошиқ жони шавққа тўлади, у маъшуқ ёди билан ғойибона анжумани шавқ тузади. Ошиқ ишқида оловланган шавқ анжумани муҳаббат оташининг шуълалари ва жавҳаридан вужудга келади. Шавқ моҳияти висолнинг талабу тақозосидан иборат бўлиб, бу мақомда ошиқ сўфи назарида ёр дийдори жилваланади ва ошиқ унга соғинч изҳор этади. Шавқ ва зикр мақомлари Ҳақнинг номини ёдга олиш ва у ҳақда фикру ўй сурин ҳолатидир.

Бу байт мазмунини ҳам иккинчи байтдаги сингари, унда яши-ринган ҳарфий санъатни шарҳлаш воситасида тўлиқ юзага чиқариш мумкин. «Жон» сўзининг араб имлосидаги шаклини яна тасаввурингизда тикланг: (جـ). «Жим» (جـ) ва «нун» (نـ) ўртасида бошоғлиқ ўқ – «алиф» (!) ҳарфи турибди. Шоир яна бир бор маъшуқани «жон» сўзи марказида турган «алиф»га муқояса қиласи ва бу билан «жон» сўзини «алиф» ҳарфисиз тасаввур қилиб бўлмаганидек, ошиқ жонини, яъни ҳаётини ҳам маъшуқасиз тасаввур қилиш имкондан ташқари, деган фикрни билдиради. Ана шундай бадиий асослар аёналашгач, байтнинг умумий мазмуни англашилади.

Хуллас, Навоий ўзига ва висол иштиёқидаги ўзга ошиқларга илохий муҳаббатнинг сехру синоатидан сабоқ бермоқда: «Эй ошиқ, то шавққа тўлмайин, жону жаҳонни шавқ ўтига ўртамай туриб, ёр дийдорига мұяссар бўлиш мумкин эмас. «Жон» (جـ) марказида «алиф» (!) мақом тутсагина, жон комил ва ҳаёт бўлади, жонда жонон тажалли топади. «Алиф»сиз «жон» мукаммал бўлмаганидек, ёрсиз ошиқ – сўфи ишқи ҳам камолотсиз. «Энди агар сен ёр висоли илинжида жонинг аро шавқ оташини оловлантириб, маъшуқ

жамолини шуълалантироқчи бўлсанг, манзурнинг фикру зикрини, ёду хаёлини анжуманинг шамъига айлантири. Шунда Ҳақнинг васлига восил бўласан, жонинг жононга эврилади, ёр билан руҳан ва хаёлан бирлашасан, ишқнинг порлоқ шуълаларида у билан анжуман тузасан». Фазал висол орзуси билан бошланган эди, худди шундай орзумандлик билан тугалланди. Бу ғазалнинг жуда гўзал, ихчам, тугал таркибий (композицион) бутунликка эга эканлигини кўрсатади.

«Қаро кўзум...» ғазали ўзининг бадиий сехри, маънавий-рухий таъсиридорлиги билан асрлар оша халқнинг қалб ардоғида сакланиб келаёттири. «Ушшоқ» күйи билан ашула қилиб айтилиши ғазалнинг янада халқчил, машхур, умрибоқий асарга айланишини таъминлади. Гарчи ғазал ҳақидаги мавжуд талқинларга танқидий муносабат, улар билан муқояса этиш асосида яратилган бўлса ҳам, ушбу таҳлилинизни мукаммал, «Қаро кўзум...» ёдгорлигига оид сўнгги сўз, нукта деган даъводан йироқмиз. Ҳассос шоир Эркин Воҳидов ва нуктасанж олим Нажмиддин Комилов айтгандаридек, Навоий байтлари қатида яшириниб ётган маънолар шу қадар теран, шу қадар кўламлики, у дурлар тўла денгизга ўхшайди. Бу денгизга шўнғиган одам, албаттa, янги маъно дурларини қўлга киритиб, баҳрамандлик баҳтини тuya олади.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛ ҲИКМАТИ

Қиёсий-тариҳий таҳлил усули илмий тадқиқотнинг объектив ҳақиқатни кашф этиш йўлларидан биридир. Қиёсий-тариҳий таҳлил усули талабига кўра, адабиёт ва санъатнинг бугунги ҳодисалари, ютуқлари ўрганилар экан, тарих билан чуқур муқояса килиниб, текширилиб, кейин хulosса чиқарилиши керак. Чунки адабиёт ва санъат ҳодисалари, адабий жанрлар, муайян турдаги анъанавий асарлар узоқ тарихий тараққиёт асосида вужудга келган бўлади. Масалан, ғазал жанрини назарий жиҳатдан тадқиқ этиш учун XX асрда яратилган ғазалларни ёки XV асрдан бўёнги ғазалларни ўрганиш кифоя эмас. Бу ахволда ғазал жанри тадрижий такомилининг катта бир босқичи назардан четда қолиб кетади. Ҳолбуки, жанрнинг жуда кўп ўзак ҳусусиятлари ўша илк босқичларда шаклланган. Демак, қиёсий-тариҳий таҳлил бугуннинг ўтмиш билан туташ нуқталарини кашф этиш, ҳақиқатни тарих тажрибалари орқали аниқлаш, муай-

ян объектни унинг узоқ ижодий такомили заминида тадқиқ этиш йўлидир.

Навоий асарларини унгача яратилган бадиият намуналари, айни пайтда, улуғ шоир ижодининг илк босқичидаги нусхалар билан таққослаш яхши натижалар бериши шубҳасиз. Қиёсий-тарихий таҳлилсиз Навоий издошлари ижодининг ҳаққоний, холис, етук баҳосини бериш жуда қийин. Чунончи, бунинг ёрқин далили сифатида улуғ шоир Аваз Ўтар ўғлининг машҳур: «Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора ҳалқ, Зулм тифи бирла бўлғон бағри юз минг пора ҳалқ» бошланмали ғазалига берилган баҳоларни мулоҳаза қилиб кўрайлил. Ушбу ғазал баъзи тадқиқотларда бошдан-оёқ – юз фоиз Авазнинг улкан қашфиёти янглиғ васф этилди. Лекин чукур қиёсий таҳлил этилмади. Ваҳоланки, синчилкаб мутолаа қилинса, Навоийнинг «Илк девон»и 93-б сахифасида «Йўқтүрур оламда ахли ишқдек бечора эл, Ҳажр зулми бирла хонумонидин овора эл» матлали ғазал бор ва ушбу ғазал «Фаройиб ус-сигар» девонида ҳам келадики, бундай далил чукур қиёсий таҳлилга сазовордир. Аваз ғазалини Навоий ғазали таъсирисиз, умуман, тасаввур қилиб бўлмайди. Тугал тасаввур ҳосил бўлиши учун иккала ғазал матнини тўлиқ кўз оддимизга келтирайлик.

Навоий ғазали:

Йўқтүрур оламда ахли ишқдек бечора эл,  
Ҳажр зулми бирла хонумонидин овора эл.

Ишқ селоби жафоси бирла ҳижрон тигидин  
Хотири вайрон жамоат, кўнгли юз минг пора эл.

Чиксанг уйдин, телба бўлмок, олам ахли, не ажаб  
Кўрмамиш ҳаргиз чу сендек бир парируҳсора эл.

Англаким, овора бўлғонлардур ул ой ишқидин  
Ҳажр саҳросида кўрсанг тогу водий ора эл.

Ўртаб, эй ҳижрон, мени дудумни қил кўйида миф,  
То ул ой ҳусниға айлай олмагай наззора эл.

Чун қазо тағийир топмас коми озлиғдин гила  
Маҳз ноҳамворлигдур айламак ҳамвора эл.

Эй Навоий, фитна ёғдурса ул ой ишқ ахлиға,  
Осмондин ҳарнеким келса, не қилғай чора эл?!

(«Фаройиб ус-сигар», 391-ғазал)

Аваз ғазали:

Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора ҳалқ,  
Зулм тиги бирла бўлғон бағри юз минг пора ҳалқ.

Бир неча авбош бунда ҳукмронлиғ айласа,  
Қолмағай оре не янглиғ меҳнату озора ҳалқ?

Не аларда бордуур илму адолатдин асар,  
Не ажабким, топмаса доғи<sup>1</sup> дилига чора ҳалқ.

Етган офатни бошиға доимо тақдир деб,  
Ҳасрату армон билан кетгуси бора-бора ҳалқ.

Бўлмайин онларда ҳеч миллат, ватанин сақламоқ,  
Бўлди курбон бу сабабдин доимо ағёра ҳалқ.

Ҳалқи оламни бари айлар тараққий кун-бакун,  
Биз таназзул айлабон қолдик, эдик не кора ҳалқ!

Кўзларин оҳиста-оҳиста агар очса замон,  
Эй Аваз, бўлмас бунингдек борҳо овора ҳалқ.

«Аваз ва унинг адабий муҳити» китобида ушбу ғазал таҳлилига алоҳида ўрин ажратилган<sup>2</sup>. Китобнинг «Аваз йтар ўғли» бобида муаллиф В. Мўминова Аваз ва Навоий ғазаллари ҳақида: «Навоийга ижодий эргашган Аваз бу ғазалга янги тарихий шароит руҳини олиб киради, унда реалистик манзаралар чизади. Навоий ғазалидаги «чорасизликда қолган элга ачиниш хисси Аваз талкинида ҳалқ тақдирини ўйлаш, озодликка даъват сингари ижтимоий-сиёсий туйғулар шаклини олади», тарзидағи умумий хуносалар билан чекланади. И. Ҳакқулов қаламига мансуб «Авазнинг шеърията-ҳақида» сарлавҳали бобда эса кўтаринки умумлашма фикрни ўқиймиз: «Бадий ижода баъзан шундай шеърлар дунёга келадики, улар алоҳида шоирларнигина эмас, давр ва замон шеъриятининг ҳал қўйувчи нафасини белгилашга хизмат қиласди. Бундай шеърлар поэзиянинг кураш характеристи, ижтимоий ҳароратини нағойиш этади, адабиётда ўлмас тарихий сўз бўлиб қолади. Бундай шеърлар ўқилганда, «Шоир ким ва маҳоратининг кучи нимада?» – деган саволга киши жавоб топгандай бўлади». Нақадар баландпар-

<sup>1</sup>. Бу сўз баъзи манбаларда «доди» ёзилган.

<sup>2</sup> Н. Қобулов, В. Мўминова, И. Ҳакқулов: Аваз ва унинг адабий муҳити. Тошкент, «Фан», 1987 йил, 150–151, 169–172-бетлар.

воз гаплар! Афсуски, ушбу баландпарвоз гаплар илмий-тадқиқий услугда эмас, адабий-танқидий рухда баён этилган. Табиийки, мұмтоз адабиёт асаrlарига адабий танқидий әктирос билан ёндашиш күтилған илмий натижани бермаган. Шубха йўқ! Аваз ғазали ҳар қандай юксак баҳони күтара олади. У, айниқса, ҳозирги миллий ўз-ўзини таниш, инқироз тарихини тафтиш ва ошкор этиш, мұстакиллик, эрк учун курашиб фаслида жуда-жуда қадрли асар. Лекин мазкур «ўлмас тарихий сўз» бунёдга келишида туртқи, асос бўлган бадиий тажриба ва жараёнлар изчил қиёсий таҳлилга тортилганида, «шоир ким ва маҳоратининг кучи нимада?»лиги камтарин ҳамда ҳаққонийроқ очилган бўларди.

Навоий ва Аваз ғазалларининг муштарак ва тафовутли томонларини муқояса этганимизда аён бўладики, Аваз ғазали, шаклий-бадиий хусусиятларига кўра тўлигича Навоий асари асосида бунёдга келган. Ҳар иккала ғазал ҳам бир хил – рамали мусаммани мақсур вазнида битилган. Оҳанг тасвирлари: фоилотун фоилотун фоilon. Иккала ғазал ҳам мураддаф. Радифлар маънодош сўзлардан таркиб топган. Навоийда радиф «эл», Аваз эса «халқ» радифини кўллаган. Навоий кенг маънодаги «ишқ эли»ни назарда тутган, Аваз «ожизу бечора халқ» номидан гапирган. Иккала ғазал бир наъ қофия таркибиға эга. Навоий ғазалида қофия унсурлари «бечора», «овора», «пора», «рухсора», «ора», «наззора», «ҳамвора», «чора» сўзлари бўлса, Аваз ғазалида «бечора», «пора», «озора», «чора», «бора», «ағёра», «кора», «овора» калималаридири. Аваз Навоий қофияга олган саккиз сўзнинг тўрттасини айнан сақлаган. Иккала ғазал ҳам якпора композицион таркибиға эга. Ғазаллар ҳажм эътибори билан ҳам бирдай – етти байтдан ташкил топган.

Бадиий ифода, сўз таркиби жиҳатидан ҳам ғазаллар бир-бирига ўхшайди. Ҳар иккала шеър бир хил – «йўқ» сўзи билан бошланган ва бу устоду шогирднинг муштарак дардини ифодалаган. Ижодий ҳамзабонлик, сўз соҳибқирони аслаҳаонасидан издошларча баҳрамандлик намуналарини яна бошқа ифодаларда кўриш мумкин. Масалан,

Навоийда:

оламда

хижрон тифи

кўнгли юз минг пора

ҳарнеким келса, не қилғай

чора эл

Авазда:

жаҳон мулкида

зулм тифи

бағри юз минг пора

топмаса доғи дилиға

чора халқ

Қизиги шундаки, «Авазнинг шеърий маҳорати ҳақида» ёзилар экан, Аваз ғазалининг айнан сўз ва иборалар таркиби муфассал таҳлилга тортилган. Аммо бу борада Навоий таъсири буткул четлаб ўтилган. Жумладан, «Йўқ жаҳон мулкида биздек ожизу бечора ҳалқ» мисрасидаги бир сўз ҳақида ўқиймиз. «Энди мисрадаги «биздек» сўзига зътибор қилинг. Унда умумнинг ҳасратини ифодалаётган шоир шахсияти ҳам бор. Шу сўз – мисрадаги кучли оғриқ берадиган сўз». Аслида, бу сўз Навоийнинг «Йўқтүрур оламда ахли ишқдек бечора эл» мисрасидаги «ахли ишқ» ибораси ўрнида қўлланган. Шунинг учун юқоридаги фикр Авазнинг ўзига хослигини кўрсатиб бера олмайди. Навоийга нисбатан ҳам шу фикрни айнан қўллаш мумкин. Чунки Навоийдаги «ахли ишқ»да ҳам «умумнинг ҳасратини ифодалаётган шоир шахсияти» бор. Чамаси, «тадқиқотчи» Навоий шеъридан бутунлай бехабар бўлган. Йўқса, бу қадар юзаки «талқин» келиб чиқмасди.

Мазкур тадқиқотда бадиий тимсол ва ифодалар ўҳашшлиги Навоийдан эмас, Машрабдан топилган: «Кўзи вақти саҳар сайёра бўлган ҳалқни кўрдум», деган эди Бобораҳим Машраб. Аваз яшаган замонлардаги мазлумлар, жумладан, Хоразм ҳукмронлариға қарашли меҳнаткашлар ҳам Машрабни титратган «тани дарду аламдан ёра», «дили тифи ситамдан пора бўлган ҳалқ»нинг аждодлари, дард, алам, азоб, ҳақорат меросхўрлари эди. Шу боис балки қўйидаги мисра ўша машрабона оҳангда янграйди: «Зулм тифи бирла бўлғон бағри юз минг пора ҳалқ». «Зулм тифи» – истиоравий поэтик образ. У Машрабнинг «тифи ситам»ига ўҳашаш. Машраб тасвиридаги «тиғ»дан ҳалқ дили – пора. Аваз инграган «зулм тифи»дан эса ҳалқ бағри «юз минг пора». Демоқчимизки, образ фожиа руҳини беришида ўрнини толган». Бундай талкинга зътиroz билдириш қийин. Тўғри, Аваз ўз ғазалини ёзишда Машрабдан ҳам таъсириланган бўлиши мумкин. Аваз ғазалида машрабона рух ва оҳанг ҳам балқиб туради. Лекин матнга муайян (конкрет) ёндашадиган бўлсак, поэтик образларнинг бирламчи манбай Навоий ғазалидадир. Истиоравий поэтик образ – «зулм тифи» ялпisisiga Авазнинг кашфиёти эмас. Навоий ғазалининг иккинчи мисрасида «ҳажр зулми», учинчи мисрасида эса «ҳижрон тифи» сингари истиоравий поэтик образлар бор. «Зулм тифи» образи ана шуларнинг биридан «зулм», иккинчисидан «тиғ» сўзини олиб, уларни бириктириш натижасида ҳосил бўлган. Албатта, шоир жарроҳ эмас. У биз тасаввур қилганимиздек жарроҳлик қилмаган бўлса керак. Бу жараён шоир шуурида чақмоқ чаққандек

бир лаҳзадаёқ кечган бўлса, ажабмас. «Юз минг пора» ифодаси ҳам Навоий ғазалидан кўчган. Лекин бу маълумотлар Аваз Навоий ғазалини тақоррлаганилиги ёки асарлар айнан бир хиллигини билдирамайди. Аваз ғазалида ўзига хос янгилик, ижодий мустақилликни кўрсатувчи бош омиллар бор.

Навоий ўз ғазалида ишқ аҳли, дард элининг нуқтаи назари, қайгуларини ифодалаган эди. Навоий шарҳи ҳолини ифодалаган «аҳли ишқ» – баъзида биз юзаки тушунадиган «феодал тузум зулмидан жабр тортаётган»лар ҳам, интим маънодаги ишқ аҳли ҳам эмас. Аслида, бу «эл» образининг маъно миқёслари Аваз назарда тутган «халқ»дан кўра кенгроқ. «Аҳли ишқ»ни макон, замон, миллат тушунчалари билан чегаралаш мушкул. «Аҳли ишқ» дарди – умуминсоний дард. Бу «эл»нинг ишқи ҳар қандай исёнкор ишқдан исёнкорроқ ва бепоён: ёрга ишқ, дўстга ишқ, эътиқодга садоқат, илоҳга муҳаббат, ватанга фидойилик, халққа жонкуярлик, илмга меҳр, санъатга ишқибозлик ва ҳ.к. Ишқсиз одам дардсиз ва лоқайд яшайди. Инсон зоти бирор нарсага ишқ боғласа, у жонсарак, дардманд, бесаранжом сиймога айланади. Унинг руҳини ором ва осудалик тарк этади. Қалбига юз минг балою ғам лашкари хуруж қиласди, кўнгли юз минг порага бўлинади. Бечора, хонумонидин овора элга зврилади. Ишқ можароси барча замон, макон ва элатларда шундай кечади. Навоий ғазалидаги ишқ изтироблари ва аҳли ишқ йирик бадиий умумлашма.

Авазда эса бу муайянлашган. Аваз Навоийдаги анъанавий андоза ва бадиий либосни замонавий мазмун ва руҳга кийизган. Навоий ғазали ишқий-фалсафий мавзуда битилган бўлса, Аваз долзарб ижтимоий мавзуда қалам сурған. Аваз Навоий ғазалининг бадиий моҳияти ва шаклидан илҳомланиб, ўз давридаги бутун бошли ҳалқ – миллатнинг инқизози-таназзулини назмийлаштирган. Бу асарлар қиёси Навоийнинг барча асарлари, ҳаттоқи, илк ижод намуналари нақадар ҳаётбахш, таъсирчан кучга эга эканлигига бир кафолатdir.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## БҮЛМИШ АНДОҚ МУНҚАТЕЬ...

Бүлмиш андоқ мунқатеъ аҳли замондин улфатим,  
Ким ўзум бирла чиқишимас ҳам замоне сұхбатим.

Эй хуш улким, тутмиш эрди ваҳш ила сахрода унс,  
Мұхиш ахвөле мангоким, бор ўзумдин ваҳшатим.

Истарам қочмоқ адам водийсидинким, киргали  
Вомику Фарходу Мажнун бас ғулудур хилватим.

Тұлғанурмен ўзлукумдин чиққали, буким әрүр  
Дард водийсида саргардан қуюндеқ ҳайъатим.

Эй ажал, тан хирқасин күйдүрки, бүлмиш бас оғир  
Бу маломат ўқлари бирла тикилгай кисватим.

Эй фалак, анжум ушоқ тошин йигиб бошингға ур,  
Чун фано майхонаси хиштидин ўлди турбатим.

Етти күкни күк варақлардай совурғай ҳар тараф,  
Токи минойи аро чирмалса охи ҳасратим.

Күй дуру феруза баҳсингим, нұжуму чархни  
Нилуфар барғи уза шабнамча күрмас ҳимматим.

Лаълдек бошим осилсин гарқаи хуноб ўлуб,  
Лаъл тиккан салтанат тожиға бўлса рағбатим.

Турфа кўрким, ҳалқ коми бирла умрум бўлди сарф,  
Турфароқ буким, бировга ёқмади бир хизматим.

Эй Навоий, икки оламдин кечиб толпти мисол,  
Бу ики бутхонадин эрмиш бу йўлда оғатим.

(«Фаройиб ус-сифар», 393-ғазал)

### Лугат

**Мунқатеъ** – узилиш, кесилиш.

**Ваҳш** – ваҳший, ёввойи.

**Мұхиш** – даҳшатли, гуссалы.

**Адам водийси** – йўқлик водийси, дунё.

**Ғулу** – ҳужум, ҳаддан ошиш, бостириб келиш.

**Кисват** – кийим, тўн.

**Турбат** – қабр, сағана.

**Тоқи минойи** – зангори гумбаз, осмон.

**Нужум** – юлдузлар.

**Ком** – бахт, мурод-мақсад, ҳузур-жаловат.

**Бутхона** – дунё, икки бутхона – дунё ва охират.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Замона кишилари билан алоқамни узиб, улардан шунчалик бе-зор бўлганманки, баъзан ўзим билан ўзимнинг ҳам сұхбатим қовушмайди, ўзим билан ўзим чиқишолмайман.
2. (Шундай экан), саҳрода ваҳший ҳайвонлар билан дўстлашган яхшироқ, менинг аҳволим эса шундай даҳшатли (ғуссали)ки, ўзимдан ўзим қўрқиб кетаман.
3. Адам – йўқлик водийси, яъни дунёдан қочиб чиқиб кетишни ис-тайман. Зеро хилват жойим ҳам Вомик, Фарҳод ва Мажнун но-лаларидан шовқин-сурон, қий-чувга тўлиқдир.
4. Ўзлигим – вужудимдан чиқиб кетиш (тарк этиш) учун тўлғонаман, негаки Дард водийсида бу хаста таним қуюндай сарсону сар-гардондир.
5. Эй ажал, вужудим хирқаси, яъни танамни ёндириб ташла, зеро маломат ўқлари билан тикилган кийимим жуда оғирлашиб қолди.
6. Эй фалак, юлдузларни майдалаб, кичик-кичик тошлардай йиғиб бошимга ур, чунки энди қабрим фано – йўқлик майхонаси фиши-тидан ҳосил бўлди.
7. Ҳасратимнинг оху ноласи нилий гумбаз, яъни осмонга кўтарилса, кўк рангли етти осмонни еттита кўк варакдай ҳар тарафга учир-гай.
8. Дур билан феруза мақтовию ташбеҳини кўй, чунки осмон ва ун-даги юлдузларни нилуфар гулига қўнган шудринг (шабнам)чалик кўзга илмайман.
9. Агар лаъл билан тикилган салтанат тожига рағбатим бўлса, бо-шим лаълдек осиссин ва қонга ботсин.
10. Ажабланадиган жойи шуки, халқ бахти, ҳожатини чиқариш йўлида умрим сарф бўлди-ю, лекин яна ажаброғи шуки, бирорва хизматим ёқмади.
11. Эй Навоий, икки оламдан воз кечиб Худо висолини топдим, маълум бўлдики, бу йўлда мени қийнаган, бошимга оғатлар келтирган шу икки бутхона, яъни дунё ва охират экан.

## Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Ўн бир байтили бу катта ғазал Навоий ижодида алоҳида ўрин тулади. Ғазалда реал ҳаётдан норозилик, «аҳли замон»дан задалик кайфиятини ифодаловчи ва ўқувчини ҳайратга солувчи ташбеҳлар, изтиробу алам тўла иборалар бирин-кетин тизилиб келади. Натижада, баъзан Навоийнинг одамзодга нисбатан нафрати уфуриб тургандай туюлади: вафо кўрмаган, нахиж, нозик туйгулари қадрланмаган, қалбига яқин ҳамдард, ҳамсуҳбат топмаган одамнинг фифон-ноласи, дардномаси бўлиб янграган бу ғазал. Танам, вужудим Дард водийсида қуюндеқ саргардон, деб оҳ чекади лирик қаҳрамон. *Дард водийси... Ажойиб ибора!* Лирик қаҳрамон ана шу Дард водийсида кезган саргардон ҳолатини таърифлайди, ўйл топиб, бу Водийдан кутулиб чиқишига таллинади. У хилватга чекинмоқчи, лекин қалби азобда, ўтга ўшаган Вомик, Узро, Лайли, Мажнун, Фарҳоду Ширин нолалари тўрт томондан эшитилиб туради, ғавфо қилиб бостириб келади.

Шунда у ажалга мурожаат қилиб, бу изтиробли ҳаётдан ўлим афзаллиги, жонини топширишга рози эканлигини изҳор этади, фалакка мурожаат қилиб, юлдузларни тошдай тўдалаб бошига отишни сўрайди, оҳу ноласи осмонга ўрласа, осмон қаватларини кўк варақлардай учирив юборишига қодир эканини айтади. Бу ташбеҳлар бирин-кетин қаторлаштириб келтирилганидан замин аҳли, замон одамларидан безор кишининг руҳий ҳолати фоят ишонарли ва таъсирчан чиқсан. У исён қилмайди, балки одамлардан – адам водийсидан безор бўлиб, кутулиш йўлуни излайди, қафасга тушган күшдай типирчилайди, баъзан эса ноилож қолган арслон мисол ўкиради. Бу ғазалда энди Навоийнинг бир қанча ғазалларидагидай, ошиқлик дарди билан бу ишкни англамаган одамлар орасидаги зиддият тасвири эмас, балки асарнинг аввалидан охиригача дунё аҳли, дунёнинг ўзидан норози Инсон руҳининг безовталиги, шиддатли ҳайқириги тасвирланган. Лирик қаҳрамон назаридан дунё бойлиги, тожу тахт, мансаб – обрў ҳам арзимас ва қадрсиз. Унинг учун гул баргидаги шабнам гавҳар ва ферузадан гўзал ва қимматли, лаъл билан безанган тождан кўра кизил гул ёки шу гулда ифодаланган Ҳақ жамоли идроки юз карпа лаззатлироқ.

Ана шу маънода Навоий бу дунё ва охиратни ҳам бутхона, яъни манфаатлар, тами ва истак-орзуласи, бутхонага меҳр

күйгөн кишилар эса бутпарастлардир дейди, бу бутхоналар оғатидан қутулибгина Рухоният саодатига эришиш мүмкінлігіні таъкидлайды. Нақадар буюк ҳиммат, улуғвор ният бу! Ҳақиқий одамийлик баҳти рұхоний олам кашфида!

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ТУН ОҚШОМ БҮЛДИЮ...

Тун оқшом бүлдию, келмас менинг шамъи шабистоним,  
Бу андух үтидин ҳар дам куяр парвонадек жоним.

Не ғам, күргузса күксүм порасин чоки гирибоним,  
Күрунмас бўлса күксүм ёрасидин доги пинҳоним.

Фамидин дурри макнундек сиришким оқти Жайхундек,  
Музайян қилди гардундек жаҳонни ашки ғалтоним.

Фалак ҳам тўлди кавкабдин, қуёш ҳам тушти ашҳабдин,  
Келиб тушмас бу маркабдин менинг хуриди ракшоним.

Жаҳонни зулмат этти чаҳ, бу зулмат ичра ўлгум, ваҳ  
Манга бўлсанг не Хизри раҳ, етиб, эй оби ҳайвоним.

Дема кўқдин қуёш кетмиш, фалакка тийрагалик етмиш  
Ул ой ҳажрида тор этмиш фалакни дуди афғоним.

Куёш қочиб юзин уйди, шафақ ўтқа тушиб куйди,  
Фалакка доғлар қўйди ғамингдин сўзи пинҳоним<sup>1</sup>.

Навоий киби ҳижрондин бу оқшом ўлдум афғондин  
Фамим йўқ бўйла юз жондин, етиб гар келса жононим.

(«Фаройиб ус-сиғар», 403-ғазал)

### Луғат

**Шамъи шабистон** – тунни ёритувчи шамъ, яъни маҳбуба.

**Пинҳон** – яширин.

**Дурри макнун** – қимматбаҳо, яширинганд гавҳар.

<sup>1</sup> Н. Комилов ғазалнинг «Бадоеъ ул бидоя» девонидаги 8 байтли тўлиқ матнига таянган. «Ҳазойин ул-маоний» даги матнда мазкур мақтадан олдинги байт йўқ – Н.Ж.

**Сиришк** – кўз ёши.

**Жайхун** – Амударё.

**Музайян** – безанган, зийнатланган.

**Ашки фалтон** – дона-дона кўз ёши.

**Кавкаб** – юлдуз.

**Ашҳаб** – оқ от, бўз от.

**Марқаб** – от, улов.

**Гардун** – осмон, фалак.

**Хуршид** – қўёш.

**Чаҳ** – кудук.

**Хизри раҳ** – йўл бошловчи Хизр.

**Оби ҳайвон** – тириклик суви.

**Дуд** – тутун.

**Ўйди** – ўйиб олмоқ, яширмоқ.

**Доф** – тамға, қиздирилган темир билан инсон ёки ҳайвон баданига босилган нишон, из, нақш, яра, жароҳат; ғам-андух, тиббий муолажа тури, куйган жой.

### Ғазалнинг насрый баёни

1. Оқшом бошланиб, ер юзини тун қоплади, аммо менинг шамъи шабистоним – тунни ёритувчи шамим келмади. Бу ғам ўтидан ҳар нафасда жоним парвонадай куяди.
2. Кўксимнинг пора бўлганини ёқамнинг чоклари кўрсатса ғам емайман, кўксимнинг ёриқларидан яширин доф-яралар кўринмаса ҳам парво қилмайман.
3. Унинг ғамидан қимматбаҳо дурлардек кўз ёшим Жайхун дарёсидай оқди, бу кўз ёшим томчилари худди юлдузлардай осмонни безади.
4. Фалак юлдузлар билан тўлди, қўёш оқ отидан тушди, нега энди менинг чараклаган күёшим отидан тушиб ёнимга келмайди?
5. Қоронфилик жаҳонни (тубсиз) кудуққа айлантириди, мен бу қоронфилик ичida ўламан ахир, ул оби ҳайвоним – суюкли ёрим етиб келиб, Хизр каби йўлбошли бўлиб, мени кутқарсайди кошқи.
6. Кўқдан қўёш кетиб қолди, коинот зулматга чулғанди, дема. Бу ул ой фироқида фалакни қоплаб, зулматга чулғаган, қўёшни бер-китган менинг оху афғонимдир.

7. Бу яширин ёнишимидан қүёш қочиб, юзини беркитди, шафақ ўтга түшиб күйди, фалак юзига доғлар түшди.
8. Хижрон ичидә Навоий каби фифон чекиб ўлмокдаман, аммо унинг йўлида юз жон берсам ҳам ғам чекмасман, фақат Жононим етиб келса бас.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Ошиқнинг хижрону айрилик дамларида чеккан соғинч изтироблари, дардли кечинмалари тасвирланган мазкур ғазалда. Айтиш керакки, тасвир ўқувчининг қалбини ҳаяжонга соладиган даражада кучли ва тъясирчандир. Навоийда, биламизки, ошиқнинг Ёрдан жудолик лаҳзаларини ифодаловчи ғазаллар анча. Уларнинг бир нечтасини юқорида кўриб ўтдик.

Аммо ҳар бир ғазалда ўзгача оҳанг, мафтун этувчи санъаткорлик қўлланилади ва табиийки, бу айни ҳолатга мос бўлиб тушади. Гоҳ ёрининг сафарга кетгани, гоҳ ваъдасига вафо қилмай келмагани, бепарволик ва ўйинқароқлик қилгани, гоҳида ошиқни синаш учун атайлаб хижрон азобига солиши, ранг-баранг кийимлар кийиб, безаниб ҳуснини кўз-кўз этиши, ошиқни бадтар қийнаши, гоҳида саман от чоптириб майдонга кириши ва кўзларни, дилларни кувонтириб, ҳайратга солиши жозибали чизилади.

Ушбу ғазалда эса Ёр ёдида тунни бедор ўтказган, ўз дардиди еру осмонга сўйлаб, қалbidаги аламу илтижо, ўксиниш ва умидворлик ҳисларини тўкиб солаётган, фифонидан осмонни ларзага келтираётган ошиқ ахволидан хабардор бўламиз. Хабардор бўламизгина эмас, балки унга шерик бўлгимиз, у билан бирга фифон чеккимиз келади. Шоир ажойиб бадиий санъатлар қаторини тизиб чиқсан: айрилик ғаму андухи ичра қийналаётган ошиқ назарида тун тубсиз қудуқдай, олам зимзиё. Фақат маъшук юзининг офтоби бу қоронғиликни ёритиши, дилга нур бағишлиши мумкин. Навоий Ёр ҳажрида йиглаётган ошиқ кўз ёшини гоҳ дур, гоҳ дарё (Амударё), гоҳ юлдузларга ўхшатади. Осмон тўла юлдузлар, қўёш отдан тушиб қасрига кирган (ботган) (ушбу жонлантиришнинг ўзи ажойиб санъат: қўёш сафарга чиқсан шохга ўхшатилмоқда), аммо Ёрдан дарак йўқ. Ошиқнинг фифону ноласи фалакни беркитади, ёнаётган шафақ ҳам аслида менинг оҳу нолам ўтининг доғи – нишонаси, деб ҳасрат чекади ошиқ.

Шу тариқа, Ёрга умидвор, васл умидида қийналаётган ва түнни бедор ўтказған ошиқ түйғулари тараннум этилади. Фазал сатрларининг ички қофиялари, ҳамоҳанг сўзлар ташбеху истиоралар қатори бу ҳолатни кучайтирган, яхлит бир куй, бир дардли қўшиқ вужудга келган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### МЕХР КЎП КЎРГУЗДУМ...

*Мехр кўп кўргуздум, амма меҳрибоне топмадим,  
Жон басе қилдим фидо, ороми жоне топмадим.*

*Фам била жонимга ёттим, фамгусоре кўрмадим,  
Ҳажр ила дилхаста бўлдум, дилситоне топмадим.*

*Ишқ аро юз минг маломат ўқига бўлдум нишон,  
Бир камон абрўда тузлукдин нишоне топмадим.*

*Кўнглум ичра сарв ўқдур, ғунча – пайкон, гул – тикон,  
Даҳр боғи ичра мундоқ гулситоне топмадим.*

*Хусн мулки ичра сендеқ шоҳи золим кўрмадим,  
Ишқ кўйида ўзумдек нотавоне топмадим.*

*Кўп ўкудум Вомиқу Фарҳоду Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бул-ажаброқ достоне топмадим.*

*Ул амон ичинда бўлсун, эй Навоий, гарчи мен  
Бир замон ишқида меҳнатдин амоне топмадим.*

*Табъ ғанжиидин маоний хурдасин юз қатла ҳайф,  
Ким нисор этмакка шоҳи хурдадоне топмадим.*

(«Фаройиб ус-сигар», 412-ғазал)

### Луғат

**Фамгусор** – фамхўр, меҳрибон, фамни аритувчи.

**Дилситон** – кўнгилни овловчи, дилбар, мафтун этувчи.

**Камонабрў** – қошлари ёйдай.

**Тузлук** – тўғрилик, ростлик.

**Пайкон** – найза, ўқнинг ўткир учи.

**Гулситон** – гулистон.

**Бул-ажаб** – ажойиб, ҳайратланарли.

**Меҳнат** – укубат, қийналиш.

**Табъ** – истеъдод, қобилият.

**Хурда** – нозиклик, кичик нүқсон.

**Хурдадон** – нозикфаҳм, нозик маъноларни тушунадиган одам.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Кўп кишиларга меҳру мурувват кўрсатдим, лекин улар орасидан бирорта меҳрибон топмадим. Жонимни Фидо қилиб, яхшиликлар килдим, аммо жонимга ором бўладиганини топмадим.
2. Фам-кайғу жонимни қийнади, бироқ бирор фамхўр топмадим, айрилиқ дардида дилим хаста бўлди, лекин дилни овутувчи, малҳам бўладиган киши топмадим.
3. Ишқу мухаббатда юз минг маломат ўқига нишон бўлдим, аммо қоши ёйдай гўзалларнинг бирортасида тўғрилиқдан нишона топмадим.
4. Кўнглим ичидаги сарв – ўқ, гунча – ўқнинг ўткир учига, гул – тикандай (азоб беради). Дунё боғида бу каби гулистон кўрмадим.
5. Хусн мамлакатида сендей золим шоҳни кўрмаганман, ишқ кўчасида ўзим каби бир ожизу нотавон топмадим.
6. Вомиқ, Фарҳод ва Мажнун ҳақидаги қиссаларни кўп марта ўқидим, аммо ўзимнинг саргузаштимга ўҳшаган бир достон топмадим.
7. Эй Навоий, гарчи мен унинг ишқида бир лаҳза азобу ўқубатдан амонлик кўрмаган бўлсан ҳам, аммо ул ёрнинг амонликда саломат бўлишини хоҳлайман.
8. Истеъдод хазинасидаги нозик маъноларим юз карра ҳайф бўлди, чунки уларни бағишлай, (тўкиб сочай) десам, бирор бир нозикфаҳм шоҳ тополмадим.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ва бундан кейин келадиган 36 ва 37-ғазалларда ҳам юқоридаги 34-ғазалда ифодаланган дарду ҳасрат, шикоят оҳангининг давомини кўрамиз. Бундай мазмунли шеърлар Алишер Навоий девонларида анча. Умуман, Навоий ижодида руҳий трагизм кайфияти устун. Бу: 1) дунёнинг бевафолиги; 2) дўйсталларнинг, ёрнинг бепарволиги ва дилга озор бериши; 3) ижодкор қалбини тушунмаслик; 4) адолатсизликлар, баҳтсизликлар алами; 5) гўзалликни ҳис қилмаслик, унинг қадрига етмаслик, 6) манманлик ва манфаатпарастлик; 7) руҳий лаззат, инсоний шавқи завқни англамаслик, беписандлик,

майдакашликлардан зада бўлиш, олий мақсадларни англамаслик ҳолатлари билан Сўз қудрати, Илоҳий мўъжиза бўладиган ижод маҳсулидан лаззат топиш орасидаги тўқнашувлар, зиддиятлар фожиасидир. Шу боис, ушбу ғазалдаги бир қарашда шахсий кечинма бўлиб кўринган туйғулар фифони Улуғ қалб билан жамият орасидаги зиддият сифатида олиб баҳоланиши керак.

Лирик қаҳрамон меҳрибон, вафодор дўст тополмаганидан күнади, фифон чекади. Яхшилик қилиб, эвазига ёмонлик кўрган, меҳрибонликлар кўргузиб, ўзи меҳрга – эътибору эътирофга зор бўлган одамнинг кечинмалари акс этган, шундай ҳолга тушган одам тимсоли чизилган. Балки идеал орзулар, нихоятсиз Гўзаллик олами, Мутлак комиллик билан рангсиз, майда манфаатлар, ноқис иллатлар оғушидаги реал турмуш орасидаги абадий антитета, номутано-сибиликдир бу? Балки меҳрибон, гўзаллик ошиги бўлган кишининг тақдири шундайдир? Ахир ошиклиқ – изтироф ва маломат азобини чекиш, ниёзу илтижо бўлса, маъшуқа хислати, бунинг акси ўлароқ, нозу карашма, вафосизлик, ошиқни азоблар, балолар билан «сийлаш». Бу – Шарқ ғазалчилиги анъанаси, ошиқ «юз минг маломат ўқиға мубтало бўлса» ҳам, маъшуқада ўзига нисбатан меҳру вафо кўрмайди, маъшуқа уни алдайди, хийла қиласди, бир кўриниб, бир кўринмай қолади.

Газалда ошиқ қалбнинг азоб ичра қийналишлари тоза ва таъсирчан ташбеҳ – истиоралар билан тасвиirlанган: кўнглим ичиди сарв – ўқ, фунча – ўқнинг учидаги тиф, гул – тикан дейди ошиқ. Сарв – ёр қомати, фунча – ёрнинг лаблари, гул – ёр юзига ташбеҳ қилинади, аслида. Лекин Навоий қаҳрамони учун бутунлай тескари ҳолат: у маҳбуба ишқи маломатидан шундай азобдаки, маҳбубанинг қомати ўқдай, лаблари ўқнинг ўтқир учидай, юзи эса тикандай бўлиб кўнглини яралаган. Бу ярадан кўнгил қип-қизил қонга тўлиб худди гулистондай бўлиб кўринади. Олам бундай гулистонни (гулзорни) кўрмаган, дейди шоир ҳаяжонланиди.

Лекин шунга қарамай, шоир маъшуқани карғамайди, ундан кўнгил узмайди, аксинча, мен ишқингда бир лаҳза осойишта – омонлик топмаган бўлсан ҳам, аммо сен омон бўл, деб дуо қиласди. Мана сизга ошиқ садоқати, ишқнинг кучи, муҳаббат қудрати! Навоий ҳар бир ғазалида ана шу беинтиҳо қудратни турли лавҳаларда, ҳолат ва кечинмалар тасвири билан тараннум этади. Шу боис, бу ғазаллар ҳеч қачон эскирмайди ва жозибасини йўқотмайди.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ЁРИДИН ҲЕЧ КИМ МЕНИНГДЕК...

Ёридин ҳеч ким менингдек зору маҳжур ўлмасун,  
Жумлаи оламда расвониққа машхур ўлмасун.

Мен бўлай овора то ишқимдин айлаб гуфтугўй,  
Оти онинг ҳар киши оғзиға мазкур ўлмасун.

Жонима бедоду зулмин, ё раб, ул миқдор қил,  
Ким анинг ошиклиги ҳар кимга мақдур ўлмасун.

Мен худ ўлдум, лек ҳар ошиқки бордур покбоз,  
Навҳа тортиб мотамим тутмоққа маъзур ўлмасун.

Панд ила кўнглум уйин қилма иморат, эй рафиқ,  
Бизни бузди ҳаргиз ул, ёрабки, маъмур ўлмасун.

Кечалар ул гул чекар эрмиш қадаҳ, эй тонг ели,  
Воқиф ўл, ҳолимни айтур чоғда маҳмур ўлмасун.

Ёр васлиға қувондим, қовди кўйидин мени,  
Эй Навоий, ҳеч киши давлатта мағрур ўлмасун.

(«Фаройиб ус-сиғар», 484-ғазал)

### Лұғат

**Зор** – бечора, интизор.

**Маҳжур** – ҳижронда, айрилиқда қолган киши.

**Гуфтугўй** – сўзлашиб, ўзаро гаплашиб юриш.

**Мазкур** – тилга олиш, зикр этиш.

**Мақдур** – қудратга эга, имконият, қудрат доирасида.

**Покбоз** – содик ва ғараззиз ошиқ, ишқда ҳалол ва пок.

**Маъзур** – азадорлик.

**Кўнгил уйин иморат қилмоқ** – кўнгилни кўтариш, овутиш.

**Рафиқ** – ўртоқ.

**Маъмур** – обод, тузатилган.

**Қадаҳ чекмоқ** – қадаҳда май ичиш.

**Маҳмур** – хумор, маст.

**Қовди** – қувди.

**Кўй** – кўча, гузар.

**Ўлмасун** – бўлмасин.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Хеч ким мен каби ёридан айрилиб, зору нола қилмасин, бутун оламда маломатга қолиб, беобрў бўлмасин.
2. Майли, мен унинг ишқини ҳикоя қилиб, оғизларга тушиб, овора бўлайин, минг-минг розиман. Аммо унинг оти ҳар кимнинг тилида айтиладиган бўлмасин.
3. Ёраб, унинг зулму ситамини жонимга шунчалик кўп етказгинки, унга ошиқ бўлишга бошқаларнинг курби етмасин, яъни бу ошиқлик баҳти бошқаларга насиб этмасин.
4. Мен-ку унинг ишқида ўлдим, лекин содиқ ошиқлар менинг мотамимга оху нола чекиб, аза тутишга ўзини мажбур қилмасин.
5. Эй дўст, насиҳатларинг билан кўнглимни кўтаришга уринма (кўнглим уйини тузатаман деб ўйлама), кўнглимиз уйини ул бевоғ бузди, илоҳо, бу бузилган иморат ҳеч обод бўлмасин.
6. Эй тонг ели, гул юзли санамим кечалари қадаҳда май сузидичармиш, сен хушёр бўл, менинг ҳолимни унга айтаётганингда, у маст бўлмасин (чунки маст чоғда қулогига гап кирмайди, эътибор қилмайди).
7. Ёрнинг васлига етиб, қувондим, аммо у (аччиғланиб) мени қувиб юборди. Эй Навоий, ҳеч киши давлатга мағрур ўлмасин.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ғазалда мураккаб иборалар, сўз ўйини ёхуд қочириклар йўқ. Навоий бунда ҳам содда ва равон бир усулда ошиқнинг ёр айрилиғида кўнглидан кечган ҳиссиётларини, ҳасратли оҳангда баён этган. Ошиқ зору саргардон, атрофдагилар уни маломат қиласидилар, устидан куладилар. Аммо у бундан хафа эмас, аксинча, унинг ёрига ишқи шунча зўрки, не бало келса чидашга тайёр, майли мен расво бўлайин, девона, телба деб устимдан кулсинлар, лекин унинг номини тилимдан кўймагайман, қанча азоб бўлса ҳам чидайман, факат унинг номи бошқалар оғзига тушмасин, бошқалар унинг ишқи дардини чекиш баҳтига мусассар бўлмасин, деб Оллоҳга илтиҳо қиласи ошиқ. Бу муҳаббатнинг кучи, севги-садокатининг изҳори. Ошиқ ёрини қизғанади, у фақат менини, менинг баҳтим, менга ҳеч ким шерик бўлмасин дейди.

Бешинчи байт анъанавий радишида «бозгашт» (қайтиш) бўлиб, ошиқ ёрига бўлган бегубор ҳисларини шиддатли оҳангда, киёсли

ташбеклар билан изҳор этгач, бировларнинг унга насиҳат қилиб бу йўлдан қайтаришларини хоҳламайди. Аксинча, ошиқнинг баҳтиёргиши дадир. Шу боис ишқ билан бузилган кўнгил уйини ишқдан ҳалос бўлишга чорловчи панд эмас, балки ишқнинг ўзи тузатади. Мана шундай тасвирлар билан ғазал мақтаида яна бир ҳолат чизилади: ошиқ ёр васлига етиб, хурсанд бўлганда, ёри уни ҳузуридан қувиб юборади. Яъни, маҳбублар ҳузури доимий ором ва шодлик жойи эмас, улар нозиктабъ подшолардай озгина «беадаблик»ка ҳам чидалмайдилар. Яъни айрилик ҳам, васл ҳам ошиқ учун синов, дарддир.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### НОУМИДЕ МЕН КИБИ БОРМУ...

Ноумиде мен киби борму экин жононидин,  
Жонға етган кўнглидин, кўнгли тутулған жонидин?

Фард ҳушу сабридин, маҳжур зуҳду илмидин,  
Айру шахру мулкидин, овора хонумонидин?

Танға меҳнат равзанин очқан яқонинг чокидин,  
Жонға риҳлат навҳасин тузган кўнгул афгонидин?

Ҳам салоҳ уйин қаро айлаб туганлар дудидин,  
Ҳам бало юзин қизил қилған алифлар қонидин?

Мен даги бир кун салоҳ ахли эдим, эй порсо,  
Бу уқубатлар аро қолдим бирор ҳижронидин.

Жомима ҳар давр қуй, соқий, ҳалоҳил заҳриким,  
Таҳ-батаҳ қондур ичим тоси нигун давронидин.

Эй муганий, туз мақоми навҳаким, чиқмоқдадур,  
Хаста жон жисм уйи отлиғ кулбайи аҳзонидин.

Ростлиқда сарви озоде йигитлик боғидин,  
Покликда лаъли раҳшоне эранлик конидин.

Жон берур ҳар дам Навоий, не ажаб, гар берса жон,  
Кулки айрилғай бегидин, бек неким, султонидин.

(«Фаройиб ус-сиғар», 485-ғазал)

## Лугат

**Фард** – якка, ёлғиз, ажралган.  
**Мажхур** – айрилиқда, ҳижронда қолган одам.  
**Мехнат** – азоб-укубат, мاشақат, қийнок.  
**Равза** – эшик, дарча, мүри.  
**Риҳлат** – күчиш, нариги дунёга сафар.  
**Навха** – нола, фигон, күй.  
**Салоҳ** – тузатилган, пархәзкорлик, түғрилик.  
**Бало** – оғат, бадбахтлик, заарар, жафо.  
**Порсо** – пархәзкор, тақводор одам.  
**Давр** – бу ерда май косасининг ўтирганлар даврасида навбат-ма-навбат айланиб келиши назарда тутилган.  
**Таҳ-батаҳ** – ич-ичигача, буткул.  
**Тоси нигун** – тұнқарилған осмон.  
**Муғанний** – чолғувчы, құшиқчи.  
**Сарви озод** – тикка ўсадиган дараҳт тури.  
**Эран** – мард, тариқатта ўзини бағишилаган киши.  
**Ҳалоҳил** – ўлдирувчи, қотил.  
**Туган** – доғ, яра, жароҳат изи.

## Ғазалнинг насрый баёни

1. Мен каби ёр васлидан умидини узган, шу боис күнгил азобидан жони қийналган, жони эса күнглидан зада;
2. Хуши ва сабридан жудо бўлган, тақво ва илмидан, шаҳру мамлакатидан айрилган, уй-жойидан адашган овора;
3. Ёқасининг йиртилганидан танаси илма-тешик бўлган; дилининг фигони зўридан ўлим ноласини чеккан;
4. Яралар (доғлар) азобидан осойишталик, соғлиқ уйини хароб этган ҳамда бало зарбаси туфайли оққан қонлардан балонинг ўзининг ҳам юзини қизил қилган одам борми?
5. Эй пархәзкор зоҳид, мен ҳам бир вактлар күнгли бутун, ақлу хуши жойида бўлганлар зумрасидан эдим, аммо бир маҳбуб фироқида буғаму андухлар ичидаги қолдим.
6. Эй соқий, қадаҳимга ҳар гал навбатим келгандаги май ўрнига қатл этувчи заҳр қуй, негаки фалак зулмидан ичим қонга тўлгандир.
7. Эй чолғувчи (құшиқчи), навха-айрилиқ ноласини чалким, хаста жоним бу ҳазин, ғамхона жисм отли кулбадан чиқмоқдадир.

8. Ул санамнинг қади шундай гўзалки, ёшлик боғининг чиройли дарахти – тик ўсувчи сарвни эслатса, покликда мардликнинг ко- нидан топилган нур таратувчи лаъл сингаридир.
9. Навоий, ҳар дамда жон беришга тайёр тур, негаки қул беги, бек нима, сultonидан ажралгандা жон берса, ажаб эмас.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Ошиқнинг айрилиқдаги изтироби дастлабки тўрт байтда кетмакет изтиробли, ҳазин оҳангда тасвиirlанган. Бу ҳол кейин тўртинчи ва бешинчи байтларда изоҳланади, яъни ноумидлик сабаблари талқини берилади. Умуман олганда, мумтоз адабиётимизда ошиқ ҳолатларини ҳазин ва фам-алам ичидаги кўрсатиш ўзига хос анъана эди. Бунинг икки сабаби бор: бири шуки, мумтоз шоирларимиз, жумладан, Алишер Навоий идеаллар – орзу-армонларга ошуфталик, маъшуқага етишиш дарду изтиробида қалам тебратганлар. Идеаллар билан реал ҳаёт эса кўпинча мувофиқ келмайди, Навоийнинг ўзи қайд этганидай, «аҳли замондан яхшилик» кутиш, вафо исташ хато. Аммо кўнгил ўзгармас, содик ва вафодор ёр истайди, дардкаш, дилга малҳам, танга роҳат берувчи, нафақат ҳиссий кечинмалар, балки муборак ва улуғвор ғояларга шерик, ҳаммаслак кишини кўмсади.

Иккинчи томондан, юқорида қайд қилинганидай, ҳар бир «реал тасвир», яъни мажозий образ талқини тагида, илоҳийликка – Ҳақиқатга интилевчи ошиқ қалби кечинмалари туради. Ҳақиқатга ошиқлик эса реаллик орқали борар экан, реалликнинг синовлари – қийнокларини бошидан ўтказиши муқаррар. Келтирилган ғазалда ҳам бунга ишоралар анча. Масалан, жонон – бу Мутлақ рух, унга етишгунча ошиқда умидсизлик ҳам, ноумидлик ҳам бўлаверади, то тажаллиёт нурини идрок этмаса, талпинишлари давом этаверади. Шу йўлда у девоналардай бехуду бесабрdir. Навоий қаҳрамони ҳам аввалида хотиржам, ақлу хуши жойида, расм-руsumлар, ахлоқу одоб доирасида ўзини тутадиган одам бўлган, аммо илоҳий ишқка гирифтор бўлгач, хонумони, бору йўгини унугради. Кўнгил уйи бузилади, салоҳиятдан паришонликка юз тутади. Тўртинчи байтда «бало» сўзи орқали сўз ўйини ясалган: «бало» ошиқни синаш учун юбориладиган синов ҳамда маъшуқнинг ўзи маъносига келади. Бу сўзнинг араб ёзувидаги шаклидан «Оллоҳ» маъносига ҳам англашилиб туради.

Бундаги алиф эса, баланд қомат, гўзал маҳбуба қаддига ишорадир. Шоир «алифлар» деб ўқ (пайкон)га ҳам ишора қилган, яъни маҳбуб отган ўқлар юракка тегиб, сачраган қонидан унинг ўзининг юзи ҳам қизил бўлади, демокчи. «Кон» сўзининг кейинги байтларда борлиги шу тасвирнинг ёрқинроқ қилиб берилганидир. Машука гўзаллиги, аммо бевафолиги, бундан ошикнинг қийналиши бирбиридан чиройли, шу билан бирга, бир-бирини қувватлантирадиган ва муболагали ҳолатда тасвирланиб, ўқувчини мафтун этадиган лирик тасвир юзага келтирилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ЭРУР КЎНГУЛДА САФО ИШҚ ТОЗА ДОҒИ БИЛА

«Хазойин ул-маоний»нинг биринчи девони – «Фаройиб ус-сигар»га киритилган ва Алишер Навоийда кам учрайдиган тахаллуссиз фазаллардан бири («Фаройиб ус-сигар»да жами ўнта тахаллуссиз фазал бор). Ушбу фазал «Бадоеъ ул-бидоя» девонида ҳам мавжуд. Демак, у шоирнинг ёшлик йилларида ёзилган. Фазал етти байтдан иборат, лекин тахаллусли мақта бўлмагани сабабли якунловчи хулоса етишмаётгани сезилади. Асар мавзуи – ишқи илоҳийни куйлаш, бу foягоҳ мажозий ташбеҳ – истиоралар, анъанавий образлар (парвона, булбул), гоҳ тўғридан-тўғри тасаввуфий истилоҳ – тамсиллар воситасида баён этилади. Қайд этиш жоизки, ишқи илоҳийни тараннум этган ирфоний-маърифий мазмундаги фазаллар Навоий девонларининг асосий қисмини ташкил этади, уларни эса бир неча гурухга бўлиш мумкин: 1) муножот фазаллар; 2) Худо ва Пайгамбар мадҳига бағишинган (наът-ҳамд) фазаллар; 3) ошикнинг аҳволини тасвирловчи «шарҳи ҳол» фазаллар; 4) фалсафий фикрларни ифодаловчи фазаллар.

Тилга олинган фазалда ошикона кечинмалар шарҳи, ёр васфи ҳам, фалсафий мушоҳада-мукошифа ҳам бор. Демак, асар бирон-бир ҳис, бирон-бир муайян ҳолатни эмас, шоирнинг катта мавзуу атрофидаги умумий тасаввур-тушунчалари, шунга мувофиқ ишқнинг инсон қалбига ўтказадиган таъсири ҳақида зикр этади, ишқ ва фано, тариқат йўлининг жозибаси ва таҳликаси шоирона талқин этилади. Шу боис, фазал байтларини бевосита ўзаро занжирий боғланиш эмас, балки қоғия, радиф, мавзу ва оҳанг муштарақлиги бирлаштириб туради, мадҳ, васф, шарҳи ҳол ва тасаввуфий маъно-

лар бир ўзандаги оқимга тушиб олган. Чунончи, матлада ошикнинг ишқ дарди янгиланганидан хушнудлиги, иккинчи байтда маъшука фироқида кийналиш, кинояли хотирот, учинчи ва тўртинчи байтларда ишқнинг қудрати ва мўъжизакорлиги хақида мулоҳаза – муқояса, бешинчи байтда шоҳ ва дарвешнинг ишқа муносабати, олтинчи ва еттинчи байтларда илоҳиёт файзини топган соликнинг лаҳзалик масрур туйғулари, ёр жамолига маҳлиёлиги тасвир этилади. Хуллас, ишқнинг турли жиҳати, ошиқ инсоннинг ҳолатлари ва шоирнинг ўз мавзуига муносабати, қарашлари акс этган.

Умуман, Навоийда илоҳий ишқ ҳар хил ҳолатларга боғланиб, ҳар бир ғазалда ўзгача бир тароват, янги-янги ибора-ифода, услубий тарзу равия билан кўйланади. Шу учун унинг ғазаллари бир-бирининг айнан такрори эмас, балки ҳар бири янги асар сифатида ўқувчига алоҳида завқ бағишлади. Тасаввуфнинг ҳар бир мақоми ва манзилларидағи руҳий ҳолат, бу манзилларни кашф этиш қийинчиликлари, буюк Илоҳнинг ҳузурига талпиниш, соғинч ва қўмсаш, маънавият неъматидан сархушлик, қалби маърифатга фарқ; Дўст дийдорига ташналик, ундан маҳрумлик дамларидаги изтироҳ ҳар бир ғазалда турфа рангу оҳанг, суврату санъатлар орқали такрор-такрор тараннум этилади.

Бу ғазаличиликда, айниқса, орифона шеъриятда қабул қилинган анъана бўлиб, шоирнинг ўзига хос маҳорати, навбунёдкорлиги шу анъана бағрида камол топиб, кўзга аёнлашади. Буни меъморлик санъати билан қиёсласа бўлади: Самарқанду Бухоро, Ироқу Нишопур, Балху Ҳирот меъморчилик ёдгорликларига қаранг, уларнинг нақшу нигори, кошинлари, тарху тароватида ўхшашлик бор. Аммо ҳар бири яна ўзига хос салобат, хусну жозибага эга, ҳар бир меъморнинг «дастхати»ни аниқ ҳис этасиз. Шеърият ҳам шу; қатъий анъаналар андозаси ичра беназир устакорлик, улуғ салафлар дарражасига кўтарилиш ва шу майдонда ихтиrolар қилиш, янги йўл, янги оҳанглар топиб, элни қойил қолдириш. Анъанавий усул-равияда маҳорат кўрсатиш – бир мўъжиза, асрлар анъанасини енгиг шоирона ихтиrolар қилиш – иккинчи, янада олийроқ мўъжиза.

Навоийнинг ҳар бир ғазалида «эски мавзуни» янги рух, янги туйғу ва фикр билан янгидан янгратиш, ғазалнинг қадимиш шаклидан фойдаланиб, шоирона мўъжизалар кўрсатиш маҳорати намоён. Воқеан, таҳлилга олган ғазалимиз ҳам «Эрур кўнгилда сафо ишқ тоза доғи била» деб бошланади: ишқнинг кўнгилда ҳар бир янги-ланиши, тоза доғлар қолдириши янги илҳом ва завқ олиб кела-

ди, янги шеърни бунёд этади. Ушбу ғазални байтма-байт шарҳлаб чиқсан, айтилган фикрлар тўлароқ ва аникроқ англашилади.

Биринчи байт (матла):

Эзур кўнгулда сафо ишқ тоза доди била,  
Нечукки кўзда ёруғлуғ эзур қароги била.

(«Фаройиб ус-сигар», 556-ғазал)

Ишқнинг доди – дарду алами, асорати, тамға-яраси тозаришидан кўнгилда шодлик, сурур ва равшанлик пайдо бўлди. Зотан, бунга ажабланмаслик керак, чунки кўзнинг равшанилиги унинг корачиғидан. Байтнинг мазмуми шу. Ажойиб ташбех: кўз гавҳари қора, аммо кўришининг қуввати, ёруғлик ўшандан, демак, ишқ кўнгилга дарду дод солса-да, лекин кўнгил қўзини равшанлантиради, оламни му-сафо нигоҳ билан идрок этишга ҷароғи ҳидоят бўлади.

Навоий шу ташбех орқали тазод санъатининг фавқулодда янги вариантини қашф этган ва инсон руҳидаги драматизм, қарама-қарши ҳолатларни тушунтира олган: ишқ-муҳаббатдан фориғ одам тинч, хотиржам яшами керак. Бироқ ҳаётда бунинг акси бўлади, муҳаббат дардига гирифторлик хурсандчилик, фароғатга сабаб бўлади. Кўнгил бу дарддан яйрайди!

Шоир оқлиқ ва кораликни (байтда «сафо» ва «тоза» сўзлари ҳам ўзаро мутаносибликка киришиб, завқли бир туйгу бағишлайди), қуллик ва озодликни, ишқий безовталиқ лаззати ва ишқсизлик бад-бахтлигини қиёслайди, сўғининг тан азоблари эвазига түядиган руҳий-маънавий ҳузурини олқишилайди. Дод – тамға, нишон; дод – андух, ғам; дод – жароҳат, яра; дод – юракдаги қора нұкта, сувайдо; дод – лоланинг қора ранги; дод – қуллик белгиси. Сафо эса «риёзат чекишидан кўнгилнинг покланиши» («Миръот ул-ушшоқ»), «поклик, табънинг нописанд, ёмон хислатлардан тозаланиши... кўнгилнинг ағёр, яъни ғайри ёрдан, ғаддор дунёдан юз ўгириши»dir («Мусталахоти урафо», 262-бет).

Шундай қилиб, ишқ доди ағёр доми, дунё қудрати қуллигидан кўнгилни озод этади. Илоҳни севиш, Унга қул бўлиш қулликдан озод бўлишнинг чин йўли, демак, бундай қулликдан хурсанд бўлиш керак. Шунинг учун ҳам ошиқ маҳбубасининг тамғасини кўнгилда асрраб, унга қул бўлишдан боши осмонда. Ишқнинг фараҳ ва фароғат, сафо ва рўшнолик келтириш хосиятини шундай ажойиб, оригинал тоза тасвир билан ифодалаган шоир иккинчи байтда мўъжизакор тахайюлининг яна бир қиррасини кўз-кўз этади:

*Фироқ шоми янгилмас ўкунг күнгүл йўлини,  
Ки борур ул сари пайконидин чароги била.*

Биринчи байтдаги қоронғу – ёруғ тазоди давом эттирилган, аммо маъно бошқа. Биринчи байтдаги ташбех асослари доғ ва кўз қорачиги ижобий маънодаги ранг эди, аниқроқ қилиб айтсак, бу қораликлар оқлик, равшанлик келтирадиган эди, фироқ шоми эса ошиқ учун ёруғлик эмас, азоб-изтироб олиб келади. Ошиқнинг хижрондаги кунлари тун билан баробар, хижронда ошиқ учун ёруғлик йўқ, унинг тонги зим-зиё, қуёши маҳв этилган.

Фироқ шоми тариқат аҳли наздида соликни Илоҳдан ажратиб турувчи парда, касрат пардаси, яъни дунё ишлари билан оворагарчилик. Фироқ шомида, дейди шоир, маъшуққа қараб, ўқинг (кипригинг) кўнглим йўлини адашмасдан топади, чунки у кўнгилга томон чироги билан келяпти. Нимага ишора бор бу ерда? Гап шундаки, «пайкон» сўзи ҳам ўқни билдиради, лекин бу ўринда камон ўқи назарда тутиляпти. Камон ўқининг ўтқир уни эса металдан ясаларди ва у нишонга қараб учиб бораётганда металл қисми ярақлаб турар, баъзан эса олов сочаётгандай, шульаланиб кўзга ташланарди. Ўқнинг ана шу ҳолатини Алишер Навоий чироқ кўтариб бораётган одамга ўхшатиб, жонли ва чиройли сурат чизган: «Фироқ шомида, яъни сенинг ёдинг вактинча кўнгилдан кўтарилиб, дунё иш-ташвиши парда бўлиб мени сендан ажратганда, ўқинг адашмасдан кўнгил йўлини топади, зеро у ўз нишонига пайконини чироқ қилиб боряпти».

Бундай ташбехни бошқа бирорта шоирда учратмаймиз: ёрнинг киприги – зулматни ёриб бораётган машъала, гўё зим-зиё тунда чақилган чақмоқдай. Албатта, маъшуқа кипригини чақмоққа ташбех берганда, Навоий кўзни ҳам назарда тутган, чунки, аслида, киприк бирорга қараб отилмайди, балки назар, қарашиб йўналади, яъни кўзнинг нури, қуввати таъсир этади, жозиба, куч бағишлади. Шуннинг учун киприк – чақмоқ самовий миқёсда илоҳий нурнинг ярқ этиб, кўнгилни ёритиши ёки заминий миқёсда соҳибкаромат пирнинг назар килиши, бир нигоҳ билан қалбларга гулгула солиши тарзида талқин этилиши мумкин. Оддий ҳаётда ҳам қалб китоби бўлмиш кўзларнинг кўнгилларни боғлаши, севгига замин ҳозирлаши кўп учрайдиган ҳодиса.

Учинчи байт:

Эрур сукуту фано ишқ лозими, булбул  
Не вөкиф онча фифону улуғ димоги била.

Навоий асарлари куллиётининг 1988 йилги янги нашрида (3-жилд, 428-бет) мазкур байтнинг биринчи мисрасида «фано» ва «булбул» сўзларидан кейин вергул қўйилгани учун маъно бузилган. Агар шу нашрга суюнадиган бўлсак, «Сукут ва фанодир, ишқка лозим бўладигани, булбул бунча фифони ва улуғ димоги билан нимадан хабардор?» деган ғалати мазмунли гап келиб чиқади. Бундай «тахрир» ўкувчани чалғитиши, Навоий асарларини тушунишни қўйинлаштириши аниқ (Буни таъкидлашга мажбурмиз, чунки ҳозирги ёзувга кўчирилган мумтоз шеърларда тиниш белгиларининг аҳамияти катта, вергул нотўғри қўйилгани учун маъноси мавхумлашган байтлар анча). Хўш, Навоий бу байтда нима маънони ифодалаган? Бу маъно қўйидагича: «Сукут сақлаш ва фано – жисму нафс эҳтиёжларидан батамом қутулиш ишқнинг заруратидир, шунча нола фифони, сархушу ошуфталиги билан булбул буни қайдан билсин».

Ҳа, шоир бу ерда ошиқлик рамзи, нафосат ошуфтаси, ишқни ёниб куйловчи булбул билан баҳсга киришган. Бу қизиқ, чунки Навоийнинг бир қанча ғазалларида булбул хониши мадҳ этилади, лекин бу байтда у булбул ишқнинг моҳиятига тушуниб етмайди, деган фикрни баён этади. Балки бошқа маъно бордир бу гапнинг тагида, балки шоир бирор бир мазҳаб ақидасини, тариқатнинг бирор силсиласи пешвосининг кўрсатмаларини тасдиқлаётгандир? Дарҳақиқат, матлубга етишиш йўли фақат оху нола эмас. Фифон чекмай, зоҳиран сукутда бўлиб, дардни элга ошкор қилмай, боти-нан кўнгилни маърифатдан сероб этиб, фано мартабасини заглаш ҳам мумкин. Масалан, Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанднинг ақидаси шундай. (Баҳовуддин Нақшбанддан: сиз самоъга қандай қарайсиз, деб сўраганларида, у киши: «Мо инкор накунему ин кор накунем» – «Биз инкор қилмаймиз, аммо бу ишни қилмаймиз», – деб жавоб берганлар). Самоъ ва зикрга берилмай, муайян касб билан шуғулланиб, одамларни Ҳақни танишга даъват этган дарвешларнинг йўли шуни тақозо этарди. Улуғ мутафаккир рамзий йўсунда тариқат аҳлининг икки тоифаси сулукини таққослаган: тинч-хотиржам зикр билан, ички оламини тараққий эттириб, Ҳаққа яқинлашувчилар ва самоъ, ракс, кўшиқ-кўй орқали мухаббатларини очик изҳор этувчи бетоқат, безовта одамлар. Шундай, ошиқлик ҳар доим ҳам фифону

нола эмас экан, «анжуманда хилват» күрүвчиларнинг ботиний маърифати, кошифлик йўлида ўзгача ёниш, ўзгача фидойи қатъият бор. Тўртинчи байт мазмуни учинчи байт юзасидан айтган фикримизни тасдиқлайди. Байтни келтирамиз:

*Ул ўтки ўртади парвонани, ҳамул ўтдин  
Кўрингки, қовруладур шамъ доги ёғи била.*

Маълум бўладики, гап парвона ишқи устида боряпти, яъни шоир булбулнинг нолали муҳаббати билан парвонанинг жим, аммо вужудини ёндирувчи «индамас» муҳаббатини қиёсламоқда. Тасаввур қилинг: шам, унинг атрофида эса алангага қараб талпинаётган митти парвона. У ўтга шундай ихлос, шиддат билан интиладики, оловуга қўшилиб ёниб кетгунча тинчимайди. Бироқ парвона шунчалик ошиқлиги, дардининг зўрлигига қарамай, оҳу нола чекмайди, балки жимгина ўтга томон талпинаверади. «Ул ўт», яъни илоҳий ишқ алангаси фақат парвонани эмас, шамнинг ўзини-да муми ва ёғи билан қўшиб қовуради, эритиб куйдиради. Улуғ шоир тамсиллар воситасида Ишқнинг беинтиҳо кучи – зарроту жонзорлар, ошиқу маъшуқ барини қамраб олувчи қудратини бизга тушунтироқчи бўлган. Шамнинг шуъласи – илоҳий ишқ муми ва ёғи – дунё, инсон вужуди, парвона – ошиқ инсон тимсоллариридир. Парвона – фано тимсоли, яъни ёмон сифатлардан қутулиш ва маҳмуда (яхши) сифатларга эга бўлиш, хирсу ҳавасни тарқ этиш йўли. Бу фақир дарвешларнинг, ахлulloҳнинг тариқати. Хўш, шоҳлар-чи, улар ҳам бу баҳтга мушарраф бўла оладиларми?

*Шаху улус ғамию жоми Жам, ҳуши улким  
Синуқ сафол ила дурд ичкай ўз фароғи била.*

Йўқ, шоҳлар фано мартабасига етишолмайдилар, чунки улар дунё ғамию улус ташвиши, шон-шухрат, айшу ишрат билан банд – шоирнинг ғояси шу. Афсонага кўра, Ажам шоҳларидан Жамшид шундай жом ихтиро қилибдики, унинг ичидаги шароб асло тугамас ва у оламни ўзида акс эттириб турар экан. Шундай қилиб, «жоми Жам» – тугамас бойлик ва ишрат, шукуху салтанат рамзи. Унинг сўфиёна талқини ҳам бор: «маърифат бодаси билан лиммо-лим ориф кўнгли» («Миръот ул-ушшоқ»). Лекин Навоий мазкур байтда буни назарда тутмаган, бўлмаса шоҳу дарвеш аҳволини чоғиштиргмаган бўларди. Шоир анъанавий тасаввуфий эътиқодга амал қилиб, ориф дар-

вешнинг факирона ҳаётини подшонинг ҳашаматли ҳаётидан устун қўяди, аммо буни қурук таъкид йўли билан эмас, балки «назарий» тушунтиришга интилади: шоҳ фуқаро ташвиши ва ўзининг шону шухрати, туганмас давлати, ишрати билан овора, у бу ғамдан фориф бўлолмайди.

Демак, у шунчалик дабдаба, шукухи билан озод, баҳтиёр эмас. Ҳатто, жаҳонни кўрсатувчи олтин жом ҳам уни ғамдан озод қилолмайди. Шоҳнинг акси ўлароқ синик сафолда (жоми Жам – салтанат ва ҳашам рамзи бўлса, синик сафол – камбағаллик, камтарлик белгиси) май қўйкумини ичаётган, яъни маҳбубнинг васли деб азоб чекаётган дарвеш баҳтиёр. «Дурд» – май қўйкуми, қаноат ҳамда айни вақтда номуродлик, маҳбубнинг бетоқат қилувчи ёдини ҳам англатади. Хуллас, Навоий илохий ишқ хосиятлари ҳақида гапириб келиб, парвонасиғат дарвешнинг мамлакат подшосидан устун турувчи озод-эркин турмушини шарафлайди.

Олтинчи байт:

Хумор аро тиладим соқию қадаҳ, юз шукур  
Ки, улки мен тиладим, келди ўз аёғи била.

Шоир ўзининг синик сафолда «дурд» ичиб, маҳбуб ёдида сармаст қаҳрамони – ишқ парвонаси ҳолатидан руҳланиб, ўзини у билан шерик, ҳаммаслак қилиб кўрсатади. Аммо лирик қаҳрамон – дарвеш ёр олдида сархуш бўлса, шоир ҳали хумор, у энди соқи-ю қадаҳ талаб қиляпти. «Хумор» ҳам мастиликнинг асорати, аммо у вақтингчалик со-виш, соликнинг иккиланиши, бекарор ҳолатини ҳамда «маҳбубнинг иззат пардаси ичига яшириниши, дунё пардаси ваҳдат юзини бер-китишини» англатади. Ана шундай ҳолатда шоир тарқалган, совиган кайфиятни ростлаш учун соқий (пири муршид) қўлидан қадаҳ (маърифат) тилайди ва Аллоҳ унга тилаганини етказганидан – пир ҳузурига етганидан шукроналар айтади. Байтдаги «аёқ» сўзи икки маъноли: 1) одамнинг аъзоси ва 2) қадаҳ. Демак, сўз ўйини – тажнис ясалган: «келди ўз аёғи била – келди ўз қадаҳи била». Теран маъно тоза ифода ва тимсоллар билан очилган. Еттинчи байт:

Кучарға сарв ниҳоли бири қадингдек эмас,  
Агар кетурса ани боғбон қучоги била.

Бу байтнинг зоҳирий маъноси кўриниб турибди. Шоир маҳбуб қоматини энг чиройли дарахтга ўхшатмоқда, йўқ, маҳбуба қомати сарвдан ҳам чиройли, ахир сарвни қучганда ёр қучгандайин ҳаловат

топиш мүмкінми? Бөгбон сарвларни құчоқлаб келса ҳам, лекин бу ёр қоматини құчганчалик земас. Аммо байтнинг тасаввүфий – ботиний маңынан ҳам бор. Қад деганда сүфилар пирнинг ҳайбати, илохийлик аломати бор одамни назарда тутғанлар. Шундай бўлгач, байтнинг мана бунақа маңынан ҳам келиб чиқади: «Гарчи бөгбон боғдаги чиройли сарв дарахтларини намойишкорона қучиб келсада, лекин уларнинг бирортаси комил инсон – пирнинг гўзал, илохий ҳайкалидай земас, уларни қучиш пирга сифинишдай лаззат беролмайди».

Алишер Навоийнинг улуғворлиги шундаки, унда зоҳирий ва ботиний маңнолар, яъни ишқи ҳақиқий ва ишқи мажозий тасвиirlар бирбирига халақит бермайди, балки бир-бирини тўлдириб, қувватлаб туради. Бошқача айтганда, ишқи ҳақиқий тасвиридан ишқи мажозий тасвирига ёки аксинча ҳолатга осон ўтилади, китобхон гоҳ бу маънодан, гоҳ у маънодан, гоҳ ҳар иккисидан завқлана олади. Ушбу фазалда ҳам шуни кузатиш қийин земас, унда тариқат ақоиди, мақом босқичларидаги солик ҳолатлари, ишқ изтироби ва ошиқ азоби, дарди, ўртанишлар тасвиirlанади ва шу баробарида реал инсоний кечинмалардан воқиғ бўласиз. Воеан, ишқ парвонаси солик дарвеш ҳам реал инсон, унинг кечинмалари ҳақиқий инсоний кечинмалар, факат унда ният пок, дард беинтиҳо, идеал фоят узоқ...

Нажмиддин КОМИЛОВ

### СОКИЁ, ТАЛХ ЎЛДИ АЙШИМ...

Афтидан, бу Алишер Навоийнинг ўз ҳаёти билан боғлик воқеаларни акс эттирувчи ғазаллардан бири. Чунки унда яқин кишисидан ажралиб, шодлиги ғамга мубаддал бўлган, қаттиқ қайғу чеккан одамнинг ҳасрат-ўқинчлари, бевафо ва бебақо дунё, унинг нотанти ишларидан норози қалбнинг нидоси ифодаланган. Классик шоирлар ўз андухлари, шахсий кечинмаларини ҳам анъанавий образларда, умумий тарзда баён қилишни маъқул кўрганлар, лекин шундай бўлишига қарамай, ушбу шеърда анъанавий ифода-истиоралар замирида инсоний дард, мотамзада юракнинг фифон-ҳасрати, ноxуш кайфиятини ҳис этамиз. Бироқ ғазал гарчи андухли оҳангда бошланиб, унда навоиёна ўртаниш – ёнишлар ғулгуласи кўкка ўрлаган бўлса-да, асар мақтасига келиб умумий умидворлик, илохий ишқа дахлдорлик туйғуси қалба сингади.

Шоир ғазални жудолик дардидан бетоқат дилнинг ғалаёнини тасвирлаш билан бошлайди:

Сокиё, талх ўлди айшим ҳажр бедоди била,  
Тут ачиғ майким, ичай Мирзо Чучук ёди била.

(«Фаройиб ус-сифар», 559-ғазал)

Агар «Мирзо Чучук ёди» деган маълумот бўлмаганида, байтни одатдаги ошиқона мазмунли шеърлар қаторида таҳлил қилган бўлардик, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтироблари сифатида талқин этардик. Албатта, бу ерда ҳам айрилик ҳақида гап боради, аммо бу бошқа хилдаги айрилик. Шоир сўфиёна ишқи илоҳий ёхуд севгилисисдан ажралган одам кечинмасини эмас, балки меҳр қўйган, азиз тутган одамини йўқотган кишининг ҳолатини қаламга олади. Хўш, Мирзо Чучук деб Навоий кимни назарда тутган? Мирзо Чучук – Темурий шаҳзодалардан бўлиб, ниҳоятда чучук тилли, шеър ёзиш истеъоди бор йигитлардан бўлган экан. Навоий уни «Мажолис ун-нафоис» тазкирасида тилга олган. Йигит дардга чалиниб, вафот этган. Навоийнинг мазкур газали ёш умри ҳазон бўлганд шу йигит хотирасига бағишлиланган. Шоир айрилик дардини изхор этиб, анъянавий образлар орқали буни тасвир этади. Матладаги «талх» (аччик) ва «чучук» сўзларининг бир-бирига зид қўйилиши ҳам шунга ишора: Мирзонинг ширин ёди билан аччик май ичай, дейди шоир. Энди байтнинг мазмунини келтирамиз: «Эй сокий, айрилиқнинг зулмидан ҳаётим майи, яъни турмушим аччик бўлди, сен ҳам менга аччик май тут, токи Мирзо Чучукнинг ширин ёди билан ичайнин». Май бу ерда одатдаги шароб ҳам, руҳий сархушлик тимсоли, илоҳий маърифат нури ҳам эмас. Бу инсоний кайфиятнинг, руҳий изтиробларнинг йигма ифодаси – ғаму ҳасрат рамзи. Шундай қилиб, май фақат шодлик ва сурур, дилхушлик ифодасигина эмас, мотамза-далил, андуҳнинг ҳам ифодасидир. Фарқ шундаки, «айшнинг талх» ўлишини ифодаловчи май «аччик май»дир.

Иккинчи байт:

Сипкориб жоми сипеҳр, ақдоҳин аллай рез-рез  
Неча чеккаймен забунлуғ чарх бедоди била.

«Сипеҳр» – осмон, фалак; «ақдоҳ» – қадаҳлар. Шоир бу сўзлар воситасида ажойиб истиорали тасвир яратган: осмон жомида май

ичиб, унинг қадаҳларини майда-майда килиб ташлайман, дейди у. Кадимгиларнинг тасаввурода осмон етти қаватдан иборат. Навоий ана шу қаватларнинг ҳар бирини бир қадаҳ деб олади ва шўришу ошубим шунчалик зўрки, осмон жомини сипкориб, қаватлари – қадаҳларини чил-чил қилиб синдириб ташлайман, дейди у. Чунки чархи фалак – осмоннинг зулми ҳаддидан ошган, қачонгача ундан алам, хорлик чекиш мумкин? «Ҳажр бедоди»ни шоир «чарх бедоди» билан боғлайди, зеро дўстни дўстдан жудо этган, бир дам шодликни раво кўрмайдиган ғаддор душман шу забун (паст) ва ситамгар чарх-да! Бу ўринда шундай савол туғиладики, Навоийнинг фалакка қарши бош кўтариши, исён унинг тасаввуфий эътиқодига зид эмасми? Ахир, осмону фалакни ҳам Оллоҳ яратган-ку? Буни англаш учун «такдир» истилоҳининг маъносини билишимиз лозим. Тақдир ёки тақдир азалий – бу киши ҳаёти, фаолиятининг Худо томонидан олдиндан белгиланиши демак. Бу тушунча тасаввуфда кенгрок маънода талқин қилинади: Мутлақ рӯҳ томонидан ажралган моддий дунё ўзи мустақил ҳаракат қила бошлайди, одам фарзанди ана шу моддий дунёдан жабр кўради, Мутлақиятнинг ўзидан эмас. Демак, Навоий осмонга қарши ғазабкор норозилик изҳор этганда, Тангрига қарши эмас, балки ҳамма вақт инсонни азоб гирдобрларида тутадиган, ўз муроди бўйича яшашга имкон бермайдиган чархи фалакка қарши чиқкан бўлади.

Зуҳд кўнглум кўзгусин қилмиш муқаддар, эй ҳариф,  
Синдирурмен тавба пири ишқ иршоди била.

«Зуҳд» – парҳез, тийилиш, узлат. «Ҳариф» – сухбатдош, дўст. «Иршод» – тўғри йўл кўрсатиш, ҳидоят. «Муқаддар» – губорли, қора, ғамгин. Байтнинг маъноси бундай: «Зуҳд, яъни зоҳидона тавбатазарру кўнглимнинг кўзгусини губорли қилибди, эй дўст, бундай тавбани ишқ пирининг раҳнамолигида синдириб ташлайман».

Тавба тасаввуфда ҳам бор, аммо унда бу тушунча тариқат йўлига киришнинг биринчи босқичи, ҳаром-ҳалолдан тийилишни англатади. Зоҳид тавбаси, шундай қилиб, тараққий топмаган, намойишкорона тавбадир. Осмон қадаҳларини «синдириш» билан зуҳд тавбасини «синдириш» орасида алоқа борми? Агар зоҳидлик билан осмон, яъни дунё ва дунёларастликни алоқадор деб ҳисобласак, унда осмон қадаҳини синдириш билан зуҳд тавбасини синдириш ҳам алоқадор бўлиб чиқади.

*Бевафолик гар будурким, қилди ул шўх, эй кўнгул,  
Сирфа қилмас ошнолиг Одам авлоди била.*

Бу байтнинг маъноси «сирфа» сўзининг («Фаройиб ус-сиғар» дебонининг 1959 йилги ва «Бадоэй ул-бидоя»нинг 1988 йилги нашрида мазкур сўз шу кўринишда чоп этилган) маъносини англаш орқали билиб олинади. Алишер Навоий асарларининг изоҳли лугатида «сирфа» жабр, зулм, жафо деб тушунтирилган ва ушбу байт мисол қилиб келтирилган. «Фарҳанги забони тоҷики» лугатида мазкур сўз йўқ, балки «сирф» сўзи борким, унинг маъноси холис, соф, фақат, хечдир. «Фиёс ул-луғот»да ҳам сирф (сирфа сўзи йўқ) сўзи шу хилда изоҳланган. Зулм, жабр маъносини қўйиб кўрайлик-чи: «Эй кўнгил, бевафолик агар ул шўх қилган даражада бўлса, зулм (жабр) қилмас ошнолик одам авлоди била». Кўриниб турибдики, маъно чиқмади: зулмнинг ошнолик қилиши ёки қилмаслиги мантиқсизлик. Энди «холис», «соф», «хеч» сўзларини қўллаймиз: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, холис (соф) қилмас ошнолик одам авлоди била» ёки: «Бевафолик агар ўша шўх қилганчалик бўлса, ҳеч қилмас ошнолик одам авлоди билан». Бу жумлаларда ҳам аниқ маъно йўқ, байт китобхон учун жумбоқ бўлиб тураверади.

«Фиёс ул-луғот»да мазкур сўзининг сарф ва сарфи шакллари ҳам келтириб, изоҳланган. Сарф – олтин ва кумушни саралаш, харажат қилиш, сарфлаш, шунингдек, бута, ҳйла ва ҳодиса, замоннинг айланиши ва бирон нарсанинг тўнтирилиши. Сарфа – ёруғ юлдуз, у Ой манзиларидан ўн иккинчисининг номидир, баҳиллик, хасисликни билдиради: ҳйла ва макр, зиқналик рамзи. Бу маъноларнинг қайси бири Навоий байтига мос келади? Агар феъл сўзни оладиган бўлсак, сарфлаш, харажат қилиш, агар равишни оладиган бўлсак, сира, ҳеч, агар от сўз керак бўлса, юлдуз, фалак маъносида олишимиз мумкин. Сарфлаш маъносида: «Ул шўхнинг бевафолиги – жабру ситами шунаقا бўлса, у одам авлоди билан ошнолик қилмайди, яъни одам авлодига ошнолигини сарфламайди». Бунда «ул шўх» – пари, рух, умуман реал бўлмаган хилқат сифатида англашилади. Сира маъносида: «Агар ул шўхнинг бевафолиги шунаقا бўлса, у одам авлоди билан сира ҳам ошнолик қилмайди». Юлдуз маъносида: «Бевафолик агар ул шўх қилганчалик бўлса, Сарфа, яъни юлдуз одам авлоди билан ошнолик қилмайди». «Сарфа» сўзининг яна тежаш, фойда маънолари ҳам бор: «Агар бевафолик ул шўх қилганчалик бўлса, одам авлоди билан ошнолик фойда қилмайди».

Кейинги талқинда маъно борга ўхшайди, дарҳақиқат, маҳбубанинг бевафолигини кўрган лирик қаҳрамон «Одам боласи билан ошнолик қилишнинг фойдаси йўқ экан», деган хulosага келиб, ҳафсаласи пир бўлиши мумкин. Шунинг учун, «Фаройиб ус-сиғар»нинг янги нашрида «сирфа» сўзининг «сарфа» деб тузатилганини маъкуллаш лозим.

Навоий ўлимни айрилик деб, ошиқка зулм деб олар экан, уни бевафолик ҳам деб атайди. Ошиқни доғда қолдириб, ташлаб кетиш. Чархнинг, замонанинг бевафолиги, ситамидан бир нишона бу. Шу нуктада «сарфа» сўзининг замон айланиши, юлдуз (чархи фалак тимсоли), ҳийла, макр, ҳасислик маънолари ҳам туташади. Фалак одам авлоди билан ошнолик қилмайди, пари одам авлоди билан ошнолик қилмайди ва ҳоказо.

*Ваҳки, синди нахли уммедин, хуши ул боғбон,  
Ким эрур хушҳол бир навраста шамшоди била.*

Маъноси: «Умидим ниҳоли синди эвоҳ, нобуд бўлди. Кўкарган шамшоди билан хушҳолу хурсанд юрган боғбонга ҳавасим келади, қандай яхши!» Аламли ўқинч ва дард бор бу мисраларда – нахли уммедини йўқотган одамнинг ичидан отилиб чиқсан ўкирик ва бошқаларга нигоҳ ташлаб таскин топиши. Унинг ниҳоли синган, умидлари чилпарчин, аммо бошқа боғбонларнинг ниҳоли кўкарган, улар шод. Бу ҳасад эмас, бу умидли нигоҳ, ҳаётга, абадиятга боғланиш, ҳаёт абадиятини ҳис этиш.

Байтдаги «синди» сўзи олдин ўқиганимиз «рез-рез», «синди-рурмен» сўзларини эсга солади. Синиш – ўлим, синиш – исён, синиш – тоқатсизлик, руҳий зилзила. Фалак зулми, ажал шамоли унинг умид ниҳолини синдириди, у ғазабга келиб, осмон қаватларини синдиришга чоғланади, бир аччиқ-аччиқ, ҳасрат майнини сипкоради, бир «навраста шамшоди»дан хушҳол боғбонларга қараб таскин топади. Шу-да, инсоннинг ахволи, унинг қўлидан бошқа нима ҳам келарди? Шоир аламзада одамнинг руҳий ахволидаги ўзгаришлар, тўлқинларни бир неча шеърий байтда ана шундай теранлик билан чизади. Кейинги байтларда таскин оҳангি, ноиложлик, ночорлик давом эттирилган. Масалан, олтинчи байт:

*Чун ҳудий Лайли қулоқин ёлқитур, Мажнун, не суд  
Тогни гар келтурур афғонга фарёди била.*

Яъни: «Эй Мажнун, фарёдинг билан төғни фифонга келтиргага нингдан нима фойда. Лайлиниңг қулоги түякашнинг кўшиғи билан тўлган». Шоир ўзининг оҳу ноласидан пушаймон, чунки бўзлаб дод солишлар, фалакнинг гирибонидан олиш ҳеч бир нафъ келтирмайди, ҳеч ким уни эшитмайди. Ҳатто, Лайли ҳам Мажнуннинг фарёдларидан тўйган. Ўқириклар беҳуда, ундан кўра, муаззам, беҳудуд Ишқ саҳросига қадам қўй, ўзингни шу билан овут – нажот шунда, деб уқтиради у:

*Эй Навоий, ишқ саҳросида худ қўйдунг қадам,  
То нечук лошкайсен ул поёни йўқ водий била.*

Ишқ водийси – илоҳий даргоҳ ҳузури бир-биридан ажралган дўйстларнинг васлга эришадиган, дийдор кўришадиган жойи. Инсон руҳи ўз маҳрамини излаб топади. Навоий ва унинг замондошлигининг ишонч-имони шундай эди. Шу сабабли шоир ишқ водийсига кирдингми, имиллама, олдинга интил, деб жаҳд этади. Яъни, «Эй Навоий, ишқ саҳросига қадам қўйганингдан кейин, энди нега бўшашасан» («лошкайсан» – қадимги туркий сўз бўлиб, бўшашмоқ, имилламоқ маъноларини билдиради) поёни йўқ бу водийда ғазал Навоийга хос ана шундай мантиқий якун – шоирона руҳбахш оҳанг билан ниҳоясига етган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### КЎЙИДА ЙИҒЛАР ЭДИМ...<sup>1</sup>

Бугун тонгда бир кўшиқ эшитдим. Кун бўйи бу кўшиқнинг ноласи қулоғимдан кетмади. Унинг сўзларини тақрорлаб девона бўлиб юрдим.

*Кўйида йиғлар эдим мен зор ҳар беморга,  
Эмди йиғларлар бари беморлар мен зорга.*

(«Фаройиб ус-сигар», 564-ғазал)

Инсон ўз юрагига чўккан фуссанинг, уқубатнинг, зору андухнинг ифодасига минг йиллар чора қидириб охири мусиқани, сўнг мусиқа

<sup>1</sup> Шоир Эркин Вохидов қаламига мансуб шархлар «Сўз латофати» («Ўзбекистон», Т., 2014) китобидан олинди.

охангиға ғазални топдимикин? Торлардан, бамисоли жон риштасига уланиб кетгән торлардан түқилған мунг мени хаёл қанотида ярим минг йил олисликка әлтди. Ҳиротнинг табаррук манзилларига, улуғ устоз қадами теккан күчаларга, боғларга олиб учди, Навоий қўлида бўзлаб сайраган уд садосини эшитдим. «Кўйида йиглар эдим...» Ошиқ ўз севгилиси кўчасида ҳар беморга, яъни ишқ дардига гирифтор бўлғанларга ўз ҳасратини айтиб зор йиглар эди. Бу ҳасрат шунчалик қайғули, шунчалик жон ўртар эканки, ахли дард – беморлар ўз дардларини унугиб ошиқи зорга қараб йиглай бошладилар.

Чуқур ғамгин ҳиссиёт ифодаси баробарида бу байт ажиб санъат намунаси сифатида кишини ҳайратга солади. Ҳолатга мос байт ичиди сўзларнинг, сўз қўшимчаларининг маъно товланишлари фақат Навоийга хос баркамол санъаткорлик билан намоён этилади. «Зор» сўзи бир ўринда сифат (мен зор), бошқа ўринда ҳаракат белгиси (зор йигламок) дир.

«Бемор» сўзи бошда «ишқ ахли», «дард ахли», кейинда «хаста», «заиф», «касал» маъноларига яқин келади. Ҳатто, «-фа» қўшимчаси иккни ўринда икки хил маъно – товланишга эга.

Байтни хаёлимда такрорлайман:

*Кўйида йиглар эдим мен зор ҳар беморга,  
Энди йигларлар бари беморлар мен зорга.*

Такрорлаганим сари, бамисоли олмосда нур жилолангандек янги-янги қирраларни кашф қиласман.

Ғазал давом этади:

*Ҳажр бепоён йўлин қатъ айламак душвор эрур,  
Заъфдин менким юрурмен кўл таяб деворга.*

Агар мен заифликдан деворга кўл таяб, кўл билан суюниб юрсам, ажабланманг. Ахир, мен ҳадду поёни йўқ ҳижрон йўлини ўтдим. Бу иш осон эмас. Шундай фикр байтда айтилган. Унда айтилмаган, лекин юкоридаги байтнинг мантикий давоми сифатида келиб чиқадиган фикр ботинда ётибди: мен-ку дардимни ҳар беморга йиглар эдим. Энди беморлар менга йиглайдиган бўлдилар, чунки мен бепоён ҳажр йўлини ўтиб заифландим, ўзим бемор бўлдим.

«Ҳажр бепоён йўли». Йўқ, бу оддий ҳижрон эмас, севикили ёрдан жудоликкина эмас. Бу жуда буюк, илохий даражада буюк ниятнинг ҳижрони. Шунинг учун ҳам унинг йўли бепоён, инсоният тарихи даражасида бепоён, борлик олам, юлдузли осмон қадар бепоён.

Навоий шеъриятининг қудрати, бекиёслиги яна шундаки, шоир бу янглиф юксак, осмоний туйгулар ифодаси учун гоҳи оддий, заминий қундалик турмуш лавҳаларидан фойдаланади.

Заиф одамнинг деворга таяниб юриши жуда ҳаётий манзара. «Ҳажр бепоён йўли» каби теран фалсафий тушунчадан кейин бундай оддий ҳалқона сўзларнинг кўйилиши ўша замоннинг юксак шеърияти учун файритабиий туялган бўлса, ажаб эмас. Лекин бу шеърий жумланинг ҳаётийлиги ва ҳаққонийлигига, энг муҳими, гўзаллигига ўшанда ҳам, кейин ҳам барча тан берган.

Телба кўнглумнинг қушидин қону юздин заъфарон  
Килсалар дафъи жунуним, басдурур туморга.

Навоий байтларини англаш учун у яшаган замон турмушини ҳам яхши билмоқ керак. Баъзан улуғ шоир байтлари бизга ўша узок замоннинг урф-одатларини ўрганишга ёрдам беради. Маълумки, қадимда дафъи жунун учун, яъни телбаликни қайтариш учун беморга тумор битилган. Бу туморга заъфарон туғиб, сувда эзид ичирилган. Заъфароннинг бу хил дардга даво бўлиши қадимги табобатдан аён. Дафъи савдо учун қон чиқариш одати ҳам маълум. Туморга ёзиладиган дуо сўзининг сиёҳи ҳам қора рангда – савдоининг қони рангидаги. Байт маъноси шундай: Агар жунуним дафъи учун тумор килсалар, қон чиқарсалар, телба кўнглим қушининг қонию юзимнинг заъфарони басдир.

Ишқ пайдову ниҳон ўлтурди, лекин йўқтурур  
Захра бу ҳолимни ҳам ихфога, ҳам изҳорга.

Яъни: ишқ мени ҳам ошкор ўлдириди, ҳам пинҳон. Лекин менда бу ҳолимни яширмокқа ҳам, изҳор этмоққа ҳам журъат йўқ. Ишқ шундай бедаво дардки, уни яширмокқа чора, ошкор этмоққа илож йўқ. «Захра» сафро, ўт маъносини ҳам, шаҳдамлик, мардлик туйғусини, яъни юрак ўтини ҳам англатади. Бу ўринда «захра» журъат маъносида келган.

Зулфида мен фонию, тасбех ила мағрут шайх,  
Субҳа торин, бас, не янглиф ўҳшатай зуннорга.

Зуннор номусулмонлик белгиси бўлган боғич. Ўтган замонларда мусулмон мамлакатларида файридинлар белига боғлаб юрадиган

чивик бўлиб, улар буни тақишига ва шунинг эвазидан бож тўлашга маҳбур бўлганлар. Субҳа – тасбех.

Байтнинг мазмуни бундай: Мен-ку ёр зулфининг – соchlарининг ишқида фоний бўлдим, йўқолдим, завол топдим. Қавс ичидагитамиз: диндан айрилдим, номусулмонлик йўлига кирдим. Аммо бу зуннорни, яъни соч толасини ҳеч нарсага алишмайман. Шайх ўз тасбеҳи билан мағрур, мен ўз зуннорим билан. Бу зуннорни тасбеҳ торига сира ўҳшатолмайман.

*Йўқ ажаб ўлсан доги қавсар суйи бўлғай насиб,  
Назъ вақти солсан ўзни кулбайи хамморға.*

Жон чиқар вақти жон талвасаси билан майфуруш кулбасига ўзни урсаму ундан кўз юмсам, жаннатга кирмоғим, қавсар сувига етмоғим ажаб эмас, чунки борлиқ дунёнинг неъмати жаннат фарогатининг ўзи демак.

Бу мисралар Навоийнинг фалсафий дунёқарашини, зоҳидлик, тарқидунёчиликни инкор этувчи ғоясини ифода этади.

Фазал шундай байт билан яқунланади:

*Зор ўлуб мискин Навоий нечаким чекди фифон,  
Килмади ул ой тараҳхум бу фифону зорға.*

Фазал билан шоир ўз дардини айтиб фифон қилди, лекин бу фифон бир гадонинг – мискиннинг кўкка нола қилганидек бўлди. Осмондаги ой гадога қулоқ солмаганидек, ой монанд ёр ҳам мискин Навоийга қулоқ солмади. Яна ботин маънога қулоқ тутамиз: Мискин Навоийга замон тараҳхум этмади, ноласини эшитмади.

Мана, беш юз йил ўтиб, бу нола бизга етиб келди. Сўнгсиз фусса, танҳолик дарди, изтироб тўла нола.

Бугун тонгда мен шу кўшикни эшитдим, тонгдан бери унинг сўзларини ичимда тақрорлаб девона бўлиб юрибман.

Эркин ВОХИДОВ

Зихе ҳар лаҳни булбул савтининг зотингга исботе,  
Жаҳон боғида ҳар гул яфроғи хуснунгга миръоте.

Вужуди зарранинг мумкин эмас, то собит ўлмас меҳр,  
Не ҳожат зарра ҳайлидин қуёш зотига исботе?

Бўлуб зотингда ожиз ҳар сифат ичинда мавсуфе,  
Онингдекким, қила олмай сифотинг шарҳини зоте.

Хирад зотингни ташбех этгали ҳар фикрким айлаб,  
Такаллум анда йўл топмай, магар ҳайҳот-ҳайҳоте.

Не қаҳринг заҳридин эмин бўлуб ҳар сокини масжид,  
Не лутфунг бодасидин ноумид ахли ҳароботе.

Не зарра бўлса мақбулунг қуёшдин зарра қилғондек,  
Куёш ул заррадин айлаб шараф бирла мубоҳоте.

Навоий зикри отингдур, умиди улки, кутқорсанг  
Они от истамақдин, балки андинким бўлур оте.

(«Фаройиб ус-сифар», 575-ғазал)

### **Лұғат**

**Савт** – оҳанг, хониш, куй.

**Зот** – бирор нарсанинг асли, моҳияти, Худонинг моҳияти назар-  
да тутимокда.

**Миръот** – кўзгу.

**Лаҳн** – куй, наво.

**Хайл** – тўда, қавм, гурух, тоифа.

**Мавсуғ** – сифатланган, таърифланган, шуҳрат қозонган, бирор  
сифат эгаси.

**Хирад** – ақл, фикр, билим.

**Такаллум** – нутқ, гапириш.

**Сокин** – ўтирган, маскан тутган, жойлашган.

**Бода** – ичимлик, май.

**Ҳаробот** – бу ерда пир ҳузури, комил инсон йигини, майхона.

**Мубоҳот** – муболага, ноз-фироқ қилиш, фахрланиш.

## **Ғазалнинг насрий баёни**

1. Эй ажабки, булбул хонишининг ҳар бир оҳанги Сенинг зотингга бир далил – исбот, жаҳон боғидаги ҳар гул япроги – Сенинг ҳуснингнинг кўзгуси.
2. Кўёш порлаб кўринмагунча зарранинг борлиги – вужуди аён бўлмайди (мавжуд бўлмайди), шундай экан, зарра тўдаси орқали Кўёшни исботлашга ҳожат борми?
3. Ҳар бир сифатинг ичра сифатланган (нарса) Зотингни таърифлашга ожиз (ёки Зотингга мухтож), чунки унинг (сифатланганнинг) зоти Сени шарҳлаб, тушунтириб беролмайди.
4. Ақл Зотингни турли нарсаларга ўхшатиб, фирм-мулоҳаза юритади, бироқ буни сўзлаб беролмай, «ҳайҳот, ҳайҳот» билан чекланади.
5. Масжидда тоат учун ўтирганинг ҳар бири қаҳринг тифидан ҳимоя қилинмаганидек, аҳли ҳаробот (дарвешлар, қаландарлар) ҳам лутфу марҳаматингдан ноумид эмас.
6. Қайси бир зарра Сенинг қабулингга мушарраф бўлса (Сенга мақбул бўлса), кўёш заррасидай шараф топади ва кўёш бу заррадан фурурланиб шарафли бўлади.
7. Навоийнинг зикри кеча-кундуз Сенинг отингдир, аммо умидим шуки, уни ном (от) чиқариш, фурурланишдан сақласанг, балки ном чиқаришга боис бўладиганлардан ҳам халос этсанг.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу шоирнинг анчайин мураккаб орифона ғазалларидандин. Гап шундаки, Оллоҳнинг Зотини ҳеч ким кўрған эмас, уни борликдаги ашёларда акс этган сифатлари орқали таниш мумкин. Аммо ана шу сифатларни таниш, билиш ва улар орқали Парвардигори олам зотини таниб олиш ҳам осон эмас.

Ғазалнинг биринчи байтидаётқ ваҳдатул вужуд таълимоти фояси булбул ва гул тимсоллари воситасида баён этилган: булбул гулга ошиқ, ёниб куйлайди, бу ошуфталиқ, ошиқлик изҳори. Аммо аслида, булбул гулга шунинг учун бекарор ошиқки, гул – Оллоҳ жамоли акс этган кўзгу, гулнинг ҳар бир япроғида шу нур жилоланиб туради. Гул ва булбул шу учун Шарқ шеъриятида кўп тилга олинади. Лекин аслида, бунда Табиат ва Инсон назарда тутилган. Гул – Табиат, Оллоҳ яратган борлиқ тимсоли, гулнинг нағислиги, латофати

эса, Оллоҳ тажаллиёти, ҳуснининг рамзи. Булбул ана шу Ҳуснга мафтун инсондир. Инсоннинг кўйу қўшиғи, кўнгил нолалари, шавку завқи, руҳий парвози, ижодкорлик мўъжизаси – ҳамма-ҳаммаси ана шу Оллоҳ Ҳуснига мафтунлиги, ундан мадад олиши, руҳланиши, бе-худлиги туфайлидир.

Кейинги байтларда ғазал мақтаидаги мазкур ғоя янги далиллар билан тушунтирилган: Қуёш ҳар бир заррани ёритгани каби Оллоҳ бутун коинот ва унинг ашёларини қамраб олади, қуёшнинг зоти исбот талаб қиласидай, Оллоҳ зоти ҳам исбот талаб қиласидай. Ақл Оллоҳ зотини исботлашдан ожиз, фикрлар, муҳокамалар билан бунга йўл топиб бўлмайди. Худонинг исботи Худонинг ўзи. Умри масжидга қатнаб, тоат билан шуғулланган обид Худо қаҳридан холи бўлмасидай, майхона (пири комил йигини) аҳли ҳам унинг марҳаматидан умидвор. Яъни: мен шариатнинг барча шартларини бажардим, жойим жаннатда тайёр, деб ўйлайдиганлар адашади. Зеро, кимнинг дили пок ва худога яқинлигини Унинг ўзи билади. Бир зарра Худо қабулига мушаррафа бўлса, унинг жойи Арши аълода ва Қуёш шунчча азимати билан шу зарра билан фурурланиши мумкин. Ғазал матлаида шоир ўзини ожизларнинг ожизи, заррадан камрок ҳисоблаб, ному нишонсиз бўлсан кошкни, чунки ном Уники, инсон – банда, банда зарра каби Қуёшда йўқ бўлиб кетиши керак, деган фикрни баён этади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ЖИЛВАМУ АЙЛАР ҚИЗИЛ ТЎН ...

Жилваму айлар қизил тўн бирла ҳар ён ул пари,  
Ёмагарким лолазор ичра кезар кабки дари?

Телбалар қатли қизил қилмиш либосин, оҳқим,  
Бир йўли девоналар қонига кирмиш ул пари.

Хулласин хуноблиғ жон риштасидин қилди чарх,  
Бўлди жонлар жони, ваҳ-ваҳ, ул париваш пайкари.

Оразинг нақшимудур қонлиғ кўнгулда жилвагар,  
Ёшафақдин бўлди толеъ офтоби ховарий.

Ич шафақгун майки, гардун қотиледурким, эрур  
Янги ой бирла шафақ тигу либоси аҳмарий.

Кон уза күнглум юзунг шавқидин андоқ хастадур,  
Ким эзур гулгун ҳарир оллида онинг бистари.

Ул пари лаълида жонинг, эй Навоий, бўлди маҳв,  
Лаългун кисватда маҳв этгандек ўзни ул пари.

(«Фаройиб ус-сифар», 576-ғазал)

### Лугат

**Кабки дари** – хушовоз, сайроқи төғ каклиги.

**Ховарий** – шарқлик, шарқий.

**Аҳмарий** – қизил.

**Бистар** – тӯшак.

**Ҳарир** – ипак, шойи мато.

**Кисват** – кийим.

### Ғазалнинг насрый баёни

1. Қизил тўн кийиб олиб ҳар томонда сайр этаётган ул гўзал паримикин ёки сайроқи төғ каклиги лолазор орасида кезиб юрибдимикин?

2. Телба ошиқларини қатл қилганидан, қонлар сачраб либосини қизил рангга бўябди, йўқ-йўқ, дод дейманким, ул пари бир йўла девона ошиқлар қонига кириб олибди.

3. Унинг нозик кийимини чархи фалак қонли жон ипидан тўқибди, шу боис ул парига ўхшаш гўзалнинг зебо ҳайкали (қомати) жонларнинг ичига жойлашган.

4. Қонли кўнгил ичига жилва қилаётган юзингнинг суратими ёки шарқдан чиқаётган офтоб шафак шуъласи орасидан юз кўрсатдими?

5. Шафак рангли (қизил) май ич, чунки фалак шундай бир жаллод (қотил)ки, янги ой (ўроғи) ва шафак унинг қиличи ва қизил либосидир.

6. Қонаган (қонли) кўнглим юзингнинг шавқидан шундай беморки, унинг гулдай қизил нафис шоҳи либоси олдида унинг тӯшаги бор.

7. Эй Навоий, худди ул пари лаъл рангли (қизил) либос ичига беркиниб олганидай, жонинг унинг лаъли (лаби, сўзи) ичига йўқолди.

## Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Бу қизил түн кийган жонон таърифига бағишланган учинчи ғазал. Аммо ҳар бир ғазалда ушбу таъриф алоҳида-алоҳида тасвирга эга. Ҳар бир ғазалда қизил ранг билан боғлиқ ўзига хос ташбехлар қатори ва улар воситасида лавҳа, ҳолатларни чизиш маҳорати кўзга ташланади. Бошқача айтганда, жонон уч ғазалда уч хил лирик тимсол қилиб гавдалантирилган. Чунончи, биринчи ғазалда маъшуқнинг қизил түн кийиб чиқиши аввал Хитой (Чин) охусига, кейин гулдаста ва ичидаги савсан гул ўсган аргувон дарахтига ўхшатилади. Кон, шафак, қизил бўёқ билан ёзилган алиф ташбехлари ҳам бир-бiriни тўлдириб келган.

Иккинчи ғазалда қизил түн ловуллаган олов шуъласига ўхшатиладида, кейин лола, лаъл, хуноба ташбехлари орқали тасвир ривожлантирилиб, маъшуқнинг ошиқ қалбига солган изтироблари бир-бир қизиб кўрсатилади.

Учинчи ғазалда қизил түн кийган жононнинг паридай нозиклиги, гул сайрига чиқиб жавлон уриши, жилвалар қилиши ва бу лолазор оралаб юрган тоғ каклиги (какликнинг бўйин патлари, қанотлари усти қизғиши рангда бўлади)га ўхшаб кетиши тасвирланади, яъни «қизил либос кийган жонон лолазор сайлида» деган бир чиройли сурат ўқувчи кўз олдида гавдалантирилади. Демак, бошқа ғазалларда бўлганидай, бу учала ғазалда ҳам Алишер Навоийнинг манзара, ўзига хос бир лавҳа яратиш ва шу лавҳанинг ошиқ дилига хилма-хил таъсиirlарини тасвирлаш маҳорати кўзга ташланади. Аммо ҳар бир ғазалда алоҳида санъаткорлик, алоҳида ҳолатлар тавсифи бор. Ҳар учала ғазалда марказий ташбех ёки калит сўз – бу қизил түн. У ҳар бир ғазалда ҳар хил турдош рангли ашёлар билан чоғиширилиб, янги-янги бадиий тасвирлар ҳосил қилинган.

Биринчи ғазалда жононнинг кийиниши – ташки тасвирига кўпроқ эътибор қилинган, иккинчи ғазалда қизил либосда кўринган жононнинг ошиқ қалбига олов солиши, уни ишқ азобида қийнаши тасвирланган бўлса, учинчи ғазалда қизил либоси жононнинг хатти-ҳаракати, жилва-карашмасини кўрсатиш кўпроқ назарга тушади. Шу ўринда яна бир хусусиятни таъкидламоқчимиз. Майдумки, ғазал – лирик жанр, у куй билан, нафосат билан йўғирилган бўлиши керак. Яъни: 1) оҳанг майнлиги, латофати; 2) сўз, иборалар латофати, нозиклиги; 3) қоғия, радифлар нозиклиги ва 4) бадиий санъатлар нозиклиги ўзаро уйғун бўлмоғи лозим. Навоий ғазаллари бунинг

ёркін намунаси. Қизил түн кийган жонон таърифи ва бундан ошик жонида пайдо бўлган рухий ғалаёнлар тасвирида ҳам ана шу латофат, нозик тасвирларни кузатамиз. Айниқса, учинчи ғазалда бу ёркін намоён бўлган. Биринчи байтдаёқ жонон парига ўхшатилади. Пари нима? Пари – рух, ҳалқ тасаввур бўйича у гоҳ кўринади, гоҳ кўринмайди, чунки у – самовий хилқат. Маъшуқ парига ўхшатилар экан, демак унинг ниҳоятда нозиклигига ишора қилинмоқда. Кўкимтири парлари ва қизғиши тавқи (кушларнинг бўйнидаги ҳалқа тавқ дейилади) тоғ каклиги ҳам foят гўзал ва нозик куш. Маъшуқа паридай нозик бўлгани учун ҳам сархуш ошиқлар қонига кирган.

Қизил либосли жонон худди кон ичидаги малакдай. Ажойиб, foят гўзал тасвир! Ул жонон париваш бўлгани сабабли жонлар ичидаги жондир, яъни руҳдир, дейди шоир. Мақтада Навоий бу фикрни аник-равшан баён этган: ул пари ўзини лаъл рангли (қизил) либос ичига яширгани каби ошиқнинг жони ҳам жонон лаъли (қизил лаби) ичига яшириниб, foийиб бўлган. Бошқача айтганда, ошиқ ва маъшуқ бирлашиб кетган. Бу ўринда яна бир изоҳга эҳтиёж бор: ўқувчидаги қандай қилиб бир одам иккинчи одамнинг лабида йўқолиши мумкин, деган савол туғилиши мумкин.

Бунга жавоб шуки, лаъл лаб деганда тасаввуда маъшуқа сўзининг ботини, нозик маъноси, шунингдек, илоҳий нафас, йўқликдан борлиқни вужудга келтирган Оллоҳ каломи англашилади. Яъни бу калом барчани қамраб олади, вали зотлар мұждаси билан ошиқ вужудига сингиб, унинг жонини эгаллаб олади. Мана шу тариқа, пари сўзининг тасвири нозик ибора ва ишоралар орқали орифона маънени ифодалашга хизмат қилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## КАМАНД УЧИГА ЕТКУРМАС ФАМУ АНДЕША АЙЁРИ

Шарқ ҳалқлари тафаккури тарихида чуқур илдиз отган тасаввуда таълимотини яхши билмай туриб, Алишер Навоий дунёқараши ва адабий меросини барча мураккабликлари, фалсафий теранлиги билан тўлиқ ҳолда тўғри, ҳаққоний ёритиб бериш мушкул. XX асрнинг ўттизинчи йилларидаёқ ёзувчи Ойбек бунга эътиборни қаратган эди. Аммо назаримда, бу масала ҳамон ҳал бўлмасдан, долзарблигини сақлаб келмоқда. Чунки ҳозир ҳам улуғ шоир асарларини «керакли» ва «кераксиз» қисмларга ажратиш, орифона мазмундаги шеърларини нашрлардан соқит қилиб, эл кўзидан яшириш, «пайқамасдан»

тадқикотларга киритмаслик касаллиги давом этмоқда. Баъзан эса, сўфиёна маъноларни англаб етмаганимиз сабабли, Навоийнинг рамзий ибора-истиораларини ҳаминқадар талқин этиб, ўқувчиларни чалғитиб келмоқдамиз. Бу ҳол Навоий даҳосини, оламининг бепоёнлиги ва улуғворлигини муazzам салоҳияти ҳамда кўркамлиги билан идрок этишга халал беради. Ваҳоланки, Навоий мероси – яхлит бир адабий воқелик, бебаҳо маънавий ҳазина.

Муҳими шундаки, шоирнинг ўлмас гуманизм билан кўкарган ҳаётбахш foялари «дунёвий» асарларида қандай порлаб турса, биз бир чеккага сурibi қўймоқчи бўлган «илоҳий» асарларида ҳам шундай куч билан нур таратиб туради. Зотан, улар зоҳирий жиҳатдан шундай. Аслида эса, ботиний маънолари моҳиятига кўра, бир хил фалсафий-тасаввуфий қарашлар силсиласига бориб тақаладиган ўзаро узвий алоқадор асарлар бўлиб, бирини иккинчисисиз тушуниш қийин.

Бас, шундай экан, шоир асарларида учрайдиган ишқ, май, майхона, ҳаробот, соқий, согар, қадаҳ, хум, маҳбуб сингари кўпдан-кўп киноя-тимсоллар, рамзий маъноли сўзлар ва улар орқасида ётган яширин маънолар асрори ҳам унинг ижоди яхлит бир бутунлиқда олиб текширилиб, олам ва одам ҳақидаги мушоҳада-мукошибалари ичida шарҳлансанагина, мазмуни керакли даражада аниқ ойдинлашиши мумкин. Масалан, қуйидаги ғазални олайлик:

*Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри,  
Бийик чекмиш магар майхона томин сунъ меъмори.*

*Хуморим заъфида қаҳгил иси то етти, маст ўлдум,  
Сувалмишдур магар май лойидин майхона девори.*

*Тўла куп оғзи май, хуршидедур, гўё teng очилмиш  
Чекарда бу ики хуршид даврин сунъ паргори.*

*Май ичмиш хонақоҳ шайхи, ҳаробот ахли, айш айланг  
Ки, чиқмиш баҳя ургон хирқасидин маблаги кори.*

*Кўрунган мосиво дуди эмас, балки намудидур,  
Май устида ҳубобу мавж шаклининг намудори.*

*Ҳубобу мавж май таҳрикидин зоҳирдурур, лекин  
Сукут топғон вужуди, майдин ўзга қайдадур бори?*

*Күёш аксимудур ҳайвон суйида ё күрунмишдур  
Равоносо май ичра соқийи гулчехра рухсори.*

*Фано дайрин күнгүл истарки, бир-бир пири дайр элға  
Тутарда бода, шояд, жүрье сунгай бизинг сори.*

*Навосидин фано чун ҳосил ўлди, қылғасен, эй ишк,  
Навоий риштайи жонин муганий удининг тори.*

(«Фаройиб ус-сифар», 624-ғазал)

Хўш, бу ғазалда қандай тоя ифодаланган? Май ва унинг хосиятларини таърифлашдан мурод нима?

Ўз-ўзидан аёнки, Навоий зикр этган май биз тасаввур қилган спиртили ичимлик эмас. Шоир сира ҳам буни назарда тутмаган. Биль-акс, ўта тақводор ва покдоман бўлган Навоий замонасининг ишратпараст, майхўр кишиларини қахру ғазаб билан танқид остига олиб, маст қилувчи ичимликни «умм ул-хабоис», яъни барча ёмонликлар, фалокатлар онаси, деб зълон қилган. «Ҳайрат ул-аброр» достонида, бадмастларнинг масхарали ҳажвий қиёфасини яратиб, уларни элга шарманда этган. Ушбу ғазалда шоир майни илоҳий ишқ-маърифат, дониш иштиёқининг авжи қиёми, Ёр жамоли мушоҳадасидан ошиқ дилида пайдо бўлган кучли завқ – илҳомнинг, беҳад хурсандлик, сурурнинг рамзий ифодаси сифатида тилга олган. Хумор бўлиш, майпарастлик ҳам бу ерда шунга мувофиқ. Буюк нур чашмасидан хузурланиш, висол бехудлиги, хаёт, табиат зеболиги ҳамда ақл ва тафаккур етмайдиган, аммо қўнгил билан ҳис этиладиган Мутлақ рух мўъжизоти жилвасидан баҳрамандлик ва шунга талпиниш сархушлигидир.

Чунки Навоий эътиқод қўйган фалсафий таълимотга биноан, олам азалий ва абадий ягона Руҳнинг ўз-ўзини севиб, ўз жамолини томоша қилиш истагидан пайдо бўлган кўзгудир. Бирламчи қудрат порлашидан таралган нур бу кўзгуда акс этади, яъни моддий дунёдаги жамики мавжудот ва маҳлукот – заррадан қуёшгача, еру кўк, сабиту сайёра шу нур билан ёритилади, шу нур туфайли ҳаракатланади, муайян уйғунлик ичра ривожланиб туради. Бу илоҳий тажаллини шоирлар май тимсолида қабул қилганлар. Моддий дунё эса, шу тасаввур бўйича, жом ёки қадаҳдир. Дунёнинг ранго-ранг товланишлари, ўзгариши, янгиланишлари, табиатнинг турфа сиру асрори, ҳодиса-ашёлари, баҳорий уйғониш, чунончи, дараҳтлар-

нинг кўкариб, гуллаб мева боғлаши, дашту даранинг ўт-ўлан билан қопланиши, қушларнинг маст бўлиб сайраши, борингки, ҳаётнинг барча нашу намоси, гуркираб кўринган нафосат тӯфони шу май уммонининг мавжланиши, кўпириши деб тушунирилган. Инсон ҳам мазкур кўзгунинг бир бўлаги, лекин Рухи мутлақ энг кўп акс этган хилқат. Чунки у холиқиятнинг сарвари ва ганжи гавҳари, яъни «икки олам истеъдодининг жамулжами» (Бедил). Инсон рухи шу боис тинимсиз равишда ўз манбаига қараб интилади. Бу интилиш дунёнинг ўзини идрок этиш ва ўз-ўзини англаб етиш орқали содир бўлгани сабабли инсон олам ҳодисалари гўзаллигини мушоҳада этиб, чексиз ҳайратланади. Ҳайрат эса ашё-ҳодисаларни билиб олишга қизикиши кучайтиради. Шу тариқа, киши моҳият-ҳақиқатни билиш иштиёқи билан ёниб, борган сари кўпроқ ташвиш-тараддуда бўлади. Инсоннинг бутун ҳаётий фаолияти, ижод ва яратувчилик қобилияти, қашфу каромати ва файзу фазилатлари шу ишкнинг қудрати деб талқин этилган.

Аммо инсон табиати икки асос – руҳий ва моддий олам унсурларидан таркиб топгани учун бу унсурлар орасида кураш боради. Агар моддий асос бўлмиш жисм талаблари кучайса, у ҳирс ва шаҳват, ҳайвоний нафс домига гирифтор бўлиб, борган сари тубанлашади. Бу ҳафнинг олдини олиш учун киши доимий равишда руҳий-маънавий эҳтиёжларини қондириб бориши, шу жиҳатни тарбиялашга бел боғламоғи даркор. Бу ишда унга ўзидан кўра комилроқ инсон – пир раҳнамолик қиласди. Пир ёки ориф деб тасаввуф аҳли ақлу донишда етук, маърифат нури билан қалби лиммо-лим, пок ният, покиза ахлоқли закий одамни назарда тутганлар. Пир – кўнгил маҳрами, ҳамдард, ҳаммаслак киши. Навоий назарида Жомий ана шундай шахс бўлган. Бундай шахслар ҳамма вақт эзгуликни ўйлаб, ўзига эргашган одамларни қалб саховати билан тарбиялаганлар, уларнинг иродасини чиниқтириб, кўнгил чашмасининг кўзини очиб, оламни янгича тушунишга, Ҳақ йўлни ҳимоя қилишга ўргатганлар. Юқорида келтирганимиз ғазалда шу маънолар ифодаланган. Буни конкрет изоҳлар билан шарҳлаб, тушуниришга ҳаракат қиласми.

Ғазалнинг биринчи байтида ғаму андеша айёри, сунъ меъмори, каманд, майхона каби сўз ва бирималар изоҳга муҳтоҷ. Каманд шеъриятда аксар ёр сочи ўрнида истиора сифатида қўлланилади. Бироқ бу ўринда Навоий унинг асл луғавий маъноси – арқонни назарда тутган. Ғаму андеша айёри – ақл тадбиркорлиги, ақлу ташвиш тадбири деган маънони беради. Майхона эса «шавқу завқ ва

илохий маърифат тўлиб-тошган комил инсон – орифнинг ботиний дунёси ва Рухи мутлақ манбаидир». (Саййид Жаъфар Сажходий. Мусталаҳоти урафо. 392-бет). Сунъ меъмори – Худо. Энди байтнинг мазмунига келсак, Алишер Навоий баланд иморатлар, сарой ва қалъаларнинг кунгурасига арқон ташлаб, тирмашиб том устига чиқиш одатига ишора қилиб, дейди: «Азал меъмори – Худо майхона томини шунчалик улуғ ва баланд қилиб курган эканки, фикру ташвиш тадбирининг арқони унинг кунгурасининг учига етмайди». Шоирнинг таъкидича, ақл ва тадбир билан майхона қалъасини забт этиши мумкин эмас. Нега? Чунки ориф қалбининг маърифати ва у орқали илохий рух манбаининг бекиёс гўзаллигини идрок этишга (шуни айтиш керакки, Навоий ибора-тимсолларида ҳар доим икки маъно – ориф қалби ва рухи мутлақ биргаликда кўзда тутилади, зоро ориф қалби олий зот манбаига олиб борадиган бир восита, кўпприк деб қаралган) фақат қалб ва рух қодирдир; ақлий мушоҳада, мантиқий-тафаккурий билиш усули бунга қобил эмас.

Маълум бўладики, Алишер Навоий ғазалнинг матласиданоқ тасаввуф тариқатининг асосий талабларидан бирини баён этган. Бу талаб тариқат йўлига қадам қўйган одам учун биринчи жиддий мушкулот ҳам эди, чунки ақлу ҳуш қудрати етмайдиган нарсага кўнгил майли билан эришиш – руҳий иродани қайтадан куриш, ўзини ўз виждони, эътиқоди олдида жавобгар ҳисоблаб, қаттиқ назорат остига олиш, жуда кўп дунёвий ҳавас-ҳоҳишлардан воз кечиш демакдир. Майхона қасрининг буюклиги олам сиру асрори, ажойиботлари, ходиса-воқеаларининг бехад кўплиги, уни билиш, моҳиятига етиш қийинчилигидир, айни вақтда саркаш нафс қутқуларини енгиш, юксак ахлоқий одам бўлиш машққатларини ҳам англатади.

Иккинчи байт биринчи байтдаги фикрни давом эттиради: толиб (ёки ошик) ақлу тадбир билан комил инсон мартабасига кўтарилишга – майхонани забт этишга кўзи етмагандан кейин, бу бинонинг деворларини ҳидлаш билан қаноатланади. Яъни, пирнинг муҳитига яқинлашиб, унга қўл бериб, дастлабки насиҳатларини эшлишдан баҳра олади. Майхона девори, шундай қилиб, пири комилнинг муҳити, ташқи, зоҳирий дунёсидир. Иккинчи тараффдан, бу – бизни ўраб олган моддий дунё ҳам. Чунки қалъа ичидаги рух манбаини идрок этиш, аввало, қалъа деворлари – дунё ашёларини ўрганиш, хаёл ва сезгилар орқали унинг моҳиятига етиб бориш билан амалга ошади. Заъфи хумор – кайфнинг тарқала бошлаши, ишқнинг вақтинча сусайиши, ҳақиқатга шубҳа билан қараш,

шубҳаланиш лаҳзасини билдиради. Каҳгил – сомонли лой. Май лойи – шароб қўйкуми, дунё мулки, ҳиссий иштиёклардан ҳали покланмаган руҳ тимсоли. Алҳосил, байтнинг мазмуни куйидагича: «Майхона деворини май лойи билан шуваганлар шекилли, хуморим тарқалганда димоғимга сомонли лой ҳиди уриб, яна маст бўлдим». Ёки: «Мухаббатим вақтинча сусайганда (кўнгилда шубҳа туғилганда), пирга яқинлашганим сабабли шубҳаларим тарқалиб, қалбимда ишқ яна аввалгидай алангланди». Пирнинг ички олами унинг нутқи, харакатлари, кароматида зухур этганидай, Руҳи мутлақ ҳам дунё гўзалигига жилваланиб, кишини мафтун этади. Орифнинг завқи салиқаси, нозикфаҳм заковати дақиқ маънолар магзини осон чақиб, мушкул масалаларни ички бир фаросат билан ҳал қилиб бера олади. Бу худди қадаҳдан томган май томчилари каби ошиқ дилига ҳикмат нури бўлиб қўйлади. Шу маънода тасаввуф ахли хум, хумхона, соғар, жом, майқада деганда ҳам орифнинг пурфайз жозиб юрагини тушунгандар.

Учинчи байтда биз тушунмайдиган учта сўз бор. Булар: куб, хуршид, паргор. Куб – шароб сақланадиган хум, мажозий маънода, боя айтганимиздай, орифнинг кўнгли ва руҳи мутлақ. Хуршид – күёш. Паргор – доира чизадиган асбоб (циркуль); баъзан йўл-йўриқ, чоратадбир маъносида ҳам қўлланилади. Шунга кўра, ғазалнинг учинчи байтини ҳозирги тилимизга бундай таржима қилса бўлади: «Оғзигача май тўлғазилган хум худди қўёшга ўхшайди, гўё Оллоҳнинг доира чизғичи бу икки қўёшнинг (яъни, фалак қўёши ва май хумининг) гардишини чизганда бир пайтда баравар очилгандай». Ёхуд: «Май хуми билан қўёшнинг тарҳи бир хил, улар бирга бир вақтда яратилган ўхашаш нарсалардир». Шоир айтмоқчики, қўёш ҳам май хуми, яъни, бирламчи манбадан нишона. Шу сабабли, улар бир-бирининг мавжудлигини исботлайдилар – қўёшнинг далили қўёш. Май хумини қўёшга ўхшатиш билан Навоий ориф қалбининг саховати, карамининг белоёнлигини таъкидламоқчи, зеро қўёш ўз ҳарорати, зиёси билан оламни мунаvvар этгандай, ориф қалби ҳам ошиқларни фаровон, баҳравар эта олади. Бундан ташқари, бу ерда толибнинг зоҳирий мушоҳададан (майхона деворини ҳидлаш) аста-секин ботиний маъноларни англаш сари бораётгани, бундан ҳайратланаётгани ҳам ифодаланган.

Тўртинчи байт шархи. Хонақоҳ – сўфилар йиғилиб важду само билан шуғулланадиган жой. Харобот сўзининг лугавий маъноси вайрони, шаробхона бўлса-да, аммо тасаввуф ахли истилоҳида инсон

жисмининг хароб бўлиши – қаноат, факр йўлига кириб, ҳайвоний нафслар, кераксиз, ёмон хулқ-одатлардан қутулиб, ўзни хокисорлик, камтаринлик рутбасига солишдир. Хароботийлар, яъни риндлар «майхона тараддуидан бехонумонлиги ва паймона тааллуқидин бесарусомонлиги» («Махбуб ул-кулуб») билан машҳур. Улар учун «тожу таҳт туфроқ билан тенг», ҳамма нарсадан фориф, ёлғиз ёр ишқида сармаст. Хирқа – сўғилар киядиган жанда, маҳсус кийим. Бундан ташқари, инсоннинг бадани, сурати ва ашёлар олами ҳам. Бахя – жияк. Маблағи кори – ишининг натижаси, ахволи, борбути демак. Хуллас, байтнинг мазмуни бундай: «Хонақоҳ шайхи май ичибди, яъни унинг кўнглида илоҳий нур порлаб, бу ҳузурдан сархуш бўлибди. Эй ошик хароботийлар, сиз ҳам бу хабардан хурсанд бўлиб, важд-ҳолга тушинг. Кўрмайсизми, шайхнинг ахволи унинг жанда тўнининг йиртиклиаридан маълум бўлди, яъни ботиний олами юзага чиқди, маърифат нури шуълаланди». Байтнинг иккинчи сатрида сўғиларнинг ўз жамоалари мажлисида жазава хуружида рақси самога тушиб, кийимлари чок-чокидан сўқилиб кетишига ишора бор.

Бешинчи ва олтинчи байтларда шоирона ифода-тимсоллар орқали қадимги ва ҳозирги фалсафанинг учта муҳим категорияси тушунтирилган. Булар моҳият ва ҳодиса, мазмун ва шакл, жуз ва кулл (яккалик ва умумийлик) категориялариdir. Бироқ фалсафий категориялар ҳакида гапиришдан олдин нотаниш сўзларнинг маъносини билиб олишимиз керак. Масалан, мосиво – файр, ўзга, ундан бошқа деган маъноларни ифодалаб келади. Мазкур фалсафий-тасаввufий истилоҳнинг «моадо» деган иккинчи атамаси ҳам бор. Навоий девонининг биринчи ғазалида шу сўз ишлатилган. Шарҳланаётган ғазалимизда эса, шоир мосиво деб моддий борлиқ, яъни дунёни назарда тутган. Чунки дунё Мутлақ руҳ билан инсон орасида, яъни қалб билан «У» орасида файр, бегона бир тўсик, ўзгаликдир. Шу каби ошиқ билан маъшуқ орасида парда бўлиб турган жисм, бадан ва унинг эҳтиёжлари ҳам ўзгадир. Шарқ шоирлари асарларида учрайдиган Рақиб – севишганларни ажратиб турувчи шахс шу хусусиятларни жамлаган образ бўлиб гавдаланади.

Бешинчи байтдаги буд – асос, ҳакиқий мавжудликни, намуд – кўриниш, шаклий белгиларни англатса, ҳубоб – сув ва бошқа суюқликлар юзасида пайдо бўладиган пуфакчадир. Бу сўз мавж билан биргаликда ҳаракат, моҳиятнинг зуҳуротини билдиради.

Энди бешинчи байт мазмунини қайд этиш мумкин: «Кўзга ташланган нарсалар (ўзгаликлар) зоти азалийнинг ҳақиқий моҳиятини англатмайди, шу сингари пуфакча ва тўлқин майнинг ўзи эмас, балки шаклий ифодасидир». Ёки бошқача қилиб айтсак: «Май устидаги пуфак ва мавж майнинг моҳиятини акс эттирганидай, «У» дан бошқа кўринган ашёлар «У»нинг борлигини – мавжудиятини белгиламайди, улар ташқи белгилардир, холос».

Шундай қилиб, ташқи дунё ва ундаги нарсалар моҳият эмас, балки ҳодисадир. Моҳият – Рухи мутлақ ёки ориф кўнглидаги маърифат. Айни вактда, моддий дунё – шакл, рух эса – мазмун. Инсон ҳодиса ва шаклларга маҳлиё бўлмаслиги керак, унинг мақсади ва вазифаси моҳият-мазмунни билиб олиш. Тўғрироғи, ҳодиса-шаклни билишдан моҳият-мазмунни билишга қараб бориш. Демак, тасаввуфда дунё мутлақ Рух билан инсон орасидаги тўсиқ деб ҳисобланса-да, бироқ, барибир, дунёни билиш шарт қилиб кўйилган, дунёни билмасдан туриб, моҳиятни (Ҳақни) идрок этиш мумкин эмаслиги тан олинган. Шу тариқа, ҳодиса моҳиятни билиш йўлида имтиҳон, чунки у ранг-баранг ва хилма-хил.

Шарқ файласуфлари бу микдорий кўпликни асмо (исмлар), ашё (нарсалар), сифот (сифатлар), имтиёз (фарқлар), афъол (ҳаракат-фаолият), важҳ (юз, жиҳат) ва бошқа истилоҳлар воситасида тавсиф этиб келганлар. Микдорий хилма-хиллик мантиқий равишда, жузъият ва куллият, яъни тур ва жинс тушунчаларини келтириб чиқаради. Жузъият (тасаввуфилар буни касрат ҳам деганлар) куллиятга, яъни ваҳдатга зиддир. Шундай бўлгач, уларнинг хусусиятида ҳам қарама-қаршилик мавжуд: ваҳдат, бирламчи кудрат, турғун, ҳаракатсиз жавҳар (субстанция) бўлса, касрат – тафсилийлик, доимий ҳаракат, ривожланиш қонуниятига тобе. Демак, майнинг мавж ва пуфакчаларини томоша қилиш, мушоҳада этиш билан чегараланмасдан, худди ҳодисадан моҳиятга қараб борилганидай, касратдан ваҳдатга қараб бориш ва шу асосда бирламчи кудрат нафосатини идрок этиш, ҳузурланиш мумкин. Газалнинг олтинчи байтида бу фикр очиқроқ ифодаланган (бунда таҳрик – ҳаракат, сукун – турғунлик, тиниш): «Пуфак билан тўлқин майнинг ҳаракати, тажаллисидир. Бу ҳаракат тингач, тиниқ майнинг тоза вужудидан бошқа нима қолади?»

Бу вужудни идрок этган киши Ёр ҳузурига мушарраф бўлиб, фано мартабасига яқинлашадиким, газалнинг еттинчи байти шу ху-

сусдадир. Ҳайвон сүйи деб, гүё одамзод ичганда абадий умр то-падиган афсонавий еости мамлакатининг чашмасини атаганлар. Тасаввуфда у ишқ-муҳаббат булоғи, ҳақиқат нурининг манбаини англатади. Байтнинг мазмуни эса бундай: «Ишқ чашмасида ёки ҳақиқий нур манбаида кўрилган қўёш аксими ё жонга ўхшаш май ичида азал соқийсининг гулдай зебо юзи намоён бўлганми?» Соқий сўзи ҳам бу ерда рамзий маънога эга, яъни мутлақ файзиёт, маърифат булоғи демак. Майда Ёр жамолини кўриш, май идишини қўёшга ўхшатиш Навоийнинг севган образларидан. «Ашрақат мин акси шамсил каъси анвор ул худо, Ёр аксин майда кўр деб жомдин чиқди садо» – чиқаётган қўёш косасининг аксидан хидоят нурлари порлаб кўринди, жомдан Ёр жамолини майда кўр, деган садо чиқди. «Ҳазойин ул-маоний» девони мана шу байт билан бошланади. Шоир назарида ловуллаган олов кўраси – муazzзам офтоб ҳам ўша буюк илоҳий қудратнинг инъикоси, мавжудотни ҳаракатга келтирувчи май тўлғазилган жом, унинг порлаши эса – Ёр жамоли.

Ёр жамолини кўрган ошиқ мақсадига эришиб, фано водийсига кириб боради. Фазалнинг охирги икки байти шу маънони ифода-лашга хизмат қиласди. Саккизинчи байтдаги «дайр» аслида насронийлар ва оташпастлар ибодатхонасининг номи, мажозан эса майхона, дунёдир. Дайри фано – ҳайвоний нафсдан қутулган, рӯҳан тирик, маънавий жиҳатдан етук кишилар мажлиси, уларнинг ботиний олами. Навоий бу байтда маънавий ҳақиқатларни кашиф этган одамлар ҳузурини қўмсаш, улар ҳикматидан баҳра олиш тўйгусини ифодалаган. Шунинг учун у пири дайр дегандан ҳам эзгулик ва қарам дарёсининг тимсоли комил инсонни кўзда тутган. Алҳосил, байтнинг мазмуни: «Юрак майхона истайди, чунки унда пири комил кишиларга сабоқ бермоқда, шояд менга ҳам шу май шуъласидан бир нима етса». Ёки: «Кўнгил жисм, вужуд йўқоладиган, фано бўладиган макон истайди. Чунки унда камолот ва етуклик тимсоли маънавий шайх ҳақиқат файзидан элга бир-бир бода тутмоқда. Зора, у бу ҳикмат ва дониш шаробидан менга ҳам бир қултум узатса».

Тўққизинчи байтга келсак, бунда иккита сўз ўзак маъно ташийди. Биринчиси – наво. Навонинг маънолари кўп. У мусика, куй, оҳанг, шу билан бирга, мунтазамлик, тартиб-интизом, симметрия, низомия, нафосат тушунчаларини қамраб олади. Агар бу маъноларнинг ҳаммасини бир жойга йигсак, наво умумбашарий, умумжаҳоний

оламнинг яхлит уйғунлигидан иборат олий гўзалликни ифодалаган бўлади. Модомики шундай экан, ягона руҳий кудратнинг муназам ҳаракати, созкорлиги қайдида қалбнинг шукру шукухи, ором ва осоийшталиги ҳам наводир. Алишер Навоий, шубҳасиз, охирги байтда қалб ороми, ички руҳий қониқиши нашидасини тасвирланган. Бу нашида шоир юрагида бир муаззам куй бўлиб янграган ва муганний (иккинчи ўзак сўз) тушунчаси билан боғланиб кетган. Муганний – чолғувчи дегани. Бу ўринда эса у узлуксиз ёғиб турувчи нур – файзнинг навосини етказувчи, шу неъматдан огоҳ этувчининг тимсолидир. Куй каби оқиб келадиган ушбу нур қалнироҳат-фарогатга гарк этади. Байтнинг насрый таржимасини келтирасак, фикримиз янада ойдинлашиши мумкин: «Эй ишқ, буюк жаҳоний уйғунлик нури навосидан, сафо нашидасидан қониқиши мусассар бўлди, энди Навоий жонининг ипини шу нурни ёғдирувчи чолғувчи асбобига тор қилгин, яъни ўша буюк нур риштасига улаб юборгин». Ёки: «Эй Ишқ, маҳбуб жамолини кўриб, ўзликдан батамом хориж бўлдим – мақсадга етдим, висол куйни вужудимни оғушига олди. Энди Навоийнинг жонини нурининг тарамларига боғла». Бу ерда шоир тахаллуси билан байт мазмуни ўзаро топишиб, ажойиб сўз ўйини ҳосил бўлганини кўрамиз. Шу нуқтада шоирнинг ҳар икки тахаллуси (Навоий ва Фоний) маъно жиҳатидан бир-бирига яқин эканлиги ҳам маълум бўлади.

Улуғ шоирнинг фалсафий мушоҳадаси мана шундай чуқур ва қамровли. Коинот ва инсон унинг назарида яхлит бир бутунликни ташкил этади, бир қонуният билан бошқарилади. Инсон бу қонуният сирларини рух кучи, алоҳида ҳиссий тасаввурлар теранлиги билан билиб олиши даркор.

Хуллас, мазкур ғазалда мажозий тимсоллар ёрдамида тасаввух фалсафасининг билиш назарияси таърифлаб берилган: аввал олами билиш мушкуллигидан кўрқиб саросимага тушиш, ҳайратланиш, кейин ташқи дунё нарса-ҳодисаларини мушоҳада эта бошлаш, зоҳирий мушоҳададан аста-секин моҳиятни идрок қилишга ўтиш. Моҳиятнинг улуғворлигини ҳис этиб, руҳий-тафаккурий қониқиши туйиш. Бу жараён уч босқичга ажратилиб, «илм ул-яқин», «ҳаққ үл-яқин» деган махсус терминлар билан белгиланган эди. Яқин – исбот талаб қилинмайдиган шак-шубҳасиз ҳақиқат. Айн – чашма, кўз, ҳар нарсанинг асли, зот. Тасаввух назариётчиларидан Абдураззоқ Кошоний бундай дейди: «Филжумла, сўфилар ақидасига мувофиқ,

маънавиятни билиш уч хилдир: илм ул-яқин, айн ул-яқин ва ҳаққ ул-яқин. Аввалги ҳолатда одам маълумни ақлий далил, ҳужжат келтириш билан идрок этади ва иккинчи ҳолатда билиб олинган, исботланган маълумни мушоҳада этади ва учинчи ҳолатда ҳақиқатни идрок этишга етади». (Абдураззоқ Кошоний. Масобих ул-хидоя, 52-бет). Бу бамисоли Куёш шуъласи ва ҳароратини далил келтириш билан исботлаш (илм ул-яқин), қуёш жисмини кузатиш билан аниқлаш (айн ул-яқин) ва қуёш вужудининг мусаффо нурдан иборат эканини қалбан идрок этишдай (ҳаққ ул-яқин) гап. Ҳужвирий деган олим назарида эса «илм ул-яқин – ақл аҳли учун, айн ул-яқин илм арбоблари учун, ҳаққ ул-яқин орифлар учундир». (Хужвирий. Кашф ул-махжуб, 497-бет).

Демак, бу фалсафий силсилага мувофиқ, ҳақиқат тажрибадан олдин мавжуддир, у мантиқ кучи билан эмас, балки ҳис – рух воситаси билан, яъни интуиция ёрдамида билиб олинади. Чунки ҳақиқат инсоннинг ўз қалбига, кўнгил кўзгусида. Фаҳмлаган бўлсангиз, дунёни билишининг бу усули немис олими И. Кант (XVIII аср) «нарса ўзида» ва «априор» (тажрибадан аввал мавжудлик) тушунчалари остида ривожлантирган фалсафий таълимотга ўхшаб кетади. Биз ҳам худди шуни таъкидламоқчи эдик, яъни тасаввуф, баъзи тадқиқотчилар айтмоқчи, бир дин ўрнига келган янги, мураккаблаштирилган ва мистик туйғуларни қондиришга хизмат қилувчи иккинчи дин эмас, балки оламни билишга йўл очган, шу сабабли ҳам фикрий-ҳиссий мушоҳадакорлик, ҳурфиксаликни ёқлаб, инсонни тадқиқ этишга дикқат қилган катта фалсафий оқимдир. Ана шу жиҳати билан у динга нисбатан олға ташланган мухим қадам бўлди ва башарий тафаккур тараққиётига шубҳасиз ижобий таъсир кўрсатди. Алишер Навоийга ўхшаш гуманист мутафаккирлар учун эса у инсон табиати ва тийнати ҳақида, жамият, ҳаёт воқеа-ходисалари, моҳияти тўғрисида ўйлашга имкон берадиган кидириш-изланиш майдони, таянч нуқтаси бўлиб хизмат қилган. Улуғ шоир буни биринчи девонига киритган, ҳар банди:

Харобот аро кирдим ошуфтаҳол,  
Май истарга илгимда синфон сафол, –

дея яқунланувчи таржеъбандида равшан баён этган. Таржеъбанди ўқир эканмиз, муаллифнинг рози дилидан огоҳ бўламиз, чун-

ки у ёшлигидан бошлаб ҳар хил илмларни ўргангани, ҳар хил «саргузашт»ни бошидан кечириб, дунё ва унинг одамлари ҳақида кўп мулоҳаза юритганини ёзади. Шоҳу сultonлар дабдабаси, шайхул ислом ва уламо-умаролар, ман-ман деган донишмандлар сұхбати уни қониқтирмаган, уларнинг бирортаси ҳам инсон қаршисида пайдо бўладиган минглаб саволларга жавоб беришга қодир эмас эди. «Назар айла бу коргоҳ вазъига, ки ортар тамошосида ҳайратим», – дейди шоир. Олам моҳияти нимадан иборат, инсон нега дунёга келади ва яна нега кетади? Нега қўёш ҳар тонг нур сочиб чикади, фалак доим гардишда? Нега инсон зоти бир ҳил эмас? Фирибгарлик, қонхўрлик, риё, ёлғон қаердан келиб чиқкан? Бу ва бунга ўшаган саволлар Навоийни ҳамиша қийнаб келган. На ўзимнинг «саъи ила фикратим», «на қасби улум этти ҳал мушкулим», – деб ёзади у. Юрагида ҳар хил андишалар, шубҳалар кезгани, лекин замона тафқури доирасидан батамом чиқиб кетишига журъат қилолмаганини эслатади. Ва оқибатда:

Менинг бошима бас қотиғ тушди иш,  
Чу тоқ ўлди бу дард ила тоқатим, –

дэя ўзини тасаввуп билан овутади, яъни «май била улфат» тутина-ди.

Шундай қилиб, тасаввуп Навоийга жаҳолатдан қутулиш, дунёни билишга, чанқоқ юракни маълум даражада тинчтишига кўмак берган. Бунинг икки сабаби бор: биринчиси шуки, Навоий яшаган замоннинг ақлий тараққиёт даражаси, фан ривожи реал дунё воқеаларини илмий асосда тушуниришга ожизлик қиласарди. Иккинчиси эса, бу яна муҳимроқ: инсоннинг ақлий имкониятлари, донолиги билан ахлоқи, аъмол-нияти орасида мавжуд бўлиб келаётган номувофиқликларидир. Навоий ақлу заковати ҳайратланарли, қилни қирқ ёрувчи кишилар ичида нафс домига тушган, зулм ва бадкирдорлиги билан машҳур бўлганларни кўп кўрган эди. Шунинг учун улуг гуманист шоир ахлоқни – фазилатлар тарбиясини биринчи ўринга қўядиким, бу ҳам тасаввупона мурожаат этишига олиб келарди. Зоро, тасаввуп бутун эътиборни айнан инсон ахлоқини поклашга қаратиб, шу мақсадда турли йўл-йўриқлар, амалий тадбирлар ишлаб чиқкан эди. Тасаввуп одамни виждони билан юэмаяз қўйиб, ўзи ҳақида ўйлашга мажбур этар, ҳақиқат ва эътиқод поклиги руҳида тарбияларди.

Оламни ягона деб эътироф этиш билан тасаввуф юзаки нарсалар, қуруқ ақидаларга кўр-кўрона тақлид қилувчи, мустақил фикрдан маҳрум одамларни танқид остига олди, асосий эътиборни Оллоҳ васлига етишиш, деб билди. Навоийнинг мана бу рубойиси ҳам шу маънони ифодалайди:

*Зоҳид, сенга хуру менга Жонона керак,  
Жаннат сенга бўлсин, менга майхона керак,  
Майхона аро соқию паймона керак,  
Паймона неча бўлса тўло, ёна керак.*

Бунда ҳам май илоҳий файз рамзи, Жонона – Парвардигор, майхона – ориф ҳузури, соқий – ўша пир, паймона – ишқ. Лекин Навоий дунё гўзаллиги (мажозий гўзаллик) ни ҳам инкор этмаган. Зеро, Жомий ва Навоий мансуб бўлган нақшбандия таълимоти қаноат ва тийилишни талаб этса-да, бироқ дунё гўзаллигидан ҳузурланишни ҳам назардан соқит этмайди. Негаки, модомики реал дунё Мутлақ руҳ инъикоси экан, демак, уни севиш ва ундан баҳра олиш мумкин. Шу асосда инсоннинг инсонга муҳаббати ҳам табиий ва зарурий деб топилган, яъни, мажозий ишқ орқали илоҳий ишққа қараб бориш. Навоий ўзини ана шу «ишқи мажозий» куйчилари сирасига киритади. Дарҳақиқат, биз таҳлил этган ғазалга ўхшаган соғ тасаввуфий маънода ва «ишқи ҳақиқий»ни васф этувчи асарлар Навоий ижодида асосий ўринни згалламайди. Аммо шуниси борки, ибораларнинг тимсолиyllиги, рамзий-символик маънолар «дунёвий ғазаллар»да ҳам сақланган. Ойбек айтганидай, бу ерда конкрет бирор шахс муҳаббати назарда тутилмайди, балки умуман яхши инсонни севиш мадҳ этилади. Ишқ Навоий наздида покбозлиқдир, яъни: «пок кўзни пок назар билан пок юзга солмоқдур ва пок кўнгул ул пок юз ошушибдин қўзғалмоқ ва бу пок мазҳар воситаси била ошиғи покбоз маҳбуби ҳақиқий жамолидин баҳра олмоқ» («Маҳбуб ул-қуулуб», 42-бет). Шунинг учун, масалан, дейлиқ, «Келмади» радифли ғазални муножот куи огушида берилиб тингларканмиз, «Эй Навоий, бода бирла хуррам эт кўнглунг уйин, Не учунким, бода келган уйга қайғу келмади», деган мақтани эшитганда, шоирнинг лирик қаҳрамони ёрини кутавериб қийналганидан, уйига кириб аламидан роса ичиб олибди-да, деб ўйласак, ўта калтафаҳмлик қилган бўлардик. Бундай ғазалларда ҳам бода, шароб, май сўзлари ўша мажозий маънода – муҳаббат шавқини бил-

дириб келишини эсдан чиқармаслик керак. Бундан ташқари, Навоий бодани «кўнгил ўйини хуррам этувчи» нарса деганда, ёрни кўнглида сақлаш, унинг ёди билан яшаши таъкидлаган. Негаки, нақшбандия сулукіда ёр, хотира, эсга олиш тушунчалари мухим ўрин эгаллайди. Абдулҳаким Табибийнинг ёзишича, нақшбандияда туз йўлга кирган одам қалбida «эътиқод нури, тавхид нури, маърифат нури, хидоят нури, хотира, аждодлар ёди нурининг бодаси» жўшиб туриши лозим. (Абдулҳаким Табибий. Афғонистонда тасаввуф ривожи, 10-бет). Бунда эсга олиш, ҳофиза қуввати ҳақида ҳам гап борадики, бу ватан, эл-улус ғами каби кенг маъноли тушунчалар билан bogланиб кетади.

Шундай қилиб, тасаввуф инсонни улуғлаш, ҳаётнинг қадрига етиш, умрни оқилона ўтказиш ғояларини тарғиб қилишга назарий замин ҳозирлаб, инсонпарвар шоирларнинг илҳомига илҳом кўшган. Бу таълимотнинг негизи савқи табиий, руҳий қўзғалиш, ваҳийлик ҳам шоирона тафаккур қайфиятига мос тушарди. Ва умуман, биз шайхлар, орифлар тасаввуфидан ижодкорлар тасаввуфини фарқ қилишимиз керак. Сўфилар учун тариқат зикри самоъ, важду ҳол, қасбу каромат эди. Аттор, Румий, Жомий, Навоий сингари буюк шоирлар учун эса у шуурий мушоҳада усули, инсон зотини маънавий баркамол ҳолда кўриш орзузи, сирли-хаёлий оламни тасаввурда яратиб, Идеал бир гўзаллик ишқида ёниш бўлган. Одамнинг асрлар давомида абадий ҳаёт, руҳнинг ўлмаслиги ҳақида ўйлаб келган армонлари, ривоят-асотирлар бу бехудуд романтик олам уфқини кенгайтирган. Шу боис, тариқат хонақоҳида ўтиргмаган, яъни расман сўфи бўлмаган Алишер Навоий мазкур таълимотни маслак, мафкуравий эътиқод сифатида кабул қилиб, ўзининг инсоншунослик, ҳақпаратстлик ва адолатпаратстлик ғояларига бўйсундирган эди. Шоҳ ва шаҳзодаларни инсофга чақириш, риёкор шайхлар, бетавфиқ сўфиларни фош қилишда ундан фойдаланди. Шоирнинг ижоди ана шундай мураккаб ва кўп қиррали, ибора-образлари кўп маъноли, теран. Унинг ҳар бир асари устида тўхталганда, бу хусусиятни, албатта, эътиборга олиш лозим.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ШОИР ҚАЛБИНИНГ ФИФОНИ

*Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни.*

(«Фаройиб ус-сифар», 638-ғазал)

Улуғ Навоийнинг ҳар бири бир жаҳон маъно, бир олам ҳис-туйғу ифода қилгучи байтларини такрор-такрор ўқиб ҳар сафар кўнглимиз сурур ва ҳаяжон билан тўлади, ҳар сафар бу олмос сатрларнинг янги қирраларини қашф қиласми, янги-янги маъно товланишлари-ни кўриб ҳайратланамиз. Мана шу матла билан бошланувчи ғазал ўзбекнинг хонадонида дам-бадам меҳмон бўлади. Уни машҳур ҳофизларимиз мақом йўлларида жуда таъсирили ижро этганлар. Бу ғазал дунёнинг ғаму андуҳидан зардобга тўлган шоир қалбининг ағфонидир.

ИНсон юраги ва тафаккури ҳаддан зиёд севинчни ҳам, ғамни ҳам қабул қилолмаслик хусусиятига эга. Туйгуларнинг оғатли сели кишини телба қиласди. Шоир ўз жонини жунун, яъни телбалик водийсига мойил кўради, бузилган ҳаёти – рўзгори уни ақлдан оздиргани, энди телбаликни бўйнига олиб дашту саҳролар кезишдан ўзга иложи қолмаганини ва телбалик – бузиш, вайрон қилиш экан, демак, бузилган ҳаётини бир йўла вайрон қилмоқ тилагини фарёд билан ифшо қиласди:

*Жунун водийсига мойил кўрармен жони зоримни,  
Тилармен бир йўли бузмоқ бузулғон рўзгоримни.*

Шоир дунёдан шунчалар кўнгли қолган, совиганки, оқибатсиз одамлардан шунчалар меҳри қайтганки, бу ҳаётдан ҳеч бир нишонсиз йўқ бўлиб кетишини тилайди. Инсон жисми-ку хоки губор бўлмоққа маҳкум, лекин шоир истаги:

*Фалак бедодидин гарчи мени хокий губор ўлдум,  
Тилармен, топмагайлар тўтиёликға губоримни.*

Яъни, золим одамлар мени тириклигимда хўрладилар, қадримга етмадилар. Вакт келарки, менинг одамларга кўргизган меҳру садоқатим, фидойилигим аён бўлар. Кишилар менинг қадримга етарлар, мозорим хокини кўзларига тўтиё қиласлар. Лекин тириклигимда бедодлик қилганлар мен дунёдан ўтгач ўқинмоқлари бенаф,

күзларига түтиё қилмок учун ғуборимни топмағайлар. Ўшанды, эй ахли ғафлат, Навоий қайга азм этти, деб сұраманг, мен тириклигимдаёк ихтиёрим жиловини қазонинг қўлига бериб қўйганман:

*Деманг, қай сори азм этгунг, манга йўқ ихтиёр, охир  
Қазо илкига бермишмен инони ихтиёrimни.*

Ошик дунёning жабру жафосидан кўп қонли ёшлар тўқди. Оқибат кўзларида ўша қон ёшлар ҳам қуриб тамом бўлди, факат заъфарондек сарғайган юзи қолди. Шоир бу ҳолатни ҳайратомуз ташбеҳга боғлади: Золим фалак менинг баҳоримни олиб, ҳазон фаслини менга берди. Бу лоладек қон ёшларим тугаб, ҳазондек сарғайган юзим қолганидан намоён бўлиб турибди.

*Туганди ашки гулгун, эмди қолмиш заъфароний юз,  
Фалак зулми бадал қилди ҳазон бирла баҳоримни.*

Навоий даҳр эулмидан бошига ёғилган балоларни байтдан байтга кучлироқ фарёд билан баён қиласди. Биринчи байт ошиқнинг «жунун водийсига мойил» бўлганини, иккинчи байт дунёдан тамом йўқ бўлиб кетиш тилагини ифода қилса, ғазал сўнгига яқин шоир буларнинг барчасидан ортиқ оғатни қаламга олади – бу оғат телба бўлишдан ҳам, дунёдан беному нишон кетишдан ҳам оғир бир оғат. Бу – ёру диёрдан жудо бўлиш мусибати. Навоий шундай ёзади:

*Диёrim ахли бирла ёрдин бошимга юз меҳнат,  
Не тонг, бошим олиб кетсан қўюб ёру диёrimни.*

Яъни, агар мен ёру диёrimни ташлаб бош олиб кетар бўлсам, бунинг боиси ёрдан ва диёrim одамларидан бошимга минг балолар ёққанидир. Тақдир менинг бошимга солган бу савдо шундай оғир савдоким...

*Ёмон ҳолимга бағри оғригай ҳар кимсаким кўргай,  
Багир парголасидин қонға булғонғон узоримни.*

Бағрим пора-пора бўлганидан қонга бўялдим, бу ҳолимни кўрган ҳар бир кимсанинг бағри оғримай иложи йўқ.

Тириклик шоирнинг наздига – дард. Бу дарднинг давоси эса ёлғиз ўлим. Асли шаробдан келган бош оғриқнинг давоси шароб. Аммо шоир учун тириклик шаробининг дафъи хумори заҳри қотилдир.

Хаётим бодасидин саргаронмен асру, эй соқий,  
Қадаҳқа захри қотил қүй, дөғи дафъ эт хуморимни.

Яъни, ҳаёт бодасини ичиб бошим оғирдур, эй соқий, қадаҳга  
захар күйиб бергин-да, менинг бошим оғриғини даф эт. Чунки бу  
дунёда ўлмай туриб тинчимак мүмкін эмас, шу боис мени дардлар-  
дан озод қылмоқчы бўлсангиз, бору йўғимни ёқинг:

Жаҳон таркини қилмай чунки тинмоқ мүмкін эрмастур,  
Навоий, қил мени озод ўртаб йўқу боримни.

Навоийнинг бу машҳур ғазали фалак бедодидан, замон бедо-  
дидан шоирнинг чеккан ноласи бўлиб, неча асрлар оша девондан  
девонга кўчирилиб, оғиздан-оғизга ўтиб, ҳам китоб варакларида,  
ҳам қўшиқлар қанотида бизгача етиб келди. Бу кун биз – улуғ бо-  
бомизнинг олис набиралари беқиёс истеъдод қаламидан тўкилган  
мана шундай сатрларни ўқиб, эшишиб онгимиз ва юрагимиз билан  
баҳрамандлик топамиз, узоқ-узоқ замонларнинг садосини тингла-  
гандай бўламиз:

Жунун водийсиға мойил кўрармен жони зоримни...<sup>1</sup>

Эркин ВОХИДОВ

### ЭВРУЛАЙ БОШИНГГАУ ...

Эврулай бошинггау бехушу ҳайронинг бўлай,  
Бир замон садқанг бўлай, бир лаҳза қурбонинг бўлай.

Хони васлингдин агар қовса ракибинг, рағмиға  
Кўнглум истардек тахайюл бирла меҳмонинг бўлай.

Нетти жон топсам висолингдин лабингнинг холидек,  
Кўзу зулфунгдин неча маству паришонинг бўлай.

Хуштурур васлинг майдидин ҳар тараф хирқамда доғ,  
Нечо, жоно, мубталойи доғи ҳижронинг бўлай.

<sup>1</sup> Э. Вохидов ғазални байтма-байт тўлиқ шарҳлашни мақсад қилмаган. Шунинг учун шарҳдан З-байт ва унинг таҳлили ўрин олмаган. Умуман, улар ўзига хос шоирона шарҳлар – Н.Ж.

*Гарчи бандангман, мени озод қилма лутфдин,  
Ким қуюндеқ садқайи сарви хиромонинг бўлай.*

*Танни жилванг вақти туфроғ айлай, эй чобуксувор,  
То бошингга эвруулурға гарди майдонинг бўлай.*

*Эй Навоий, гунгу лол истар эсам тонг йўқ, сени  
Тобакай озурдайи фарёду афғонинг бўлай.*

(«Фаройиб ус-сиғар», 644-ғазал)

### **Луғат**

**Эврулмоқ** – айланмоқ.

**Хон** – дастурхон.

**Рағм** – хор тутиш, назарга илмаслик; аксига, бирорнинг майлига тескари иш қилмоқ.

**Тахайюл** – хаёл қилмоқ, тасаввур этмоқ.

**Хирқа** – дарвешлар кийими.

**Тонг йўқ** – ажаб эмас, ҳайрон бўлмоқ.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Эй ёри азиз, бошингда айланай, ҳуснинг ишқида бехушу ҳайронинг бўлай, бир нафас садқангу бир лаҳза қурбонинг бўлайин.
2. Агар рақибинг (душманинг, талабгоринг) васлинг дастурхонидан мени қувса, унинг қасдма-қасдига (аксига) тасаввуру хаёлимда кўнглим истаганча меҳмонинг бўлайин.
3. Худди лабингнинг холидай висолингдан жон топсам на бўлур ҳам кўзингдан масту зулфингдан паришонинг бўлайин.
4. Васлинг майдан дарвешлик хирқамнинг ҳар жойида доғлар пайдо бўлгани яхши, аммо эй жоним, қачонгача айрилиқ доғига мубтало бўлайин?
5. Агар банданг бўлсам ҳам менга лутфу марҳамат кўргузиб, озод қилма, токи қуон каби сарвдай қадингнинг садқаси бўлайин.
6. Ҳуснинг жилва қилган вақтда, эй чопкир от минган гўзалим, танимни тупроқдай гард-гард қиласай, токи сен майдонга от чоптириб кирганда, губордай кўтарилиб, бошингдан айланайин.
7. Эй Навоий, гунгу лолу ҳайрон ҳолатда сени истасам, айб қилма (ажаб эмас), ахир қачонгача ҳажрингда фарёду фифон чекиб, азоб тортайин?

## Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Хар бир ғазалда Ёр жамоли ва унга ошуфта ошиқнинг дил изтироблари алохида тарзу тароват, майин, латиф ташбехларда куйлангани каби бу ғазалда ҳам лирик ҳислар ўзига хос муносаб бадиий санъатлар билан ифодаланганини кўрамиз. Ошиқ – бетоқат, Ёр учун қурбон бўлишга тайёр, у ўз севгилиснинг жамолидан тўймайди, унинг атрофида гиргиттон бўлишга, бошидан юз марта айланиб, парвонадай ишқини изҳор этмоқчи. Шоир ана шу садоқат туйғусини бўрттириб тасвир этади. Ошиқ рақибини кўрага кўзи йўқ, бироқ уни кувишга курби етмайди, чунки Ёри рақиби билан бирга. Аксинча, рақиб уни кувиб ҳайдайди. Ана шунда у хаёлан рақибидан уч олади, яъни хаёлида рақиб истагини писанд қилмай, Ёр меҳмони бўлади. Ажойиб қашфиёт, ажиб бир тасвир!


Ёки учинчи байтга эътибор қилинг. Ошиқ Ёр лабидаги холга ҳавас қиласди, чунки у васл оғушида – Ёр билан бирга. Қанийди мен ҳам шу хол каби висолдан жон топсам, ярасам, муродимга етсам, ҳолбуки, мен Ёр кўзидай маст, зулфидай паришонхолман, дейди ошиқ. Хол – аслида тасаввуфда ваҳдат нұктаси, яъни зоҳирий олам мушоҳадасидан ботиний олам мушоҳадаси орқали куллиётга етиш, Оллоҳ жамоли моҳиятини идрок этишга ишора. Бироқ бу ғазалда холнинг ушбу маъноси билан реал инсоний гўзаллик белгиси сифатидаги мазмуни бирлашган. Бошқача айтганда, реаллик ва рамзийлик, илоҳий маъно дунёвий маъно билан бирлашгандир. Шу боис ошиқ хол бўлгиси келади, яъни Ёр васлига етиб, ваҳдатни исботлашга чоғланади.

Кўзнинг ошиқни маст қилиши унинг жонон жамолининг аёнлашуви – кўринишидан беҳуду беҳуш бўлишга ишорадир. Умуман, кўз инсоннинг моҳиятини акс эттиради ва кишининг кишига таъсири ҳам, авваламбор, кўз орқали кечади. Шу боис, маъшука кўзи ошиқ дилини ром этувчи кудратли нурга эга. Зулф эса паришонлик ва ҳижрон рамзи. Зулф ошиқларнинг юзини беркитади (юз – моҳият, манба бўлса, зулф, соч – уни ёпувчи парда). Зулф – моддий дунё қасратига ҳам ишора этади. Дунёни тўла забт этиб, англаб, юзни очган дарвеш Ҳакқа етади. Кейинги байтдаги «vaslīng māyi», «хирқа доги» иборалари ҳам шу талқиннинг давомидир. Бешинчи байтда чиройли ташбех бор:

биринчи мисрадаги озод (эркинлик) сўзи билан иккинчи мисрадаги сарвихиромон сўzlари ўзаро маънодош.

Шу тариқа, қалбни туғёнга солувчи ҳам илтижо, ҳам ёлво-риш, садоқату фидойиликни ифодаловчи шеър ҳосил бўлганки, бу улуғ шоир мўъжизаларидан бири сифатида юз минглаб инсонлар қалбини сархуш ва мафтун этувчи куйдай жаранглаб ҳузур бағишлаб келди, уни қайта-қайта ўқигинг, завқу шавқингни баҳам кўргинг келади.

Нажмиддин КОМИЛОВ



«НАВОДИР УШ-ШАБОБ»  
(ЙИГИТЛИК НОДИРЛИКЛАРИ)



## ИЙДИ РУХСОРИНГ КҮРУБ ...

Ийди рухсоринг күруб, бүлди улус ҳайрон санго,  
Эй, улус ийди юзунг, жоним менинг курбон санго.

Шамъ эмас ердин, кавокиб чархдин байрам туни,  
Ким эрур ер-күк туман минг күз билан ҳайрон санго.

Ийдгахда гард эмас, балким етишгач мақдаминг,  
Күпти ердин садқа бўлмоқ истабон майдон санго.

Хусрави анжум дегайким секретур кўк тавсанин,  
Ийдгахда кимки кўрса рахш ила жавлон санго.

Чатр шаклидин самовий барча оғат дафъига  
Тенгри айлабтур насиб ўз хифзидин қалқон санго.

Нотавон жисмимга байрамлиқ била бер сиххате,  
Ким кўнгул уммедвору мунтазирдур жон санго.

Неча байрамларда кийган жандасин фақр ахлининг  
Хор кўрма, эйки хильятур неча алвон санго.

Ийдоҳ ахлин даме қилма паришон, эй сипехр,  
Ким эрур бу жамъ бир-икки замон меҳмон санго.

Эй Навоий, дурри назминг хутбадек топқай шараф,  
Лутф ила қилса назар байрам куни сulton санго.

(«Наводир уш-шабоб», 17-ғазал)

### Лугат

**Ийд** – ҳайит, байрам.

**Кавокиб** – юлдузлар.

**Мақдам** – қадам.

**Анжум** – юлдузлар.

**Тавсан** – чопқир от.

**Рахш** – от (Рустами достон оти).

**Чатр** – соябон.

**Алвон** – ранг-баранг.

**Хутба** – подшо сайлаш (подшоликка эътироф қилиш) дуоси.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Шодлик кайфиятидан яшнаган юзингнинг байрамини кўриб, халқ сенга ҳайрон бўлди. Дарҳақиқат, юзингни кўриш халқ учун байрам, менинг эса жоним сенга қурбон.
2. Байрам кечаси факат ердаги шамлар эмас, кўқдаги юлдузлар ҳам порлаб турибди. Еру кўк гўё минг-минг кўз билан сенга ҳайрон бўлиб тикилгандай.
3. Байрам майдони – ийдохга қадаминг етгач, губору чанг кўтарилид. Аммо бу губору гард эмас, балки сенга садқа бўлмоқ учун майдоннинг ўзи кўтарилиб, пешвоз чиқди.
4. Ийдоҳ майдонида от миниб кирганингни кўрган одам сенга қараб: бу юлдузлар подшоси осмон тулпорини ўйнатиб турибди, дейди.
5. Бошинг устидаги соябон гўё сени самовий оғатлардан саклаш учун Тангри ато қилган қалқон кабидир.
6. (Эй ёр), менинг нотамом жисмимга қувват бўлсин учун байрамлик тухфа тариқасида сихматингга мушарраф эт, чунки кўнглим бундан умидвор ва жоним сенга мунтазирдир.
7. Сенинг кийган кийимларинг қимматбаҳо ва ранг-баранг, аммо фақир дарвеш устидаги бир неча йиллик жанда кийимни кўриб, унга таҳқир кўзи билан қарама, уни хор тутма.
8. Эй фалак, ийдоҳда йигилганларни ҳар сари тўзғитиб юборма, зеро бундай байрамона йигинлар йилда бир-икки марта кела-диган меҳмондай гап.
9. Эй Навоий, агар байрам куни сulton сенга марҳамат юзидан бир назар қилса, назмингнинг дури (маънолари) подшоларга таҳта ўтириш ҳуқуқини берувчи хутба – дуодай шараф топар эди.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Ўзига хос лирик лавҳа чизилган: шаҳар ва қишлоқларда рамазон, қурбон ҳайитлари (ийд) кенг нишонланиб келинади. Одамлар шаҳарлардаги байрам қилинадиган жой – ийдоҳга йигиладилар, ўйин-кулги, хурсандчилик давом этади. Ана шундай пайтда байрам шодлигидан юзи яшнаган яқин кишингиз – азиз инсон от суриб, ийдоҳ майдонига кириб келса, кўнгиллар яна ҳам фараҳ ва хурсандликка тўлади. Навоий ана шундай воқеанинг шоҳиди бўлади. Нафакат ошиқ дили, балки бутун халқ гўзал чехрани кўриб ҳайрон қолади, шодлик устига шодлик, ийд устига ийд қўшилиб кетади. Ли-

## ИЙДИ РУХСОРИНГ КҮРУБ ...

Ийди рухсоринг күруб, бўлди улус ҳайрон санго,  
Эй, улус ийди юзунг, жоним менинг курбон санго.

Шамъ эмас ердин, кавокиб чархдин байрам туни,  
Ким эрур ер-кўк туман минг кўз билан ҳайрон санго.

Ийдгахда гард эмас, балким етишгач мақдаминг,  
Кўпти ердин садқа бўлмоқ истабон майдон санго.

Хусрави анжум дегайким секретур кўк тавсанин,  
Ийдгахда кимки кўрса рахш ила жавлон санго.

Чатр шаклидин самовий барча оғат дафъига  
Тенгри айлабтур насиб ўз ҳифзидин қалқон санго.

Нотавон жисмимга байрамлиқ била бер сиххате,  
Ким кўнгул уммедвору мунтазирдур жон санго.

Неча байрамларда кийган жандасин фақр аҳлининг  
Хор кўрма, эйки хилъаттур неча алвон санго.

Ийдоҳ аҳлин даме қилма паришон, эй сипехр,  
Ким эрур бу жамъ бир-икки замон меҳмон санго.

Эй Навоий, дурри назминг хутбадек толқай шараф,  
Лутф ила қилса назар байрам куни сulton санго.

(«Наводир уш-шабоб», 17-ғазал)

### Луғат

**Ийд** – ҳайит, байрам.

**Кавокиб** – юлдузлар.

**Мақдам** – қадам.

**Анжум** – юлдузлар.

**Тавсан** – чопқир от.

**Рахш** – от (Рустами достон оти).

**Чатр** – соябон.

**Алвон** – ранг-баранг.

**Хутба** – подшо сайлаш (подшоликка эътироф қилиш) дуоси.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Шодлик кайфиятидан яшнаган юзингнинг байрамини кўриб, халқ сенга ҳайрон бўлди. Дарҳақиқат, юзингни кўриш халқ учун байрам, менинг эса жоним сенга курбон.
2. Байрам кечаси факат ердаги шамлар эмас, кўқдаги юлдузлар ҳам порлаб турибди. Еру кўк гўё минг-минг кўз билан сенга ҳайрон бўлиб тикилгандай.
3. Байрам майдони – ийдоҳга қадаминг етгач, губору чанг кўтарилид. Аммо бу губору гард эмас, балки сенга садқа бўлмоқ учун майдоннинг ўзи кўтарилиб, пешвоз чиқди.
4. Ийдоҳ майдонида от миниб кирганингни кўрган одам сенга қараб: бу юлдузлар подшоси осмон тулпорини ўйнатиб турибди, дейди.
5. Бошинг устидаги соябон гўё сени самовий оғатлардан сақлаш учун Тангри ато қилган қалқон кабидир.
6. (Эй ёр), менинг нотамом жисмимга қувват бўлсин учун байрамлик тухфа тариқасида сихъатингга мушарраф эт, чунки кўнглим бундан умидвор ва жоним сенга мунтазирдир.
7. Сенинг кийган кийимларинг қимматбаҳо ва ранг-барант, аммо факир дарвеш устидаги бир неча йиллик жанда кийимни кўриб, унга таҳкир кўзи билан қарама, уни хор тутма.
8. Эй фалак, ийдоҳда йигилганларни ҳар сари тўзғитиб юборма, зеро бундай байрамона йигинлар йилда бир-икки марта кела-диган меҳмондай гап.
9. Эй Навоий, агар байрам куни султон сенга марҳамат юзидан бир назар қилса, назмингнинг дури (маънолари) подшоларга тахтга ўтириш ҳуқуқини берувчи хутба – дуодай шараф топар эди.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Ўзига хос лирик лавҳа чизилган: шаҳар ва қишлоқларда рамазон, курбон ҳайитлари (ийд) кенг нишонланиб келинади. Одамлар шаҳарлардаги байрам қилинадиган жой – ийдоҳга йигиладилар, ўйин-кулги, хурсандчилик давом этади. Ана шундай пайтда байрам шодлигидан юзи яшнаган яқин кишининг – азиз инсон от суриб, ийдоҳ майдонига кириб келса, кўнгиллар яна ҳам фараҳ ва хурсандликка тўлади. Навоий ана шундай воқеанинг шоҳиди бўлади. Нафақат ошиқ дили, балки бутун халқ гўзал чехрани кўриб ҳайрон қолади, шодлик устига шодлик, ийд устига ийд қўшилиб кетади. Ли-

рик қаҳрамонимиз ёр жамолини кўриб, ўзини қурбон қилишга тайёр. Фазал асосан ана шу гўзал манзара ва ундан ошиқ кўнглида пайдо бўлган шодиёна – нажиб кечинмаларни тасвирилашга бағишиланган. Бунда, кўпчилик фазалларда бўлганидай, маҳзунлик ва айрилиқ дарди изҳори йўқ.

Шоирнинг маҳорати шундаки, ана шу латиф манзарани ниҳоят жонли, нозик бир усулда гавдалантирган. Гўзал ёр ташрифидан одамларгина эмас, майдон ҳам очилиб, яйраб кетгандай. Бу инсонга садқа бўлмоқ учун гўё «майдоннинг ўзи кўтарилиб пешвоз чиққандай». Байрам кечаси эса ердаги сон-саноқсиз шамлар, чироқлар баробарида юлдузлар ҳам ёрқин порлаб, базмга қўшилгандай ва шу аснода «еру кўк минг туман кўз билан» маъшуқни тамоша қилаётгандай, гўё бу инсон юлдузлар шоҳи каби осмон тулпорини миниб, ўйнатиб тургандай туюлади. Ёринг соябони ҳам илоҳий маъно касб этиб, уни оғатлардан ҳимоя қилаётган самовий қалкон, деб таърифланаиди. Ёрни ана шундай самовий ташбеҳлар билан тасвирилагандан сўнг Навоий «кошки байрамлик тұхфаси сифатида мени сиххатига мұяссар этса», деб умид билдиради ва ўзини факир дарвешлар қаторига қўшиб, хор этмасликларини илтико қилиб сўрайди ва: байрам куни сulton назарига тушсайдим кошки, деган орзуни билдиради.

Фазал охиридаги ана шу ишора балки ушбу фазал Ҳусайн Бойқарога бағишилангандир, деган фикрга олиб келади. Ахир, сulton ҳар байрамда майдонга ташриф буюриб, раиятни қутлаган ва бирга хурсандчиллик қилган. Нима бўлганда ҳам, ўқувчи кўз олдида фараҳли бир шодиёна, дилхушлик манзараси гавдалантирилган, бир лирик лавҳа чизилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ЖОНДА ҚЎЙДИМ ЧИРМАГОН МАКТУБИНИ...

Жонда қўйдим чирмағон мактубини ҳижрон аро,  
Билмон ул мактубдур, ёхуд «алиф»дур «жон» аро.

Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул хирзул-амон  
Ким, ғамим айш этти, еткач кулбайи аҳзон аро.

Риштайи олийки чирмаб эрди, очиб асрадим  
Хунфишон кўз рагларидек дийдайи гирён аро.

*Нотавон жисмим күрунди заъфдин ул риштадек,  
Баски тўлғонди ики кўзумдин оқкан қон аро.*

*Гарчи жонондин азиз эрмас, эрур жондин азиз  
Ким, васила бўлди маҳзун жон била жонон аро.*

*Рукъайи эҳсондин, эй муњим, гадо комини бер  
Ким, бу янглиғ ганж топмас кимса бу вайрон аро.*

*Эй Навоий, номайи мақсад етти, хушдил ўл  
Ким, хати озодлиғ будир ғами ҳижрон аро.*

(«Наводир уш-шабоб», 20-ғазал)

Навоий ғазалиётидаги инсон руҳи товланишларининг турфа ва нозик инъикосини кўриш мумкин. Инсон руҳияти иқлимидағи барча ботиний кечинмаларни ипидан игнасиғача илғаб олиш, тирик инсон ҳаётидаги ташвиш ва қувонч, умидворлик ва тушкунлик, муҳаббат ва нафрят, инкор ва ифтихор, алам, изтироб, ўқинч, армон, илтижо, муножот онларини ҳассослик билан сезиш қобилияти Навоийга руҳият қомуси янглиғ ғазал ҳазинаси яратиш баҳтини ато этган. Инсон табиатига хос бу туйғуларнинг жами ғазал лирик қаҳрамони ҳасби ҳоли орқали бизнинг қалбимизга йўл топади. Лирик қаҳрамон кечинмаларининг кўпчилиги бевосита шоирнинг ўз қалбидан кечганки, демак, биз ғазал орқали ҳазрат Навоий руҳий ҳаёти лаҳзалари ва ларзалари билан ҳам ошно бўламиз.

Ётти байтдан иборат якпора, рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган бу ғазал шоирнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бўлиб, даставвал «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олган. Ғазал ёридан ҳижрон чеккан ошиқнинг севикилidan мактуб олиш воқеасига бағишиланган. Бу ногаҳоний воқеа шодиёнаси лирик қаҳрамон юрагини ларзага солади. Айрилиқ дарди билан висол қувончи қоришиб кетади. Ғазалда мактуб олган ошиқнинг кўтаринки кайфияти эмас, вазмин, ғамолуд шукrona, ҳазин қувонч кечинмалари акс эта бошлияди:

*Жонда қўйдум чирмағон мактубини ҳижрон аро,  
Билмон ул мактубдур, ёхуд «алиф»дур «жон» аро.*

Бу табиий ҳол. Чунки ҳижрон изтиробини бирдан унугтиб юбориш қийин. Ундан сўнг мактуб ҳали дилдаги муроднинг ушалгани эмас,

у – висол элчиси, холос. Ҳижронзада ошиқ мактубни жони-бағрига босади, гүё жоннинг тириклигига шу етмай тургандай, жони шу билан ором топадигандай. Иккинчи мисрада жоннинг бутунлиги, омонлиги учун висол муждаси нечоғли зарурлигини асослаш мақсадида жон ва мактуб ўртасидаги шаклий таносибни ҳам инкишоф этади. Мактубнинг чирмалган шаклини «жон» (ଜନ୍ମ) сўзи ўртасидаги «алиф» (!) ҳарфига қиёслайди.

Ошиқ мактубни «ҳирз ул-амон» – дарду балони қайтарувчи, жонни ғамдан фориғ этувчи дуо сифатида қабул қиласди, муқаддас туморга сифингандек, унга сигинади:

*Нома эрмас эрдиким, бор эрди ул ҳирзул-амон  
Ким, ғамим айш этти, еткач кулбайи аҳзон аро.*

Халқда «ихлос – халос» дейилгани сингари, мактуб лирик қаҳрамоннинг руҳини янгилайди, дардларини енгиллатади. Лекин бу дардлар лирик қаҳрамон вужуди ва руҳида унтилмас излар қолдирган. Шу боисдан мактубни васф этиш муносабати билан лирик қаҳрамон дарди ёзилади, ғамга тўлиб турган кўнгли бўшатилади, жисму жонида кечган оғриқлар шарҳланади:

*Риштайи олийки чирмаб эрди, очиб асрадим  
Хунфишон кўз раглариdek дийдайи гирён аро.*

Мактубнинг ўраб юборилган алифмонанд шаклидан шоир бадиий ашё сифатида фойдаланганини биринчи байтда кўрган эдик. Одатда, мактуб ўрами очилиб кетмаслиги, ихчам ҳолда туриши учун у ип билан чирмаб бойланган. Шоир энди мактубга чирмалган риштани ҳам поэтик ашё сифатида ишлатмоқда. Унинг эстетик хизмати иккимақсадга сафарбар қилинади. Биринчидан, уни «риштайи олий» деб баҳолаш, унга алоҳида эътибор бериш, уни азиз нарсадек кўз бағрида асраш мактуб муаллифига нисбатан юксак эҳтиромни ифодалайди. Иккинчидан, ришта образи лирик қаҳрамоннинг бир ҳолатини аёnlаштиришга кўмаклашади.

Лирик қаҳрамоннинг бошқа бир ғазалда акс этган ҳижрон тунидаги аҳволини эсланг:

*Кўзларингдин неча сув келгай, деб ўлтурманг мени  
Ким, бори қон эрди келган, бу кеча сув келмади.*

Бу иккала ғазалнинг лирик қаҳрамони бир. Улардаги ҳолатлар бошқа, холос. Аммо бу ҳолатлар ўзаро бегона эмас. Улар ўртасида

узвийлик бор. Қон ёши тўқкан кўзлар хунталаш. Йиғлаган, қонталаш кўзларда, кузатган бўлсангиз, ришта шаклидаги томирлар яққол кўриниб туради. Алҳосил, ошиқнинг гирён кўзларини тасвираш мақсадида шоир: «Мактубга чирмалган ипни кўзларим томирлари-дек асрадим», – деб ёзади. Ўзига хос бир ташбеҳ ижод этади.

Навоий учун мактуб риштасининг бадиий вазифаси шу билан тугамайди. Шоир мактуб риштаси лирик қаҳрамон қиёфасининг яна қайси қиррасини ёритиша кўл келиши ҳақида ўйлади ва кутилмаганда, ажойиб монандлик топади:

*Нотавон жисмим кўрунди заъфдин ул риштадек  
Баски, тўлғонди ики кўзумдин оқкан қон аро.*

Шоирнинг муболагали талқинича, ҳижронзада, ситамкаш ошиқнинг жисми шу қадар заифлашиб, ингичка тортганки, у икки кўзидан оқкан қон дарёлари орасида ришта каби тўлғанади.

Қолган уч байт анъанавий услубда давом этади ва ўзига хос интиҳосига эришади. Фазалнинг оригиналлиги юқоридаги тўрт байтда. Гарчи 3-4-байтлардаги муболагали тасвирда шоир матлада кўйилган мавзудан шаклан узоқлашгандек туюлса-да, моҳиятда изчиллик сақланган. Мактубга ўралган ип ошиқнинг нотавон жисмига, кўз рагларига ўхшатилиши, мактуб ўрамининг «жон» ўртасидаги «алиф»га қиёсланиши – бари бир поэтик фикрни – ёр мактуби ошиқ дардига малҳам бўлганлигини тасдиқлашга қаратилган. Бу асар Навоий фазалиётida шундай образли изчиллиги билан алоҳида ажрабиб туради.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## ФИДО

*Кўзунгга тани нотавоним фидо,  
Равонбахш лаълингға жоним фидо.*

*Лабинг ранги оллида қоним сабил,  
Қадинг жилвасиға равоним фидо.*

*Белу оғзинг олди тану жонниким,  
Анго ошкору ниҳоним фидо.*

*Бағир лаъли, күз дурри оллингда сарф  
Демайким, санга баҳру коним фидо.*

*Жұнун бирла ақлим ғаминг садқаси  
Ки, оллингда яхши-ёмоним фидо.*

*Фано даштида қони оворалиқ  
Ким, ул саирға хонумоним фидо.*

*Навоийдин олдинг күңгүл, жонни ҳам,  
Санга айлай, эй дилситоним, фидо.*

(«Наводир уш-шабоб», 31-ғазал)

Халқимизнинг севимли құшиғига айланиб кетган бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичида яратилған бўлиб, дастлаб «Наводир ун-ниҳоя» девонига жойлаштирилган. Мутақориби мусаммани мақсур вазнида яратилған:

Фаъулун                    фаъулун                    фаъулун                    фаул

Якпора, мураддаф ғазал. Ғазал ишқий мавзуда, тавсиф услубида яратилған. Шоир куйланәтгандың сиймонаңг хұсну жамолини муфасал тасвирлаш йўлидан бормайди, балки уни мақташ, таърифлаш йўсинини қўллайди. Бирок, шу васф этишнинг ўзидаёт гўзал ботиний тасвир мужассам. Ғазалнинг сеҳри ҳам шунда.

Навоий ўнлаб ғазалларида ошиқнинг фидойи қиёфасини яратған. Лекин бу асарлар ўзининг ифода усувлари билан бир-бирини тақрорламайди. Чунки шоир кутилмаганды янги бадиий усувларни ишга солади. Хўш, бу ғазалда ошиқнинг суюклисига фидойилиги изҳори қандай амалга оширилган? Нега биринчи сатрдаёт шоир кўз бадалига нотавон танни фидо этади? Агар сатр заминидаги ишора-ларга эътибор бермасак, бу оддийгина бир гапдек туюлмайдими?

Шарқ адабиёти анъанаисига кўра, кўзга нисбатан «жаллод» атамаси қўлланади. Жаллоднинг вазифаси эса қатл, яъни инсонни жисман ҳалок этиш. Биринчи мисрадаги мазмунда ҳам маъшуқа қўзларининг қаттол жаллод сингари жон олғувчилигига ишора бор.

Равонбахш – жон бағишловчи, тирилтирувчи демакдир. Анъана-вий тасвир моҳиятига биноан, маъшуқанинг лаъл лаблари ўликка ҳам жон баҳш этади. Шунинг учун унга жон бағишиласа арзиди. Шу тариқа, шоир маъшуқа образидаги зидликни акс эттирган: кўзи қатл этади, лаъли эса тирилтиради. Одатда, матла ғазалнинг мазмунини

ўзида умумий йўсингда акс эттиради. Кейинги сатрлар эса матла моҳиятини изоҳлашга хизмат қилади. Бу ғазалда ҳам шундай. Шоир матладаёқ маъшуқага тан ва жонни бағишлади. Кейинги байтларда эса бу мазмунни кенгайтиради.

*Лабинг ранги оллида қоним сабил,  
Қадинг жилвасига равоним фидо.*

Шоир маъшуқа лабини қизил дея тасвирлайди. Бу маънони унинг лабига қонини фидо қилиш орқали англатади. Маъшуқа қомати ҳаракатларини ҳаёт жилваси, дея васф этмайди, унга ўз ҳаётини бағишлаш воситасида бундай ифодага эришади.

Мумтоз ғазалларда маъшуқанинг бели ва оғзи шу қадар нозиклаштириб тасвирланадики, оғизнинг бу қадар кичкина ва белнинг бу қадар ингичка бўлишига ақл бовар қилмайди. Ҳатто, байтнинг биринчи мисрасида бу аъзолар таърифини келтириб, иккинчи мисрада уларга «бир бор эрди-ю, бир йўқ эрди» иборасини мутаносиб келтириш ҳоллари ҳам бор. Ғазалнинг:

*Белу оғзинг олди тану жонниким,  
Анго ошкору ниҳоним фидо, –*

байтидаги «ошкору ниҳон» сўзлари ҳам шу маънони билдиради.

Юкоридаги байтларда, асосан, маъшуқа тасвири ўрин олган. Кейинги байтларда эса иккинчи лирик қаҳрамон – ошиқ образига кўпроқ эътибор берилади. Лирик қаҳрамон севиклисига йўқ нарсаларни бағишлаб, лоф урмайди.

*Багир лаъли, кўз дурри оллингда сарф  
Демайким, санг баҳру қоним фидо.*

Лирик қаҳрамон улкан денгиз ва кон ҳадя этмайди. Балки қалби ва меҳрини фидо қилади.

*Жунун бирла ақлим ғаминг садқаси  
Ки, оллингда яхши-ёмоним фидо.*

Ошиқ – руҳий олами мураккаб сиймо. Унинг вужудида ақлга нисбатан доим исён ва ихтилоф ўйғотувчи жунун ҳам мавжуд. Ақл ва жунун унинг вужудида ҳамиша курашиб, туйғуларини түғёнга келтиради. Кўпинча, жунун ақлдан устунлик қиласи ва уни маҳв этади. Лирик қаҳрамон ўзининг ана шундай мураккаб ва зиддиятли руҳий

олами билан маъшуқа фидойиси бўлмоқчи. Шоир лирик қаҳрамон руҳий оламидаги бундай мураккабликни тасвирлаш мақсадида таносиб санъати имкониятларини ишга соглан. Биринчи мисрадаги жунун ва ақл образларига «яхши» ва «ёмон» сифатлашлари мутаносиб келтирилган. Мақтадан олдинги байтда, одатда, фалсафий-ахлокий мазмун ифодаланади. Мазкур ғазалнинг олтинчи байти моҳиятида ҳам сўфиёна кайфият балқиб турибди:

Фано даштида қони оворалиқ  
Ким, ул сайрға ҳонумоним фидо.

Маълумки, сўфи ошиқнинг маслак муддаоси маъшуқ билан висол тузиш. Бунга эса мавжуд дунёни тарқ этиб, фоний дунё сари сайдир этиш йўлида эришиш мумкин. Шунинг учун «фано даштида оворалиқ» – ошиқнинг висол орзуси. Шу орзу ижобат бўлиши учун у ҳонумонини фидо этәтири. Сўнгги байт оралиқ байтларни мазмунан якунлаб, илк байт билан ҳамоҳанглик яратади:

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам  
Санга айлай, эй дилситоним, фидо.

Ошиқ шоир сиймосида жон ва кўнгулни айру тасаввур этиб бўлмайди. Шоир маъшуқани «дилситон» – кўнгулни олувчи дея васф этади. Маъшуқа кўнгулни олган экан, демак, жон ҳам унга курбон бўлмоғи тайин.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ИШКИ КОМИЛ – КАМОЛОТГА КАФОЛАТ

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрголи топтим сабаб,  
Кўп чучукликтин ёвшумишлар магар ул икки лаб.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зилоли ичра мавж,  
Иэтироб ичра юзунгга солса чин ногоҳ ғазаб.

Кўхи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,  
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширин лақаб.

Буки кўнглумни итинг тишлиларда оғзин қочириур,  
Ё ўти, ёхуд анинг исланғани эркин сабаб.

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,  
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

Эйки, факт ичра қадам күйдунг талаб водийсига,  
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Шоҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,  
Билгил ўз ҳаддингниу беҳад риоят қил адаб.

(«Наводир уш-шабоб», 45-ғазал).

Фазалдаги лирик пафос, интим туйғу ва самимиятни сақлаб турувчи хусусият шуки, унда лирик қаҳрамон ва унинг кечинмалари орқали маъшука рухияти, лирик қайфияти рухий таҳлил таносибига тортилади. Яратилиш даврига кўра, бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичига мансуб бўлиб, дастлаб шоирнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олган. Ғазал бадииятидаги бадиий маҳорат белгилари, айниқса, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро салтанатида тутган ижтимоий мавқеи ва дунёқарашини ифодаловчи еттинчи байти асар ижодкорнинг ўрта ёшлирида ёзилганини тасдиқлайди.

Таркибий хусусиятларига кўра, ушбу ғазал мустақил байтлардан тузилган ғазаллар турига мансуб. Чунки ғазалнинг умумий мавзуи, руҳи, мазмуни муҳаббат ҳақида бўлса ҳам, унда бошдан оёқ шу мавзу изчил таҳлил этилмайди. Байтлар силсиласида Навоий ишқ мавзунин такомиллаштира бориб, сўзаро асосий мавзудан чекиниб, фалсафий, ахлоқий фикр-мулоҳазаларини ҳам ифодалайди. Услубан, тавсифий ғазал турига мансуб.

Рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган. Оҳанг тасвири қуидагича:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоилун

Ғазал ҳажвий қайфият билан бошланади. Шоир ёрнинг кам-гаплигидан кулгили манзара яратишда фойдаланади.

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрголи топтим сабаб,  
Кўп чучукликтин ёпушишлар магар ул икки лаб.

Севикли маъшуқанинг ошиқ аҳволидан бехабарлиги ҳақидаги дардчил сатрлар бутун мумтоз лирикада мавжуд. Маъшуқа лабининг ширинлиги ҳақидаги тавсиф ҳам беҳад, беҳисоб. Навоий уларни тақрорлаб ўтирумайди, балки қочиримлар воситаси билан шунга монанд бадиий фикрни ифодалайди. Фикрни бадиий асослаш

олами билан маъшуқа фидойиси бўлмоқчи. Шоир лирик қаҳрамон руҳий оламидаги бундай мураккабликни тасвирлаш мақсадида таносиб санъати имкониятларини ишга соглан. Биринчи мисрадаги жунун ва ақл образларига «яхши» ва «ёмон» сифатлашлари мутаносиб келтирилган. Мақтадан олдинги байтда, одатда, фалсафий-ахлоқий мазмун ифодаланади. Мазкур ғазалнинг олтинчи байти моҳиятида ҳам сўфиёна кайфият балкиб турибди:

Фано даштида қони оворалик  
Ким, ул сайдра ҳонумоним фидо.

Маълумки, сўфи ошиқнинг маслак муддаоси маъшуқ билан висол тузиш. Бунга эса мавжуд дунёни тарқ этиб, фоний дунё сари сайд этиш йўлида эришиш мумкин. Шунинг учун «фано даштида оворалик» – ошиқнинг висол орзуси. Шу орзу ижобат бўлиши учун у ҳонумонини фидо этаётир. Сўнгги байт оралиқ байтларни мазмунан якунлаб, илк байт билан ҳамоҳанглик яратади:

Навоийдин олдинг кўнгул, жонни ҳам  
Санга айлай, эй дилситоним, фидо.

Ошиқ шоир сиймосида жон ва кўнгулни айру тасаввур этиб бўлмайди. Шоир маъшуқани «дилситон» – кўнгулни олувчи дея васф этади. Маъшуқа кўнгулни олган экан, демак, жон ҳам унга курбон бўлмоғи тайин.

Нусратулло ЖУМАХУЖА

### ИШКИ КОМИЛ – КАМОЛОТГА КАФОЛАТ

Ёр оғиз очмаска дардим сўрғоли топтим сабаб,  
Кўп чучукликтин ёпушмишлар магар ул икки лаб.

Чайкалиб гўё тушар ҳайвон зилоли ичра мавж,  
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногоҳ ғазаб.

Кўхи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,  
Чун сени дермен чучук жоним эрур Ширина лақаб.

Буки кўнглумни итинг тишларда оғзин қочириур,  
Ё ўти, ёхуд анинг ислангани эркин сабаб.

Ишқи комил элни ё Фарҳод, ё Мажнун қилур,  
Гар эрур маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

Эйки, фақр ичра қадам күйдунг талаб водийсига,  
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд этмас талаб.

Шоҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эҳтиром,  
Билгил ўз ҳаддингию беҳад риоят қил адаб.

(«Наводир уш-шабоб», 45-ғазал).

Фазалдаги лирик пафос, интим түйфу ва самимиятни саклаб турувчи хусусият шуки, унда лирик ҳаҳрамон ва унинг кечинмалари орқали маъшуқа рухияти, лирик кайфияти руҳий таҳлил таносибига тортилади. Яратилиш даврига кўра, бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичига мансуб бўлиб, дастлаб шоирнинг «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олган. Ғазал бадииятидаги бадиий маҳорат белгилари, айниқса, Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро салтанатида тутган ижтимоий мавқеи ва дунёқарашини ифодаловчи еттинчи байти асар ижодкорнинг ўрта ёшлирида ёзилганини тасдиқлайди.

Таркибий хусусиятларига кўра, ушбу ғазал мустақил байтлардан тузилган ғазаллар турига мансуб. Чунки ғазалнинг умумий мавзуи, руҳи, мазмуни мухаббат ҳақида бўлса ҳам, унда бошдан оёқ шу мавзу изчил таҳлил этилмайди. Байтлар силсиласида Навоий ишқ мавзунин такомиллаштира бориб, сўзаро асосий мавзудан чекиниб, фалсафий, ахлоқий фикр-мулоҳазаларини ҳам ифодалайди. Услубан, тавсифий ғазал турига мансуб.

Рамали мусаммами маҳзуф вазнида яратилган. Оҳанг тасвири куйидагича:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоилун

Ғазал ҳажвий кайфият билан бошланади. Шоир ёрнинг кам-гаплигидан кулгили манзара яратишда фойдаланади.

Ёр оғиз очмасқа дардим сўрголи топтим сабаб,  
Кўп чучукликтин ёпушишлар магар ул икки лаб.

Севикли маъшуқанинг ошиқ аҳволидан бехабарлиги ҳақидаги дардчил сатрлар бутун мумтоз лирикада мавжуд. Маъшуқа лабининг ширинлиги ҳақидаги тавсиф ҳам беҳад, беҳисоб. Навоий уларни тақрорлаб ўтирумайди, балки қочиримлар воситаси билан шунга монанд бадиий фикрни ифодалайди. Фикрни бадиий асослаш

йўлидан боради ва маъшуқа ошиқдан дарду ҳол сўрамаслигига сабаб қилиб лаблар ширанинг зўридан бир-бирига ёпишиб колган нарсалар сингари ўзаро жипсллашиб қолганлигини келтиради. Бу тасвир лабга нисбатан хийла муболагали, албатта.

Шоир тўлақонли тасвир яратиш учун лирик қаҳрамон ҳаётидаги турли руҳий ҳолатларни қаламга олади. Маъшуқанинг табассуми, кулгиси, нигоҳи, ҳаяжони, қаҳру ғазаби ғазалнавис учун бадиий ашё сифатида хизмат қиласди. Аслида, гўзал дилбарнинг ғазабланиши ёқимли ҳолат эмас, унинг бундай киёфасидан илҳом олиб шеър ёзиш шоир учун ҳам, шеърхон учун ҳам лаззатланарли эмас. Лекин санъаткор иккинчи байтда унинг ғазабнок кайфиятидан ҳам гўзаллик кашф эта олган.

Чайқалиб гўё тушар ҳайвон зилоли ичра мавж,  
Изтироб ичра юзунгга солса чин ногоҳ ғазаб.

Унинг талқинида маъшуқанинг чимирилган чехраси ногаҳон тўлқинланиб кетган зилол сувга ўҳшайди. Бу тасвир севимли ўзининг изтироблари билан ҳам зилол сув каби тиник ва ҳаётбахш деган фикрни илгари суради. Учинчи байтда маъшуқа сиймоси талмех санъати воситасида улуғлаштирилади:

Кўхи дард ичра мени Фарҳод агар қилдинг хитоб,  
Чун сени дермен чучук жоним, эрур Ширин лақаб.

Талмех санъати таомилига кўра, шоир тарихий, бадиий ёхуд афсонавий образларни тилга олади ва уларнинг сифатларини эслаш орқали ғазал қаҳрамонлари фазилатларини ойдинлаштиради. Фарҳод фироқ тоғини қазиш билан машҳур. Мухаббатининг тогдай дарди борлиги учун лирик қаҳрамонни Фарҳодга менгзайди. Ўзининг бутун вужуди ва меҳру муҳаббати билан лазиз бўлгани учун маъшуқани Ширинга қиёслайди.

Тўртинчи байт ошиқ кўнгли тасвирига қаратилган. Ўтли кўнгилнинг афтода, пажмурда ахволини тасвирлаш учун ғазалга анъанавий маъшуқа илиб кирилади.

Буки кўнглумни итинг тишлиларда оғзин қочиур,  
Ё ўти, ёхуд анинг ислангани эркин сабаб.

Ошиқ севиклиси васлига етиш учун ўз бағрини унинг итига сугуриб беради. Чунки шоирнинг тажоҳули орифона санъати воситасида айтишича, ё юракнинг ёниқлиги, оташ, алангаси итнинг

оғзини күйдиради, ё ит хижрон изтиробидан ҳаётни тарк этган күнгүлнинг хидланганидан сесканиб оғиз тортади.

Бешинчи байтда ишқнинг құдратига фалсафий баҳо берилади:

Ишқи комил злни ё Фарход, ё Мажнун құлур,  
Гар эрүр маъшуқи ёхуд армани, ёхуд араб.

Шоир талқинича, комил ишқ шундай құдратлики, у ҳар қандай ақл-идрок ва донишдан устун туради. У сарҳад билмайды, ҳеч қандай злат ва миллатни тан олмайды. Комил ишқ ошиқ ҳар қанча баркамол инсон бўлса ҳам, маъшуқаси армани ёхуд араб бўлишидан қатти назар, уни ё Фарход, ё Мажнунга айлантиради.

Олтинчи байт тагзаминли чуқур фалсафий маънога эга.

Эйки, факт ичра қадам қўйдунг талаб водийсиға,  
Бўлмаса толиб санга матлуб, суд эмас талаб.

Уни «факр», «талаб водийси», «толиб» каби сўз ва ибораларни шарҳламай туриб, таҳлил қилиб бўлмайди. «Факр» сўзининг луғавий маъноси камбағаллик, йўқсиллик бўлиб, мазкур байтда у тасаввудаги «факру фано» истилоҳи ўрнида келган. Унинг маъноси шуки, ҳақпаратс սўфи дунёнинг барча бойликларидан воз кечган. «Талаб водийси» – сўфилик маслагидаги етти водий, яъни етти даражанинг биринчиси. «Толиб» – талаб водийсида ҳақиқатни изловчи сўфи. Хуллас, юкоридаги истилоҳлар воситасида ифодаланаётган мазмун куйидагича. Шоир ғазалнинг бош мавзуидан чекиниб, ўз-ўзига муружаат қиласди: «Эй толиб, дунё бойликларидан буткул воз кечиб, Ҳақни ахтариб, талаб водийсини ҳар қанча кезсанг ҳам, сен излаётган ҳақнинг ўзи сенга мойил бўлмаса, тафтишларинг бехуда».

Сўнгги байт Навоийнинг ўз-ўзига шунчаки ўғитидек туюлса ҳам, унда улуғ шоир ва давлат арбобининг шоҳга муносабати акс этган.

Шоҳ ҳаримида, Навоий, неча топсанг эхтиром,  
Билгил ўз ҳаддингниу беҳад риоят қил адаб.

Ғазал замонамиз учун ишқни улуғлаш, ҳақиқатни англаб етиш борасида катта маънавий-маърифий аҳамиятга эга.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## ...ХАБИБИМГА ҲАБИБ ЎЛМИШ РАҚИБ

Қайси бир тұхматки, бизга қилмади нисбат рақиб,  
Қайси бирниким эшитқач қилмади бовар ҳабиб?

Чун рақибимға рақиб әрди ҳабиб, әрдім тирик,  
Найлай ўлмайким, ҳабибимға ҳабиб ўлмиш рақиб.

Үз диёринда ғарип әлдин етар чун жавру зулм,  
Әл диёринда ғарип ўлмоғлиғим әрмас ғарип.

Жон фидо айлаб дедим, васлинг насиб ўлғай манго,  
Бўлса жоним қасди қилғонлар насиби, ё насиб.

Гар менинг ишқимға ҳуснунгдан вафое етмади,  
Йўқ сенинг ҳуснунг менинг ишқим нишони анқариб.

Гулда чун ранги вафодин рангу бўе йўқ эмиш,  
Ўтмагай эрдинг бу гулшан сори кош, эй андалиб.

Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,  
Гўйиё сен тифли рах, чархи мухолифдур адиб.

(«Наводир уш-шабоб», 49-ғазал)

«Хазойин ул-маоний»да шундай ғазаллар борки, уларда лирик қаҳрамонларнинг қалб кечинмалари орқали зиддиятли ва мураккаб инсоний муносабатлар тасвирланади. Бундай ғазалларда одатдагидай лирик қаҳрамон-ошиқ ва лирик маъшуқа образларигина иштирок этмайди. Бу образлар атрофига рақиб, ҳабиб, эл образлари ҳам уюшади. Ўзига хос зиддиятли ва мураккаб образлар таркиби ғазалнинг ижтимоий салмоқдор, ҳаётий мазмунини юзага келтиради. Навоийнинг:

Қайси бир тұхматки, бизга қилмади нисбат рақиб,  
Қайси бирниким эшитқач қилмади бовар ҳабиб? –

бошланмали ғазали шундай асарлардан. Ғазалдаги кечинмалар лирик қаҳрамон, рақиб ва ҳабиб (дўст) муносабатлари атрофида ривожланади. Навоий ғазалиёттада рақиб лирик қаҳрамоннинг маслагига қарши иш тутувчи, ёв, душман кимсаларни ифодаловчи образдир. У ғазалиёттада ошиқ ва маъшуқа ўтасидаги интим муносабатларга рахна солувчи образ ҳамдир.

Етти байтдан иборат бу газал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Мазкур газал Навоий лирик такомилининг тўртинчи даври маҳсулидир. Қарилек даврида яратилган бу асарнинг «Наводир уш-шабоб» девонига кириб қолиши шартли ҳол, албатта. Газалдаги катта ҳәётй тажрибадан далолат берувчи фалсафий-ижтимоий мушоҳадалар, кекса қалбнинг оташин оғриклиари тажассуми ҳам асарнинг тўртинчи давр лирикасига тегишли эканлигини кўрсатади.

Бу газал инсоннинг инсонга муносабатининг феодал муҳитдаги мураккаблигини тасаввур қилишга имкон беради.

*Чун рақибимға рақиб эрди ҳабиб, эрдим тирик,  
Найлай ўлмайким, ҳабибимға ҳабиб ўлмиш рақиб.*

Навоий яшаб ижод этган Ҳусайн Бойқаро салтанатида одамларнинг ўзаро меҳр-оқибатида шахсий манфаат катта роль ўйнаган. Шунга биноан, муайян манфаатдорлик эвазига ҳабиб – дўстнинг Навоийдан юз ўгириб, унинг рақиби тарафига ўтиб олиши ҳеч гап эмас эди. Навоийнинг зиддиятларга бой кечмиши воқеалари ҳам шундан далолат беради. Юқоридаги байтда шоир шундай ҳәётй бир вазиятни гавдалантирган. У чинакам интригани юзага чиқариш учун тарди акс санъатини кўллайди (рақиб – ҳабиб, ҳабиб – рақиб), бир-бирига қарама-қарши вазиятларни тазод усулида тасвирлайди: Рақибларга қарши дўстлар билан бирга курашиб қанчалар яхши. Дўстсиз яшаш қанчалар оғир. Дўстнинг аввал сиз билан бирга бўлиб, сўнг рақиб томонга ўтиб кетиши, яъни дўстдан тириклайн айрилиш ундан ҳам оғир – ўлим билан баробар ҳол.

Хиёнаткор дўстдан жабр чеккан лирик қаҳрамон энди ғариблик ҳасби ҳолига ўтади:

*Ўз диёринда ғарип элдин етар чун жавру зулм,  
Эл диёринда ғарип ўлмоғлигим эрмас ғарип.*

Инсон – сийланган жойида азиз. У ўз юртидами, ўзга юртлардами, қаерда бўлмасин, ҳамиша меҳрга муҳтож. Лекин ўзгалар юртида фурбат чекиши, ранж-алам кўриш ўз юртида жабр чеккан одам учун ғариблик эмас. Жуда катта ҳәётй хулоса, фалсафий умумлашмани ифодалаётган бу сатрлар Навоийнинг ҳикмат даражасига кўтарилиган шох байтлари дандир. Бугина эмас, байт Навоий шахсий ҳәётининг ғамгин лавҳалари изҳоридир.

Мақтагача бўлган кейинги сатрлар анъанавий ишкий мазмунга эга. Мақтада Навоий бошидан кечирган қисмат сабоқларига ишора бор:

Эй Навоий, уддек ҳар дам кўрарсен гўшмол,  
Гўйиё сен тифли раҳ, ҷархи муҳолифдур адиб.

Шоир ўзининг ситамдийдалигини қулоқларини босиш йўли билан садо берадиган чолғу асбоби – удга қиёслайди. Уддек мудом гўшмол, яъни озор чекканлигидан шикоят қиласди. Турмуш туртқилари шоирни адаб ўргатувчи тақдир йўлидаги ёш бола ҳолига солиб қўяди.

Умуман, Навоийнинг ушбу ғазали ўзининг ижтимоий мазмундорлиги билан ажралиб туради. Унда акс этган лирик қаҳрамон – шоирнинг мураккаб ва зиддиятли кечмиши лавҳалари бизнинг замондошимиз учун ҳам сабоқ бўларли аҳамиятга эга.

Нусратулла ЖУМАХЎЖА

### МАЊНАВИЙ-РУҲИЙ ОРОМ ИШТИЁКИ

Аввал иста манзили амну ҳарифи сода топ,  
Чунки бу икки мұяссар бўлди, нуқлу бода топ.

Иктифо қилма буларға, истар эрсанг лаҳзае  
Нұкта сурмак, бир ҳарифи фонийи озода топ.

Ким кўнгул сайд этса, лўли бўлсаким, тут мұғтанам,  
Ойтмон арлот, ё барлосдин мирзода топ.

Эй парирух, ишқ келмас таҳт ила тоҳ аҳлидин,  
Истасанг ошиқ, менингдек бедили афтода топ.

Неча ишқ ахлини айлаб имтиҳон, рад қилғасен,  
Ҳар жафо айларга кўнглум иставу омода топ.

Эй кўнгул, гар шайх ишқинг манъ қилди, қилма айб,  
Олам ичра боре аввал бир анингдек лода топ.

Эй Навоий, умрунг ўтти, неча бут зикрин демак,  
Гўшае тут эмди, бир тасбех ила сажжода топ.

(«Наводир уш-шабоб», 68-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикасидан намуна. Рамали мусаммани мақсур вазнида яратилган:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоilon

Ижтимоий мавзуда битилган. Фазал услубида хитоб, ўгит-маслаҳат оҳангি сезилиб туради. Таркибий тузилишига кўра якпора ғазал.

Ғазалнинг ғоявий мазмуни ишқ фитналаридан, ҳаёт машиқатларидан толиқсан лирик қаҳрамоннинг хоҳиш-кечинмалари асосига қурилган. Долғали замона ва мураккаб табиатли замондошлардан чарчаган шоир бир нафас осойишта макон, содда, самимий дўст топиб дардлашмоқчи, улфатлашмоқчи бўлади. Бир қарашда, жуда оддий туюлган бу улфатчилик асбобини Навоий ширин орзу хаёл билан ўз-ўзига хитоб тарзида тилайди: «Чунки бу икки мұяссар бўлди, нуқлу бода топ». Афтидан, улуф шоирга шу имконият ҳам камдан-кам насиб этган.

Аслида лирик қаҳрамон моддий машшатга эмас, маънавий оромга ташна. У лаҳзагина «нукта сурмак» учун «ҳарифи фонийи озода» – донишманд, ақлли ҳамсуҳбат истайди.

Лирик қаҳрамон қавми, златидан қатъи назар, инсон дардини тушунадиган, кўнгил овловчи ҳамдамга илҳақ:

Ким кўнгул сайд этса, лўли бўлсаким, тут мугтанам,  
Ойтмон арлот, ё барлосдин мирзода топ.

Ушбу байт Навоий маслаги марказида инсонпарварлик, умуминсоний меҳр-муҳаббат, байналмилаллик фазилати турганлигини тасдиқлайдиган ажойиб далиллар.

Ғазалнинг ғоявий-бадиий мазмуни ҳадди аълосига кўтарилган байтида шоир ишқнинг мансубияти ҳақидаги фалсафий фикрини изҳор этади:

Эй парирух, ишқ келмас тахт ила тож аҳлидин,  
Истасанг ошиқ, менингдек бедили афтода топ.

Ушбу байтдан «тахт ила тож аҳли» умуман ишққа қодир эмаслар, деган маъно чиқармаслик керак, албатта. Назаримизда, Навоий, «тахт ила тож аҳли»нинг маҳбубаларига буткул фидойи, содик бўлишларига уларнинг «тахт ила тож»лари монелик қилишини назарда тутган. «Бедили афтода» лирик қаҳрамоннинг эса йўқотадиган, йўлини тўсадиган, ишқ йўлида батамом бахшида бўлишидан сақлайдиган ҳеч нарсаси йўқ.

Шундай қилиб, маънавий-рухий ором иштиёқи билан бошланган фазал беором туйғулар, мутафаккир шоирнинг мафкуравий нуқтаи назарини ифодаловчи ўткир мушоҳадалар билан якунланади.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ШЎХ ИККИ ФИЗОЛИНГНИ ...

Шўх икки физолингни ноз уйқусидин уйғот,  
То уйқулари кетсун, гулзор ичидা ўйнот.

Тишлабки сочинг ўрдунг, очқанда паришон қил,  
Оғоқ саводинда жон ройихасин бутрот.

Кулбамға хайафшон кел, зулфунг қилиб ошуфта,  
Анжум сипаҳин синҷур, оғоқ улусин кўзғот.

Ораз күёшин очиб, ашки қуруғон кўзни  
Кўп ҳажрда йиглатдинг, бир васлда ҳам йиглот.

Бир оҳ илиа кул бўлдум, эй чарх, тилаб толиб,  
Фарҳод илиа Мажнунға ошиқлиқ ишин ўргот.

Хоро тубига ётқунг, йўқ суд агар юз йил  
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнот.

Базм ичра Навоий кўп йиглар эса, эй соқий,  
Хуш элткучи дору жомиға онинг чайқот.

(«Наводир уш-шабоб», 75-фазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикаси маҳсули бўлмиш бу фазал маъшука тавсифида яратилган. Асар етти байтдан иборат. Дастребки беш байт маъшука гўзаллигини мадҳ этиш, лирик қаҳрамон шарҳи ҳолини изҳор қилиш, олтинчи байт ҳаёт ҳақида фалсафий хуолоса чиқариш, еттинчи байт эса соқийга мурожаат мазмунида битилган. Демак, фазал услубан аралаш типга мансуб. Фазалда мадҳ ва шарҳи ҳол изчил давом этади, фалсафий ва соқийнома байт ҳам ягона мавзуга эш ҳолатда яратилади. Композициясидан кўринадики, бу якпора фазалдир. Ҳазажи мусаммани ахраб вазнида яратилган:

Мафъулу

мафаилун

мафъулу

мафоилун

Ғазалнинг ғоявий мазмуни – висолни соғиниш, ҳаётга муҳаббат, умрни қадрлаш. Ҳаётий бу ғоя романтик тасвир орқали амалга оширилган.

*Тишлабки сочинг ўрдунг, очқонда паришон қил,  
Оғоқ саводинда жон ройихасин бутрот.*

*Кулбамға хайафшон кел, зулфунг қилиб ошуфта,  
Анжум сипаҳин синдур, оғоқ улусин қўзғот.*

Шоир биринчи сатрдан тортиб кейинги сатрларгача маъшуқани уйқудан уйғониш, ҳаётда яйраш, табиат ва умр неъматларидан баҳраманд бўлиш, айни пайтда, у «кўп ҳажрда йиғлатган», «бир оҳ ила кул бўлган» ошиқни ўз висоли билан қувонтиришга чорлади. Сочини тишлаб ўриши тасвиридан маъшуқанинг ҳаётий, инсоний сиймоси ҳаёлга келади. Лекин унинг дунё юзига жон ҳидини таратишга, юлдузлар лашкарини синдириб, яъни тонг оттириб, олам элини қўзғатишга даъват қилиниши фақат муболага санъатигина эмас. Бундай тасвиридан илоҳий маъшуқага мурожаатни англаш мумкин.

Навоий ғазалларида, кўпинча, ҳаётга муҳаббат ғояси айни шу ҳаётга ҳаддан ташқари эътимод қиласлик, умрнинг ниҳоятда қисқалигини уқтириш билан бирга келади.

*Хоро тубига етқунг, йўқ суд агар юз йил  
Кўк атласи устида жисмингни ётиб ағнат.*

Шунингдек, ғазалнинг фалсафий хulosаси тарзида берилган ушбу байтда ҳою ҳавасга, баландпарвозликка кўп ишқ қўймаслик лозимлиги, қанча кўкка кўтарилимасин, инсон охир-оқибатда хокисор тупроққа айланажаги таъкидланади.

Ғазал анъанавий характерга эга. Ғазал романтик тасвири, лирик қаҳрамонининг дардчил кечинмалари, ҳаётсеварлик ғояси билан замондошларимизга мароқлидир.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## ТОНГ ЕЛИДАН ТИЛАКЛАР

Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,  
Йигларимнинг шиддатин гулбарги ҳандонимға айт.

Буки, онинг аҳду паймонада мен ўлсам, доғи  
Яхши фурсат топсанг, ул бадаҳду паймонимға айт.

Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили  
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.

Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,  
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.

Буки, юз жон садқаси қилсан, пушаймон бўлмоғум,  
Васлиға бир ваъда қилғондин пушаймонимға айт.

Буки, юз минг фитна кўэзлук бўлса пайдо онсизин,  
Қилмағум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.

Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлуб, эл жон топар, бебок нодонимға айт.

Даҳр боғи гуллари ҳуснин вафосиз эрканин  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Эй Навоий, ҳеч гулшанинг сенингдек ҳушнаво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

(«Наводир уш-шабоб», 85-ғазал)

Бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг тўртинчи – қарилек даври маҳсули. Тўқиз байти, якпора, мураддаф, ишқий ғазал. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Унинг машҳур бўлиб кетишига сабаб содда ва равон услубда ёзилганлигидир. Барчага баробар даррдошлиги боисидан ҳам у куйга солиниб, қўшиқ қилиб айтиб келинаётир. Ушбу ғазал шуниси билан ҳам ўзига ҳоски, шоир унда бошқа кўп ғазаллардаги сингари сўзаро чекиниб, ижтимоий масалаларга тўхтамайди. У лирик қаҳрамон кечинмаларини ифодалайдиган соғ рубобий (лирик) асар. Навоий рубобиёти (лирикаси) да тонг елига мурожаат қилиб, ўз туйгуларини севгилисига у орқали изхор этиш йўлида ёзилган бундай ғазал ягона эмас. Масалан, унинг «Эй насими субҳ, ахволим дилоромимға айт» мисраси билан

бошланадиган ғазали ҳам машхур. Бу ғазаллар бир-бирини узвий давом эттириш, тўлдириш хусусиятига эга.

Кизиги шундаки, нега шоир «сабо», «насими субҳ», «боди сабо» тимсолларига мурожаат қиласди? Бу, аввало, инсоннинг табиат фарзанди эканлигидан келиб чиқади. Шу боис инсон энг оғир дамларда она табиатга суюнади, табиатдан шафқат кутади, табиатдан мадад сўрайди, қалбининг туб-тубида пинхон асрарган дарду аламларини ҳам табиат билангина ўртоқлашади. Навоийнинг лирик қаҳрамони ҳам шундай. Ҳижрон тунида тўлғаниб чиккан лирик қаҳрамон кўксига тонгнинг майин, ёқимли шамоли тегади. Одатда, тонг маҳали кун билан бирга одамнинг кўнгли, шуури ҳам ярқ этиб ёришади. Қалби губорлардан тозаланади, руҳан янгиланади. Шу ҳаётий ҳолатдан фойдаланиб, Навоий чукур руҳий таҳлилга киришади. Тўлиб турган лирик қаҳрамон биринчи дуч келган тонг елига илтижо қилиб, кўнглини бўшатади:

*Эй сабо, ҳолим бориб сарви хиромонимға айт,  
Ингларимнинг шиддатин гулбарги хандонимға айт.*

Илк мисрада шоир лирик қаҳрамон аҳволини севиклисига маълум қилишни ўтиниб сўраркан, иккинчи мисрада унинг аҳволини тазод усули воситасида маъшуқа аҳволи билан қиёсан аниқ ифодалайди: ошиқ – гирён, маъшуқа эса шод, хуррам. Бу қарама-қарши ҳолатнинг боиси кейинги байтда аён бўлади.

*Буки, онинг аҳду паймонаста мен ўлсам, доғи  
Яхши фурсат топсанг, ул бадаҳду паймонимға айт.*

Лирик қаҳрамоннинг афтода ҳолига сабаб ёрининг аҳдига вафо қилмаслигидир. Ваъда бериб, ваъданинг устидан чиқмасликни Навоий «бадаҳду паймон» (бад-ёмон) деб атайди ва бу иборани бир мисранинг ўзида «яхши» сўзига муқобил келтириб, матладаги тазодни кучайтиради, ривожлантиради.

Бўғзига тиқилган алам-изтироблари изҳоридан сўнг, лирик қаҳрамоннинг кўнгли хиёл ёришиб, унда ёр васлига яна умид пайдо бўлади ва тонг елига эндиғи шикоятлари маъшуқага меҳр-муҳаббат изҳори, уни васф этиш билан омухта ҳолда зухур эта бошлайди:

*Буки, онинг зулфи зуннорида диним ҳосили  
Куфр ила бўлмиш мубаддал, номусулмонимға айт.*

Байтнинг юзаки мазмунига эътибор берадиган бўлсак, у чиндан ҳам шикоятни ифодалаётир. Зуннор – мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир. Демак, «зулфи зуннор» маҳбубанинг шундай чилвирга монанд сочига ишора. Гёё коғирваш бу зуннор ошиқни дини ва эътиқодидан айиради. Аслида-чи? Шоир шу йўл билан ошиқнинг ақлу ҳушини олиб маъшуқанинг соchlари белни ўраб олгувчи арқон каби узунлигини тасвирлаяпти. Навоий ғазалиётида сочнинг узунлиги фақат ҳусн тимсоли эмас. У узоқ айрилиқни ҳам ифодалашга хизмат қиласди.

Кейинги байтларда лирик қаҳрамон севиқлисисининг ошкора тавсифига ўтади:

*Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,  
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.*

*Буки, юз жон садқаси қилсанам, пушаймон бўлмоғум,  
Васлиға бир ваъда қилғондин пушаймонимға айт.*

Лирик қаҳрамон уни юз жону жаҳондан яхшироқ кўради, шунинг учун жону жаҳонини унга фидо қилган. У бир эмас, юз жону жаҳон бўлса, барини бағишларди. Маъшуқа эса ошиғининг бу қадар фидойилигидан бехабарми, унга висол ваъда қилганидан пушаймон. Шояд, шу фидойилик хабарини сабо етказса-ю, у гўзал инсофга келса. Эътибор берсангиз, лирик қаҳрамонлар муносабатларидағи қарама-қаршилик ҳамон сақланиб келяпти. Бу руҳий таҳлилдаги зиддиятни таъминлаб турибди.

Ошиқ хаёлидан «балки, маҳбубим менинг садоқатимга ишонмас», деган гумон ўтади ва уни ишонтириш учун қўйидаги муболагали мұждани етказишини тонг шамолидан сўрайди:

*Буки, юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,  
Қилмоғум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.*

Шоир манзурнинг кўзи мафтункор ва жозибали эканлигини таъкидлар экан, айни пайтда, ҳар қандай мафтункор кўзларга наззора қилавермаслигини, юз минг фитнагар фитна қилиб турса ҳам, ўз севгилисидан тонмаслигини уқтиради. Бу сатрлар ошиқнинг қасамёдидек жаранглайди. Илгариги байтда «юз жон» ва «бир ваъда» ўртасида сўз ўйини бўлганидек, бу байтда ўзакдош «фитна» ва «фаттон» сўzlари муносабатида санъат яширинган.

Кейинги байтларда шоир лирик маъшуқани ошиқни қадрлаш, ҳаётни ғанимат билиш лозимлигидан огоҳ этади:

Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлуб, эл жон толар, бебок нодонимға айт.

Даҳр бори гуллари хуснин вафосиз эрканин  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Чиндан ҳам, чинакам ошиққа ёр васли ҳамма вақт ҳам насиб эта-  
вермайди. Кўп ҳолларда маҳбуналар ҳаққоний фидойи ошиқларни  
танимай, ««эл»га (мазкур байтда «эл» – ўзгалар, рақиб маъносида  
келган) меҳру рағбат кўрсатишлари ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидир.  
Шоирнинг «даҳр бори гуллари хуснин вафосиз эркани» ҳақидаги  
куйиниши ҳам умрнинг қисқа ва ўткинчи эканлигидан огоҳ этади.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво  
Булбули йўқ эрканин шоҳи сухандонимға айт.

Фазал мақтасида бадиий изчиллик тақозосига кўра, вафосиз гул-  
га зид ўлароқ, «хушнаво булбул» образи васф этилиши билан бир-  
га, анъанага кўра, шоирнинг ўз фазалнавислик салоҳиятига доир  
фаҳрияси ҳам тажассум топган. Фазалда дунёвий ва сўфиёна кай-  
фиятлар ўйғун ифодаланган. Тимсоллар ичida тимсоллар мужас-  
сам. Умуман, кўриб ўтганимиз асар фазалхоннинг лирик туйғуларига  
ҳамдард бўладиган, унинг қалбини нафосат нурлари билан ёрита-  
диган фазалдир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ҚИЛДИ ДУШМАН РАҲМ БАСКИМ...

Килди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,  
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмагил зинҳор дўст.

Ҳар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,  
Баски, ҳар дам еткуур мен зорға озор дўст.

Душман ар жонимни афгор айласа, қилдим биҳил,  
Жавр тийғидин чу кўнглум айламиш афгор дўст.

Кеча душманларғаким ноламдин уйқу келмади,  
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.

Байтнинг юзаки мазмунига эътибор берадиган бўлсак, у чиндан ҳам шикоятни ифодалаётир. Зуннор – мусулмон давлатларида яшовчи христианлар мажбуран белга боғлаб юрадиган маълум бир рангдаги чилвир. Демак, «зулфи зуннор» маҳбубанинг шундай чилвирга монанд сочига ишора. Гўё кофирваш бу зуннор ошиқни дини ва эътиқодидан айиради. Аслида-чи? Шоир шу йўл билан ошиқнинг ақлу ҳушини олиб маъшуқанинг соchlари белни ўраб олгувчи арқон каби узунлигини тасвиirlаяпти. Навоий ғазалиётида сочнинг узунлиги фақат ҳусн тимсоли эмас. У узқ айрилиқни ҳам ифодалашга хизмат қиласди.

Кейинги байтларда лирик қаҳрамон севиклисиининг ошкора тавсифига ўтади:

*Буки, қилмишмен жаҳону жонни онинг садқаси,  
Юз туман жону жаҳондин яхши жононимға айт.*

*Буки, юз жон садқаси қилсан, пушаймон бўлмоғум,  
Васлиға бир ваъда қилғондин пушаймонимға айт.*

Лирик қаҳрамон уни юз жону жаҳондан яхшироқ кўради, шунинг учун жону жаҳонини унга фидо қилган. У бир эмас, юз жону жаҳон бўлса, барини бағишларди. Маъшуқа эса ошиғининг бу қадар фидойилигидан бехабарми, унга висол ваъда қилганидан пушаймон. Шояд, шу фидойилик хабарини сабо етказса-ю, у гўзал инсофа келса. Эътибор берсангиз, лирик қаҳрамонлар муносабатларидағи қарама-қаршилик ҳамон сакланиб келяпти. Бу руҳий таҳлилдаги зиддиятни таъминлаб турибди.

Ошиқ хаёлидан «балки, маҳбубим менинг садоқатимга ишонмас», деган гумон ўтади ва уни ишонтириш учун қуйидаги муболағали мұждани етказишни тонг шамолидан сўрайди:

*Буки, юз минг фитна кўзлук бўлса пайдо онсизин,  
Қилмоғум наззора ҳаргиз, кўзи фаттонимға айт.*

Шоир манзурнинг кўзи мафтункор ва жозибали эканлигини таъкидлар экан, айни пайтда, ҳар қандай мафтункор кўзларга наззора қилавермаслигини, юз минг фитнагар фитна қилиб турса ҳам, ўз севгилисидан тонмаслигини ўқтиради. Бу сатрлар ошиқнинг қасамёдидек жааранглайди. Илгариги байтда «юз жон» ва «бир ваъда» ўртасида сўз ўйини бўлганидек, бу байтда ўзакдош «фитна» ва «фаттон» сўзлари муносабатида санъат яширинган.

Кейинги байтларда шоир лирик маъшуқани ошиқни қадрлаш, ҳаётни ғанимат билиш лозимлигидан огоҳ этади:

Буки, чок айлаб яқо, усрук чиқар эл қасдиға,  
Мен ўлуб, эл жон топар, бебок нодонимға айт.

Даҳр боги гуллари хуснин вафосиз эрканин  
Юзи гул, жисми суман, кўйи гулистонимға айт.

Чиндан ҳам, чинакам ошиққа ёр васли ҳамма вақт ҳам насиб эта-  
вермайди. Кўп ҳолларда маҳбуналар ҳаққоний фидойи ошиқларни  
танимай, ««эл»га (мазкур байтда «эл» – ўзгалар, рақиб маъносида  
келган) меҳру рағбат кўрсатишлари ҳам ҳаётнинг аччиқ ҳақиқатидир.  
Шоирнинг «даҳр боги гуллари хуснин вафосиз эркани» ҳақидаги  
куйиниши ҳам умрнинг қисқа ва ўткинчи эканлигидан огоҳ этади.

Эй Навоий, ҳеч гулшаннинг сенингдек хушнаво  
Булбули йўқ эрканин шохи сухандонимға айт.

Фазал мақтасида бадиий изчиллик тақозосига кўра, вафосиз гул-  
га зид ўлароқ, «хушнаво булбул» образи васф этилиши билан бир-  
га, анъанага кўра, шоирнинг ўз фазалнавислик салоҳиятига доир  
фаҳрияси ҳам тажассум топган. Фазалда дунёвий ва сўфиёна кай-  
фиятлар уйғун ифодаланган. Тимсоллар ичида тимсоллар мужас-  
сам. Умуман, кўриб ўтганимиз асар фазалхоннинг лирик туйгуларига  
ҳамдард бўладиган, унинг қалбини нафосат нурлари билан ёрита-  
диган ғазалдир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ҚИЛДИ ДУШМАН РАҲМ БАСКИМ...

Килди душман раҳм баским, қилди жавр изҳор дўст,  
Эй кўнгул, душман топ эмди, тутмагил зинҳор дўст.

Хар замон душманларим озурдадур, эй дўстлар,  
Баски, ҳар дам еткуур мен зорға озор дўст.

Душман ар жонимни афгор айласа, қилдим биҳил,  
Жавр тийғидин чу кўнглум айламиш афгор дўст.

Кеча душманларғаким ноламдин уйку келмади,  
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.

*Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунуб дўстваш,  
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.*

*Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо,  
Гарчи қозғондим қилиб жоним фидо бисёр дўст.*

*Чархнинг меҳрига мағрут ўлмагилким, ғадри бор,  
Ҳаргиз ўлмас кимсага ул душмани ғаддор дўст.*

*Соқиё, кил дўстлук, тут бодаким, йўқтур ғами,  
Бўлса олам душмани, ҳар кимга сендеқ бор дўст.*

*Итларинг ғавғо қилур гўё Навоий ўлдиким,  
Боши узра жам ўлуб, афғон қилурлар ёру дўст.*

(«Наводир уш-шабоб», 87-ғазал)

Бу тўққиз байтдан иборат, бошдан оёқ дўст ва душман мавзуини изчил ёритувчи якпора ғазалdir. У Навоийнинг романтик руҳдаги ғазалларидан ўзининг ҳаётйлиги билан фарқланади. Асар руҳидан, унинг Навоий ижодий такомилининг тўртинчи даврида яратилган лигини тасдиқловчи кексалик кайфиятлари сезилиб туради. Ғазалнинг лирик қаҳрамони кечинмалари заминида юзага келган поэтик мазмун дўст деб аталмиш кимсаларнинг душманвор феълидан муттасил озор чеккан Навоий сиймоси ва аҳволи руҳиясини яққол гавдалантиради.

Ғазал сарой мухитида улуғ шоир дуч келган зиддиятлар ва мураккаб инсоний муносабатларнинг назмий акс-садоси сифатида яратилган. Бундай мазмун қонуний равишда асарнинг шаклини ҳам белгилаган. Ғазал бутунисича тазод санъати асосига қурилган. Тазод, яъни ҳаётий қарама-қаршиликни ифодаловчи бадиий усул шоирга сохта дўст билан душман ўртасидаги тавофут ва муштарак томонларни қиёслаш, сохта дўст душмандан кўра хавфлироқ, душман эса сохта дўстдан кўра афзалроқ эканлигини кўрсатиш имконини берган. Айниқса, ғазал марказидан ўрин олган қуйидаги байтлар дикқатга сазовор:

*Кеча душманларғаким ноламдин уйку келмади,  
Ранжамен мундин доғиким, бўлмади бедор дўст.*

*Мен ўлар ҳолатда, душманлар кўрунуб дўстваш,  
Невчун ўлмайким, келур бошимға душманвор дўст.*

Кулса душман айб эмаским, кўрмадим оз ҳам вафо  
Гарчи қозғондим қилиб жоним фидо бисёр дўст.

Лирик қаҳрамон руҳидаги тӯғонлар руҳий таҳлил жараённида очи-  
либ боради. Лирик қаҳрамоннинг дарду андухлари душманларга  
ором бермайди. Чор-ночор улар рақибларининг аҳволидан хабар-  
дор. Душман бўлишидан қатъи назар, кимдир ҳолидан огоҳлиги  
лирик қаҳрамоннинг дардини енгиллатади. Дўст эса унинг қалб  
оғриклирдан бехабар, маънавий фафлат оғушида қолгани лирик  
қаҳрамонни бехад дардлантиради. Дўстим деганларинг ички ке-  
чинмаларингдан йироқ бўлгач, душман ҳам дўствашроқ кўриниши  
табиий.

Навоийнинг бу ғазали жонфидолик билан дўст излаган, дўст  
орттирган самимий инсоннинг алам ва изтиробларини ҳаётий, таъ-  
сирчан ифодалashi билан гўзалдир. У ғоявий-бадиий салмоғи билан  
ўзбек ғазалиёти хазинасидаги ижтимоий мазмундор асарлар сира-  
сига киради.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### СУРАТИ ШОХ, СИЙРАТИ ДАРВЕШ

Эй гадойинг оллида муҳтоҷ аҳли тахту тож,  
Аҳли тож оллида андоқким гадоға эҳтиёж.

Ким гадойингдур бош индурмас доги тортар оёқ,  
Чархи аъло бўлса тахту меҳри анвар бўлса тож.

Лаъли серобинг берибтур оташин ранги била  
Офати жоним учун ўт бирла сувға имтизож.

Дарди ҳажримға буюрди сабр дарди йўқ табиб,  
Захри қотил бирла муҳлик ранжима айлар илож.

Ой юзунг бирла талашди буки кўктур орази,  
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож.

Эйки, бердинг ишқ сultonига кўнглунг кишварин,  
Англағилким, жону ақлу дин эрур аввал хирож.

Хўблар ўргансалар тонг йўқ Навоий назмини  
Ким, аларнинг ҳусни онинг ишқидин толмиш ривож.

(«Наводир уш-шабоб», 93-ғазал).

Бошланма сатрдан аёнки, ғазалда ишк тасвири фонида ҳиммат масаласи қўйилади, шоҳ ва гадо, тоҷу таҳт ва факру фано муносабатлари ёритилади. Навоий ижодий такомилини изчил ўрганган олим Ё. Исҳоқов тадқикотларига кўра, шоирнинг бундай турдаги ғазаллар яратиш маҳорати унинг илк лирикасида ёк кузатилади: «Навоий ўзининг дастлабки ғазалларидан бирида шоҳлик билан дарвешлик – факирликни бир-бирига қарама-қарши қўйиб тасвирлаш оркали ҳиммати баланд дарвешни ҳашаматли шоҳдан баланд қўяди ва сурати шоҳу сийрати дарвешнамо бўлган ҳукмрон орзуманди эканлигини очиқ изҳор этади. Навоийнинг бу шеъри (унинг қандай фалсафий заминга асосланишидан қатъи назар) тоҷу таҳт учун кураш ниҳоятда авжига чиқкан бир шароитда катта ижтимоий аҳамият касб этади» (Ё. Исҳоқов, Навоий поэтикаси, «Фан», 1983. 49-бет).

Таҳлилига киришаётганимиз ғазал билан ғоявий-бадиий узвий-лигини назарда тутиш учун Навоий «Илк девон»идаги ғазалнинг характеристерли икки байтини келтириб ўтамиш:

*Шаҳ юруб олам очар, дарвеш оламдин қочар,  
Ҳам ўзунг инсоф бергилким, бу не нисбат анго!*

*Ҳар не шаҳ мақсудидур, дарвешнинг мардудидур,  
Кўр не ҳимматдур мунга, не навъ эрур ҳолат анго...*

Илк лирикада шаклланган бу йўналиш Навоийнинг ўрта ёшлар лирикасида ҳам ривожланишда давом этган. Бунга таҳлил қилаётган ғазалимиз ёрқин мисол бўла олади. У Навоий ижодий такомилининг учинчи даврида яратилган бўлиб, «Наводир ун-ниҳоя» девонига киритилган. Кейинчалик «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига жойлаштирилган.

*Эй гадойинг оллида муҳтоҷ аҳли таҳту тож,  
Аҳли тож оллида андоқким гадоға эҳтиёж.*

Ғазалда шоҳ ва гадо қарама-қарши қўйилади, улар ўртасидаги маънавий тафовут муқояса қилинади. Хўш, таҳту тож аҳли гадо олдида қандай муҳтоҷлик сезади? Албатта, моддий муҳтоҷлик ҳақида гап бўлиши мумкин эмас. Таҳту тож аҳли моддий жиҳатдан бекиёс даражада таъминланган бўлса-да, гадога хос ишк, зътиқод, ҳиммат, қаноат каби маънавий бойликлардан маҳрум бўлиши мумкин. Шоир шоҳ ва гадо ўртасидаги тафовутни шундай белгилаган ҳамда гадодаги маънавий устуворлик фазилатини қўллаб-қувватлаган. Зидди-

ят ва муқояса руҳини кучайтириш учун байтни тарди акс усулида яратган.

Кейинги байтда шоир чинакам гадо сийратини янада аён тасвирлайди:

*Ким гадойингдур, бош индурмас, дөғи тортар аёк  
Чархи аъло бўлса тахту меҳри анвар бўлса тож.*

Фазалнинг лирик қаҳрамони суратда гадо-ю, сийратда эса шоҳлардан ҳам улуғвор, мағрур шахс. У осмон қадар юксак таҳтни оёқ остидаги қора ерчалик назар-писанд қилмайди, порлок күёш сингари тожга бош тутмайди, бўйинсунмайди. Тожу таҳт ҳаваси унинг маслагига бегона. Навоий бу фазалида Ҳаққа яқин турган сўфисийрат гадо образини гавдалантирган.

Шоир шоҳ ва гадо муносабатларини ёритишни бу фазалда икки байт билан чеклайди. Фазалнинг қолган қисмида, асосан, маъшука жамоли тасвири муҳим ўрин эгаллади.

Лаъли лабнинг «жонбахш», жон олувчи сифатлари машхур. Навбатдаги байтда унинг ўзгача талқинига гувоҳ бўламиз:

*Лаъли серобинг берибтур оташин ранги била  
Офати жоним учун ўт бирла сувға имтиозож.*

Шоир маъшука лаълининг жон офати эканлигини унинг икки хоссасини бадиий тасвирлаш орқали кўрсатади: 1. Сероблиги. 2. Оташин ранги. Халқда «Ўт ва сув балосидан асрасин», деган нақл бор. Шоир шунга мантиқан ишора қилиб, байтда «Маъшука менинг жонимга ўт ва сув балоларини баравар ёғдирди», деган киноявий маънони мужассамлаштирган. Асли, бу маънодан муддао лаъли лаб чашма сувидек ҳаётбахш, оташ – чўғ сингари қизил ва тафтли эканлигини тасвирлашдир.

Чеҳра тасвири ҳақидаги байт ҳам жуда гўзал ва ўзига хосдир:

*Ой юзунг бирла талашди буки кўктур орази,  
Панжаси бирла қуёш гўё юзига урди кож.*

Навоий қиёсий тасвир устаси. Унинг назмида «бу нарса фалон нарсага ўхшайди» қабилидаги жўн ва асосланмаган ташбеҳ мутглақо учрамайди. У тасвир обьекти хусусиятларини, кўпинча, табиий гўзаллик билан муқояса қилиш асосида очади. Баъзан ташбеҳ унсурларини баҳслаштириб, талаштириб ҳам қўяди. Мазкур байтда

юз, ой ва қүёш ҳусн талашади: Маъшуқа юзи шу қадар тўлин ва нурафшонки, у ҳусн осмонида ойни доғда қолдиради. Аламзада ой ҳусн авжида юз билан ўрин талашади. Юз гўзаллигини ўзига тенг кўрган офтоб ойнинг такаббурлигидан фазабланиб, унинг юзига бир тарсаки уради. Оқибатда, ойнинг юзи кўкариб қолади. Шоирнинг хаёлий тасвирига ой юзининг кўкимтирилиги ва доғдорлиги табиий асос бўлиб хизмат килган.

Ушбу ғазал таркиби тузилишига кўра мустақил байтлардан тузилган ғазаллар туркумига мансуб. Бу байтлар мавзу эътибори билан тарқоқ, кўп мавзули ғазалдир. Ғазалнинг дастлабки икки байти шоҳ ва гадо муносабатларига, учинчи, бешинчи байтлари ҳусну жамол тасвирига, тўртинчи байти «дарди йўқ табиб» танқидига, олтинчи байти лирик қаҳрамоннинг икрорига, еттинчи байти Навоийнинг ўз фахриясига бағишлиланган. Ғазалнинг бундай бадиий қурилмаси шоирга кенгроқ ижодий имконият яратган. Тожу таҳт ахли ва гадо сийрати қиёслангандан байтлар ғазалнинг ижтимоий мазмундорлигини таъминлаган бўлиб, бу ғоявий мазмун бизнинг замондошларимиз маънавий камолоти учун ҳам муҳим роль ўйнайди.

Нурсратулло ЖУМАХЎЖА

### АХТАРИН ИШҚ ЭТТИЮ СОВУФ ...

Тўққиз байтли бу ғазал рамали мусаммани маҳзуз бахрида ёзилган (фоилотун, фоилотун, фоилотун, фоилун). Мазмунига кўра ошиқона, яъни ошиқнинг ҳижрондаги изтиробларини, кечинмаҳисларини ифодалайди. Шу жиҳатдан уни шарҳи ҳол усулида ёзилган ғазаллар сирасига киритиш мумкин. Аммо зоҳирий маънолари билан ошиқона бўлиб кўринган ушбу ғазалда орифона (тасаввуфий) маънолар ҳам ифода этилади.

Умуман, Алишер Навоийнинг аксар ғазалларида зоҳирий ва ботиний маъно, «дунёвий» ишқ билан «илоҳий ишқ», бошқача айтганда, «мажозий» маънолар билан «ҳақиқий» маъно бирга қўшилиб, бири иккincinnisinи тақозо этиб келади. Икки маънолилик, икки планли тасвир мазкур ғазалга ҳам хос, шунинг учун унинг шарҳи ҳам ана шу икки жиҳатни очиб беришга хизмат қилиши керак. Ғазалда бошдан охиригача иккита образ – тонг ва тун (ёки шом) тимсоли қарама-карши қўйилиб, қиёслаб борилади, ташбеҳ ва истиоралар шу икки тимсол – образ атрофига уюштирилган. Ошиқнинг ҳижрони,

айрилиқдаги ҳолати – тун, висол дамлари – тонг, ёруғлик. Ошиқ инсон хижрон, айрилиқ тунидан қутулишга ва ёр дийдорига мушарраф бўлиб, фараҳ топишга талпинади, хижрондаги азобларидан зорланади, охирида эса тонг отиб, васл умиди шуъласи кўринади. Демак, ғазал ягона мавзуга бағишлиланган, тасвир мантиқи байтлар аро вобаста бўлиб, бир силсилани ташкил этади. Энди байтлар шархига ўтамиз.

Ахтарин ашк эттию совуғ нафасни оҳ субҳ,  
Бўлди гўё шоми ҳажрим ҳолидин огоҳ субҳ.

(«Наводир уш-шабоб», 104-ғазал)

Аввало нотаниш сўзларга изоҳ берамиз: ахтар – юлдуз, ашк – кўз ёши, субҳ – тонг. Матлада ҳазрат Навоий ажойиб шоирона тасвир яратган: тонг (субҳ) жонлантирилиб, унга одам хусусияти берилган. Тонг ғира-ширасида юлдузлар кўз ёшидай омонат милтіллайди, тонгнинг салқин шамоли эса дардманд ошиқнинг оҳидай совуқ. Яъни, тонг ошиқ ахволига ачинади, ғамгин бўлади ва кўз ёши тўкиб, совуқ оҳ тортади. Лирик қаҳрамон ўз ҳолати билан отаётган тонгни қиёслаб, тонг менинг айрилиқ шомидаги азобларимдан ҳабардор бўлган, шу сабабли юлдузларни кўз ёшидай тўқди, салқин шабада уфуриб, оҳ чекди, дейди. Эрталабки салқин шабада дард зўридан оху нола қилган одамнинг нафасига ўҳшатилган, совуқ оҳ эса бу ўринда афсус ва ачиниш, ожизлик нишонаси.

Байтнинг насрый мазмуни: «Тонг гўё менинг хижрон тунидаги ахволимдан хабар топгандай, юлдузларни кўз ёши қилиб, совуқ шамоли билан оҳ уриб етиб келди». Бу – байтнинг «дунёвий», ошиқона шарҳи. Байтнинг ботиний, орифона маъносини англамоқ учун эса баязи сўзларнинг мажозий, тамсилий маъносини тушуниб олишимиз керак. Чунончи, тонг (субҳ) – «ваҳдат нурининг таралиши» («Шарҳи Гулшани роз», 583-бет), илоҳиёт тажаллиси; у олами ғайбдан нузул этиб, таайюнот (аён нарсалар, дунё гоялари) зулумотини ошиқ кўнгли саҳифаларидан сидириб ташлайди. Оҳ – ишқ ғулгуласининг тил билан ифодалаб бўлмайдиган авж лаҳзаси. Шом – ваҳдатга қарама-қарши касрат (кўплик) мартабалари, таайюнот пардаси. Нафас – кўнгилнинг маънавият гулзоридан эсган луттифидан тозаланиши» (Сайийид Жаъфар Сажходий. Мусталаҳоти урафо, 405-бет), ғайб латофатига, маҳбуб талабига интилиш. Нафас, шунингдек, вақтни, лаҳзалик ҳолни, олий ўзгариш ва ёришишларни ҳам билдиради. Хижрон – Ҳақдан, Илоҳдан бошқага юз ўгириш,

күнгилнинг вақтинча ўзга фикр – ташвишлар билан банд бўлиши, парда орқасида қолиши.

Ана шу маъноларига кўра, матланинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Менинг дунё ишлари – касрат билан машғуллигимни, Ҳақдан бошқа нарсаларга эътибор қилиб, ундан узоқда қийналганимни кўриб, илоҳий ваҳдат нури дилим саҳифасини тозалаш, ўз холимга қайтариш учун етиб келди». Воқеан, орзудаги неъмат – гўзалликка мунтазир одамнинг қалби тонгда ёришиб, фараҳ топиши табиий. Кўнгил мусаффо бўлади, яйраб нафас оласан, киши. Тонг орифона шеъриятда кўп кўлланилади. У – илоҳий файзият тимсоли, нуро-ний одам даракчиси. Илоҳий ёр дийдорига толиб одам бу нурга етишиш учун кўпдан-кўп руҳий қийноқлар, ҳижрон азобларини бошидан ўтказиши керак. Шарҳланаётган ғазалда солик (йўловчи) нинг ана шу ахволи руҳияси тасвирланади, ташвишли талпинишлари кўрсатилади.

Иккинчи байт:

*Ғам туни муҳлиқ ғамим англаб яқо чок айлади,  
Тонг елидин ҳар нафас ҳолимға тортиб оҳ субҳ.*

Мазкур байтда матлада ифода этилган мазмун давом эттирилган. Тонг матладагидай бечора ошиқ ҳолига ачиниб, кўз ёши тўкиш, оҳ уриш баробарида, ғам тунидаги ҳалокатли (муҳлиқ – ҳалокатли демак) ахволни кўриб, «ёқасини йиртади». «Ёқа йиртиш» – тонгнинг отишини англатувчи истиорадир, чунки ёқа йиртилганда одамнинг кўкраги кўринганидай, тун пардаси йиртилганда тонг намоён бўлади, яъни илоҳиёт жамоли кўрина бошлайди. Навоийнинг Самарқандда гадодан сотиб олган байтининг биринчи мисраси: «Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок», яъни: «Кўкрагим тонгнинг кўйлагидан чокрок». Бу ерда субҳнинг пироҳани – тонг пардаси, ҳарир бир нимқоронғилик хаёл саҳифасида яралган, ҳам тонгнинг отиши ёқанинг йиртилиши эмас, балки кўкракнинг чок-чок бўлишига ташбеҳ қилинган. Аммо ҳар икки байт тасвирининг чиройида муштарак жозиба бор. Иккинчи байтдаги «тонг ели», «оҳ», «нафас» сўзлари такрор бўлса-да, аммо ҳолатни конкретлаштириш, таъкидлашга хизмат қилган. Тун – асл маъносидан ташқари, олами имкон – борлиқ, файб сиру асрорини, мазкур байтда жабарут олами (Илоҳ ва фаришталар орасидаги олам)ни ҳам англатади. Бироқ биринчи маъно ҳам назарда тутилган. Шунингдек, тонг ели-

ни илохий неъмат файзи, илохиёт ёди маъноларида ҳам тушунсак, байтнинг орифона мазмуни бундай бўлади: «Гайб асрорини англашдаги ҳалокатли интилишларим, кўрқинчли ахволимни кўриб, тонг ёқасини чок этди, яъни отди. Иштиёку изтиробим эвазига илохий нурдан нишона кўрдим.

Учинчи байт:

*Тийра ҳижрондин чу йўқтур фарқ субху шомима,  
Хоҳ, шом ўлсун қарорғон рўзгорим, хоҳ субх.*

Бу байтда яна бир фавқулодда тоза истиора қўлланилган: тийра ҳижрон. Қоп-кора айрилик – бу ошикнинг қил сифмаган қалби, мотамзада ҳолати. Ҳижрон туни, ҳажр шоми иборалари ёнида мазкур истиора тасвирнинг латифлигини оширади, рангни қуюқлаштиради, лирик қаҳрамон кечинмаларининг шиддатини бўрттириб кўрсатишга хизмат этади. Қолган сўз ва иборалар тушунарли, шу учун байтнинг зоҳирий мазмунини бундай шарҳлаш мумкин: «Айрилиқ ғамидан ҳаётим, руҳиятим шундай қоронгики, тонг билан шомим, кеча ва қундузим орасида фарқ йўқ. Хоҳ тонг бўлсин, хоҳ шом – сезмасман, барι қоп-кора тунга айланган». Байтнинг ботиний, маърифий маъноси: «Илохий ёр ёдини фаромуш этиб, нафсоний дунёга берилиб қолганим учун тонг билан шомнинг фарқи билинмай қолди, шом бўлса ҳам, тонг отса ҳам кўнглимга ҳеч нарса сифмайди, чунки «қоронғу рўзгор» – дунё ташвишидан кутулиш фоят мушкул, у мени ўз домида занжирбанд этган». Солик ўз иродасини батамом пир қўлига топшириб, тариқат мақомидан зина-базина кўтарилса, нафс кутқуси ва дунё истакларидан бутунлай кутулсагина кўнгилни узил-кесил тажаллиёт зиёсига рўбарў эта олади, «тийра ҳижрон»дан кутулади.

Тўртинчи байт:

*Дуди оҳимдин қарорғай, ҳажр шомидин батар,  
Бўйса ҳижрон қатъида бир кун манга ҳамроҳ субҳ.*

«Дуди оҳ» ҳам ёр ишқида ёнаётган безовта, бетоқат ошик ахволининг ноҷорлигини англатувчи муболағали истиоралардан: ошиқ ёр ишқида шундай ўртаниб ёняптики, гўё унинг ичидан олов гуриллаб чиқяпти, бу олов унинг оҳу ноласидирким, тутунидан олам қоронилашади, ҳатто зиё таратадиган тонг юзи ҳам бу тутундан қора тусга киради. Бу эса ҳажр шомидан ҳам бадтар. Шоир сўзу гудоз,

ёниш-ўртанишнинг қийноқлари, руҳий-маънавий талпиниш ва курашларни шундай дардли сатрларда таъриф этади. Хуллас: «Агар тонг хижрон пайтида (авжида) мен билан бир кун бирга бўлса, оҳим тутуни-ю ҳажрим шиддатидан ўзи ҳам қора рангга бўялади». Дунё ишлари, моддий олам талабларига қараб юраверсанг – тонгни ҳам сезмайсан, илоҳий нур ҳам қоронгиликни ёриб ўтолмайди.

Бешинчи байт:

*Тийра шомим дафъи қилди меҳр зоҳир айлабон,  
Яхши борди меҳрибонлигларда шайъуллоҳ субҳ.*

«Меҳр» билан «меҳрибонлик» сўзлари ўзаро тажнис – сўз ўйинини ташкил этган: меҳрнинг бир маъноси қўёш, яна бир маъноси эса муҳаббат, меҳр. «Шайъуллоҳ» – Оллоҳнинг каромати, неъмати демак. Байтнинг мазмуни: «Худонинг неъмати бўлган тонг меҳрибонлик кўрсатиб, яхши натижа олиб келди, қоронги шомимни даф этиб, қўёшни бошлаб келди». Ва яна: «Ваҳдат нури зиёси – тонг баракотидан касрат – дунё шуғли кўнглимдан кетди, кўнглим тозаланди, илоҳий нур қашмаси – қўёшга етишиш имкони топилди».

Олтинчи байт:

*Хуштуур жоми сабух, эй шайх, сен ҳам ичкасен,  
Тутса май соқий бўлуб бир меҳр юзлик моҳ субҳ.*

Бу байтдаги «мехр» сўзи бошқа маънода, яъни маъшука сифати бўлиб келган. Шоир умумлашма тасвирлардан бир қадар аниқликка – конкретроқ тасвирга кўчади, юзи қўёшдай порлаган соҳибжамол соқий ҳақида ёзади. Лекин бу билан Навоий ғазалнинг орифона, ботиний маъноларини давом эттиришдан воз кечди, дея олмаймиз. Аксинча, анъанавий тамсиллар – соқий, жом, май сўзлари шоир айнан илоҳий муҳаббат ҳақида гапираётганини билдириб туради. Бу байтда яна бир анъанавий образ бор – бу шайх образи. Шайхни шоир бу ўринда тақводор шахс, зоҳид маъносида қўллаган, аслида эса шайх комил инсон, пири муршид маъносида ҳам келади. Машхур сўфиларнинг кўли шайх деб эътироф этилган. Навоий ўзларини билимдан хисоблаб, орифларнинг ботиний оламидан бехабар, завқу шавқдан маҳрум дунёпараст шайхларни назарда тутган. Шундай қилиб, байтнинг маъноси: «Эй тақводор шайх, тонг пайти комил инсон маънавиятдан сўз бошласа ёки Куръон тиловат қилса, илоҳий кашф зуҳуроти, мушоҳада сархушлигига муҳаббатга

лиммо-лим юрагидан роз айтса, сен ҳам қулоқ сол ва сархуш бўл, чунки тонгги сухбатнинг сурури ўзгача, лаззати бениҳоя ва ёқимли».

Нега бундай маъно келиб чиқди? Чунки тасаввуф талқинида жом – «илоҳий тажалийт мавжи ва бепоён нурнинг порлаши» («Миръот ул-ушшоқ»), соқий – «файз манбаиким, вужуд заротини борлиқнинг бодасидан сархуш қилгандир» («Миръот ул-ушшоқ»), май – «ғалаботи ишқ» (Сажжодий, 400), «илоҳий тажалийт...» («Миръот ул-ушшоқ»). Яъни: меҳрюзлик соқий – ориф инсон илоҳиёт тажаллисининг файзидан тонгда бода тутса, эй шайх, сен ҳам ичишинг муқаррар.

Етпинчি байт:

*Фам туни кўхи балосидин магар бўлмиш халос,  
Ким менингдек кўргузур руҳсораи чун коҳ субҳ.*

**Кўхи бало** – бало тоғи, руҳсора – юз, коҳ – сомон. Ошиқ изтироб чекишдан, бало тоғининг юкини тортишдан ранглари сомондай сарғайган. Бу аҳвол тонгнинг бўзариб оқариши орқасидан күёш нурларининг олтин (сариқ) рангда кўрина бошлиши билан қиёсланган. Афтидан, тонг ҳам мен каби айрилиқ ғамининг балосидан халос бўлибди, чунки сомондай сарғайган юзини кўрсатмоқда, дейди ошиқ. Тоғ балосидан халос бўлиш қуёшнинг тоғ ортидан чиқиб ке-лишига ишора ҳамда күёш тунда уфқ ортида, тоглар кўйнида банди бўлади, эрталаб яна кутулиб йўлга чиқади, деган қадимий тасаввурга вобаста тасвир бу. Навоий субҳ (тонг)ни бир шахс сифатида жонлантириб, уни лирик қаҳрамон холати билан қиёслашни давом эттирган.

«Бало» – Илоҳининг имтиҳонлари, солик йўлида учрайдиган қийинчилликлар, «бало тоғи» шунга мувофиқ – тариқат йўлида учрайдиган имтиҳонларнинг энг оғири демак. Мазкур байтда кўх ва коҳ (тоғ ва сомон) сўзларини зид кўйиш (тазод санъати) ҳам бор. Ошиқ ўзининг дарддан юзи сарғайганини айтиш билан бирга илоҳий курдат, зоти азалий ва унинг имтиҳон – балоларининг беҳадлиги олдида зарра мисол кичик ва ҳақиқр эканини ҳам таъкидлайди. Шу тариқа, соликнинг мақомот сари интилишларидағи иккиланишлар, мушкулотлар, имтиҳонлар қийинчилиги ва уларни енгигб ўтиш учун иродани чиниқтириш иштиёқи акс этади бу байтда.

Саккизинчи байт:

*Субҳидам бедору гирён бўл, агар файз истасанг  
Ким, сенинг уйқунгга хандон ўлмасун ногоҳ субҳ.*

Ғазалнинг орифона мазмуни бу байтда яна ҳам очикрок ифодаланган, субҳ илохий файз тимсоли эканини шоир ўз тили билан баён этган. Бундай файзга тунлари бедор ўтириб, тоат-ибодат билан шуғулланган, Илоҳ ишқида куйган, ўртанган дардли одамларгина эришадилар. Навоий даврида илоҳталаб дарвешлар, ориф солиҳлар дунё роҳатидан воз кечиб, маънавият сирини кашф этиш учун кечалари ухламай, зикр айтиб чиқар, бутун вужудлари, қалб-шуурларини шу мақсадга қаратиб, сидқидилдан Мутлак рух сари интилардилар. Натижада, уларнинг кўнгиллари равшанлашиб, завқу сурур топар, зеҳнларида маърифат тонги ёришарди. Маънавият олами ошиқлари Навоий васф этган ҳақиқий ошиқлардир, улар шоирнинг идеал образлари, эзгулик фаришталари эди. Шунинг учун у орифлар foясини жону дилдан тарғиб этади, дейдики: агар илохий файз истасанг, эрта сахарда уйқуни тарк эт, Худо йўлида бедор ва гирён бўлгин (байтда гирён ва хандон – йиглаш ва кулиш сўзлари зид кўйилган), фафлатда ётма, бўлмаса, файздан бенасиб қоласан – тонг сенинг аҳволингга кулади. Камолот истаган одам тонгдай уйғоқ, тонгдай пок бўлиши лозим.

Ва, ниҳоят, тўққизинчи байт:

Эй Навоий, ул қуёшнинг муждайи васлин бериб,  
Килса неткай шоми ҳажрим меҳнатин кўтоҳ субҳ.

Ғазалнинг бошидан бошлиб давом этиб келган шом – тонг қиёсий параллеллик мақтага келиб якунланяпти. Субҳдан кейин қуёш чиқиши ва туннинг чекиниши муқаррар. Лекин Алишер Навоий на-зарда тутган тонг илохий тажалли сафоси бўлганлиги сабабли қуёш ҳам пири муршид қалби ёки мутлақ Рұхнинг манбай тимсолидир. Тонг эса шу манба – нур ҷашмасининг даракчиси. Ошиқ йўловчи ҳижрон туни, яъни дунёвий талаблар, илоҳиётдан узоқлаштирувчи ишлар – зулумлар зулумоти қийноғидан кейин, ниҳоят, васл шодмонлиги имконини топади, кўнгил даричаси ёр жамолига караб очила бошлайди. Мақтанинг зоҳирий маъноси: «Эй Навоий, ул қуёш, яъни ёр васлининг дарагини етказиб, ҳижрон шоми азобини (меҳнат – азоб дегани) қисқартиrsa кошкийди».

Байтнинг орифона ботиний маъноси эса бундай: «Эй Навоий, ваҳдат нури жилоси – тонг Зоти мутлак (ёки комил инсон қалби) манбаига етишиш хушхабарини етказиб, Илоҳ ёдидан бегоналашув қийноғи, касрат зулумоти ичра чекаётган руҳий изтиробу азоб-

ларимни қисқартырса нима бўлар экан». Ана шу тариқа мазкур ғазалда Навоий илохий кечинмаларни реал инсоний кечинмалар тарзида тасвирлайди. Зотан, орифларнинг тариқат дараҷаларини эгаллаш йўлидаги интилиш – ёнишлари нега реал бўлмасин? Ахир, бу оддий одамларнинг эмас, ўзларини руҳан тайёрлаган, жуда катта вазифани бўйинга олиб, фақат маънавий маърифат сари ўти шавқ билан интилган одамларнинг ҳар қандай дунёвий тушунчадан холи покиза ишқи эмасми?! Шунинг учун ҳам уларнинг қалб кечинмалари юксак ва олижанобдир. Шу шавқ ва интилишни тор маънода тушунмаслигимиз керак. Бу Навоий каби буюк инсонларнинг дунё ва Илоҳ орасида, дунёни севиш ва дунё кишиларидан задалик, дунё ишларидан кўнгил узолмаслик ва дунёда бўлмаган идеалга боғланиш, уни севиш ҳислари орасидаги талпиниш-изланишлари, руҳий саргардонлик ва қўйноқларнинг рамзий шеърий изҳори эди.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### ЧИКМАГАН ЖОНДАН УМИД

Етти жон оғзимаким, чиқмас уйидин ул хур,  
«Чиқмағон жонға умид» – ушбу масалдур машхур.

Ой юзунг айлади бурқаъ қасабин юз пора,  
Солди ҳар порасидан ерга юзунг партави нур.

Нафасинг ҳашр куни нашр бўлур олам аро,  
Бир нафасда нега йўқса тирилур аҳли кубур?

Ишқнинг куввати бирла чекарам ҳижронни,  
Йўқса бир мўрға йўқ тоғни чекмак мақдур.

Чун азал қисматин эл коми била қилмадилар,  
Ишқдин тутса бўлур бизни халойик маъзур.

Туз кўнгулга басару нутқи пароканда не бок,  
Тилу кўз гайбатидин гойиб эмас аҳли ҳузур.

Бир нафас умрға бўлмас мутаахҳид бўлмоқ,  
Эй Навоий, не бало ғофил эрур аҳли ғурур.

(«Наводир уш-шабоб», 142-ғазал).

Ушбу ғазал Навоий лирик фаолиятининг тўртинчи даври маҳсули бўлиб, уни шоир «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» дебонига киритган. Ғазал ишқ мавзуда битилган. Шундай бўлса-да, шоир айрим байтларда, мақтада умр тўғрисида фалсафий мушоҳада юритади. Асарнинг ғоявий мазмуни ишқни улуғлашдан иборат. Як-пора ғазал. Услубан шарҳи ҳол турига мансуб. Рамали мусаммани маҳбуни маҳтуви мусаббағ вазнида яратилган.

Фоилотун      фаилотун      фаилотун      фаилон

Етти байтдан иборат ғазалнинг матласи ғоявий-бадиий барка-моллиги билан алоҳида ажралиб туради.

Етти жон оғзимаким, чиқмас уйидин ул хур,  
«Чиқмағон жонға умид» – ушбу масалдур машхур.

Байтда ҳижронзада лирик қаҳрамон руҳий ҳолати ўзига хос тарзда тажассум топган. Байтнинг мазмуни ошиқнинг беҳад ҳижрон чекканлиги, висол орзусида тоқатлари тоқ бўлганлиги изҳоридан иборат. Бироқ байтнинг ўзига хослиги фақат бунда эмас. Унинг сехри – бадииятида. Ундаги бадиият поэтик фикр ҳалқона мантиқ асосига қурилгани, ҳалқчил иборалар ёрдамида ифодаланганни билан гўзалдир. Ҳалқ «қаттиқ азоб тортиш» маъносини кўп ҳолларда «жони оғзига келмоқ», «жони оғзига етмоқ» иборалари орқали тафсилотларсиз ихчам ифодалайди. Навоий ҳам бу иборадан лирик қаҳрамон қалб изтироблари авж нуктага кўтарилган даврдаги руҳий ҳолат инъикоси учун ўринли фойдаланган. Ғазалнинг шу ибора билан бошланиши, аслида, лирик кайфият, лирик драматизм, лирик манзара анча оддин бошланганлигини кўрсатади. Чунки биз бошланмани ўқишимиз биланок, лирик қаҳрамон жони оғзига етгунга қадар яна бир ғазалга мазмун бўлгулик узоқ айрилиқ изтиробларни бошдан кечирганини хис қиласиз. Шу бошланмагача бўлган лирик воқеаларни Навоийнинг бошқа бир қанча асарлари, жумладан, «Ул сарви гулрў келмади» каби ғазаллари мазмуни шарҳлай олиши мумкин.

Драматик ҳаётий лавҳа бадиий ифодада ҳам зиддиятни юзага чиқарган. Ошиқ жон чиқар ҳолатга келган, маъшуқа эса уйидан чиқмайди. Бу тазод шаклгагина эмас, моҳиятга ҳам даҳлдор. У лирик характерлар ўртасидаги қарама-қаршиликни (бири изтироб ва эҳтирос алангасида ўртанади – бошқа бири эса лоқайд, бепарво) ҳам ифодалайди.

Жон оғзига етса-да, лирик қаҳрамон умидсизлик ҳисларига берилмайди. Ғазалдаги лирик қиёфа шарқона умидворлик билан

Йүгирилган. «Чиқмаган жондан умид» мақоли халқона умидворлик заминида вужудга келган. Ушбу халқ мақоли шоирга күламли маынони таъсирчан ифодалаш имконини берган. «Чиқмағон жон» ошик олдига келмаган маңышқаны ҳам англатади. Шу билан бирга, висол илинжидаги сабр-тоқат ҳадди поёнига етгани, аммо умидишонч ришталари узилмаганини ҳам, ошикнинг жони чиқмагани, у ўлмагани, руҳан мағлуб бўлмаганини ҳам ифодалайди. Шарқдаги фалсафий-ахлоқий ақидага кўра, сабр, сабот маънавий камолот йўлидаги асосий шартлардан ҳисобланади. Демак, шоир ғазалда маънавий-руҳий баркамол инсоннинг лирик қиёфасини яратишга мушарраф бўлган.

Ғазалдаги ҳамма байтлар ҳам матла сингари пурмаъно ва пурсайкал битилган. Айниқса, учинчи байт теран орифона мазмун ифодалангани билан диққатга сазовор. Улар матла ғоявий-бадиий мазмунини изчил давом эттириш, тўлдириш, бадиий шарҳлаш ва такомиллаштириш вазифасини бажаради. Шунинг учун биз матла таҳлили билан чекландик, холос.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ЧИҚМАСА ЖОНОН, ФАМУ АНДУҲДИН

Чиқмаса жонон, фаму андуҳдин жоним чиқар,  
Завқдин ул дам кирап жонимки, жононим чиқар.

Мақдамидин боф ўлур ҳам дашту ҳам кўй андаким,  
Жилва айлаб боғдин сарви хиромоним чиқар.

Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,  
Форати дин эткали ул номусулмоним чиқар.

Кўзда эрмас фурқатидин ашки гулгун қатраси,  
Балки кўздин ҳам бағир захми киби қоним чиқар.

Захм аро қолғон бошоқ жонимга етмиш, эй рафик,  
Раҳм этиб Тенгри учун чек доғи, пайконим чиқар.

Чарх агар фарёду афғонимга етмас, айб эмас  
Ким, анинг бедодидин фарёду афғоним чиқар.

Соқиё, ол бир қадаҳ бирла Навоий кўнглини  
Ким, букун дерларки, сархуш кўнглум олғоним чиқар.

(«Наводир уш-шабоб», 157-ғазал)

Бу ғазал Навоий ижодий такомилининг учинчи даврида ёзилган бўлиб, дастлаб «Наводир ун-нихоя» девонига киритилган. Етти байтли, якпора, рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган. Матладаноқ маълумки, бу ғазал икки қарама-қарши ҳолат – висол қувончи ва ҳижрон изтироби тасвирига бағишлиланган. Ғазал ҳижрон ўтида ўртанганд ошиқ руҳий ҳолатининг энг таранглашган онидаги лирик кайфиятни ифодалайди. Бу онда висол ошиқнинг ҳаёт-мамот илинжиға айланган: жонон келмаса, жон чиқади, жонон келса, жон киради. Санъаткорона яратилган матладаги поэтик манзара, фикр сўнгги сатргача изчил ривожлантирилади.

Ғазалнинг алохида эътиборни талаб қиласидан шоҳбайтларидан бири шуки, унда Навоий лирик кайфиятдан лаҳзага чекиниб, маъшука қиёфасидан келиб чиқиб, мутаассиб доираларга ўз муносабатини билдиради:

*Титрангиз, эй аҳли дин, исломингиз бошиғаким,  
Форати дин этгали ул номусулмоним чиқар.*

Юзаки қараганда, байтда Навоий ислом динига қарши бонг уряпти, у васф этаётган маъшука динсиз, коғир экан, деган хуносага келиш мумкин. Аслида, байтнинг ғоявий мазмуни бошқачароқ. Шоир ислом эътиқодига шак келтираётгани йўқ. «Форати дин этмоқ», «номусулмон» каби сўз-иборалар ҳам асл лугавий маъносида эмас, балки кўчма маънода қўлланган.

Маълумки, анъанавий Шарқ рубобиётида маъшуқа ошиқни ҳар кўйга сола оладиган, уни инон-ихтиёридан, эътиқодидан айирувчи, баъзан мусулмон аёлига хос ахлоқ-одобнинг маҳдуд чегараларини назар-писанд қилмайдиган сиймо янглиғ талқин этилади. Унинг бундай қиёфаси «коғирваш», «номусулмон» сингари сифатлар орқали баён этилади. Навоий ҳам иккинчи мисрада маъшуқанинг худди шундай сиймосини яратган. Бундай қиёфали образ воситасида замонасидағи дин аҳлига «пўписа» қилган. Албатта, лирик асар ё образ орқали бирор ижтимоий доирага қарши курашиб, ҳужум, пўписа қилиш мақсади кўзланмаган. Бундан ҳеч бир маъни ҳам чиқмасди. Байтдаги «пўписа»да ҳазил бор. Навоий сўзаро «аҳли дин» устидан енгилгина кулиб ўтган. Шу билан бирга, чинакам ишқ ҳар қандай дин ва эътиқодни форат қилишга қодирлигини, ишқнинг ўзи бир чўнг эътиқод бўлиб, унинг қудрати олдида дин ва «аҳли дин» заифу нотавонлигини ҳам уқтирган.

Хуллас, ушбу ғазал анъянавий услугуда ёзилганига қарамай, ундағи нозик кочиримли лиризм, поэтик санъатларнинг ўринли кўлланиши, кўриб ўтганимиз каби ижтимоий мазмундор байтлар уни Навоий ғазалиётининг нодир намуналари даражасига кўтарган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### КЎК БИНАФШАЗОРИНИ АНЖУМ ...

*Кўк бинафшазорини анжум чу нарғисзор этар,  
Нарғисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.*

*Чун Зухал толиъ бўлур ҳолинг хаёли фитнадин,  
Жоним ичра юз минг ошуби бало изҳор этар.*

*Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,  
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.*

*Чун чикар Баҳроми қотил, кўзларинг андишаси  
Хаста жонимни қатили ханжари озор этар.*

*Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,  
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.*

*Зуҳра ҳолимға сурудин навҳаға айлаб бадал,  
Чангининг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.*

*Ўлмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,  
Шарҳи дардим назмидин ҳар лаҳза юз тумор этар.*

*Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,  
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.*

*Тийра айлаб бениҳоят кеча умрум шамъини,  
Васл субҳи ҳасрати ранжим юз ул микдор этар.*

*Ростлиғ улдурки, еткач ул қуёш, раҳм айлагай,  
Улча аҳволимға ҳар тун ҷарҳи кажрафтор этар.*

*Эй Навоий, ишқ дардидин шикоят қилмаким,  
Жонинга жавру жафосин ҳар нечаким, бор этар.*

(«Наводир уш-шабоб», 164-ғазал)

Мавзу хусусиятига кўра, бу шоир ижодий такомилининг учинчи боскичи маҳсули бўлиб, уни илк бор «Наводир ун-ниҳоя» девонига жойлаштирган. Кейинчалик бу фазал «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига кўчган. Фазалнинг ўзига хос ва мураккаб образлар тизими мавжудлиги, ҳажмининг катталиги (у 11 байтдан иборат), тили ва бадиий тасвир услубининг ўзга ишқий фазалларга нисбатан оғирлиги ҳам уни Навоий айни ижодий кучга тўлган ўрта ёшларида яратганлигини тасдиқлади. Бу – Навоийнинг кўпмъянилилк хусусиятига эга асарларидан. Унда васф этилган ишқ «мажозий ишқ», яъни одамнинг одамга бўлган муҳаббатидан кўра кенгроқ маъноларга эга. Фазал руҳий мундарижасининг нисбатан мураккаблашувига сабаб шуки, унда шоир инсоний ишқ билан тасаввухий дунёқарашибдаги «ҳақиқий ишқ» хусусиятларини бир нуктада мужассамлаштиришга ҳаракат қилган ва бунга эришган.

Фазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

Фоилотун      Фоилотун      фоилотун      фоилун

Фазалда Навоий лирик қаҳрамон кечинмалари ҳамда тахайюлини тасвирашда оригинал йўл тутади.

*Кўк бинафшазорини амжум чу наргисзор этар,  
Наргисинг бирла бинафшанг ҳажри кўнглум зор этар.*

Бир қарашда, бу – анъанавий руҳдаги байт. Унда Мавлоно Лутфий таҳсинига сазовор бўлган «Оразин ёпкач, кўзимдин сочиулур ҳар лаҳза ёш, Ўйлаким, пайдо бўлур юлдуз ниҳон бўлғоч куёш» матласига ҳамоҳанглик бор. Мазкур байтларни инсон ва табиат муносабатлари, инсон руҳияти ҳамда табиат манзараларининг қиёсий талқини туташтиради. Бирида аввал инсон руҳияти лавҳаси ёритилиб, сўнг унга мутаносиб табиат тасвири яратилади. Таҳлилга тортилган фазал матласида эса бўлакча. Аввал илк мисрада табиат, аниқроғи, осмоннинг хижрон шомидаги қиёфаси яратилади. Кун билан туннинг алмашиниши гўзал бадиий ифодаланади. Яъни, шоир наздида осмон кундузи бинафшазор эди. Бинафшаранг кўм-кўк саломони тасаввур қилинг-а! Кўк қадаҳига шом бодаси қўйилиши билан наргисдек сочилган юлдузлар кўк бинафшазорини наргисзорга айлантириди.

Иккинчи мисрада инсон руҳи тахлил этилади. «Кўк бинафшазори»га лирик қаҳрамон кўнгли, «анжум» ва «наргис» образларига маъшуқанинг наргисмонанд кўзлари ва бинафшаранг хатти, бинафшашакл зулфи

поэтик параллелизм усули билан таносиб қилинади. Бу тасвиридан лирик қаҳрамон күнгли маъшука висолига зор-интизорлиги англа-шилади. Лекин биз мазкур байт матла эканлиги ва матланинг бади-ий вазифаси лирик киришни ифодалашдан иборат эканлигини ҳам унутмайлик.

Матлада «кўйк бинафшазори» ва «анжум» – юлдузлар ҳақида сўз очилдими, демак, ғазал давомида фалакка муносабат, осмоний жисмлар тасвири акс этиши муқаррар. Дарҳақиқат, Навоий Зуҳал (Сатурн), Муштарий (Юпитер), Баҳром (Марс), Меҳр (Күёш, Венера), Уторид (Меркурий), Ой каби сайёralарни ғазалга олиб кириб, назмийлаштиради. Бу поэтик образларни ӯз бадиий муддаосини ифодалашга хизмат қилдиради.

*Жилва қилғоч Муштарий кўзни узоринг ёдидин,  
Юз саодат ахтаридин ҳар замон дурбор этар.*

Байтда маъшука ёки ғазалнавис кўзда тутган бошқа бир эсте-тик идеал васлидан жудолик қуйидагича тасвириланган. Шоир бу машъум айрилиқ фожиасига сабабчи қилиб Муштарий сайёрасини кўрсатади. Форсий номи Биржис бўлмиш бу сайёра, Навоий даври мунажжимларининг тасаввурларича, олтинчи фалакда жойлашган, еттинчи осмонга энг яқин юлдуз бўлгани учун мунажжимлар уни «Фалак қозиси» деб аташган. Гўё у илоҳий кудрат низомларига кўра, жамики мавжудот устидан ҳукм юритган. Навоий Муштарий сайёрасининг мана шу қозилик аъмолини назарда тутганлигини инобатга олсак, қуйидагича мазмун юзага чиқади: Муштарий, яъни фалак қозиси чеҳранг ёденин кўз хотирасидан учиргач, юзлаб баҳт юлдузлари ҳар замон дур ёғилгандек, кўз ёш селини оқиздилар. Демак, фалак қозиси ҳукми билан лирик қаҳрамон баҳтсизлик – мангу айрилиқка гирифтор бўлди.

Ғазалда изчил руҳий таҳлил кўзга ташланиб туради. Мана, юқоридаги воқеа лирик қаҳрамонни қандай кайфиятга олиб келди:

*Меҳрдин топмай нишоне сенда ҳам, гардунда ҳам,  
Бу мусибат кўзума ёруғ жаҳонни тор этар.*

Байтнинг санъаткорона хосияти шундаки, Навоий «меҳр» сўзининг турли маъно товланишларидан усталик билан фойдаланган. Шоир «меҳр» сўзининг лугавий ва кўчма маъноларини ишга солиб, «ийҳом» санъатини вужудга келтиради. «Ийҳом» асосида катлам-катлам маъно мағзига эга бўлган мисра яратади. Мисрани ўқирканмиз, даст-

лаб лирик қаҳрамон маъшуқадан меҳр-шафқат нишонасини топа олмаганини кўрамиз, сўнг маъшуқадагина эмас, балки умуман «гардунда ҳам» меҳр-вафо топмаганинги англаймиз. Бу – «меҳр» нинг луғавий маъносигагина суюниб ифодаланган мазмун. «Меҳр» кўчма маънода күёшни билдиради. Бундан айрилиқ азобидаги лирик қаҳрамон гардунда күёш ҳам топа олмаганинги англашилади. Демак, висолсиз одам – офтобсиз олам, деган мусибатли мазмун юзага чиқади. Бу мусибат эса ёруғ оламни лирик қаҳрамон кўзига қоронғи кўрсатади. Лирик қаҳрамон аҳволини халқ жонли тилидаги «кўзига жаҳонни тор этмоқ» ибораси билан ифодалаш байтнинг бадиий салмоғини яна чандон оширади.

Лирик қаҳрамон нақадар аяңч аҳволда қолганлигини ўша муболағали манзара воситасида кўрсатишга ҳам Навоий сайёralар образини сафарбар қилади:

Зухра ҳолимға сурудин навҳага айлаб бадал,  
Чангнинг сочин ёйиб, дурри сиришк изҳор этар.

Зухра – Чўлпон юлдузи азалдан Шарқ адабиётида осмон чолғувчиси, созандаси сифатида тасвирланиб келади. Зухра юлдузининг шу хосиятини назарда тутмай туриб, Навоий байтини тўла тушуниш қийин. Хуллас, байтда мужассам бадиий мазмун шундан иборатки, чолғувчи сайёра лирик қаҳрамон аҳволини кўриб, чалиб турган кўйини мунгли ва нолавор йигига айлантириб юборади. Унинг кўлидаги чанг эса соchlарини ёйиб, кўз ёш дурларини оҳанг либосида соча бошлайди. Кечинмалар фожиавийлигига асосланган лирик сюжет тобора авж нуқтасига кўтарила боради. Зухра юлдузининг чолғуси билан бирга соchlарини ёйиб фарёд чекиши лирик қаҳрамон ҳалокатидан дарак берса, кейинги байтлар буни қонунийлаштиради:

Ўлмаким англаб, Уторид ҳолима деб марсия,  
Шархи дардим назмидин ҳар лахза юз тумор этар.

Ой ҳалокимга тутуб мотам, кийиб тундин қаро,  
Оразин сайли била аҳли азо кирдор этар.

Уторид – Меркурий сайёраси қадимий адабиётда афсоналарга суюниб фалак котиби, ёзувчи ва шоирларнинг ҳомийси сифатида талқин этилган. Навоий ҳам шу талқинга таяниб, Уторидни шоир ва ҳомий янглиғ гавдалантиради. Гўё Уторид лирик қаҳрамон ўлимини англаб, марсиялар ёзади. Унинг дардлари шарҳидан наз-

мий марсиялар яратади. Лирик қаҳрамон дарди шу қадар күпки, уни шархлаб ёзилган марсиялардан ҳар лаҳзада юз тумор – бүклаб үралган номалар майдонга келади.

Шоир сайёralарнинг астрономик ҳолатидан ғазалда ўринли фойдаланади. Маълумки, Ой қора тун бағрида жойлашган бўлади. Шундан келиб чиқиб, Навоий уни қаро тўн кийган (йиглаб фарёд чекаётган), мотамсаро азакашга ўхшатади.

Хуллас, таҳлил доирасига тортилган байтлар жонлантириш – ташхис санъатининг гўзал намуналаридан. Бу байтлар ғазалда ўзига хос лирик сюжет ташкил этган. Ғазал улкан бадиий маҳорат маҳсули сифатида Навоий ижодида, умуман, ўзбек ғазалиётида муҳим ўрин тутади ва ҳамиша маънавий-маърифий аҳамиятини сақлаб қолади.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ЮЗ ЁПТИЮ ЖОН ОЛДИ ...

*Нетиб туз этай қадким, жисмимда шиканлардур,  
Найлаб туз урай дамким, бағримда тиканлардур.*

*Тирноғ ила хатларким, рухсорим уза чектим,  
Юз боғида гуллардин ҳар сори чаманлардур.*

*Юз ёптию жон олди, очқонда равон олди,  
Үлтургали ошиқни, билмон, бу не фанлардур.*

*Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда губор эрмас,  
Афтода кўнгуллардур, фарсада баданлардур.*

*Юз аҳд ила маҳвашлар кўнглумни олиб, эмди  
Қатл айладилар, асрү бадаҳд эканлардур.*

*Майхонада ҳар сори бир мастки, бош кўймиш,  
Кирличлари, гўёким, жонларға ватанлардур.*

*Жисмида Навоийнинг ҳар момуқ ила марҳам,  
Бир неча ўқунг захми, бир неча туганлардур.*

(«Наводир уш-шабоб», 165-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикаси намунасидир. У илк ма-  
ротаба «Бадоев ул-бидоя» девонига киритилган, кейинчалик эса «Хазойин ул-маоний»нинг «Наводир уш-шабоб» девонига жойлаш-

тирилган. Ишқ мавзууда яратилган бу ғазал етти байтдан иборат. Ишқ ва инсонни улуғлаш ғазалнинг гоявий моҳиятини ташкил этади. Ғазал шарқона фалсафий фикрлар билан йўғирилган.

Майхонада ҳар сори бир мастки бош қўймиш,  
Кирпичлари, гўёким, жонларга ватанлардур.

Ушбу байт заминида «Инсон – тупроқдан яралган ва у бир кун яна тупроққа, яъни Ватанга айланади», деган фалсафий ақида ётади. Шу фалсафий асосга таяниб, Навоий майхонанинг (маънавий майхона) ҳар бир гишти бир ошиқ жонига маскан эканлигини, ҳар кирпич қачонлардир яшаб ўтган «майхорау бебок» ошиқ жонидан яралганини тасвирилашга эришган.

Ғазал яратилиш услубига кўра, изҳор турига мансуб. Таркибий хусусиятлари жиҳатидан у якпора ғазалдир. Ғазалнинг мавзуу ва гояси анъянавий бўлса-да, услугуб, ифода ва лексик хусусиятларига кўра ўзига хосдир. Ҳазажи мусаммани ахраб вазнида битилган:

Мафъулу мафоилун мафъулу мафоилун

Лирик қаҳрамоннинг букилган қадди, жисмидаги синиқликни «дол» ҳарфи шаклидан фойдаланиб тасвирилаш анъана бўлиб қолган. Навоийнинг ўзи ҳам бу усулни кўп асарларида маҳорат билан қўллаган эди. Бироқ бу ғазалда шоир анъянавий усулдан воз кечиб, ошиқ қиёфасини «Нетиб туз этай қадким, жисмимда шиканлардур» сатри орқали оригинал акс эттиради. Кадим туркий «кирпич» сўзининг Навоий шеърий сўз хазинасида мавжудлиги ва мазкур ғазалда қойим қўлланиши ҳам хозирги замон ғазал ихлосманди учун мароқлидир.

Ғазал бадиияти бир неча поэтик усуллар маҳорат билан қўлланиши маҳсулидир. Айниқса, куйидаги байтда ўзига хос тасвир мужассам:

Зулфунгда тугун эрмас, кўюнгда губор эрмас,  
Афтода кўнгуллардур, фарсада баданлардур.

Шоир истиора санъати орқали «ошиқ» сўзини тилга олмай, унинг аҳволи руҳиясини васф этмай маъшуқага фидолигини тасвирилашга мусассар бўлади. Гўё маъшуқа сочидағи тугунлар ошикларнинг висол сари интилган «афтода кўнгул»лари, кўчасидаги тупроқ эса уларнинг жонсиз, губорга айланган жасадлари.

Ғазал замондошларимизнинг маънавий камолоти учун катта аҳамиятга эга.

Нурсратулло ЖУМАХЎЖА

## ЮЗУНГДЕК ҚАМАР ЙҮҚТУР...

Юзунгдек қамар йүқтүр, қадингдек шажар йүқтүр,  
Шажар бўлса ҳам, анда лабингдек самар йүқтүр.

Кўзум ашкининг рўди оқар тезу тунд андок  
Ки, гар уйку кўз сори келур ҳам, гузар йўқтүр.

Отин тутсалар ногоҳ, кетар уйла ҳушумким,  
Бадан ичра руҳумдин, дегайсен, асар йўқтүр.

Кўнгул сўргали келдинг, табибо, муни билким,  
Ул оворадин сендеқ манга ҳам хабар йўқтүр.

Йўлунгға нисор ашким, агар оз эрур, гар кўп,  
Итингға ғизо кўнглум, агар бор, агар йўқтүр.

Бу гулшанда, эй деҳқон, неча озмун эттим,  
Вафо наҳли экканга баҳри гусса бар йўқтүр.

Навоий фироқингдин анингдек заиф ўлди  
Ки, ўрнида эл боқса, дегайлар: «Магар, йўқтүр?»

(«Наводир уш-шабоб», 166-ғазал)

Ғазалда ишққа фидойилик руҳидаги покиза инсоний туйгулар тараннум этилган. Хажман етти байтдан иборат бу ғазал Алишер Навоий ижодий такомилининг ўрта ёш даврига мансуб бўлиб, шоир уни дастлаб «Наводир ун-ниҳоя» девонига жойлаштирган. Тавсифий услугда, тавили мусаммани солим вазнида яратилган:

Фаулун мафоилун фаулун мафоилун

Инсон изтиробларининг турфа тасвирларини яратиш ғазал жанрининг асосий хусусиятларидан ҳисобланади ва ҳар бир шоир бу ижодий вазифани ўз бадиий маҳорати даражасида амалга оширади. Навоийнинг бу борадаги ютуқларини мазкур ғазал тимсолида ҳам яқол кўриш мумкин:

Кўзум ашкининг рўди оқар тезу тунд андок  
Ки, гар уйку кўз сори келур ҳам гузар йўқтүр.

Кўриниб турибдики, шоир ҳижрон ҳақида мутлақо сўз юритмайди. Маъшуқа ситамларидан шикоят ҳам қилмайди. Энг машҳур ғазалларидан биридагидек: «Кеча келгумдир дебон ул сарви гулрў келма-

ди, Кўзларимға кеча тонг отқунча уйқу келмади» деб висол иштиёки азобларини ошкора ёзмайди ҳам. У ҳар бир газалда янгича йўл тулади. Масалан, келтирилган байтда лирик қаҳрамоннинг аҳволини, дарди дилини назмий манзара яратиш орқали ифодалайди. Бунда муболага ва ташхис (бирор ашё ёки тушунчани жонлантириш) санъатлари шоирга ёрдамга келади: лирик қаҳрамон кўз ёшлари анҳор сингари шошкин ва тошқин тарзда оқадики, уйқу деб атальмиш зобит «кўз сори» келади ва лекин уни забт этолмайди, ашк анҳоридан ўтолмайди. Бу манзара газал муҳлисларига ошиқнинг ҳижрон изтиробларини ҳам, висолга интиқ қалб қўйнокларини ҳам ўзига хос ва таъсирчан етказа олади.

Изланган ва йўлида интизорлик чекилган, орзуланган сиймога садоқат ҳамда фидойиликнинг гўзал тасвирига Навоий ғазалиётидан кўплаб мисоллар келтириш мумкин. Бироқ мана бу байт уларнинг ҳаммасидан ўзгача санъат маҳсули:

*Йўлунгға нисор ашким агар оз эрур, гар кўп,  
Итингга гизо кўнглум, агар бор, агар йўқтур.*

Байтда тарсеъ – байтдаги яхлит оҳангдошлиқ, ҳар иккала мисра сўзларининг ўзаро қофияланиб келиши санъатидан ташқари, содда ва ҳалқона «агар оз эрур, гар кўп», «агар бор, агар йўқтур» усулининг топқирлик билан қўлланиши бадиий маҳоратнинг нодир ҳадасидир.

Навоий рубобиётининг учинчи даври маҳсули бўлмиш бу ғазалда ҳаётий кузатишлар асосида юзага келган вафо ҳақидаги хулоса ифодаси ҳам қизиқарли:

*Бу гулшанда, эй дехқон, неча озмун эттим,  
Вафо нахли экканга баҳри гусса бар йўқтур.*

Байтнинг моҳияти лирик қаҳрамон билан шоир шахсиятидаги руҳий муштараклик, дарддошлиқни намоён қиласи. У кишида ҳаёт гулшанида вафо кўчатуни ўтқазиб, ундан вафо кутган, алалоқибат ранжу гусса ҳосилини кўтарган инсоннинг таассуфномасидек таас-сурот колдиради. Қизиги шундаки, Навоийнинг вафо ҳақидаги бу фикри унинг бошқа рубобий асарлари, достонлари, насрый асарларида мулоҳазаларга мувофиқ келади.

Демак, бу газал ўзининг ошиқона табиати, кўркам бадиий либоси билангина эмас, балки ижтимоий-ахлоқий мазмундорлиги билан ҳам Навоий ғазалиётининг мумтоз намуналаридан саналади.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ХИММАТ ВА ҲАЛОЛЛИК

Ул саводи хатмудур ё сабзай жаннатмудур?  
Ё күёш узра ёзилган ояти раҳматмудур?

Буки, сенсиз куйдурур жонимни, билмон яхшиким,  
Юз томугнинг ўтиму ё шуълайи фурқатмудур?

Эйки, дерсен: «Лабларимдин ҳожатинг недур, дегил!»  
Мен – сусиз, ул – чашмай ҳайвон, демак ҳожатмудур?»

Демаким: «Не эркин ул ойнинг күёшқа нисбати?»  
Бир-бирига иккисин ўхшатқуча нисбатмудур?

Қаддини кўргач, ҳам ўлдум, ҳам тирилдим оллида,  
Рост гар дерсен, қиёмат де ани, қоматмудур?

Даъвийи химмат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,  
Кильмоқ олуда најкосатқа ўзин, химматмудур?

Гар Навоий меҳнати ҳижронда ўлди, айб эмас,  
Юз туман мұхлиқ бало дегил они, меҳнатмудур?

(«Наводир уш-шабоб», 167-ғазал)

Ғазал Алишер Навоий лирикасининг тўртинчи – қарилик даврида ёзилган бўлиб, шоир лирик куллиётини тўрт фаслга тақсимлаганда, бу асарни «Наводир уш-шабоб» девонига жойлаштирган. Асарни ташкил этган етти байтда «тажоҳули орифона» санъатига изчил амал қилинган. Ғазалнинг гоявий моҳияти маъшуқа жамолини васф этиш ва ишқни улуғлашга қаратилган. Услубан ғазал таъриф-тавсиф турига мансуб. Композицион таркибиға кўра, якпора ғазал. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Матланинг ҳар иккала мисраси, қолган байтларнинг иккичи мисралари «жаннатмудур», «раҳматмудур», «фурқатмудур», «ҳожатмудур», «нисбатмудур» каби хитобий сўроқлар билан тугалланади. Деярли ҳар байтда айириш боғловчиси «ё» қиёсловчи бадиий восита вазифасида келади. Булар «тажоҳули орифона» деб аталмиш бадиий санъатнинг белгилариидир. Навоий «Ул саводи хатмудур ё сабзай жаннатмудур, Ё күёш узра ёзилғон ояти раҳматмудур».

«Юз томуғнинг ўтиму ё шуълайи фурқатмудур» тарзида маҳбуба жамолини турли нарсаларга қиёслайди, баъзан қиёсларидан қайтади, мавжуд ташбехларни инкор этади, баъзан муқоясада иккиланади, ўзини билиб-бильмасликка солади ва шу йўл билан жамики мавжу-дотдан устун ҳам тенгсиз гўзал лирик субъект сиймосини яратади. «Тажоҳули орифона» санъатининг қонуний моҳияти ҳам шундан иборат. Демак, мазкур ғазал бадиияти бутунисича «тажоҳули орифона» усули асосига курилган.

Ғазалда «тажоҳули орифона» санъатидан холи ва ишқ мавзуидан чекинган биргина байт бор:

Даъвии химмат қилиб, улким тилар оламда жоҳ,  
Килмоқ олуда нажосатқа ўзин, химматмудур?

Ғазалнавислик тажрибасида мақтадан олдинги байтда, асосий мавзудан чекиниб, фалсафий-ижтимоий мазмун баён этиш анъанаси мавжуд. Мазкур байт ҳам ана шу маънавий хусусият нишонасидир. Ушбу фалсафий байтда шоирнинг инсон маънавий камолотида асосий шартлардан ҳисобланмиш – «химмат» фазилатига эстетик муносабати ифодаланган. Шоир талқинича, химмат билан дунёпаратстлик, амалпаратстлик батамом бир-бирига қарама-карши хусусиятлар. Химмат – саҳиyllик, меҳрибонлик, мададкорлик, инсонпарварлик билан бирга камтарлик, фидойилик, хокисорликни ҳам қамраб олади. Олийхимматликни даъво қила туриб, айни пайтда, мол-дунёга хирс қўйиш, мансаб-мартабага интилиш камолот толиби учун мутлақо номуносиб ҳол. Чунки бойлик ва амалга ружу қилган киши ўз манфаатини ҳаммадан устун қўяди, оқибатда, худпаратст кимсага айланади. Олийхимматлик ва худпаратстлик бир-бири билан келиша олмайдиган хусусиятлардир. Шунинг учун Навоий химмат даъво қилиб, амалга интилганларни ўзлигини ифлос ва чиркин нарсалар билан булғаган, ззгулиги ёвузлик билан қоришган маънан аянч кишиларга ўхшатади. Бу билан шоир шахсан ўзи гувоҳ бўлган бир қанча замондошлари фожиасини кўрсатган ва бошқаларга уларнинг қилимшиларидан сабоқ бермоқчи бўлган. Байтда шундай салбий нусхаларга шоирнинг ғазаб ва нафрати ошкор сезилади. Айни пайтда, унда инсон қисматига ўкиниш, куюниш туйғулари ҳам мужассам.

Навоийнинг бу ҳаётий сабоғи бизнинг замонамиз учун ҳам долзарблиги билан муҳимдир. Яқин ўтмишдагина олийхимматлик

муддаоси билан қатор әзгу ишларни амалга оширган ва шунинг баробарида, молу мансаб кетидан қувиб, халққа, жамиятга катта зарар етказған талай замондошларимиз фожиасига гувоҳ бўлдик. Навоийнинг бундай ғазаллари ўзининг теран фалсафий-ахлоқий мушоҳадалари билан маслаги олийхимматлик ва инсонпарварлик бўлмиш замондошларимиз, хусусан, келажак насллар учун ҳаётий дастуриламал сифатида қимматлидир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### МАЙХОНА – АЖАБ КОРХОНА

*То дайр ичинда мугбачалардин нишонадур,  
Эй пири дайр, бошиму бу остоңадур.*

*Үздин бориб фифоним, эмас тонгки, дайр аро  
Хар сори боқса, замзамайи бехудонадур.*

*Гаҳ пири дайр боис эрур, гоҳ мугбача,  
Ийўқ-йўқки, бода комиму ул, бу баҳонадур.*

*Дайр ичра йўқ сафол ила олтун қадаҳда фарқ,  
Шоҳу гадо тенг ўлди – ажаб корхонадур.*

*Асрори ваҳдат иста ҳаробот пиридин  
Ким, шайҳ ваъзу панди фусуну фасонадур.*

*Гар кўнглум ичра соқию май ўт солмамиш,  
Хар лаҳза оҳидин бу не ўтлуқ забонадур?*

*Ул умр бир замонлиғ эрур, истама вафо,  
Афғонки, ул ҳам ўйлаки аҳли замонадур.*

*Кўздин сочилди ашку кўнгул ўти берди бар,  
Ул навъ ўт чиқарди, ажаб тавр донадур.*

*Оташгаҳ этти куфр эли кўнглум уйини магар  
Ким, умр ўтти ўчмай ул ўт анда ёнадур.*

*Истар Навоий ўзни маю ишқдин ҳалос,  
Мониъ валек соқию жоми мугонадур.*

(«Наводир уш-шабоб», 186-ғазал)

Навоийнинг кексалик даврида битилган бу асар мавзуига кўра риндана фазалдир. Бу якпора фазалда бошдан-оёқ май тўғрисида фикр юритилади. Фазал ўн байтдан иборат, шарҳи хол услубида битилган. Музореъи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида ёзилган:

Мафъулу Фоилоту мафоилу Фоилун

Шоир фазалда май ва майхонани таърифлаш воситасида замонаси учун илфор фояларни илгари суришга ҳаракат қилган. Дайр – майхона, яъни ринклар дунёси Навоий ва унинг маслақдошлари учун тенгсизлик, феодал урушлар, адолатсизлик авж олган жамиятдан чекиниш, хилват қилиш, ваҳдатга интилиш масканига айланган. Шоирнинг риндана руҳдаги маҳсус фазаллар ёзиши ҳам шундан. Майхона таърифида у ёзади:

*Дайр ичра йўқ сафол ила олтун қадаҳда фарқ,  
Шоҳу гадо тенг ўлди – ажаб корхонадур.*

Дайр – майхона илоҳий ишқ-муҳаббат майдонидир. Демак, дайрнинг афзаллиги шундаки, унда энг муҳим ижтимоий омил – тенглик муҳайё. «Дайр ичра», «сафол ила олтун қадаҳда» май ичишдан қатъи назар, «шоҳу гадо тенг». Тенглик бор жойда осойишталик ва адолат барқарор. Фазалдаги «май» тушунчаси рамзий бўлиб, у ваҳдат – бирлик майи, маслак майи маъноларига эга. Майхонадаги шоҳу гадони ягона эътиқод, маслак бирлаштиради ва тенгглаштиради. Яъни, шоҳ «олтун қадаҳда», гадо эса сопол идишда бир хил май истеъмол қиласди. Бу фазал ўзига хос фалсафий асар ҳам бўлиб, унинг фоявий мазмуни нақшбандийлик эътиқодига асосланган. Лирик қаҳрамоннинг ваҳдатга интилиши, майхонага чекиниши маъносиз хилватнишинлик эмас, балки нақшбандийликнинг «хилват дар анжуман» ақидасига биноан, маслақдошларнинг биралашиши, анжуман ичра хилват қилиши рамзиdir. «Дайр ичра» «олтун қадаҳда» май ичувчи шоҳ Навоий орзусидаги «сурати шоҳу, сийрати дарвеш», сопол идишда май ичувчи гадо эса «сурати дарвешу, сийрати шоҳ» ринклар образидир. Майхона шунинг учун «ажаб корхона» дея таърифланади.

«Ажаб корхона» пири қарама-қарши тимсол сифатида гавдаланади:

*Асзори ваҳдат иста харобот пиридин  
Ким, шайх ваъзу панди фусуну фасонадур.*

Чунки риндларнинг улуғ ҳикмати – ваҳдат сирларини майхона соҳиби билади. Харобот пири висол кўшкига йўл бошловчи ошиқлар сардоридир. Фазалнинг ҳажми катталигидан бўлса керак, анъанавий лирик чекиниш мазмунидаги байт мақтадан анча олдин келган:

*Ул умр бир замонлиғ эрур, истама вафо,  
Ағонки, ул ҳам ўйлаки аҳли замонадур.*

Замонасининг ижтимоий қиёфаси ҳамиша дикқат марказида бўлган Навоий шу ғазалда ҳам аҳли замоннинг оқибатсизлигини умрнинг қисқалигидан афсусланиш орқали танқид қилиб ўтган.

Фазалнинг ўзига хослиги шундаки, шоир тасвир обьекти ва у билан боғлиқ образларга жуда кўп мурожаат қиласди. Фазалнинг сўз таркибида қўйидаги тимсол ва иборалар муҳим ўрин эгаллайди: Дайр (икки марта қўлланган), бода, сафол, олтун, қадаҳ, шоҳ, гадо, ажаб корхона, асрори ваҳдат, харобот пири, соқий (икки марта қўлланган), май (икки марта қўлланган), ўт (беш марта қўлланган), оташгоҳ, ишқ, жоми муғона. Улар риндлар муҳитини яққол акс эттиришга, ҳар сатрдан риндона мазмун балқиб туришига хизмат қилган.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА**

### **ФУРҚАТ ИЧРА ШАРБАТИ ЛАЪЛИНГ...**

*Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,  
Гарчи дерлар: «Талҳ дарёда чучук сув ҳам бўлур».*

*Зулфу руҳсоринг ғами нетонг бузуғ кўнглум аро:  
«Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, маҳзан ҳам бўлур».*

*Кўксума отсанг бир ўқ, от ёна бир ёниндаким,  
Ул даги кўнглумни шод айлар, бу ҳам маҳкам бўлур.*

*Ул пари ишқин малойикдин ёшурсам, не ажаб,  
Дарди йўқлар дард аҳлиға қачон маҳрам бўлур?*

*Оҳу ашкимдин шикоят кўп қилур ҳамсояким:  
«Дуд равзандин кираг, уйнинг биноси нам бўлур!»*

*Гар эгилса қоматим ишқинг юкидин, қилма айб  
Ким, сипеҳр узра бу оғир юкни күйсанг, ҳам бўлур.  
Оlam ахлидинким ул ойни Навоий танлади,  
Билмадиким, ишқидин оворайи олам бўлур.*

(«Наводир уш-шабоб», 170-ғазал)

Навоий ғазалиётининг ҳаётийлигини, таъсирчанлигини таъминланган омиллардан бири услубнинг халқчиллигидир. Бу ўринда ғазаллардаги халқчиллик ғоясигина назарда тутилмаётир. Балки Навоий ғазалиёти бадиий тасвир усул ва воситаларининг ҳам халқоналиги эътиборга олинаётир. Навоийнинг мавлоно Лутфийдаги сингари халқ мақоллари, маталлари, ҳаётий тафсиллар билан музайян ғазаллари кўп. Улардан бири куйидаги матла билан бошланади:

*Фурқат ичра шарбати лаълинг висоли кам бўлур,  
Гарчи дерлар: «Талх дарёда чучук сув ҳам бўлур».*

Бу ғазал Навоий халқчил шоир сифатида етилган пайтда, яъни ижодий такомилининг учинчи даврида яратилган бўлиб, аввал «Наводир ун-ниҳоя» девонидан ўрин олган эди. Анъанавий ишқий мавзуда яратилган. Ҳажми етти байт. Услубан ғазал таъриф ва шархи ҳол уйғунлашган аралаш турга мансуб. Композициясига кўра, якпора ғазал. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида яратилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Матладаги назмий фикр, яъни лирик қаҳрамоннинг ҳижрондан шикояти ва висол орзусини икки хил бадиий санъат юзага чиқарган. Биринчиси, «ирсол ул-масал» – мақол, матал ва бошқа халқ тили унсурларини шеър таркибиға сингдириб юбориш санъати. Мазкур байтда Навоий халқ тилидаги эзгуликка умидлантирувчи «Талх дарёда чучук сув ҳам бўлур» иборасини поэтик фикрни асослаш мақсадида жуда ўринли кўйлаган. Бундан ташқари, байтда таносиб санъатига ҳам риоя қилинган. Таносиб воситасида «фурқат» – айрилик образи «талх дарё»га, «шарбати лаъл» эса «чучук сув»га қиёсланган. Шу усул билан висол ва ҳижрон ўртасидаги зиддият ҳаётийлаштириб тасвирланган.

Одатда, матла ғазалда бадиатан энг мукаммал, баъзан «шоҳбайт» даражасида бўлади. Ушбу ғазалнинг ўзига хослиги шундаки, юкорида қайд этилган фазилат матладан кейинги байтларда ҳам сақланган.

*Зулфу рухсоринг ғами нетонг бузуғ күнглум аро:  
«Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, маҳзан ҳам бўлур».*

Мазкур байтда лирик қаҳрамоннинг ҳижрон дардларидан ғамзада ва хаста қалбida зулфу рухсор соғинчи мавж уради. Унинг вайрона қалбини ёритиб турган машъял ҳам, аслида, шу зулфу рухсор мұхаббати. Лирик қаҳрамоннинг шундайин руҳий ҳолатига шоир гўзал бадиий асос ахтаради ва уни ҳалқ тили маъхазларидан топади. «Аждаҳо гар бўлса вайрон ичра, маҳзан ҳам бўлур» – ҳалқ қараашлари, тушунчасига маҳкам ўрнашган ақида. Биринчи мисрадаги мазмун ва ушбу матал ўртасидаги моҳият муштараклиги билан бирга, улардаги образлар мутаносиблиги ҳам юксак бадииятни таъминлаган. Навоийнинг санъаткорлиги ҳам – шундай тамсилни яратса олганида. «Аждаҳо» – «эулф»га, «маҳзан» – «руҳсор»га, «вайрона» – «бузуғ кўнгул»га таносиб келтирилган. Бу мутаносиблик шундай мазмунни аёнлаштирганки, вайронада хазина ва аждаҳо бўлганидек, лирик қаҳрамон кўнглини ўртаган дард ҳам шундаки, унинг «бузуғ кўнгли»да ҳам ганжинага татигулик жамол ва уни аждаҳо сингари қўриқлаб, тўсиб тургувчи қаро ҳижрон тимсоли «зулф» мужассам.

Ҳаёт сабоқлари, мавжуд турмушга оид воқеа, ҳодиса, ҳолатлар Навоий ғазалларининг оригиналлигини таъминлаб турган бадиий омиллардандир. Куйидаги байтнинг иккала мисрасидаги тафовутига зътибор беринг:

*Ул пари ишқин малойиқдин ёшурсам, не ажаб,  
Дарди йўқлар дард аҳлиға қачон маҳрам бўлур?*

«Ул пари ишқи»ни тавсифловчи биринчи мисра анъанавий хусусиятга эга. Агар дарманд эл руҳиятини дардсизлар ҳеч қачон тушуниб етмаслиги ҳақидаги ҳаётий сабоқ асос қилиб келтирилмаганида, бутун байт янгиланмай, анъанавийлигича қолиб кетар, навоийвор таъсирга эга бўлолмасди.

Навбатдаги байт бадиияти ғазалнавис илҳомининг яна бир янги мавжидан яралган:

*Оҳу ашкимдин шикоят кўп қилур ҳамсояким:  
«Дуд равзандин кирав, уйнинг биноси нам бўлур».*

Хижрон изтиробларидан азобланган ошиқнинг ашку оҳ-нолалари мумтоз адабиётда турли шаклларда муболағали тасвиранган. Маз-

кур ғазалда Навоий шу мунозарани муболага эмас, тамсил усули воситасида яратади. Ҳамсоя-қўшниларнинг бир-бiri устидан шикоят қилиб юриши ўрта асрларда ҳам, ҳозир ҳам бўлиб турган ҳодиса. Шоир шу ҳаётий тафсилдан фойдаланиб, лирик қаҳрамон рухиятидаги тўфонларни бўрттириб тасвирлашга эришган. Гуё лирик қаҳрамон шундай ўтли ох тортадики, унинг тутунлари ҳамсоя уйининг туйнукларидан кириб, уни безовта қиласди. Шундай фарёд чекиб йиглайдики, оқибатда, кўзёш нами зўридан ҳамсоя уйининг деворига зах кўтарилади.

Хуллас, бу ғазал Навоий даҳосининг ҳаётбахш руҳини ўзида мужассамлаштирган етук бадиий асарларданadir. Ғазалнинг таҳлил доирасига тортилган тўрт байтиёқ унинг нафосатини тасаввуримизда муайян даражада гавдалантира олади.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### **ОҲУ АШКИМДИН ХАБАРСИЗ БЎЛМАНГ...**

*Қосидеким, еткуур кўнглумга жонондин хабар,  
Ўйладурким, бергай ўлган жисмға жондин хабар.*

*Дема, ҳажримдин хабарсизму экансенким, менга  
Бор эди ўлмактин, аммо йўқ эди ондин хабар.*

*Не ажаб, очилса кўр ўлғон кўзум Яъкубдек  
Ким, насими субҳ берди моҳи Канъондин хабар.*

*Шодмен, гуё фироқ айёми бўлди муртафиъ  
Ким, ҳабибим келмагига етти ҳар ёндин хабар.*

*Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли  
Ким, берурлар ул бири сарсар, бу тўфондин хабар.*

*Соқиё, қўй давр аёғин, ўйлаким, нўш айласам,  
То қиёмат топмагаймен аҳли даврондин хабар.*

*Эй Навоий, тонг йўқ ўлсамким, ўтуптур неча кун  
Ким, менга йўқ не кўнгул, не кўнглум олғондин хабар.*

(«Наводир уш-шабоб», 175-ғазал)

Навоийнинг кексалик даврига мансуб бу ғазал катта бадиий маҳорат намунасиdir. Ғазал ишқ мавзууда битилган, аммо унинг

мундарижаси фақат шу мавзу билан чегараланиб қолмаган. Етти байт доирасида шоирнинг қосид, ҳабиб, олам эли, ахли даврон, соқийга мурожаати ва улар ҳақидаги таассуроти, фикр-ўйлари акс этган. Бироқ буларнинг бари ягона мавзуми ёритишига қаратилган. Кофия унсурлари, «хабар» радифи ҳам мазмун изчилигиги ва ғазал яхлитлигини мунтазам сақлаб туришга сафарбар қилинган. Шу каби композицион хусусиятларига кўра, бу якпора ғазалdir.

Услубига кўра, ғазал шарҳи ҳол турига таалуқли. Матлада мадҳ билан шарҳ аралаш келади. Шоир лирик қаҳрамон аҳволини қосидни мадҳ этиш воситасида шарҳлайди. Яъни, лирик қаҳрамон кўнглига «жонондин хабар» етказган эзли афсонавий Масиҳдек жонбахш инсон – «Ўйладурким, бергай ўлғон жисмға жондин хабар». Бу қадар мадҳу мамнуниятга сабаб лирик қаҳрамон шундай маҳкур ҳолатда қолганки, «Бор эди ўлмақдин, аммо йўқ эди ондин хабар». Шу кўйи, қолган сатрлар шарҳи ҳол услубида давом этади.

Ғазал висолни энтишиб орзулаш, ишкни улуғлаш ғоялари билан сугорилган. Бироқ асар мазмуни шоирнинг даврга доир дардлари билан йўғирилгани унинг ғоявий салмоғини чандон орттирган.

*Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг, эй олам эли  
Ким, берурлар ул бири сарсар, бу тўфондин хабар.*

Фавқулодда гўзал муболаға! Сарсар шамолини елдирувчи, оҳ ва тўфон қўзғатувчи кўз ёшлар факат висол илинжи ёки ишқ изтироблари боисидан эмас, албатта. «Олам эли»ни таҳликали огоҳлантиришдан мақсад лирик қаҳрамон, яъни Навоий замонасидаги инсон руҳий жароҳатлари, қалб оғриқларидан бехабар, лоқайд замона аҳлини маънавий бедорликка чакиради.

Навоийнинг бошқа жуда кўп ғазалларидаги давр ва давр аҳлидан тўйинганлик, имкон қадар улардан чекиниш, қочиш истаги бу ғазалда ҳам давом этади:

*Соқиё, кўй давр аёғин, ўйлаким, нўш айласам,  
То қиёмат топмағайман ахли даврондин хабар.*

Соқийга мурожаат анъанавий ҳол бўлса-да, бу байтда шоир бода, май, шароб қўйишни илтижо қилмаган, балки бир йўла давр дардларидан ҳам, «ахли даврон»дан ҳам фориф бўлиш илинжи ифодаланган. Соқийга «кўй давр аёғин», дея мурожаат қилиш ҳам Навоийга хос янгиликдир.

Байтларда лирик қаҳрамон қиёфаси шоир шахсиятига монанд гавдаланади. Ана шундай хусусиятлариға кўра, бу Навоийнинг оригинал фазаллари сирасига киради.

Фазалда ташбех, истиора, талмех, тарди акс санъатлари маҳорат билан кўлланган. Рамал баҳрининг рамали мусаммани маҳзуз вазни фазал оҳангининг равонлигини таъминлаган. Оҳанг тасвири шундай:

Фоилотун    Фоилотун    Фоилотун    Фоилун

Фазал замондошларимизни ишқни улуғлаш, висолни қадрлаш, инсонни тушунишга ўргатади.

Нурсратулло ЖУМАХЎЖА

### ТЎРТ РАНГ РАМЗИ

*Тўрт ранги мухталифдин хуллаким, жонон кияр  
Тўрт унсур кисватидур, гўйиёким, жон кияр.*

*Ўзбаки гулнори тўндин куйдум, аммо ўлтурур  
Лемуйи терлик анинг остидаким, жонон кияр.*

*Икки ёнимни шигоф алалтурур бу ра什ким,  
Икки ёнидин шигофин боғламай қаптон кияр.*

*Гул била савсан катон янглиғ бўлур маҳтоб аро,  
Кўнглаки гулгун елак чун савсаний каттон кияр.*

*Ораз узра шўхлукдинму ёпар санжобини,  
Йўқса, санжоби булатдурким, маҳи тобон кияр.*

*Хар чубулғон торидур сарриштайи иззу шараф,  
Эски шолеким, фано кўйида бир урён кияр.*

*Гар Навоий жандасин шоҳ олди, тонг йўқ, чунки ишқ  
Поку бегашдур, гадонинг кисватин султон кияр.*

(«Наводир уш-шабоб», 180-фазал)

Фазал Навоийнинг ўрта ёшларида ишқий мавзуда яратилган. Ҳажми етти байт. Услубан фазалнинг тавсиф турига мансуб. Унда, асосан, маъшуқанинг ташқи гўзаллиги – кийиниши, зеб-зийнатлари васф этилади. Васф обьекти тасвири сўнгги байтгача изчил давом этишига кўра, бу фазал композицияси якпорадир. Рамали мусамма-ни маҳзуз вазнида яратилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Ғазал сатрларидан инсоний гўзалликка муҳаббат ғоялари уфуриб туради. Тасвир маъшуқанинг тўрт қарама-қарши рангдаги либос кийиши манзараси билан уйғун равишда боради. Ғазалда мадх этилган ранглар, албатта, рамзий маънога эга. Шоир ранглар воситасида маъшуқа гўзаллигидан ташқари, лирик қаҳрамон кечинмалари, унинг маъшуқага муҳаббати изхорини ифодалайди.

Рангни рамзийлаштириш матладаноқ бошланади. Шоир қарама-қарши тўрт рангдаги либосни инсон жисми яралишига боис бўлган тўрт унсурга киёслайди:

*Тўрт ранги мухталифдин ҳуллаким, жонон кияр,*

*Тўрт унсур кисватидур, гўйиёким, жон кияр.*

Ранглар ва кийимлар тасвири асарни ўзига хос манзара – портреят ғазал даражасига етказган. Натижада, ўрта аср ўзбек кийиниш маданиятини мукаммал эгаллаган сиймо сурати шаклланган.

Ғазал бугунги китобхонга XV аср кишисининг қуидаги кийим-кечаклари ҳақида аниқ тасаввур бериши билан ҳам мароклидир: ҳулла – безакли, нозик, нафис кийим; ўзбаки гулнори тўн – ўзбеклар кийган анор гулли қизил тўн; лемуи терлик – сариқ ичкўйлак; шигоф – ипакдан калаваланган арқон, белбоғ; катон – канопдан тўқилган, ёругликка чидамсиз, нозик кийимлик; қаптон – устдан кийиладиган ҳашаматли тўн; санжоб – силовсин ва олмахон терисидан ишланган тўн ва ёпинчиқ.

Бунингдек «тўрт ранги мухталиф» тасвири воситасида ғазал яратиш форс-тоҷик мумтоз адабиётида ҳам, ўзбек мумтоз адабиётида ҳам ноёб ҳодиса бўлиб, у Навоий услубигагина хосдир. Ҳатто, Навоийнинг ўз ғазалиётида ҳам бундай мураккаб ғазални бошқа учратиш қийин. У рангни қўллаш усулига кўра, Ё. Исҳоқов уч гурухга бўлган (Навоий поэтикаси. Тошкент, «Фан», 1983, 124–125-бетлар) ғазалларнинг бирор турига ҳам мас келмайдиган, алоҳида турдаги ғазалдир.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## ...ЁР УЗАР БЎЛСА МУҲАББАТ РИШТАСИН...

Кимки, онинг бир малаксиймо париваш ёри бор,  
Одамий бўлса, пари бирла малакдин ори бор.

Кечак чирманур бир гул била, не тонг, агар  
Гунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.

Йўқ ажаб булбулга гул шавқидин ўлмоқ зорким,  
Пардин ўқ жисмиға сончилғон ададсиз хори бор.

Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур  
Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.

Сунбули зулфи агар ошуфтадур, айб этмаким,  
Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.

Айлаб ўзни маству беҳуд, чиқмасун майхонадин  
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,  
Келмас ўлса ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

(Наводир уш-шабоб, 181-ғазал).

Алишер Навоий ғазалиётидаги буғунги инсоний, оиласи муносабатларда ҳам ибрат бўлгулик ҳаётий сабоқлар, кечинма, мuloҳазалар мужассам асарлар кўп.

Бу ғазал Навоий ижодий такомилининг учинчи босқичида яратилган ва дастлаб «Наводир ун-ниҳоя» девонига жойлаштирилган бўлиб, унда етарли ҳаётий тажриба, ҳаёлий эмас, мавжуд турмуш кузатишлари замонида юзага келган ижтимоий хуносалар мужассамлашган. Якпора тузилишга эга бу ғазал рамали мусаммани мақсур вазнида битилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилон

Ғазалнинг биринчи байтиёқ вафо, садоқат, фидойилик каби олижаноб инсоний туйғулар билан йўғирилган. Ягона инсон муҳаббати билан яшаш, ўз севгилисига садоқат Навоий замонида қанчалар долзарб ижтимоий муаммо бўлса, бизнинг давримизда ундан ҳам муҳимроқ ижтимоий-ахлоқий муаммодир. Ўз умр йўлдошларига содик яшайдиган, ҳаттоқи, «Пари бирла малак»ка қайрилиб боқишидан орланадиган чин севги соҳиблари Навоийнинг юксак орзусидир. На-

вой шундай ошиқона орият – одамийликнинг асосий шартларидан эканлигини алоҳида уқтиради. Бу Навоийнинг шоҳбайтларидан бўлиб, унда шоир мазмун салмоқдорлиги ва таъсирчанлигини тарди акс (терс такрор) санъатини «малаксиймо париваш» ва «пари бирла малак» шаклида маҳорат билан қўллаган. Шоир вафо асосига қурилган ҳаётнинг инсон фарогати ва камолоти учун нақадар ижобий аҳамиятга эга эканлигини иккинчи байтдаёқ кўрсатади:

*Кечакул кирманур бир гул била, не тонг, агар  
Гунчадек ҳар субҳ ўлуб хандон нашот изҳори бор.*

У оиласвий фаровонликдан баҳраманд кишини тонгла гул-гул очилиб, чор атрофга чирой улашаётган, муаттар ҳидлар таратаётган Гунчага қиёслайди.

Газал ўзига хос тузилишига кўра, мавзу ва ғояни баён этиш, уни бадиий шарҳлаш ва умумлашма хulosаси чиқариш каби қисмлардан иборат бўлади. Юқорида биринчи қисмнинг ифодасини кўрдик. Учинчи байтдан мавзу ва ғояни бадиий шарҳлаш бошланади.

Шоир юқорида севикли ёр васли ғаниматлиги ҳакида фикр юритган эди. Энди ўша фикрни қувватлаш мақсадида гул ва булбул тимсолида айрилиқ изтироби манзараларини ҳам чизади.

*Йўқ ажаб булбулға гул шавқидин ўлмоқ зорким,  
Пардин ўқ жисмиға сончилғон ададсиз хори бор.*

Мумтоз шеъриятимиз саҳифаларида булбулнинг гулга шайдолигини акс эттирувчи минглаб байтларни кўздан кечириш мумкин. Уларнинг аксариятида булбулнинг гулга муносабати тавсифий характерда, ахборот тарзида баён этилган. Навоий эса мазкур байтда бадиий фикрни ҳаётий тафсиллар билан асослаш йўлидан борган. Шоирнинг талқинича, булбулнинг гулга бўлган муҳаббатига унинг шайдолигигина эмас, балки ҳамдардлиги ҳам боисдир. Гулга булбулнинг ҳамдардлиги боиси шундаки, булбулнинг жисмига пардан ясалган ўклар каби тиканлар санчилган. Худди шунингдек, гулнинг бадани ҳам тиканлар билан ўралган. Гулнинг мана шу озурдажонлигига куюниш булбулнинг гулга меҳрини янада кучайтирган.

Бадиий фикрнинг бу қадар топқирлик ва нафосат билан асосланиши Шарқ бадиияти илмида «хусни таълил» деб юритилган. Рамзий образлар орасидаги бундай мутаносиблик асосида реал инсоний муносабатлар ётади. Инсоннинг инсонга муҳаббати замира ҳам маҳбубанинг фақат ташқи чиройидан баҳрамандлик эмас,

балки унинг маънавий оламига яқинлик, у билан ҳаммаслаклик, ҳамдардлик мужассам бўлади.

Кейинги байтдан маҳбуба гўзаллигининг муайян қирралари ва гўзал шавқидаги муhib кечинмалари аёnlашади:

*Белингу лаълинг хаёлоти била кўнглум эрур  
Анкабутеким, онинг жон риштасидин тори бор.*

Тасвир доирасига маҳбубага доир бел ва лаб, муhibга доир кўнгул образлари тортилган. Уларнинг тасвири анкабут, жон риштаси ва тор образлари оркали юзага чиқарилган. Бадиий маҳорат ҳар қандай дагал жисм ёки ёқимсиз жониворни нафислаштириш қувватига эга бўлади. Навоий ғазалиётидаги моҳирона қўлланган бундай образлардан бири «анкабут» – оддий ҳашарот ўргимчакдир. Бир қарашда, ҳеч бир ижобий хусусияти сезилмайдиган, хусусан, нафис адабиётдан йирок бу жонивордан шоир лирик тасвирга хос қандай имконият топдийкин? Ўзи тўқиган торларда ўрмалаб юриш анкабутнинг ҳаёт кечириш тарзи. Унинг ҳаётини ўша торларсиз тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир лирик қаҳрамоннинг кўнгли ҳолати билан анкабут торлари орасида монандлик кўради. «Бел» ва «лаъл» образларига «жон риштаси» мутаносиб келади ва шу усул билан шоир белнинг ингичкалиги, лабнинг нафис-юпқалигига ишора қиласди. Байтдаги образлар муносабатидан «бел ва лаъл – кўнгулнинг жон ришталари», деган фикр англашилади. Шу йўсинда ошиқ қалбининг муддаоси назокатли тарзда англатилади.

Навбатдаги байт ғазални яратиш чоғидаги Навоий илҳоми ва санъаткорлигининг авж нуқтасидан далолат беради:

*Сунбули зулфи агар ошуфтадур, вайб этмаким,  
Гул юзида ётқон икки нозанин бемори бор.*

Шоир зулф ва кўз тасвирини яратмоқчи бўлади. Ҳайратомуз йўл тутиб, бу икки аъзонинг жонли тасвирини вужудга келтириш учун уларни бир-бирига поэтик восита сифатида хизмат қилдиради. Биринчи мисрада «Сунбул» ва «ошуфта» сўзлари биланоқ зулфнинг таърифу тасвирини бериб қўя колади. Ғазалхон маъшуқа зулфини «ошуфта сунбул» сифатида тасаввур эта бошлайди. Лекин унга сунбулий зулфнинг паришон ва ғамгинлиги боиси ноаён. Бу ҳолнинг сабабини аён этиш, демакки, зулф тасвирини янада кучайтариш максадида шоир кўз образига мурожаат қиласди. Гул чехранинг сүзук ва мастона кўзларини «икки нозанин бемор»га менгзайди. Яна

хусни таълил санъатининг нодир имкониятидан фойдаланиб, зулф ҳолатини кўзлар аҳволи манзараси билан асослайди. Бу иккала мисрадаги тасвир чунонам бир-бирига эш ва чамбарчас боғлиқи, уларни бир-бirisiz тасаввур қилиб бўлмайди. Шоир бунда сабаб ва оқибатнинг диалектик таносубига эришган. Биринчи мисра байт бадииятидаги оқибатни ифодаласа, иккинчи мисра сабабни англатади.

Навоий олтинчи байтда лирик мазмунни бадиий якунлашга ўтади:

Айлаб ўзни маству бехуд, чиқмасун майхонадин  
Кимки, мендек давр элидин кўнглида озори бор.

Шоир бадиий тугалланмани ғазалнинг дастлабки қисмлари билан мантиқий узвийлиқда яратади. Биринчи ва олтинчи байтлардаги «кимки» сўзлари муайян тоифадаги кишиларни англашади. Илк мисрадаги «кимки» – «бир малаксиймо париваш ёри бор», яъни 1–байт оралиғида тасвирланган гўзаллар ишқидан баҳраманд баҳтиёр киши образи. Олтинчи байтдаги «кимки» эса – «Бир малаксиймо париваш ёр»дан хижрон чеккан (ўз замондошларидан озордан ўзга роҳат кўрмаган), 1–байт мобайнида хусну жамоли зухур этган гўзаллар васлидан бенасиб «ушшоқи зор» тимсоли. «Мен» сўзи қўлланмаганда ҳам, бу тимсол замиридаги Навоийнинг ҳаётий сиймосини таниб олар эдик. Чунки ғазалнинг навоийвор тузилиши, тасвир табиати, баҳтиёр ошиқ билан «кўнглида озори бор», «масту бехуд» ринд қиёфасининг қиёси буни аниқ айтиб туради. Бу сатрлар ғазал мухлисларида Навоийнинг шахсий изтиробларига яна бир бор ҳамдардлик туйгуларини уйғотади.

Шоир ғазални нақадар зукко мушоҳада билан бошлаган бўлса, шунчалик теран ҳаётий ўгит билан якунлайди:

Эй Навоий, ёр узар бўлса муҳаббат риштасин,  
Келмас ул сенинг сори, сен онинг сори бор.

Бир-бирини тан олмаслик, худпарастлик, такаббурлик иллати ҳар қандай инсоний муносабатларга ҳамиша раҳна солиб келган. Шоир айрилиқ хавфидан огоҳ этади ва ўзлиқдан кечиб, ёр васлига сазовор бўлиш, уни қадрлашни маслаҳат кўради.

Бу назмий хулоса асрлардан бери ўзининг ҳаётий қудратини сақлаб келмокда. У Навоий замондошлари учун қанчалик қадрли бўлса, бизнинг давримиз фарзандлари ва келажак насллар учун ундан ҳам кўпроқ сабоқ бўлгулик аҳамиятга эга.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## БҮРК ЎРНИДА БОШ ЭЛТУР

То турраси торинда ҳар сори тугунлардур,  
Заъф ичра сўнгаклардин ҳар сори бўғунлардур.

Дарёву булут эрмаским, ох ила ашкимдин  
Ҳам ер юзида кўллар, ҳам кўкта тутунлардир.

Шак йўқки, ёруткайсен кулбамдағи зулматни,  
Ҳажрингда манга, эй ой, билсангки, не тунлардур.

Овораву саргарддон ишқ ахлиға боқ ҳар ён  
Ким, водийи дард ичра не навъ қуонлардур.

«Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрниға жон олур»,  
Атфоли ғаминг ичра бас турфа ўюнлардур.

Жисмимда туганларни айб айлама, эй зоҳид  
Ким, сабр илиги тиккан ҳирқамда юрунлардур.

Ичканда Навоий май, дайр ахлиға сур ўлмиш,  
Солғил қулоқ, эй носиҳ, ул ёнки, не унлардур.

(«Наводир уш-шабоб», 187-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб. Етти байтдан иборат. Ишқ мавзууда ёзилган. Услубига кўра, ғазалнинг шарҳи ҳол турига мансуб. Композициясига кўра, якпора ғазал. Ҳазажи мусаммани ахраб вазнида яратилган:

Мағъулу, мағоилун мағъулу мағоилун

Ғазалнинг ғоявий мазмуни лирик қаҳрамоннинг ишқ изтиробларида кечирган кечинмалари тасвири асосига қурилган. Ғазал анъанавий рухга эга. Унда кўпроқ муболага, ташбех, истиора санъатлари қўлланган. Маъшуқәнинг «турраси» – сочи торидаги тугунлар туганмас ҳижрон, очилмас баҳт, ушалмас орзуни ифодалайди. Ана шу тугунлар ошиқ «сўнгаклар (и) дин ҳар сори бўғунлар» – тузалмас жароҳатлар ҳосил қиласди. Бизга дарё ва булут бўлиб кўринган нарсалар асли лирик қаҳрамон оҳидан кўкка чирмашган тутунлар, кўз ёшларидан ер юзида ҳосил бўлган кўллардир. Шундайин ҳазин ва дардчил тасвир изчиллиги асар сўнгигача сақланади. Бироқ барча байтлардаги тасвир анъанавийлигича қолмайди. Баъзи байтлардаги тасвир ҳайратланарли даражада оригинал:

Жисмимда туганларни айб айлама, эй зохид  
Ким, сабр илиги тиккан хирқамда юрунлардур.

Байтдаги асосий фоя лирик қаҳрамоннинг сабр-бардошли эканлигини васф этишдан иборат. Буни шоир тимсолий тарзда – баданимдаги доғлар тўнимга сабр кўллари билан тикилган ямоклардандир, дея тасвирлайди. Ирсоли масал усулида битилган «Бўрк ўрнида бош элтур, нақд ўрнига жон олур» байти ҳам диққатга сазовор. Унда ҳозирги тилимиздаги «Саллани олиб кел деса, каллани олиб келмоқ» иборасининг Навоий давридаги маънодоши кўлланган.

Газал замондошларимизни гўзалликка муҳаббат, севгига садоқат руҳида тарбиялайди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ЛЎЛИВАШ САНЪАТИ ТАСВИРИ

Не лўливашдур ул қотилки, қон тўкмаккадур яксар,  
Қиё боқмоқлари поки, итиқ мужгонлари ништар.

Юзидинким хижилдур гул – паришон ҳар тараф кокул  
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.

Югурмаклиқда ҳар гумбазки, секрир ул маҳи гулхад,  
Гули меҳр олдорар беҳад, ўёлур гунбази ахзар.

Чу лаъб асбобини тузди, саломат риштасин узди,  
Қамардек ҳола кўргузди узори давридин чамбар.

Либоси нози часпондур, гаҳе туз қадди чавгондур,  
Замоне гўйи ғалтондур, зиҳе чобук, зиҳе дилбар.

Бошига сийм ўлуб паррон, тушуб гирдига анжумсон,  
Тулув эткан киби ҳар ён қамар атрофида ахтар.

Тўкуб қон неши ғам бирла, очиб майдон ситам бирла,  
Олиб таблу алам бирла кўнгуллар кишварин яксар.

Жунун шамъин қилиб равшан, кўнгулга телбаликдур фан,  
Паридек бўлғали парранда ул шўхи парипайкар.

Навоий бўлди лўливашки, келмиш анга лўли хаш,  
Қани бир жоми лўликашки, лўли тутса бир соғар.

*Тама қилма фалақдин комким, ханжар қилур ошом  
Янги ой шаклидин ҳар шом ул лўлийи бозигар.*

(«Наводир уш-шабоб», 194-ғазал).

Навоийнинг йигитлик даврида битилган бу ғазал ишқий мавзуда. Унда ошиқнинг маъшуқага эмас, балки санъат шайдосининг пўзал санъаткорга ишқивозлиги тасвирланган. Ғазал аниқ бир воқеа таъсирида ёзилган. Навоий яшаган даврда лўлиларнинг эл орасида томоша кўрсатиши халқ театрларининг илк кўриниши эди. Мазкур ғазалда ёш Навоийнинг ана шундай томошалардан бирида ўйинчи лўлининг кўрсатган найранглари, санъаткорлиги ва сехграрлигидан олган завқ-шавқи, ҳайрат ва таассуротлари изчил ифодаланган. Ўн байтдан иборат бу асар услубида воқеа тасвири билан лўливаш таърифи уйғуналашиб кетган. Композициясига кўра, у воқеабанд ғазалdir. Ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган:

Мафоилун      мафоилун      мафоилун      мафоилун

Шоирни лўлининг ўйинларигина эмас, балки гўзал сиймоси ҳам мафтун этади. Шунинг учун ғазалда икки нарса кузатилади: бири-лўли санъаткорнинг эҳтирос билан тасвирланган назмий портрети, иккинчиси – у кўрсатган томошаларнинг тафсилоти. Шоир лўлининг ранги ва қиёфасига хос ифодалар танлайди. Лўлининг олмосдай ялт этиб кетувчи ўткир нигоҳини «Қиё бокмоқлари поки, итик мужгонлари ништар», дея тасвирлайди. Шундай нигоҳ факат лўлиларга хос, шунинг учун бошқа гўзаллар нигоҳи тасвирида бундай ифодани учратмаймиз. Мана бу байтда ҳам лўлининг хос тасвири берилган:

*Юзидинким хижилдир гул – паришон ҳар тараф кокул  
Сочиб гулбарг уза сунбул, тўкуб кофур уза анбар.*

Шоир талқинича, лўливаш юзи олдида гул шунинг учун уятлики, унинг кокуллари ҳар тарафга силкиниб, гулбарг сингари юзи узра сунбул – хушбўй, қора рангли ўсимлик сочади, кофурваш, яъни оқ тусли бадани узра анбар – хуш исли нарсалар аралашмасидан тайёрланадиган хушбўй қора модда тўқади ва ҳуснига жозиба баҳш этади. Қора танли инсон кўркини бу қадар маҳорат билан мадҳ этиш жаҳон адабиёти санъатхонасида ҳам кам топиладиган ҳодиса.

Шоир лўливаш санъатидан шу қадар руҳланганки, санъат тасвирига баҳшида байтлар кўш қоғия касб этган, уларда эҳтирос ва

музыкйлик янада кучайган. Еру күкни ларзага солиб, чир айланиб, рақсга тушаётган лўли «қўнгуллар кишварини яксар» зabit этади, боши узра ойдек ҳалқани айлантириб, турли ўйин ва усуслар на-мойиш этади. Навоий томошани шунчаки акс эттириб қўя қолмай, лўли кўрсатган ўйинлардан фалакдан шикоят мотивларини ифода-лашда ҳам фойдаланади:

Тамаъ қилма фалакдин комким, ханжар қилур ошом  
Янги ой шаклида ҳар шом ул лўлийи бозигар.

Демак, «лўлийи бозигар» ҳар куни кечки пайт томоша кўрсатади. Унинг асосий томошаларидан бири ханжар ютишдек қалтис ўйин. Байтнинг замирида «Агар фалак инсон мақсадига мувофик, адолат ҳукми билан айланганида, шўрлик «лўлийи бозигар»нинг куни ҳар шом ханжар ютишга қолармиди», деган хуласа ётади.

Истиоравий тарзда, «лўлийи бозигар» образи замоннинг маккор ва ситамкорлигини ифодалашга ҳам хизмат қилган. Шоир фалак-нинг ўзини «лўлийи бозигар» дея киноя қилишида икки асос бор. Ҳар кеч фалак лўли каби тийра тусга киради. Маълумки, осмонда янги ой ханжар шаклида пайдо бўлади. Фалак ҳар кеч ханжарсимон янги ойни ютиб юборади. Навоий икрор этганидек, бундай фалак-дан марҳамат кутиб бўлмайди.

Навоий мутаассир ҳалқ лўли санъатини олқишлиб, уни мамнуният билан рағбатлантириши манзарасини ҳам алоҳида байтда чирой-ли чизиб берган:

Бошига сийм ўлуб паррон, тушуб гирдиға анжумсон,  
Тулув эткан киби ҳар ён қамар атрофида ахтар.

Истироҳат эвазига ҳалқ лўли бошидан кумуш танглар сочади ва пуллар гўё ой теварагида ҳисобсиз юлдузлар пайдо бўлгани синга-ри санъаткор атрофига тўшалади.

Ушбу асар Навоий давридаги санъат ва унга шоирнинг эстетик муносабати ҳақида яхлит маълумот бериш билан бизнинг замона-миз учун қимматлидир.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## МЕХР УМИДИ ТУТМАНГИЗ

Дўйстлар, аҳли замондин меҳр умиди тутмангиз,  
Мехри гардун бўлсалар, кўз нуридин ёрутмангиз.

Гар шаҳ ўлсин, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,  
Ёдини балким кўнгулга ҳар тараф ёвутмангиз.

Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,  
Буткарурбиз десалар ул захмларни, бутмангиз.

Эл жафосининг малоли қилса ҳар дам қасди жон,  
Кўнглунгизни ғайри бекаслик билан овутмангиз.

Ўксуди эл майли мендин бир йўли, эй дарду ғам,  
Гах-гаҳи сиз боре бошимдин қадам ўксутмангиз.

Ҳажр ўтин жонимға ёқтим, кўрсангиз усрук мени,  
Энди, эй панд аҳли, дўзах ўтидин кўркутмангиз.

Чун Навоий дашт тутти, эмди зинҳор, эй вуҳуш  
Ким, башар жинсини ул мажнун сори ёвутмангиз.

(«Наводир уш-шабоб», 212-ғазал).

Ушбу ғазални Навоий ўрта ёшларида ёзган. Асар шоир яшаган замона ва замон аҳлидан шикоятни ифодаловчи ижтимоий мавзууда битилган. Рамали мусаммани маҳзуз вазнида яратилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Ғазал услугубан шарҳи ҳол типига мансуб бўлиб, шоир ўз замонаси ва замондошлари туфайли чеккан изтиробларини изчил изҳор эта бошлайди. Бу ғазал Навоийнинг замон ҳамда замон аҳли билан мулоқотлари, тўқнашувлари, ҳаётий муносабатларидан келиб чиқиб ғазалхонга бераётган сабоқ ва пандини ҳам ифодалайди.

Шоир биринчи мисрадаёқ «аҳли замондин меҳр умиди тутмаслик» лозим эканлигидан огоҳ этади. Байтнинг ҳар икки мисрасида «мехр» сўзини турли маъноларда кўллаш орқали аҳли замон қиёфасидаги қарама-карши қутбларни ёритишга муввафқа бўлади. «Мехр» биринчи мисрада – меҳрибонлик, мурувват, шафқат, иккинчи мисрада эса – офтоб, қўёш маъносида тутилгани шундай ғоявий мазмунни юзага чиқарган: аҳли замондан меҳр кутиш бе-

фойда, чунки улар меҳрсиз, муруватсиз, шафқатсиз. Гарчи замон ахли «мехри гардун», яъни олам офтобидек баландпарвоз, кўзни қамаштирас дараражада порлок бўлсалар ҳам, уларга қиё боқманг. «Мехри гардун» ибораси шоир юксак доира ва мартабалардаги замондошларига ишора қилаётганидан далолат беради. Навоий шундай ишоралар воситасида англатишича, улар офтоб қадар юксак мавқеда турсалар-да, инсонийлик жихатидан меҳрсиз ва тубан. Уларнинг суратлари қўёш каби нурафшон бўлса-да, сийратларида меҳр нуридан асар ҳам йўқ.

Лирик қаҳрамонни ахли замон шу қадар бездиранки, кейинги байтларда уларга қарши янада кучлироқ раддия, эътиroz ифодала-нади:

Гар шаҳ ўлсин, гар гадоким, солмангиз юзига кўз,  
Ёдини балким кўнгулга ҳар тараф ёвутмангиз.

Зулм ила юз чок қилғон танға гар марҳам ёқиб,  
Буткарурбиз десалар ул захмларни, бутмангиз.

Замон ахлидан юз ўгириш, уни инкор этиш даъвати тадриж усулида амалга оширилган. Бир мисрада шоир ноқобил замон ахлининг юзига ҳам қарамасликни таъкидласа, иккинчи сатрда юзи-га кўз солиш тугул, балки унинг ёдига кўнгулдан ўрин ҳам бер-маслик лозимлигини, бундай инсоний эътиборга ахли замон ар-зимаслигини кучайтириб уқтиради. Чунки улар буқаламунлардир. Ўзлари тану жонни «зулм ила юз чок қиладилар» ва яна ўзлари «ул захмларни марҳам ёқиб буткарурбиз» деб сохта меҳрибонлик қиладилар. Бундай номеҳрибон «эл жафосининг малоли» Навоийга «қасди жон» қилганлиги, гина-кудурат ва нафратлар изҳорининг теран ҳаётий асослари бўлгани ғазалнинг руҳи, образлари, поэтик усул ҳамда ишораларидан яққол сезилиб туради. Ғазалдаги лирик қаҳрамон қиёфаси шоир шахсиятига жуда мутаносиб. Асар компо-зицион жихатдан якпора ғазалдир. Унда ахли замонга муносабат масаласи изчил ёритилган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ДҮСТЛАР, ОЛАМ ЭЛИГА ЁРУ ҲАМДАМ БҮЛМАНГИЗ

Дүстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,  
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Ошнолиг айлабон, ўз жонингизга ҳар замон  
Боиси юз минг балову меҳнату ғам бўлмангиз.

Еб паривашлар фиребин, сўнгра топмай илтифот,  
Мен киби девонаву расвойи олам бўлмангиз.

Васлу аиш обод қилсун ҳалкни, эй дарду ғам,  
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга ерга маҳрам бўлмангиз.

Эй висол ахли, ул ойнинг дарди ҳажридин мени  
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асрุ хуррам бўлмангиз.

Эй ҳаробот ахли, йўқ инсонда имкони вафо,  
Мастлиғдин дев ўлунг, зинҳор одам бўлмангиз.

Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй ахли васл,  
Эмди навбат сизгадур, мунча муаззам бўлмангиз.

(«Наводир уш-шабоб», 213-ғазал)

Навоийнинг ўз замонаси ва замон ахлига муносабатини ифодаловчи бу ғазал ижтимоий мавзуда битилган бўлиб, у ўрта ёш лирикаси маҳсулидир. Ғазал етти байтдан ташкил топган бўлиб, уни дастлаб шоир иккинчи расмий девони «Наводир ун-ниҳоя»га киритган. Ғазалнинг биргина – иккинчи байтдаги «жафо» сўзи «Хазойин ул-маоний» нусхасига «бало» тарзида ўзгаришига учраб кўчган.

Шоир ушбу ғазални шарҳи ҳол услубида яратган. Ғазалнинг фоявий мазмуни лирик қаҳрамоннинг аҳволи руҳиясини, «олам эли», яъни даврон ахли билан боғлик кайфиятларини шарҳ этиш жараёнида юзага келган. Асар шоирнинг дўстларига чуқур ички дард ва илтижо билан мурожаатидан бошланади:

Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз,  
Ёр ила ҳамдам демайким, ошно ҳам бўлмангиз.

Мазкур матлада шоирнинг «олам эли» билан турли инсоний мумомала-муносабатлар оқибатида чиқарган аччиқ ҳаётий ҳукм-хулосалари мужассамлашган. Лирик қаҳрамоннинг ҳазин ва шикаста

кайфияти ифодасини жуда табиий құлланған ружу саңыати янада күчтірган. Шоир биринчи мисрада «олам эли» билан «ёру ҳамдам» бўлмасликни маслаҳат беради, аммо тезда фикридан қайтиб, «олам элига» «ёру ҳамдам» тугул, ҳатто, ошно ҳам бўлиш хавфли эканлигини уқтиради.

Матлада илгари сурилган ҳаёттій фикр кейинги байтларда изчил шарҳланади. Фикр асосланиб, кучайиб боради. Шундай композицияга кўра, бу асар якпора ғазал типига мансубдир. Матлада «олам элига» «ёру ҳамдам» ва ошно бўлиш нораволиги уқтирилса, сўнгги байтлар бу ҳолнинг сабаби ҳамда оқибатларини изоҳлашга қаратилган.

*Ошнолиг айлабон, ўз жонингизга ҳар замон  
Боиси юз минг балову меҳнату фам бўлмангиз.*

«Ошнолиг» – мураккаб савдо. Ошносиз яшаш – ёлғизлик, алам, изтироб, мазмунсиз ҳаёт. Ошно орттириш-чи? Ҳар ким билан ошна тутиниш мустаҳкам дўстлик ва тотув турмушни таъминлайдими? Афсуски, ошнагарчилик осон эмас, ҳаётда ошнагарчиликнинг турли кўринишлари ва оқибатларини бошдан кечириш мумкин. Шуннинг учун бўлса керак, Махтумкули: «Бирор билан ошна бўлай десангиз...» – дея ошнагарчилик таомили ва оғир шартларидан дарс беради. Мунис: «Кимниким дўст дедим, душмани жон топдим они», – дея фарёд чекади. Ҳалқда «Аҳмоқ дўст ёвдан ёмон» деган нақл бор. Албатта, «ошнолиг» баҳтга, саодатга муяссар этиши ҳақидаги ҳикматлар ҳам кўп. Ким ва қандай одам билан ошналикка киришиш, мұхабbat боғлаш, ошна-офайнигарчилик расмини қай йўсинда бажо келтириш, айниқса, маънавий қаҳатчилик замонларида, фавқулодда нозик инсоншунослик дидини тақозо этади. Аммо инсон борки, бу борада адашмай, панд емай яшashi даргумон. Навоийдек улкан инсоншунос ҳаёттій тажрибадан келиб чикиб, юқоридаги байтда изоҳлашича, адолатсиз ва меҳрсиз олам ахлига «ошнолиг» қилиш киши «жонига ҳар замон» «боиси юз минг балову меҳнату фам бўлиши» муқаррар. Назаримизда, бундан шундай хуласа англашиладики, бирор инсон билан хоҳ дўстлашинг, хоҳ унга мұхабbat қўйинг, «ошнолиг»нинг юз минг жафову машақкату фами синовлари бардошини бўйинга олиш фарзидир. Навоий шундан огоҳлантиради.

Бу олам паривашларига ҳам ихлос қўйиб бўлмайди:

*Еб паривашлар фиребин, сўнгра топмай илтифот,  
Мен киби девонаву расвойи олам бўлмангиз.*

Чунки паривашларнинг фиребига учраш, домига дучор бўлиш, ишқ ўтида девонавор ўртаниб, оламга афсона бўлиш ошиқлик шеваси ва қисматида бор. Бу аслида фараҳли, фахрли, ҳавасли ҳам. Навоийнинг ўзи бир рубоийсида «Ё ошики зори нотавон бўлса киши, Девонайи расвойи жаҳон бўлса киши», дея орзулаган. Хўш, нега энди Навоий бу ғазалда... Бунда Навоий факат ишқ оғатларидан сакланишга чорлаётгани йўқ. Байтда: «Ишқ йўлига кириб, паривашлардан фиреб еб, илтифот кўрмай, сўнг пушаймон қилиб, девонайи расвойи жаҳон бўлиб юрмай қўя қолинг. Бундай қисмат ҳар кимга раво эмас ва ҳар ким бундай «баҳт»га сазовор бўлолмас. Ишқ йўлидаги кўргуликларни бизга кўйиб беринг», мазмунидаги киноя яширинган. «Дарду ғам»га мурожаат тарзида айтилган кейинги байт шу фикрнинг мантикий давомидек янграйди:

*Васлу айш обод қилсун ҳалқни, эй дарду ғам,  
Сиз бузуғ кўнглумдин ўзга өрга маҳрам бўлмангиз.*

Лирик ҳаҳрамон висол шодликлари, роҳат-фароғати ҳалқка бахшида бўлишини, ҳижрон ғами ва ишқ дарди ўзининг вайронга кўнглига насиб этишини илтижо қиласди. Чунки илоҳий муҳаббат, висол, олий саодат ғамдийда, дардманд кўнгилларгагина маҳрам бўлади.

*Эй висол ахли, ул ойнинг дарду ҳажридин мени  
Кўп кўруб ғамнок, сиз ҳам асрุ хуррам бўлмангиз.*

Шоир ўзгаларга висол, айшу ободонлик истайди. Шу билан бирга, висол ахлидан ҳаддан ташқари мағурланиб кетмасликлари, маҳбуби ҳажри дардидан, ғамнок ошиқ қайғусидан хурсанд бўлмасликларини тилайди.

Вафо ҳақида қайғуга чўмган шоир лирик чекиниш қилиб, ҳаробот ахли, яъни маънавий-руҳий маслақдошларига мурожаат қиласди:

*Эй ҳаробот ахли, йўқ инсонда имкони вафо,  
Мастлиғдин дев ўлунг, зинхор одам бўлмангиз.*

Бунда инсонда вафодорлик имкони йўқ экан, у билан ҳамжинс, ҳамжамият бўлиш нокулайлиги муболагали ифодаланган.

*Гар Навоий васл аро бўлди залил, эй ахли васл,  
Эмди навбат сизгадур, мунча муazzзам бўлмангиз.*

Ушбу мақтада висол ахли билан бўлиб ўтган мусоҳаба, муноза-  
рага якун ясалади. Навоий уларни чинакам ишқ йўлига чорлайди:  
«Навоий манзурнинг висоли йўлида хокисорлик билан фидо бўлди,  
тупроққа айланди. Эй висол талабгорлари, кўп мағрурланманг,  
кибрланманг, пастроққа тушинг, Ҳақ васлига эришмоқчи бўлсангиз,  
Навоийдан ибрат олинг, фуурурдан, ўзликдан кечинг, фидо бўлинг».  
Фазалда Навоийнинг инсонпарварлик, эзгуликка хайриҳохлик нуқтаи  
назари яққол кўриниб туради. Бу нуқтаи назар шоир ўз замонасида-  
ги «олам эли»дан келадиган жабру жафо, озор, ноҳуш ҳодисаларни  
қоралаши, улардан батамом воз кечиши, «васлу айш обод қилсун  
халқни» дея эзгуликка, халқпарварликка тилак билдиришида аниқ  
акс этади. Фазалда инсон маънавий қиёфасидаги нотугаллиқдан  
таассуф, илоҳий бир етуклиқ, баркамолликка ташналик, талпиниш  
орзу-армонлари ҳам яққол намоён бўлади.

Лирик қаҳрамон қиёфаси шоир шахсиятига жуда яқин. Лирик  
қаҳрамон кечинмалари, фикр-ўйлари, ғам-андуҳлари бевосита Навоийнинг ўзи «олам эли»дан чеккан «юз минг балову меҳнату ғам»  
звазига пайдо бўлгани шубҳасиз. Ҳаётга ва Навоий яшаган аср  
ҳақиқатига мослиги билан бу газал реалистик хосиятга эга.

Анъанавий образлари ва бошқа бадиий хусусиятлари борлигидан  
қатти назар, фазал ниҳоятда оригинал. Ҳатто, у Навоий руҳиятига  
қаттиқ таъсир этган бирор воқеа-ҳодиса муносабати билан ёзилган  
бўлиши эҳтимол.

Фазалнинг «Дўйстлар» ундалмаси билан бошланиши ва ҳар сатрнинг  
«бўлманиз» радифи билан якунланиши одамий меҳр, қуюнчаклик,  
ўтиниш маъносини муттасил таъкидлаб туради. Рамал баҳрининг  
рамали мусаммани маҳзуз вазнида яратилгани ҳам фазалнинг  
таъсирчан руҳи ҳамда мавзуи оҳангдорлигини таъминлаган. Оҳанг  
тасвири қўйидагича:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Мазкур газал Навоий ижодиётида ижтимоий мазмундорли-  
ги ва бадиий салмоғи билан алоҳида ажралиб туради. У шоирнинг «Дўйстлар, ахли замондин меҳр умиди тутмангиз» бошланмали  
газали билан ғоявий-бадиий хусусиятларига кўра жуда ҳамоҳанг.  
Ҳатто, у газалдаги фикр-умумлашмалар бу газалда янада муфас-  
сал шарҳланган, шоирнинг нуқтаи назари яна ҳам қатъийлашган.  
Навоийнинг бу газаллари шоирнинг ўз ижодида ва умуман, ўзбек

адабиётида кўплаб шу руҳдаги рубобий асарлар пайдо бўлишига сабаб бўлган. Масалан, XIX аср шоири Шермуҳаммад Муниснинг «Дўйстлар, менсиз даме оҳангни ишрат қилмангиз» сатри билан бошланувчи ғазали шу ғазаллар таъсирида яратилган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ЮЗУНГ ҚУЁШМУ – ҚУЁШ ЮЗУНГМУ

Деди: «Кўзум қичишур», – айтдимки: «Бода томуз»,  
Деди: «Не ҳожат анга бода, маст эрур онсиз».

Бутар гул ичра гаҳе ғунча, лек очилмас,  
Юзунгда турфадурур кулгуси била ул оғиз.

Кўзум ёшин оритиб гар туганмаса, тонг эмас,  
Ажабдурур сочибон суйинг куруса тенгсиз.

Юзунг қуёшму экин ё қуёш юзунгму экин  
Ки, қайси қайси экин, фарқ эмас, нечукки эгиз.

Итинг изига кўзум суртсам, ғарид эрмас  
Ки, «айн» шакли била нақш ўлур аёғдин из.

Ҳалол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,  
Тобук қилиб, юқунуб тустиғон ичинда қимиз.

Ҳамиша муғбачаву раз қизи фидоси бўлай  
Ки, дайр пирига арзир бу навъ ўғил била қиз.

Чу даври ҷарх эрур боиси ғаму меҳнат,  
Кўнгул фарогатини жом давридин олингиз.

Нечук йироқ бўлали пири дайру муғбачадин,  
Навоийё, чу аларнинг муриди бандасибиз.

(«Наводир уш-шабоб», 218-ғазал)

Навоийнинг қарилик лирикасига хос бу асар мавзуига кўра риндана ғазалдир. Тўқиз байт мобайнинда май, пири дайр ва муғбача мадҳи ҳамда маъшуқа тасвири уйғунлашиб кетган. Демак, ғазал услубан аралаш тургга мансуб. Мужтаси мусаммани маҳбуни мактӯъ вазнида битилган:

Мафоилун      фаилотун      мафоилун      фаълун

Фазал марказида «пири дайру муғбачанинг муриду бандаси», «ҳамиша муғбачаву раз қизи фидоси бўлиш» ни орзулаган лирик қаҳрамон – ринд образи туради. Фазалнинг бошдан-оёқ бутун мундарижаси шу ринд ҳис-туйғулар изҳоридан вужудга келади. Бу Фазалнинг якпора композиция касб этишига сабаб бўлган.

Мавзу ва унинг ёритилишига кўра, фазал анъанавий характерга эга. Бироқ у қатор оригинал фазилатлардан ҳам холи эмас. Фазалнинг оригинал хусусиятларидан бири шуки, у шоирнинг қариллик даврида яратилганига қарамай, ифода услуби ниҳоятда содда:

*Юзунг қуёшму экин ё қуёш юзунгму экин  
Ки, қайси қайси экин, фарқ эмас, нечукки эгиз.*

Бу байтдаги бадиий соддаликнинг омили тажохули орифона санъатидир. Бошқа байтларда ҳам шоир мураккаб ифода усулларидан сақланган.

*Итинг изига кўзум суртсан, ғарип эмас  
Ки, «айн» шакли била нақш ўлур аёғдин из.*

Маъшуқа ити оёғининг изи, кўз ҳамда «айн» ҳарфи шаклларидағи ўхашашликдан шоир янги бадиий имконият очган.

Фазалдаги майгина эмас, қимиз таърифи ҳам қизиқарлидири:

*Халол она сутидекдур гар ўзбаким тутса,  
Тобук қилиб, юкиниб тустиғон ичинда қимиз.*

Бу байтда ўзбек ҳалқининг қадимий қимизхўрлик одати, қимизнинг она сутидек ҳалоллиги таърифи ва ўзбекнинг қимиз тортиш маданияти тасвири мароқлидири. Ниҳоят, XV аср ўзбек ҳаётига оид яна бир нарса – қимиз қўйиладиган идиш – тустиғоннинг қадаҳ, жом, соғар образлари сингари фазалга олиб кирилиши Навоийнинг бадиий кашифиётидир.

Мактадан олдинги, лирик чекиниш тарзидаги байтда шоир даврон дардларига табиий равишда риндана кушойиш излайди:

*Чу даври чарх эрур боиси ғаму меҳнат,  
Кўнгул фароғатини жом давридин олингиз.*

Замон етказган машаққатларга жом фароғати қарама-қарши қўйилади. Бу Навоийнинг замондошларига дўстона маслаҳати, тасаллиси эди. Фазал ҳаётга муҳаббат майлларини ифодалаши билан замонамиэга яқиндир.

*Нурсратулло ЖУМАХЎЖА*

## ...ЙУҚМУ ЎЁТ, ЭЙ ВОИЗ?!

Неча ёлғон сўзу музхик ҳарокот, эй воиз,  
Мажлис ахли юзидин йўқму уёт, эй воиз?!

Дедилар: «Панд ила тавсанлигин элнинг ўксут»,  
Ким деди: «Тепкилу минбарни ушот», эй воиз?!

Хуру жаннатни кўп ўқдунг, магар ул ён элни  
Юборурга қиласен қаты ҳаёт, эй воиз?!

Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг  
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз.

Кечакичмак маю кундуз демак, ичмангани,  
Хикмат ичра бу эрур яхши сифот, эй воиз?!

Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,  
Кўз тут ўз ҳолинга тафзиҳини бот, эй воиз!

Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,  
Бори бор ўз ишида анга сабот, эй воиз!

Элни чун зарқ намози сўзига жамъ эттинг,  
Тортғил тафриқага эмди салот, эй воиз!

(«Наводир уш-шабоб», 286-ғазал).

Матладаноқ англашилиб турибдики, мазкур ғазал ижтимоий-ахлоқий мавзуда яратилган. Ғазалда шоирнинг маънавий-ахлоқий хулосалари мужассамлашган. Саккиз байт ҳажмида воизга танқидий муносабат изчил, тадрижий акс этган якпора ғазал. Рамали мусаммани маҳбуни мақтуъ вазнида битилган:

Фоилотун    фаилотун    фаилотун    фаилун

Ғазал услубида хитоб ва изҳор оҳанги етакчилик қиласи. Ғазалнинг ғоявий мазмуни, унда яратилган умумлашма образнинг ҳаётий, ҳақоний қиёфаси жуда катта замонавий тарбиявий аҳамиятга эга. Унинг ҳар бир сатрини мутолаа қиласар экансиз, Навоий ҳажвий ғазалига асос бўлмиш воизга монанд замондошларимиз қиёфаси кўз олдингизда гавдаланаверади. Масалан, матлада ваъзхон нотиқнинг халқни ҳақиқатдан чалғитишга, ёлғонни зўракилик билан ўтказишга қаратилган масхараомуз хатти-

харакатлари кескин танқид қилинади ва унга танбек берилади. Бу танқид бугунда минбарлардан мураккаб ҳаёт ҳаққониятларини хаспұшлаш учун фойдаланадиган, ижтимоий ёлғонни санъат даражасига күтәрадиган нотықларга ҳам тегишли. Умуман, Навоий назмидаги воизни қандайдир китобий, анъанавий ва фақат Навоий замонасигагина мансуб сиймо сифатида қарамаслик кепрек. У ҳаёттій образ бўлиб, Навоий воизга ҳам, воизнинг эл орасида панд-насиҳат ўқиши, ваъз айтишига ҳам қарши бўлмаган. Ижтимоий ёлғон ва сохтагарчиликни касб этган, ўзи маънавий-ахлоқий жиҳатдаи етук бўлмай туриб, маънавий-ахлоқий мавзуларда ваъз айтадиган воизларни қоралаган.

Воизни файраихлоқий фаолиятдан огоҳ этиш, танбек билан бошланган ғазалнинг кейинги байтларида унинг құлмишлари талабга номувофиқлиги асосли равишда, кескин ҳажвий руҳда тасвирланаdi:

*Дедилар: «Панд ила тавсанлигин элнинг ўксут»,  
Ким деди, тепкилу минбарни ушот, эй воиз!*

*Хуру жаннатни кўп ўқдунг, магар ул ён элни  
Юборурга қиласен қатын ҳаёт, эй воиз.*

Воиздан халқни ибодатга, итоатга, инсофу диёнатга, одобу маърифатга чорлаш талаб этилган. У бу вазифани маданий-маърифий тариқада, ишонтириш, тушунтириш йўли билан амалга ошириши лозим бўлган. Аммо у ислом ва шариат талабларига номувофиқ тарзда, зўравонлик ва маданиятсизлик йўсунинда иш тутган. Навоийнинг муболағасича, жазавага тушиб, «минбарни тегиб ушотган». Воизнинг маслаги фукарони дунёга хирс қўймасликка, охиратни ўлашга ўргатишдан ҳам иборат бўлмоғи лозим эди. У бу вазифасини ҳам сунистеъмол қиласи, жаннатни, халқ тирикчилигини зудлик билан тұхтатиб, ёппасига жаннатга құвғин қылгудек важоҳат билан таъриф-тавсиф этади. Халқни тарқидунчилликка, тушкунликка, умидсизликка мубтало этувчи бундай воизлар ҳақли равишда халқпарвар шоирнинг қаҳру ғазабига сабаб бўлади.

Воизнинг мискин, йиғлоқи ваъзидан содда халқ билан бирга Навоийнинг ҳам чехрасида ғаму ғусса, кўзларида ёш шашқатор. Содда халқ-ку таъсирчан ва жуда ишонувчан. Аммо Навоий дарди, кўз ёшлари боиси ҳам ваъзнинг таъсирими?

*Ёшурун дардимадур ашку эмас нутқингнинг  
Асаридин юзум узра қатарот, эй воиз!*

Навоий халқнинг авомлигидан, воизнинг ҳийлагарлигидан дард чекади. Демак, унинг юзидағи күзёш қатралари воиз нутқининг таъсиридан эмас, балки кўнглида яширин инсоний дардидандир. Шоирнинг сохта воизга нафрати, асардаги сатирик руҳ байтма-байт кучайиб боради. Мана бу байтларда воизнинг шахс сифатидаги ижтимоий қиёфаси фош этилади:

Кечак ичмак маю кундуз демак, ичманг ани,  
Хикмат ичра бу эрур яхши сифот, эй воиз!?

Ўзгача бўлмоқу ўзгача ўзин кўрсатмоқ,  
Кўз тут ўз ҳолинга тафзихини бот, эй воиз.

Бу сатрлар воситасида Навоий ўз замонасида сохта воизларнинг иккиси зламачилиги, риёкорлиги ва буқаламунлигини ошкор этиб, эл аро шармандасини чиқарган. Навоий маънавий қиёфа событилиги борасида воизга майхона пирини ибрат килиб кўрсатади:

Дайр пири қулидурменким, агарчи май ичар,  
Бори бор ўз ишида анга сабот, эй воиз!

Кўринадики, иккиси зламачилик, тутириқсизликка қарши ички маънавий сабот, тутириқ тарғиб этилган. Аммо афсуски, «кечак ичмак маю кундуз демак, ичманг ани», «ўзгача бўлмоқу ўзин кўрсатмоқ» иллатлари бизнинг давримиздаги айрим зиёли ва раҳбарлар табиятида ҳам сақланган. Навоийнинг мазкур ғазалидан чиқадиган сабоклар кексаю ёш ҳар бир замондошимиз маънавиятини камол топтиришда аскотади. Зотан, Навоий ғазалнинг хulosаси байтида «Элни чун зарқ намози сўзига жамъ этинг, Тортғил тафриқага эмди салот, эй воиз», дея воизни номатлуб йўлдан қайтишга, асл инсоний маслакка киришга чорлаган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ЙЎҚТУР КИШИ АХЛИ ВАФОДИН ХОКРОК

Кўкрагимдур субҳнинг пироҳанидин чокрок,  
Кирпиким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

Бу кўнгул ғамноқидин то шодмон кўрдум сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлгай хотирим ғамнокрок.

Лайли андин кўйди Мажнун кўнглида раҳти ғамин  
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покрок.

Үйла мужгон ханжариға ёпишибдур дурри ашк  
Ким, магар андин ятиме йўқтурур бебокрок.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,  
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.

Одамийлик туфроғин берса фано елига чарх,  
Оҳқим, йўқтур киши ахли вафодин хокрок.

Неча ўқлосанг, Навоий кўнгли захминроқ бўлур,  
Кўрмадук захмеки, тиккан сойи бўлғай чокрок.

(«Наводир уш-шабоб», 326-ғазал)

Навоийнинг йигитлик лирикасига мансуб бу газал шоир умри йигитлик мавсумининг дарду изтироблари билан йўғирилган. Инсоннинг дардманд табиатини бундан ҳам гўзал ва таъсирчан тасвирилаш қийинидир. Биринчи сатрнинг ўзидаёқ бир асарга татигулик мазмун мужассам. Унда инсоннигина эмас, балки у атиги бир заррасини ташкил этган бутун табиатнинг дарди ифодаланган. Субҳ пироҳани чоклиги шунчаки ташбех учун осмондан қофозга кўчирилган манзара эмас. Оламга мунаварварлик, жон, жамол, ҳаракат бағишловчи Оллоҳ – Нур васли айрилиғи зулматида бўғилган тонг самовий кўйлагининг ёқасини йиритиб чок этади. Ҳижрон тунида тўлғанган лирик қаҳрамон аҳволи ундан ҳам оғир. Шунинг учун унинг кўкраги «субҳнинг пироҳанидин чокрок».

Кирпиким шабнам тўкулган сабзадин намнокрок.

«Шабнам тўкулган сабза» – нақадар хушманзара мавжудот. Кўзёш томчилари кўнган киприк унга накадар мутаносиб манзара! Бироқ шоир мақсади манзаранинг чиройида эмас, моҳиятида. Киприқдаги томчилар манзарадан кўра кўпроқ ғам ташийди, армон ташийди. Шунинг учун намнокрок киприклар соҳиби – ғамнокрок.

Газал яхлитлигича лирик қаҳрамоннинг оғрикли кечинмалари тасвирига бағишлиланган. Етти байт мобайнида мазкур мавзу изчил изҳор услубида ёритилган. Шунга кўра, газал якпора композицияга мувофиқлашган.

Ҳар бир байт юқоридаги сингари ҳайратомуз бадиий тасвир лавҳалари билан музайян. Айниқса, сўнгги байтлар фалсафийлиги,

лирик қаҳрамоннинг манзурга фидойилиги, вафодорлиги тасвири билан ажралиб туради.

Лабларингдин жон олурда барча эл қулдур санга,  
Жон берурда бир қулунг йўқ бандадин чолокрок.

Бунда лирик қаҳрамоннинг маҳбубага элдан айрича садоқати ўз ифодасини топган. Фазалда инсондаги вафо фазилати бенихоя улуғланади. Кейинги байт бундай улуғ хислат камдан-кам кишиларга хослигидан далолат беради:

Одамийлик туфрогин берса фано елига чарх,  
Оҳқим, йўқтур киши аҳли вафодин хокрок.

Байтнинг замирида ётган маъно шуки, агар фалакнинг гардиши инсониятнинг тупроғини (яъни, тупроққа айланган жасадини) илоҳиёт елларига бағишлайдиган бўлса, афсус-надоматлар бўлсинким, вафо ахлидин кўра хокрок, яъни илоҳиёт елларига ҳамроҳ бўлишга сазовор, илоҳиётга қўшилиб-корилиб, сингиб кета оладиганлар топилмайди. Бу сўфиёна дунёқараш ва мантиқ маҳсули, албатта. Сўфиёна бўлишидан қатъи назар, газалда умуминсоний ва инсонпарвар, эзгуликка молик ғоя илгари сурилган. У илоҳиёт воситасида бўлсада, инсонларни вафодор бўлишга, вафосизлик оғатидан таассуф тортишга чорлайди.

Фазал рамали мусаммани мақсур вазнида битилган:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоilon

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### БУКУН АҲЛИ ЖАҲОНДИН ХАСТАХОТИРМЕН...

Букун аҳли жаҳондин хастахотирмен, жаҳондин ҳам  
Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам.

Мени жону жаҳондин ҳажр вақтиким малул эткай  
Ватан ё мулқдин худким, десун бал хонумондин ҳам.

Кўнгулдин жонға еттим, эй ажал, неткай ҳалос этсанг  
Мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин ҳам.

Не айрилмоқдурурким, ёр то айрилди, айрилмиш  
Кўнгул мендин, фифон кўнглумдину ўтлар фифондин ҳам.

Манга жононсиз ўлмоқ яхшироқ, эй Хизр, юз қатла,  
Кетурсанг мужда ўлмоқ бирла умри жовидондин ҳам.

Нафас қать ўлди ул юз фурқатидин, кўзгу келтурманг  
Ки, мен эмди кутулдим ибтиносиз имтиҳондин ҳам.

Ёмон-яхшиға кўп зулм этмагилким, гар будур даврон,  
Кутулғунг, кимки ондин яхшироқ йўқ, мен ёмондин ҳам.

Итига тўъма, дарбонига бўлсун муттако ўлсам,  
Таним ул кўйдин олманг, бошим ул остоңдин ҳам.

Фақиҳу – Каъба, ринду майкада хушдур, Навоийким,  
Сенинг ёдинг била мундин эрур озоду ондин ҳам.

(«Наводир уш-шабоб», 398-ғазал).

Навоийнинг йигитлик лирикасига мансуб бу ғазал ҳижрон мавзуда битилган. Ғазалдаги тўққиз байтнинг бари шоирнинг шархи ҳоли изҳорига қаратилган.

Ғазал шоирнинг энг ижтимоий салмоқдор асарлари сингари жаҳон ва аҳли жаҳондан шикоят билан бошланади. Биринчи мисрада изҳор этилган аҳли жаҳон ва жаҳондаги хастахотирлик кайфияти ружу́ санъати воситасида иккинчи мисрадаёқ умумийликдан хусусийликка томон ривожлана бошлади:

Демон аҳли жаҳон бирла жаҳон, биллаҳки, жондин ҳам.

Ҳажр бедоддиги лирик қаҳрамоннинг аҳли жаҳон, жаҳон ва жондан чеккан қайгуси билан ҳам чекланмайди. Ҳажр шоирнинг Ватан, мамлакат ва барча тириклик воситаларидан ҳам ғам, алам кўришига боис бўлади:

Мени жону жаҳондин ҳажр вақтеким малул эткай,  
Ватан ё мулқдин худким, десун бал хонумондин ҳам.

Тасвир шу тариқа кучайиб бораверади. Лирик қаҳрамон ўзининг руҳий ҳалокати ва унинг сабабчисини – «Кўнгулдин жонға етгани»ни англайди. Аҳли жаҳон, жаҳон, жон, Ватан, мулқ, хонумон сингари бошига ишқ ва ҳижрон савдосини соглан энг яқин, ишонган маҳрами – кўнгулдан ҳам қутилиш илинжида ажалга илтижо қиласиди: «неткай ҳалос этсанг мени ул телбадин, ул телбани мен нотавондин ҳам». Таассуфки, «Кўнгул мендин, фифон кўнглумдину унлар фифондин

ҳам» айрилиб бўлган. Тасвирнинг ҳаётийлиги, бадиий мантиқ сил-силасининг гўзаллигини қарангки, ёридан айрилган ошиқда кўнгил бўлмайди, агар кўнгил бўлган тақдирда ҳам, у фифонсиз бўларди, бордию кўнгил ва унинг фифони ҳам бўлса, ишқиз кўнгул унсиз фифон чека оларди, холос.

Ғазалда байтлар ва сатрларгина эмас, балки сўзлар, тимсоллар, кечинмалар ҳам бир-бирига занжирдай маҳкам боғланиб, мазмун изчилигини таъминлаган. Бу фазилат асар таркибий (композицион) жиҳатдан мусалсал ғазал сифатида шаклланишига сабаб бўлган.

Пандомуз мазмундаги мана бу байт ҳам алоҳида эътиборга лойик;

Ёмон-яхшига кўп зулм этмагилким, гар будур даврон,  
Кутулғунг, кимки ондин яхшироқ йўқ, мен ёмондин ҳам.

Ёмонга ҳам, яхшига ҳам ҳаддан ташқари кўп зулм қиласлик хақидаги насиҳат кимга қаратилганлиги байтдан аён эмас. Умуман, унинг муайян шахсга қарата айтилмагани ҳам дуруст. Акс ҳолда, унинг таъсир доираси чекланган бўларди. Шу ҳолича бу инсон-парвар ғоя ғазални ўқиган ва ўқидиган барча кишиларга баробар наф келтиради. Лекин ғазалнинг мантиқ йўналиши бу фикр кўпроқ Навоий замондошларига, янада аниқроғи, унинг ҳукмдор дўсти Ҳусайн Бойқарога тегишли эканлигидан далолат беради. Давронга ишора ҳам, Навоийнинг иккинчи сатрдаги фахрияси ҳам шоир яқин кишисига мурожаат қиласётганини кўрсатади.

Шоирнинг қайси бир кун аҳли жаҳон ва жаҳондан хаста хотир бўлиб қўлига қалам олиши, ғазал бошлиши мазкур ғазалнинг бирор воқеа – ишқ можароси, салтанатдаги ноҳақлик ёки муайян ижтимоий фожия муносабати билан ёзилганидан далолат беради.

Ғазал ҳазаж баҳрининг ҳазажи мусаммани солим вазнида яратилган. Тактеъи қўйидагича:

Мафоилун      мафоилун      мафоилун      мафоилун

Ғазал оташин ва дардчил руҳи, эзгуликка, инсонийликка хайрихox  
фоялари билан бизнинг замондошларимизга қадрлидир.

Нурсратулло ЖУМАХЎЖА

## ЖОНИМА ВАҲШАТ КЕЛУРНИ БИЛМАДИМ

Кўнглума ёр истабон, меҳнат келурни билмадим,  
Жонга етмай ул ҳануз, офат келурни билмадим.

Сувратин кўрмак таманно айлабон, кўрмай ҳануз,  
Оллима юз минг ажаб суврат келурни билмадим.

Мен юзин кўрмай ҳануз, эл васл этар эрмиш тамаъ,  
Кўнглума мундоқ қотиқ ҳолат келурни билмадим.

Кўрмай, охир таркин эттим, ваҳки, мунглуг жонима  
Васл етмай жовидон фурқат келурни билмадим.

Ишқ кўйида бало кўп кўрмагин билдим, валек  
Ёр таркин туткучча ғайрат келурни билмадим.

Реш этиб кўнглумни улким, деди: «Марҳам келтурай»,  
Марҳам андин ништари ҳасрат келурни билмадим.

Ул рафиқеким, анга дедимки: «Жон айлай туфайл»,  
Мунча андин жонима ваҳшат келурни билмадим.

Кўнглума асҳоб зулми жанбida, во ҳасрато,  
Чарх нешин марҳами роҳат келурни билмадим.

Ишқ шахроҳига кирмакни хаёл этмак била  
Оллима юз водийи ҳайрат келурни билмадим.

Эй Навоий, қилмағунча мосиволлоҳ таркини,  
Комим ичра журъайи ваҳшат келурни билмадим.

(«Наводир уш-шабоб», 402-ғазал)

Ошиқ қалбининг ишқий саргузаштлари можаросидан баҳс этувчи ушбу ғазал Навоийнинг йигитлик лирикаси маҳсулидир. Баҳтга қарши келган толедан шикоят ва қуюниш кайфиятлари ғазалнинг ўнала байти мобайнода изчил изҳор этилган. Бу байтларнинг яхлит, якпора композицияга бирлашишига боис бўлади. Ғазал рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Ғазалнинг лирик қаҳрамони омадсиз, иши юришмаган, у нимаики истаб интилган бўлса, тақдири азал уни тескарисига дучор қилган

ҳолда намоён бўлади. Бунда шоирнинг ишқа оид шахсий қисмат, изтироблари ҳам, замон ва замон ахлига муносабати ҳам тажассум топган.

*Сувратин кўрмак таманно айлабон, кўрмай ҳануз,  
Оллима юз минг ажаб суврат келурни билмадим.*

Лирик қаҳрамон Ҳақнинг, ёрнинг жамолини соғиниб энтикади. Аммо унинг қасдига юз минг ғаройиб можаро манзари юзланади. Шоир буни «сурат» сўзи билан, орзу ва кўргулик орасидаги зиддикни кучайтириб тасвирлаш учун, атай сўз ўйини тарзida ифодалайди.

*Реш этиб жонимни улким, деди: «Марҳам келтурдай»,  
Марҳам андин ништари ҳасрат келурни билмадим.*

*Ул рафиқеким, анга дедимки: «Жон айлай туфайл»,  
Мунча ондин жонима ваҳшат келурни билмадим.*

Бу сатрлар бир қарашда мавҳум, мағзини чақиш қийиндан туюлиши мумкин. Аммо мавжуд воқелик билан қиёсан мутолаа этганда, уларнинг нақадар ҳаётлигигини англаб оламиз. Жонажон, жонга малҳам бўлувчи вафодор дўст танқислиги умуминсоний, азалий ва абадий ҳаётий муаммо. Инсоният ҳар замон ва ҳар қадамда бу муаммога мубтало бўлиб келган. Шундан Навоийнинг мазкур ғазали замондошларимиз маънавияти учун зарур. Шунинг учун ғазални ўқигандан лирик қаҳрамон билан дарддошлик туямиз.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ЙЎЛ ЭРУР БЕҲАД ҚОТИҚ, МАНЗИЛ ЙИРОҚ АСРУ

*Бақо дашти нечук қатъ ўлмасун айлаб мурур айём,  
Ки ҳар манзил анга бир кундуру, ҳар дам анга бир гом.*

*Бўлур манзилда турмоқ муддате гом урмамоқ кўп вақт,  
Бу манзил қатъию бу гомдан бўлмас даме ором.*

*Ажойиб қатъи бир манзилда гомедурки ўрнидин  
Киши тебранмайин ҳам қатъ ўлур, ҳам солилур ноком.*

*Бу янглиғ манзилу гоми зарурий чун эрур воқеъ,  
Ҳам авло Каъбаи мақсад сори боғламоқ эҳром.*

*Сулуку сайр күрмишки гар чилланишин қори  
Ва ёхуд чилла ичра тифл тенгдур анда субху шом.*

*Эрур бу турфаким мундоқ сулуку сайр аро солик  
Эмас ўз ихтиёри бирла не оғозу не анжом.*

*Бу андин турфароқким, етмайин мақсадқа мингдин бир,  
Бу йүл қатыида туфрок ўлдилар йүл топмайин иттом.*

*Мусофирким, бу йүл оллиға тушкой турфатул-айнене,  
Агар ўз ҳолидин ғофил бўлур, бўлғой бағоят хом.*

*Илохий, йўл эрур беҳад қотик, манзил йироқ асру,  
Навоий бирла сен бўлсанг, етар манзилга аввал гом.*

(«Наводир уш-шабоб», 417-ғазал)

### **Лұғат**

**Бақо дашти** – мангалик сахроси, абадийлик биёбони, абадий борлиқ, ўзгармас борлиқ, фанонинг зидди.

**Қатъ** – узилиш, тамом бўлиш, кесилиш.

**Мурур** – юриш, кечиш, ўтиш.

**Айём** – кунлар, давр, замон, вақт.

**Гом** – қадам.

**Дам** – нафас, лаҳза.

**Солилур** – солинади.

**Ноком** – баҳтсиз, омадсиз, мақсадига етмаган, ночор.

**Каъбаи мақсуд** – мақсад Каъбаси, кўнгил, Оллоҳ, Ҳақ таоло ҳузури.

**Эҳром** – ҳожилар кийими, қатъий ният белгиси.

**Сулуку сайр** – тасаввуфда тариқат йўли, сафари, руҳоний чиникиш босқичлари.

**Чилланишин** – чилла ўтирувчи, тариқат талабларидан бири.

**Тифл** – бола, гўдак, чақалоқ.

**Оғозу анжом** – бошланиш ва охир.

**Итмом** – тамомлаш, охирига етказиш.

**Турфатул-айн** – кўз очиб юмгунча ўтадиган вақт.

**Авло** – аъло, яхшироқ, маъқулроқ.

**Солик** – тариқатга кирган одам, йўловчи.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Тариқатдаги ҳол мартабаси адогига нега етмайинким, кунлар, давр тўхтовсиз ўтмоқда, бунда ҳар бир манзил – бир кун, ҳар лаҳза – бир қадамдай гап.
2. Манзилда бир муддат туриб қолиш кўп вақт қадам ташламоқдир – бу манзилни босиб ўтиш ва бу қадам ташлашдан бир лаҳза ором олиш, тўхташ мумкин эмас.
3. Бу бир манзилни қадамлаб босиб ўтишнинг ажойиблиги шундаки, киши ўрнидан қўзғолмаса ҳам, у адогига етади ва яна мақсадига етмай қолади.
4. Бундай манзил ва уни босиб ўтиш зарурий экан, демак, Каъбаи мақсуд – Ҳақ ҳузурига етишиш учун қатъий ният қилиш (бел боғлаш) яхши.
5. Бундай руҳоний тариқат сайрини киши кўрганми? Унда чилла ўтирган кори билан чиллали чақалоқ тенг, кеча ва кундуз, тонг ва шом ҳам баробардир.
6. Яна ажойиби шундаки, бундай руҳий-маънавий сайд, Худо дийдорини истаб сафар қилишга йўловчи (солик) ўз ихтиёри билан кирган эмас ва яна шуниси ҳам борки, бу йўлнинг бошланиши ва охири ҳам йўқ.
7. Ва яна ҳам ажойиброги шуки, тариқатга киргланларнинг мингдан бири мақсадига эриша олмайди, бу йўлни босиб ўтиш учун ўзлари тупроққа айландилар, аммо йўл тамом бўлмади.
8. Сафарга чиққан одам (солик, мусофир) агар бир лаҳза ўз ҳолидан бехабар бўлса, мақсадга етолмай, хом ҳолда қолади.
9. Йўл беҳад қаттиқ, манзил жуда узок, лекин, Парвардигоро, Сен Навоий билан бирга бўлсанг, ўша манзилга у биринчи қадам кўйиб, мақсадига эришади.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Навоийнинг орифона ғазалларидан бири бу. Орифона ғазалларни ҳам бир неча турга бўлиш мумкин. Чунончи: 1) тасаввуб истилоҳларини қўллаб, ушбу таълимот асослари, талабларини тушуниришга бағишлиланган ғазаллар; 2) ваҳдатул вужуд фалсафаси асосида ҳақиқий ва мажозий ишқни солишишириб тушуниришга бағишлиланган ғазаллар; 3) факру фано мақомига кўтарилган ошиқи покбоз ҳолатларини тасвирловчи ғазаллар, ишқдан руҳий озодлик

топган кишининг изҳори дардини ифодаловчи ғазаллар ҳам шу қаторга киради.

Келтирилган ғазалда эса тасаввуф истилоҳлари шарҳи ҳам, тариқат йўлига кирган йўловчи (солик)га дуч келадиган қийинчиликлар, бундан соликнинг руҳий ҳолатлари ҳам бирга олиб тасвиirlанган. Чунончи, бақо, манзил, гом, сулуку сайр каби тушунчалар ғазал байтларида қайта-қайта тилга олиниб, шулар атрофида фикр баён этилади. Чунки ушбу ғазалда тариқат кишисининг Оллоҳ томон руҳий-маънавий сайру сафари тасвиirlанган. Бундай сайрда нафақат фоний бўлмоқ талаб қилинади, балки шу билан бирга, бақо даштини босиб ўтиш ҳам лозим бўлади. Бақо дашти деб бу ерда Навоий сайри иллаллоҳ (Оллоҳ томон сайр)ни назарда тутган. Сайри иллаллоҳ Сайд Жаъфар Сажжодий лугатида бундай тушунтирилган: «Оллоҳ томон сайрнинг ниҳояти бор ва бу шундан иборатки, солик Худони танигунча сайр қилиши керак ва у худони танигандан кейин сайри иллаллоҳ тугайди ва сайри филлаллоҳ (Оллоҳда сайр) бошланади. Ва сайри филлаллоҳнинг охири йўқ» («Фарҳанг мусталаҳоти урафо». 242-б.).

Демак, солик бақо даштини босиб ўтмасдан мақсадга эришолмайди. Бақо дашти (сайри иллаллоҳ) ҳам бир неча манзиллардан иборат. Манзил деб тасаввуфда руҳий-маънавий юксалиш босқичлари – мақомотлар назарда тутилади. Навоий тасвиридаги солик – иродали, катъият билан олий мақсадга интилевчи шахс. Шу боис, у ҳар куни бир манзил – мақомни ўзлаштириши мумкин. Зоро, ҳар нафас олиш унинг наздида бир қадам босишдай гап, дейди шоир.

Бу байт мазмунида Оллоҳ томон интилган одам учун вақт тушунчасининг нисбийлиги ҳам баён этилган. Солик учун макон ва замон писанд эмас, бунда рух харакатда, парвозда, жисм эса, ҳатто, бир жойда туриши ҳам мумкин. Шунинг учун солик муайян манзилда «тўхтаб тургандай» бўлса-да, аммо манзилни босиб ўтишдан бир нафас тинчмайди. Ана шундай ўрнидан кўзғолмасдан зарурӣ руҳий қадамлар ташлаб олға бориш насиб этилган кишига Каъбаи мақсуд – файб олами, Оллоҳ хузурига тайёрланиш (эҳром боғлаш) мумкиндир. Бундай одамни беинтиҳо муҳаббат оҳанрабодай тортади, унинг чилла ўтириши ҳам шарт эмас.

Қизиги шундаки, деб тасвиrlайди шоир бу сулуку сайрда соликнинг ихтиёри ўзида эмас, у «саргузаштишининг бошланиши ва охирини ҳам ҳис қила олмайди. Ян кўйи хамморм истадаки, бу йўлга ният

килиб киргандарнинг мингдан бири мақсадига эришади ёки йўқ, кўплари йўлнинг охирини тополмай (охирига етолмасдан), ҳалок бўладилар. Ана шундай оғир йўл бу. Бу йўлга кирган йўловчи бирор лахза ўзидан ғофил бўлмаслиги керак, яъни ҳеч бир ҳолатда чалғимасин, фақат ва фақат олий мақсад – Ҳаққа етиш ишқида ёнсин. Аммо агар Оллоҳ сен билан бирга бўлса, бу беҳад оғир йўлни босиб ўтиш мумкин дейди, Навоий ғазалнинг охирги байтида. Демак, валилиқ, Ҳаққа восил бўлиш Худо танлаган одамлар насибасидир.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### НОДОНЛИКНИ АНГЛАМОҚ – ДОНОЛИК

Ёр маълум айламиш ошиқлигу шайдолиғим,  
Ваҳки, зохир бўлди расвоник уза расвонилиғим.

Ул паридин айру, бас, девоналиғдин девмен,  
Заъфу қоммоғлиғ эмас кўйида нопайдолиғим.

Туфроғ ўлдум ул куёш ҳажриндаву суд этмади,  
Чархи сойирдек ани истай жаҳонпаймалиғим.

Гарчи тушти шамъдек бошимға ўт, бўйнумга тийғ,  
Бўлмади кам шоми ҳижронингда побаржолиғим.

Хуснаро чун ўйла фард ўлдунгки, йўқ ҳамто санга,  
Ишқинг ичра хуш келур даҳр аҳлидин яктолиғим.

Соқиё, май берки, бу дайри куҳан авзойида  
Бўлди ўз нодонлиғимни англамоқ донолиғим.

Эй Навоий, кўп ниҳон тутқум, ва лекин оқибат,  
Ёр маълум айламиш ошиқлигу шайдолиғим.

(«Наводир уш-шабоб», 432-ғазал).

Навоийнинг ўрт  
ни маҳзуф вазнид


Фоило

Етти байт доирғ  
турига мансуб. Мі  
композицион жиха

илган бу ғазал рамали мусамма-

ҳоилотун фоилун

чилилган. Ғазал услубан изхор  
изчил ёритилиши ғазалнинг  
нишига сабаб бўлган.



Лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари тасвири мобайнида шундай донишмандона фикр изҳор этиладики, у ғазалнинг шоҳ сатрини ташкил этади:

*Бўлди ўз нодонлигимни англамоқ донолигим.*

Нақадар ҳаётий ва умрбоқий фалсафа! Ҳақиқатан, чинакам билимдон одам ўзини доно ҳисобламайди. Чунки у ўқигани, идрок этгани, билгани сари, яна нималарни билмагани, тушунмаётгани, нималарни билиши, англаши кераклиги унинг ўзига аёналашиб боради. Яъни, у хали кўп нарсани билмаслигига икрор бўлиб боради. Олам тилсимволарини ечгани сайин унинг олдида янги, сехрли оламлар пайдо бўла бошлияди. У эса тобора донишманд, улуғвор, айни пайтда, камтарин сиймога айланади. Мазкур мисрадаги ҳикмат замирида ҳам улуғ Навоийнинг худди шундай мўътабар шахсияти акс этган.

Ғазалнинг бадиатан яхлит ва тугаллиги нодир композицион-услубий санъатлардан радд ул-матла асосида юзага келган. Биргина «Ёр маълум айламиш ошиклигу шайдолигим» сатри лирик мазмун, руҳий ҳолат тасвири ибтидосини ифодалайди ва уни мантикий интиҳосига етказади.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

### **ҚОН ЮТУБ УМРЕ ЖАҲОН АҲЛИДА ...**

Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.

Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим ёр эзур,  
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.

Билмадим, олам элида йўқтурур мутлақ вафо,  
Ваҳқи, умре улча йўқтур, соғиниб бор истадим.

Улки топилмас башар жинсида, воҳ, фафлат, кўрунг,  
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.

Сирри ишқимни кўнгул, кўз бирла фош этмак не тонг,  
Қалби тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим.

Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлук топмадим,  
Дайр пири хизматига кўйи хаммор истадим.

қилиб киргандарнинг мингдан бири мақсадига эришади ёки йўқ, кўплари йўлнинг охирини тополмай (охирига етолмасдан), ҳалок бўладилар. Ана шундай оғир йўл бу. Бу йўлга кирган йўловчи бирор лаҳза ўзидан ғофил бўлмаслиги керак, яъни ҳеч бир ҳолатда чалғимасин, факат ва фақат олий мақсад – Ҳаққа етиш ишқида ёнсин. Аммо агар Оллоҳ сен билан бирга бўлса, бу беҳад оғир йўлни босиб ўтиш мумкин дейди, Навоий ғазалнинг охирги байтида. Демак, валилик, Ҳаққа восил бўлиш Худо танлаган одамлар насибасидир.

Нажмиддин КОМИЛОВ

### НОДОНЛИКНИ АНГЛАМОҚ – ДОНОЛИК

Ёр маълум айламиш ошиклигу шайдолигим,  
Ваҳки, зохир бўлди расвониқ уза расвонигим.

Ул паридин айру, бас, девоналигдин девмен,  
Заъфу қовмоғлиғ эмас кўйида нопайдолигим.

Туфроғ ўлдум ул қуёш ҳажриндаву суд этмади,  
Чархи сойирдек ани истай жаҳонпаймалигим.

Гарчи тушти шамъдек бошимға ўт, бўйнумға тийғ,  
Бўлмади кам шоми хижронингда побаржолигим.

Хуснаро чун ўйла фард ўлдунгки, йўқ ҳамто санга,  
Ишқинг ичра хуш келур даҳр аҳлидин яктолигим.

Соқиё, май берки, бу дайри куҳан авзойида  
Бўлди ўз нодонлигимни англамоқ донолигим.

Эй Навоий, кўп ниҳон тутқум, ва лекин оқибат,  
Ёр маълум айламиш ошиклигу шайдолигим.

(«Наводир уш-шабоб», 432-ғазал).

Навоийнинг ўз а ёшларида ярати 1лган бу ғазал рамали мусаммана маҳзуф вазни а ёзилган:

Фоизтун ~~Фоизтун~~ ғоилотун Фоизлун

Етти байт доирасида инч мавзани ёритилган. Ғазал услубан изҳор турига мансуб. Мавзуми брошура изчил ёритилиши ғазалнинг композицион жиҳани тасвириловчи ғазнишига сабаб бўлган.

Лирик қаҳрамоннинг ишқий кечинмалари тасвири мобайнида шундай донишмандона фикр изҳор этиладики, у ғазалнинг шоҳ сатрини ташкил этади:

*Бўлди ўз нодонлигимни англамоқ донолигим.*

Накадар ҳәётий ва умрбокий фалсафа! Ҳақиқатан, чинакам билимдон одам ўзини доно ҳисобламайди. Чунки у ўқигани, идрок этгани, билгани сари, яна нималарни билмагани, тушунмаётгани, нималарни билиши, англаши кераклиги унинг ўзига аёнлашиб боради. Яъни, у хали кўп нарсани билмаслигига иқор бўлиб боради. Олам тилсимварини ечгани сайин унинг олдида янги, сеҳрли оламлар пайдо бўла бошлайди. У эса тобора донишманд, улуввор, айни пайтда, камтарин сиймога айланади. Мазкур мисрадаги ҳикмат замирида ҳам улуғ Навоийнинг худди шундай мўътабар шахсияти акс этган.

Ғазалнинг бадиатан яхлит ва тугаллиги нодир композицион-услубий санъатлардан радд ул-матла асосида юзага келган. Биргина «Ёр маълум айламиш ошиқлигу шайдолигим» сатри лирик мазмун, руҳий ҳолат тасвири ибтидосини ифодалайди ва уни мантикий интиҳосига етказади.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

### **ҚОН ЮТУБ УМРЕ ЖАҲОН АҲЛИДА ...**

*Қон ютуб умре жаҳон аҳлида бир ёр истадим,  
Лекин ул камрак топилди, гарчи бисёр истадим.*

*Кимгаким жоним фидо айлаб соғиндим ёр эзур,  
Эрмас эрди ёрлиғда чун вафодор истадим.*

*Билмадим, олам элида йўқтурур мутлак вафо,  
Ваҳки, умре улча йўқтур, соғиниб бор истадим.*

*Улки топилмас башар жинсида, воҳ, фафлат, кўрунг,  
Ким пари хайлида мен девонаи зор истадим.*

*Сирри ишқимни кўнгул, кўз бирла фош этмак не тонг,  
Қалби тардоманни чун мен соҳиб асрор истадим.*

*Шайх бирла хонақаҳдин чун ёруғлук толмадим,  
Дайр пири хизматига кўйи хаммор истадим.*

Эй Навоий, чун рафиқе топмадим, бу ғуссадин,  
Үзни бекаслик балосига гирифтор истадим.

(«Наводир уш-шабоб», 434-ғазал)

### Луғат

**Башар жинси** – одам авлоди, одамлар.

**Тардоман** – ахлоқсиз, бузук, гуноҳкор.

**Кўйи ҳаммор** – мастлар кўчаси, майпарастлар гузари, тасаввупуда пири комил ҳузури, ошиқлар жойи.

### Ғазалнинг насрый баёни

1. Бутун умрим давомида қийналиб дунё ахли орасидан бир вафодор ёр изладим. Аммо бундай одам кам топилди, гарчи мен кўп истадим.
2. Кимники жоним фидо қилиб ёр деган бўлсан, аслида у менга вафо қилмади, мен эса вафодор ёр истаган здим.
3. Билмадим, балки олам элида ҳеч ҳам вафо йўқдир, афсуски мен бир умр вафо деб қидирибман.
4. Одам авлодида бўлмаган нарсани мен, ғофил банда, парилар хайлида бор деб ўйлабман.
5. Ишқ сирини кўнгил кўз орқали фош этса ажаб эмас, чунки мен (нодон) бузук қалбни сирларимга зга этиб қўйибман.
6. Сўйилар хонақоҳида шайх билан яшаб ёруғлик топмагач (кўнглим ёришмагач), майпарастлар кўчасидаги майхона пири ҳузурини истадим.
7. Эй Навоий, бу ғамлар ичида қийналиб бир ўртоқ топмадим, охири ўзимни ёлғизлик балосига гирифтор истадим.

### Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси

Алишер Навоий девонларида замондан ва замон аҳлидан за-  
далиқ кайфиятини ифодаловчи бир туркум ғазаллар бор. Шулардан бир нечтаси навоийшуносликка оид тадқиқотларда кўриб  
чиқилган. Айтиш жоизки, бундай ғоялар ҳазрат Мир Алишер  
Навоийнинг «Маҳбуб ул-қулуబ», «Ҳолоти Сайид Ҳасан Ардашер»,  
«Ҳайрат ул-аброр», «Мажолис ун-нағоғис» асарларида ҳам бор. Мав-  
жуд тадқиқотларда бу ғоялар Навоий яшаган замоннинг нобоплиги,

шоир билан давр орасидаги зиддиятларнинг инъикоси деб талкин килинган. Албатта, бу ҳам бор, лекин масалага кенгроқ қарайдиган бўлсак, бундай ҳасратли фарёдлар, норозилик кайфияти фақат бир давр, бир мухит одамларининг дарду алами эмас.

Бундай кайфият Навоийдан кейинги ижодкорлар асарларида ҳам қайта-қайта зухур этди ва умуман, дунё адабиётида турли даврларда, турли жанрларда ёзилган асарларда инсоннинг улугворлигини кўрсатиш баробарида унинг нокисликлари, тубан хислатларидан куйиниш, буни бўрттириб тасвирлаш, баъзан Навоийдай ҳасрат, алам оҳангидга, баъзан ҳажв ва масхара қилиш йўсинида кўрсатиб бериш бор ҳақиқат. Бу – инсонларнинг инсонийлигини қайта тиклаш, огоҳлантириш даъвати, аслида.

Иккинчи жиҳатдан, мазкур дардли ғоялар Навоий каби улуғ шахсларнинг кечинмалари ифодаси ҳам. Зеро, одам қанча буюк бўлса, унинг ҳаётга муносабати ҳам шунча теран ва залворли, қалби шунча нозик ва најиб туйғуларга бой бўлади. У ўзига ўхшаган юксак дидли, қайноқ қалбли, маънавий олами бой, денгиздай беҳудуд ва гулдай нозик, наводай дилрабо дили бор одамларни кўмсади, шулар билан сұхбат қургиси, дардини ёзгиси, яйрагиси келади. Навоий «ёр» деганда ана шундай буюк, комил инсонларни назарда тутган. Яъни ёр бу ерда ҳамдард, ҳаммаслак, ҳамкору ҳамният одам; туйғуси, қарашлари дилга яқин Дўсттир. Улуғ шоир ана шундай Дўст қидирарди. Бундай одамлар эса камдан-кам. Кўпчилик шоирдан мадад истар, унга суюниб ишини битирар, хожатини чиқарар, ўзини яқин тутиб манфаатини кўзларди. Юзлаб одамлар Навоий химояси соясида яшардилар, яхшилик, саховат кўрадилар, лекин ишлари битгач, уни унугардилар, яхшилик эвазига баъзан билиб, баъзан билмай, ёмонликлар ҳам қиласдилар. Бу эса шоир дилини оғритарди. Умуман, Навоий каби зотлар атрофида қанча одамлар парвона бўлмасин, улар ёлғизлиқ азобини чекардилар (афсуски, ҳозир ҳам шундай). Уни тушунадиган, руҳий мадад бўладиганлар кам эди. Балки бу ҳам бир қонуният, бир фожиали ҳолдир.

Шунда шоир гоҳ фалакдан, гоҳ ўз тақдиридан, гоҳ ёлғизлигидан нолиб шеър ёзарди, аламини асарлари қатига сингдириарди. Афсуски, аксар Навоий каби буюк шахсларнинг зиддиятли, мураккаб ички дунёси ижод завқидан туғилган пўртанали руҳий парвозию озурда дилининг дардларини бирга олиб тушунмаймиз, бир ёқлама баҳо берамиз.

Ушбу ғазални ўқиганда, ҳам реал инсоний кечинмаларнинг изҳори, шикоят ва ҳасрат оҳангининг шиддат билан оқиб келаётганига гувоҳ бўламиз ва бу дастлаб бизни руҳий тушкунликка сола бошлади. Бироқ Навоий сўзларининг қудрати шундаки, унинг замарида вафо ва садоқат, яъни одамийлик хислатларини тиклашга даъват бор. Агар чин инсон бўлсангиз, ёрликни, дўстликни унуманг, деган фикр балкиб туради. Хуллас, Ҳаёт зиддиятлар, қарама-қаршиликлар тўқнашувидан иборат экан, табиийки, унда руҳий кўтаринкилик билан тушкунлик ҳолатлари ҳам мавжуд ва бу ижодкор шахсларда теранроқ намоён бўлади, чунки улар жамият кўзгуси, виждан алансидирлар. Ушбу ғазалдаги тушкунлик замарида руҳий кўтаринкиликнинг афзаллиги, акс мазмуннинг ёруғлик ва беҳбудлик эканлиги шоёни ҳақиқатдир. Шу боис, шоир умид билан: «олам элида мутлак вафо йўқдай» бўлиб кўринса ҳам, «соғиниб бор истадим», дейди. Умидли дунё ҳикматини эсга олади, зеро улар абадий эмас, соғинч, умидворлик билан умрга маъно қўшиш, таскин, тасалли бериш яхшироқ. Бунинг устига, ана шу соғинч илоҳий ишқ сири билан кишини боғлайди, чунки айни ана шу сир руҳга кувват, дилга мададидир, буни хонако шайхи ҳам англаши қийин. Шу боис лирик қаҳрамон дайр пири – илоҳий ишқ билан қалби тўлган орифни излаб, ошиқлар кўчасига боришини истайди.

Шу муносабат билан ғазалнинг бешинчи байтини ўқувчилар тўғри тушунишларини хоҳлардим. Бунда шоир кўнгил, кўз, қалб тимсолларини қиёслаб, ошиқ ҳолатидаги бир жиҳатни тасвиrlаб берган, яъни ошиқ ишқини қанча яширмасин, у ошкор бўлади, чунки кўз билан қалбга ишониб бўлмайди, кўз кўрганини қалбга етказади, қалб эса ўзгариб турувчи, беқарор ва «бузуқи». Бунда араб тилидаги «қалб» сўзининг турфа маъноларни билдиришига ишора бор: қалбнинг бир маъноси юрак бўлса, яна бир маъноси – ўзгариб туриш («қаллоб»), яна бир маъноси бекарорлик, ишониб бўлмайдиган нарса. Шу учун уни «бузуқи» ҳам дейдилар. Шундай экан, уни сирларга посбон қилиб кўйса, ошиқни не кўйларга солади, дейсиз?

Навоий бунда ҳам инсондаги хусусиятларнинг хилма-хиллиги, бевафоликларни таъкидлаб, ўз ёлғизлигини баён этишга имкон топган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ИШҚ АРО ШОХУ ГАДО ТЕНГДУР...

Бир паривашким, кўнгул девонадур савдосидин,  
Гар эзур бандангки, озод ўлманг истиғносидин.

Ошиқ ўлса шоху маъшуқи гадо, билким, чекар  
Ишқ ғавғоси ани хайлу сипаҳ ғавғосидин.

Ошиқ ўлғон аждаҳо бўлса, забун ўлмоқ керак  
Жавр тортиб ишқ кўйи мўрининг ийзосидин.

Не ҳавоедур ҳавоий ишқим, ҳар пашибаси  
Тўъма айлар ақлу тақво Қофининг анқосидин.

Ишқ аро шоху гадо тенгдур, гадо балким фузун,  
Гар гадолиғ айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

Кимки раънолиқ била ошиқ бўлуб истар висол,  
Тортингиз отига хат ишқ ахлиниңг тамғосидин.

Ишқ автори Навоийга мусалламдурким, ул  
Юз бало чекти, доги ўлди аниңг ихфосидин.

(«Наводир уш-шабоб», 468-ғазал)

Алишер Навоийнинг ижодий балогат палласи – ўрта ёш лирикаси маҳсули бўлмиш бу ғазал ишқ кудрати, ишқ ахли мартабаси ҳакида баҳс этади. Ишқий-фалсафий мавзуда ёзилган. Мазкур мавзу изчил ёритилган етти байт якпора таркибга бирлашган. Ғазал услубан таъриф ва тавсиф уйғунлашган аралаш турга мансуб. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун

Ғазалда ишқнинг сехри, қуввати муқобилида шоху гадо, аждаҳо ва мўр (чумоли) муносабатлари фалсафий ахлоқий жиҳатдан талқин этилади.

Ошиқ ўлса шоху маъшуқи гадо, билким, чекар  
Ишқ ғавғоси ани хайлу сипаҳ ғавғосидин.

Аёнки, аввало, ишқ ичра тенглик фалсафаси илгари сурилаётир. Навоий наздида, ошиқ шоху унинг маъшуқи гадо бўлиши мумкин. Инсонпарвар шоир бунда ҳеч бир номувофиқлик, тенгсизлик, айб кўрмайди. Зотан, Навоий назмидаги гадо образи бизнинг бугун-

ги тасаввуримиздаги тиланчи эмас, балки софдил, ҳалол, хокисор, магрур, адолатпеша, олийхиммат оддий инсон. Шунинг учун подшохнинг шундай инсонга муҳаббат қўйиши, Навоий назарида, фақатгина инсоний тенглик эмас, ҳаттоти, катта ижтимоий-сиёсий аҳамият касб этади. Байтда ифодаланганидек, «ишқ ғавғоси», яъни ошик шоҳнинг гадо маъшук меҳру шафқатига мусассар бўлиш бо-расидаги интилишлари уни лашкар тортиб урушиш, истилочилик ҳаракатларидан чеклайди. Байтда шоҳнинг гадо билан тенглик ғоясидан ҳам кўра, ишқнинг улуғвор қувватига сифиниш туйғуси устувор мавқеда турибди.

Олдинги байтда ишқ инсонга ўзлигини енгиш, ўз ахлоқи, дунёқараши, маслагини ўзгартиришга лойик ирова бағишлилаши васф этилган бўлса, эндиги байтда ишқ савдоси олдида ошиқнинг нақадар ожизлиги кўрсатилади:

Ошик ўлғон аждаҳо бўлса, забун ўлмоқ керак,  
Жавр тортиб ишқ кўйи мўрининг ийзосидин.

Байтдан англашилишича, ошик аждаҳосифат одам ёхуд курдатли, қаҳрли, ёвуз аждаҳо бўлса ҳам, бошига ишқ савдоси тушгач, шу қадар нотавон ва бечораҳолга айланар эканки, ишқ кўчаси, яъни маъшуқа яшайдиган маскан чумолиси озори ёки уялтиришидан ҳам азият чекиб, енгилар экан. Ишқ қаромати рўпарасида чумоли заифлиги-ю аждаҳо зўравонлиги ҳам ҳечdir. Шарҳланган байтлардан чиқадиган ибраторумуз ҳикмат шуки, ишқ шундай эзгу хислатга эга эканки, у босқинчи шоҳни тинчликпарвар ҳукмдорга, ёвуз аждаҳони беозор жонзотга айлантириши мумкин.

Мана бу сатрларда ғазалда куйланнаётган ғоя ҳадди аълосига кўтарилади ва шоҳбайт яралади:

Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур, гадо балким фузун,  
Гар гадолиг айлар ўлса ишқнинг яғмосидин.

Буни шоҳбайт дейишимизга боис шуки, унда олдинги сатрлардаги фикрлар тадрижи олий нуқтага кўтарилиган. Шоҳбайт ғазалнинг бутун ғоявий-бадиий моҳиятини ўзида таъриф ва умумлашма тарзизда мужассамлаштириб турибди. Мазкур байтнинг бадиий қимматини шу ғазалда тутган ўрни билангина чеклаш ҳам ғайриилмий хулоса бўларди. У, умуман, Навоий ижодиёти ва дунёқарашида муҳим ўрин тутади. Унда Навоий ижодиётидаги ишқ фалсафаси, шоҳ ва гадо

муносабатлари баҳсининг якуни, хулосаси яққол акс этган. Навоий кўп асарларида мазкур масалалар бўйича қайнок баҳсу мунозаралар юритган, лекин хеч бирида бу байтдагичалик нуқтаи назарини «Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур» деба узил-кесил, дангал, тушунарли, лўнда ифодаламаган эди. Шунга қўшимча, улуғ мутафаккир «агар ишқ торожига учраб, ишқ ва маъшуққа фидойилик туфайли гадолик қиласиган бўлса, бундай гадо шоҳ билан тенггина эмас, ҳатто, шоҳдан устун ҳам» деган ғояни илгари сурадики, бу Навоийнинг ишққа, шоҳу гадога муносабати мавқеининг энг мутараққий нуқтасидир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ЖАМОЛ ВАСФИ

Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин,  
Кўнглума ҳар бирининг дарду балосинму дейин?

Кўзи қаҳринму дейин, кирпики заҳринму дейин,  
Бу кудурат аро рухсори сафосинму дейин?

Ишқ дардинму дейин, ҳажри набардинму дейин,  
Бу қатиқ дардлар аро васли давосинму дейин?

Зулфи доминму дейин, лаъли қаломинму дейин,  
Бирининг қайди, яна бирнинг адосинму дейин?

Турфа холинму дейин, қадди ниҳолинму дейин,  
Мовий кўнглак уза гулранг қабосинму дейин?

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин?  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

Эй Навоий, дема қошу кўзининг васфини эп,  
Қоши ёсинму дейин, кўзи қаросинму дейин?

(«Наводир уш-шабоб», 483-ғазал)

Ғазал Навоийнинг қариллик лирикаси маҳсулси. Ишқий мавзуда битилганди. Ғоявий моҳияти – ишқни улуғлаш. Тавсиф ва изҳор уйғуллашган, аралаш турда яратилганди. Композицион жиҳатдан якпора ғазал. Яхлитлигича тажоҳули орифона санъати асосига

қурилган. Мураддаф. Рамали мусаммани маҳбуни маҳзуф вазнида яратилган:

Фоилотун    фоилотун    фаилотун    фаилун

Ғазал ёрнинг гўзаллиги ва мафтункорлигига ҳайратдан бунёдга келган. Асар бадииятининг ўзагида тазод санъати ҳам турибди. Ёр гўзаллигининг чексиз даражада мукаммаллиги, шу билан бирга, ошикка жабру ситамининг чидаб бўлмас миқёсдалиги тазоднинг икки қарама-қарши кутбини ташкил этади.

Биринчи байтда: ёр мафтункорлигининг қайси бир киррасини васф этай, нимасини айтай, дея сўз очади шоир билиб билмасликка олиш, орифларча «нодонлик» усулида. Ёйдай қошларини айтайми ёки коп-кора кўзларини айтайми? Чиройда улар биридан ошиб тушади!

Иккинчи байтда эса шу гўзалликнинг ситамкорлигидан ҳайрат изҳор этади ошиқ: менга боқишида кўзлари қаҳрли эканлигини айтайми ёки киприклари баданга оғротиб ботадиган тикан ё зиррапчадай захарлилигини айтайми? Қайси бир жафокорлигини айтсамки, дардим енгиллашса! Ё бу азоб-уқубатлар ичра кўзимга нур, руҳимга хузур бағишлийдиган мусаффо чехрасини айтайми? Бу байтда «кўз қаҳри» ва «киприк заҳри» – «руҳсор сафо»лиги билан қарама-қаршиликда тазод ташкил этади. Эътибор берәётган бўлсангиз, байтлар аро тажохули ориф, тазод билан бирга кўш қофия санъати ҳам изчил давом этмоқдаки, бу асарнинг ниҳоясида мусажжа ғазал сифатида таккомиллашишини таъминлайди. Биринчи байтда «ё», «қаро», «бало» сўзлари, иккинчи байтда «қаҳр» ва «захр» сўзлари ўзаро қофияланиб сажни юзага чиқармоқда.

Учинчи байтда шу услуб давом этади. Шоир ишқ дардини айтайми ё ҳажрнинг оғирлигини айтайми ёки бу ҳар иккиси етказган жароҳатга васли берган шифосини айтайми, дея ҳайратланадики, бундан оддий бир инсон эмас, балки ўзи дард бериб, давосини ҳам ўзи берадиган бир мўъжизавий ёр ҳақида гап кетаётганини тасаввур қилиш мумкин.

Тўртинчи байтда шоир «зулфи доминму дейин» деганда ёрнинг зулфини тузоққа ўҳшатади, гўёки зулф тимсолидаги тузоқ ошиқ жонини исканжага олади. Аммо мисра давомида ёр лабидан тараладиган жонбахш сўзлар васф этилади. Ҳайратланарлиси шундаки, уларнинг бири жон қасдида бўлса, иккинчиси жоннинг халоскори-

дир. Ушбу мазмунга «дом» билан «калом» ўртасидаги зидлик ва «домин» – «каломин» кўшқофияси зийнат бўлиб турибди.

Бешинчи байтда шоир изчил тасвирланиб келаётган маъшука портретини қиёмига етказади, тугалланма манзара – қиёфа яратади. Ёрнинг «турфа холи» ва ниҳолдай қоматини чизиб бўлгач, уни ҳаворанг кўйлак ва қизил тўнга буркаб пардозлайди.

Олтинчи байт шоҳбайт даражасида гўзал. Унда рух ва мазмун бошқа байтларга нисбатан бир пофона юксалади:

Чарх ранжинму дейин, даҳр шиканжинму дейин?  
Жонима ҳар бирининг жавру жафосинму дейин?

Ишқ изтиробларидан шикоят, ёр жамолидан шакаргуфторлик қилаётган лирик қаҳрамон дардлари ижтимоий тус олади. Фазалнинг мазмун мундарижаси кенгаяди, фоявий салмоғи ортади. Ишқий тасвирдан гўёки лирик чекиниш қиласи. Ишқ кўйида шундай ҳолатга тушиб турганимда ҷархнинг ранжу ғуссасини ва дунёнинг жабру ситетларини ҳамда буларнинг ҳар бири жонимга нечоғлиқ азоб бериншини айтмай қўя қолай, буларнинг олдида ёр ва ишқнинг уқубатлари ҳеч нима, дегандек бўлади лирик қаҳрамон.

Фазалнинг тугалланма байти ўзининг санъаткорона мазмуни ва шакли билан ҳусни матла даражасига кўтарилиган. Унда биргина «эп» сўзининг моҳирона қўлланганининг ўзиёқ асарни нодир санъат намунасига айлантирган. Бор-йўғи бир бўғин ва икки товушдан иборат «эп» сўзи «Навоий асарлари лугати»да ҳам, «Навоий асарлари тилининг изоҳли лугати»да ҳам изоҳланмаган. «Эп» сўзини изоҳлаш эп кўрилмаган ёки четлаб ўтилган.

Хозирги адабий тилимизда ҳам кам қўлланадиган, «бажариш, уddaлаш қобилияти» маъносини ифодалайдиган ушбу сўзнинг «эп билмоқ: ўзига маъқул, муносиб билмоқ», «эп бўлмоқ: маъқул, ўринли бўлмоқ, тўғри келмоқ», «эп кўрмоқ: маъқул кўрмоқ», «эпга келмоқ: дуруст, маъқул ҳолатга келмоқ, яхши бўлмоқ», «эпга олмоқ (ёки солмоқ): маъбул, дуруст ҳолга келтирмоқ», «эпи(дан) келмоқ: уддасидан чиқмоқ; машқини олмоқ; ўрганмоқ; эплай оладиган бўлмоқ», «эпини қилмоқ: йўл топа олмоқ, иложини қилмоқ» каби маъно турлари «Ўзбек тилининг изоҳли лугати»да замонавий ёзма адабиёт мисоллари орқали батафсил изоҳланган. Жонли ҳаёт жараёнда халқ бу сўзнинг янада қизиқроқ маъно қирраларини қўллади.

Мазкур ғазалнинг тугалланма байтида «эп» сўзи қойилмақом қўлланган. Ушбу байтдаги «эп» сўзи – калит сўз ва таъбир жоиз

бўлса, шоир маҳорат билан битирган ғазал кошонасини шу калит сўз билан қулфлаган. Яъни, ғазал мазмунига якун ясаган. Шу боисдан, Навоий асарлари тилидаги сўзларни изоҳлагандা, бу сўзни четлаб ўтиш мумкин эмас эди.

Ғазалда шоирнинг асосий мақсади ёрнинг гўзаллик сифатларини тавсифлаш. Дарвоҷе, Навоий байтлар силсиласида бу вазифани тажоҳули орифона услубида юксак бадиий санъаткорлик билан уddaлаган. Аммо шоир камтарлик юзасидан мақта байтда: «Эй Навоий, шунча чиройли таъриф-тавсифлардан кейин маҳбуба хусну жамолини, феъл-атворини, ишқининг сехру синоатини эплаб тавсиф этдим, таъриф-тавсифнинг эпини келтирдим, дея ғуурлама. Сўз аввали – ғазал бошланмасида ёйдай қошларини айтами ё қоп-кора кўзларини айтами деган бўлсанг, ҳамон ўшандай вазиятда – тасвирга ожиз, лолу ҳайрон қолиб турибсан-ку», деб ўзига ўзи маломат қиласди. Радд ул-матла санъати, яъни матла биринчи мисрасининг мақтанинг иккинчи мисрасида такрорланиши билан зийнатланган бу тугалланма ғазалга беназир, мумтоз хотима ясаган.

Энди, тасавур қилинг, ғазал моҳияти, сўз маъносини тушунмасдан «эп» сўзини «эт»га айлантирас-чи? Бунда ғазалнинг мазмуни саёзлашади, сўзнинг сайқали йўқолади, жўнлашади, тасвир бадииятининг оҳори тўклилади. Таассуфки, матншунослик жараёнида шундай ҳодисалар юз берган.

«Наводир уш-шабоб» девонининг Ҳамид Сулаймон нашрида ва Натан Маллаевнинг «Алишер Навоий. Лирика» китобида ҳам «эп» сўзи тўғри ёзилган. Навоий «Муқаммал асарлар тўплами» (4-том, 350-бет) ҳамда «Тўлиқ асарлар тўплами» (2-жилд, 488-бет)да «эп» сўзи «эт»га айлантириб юборилган.

Биз неча йиллар мобайнида бу хатони ҳофизлардан кўриб келдик. Чунки аксарият маҳоратли ҳофизларимиз ҳам ғазалнинг мусикий ижросида «эп» сўзини «эт» тарзида талаффуз этадилар. Кунлардан бир куни шундай ижродан кейин маҳоратли ҳофиз Эркин Рӯзиматов ҳузурларига бориб, шу ҳодиса хакида гаплашдик ва бунинг сабабини сўрадик. У киши: «Биз бундай ижроларни ёши улуғ устозларимиздан ўрганганимиз, улар сўзни шундай талаффуз этганлар», – дедилар. Бу гапда ҳам жон бор. Марҳум атоқли ҳофизларимиз ушбу ғазал ашуласини ижро этганларида, ҳали Навоий асарларининг X. Сулаймон нашри ҳам, муқаммал тўплами, тўла асарлари ҳам чоп этилмаган эди. Умуман, ҳофизлар анъанавий равиша ғазал матнларини жонли ижролардан ўзлаштириб

келгандар, Навоий асарлари матнини мутолаа этишга эхтиёж, зарурият ва мажбурият сезмагандар. Шунинг оқибатида биргина ушбу фазал эмас, бошқа мумтоз фазаллар мусиқий талқинларида ҳам матний нуқсонлар учраб туради. Бу нуқсон бартараф бўлиши учун, эндилика бўлгуси хонандаларимизда ўзбек мумтоз ашулалари матнини ёзма манбалар мутолааси ва таҳлили асосида ўзластириш кўникмасини ҳосил қилиш лозим.

Навоий асарлари нашрларини синчилаб ўрганганимизда, нуқсон фақат мусиқий ижроларда эмас, балки матнларда ҳам мавжудлигига икрор бўлдик. Хўш, Навоий сўзларини беихтиёр ёки ўзбошимчалик билан ўзгартиришга ҳакимиз борми? Бунда нашрдан-нашрга матн сийқалашиб боравермайдими? Афсуски, айрим олимларимизда Навоий матнларини ижодий ўзгартиришга мойиллик бор экан.

Умумий ўрта таълим мактабларининг 8-синфи учун чоп этилган «Адабиёт» дарслик-мажмуасининг 2006 йилги нашрида «эп» сўзи айнан «МАТ» ва «ТАТ» дагидай «эт» шаклида берилган (Дарслик-мажмуанинг шу қисми тузувчиси – С.Олимов). «МАТ» ва «ТАТ» расмий академик нашр бўлганлиги учун бўлса керак, дарслик-мажмуа тузувчиси унга ишониб фазал матнини Ҳ.Сулаймон нашри билан таққослаб текширмаган. Дарслик-мажмуанинг 2010 йилги 2-нашрида чалкашлик янада чуқурлашган. Бир хато иккинчи хатонинг келиб чиқишига туртки бўлган. Бунда аслиятда бўлмаган «эт» сўзи «айт» маъносида тушунилган ва гўёки тузатиш мақсадида «айтмоқ» фельлини ифодалашда Тошкент шевасидаги «эт» сўзи аралашиб қолган дея гумон қилиниб, «эп» сўзи «айт» сўзига алмаштирилган. Мана, матн аслиятидан қанчалар узоқлашиб кетилди. Шуни унутмаслик лозимки, «МАТ» ва «ТАТ» – мажбурий адабиёт эмас. Уни истаган одам ўқийди, истамаган киши ихтиёрий равишда ўқимаслиги мумкин. Бироқ дарслик-мажмуа – мажбурий адабиёт. Ундаги маълумот мажбурий таълим жараёнида ўқувчилар онгига сингдирилади, фазаллар ўқитувчилар томонидан ўқувчиларга ёдлатилади. Бундан ташқари, «МАТ» ва «ТАТ» 1000 нусхадан чоп этилган бўлса, дарслик-мажмуанинг 1-нашри 526 806 нусха, 2-нашри эса 453 541 нусха кўпайтириб тарқатилган. Биз Навоий ёдгорликларининг ноёб на муналарини бирор товушига ҳам раҳна солмасдан, асраб-авайлаб ўрганишимиз лозим.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ДАРДИ БЕДАВОНИ НАЙЛАЙИН

Күргузар агёр юз тухмат ниҳони, найлайин,  
Ёрким, сўрмай инонур, бу балони найлайин?

Юз жафо элдин чекиб, буким, жафогарлиқка от  
Эл аро пайдо қилибмен, бу жафони найлайин?

Кимки, дарди бўлса, ёр айлар даво, мен ёрсиз  
Дард аро ўлдум, бу дарди бедавони найлайин?

Дам-бадам қонимга тонуғлук берур кўз, эй кўнгул,  
Билмон, ул тардомани юзи қарони найлайин?

Юз вафо айлаб халойиққа, кўрубмен минг жафо,  
Айламай холиққа эмди илтижони, найлайин?

Эй Навоий, чун ватанда бир даме хуш урмоғим  
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайин?

(«Наводир уш-шабоб», 490-ғазал)

Ағёрининг-ку мунофик ва тухматчилиги аниқ. У зимдан лирик қаҳрамонга қилич қайрайди. Аммо ёру дўстнинг ҳам лирик қаҳрамон тарафда турмай, ағёр фитнасига ишониши – дард устига кўндаланг. Шу мазмундаги матладаноқ маълумки, ғазал ёр садоқатсилиги ҳамда ёрдан ўзгалар – ағёр, эл жафоси тасвиридан баҳс этади. Бу мавзу матладан мақтага қадар изчил шарҳланади ва ғазал якпора композиция касб этади. Ғазал услубан шарҳи ҳол турига мансуб. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган.

Фоилотун      Фоилотун      Фоилотун      Фоилун

Асар ҳажми Навоий ғазалиётида кам учрайдиган ҳажм – олти байтдан иборат. Навоийнинг ёрсизликдан ошкора шикояти камдан-кам ғазалларда акс этган. Шундай қайгу изҳори мазкур ғазалнинг марказий байтларидан бирида келади:

Кимки дарди бўлса, ёр айлар даво, мен ёрсиз  
Дард аро ўлдум, бу дарди бедавони найлайин?

Бундаги ёр образи севикли маъшуқани ҳам ва ундан кўра кенгрок – дўст маъносини ҳам қамраган. Шунга кўра, бу байт улуғ шоирнинг қариллик чоғида дилга яқин дардкаш тополмай қийналганининг тарихий гувоҳидир. Чунки ғазал Навоийнинг қариллик лирикасига мансуб.

Ҳар бир ғазалда Навоийнинг кўз образига лирик қаҳрамоннинг муайян ҳолатига мутаносиб равишдаги тасвир яратганини кўрамиз:

Дам-бадам қонимга тонуғлук берур кўз, эй кўнгул,  
Билмон, ул тардомани юзи қарони найлайн?

Маълум бўладики, аламнок лирик қаҳрамон кўзлари дам-бадам қон рангини олади. Аммо шоир бу қонталаш кўзларини «қонимга гувоҳлик берувчи ҳаёсиз», дея атайди, «ул тардомани юзи қарони найлайн?» дея мутойиба қиласди. Қочиримли «тардомани юзи қаро» ифодаси Навоийнинг «Жонға чун дерман: «Не эрди ўлмаким кайфияти?» сатри билан бошланувчи ғазалида ҳам кўзга нисбатан айнан мутойибали усулда қўлланган. Бу унинг айнан қўлланадиган қиёмига етган образ эканлигини кўрсатади.

Мана бу байтлар Навоий ҳаётининг сўнгги йиллари воқеалари билан боғлиқ кайфиятларни ифодалайди:

Юз вафо айлаб ҳалойикқа, кўрубмен минг жафо,  
Айламай холикқа эмди илтижони, найлайн?

Эй Навоий, чун Ватанда бир даме хуш урмогим  
Мумкин эрмас, ихтиёр этмай жалони найлайн?

Дастлабки байт Навоийнинг ҳалқقا, ҳалқнинг Навоийга муносабатидаги сархисобдек туюлади. Улуғ шоир, илим ва маданият ҳомийси, ҳалқпарвар давлат арбобининг ўз умри мобайнида ҳалойикқа қанчалик наф келтиргани маълум. Бунинг эвазига минг жафо кўрганини ғазалдан англаб турибмиз. Байт муаллифдаги художўйликни ҳам маълум даражада асослаб турибди. Бандала-рига ишонч, эътиқод қолмагач, Оллоҳнинг ўзидан нажот кутмай илож қанча? «Ҳалойик» ва «холик» сўзлари ўртасидаги маънавий-лафзий яқинлик асосига курилган сўз ўйини ҳам шу мазмунни таъкидлаб турибди. «Найлайн» радифи бутун ғазал доирасида лирик қаҳрамоннинг чорасиз ҳолатини эслатиб туради.

Сўнгги байт Навоий умрининг охириги йилларида тазиқ ва таъқиблар туфайли она шаҳридан бесаранжом бўлганлигидан далолат беради. Умуман, ағёру ёр жафосидан шикоят билан бошланган лирик асар тобора ижтимоий мазмун касб этиб, шоирнинг ҳасби ҳоли ҳақида маълумот берувчи биографик ғазал сифатида якунланган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ФИГОНИМДИН ФАЛАК ҒАМГИН

Бало дашти аро Мажнун менингдек күрмамиш даврон,  
Куюндең ҳар замон бир күрмаган водийда саргардон.

Не андуху малолимға балият даштидек ғоят,  
Не савдою жунунумға маломат баҳридек поён.

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноку бағрим чок,  
Тилим лолу таним бәхөл, ишим афғон, сиришким қон.

Заифи дарди ғампеша, нахифи меңнатандеша,  
Залили бесару сомон, қатили ханжари ҳижрон.

Фигонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,  
На дардим ўтиға таскин, на ҳажрим дардига дармон.

Бошим ғам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора,  
Күнгүл бу ёраға чора топарға топмайин имкон.

Кўзум намлиқ, бўюм ҳамлиқ, ичим андуху мотамлиқ,  
Не ҳамдамлар, не марҳамлар топиб бу меңнати пинҳон.

Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,  
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон.

Ҳам аҳволи табоҳимдин, ҳам охи умркоҳимдин,  
Ҳам ўтлуқ дуди оҳимдин қарориб кулбайи аҳzon.

Фалак раҳзан, замон душман, бадан равзан уза равзан,  
Қолиб жон хисравидин тан, чиқиб тан кишваридин жон.

Навоий, бўлса меңнат кўп, ичакўр жоми ишрат кўп,  
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон.

(«Наводир уш-шабоб», 491-ғазал)

Навоийнинг қарилек йиллари яратган ғазалларидан. Ҳазажи му-  
саммани солим вазнида битилган:

Мафоилун      мафоилун      мафоилун      мафоилун

Ғазал ишқий мавзуда ёзилган. Ҳажми ўн бир байт. Ошикнинг  
ишқий кечинмалари шарҳи ҳол услубида ифодаланган. Таркибий  
тузилишига кўра, бошдан-оёқ лирик қаҳрамоннинг ҳижрон изтироб-  
лари изҳорига қаратилган якпора ғазал.

Аасарда ишқ изтиробларида ўртанган лирик қаҳрамоннинг жисмоний ва руҳий ахволи муфассал тасвирланган. Бу тасвир сатрдан сатрга силсилали тарзда кучайиб, мукаммаллашиб боради:

Тунум дайжур, ўзум ранжур, ичим ғамноку бағрим чок,  
Тилим лолу таним бәхөл, ишим ағфон, сиришким қон.

Дастлабки сатрларда лирик қаҳрамоннинг ички изтироблари, ўз ёғига ўзи қовурилиши тасвирланса, кейинги байтларда унинг ҳолатига табиат, жамият ва борлиқнинг лоқайд, нажотсиз муносабати акс эттирилган:

Фигонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,  
На дардим ўтиға таскин, на ҳажрим дардига дармон.

Кўзум намлик, бўюм ҳамлик, ичим андуху мотамлик,  
Не ҳамдамлар, не марҳамлар топиб бу меҳнати пинҳон.

Манга не ёру не ҳамдам, манга не дўст, не маҳрам,  
Манга не чора, не марҳам, манга не сабру не сомон.

Ишқий кечинмалар тасвиридаги лирик қаҳрамон ҳар қанча умумлашма образ бўлса-да, бу ғазалда у кекса ва хастаҳол Навоийнинг қалб оғриқларини, руҳияти манзараларини, ижтимоий мавқе ва ахволини муайян дараҷада акс эттириб турибди.

Сатрлар бошдан-оёқ оҳангдош сўзлар билан қоғияланади ва ғазал яхлит оҳангдорлик касб этиб, назмий сажъ санъати юзага келади. Бу инсон руҳияти манзаралари ҳаётй, таъсирчан, дардли ифодаланган мусажжа ғазалдир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### КАМОЛ ИСТАР ЭСАНГ...

Фалакдин гар манга ҳар лаҳза юз қайғу келур ўтру,  
Агар ҳар қайғудин сўнг бир севинмак бор, эмас қайғу.

Ва гар ҳар тийралийка бир ёргулуқни инонмассен,  
Йифи кўр чарҳдин ҳар шом, доғи субҳдин кулгу.

Камол истар эсанг, сидқ ахлидин қилма кўнгул тийра,  
Муқаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.

Сафо ахлиға гулрухлар хаёлидин тагайюр йўқ,  
Қачон гул акси тушмаклик била гулранг бўлғай су.

Тиларсен ғафлатингни рафъ этиб, огохлар нақлин  
Ки, ғофил элга ул афсоналардин кам бўлур уйқу.

Бақо нақди ҳаётингға чу эрмас бир замон маълум,  
Дирам нақдига умрунг ҳар замон сарф этмагил асру.

Жунун занжирида ошиқ ёнида хийлагар зоҳид,  
Киши кўрса, тасаввур айлагай шер оллида тулку.

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,  
Торикма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.

Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким,  
Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбуудур, ушбу.

Кетур бир бода, эй соқийки, ичсам, қолмағай боқий  
Фанодин, бал бақодин ҳам замирим лавҳида белгу.

Навоий дайр аро маст ўлса, шоҳдин паноҳ андин  
Ўтарда тутқуси, албатта, бир соғар чиқиб ўтру.

(«Наводир уш-шабоб», 506-ғазал).

Фалсафий-ахлоқий мавзуда ёзилган бу ғазал Навоийнинг қарилик лирикаси маҳсали бўлиб, унда улкан ҳаётий тажриба умумлашмалари мужассам. Ғазал ўн бир байт ҳажмида мукаммал лирик мазмун ва мундарижани қамраб олган. Композицион таркибиға кўра, мустакил байтли ғазаллар туркумига мансуб. Ғазал услубининг таъриф, тавсиф турига мансуб. Ҳазажи мусаммани солим вазнида билтілган:

Мафоилун      мафоилун      мафоилун      мафоилун

Асарда фалсафий мушоҳадалар шоир «мен»и томонидан изҳор этилган. Дарҳақиқат, улар Навоий ўз ҳаётий кечмишлари жараёнида англаган, кашф этган қонуниятлар бўлиши мумкин. Лекин бугунда улар турфа ҳаёт чорраҳаларида ўзининг тасдик ва исботини топиб, холис ҳақиқатга айланган. Масалан, матлада ифодаланган хуласанинг нақадар ҳаётий, умуминсоний ва умрбоқийлиги таҳсинга сазовор. Чиндан ҳам, ҳаётда ғам ва ташвиш қанчалар кўп бўлмасин, ҳар бири хурсандчилик билан тугаса ёхуд ундан кейин хурсандчилик келадиган бўлса, уни ғам деб ҳисобламаслик, унинг учун қайғурмаслик маъкул. Бундай ғоянинг инсонпарварлиги шундаки, у

ҳаёт заҳматлари билан курашиб яшаётган инсонга тасалли беради, сабот бағишлайды, келажакка умидлантиради.

Инсон маънавий камолотига молик бундай ғоялар баъзан панд-насиҳат оҳангига ифодаланади:

Камол истар эсанг, сидқ ахлидин қилма кўнгул тийра,  
Муқаддар айламас хуршид субҳ анфосидин кўзгу.

Баркамол инсон бўлишни орзулаган киши, унинг юзига бор ҳақиқатни ошкора айтувчилардан, гарчи уларнинг сўзлари аччиқ бўлса ҳам, хафа бўлмаслиги, ўзининг ҳам айбини тўғриёна кўрсатган кишининг табьини хира қилмаслиги керак. Чунки улар тонг нафаси сингари киши руҳини поклаб турувчи инсонлардир. Шоир фикрини кўёшнинг хулқ-авторидан далил келтириб, ҳусни таълил санъати воситасида чиройли асослаган.

Шоир инсон табиатидаги бойликка ҳирс кўйиш, дунёпарастлик хасталигини ҳам ўзининг ҳаётбахш ўғитлари билан шифолашга ҳаракат қилган:

Бақо нақди ҳаётингга чу эрмас бир замон маълум  
Дирам нақдига умрунг ҳар замон сарф этмагил асрү.

Тириклик инсонга абадий берилмаган экан, умрни мол-дунё тўплашга сарфлаш ҳайф. Аксинча, умрни боқий қоладиган ишларга сарфлаш инсоннинг боқий умрини таъминлаши мумкин.

Шарқ тафаккур ҳазинасида чинакам ишқ, эътиқод, мухаббат кўнгилда бўлиши лозим, деган событ ақида мавжуд. Лекин одамзод, кўпинча, бу ақидани унутиб, ўзини қийноқларга солади. Куйидаги байт шундан огоҳ этади:

Кўнгул миръоти ичра жилвагардур ёру сен ғофил,  
Ториқма ҳажридин кўпким, эмассен ёрдин айру.

Байтдан англашилишича, кўнгил кўзгусида ёр акси тажалли топган бўлса бас, биз ёрсиз эмасмиз, ортиқча бетоқатланишга асос йўқ. Албатта, бу ўринда Навоий «ёр» деганда, худони назарда тутган. Аммо илоҳий маънода ҳам, дунёвий маънода ҳам, кўнглида ёри ва унга эътиқоди, мухаббати бор одам ёрсизликдан ториқмаса, ёридан хотиржам яшаса бўлади. Навоийнинг бу фалсафий мушоҳадаси нақшбандийлик тариқатидаги «Дил ба ёру даст ба кор» (Кўнгил ёрда, қўл эса ишда) ақидаси асосида, уни шарҳлаш, ривожлантириш мақсадида юзага келган.

Ғазалнинг кўлгина байтлари сўфиёна руҳда битилган. Масалан, фано васфи ҳадди аълосига кўтарилигдан байтлардан бирида шоир ёзади: «Фанонинг ҳам фаносин истагил васл эрса комингким, Бу йўлда восил ўлмакнинг тариқи ушбудур, ушбу». Аёнки, бундай байтларда шоир фанони ёр, яъни Оллоҳнинг васлига етказгувчи йўл сифатида кўйлади.

Умуман, бу асар Навоий дунёқарашининг нозик қирраларини ифодаловчи, инсониятни маънавият нурлари билан маърифатлантирувчи орифона ғазал сифатида қимматлидир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ИНСОННИНГ МАНГУ ДАРДИ

Навоий ижоди шу қадар поёнсиз туйгулар оламики, ундан инсон ҳиссиётининг барча жилоларини топиш мумкин. Севги, соғинч, рашқ, умид, айрилиқ уқубати, висол шодлиги, юрт меҳри, фидолик, жасорат... бу саноқни чексизлик қадар давом эттириш мумкин. Тасаввуримда, инсон руҳиятининг бирор ҳолати йўқки, Навоийда унинг ифодаси учун бир байт топилмасин. «Ҳазойин ул-маоний» факат маънолар хазинаси эмас, инсоний туйгулар қомуси, ҳиссиётнинг бепоён олами ҳамдир.

Ҳазратнинг бир ғазали «Ваҳки, умрум барча зое бўлди эл коми била» деб бошланади. Шеър бошдан-оёқ озодлик туйғуси ҳақида. Ғазалнинг биринчи сатриёқ кишини чексиз хаёлларга гарқ қиласди:

Ваҳки, умрум барча зое бўлди эл коми била,  
Бодайи ноб ўрнида хуноба ошоми била.

(«Наводир уш-шабоб», 548-ғазал)

Накадар буюк изтироб бор бу сўзларда. Биргина шоирнинг эмас, бор инсониятнинг, ҳамма замон ва маконларнинг дарду алами бор. Ком – истак, хоҳиш демак. Комронлик ўз истагига кўра яшамок, яъни озод бўлмоқдир. Шоир таассуф билан, мен ўз истагимга кўра яшамадим, бошқаларнинг раъи билан, замона зайлига бўйин эгип кун кечирдим, ҳеч қачон ихтиёрим ўзимда бўлмади, демоқда. Шу боис, ичганим бода эмас, қонли ёшларим бўлди. Ҳаётим зое кетди.

Бу факат ўн бешинчи асрнинг эмас, барча замонларнинг изтиробидир.

Буюк шахсияти, кенг билим ва дунёкараши билан ўз даврининг тор қолипларига сифмаган Навоий фарёд қилади:

Кимса юз йил комронлиғ қилса, билким, арзимас  
Даҳр аро бир лаҳза бўлмоқлиқ бирор коми била.

Эрксизлик шундай аламли ҳолатки, агар юз йил ўз эркинг билан яшасанг, бир лаҳза ихтиёrsизлик бу юз йиллик баҳтдан нишон қолдирмайди. Эрксизликнинг бир дақиқаси ҳам оғир кўргулик экан. Умрга татигулик қайғу экан.

Бирор коми нима? Бу ўзганинг истаги, хоҳиши, иродаси, изми, рухсати, раъи демакдир. Навоий учун эрксизликда ичилган оби ҳаётдан кўра ўз хоҳиши билан ичилган заҳар яхшироқдир.

Захрни ўз коми бирла ичса ондин яхшиким  
Ичса ҳайвон шарбатин нокомлиғ жоми била.

Бирор зўрлаб ичирган қадаҳ нокомлик жомидир. Байтнинг маъносини лўнда қилиб айтса, эрксиз яшагандан кўра ўлган яхши, демакдир.

Ғазал давом этади. Навоий байтлар оша гўзал ташбеҳлар, аниқ ҳаёттий манзаралар орқали инсон ҳурриятини улуғлади, бандилик укубатини чукур дард билан тасвирлайди.

Юз дилором айлагандин равза ҳибси яхшироқ,  
Бўлса ўз вайрони ичра кўнгли ороми била.

Эй кўнгул, эл субҳи айши сори боқма, хўй қил  
Фардлиғ вайронида меҳнат қаро шоми била.

Агар жаннат боғига кирсанг, юзта пари сени ўрасаю, сенда бирор ёққа кетиш ихтиёри бўлмаса, равза ичра ҳибсда бўлсанг, ундан кўра ўз вайронангда кўнглинг ороми, озодлик, тинчлик ва хотиржамлигинг билан қолганинг яхши. Шоир юксак санъат билан «дилором» ва «кўнгил ороми» сўзларини ёнма-ён келтириб, бу ўхшаш сўзларнинг икки тамоман бошқа маъноларини очади. «Дилором»нинг маъноси бу ўринда парипайкар бўлса, «кўнгил ороми» деганда хотиржамлик, тинчлик, осоиштилик ҳолати тушунилади.

Навоий ёлғизлик истагини кўп ёзган. Хиротдек зарифлар шаҳрида ҳам фикри тор, қалби нурсиз, сухбати саёз, фийбатчи, майда одамлар йўқ бўлмаган чоғи, «парим бўлса, учеб қочсам улусдин то қанотим бор», деган каби сатрлар «Хазойин ул-маонний»да талайгина

бор. Бу ғазалда Навоий ана шундай тоифа ичига тушиб қолмоқни тутқунликка қиёслайди, уларнинг чароғон субҳи айшидан меҳнат шомини, яъни азобли қоронгуликни, уларнинг чаманзордаги анжуманидан фардлик вайронасини, харобада ўтган ёлғизлигни афзал билади.

*Кушка юнг маскан аро хушроқдуур озодлиг,  
Бўлғонидин банд аро сайёд ипак доми била.*

Куш ўз уясини оддий юнгдан тўқийди. Овчи эса тузоқни қимматбахо ипакдан ясади. Ипак тузоқ бойлиқдаги тутқунлик рамзи, юнгдан тўқилган уя эса камтарлик аро озодлик тимсоли. Яна ҳам тўғрироги – ватан тимсоли. Байтнинг маъноси шуки, текин неъмат тамасида ўзни тузоқка урма, ўз ватанинг, озодлигинг қадрига ет. Кўргинки, қушга эркин парвоздан ортиқ баҳт борми? Лекин у ҳам гоҳ нафс күткуси билан сайёд домига илинади. Бу сенга ибрат бўлсин.

Бошдан оёқ озодлик қайғуси билан ёзилган бу ғазал зимнида Навоийнинг сўнгсиз ҳасрати бор, эрксиз ўтган умри учун чеккан надомати бор. Бир қараашда, бу ўқинч таажжубли туюлиши мумкин. Шоҳнинг энг яқин дўсти ва маслаҳатчиси, замонининг энг давлатманд одамларидан бири, ёшлик чогиданоқ шуҳрати мамлакатга ёйилган, элда ҳурмат-эътибори бекиёс даражада юксак, «Гар қуёш янглиғ эрур қадрим менинг шаҳ олдида» дея олган шоир тутқун бўлиши мумкинми? Инсониятга ўзидан маънолар хазинасини қолдирган, кўплаб мадрасалар, дорушшифолар, кўприклар курдириб элга яхшилик қилган, умрининг ҳар лаҳзасини эзгулик хизматига баҳш этган Навоийдек инсон «ваҳки, умрим барча зое бўлди» деса, бошқалар нима десин?

Шундай деймизу, кўнгилда бошқа бир савол туғилади. Ким эркинроқ? Оддий одамларми ёки юксак марта ва шон-шұхрат эгаларими? Чумолидай ўз ризқини териб, аравасини ҳайдаб, ашулласини айтиб юрган одам озод ва баҳтлими ёки ҳар қадами эл назарида, подшолик назарида бўлган улуғ амирми?

Шеър маъносига кирган сари, кишига саволлар ёғилиб келаверади. Мутлак озодлик борми ўзи? Инсон фақат ўз истаги билан яшashi мумкинми? Жамиятда яшаб туриб, инсон бу жамиятнинг қонун-қоидаларидан ташкарида бўла оладими?

Одамзод ҳамиша кўнглим нима дейди деб эмас, эл-юрт нима дейди деб яшар экан. Керак ва кераксиз ғам-қайғу, ташвишларни

бошига ортар экан, қалбнинг энг ҳассос эзгу туйғуларини яширмоққа мажбур бўларкан. Инсон жамиятда яшаб туриб, жамиятнинг қонун-қоидалари, урф-одатларидан, ҳаёт тарзидан четда туролмас экан. Озодлик англаб етилган зарурат, дейилади. Жўн сўз билан айтса, озодликнинг ўзи тутқунлик экан...

Одатда, шеърни таҳлил қилганда биз, шоир ундоқ дейди, бундоқ дейди, фалон ғояни олга суради, дея сўз юритамиз. Аслида, шеър насиҳат, тарғибу ташвиқ эмас, юрак тебранишлари эканини унумиз. Навоий ушбу газалда инсон эркини тараннум этган, десам ҳақиқатнинг ҳаммаси бўлмас. Агар факат шундай бўлганда, беш юз йил ўтиб бугун у бизнинг юрагимизни ларзага солмас эди, ҳаёлларимизни чулғамас эди.

Фазал инсоннинг мангу дарди тўғрисида, кўринмас кишанлари тўғрисидаги ҳасратли қиссадир. Шоир юрагини тўлдирган армон, ичидан чиқсан чукур хўрсиникдир.

Эркин ВОХИДОВ

### ҲАҚ, МАГАРКИМ, КОМ УЧУН БОШТИН ...

Топмадим ахли замон ичра бир андоқ ҳамдаме  
Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме.

Кимки, даврон согаридин дам-бадам хуноб иchar,  
Fam йўқ, ар ҳар дам гамин айтурга топса ҳамдаме.

Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга  
Қатл учун остида қолғон заҳр пинҳон хотаме.

Йўқ фароғат даҳр ароким, шомдин сочин ёйиб,  
Ёғдуруб ашқин тутар ҳолингга ҳар тун мотаме.

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,  
Ҳак, магарким, ком учун боштин ёротқай оламе.

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлгуси йўқ одаме.

Нукта нозук бўлди асру, бўлғай эрди кошки,  
Шаммае бу рамздин зоҳир қилурга маҳраме.

Дарди заҳм ўлмиш ичу тошим, қадаҳ куй оғзима,  
Соқиё, кўксума лойидин доги ёқ марҳаме.

*Давр аро сұхбат бу янглиғдур Навоий, тонг эмас,  
Нолаю фарёди бирла гар тузар зеру баме.*

*(«Наводир уш-шабоб», 576-ғазал)*

Ушбу ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикаси намунаси бўлиб, у замон ва аҳли замондан шикоят мавзуида яратилган. Ғазал таркибидаги тўқиз байтнинг бари мазкур мавзуни изчил ёритишга сафарбар этилган. Шунга кўра ғазал якпора композиция касб этган. Услубига кўра ғазал шархи ҳол турига мансуб. Лирик қаҳрамоннинг замондаги жаҳолат, адолатсизлик, ғам-андухлардан шикоятларини Навоийнинг бошқа шу турдаги ғазалларида ҳам учратганмиз. Бу ғазал лирик қаҳрамони улардаги ижтимоий масалалар билан бирга, замон дардларини енгиллатувчи – ҳамдардга муҳтоҷлик муаммосидан ҳам баҳс этади. Навоий яшаган замон ва муҳитда ҳамфикр, ҳаммаслак дўст шундай катта ижтимоий танқисликка айланганки, лирик қаҳрамон «Топмадим аҳли замон ичра бир андоқ ҳамдаме Ким, замон осибидин бир-бирга айтишсоқ ғаме», деяармон қиласди.

Ғазал ғоявий-бадиий моҳиятининг юксаклиги сабаби шундаки, унинг деярли ҳар байти (айниқса, иккинчи, учинчи, бешинчи, олтинчи байтлар) шоҳбайт даражасида, етук ва қатъий таъриф-холосалар тарзида битилган.

Матладаги «аҳли замон ичра» бир сирдош дўст тополмаганлик изхоридан сўнг шундай ҳамдам дўстнинг инсон ҳаётида мухим ўрин тутиши ҳакидаги теран тариф-холоса баён этилади:

*Кимки, даврон соғаридин дам-бадам хуноб ичар,  
Ғам ийӯқ, ар ҳар дам ғамин айтурга топса ҳамдаме.*

Бу таъриф – холоса Навоий замонасигагина доир эмас. У бизнинг замонамиизда ва ундан кейин ҳам абадул-абад ўз аҳамиятини саклаб қолади.

Чархга берилган қўйидаги истиоравий таърифга эътибор беринг:

*Чарх узукнинг ҳалқасидур, лек ҳар кавкаб анга  
Қатл учун остида қолғон заҳри пинҳон хотаме.*

Гўё борлиқнинг ўзи узукнинг шундай ҳалқасики, фалақдаги ҳар юлдуз замирада заҳри қотил яширилган узукнинг кўзларидир. Демак, шоир наздида борлиқнинг ўзи оғули яратилган, чархнинг рафтаридан ҳар сония заҳарланиш мумкин.

Чархки шундай қурилган экан, унинг хатти-харакатига тобе инсондан нимани кутиш мумкин:

Йўқ вафо жинси бани одамда, бўл навмидким,  
Сен вафо кўрмак учун халқ ўлғуси йўқ одаме.

Шоир наздида аҳли замондан вафо, ҳамдардлик умид қилиш чархи қажрафткорни тўғри йўлдан юргизиш билан баробар.

Бу ғазалнинг Навоий ғазалиётида, нафақат ғазалиёти, балки бутун ижодиётида тутган ўзига хос ижтимоий салмоқдорлиги шундаки, унда шоир замондан норозилик, аҳли замондан шикоят билан чекланмайди. Оламни ўзгартириш ҳақидаги инқилобий холосага келади:

Гар будур олам, кишига мумкин эрмас анда ком,  
Ҳақ, магарким, ком учун боштин ёротқай оламе.

Олам, замона шу экан ва унда инсон ўз мақсадига, орзу-умидларига эришолмас экан, бундай оламнинг мавжудлиги маъносиз. Шоир уни инкор этади. Чунки у инсон манфаатлари учун мутлақо янгидан яратилишга маҳкум. Навоийнинг бу холосаси бизнинг замонамиздаги ўзликни англаш ва инсон омили foяларига жуда ҳамоҳанг.

Таҳлил қилинаётган бу асар Навоийнинг энг оригинал ғазалларидан бўлиб, у бадиий тилнинг тиниқлиги, поэтик тасвирнинг аникилиги билан муҳлисларни ҳайратга солади.

Ғазал рамал баҳрининг рамали мусаммани маҳзуз вазнида ёзилган. Тақтеъни қуйидагича:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоилун

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## САХАР ХОВАР ШАХИ ЧАРХ УЗРАКИМ ...<sup>1</sup>

Навоий лирикаси ҳамда достонларида тонг манзараси (ёруғлик – яхшиликнинг тун, зулмат устидан тантанаси) билан боғлиқ истиоравий тасвирнинг ўнлаб варианлари мавжуд. Ана шуларни поэтик анъаналар фонида ўрганиш шоир поэтик образларининг генезиси, унинг новаторлиги ва санъаткорлиги сирларининг айрим томонларини очишига имкон беради. Лекин Навоийда «чекти» радифли бир ғазал борки, унинг юзага келиши Ҳофизнинг худди шу радифли (яъни, тоҷикча «зад» радифли) ғазали билан бевосита алокадор. Аниқроқ қилиб айтганда, Ҳофиз ғазалининг биринчи мисраси – «Саҳар чун ҳусрави ховар алам бар кўҳсорон зад» (Саҳар пайтида Шарқ подшоҳи тоғлар устига байроқ тикканда) шоирга илҳом багишлаб, уни айнан шу услубда ғазал битишга рағбатлантирган (бу мисрада «ҳусрави ховар», «алам зад» истиоранинг «киноя» ва «табъия» турига киради).

Навоийнинг Ҳофиз ғазалига ижодий муносабати икки хил кўринишда юзага келган.

Биринчи босқич – бу татаббу тарзида кўринади. Навоий Ҳофизнинг мазкур ғазалига форс тилида татаббу қиласди. Мана Ҳофиз ғазали:

Саҳар чун ҳусрави Ховар алам бар кўҳсорон зад,  
Ба дасти марҳамат ёрам дари уммедворон зад.

Чу пеши субҳ равшан шуд, ки ҳоли меҳри гардун чист,  
Баромад, ҳандай хуш бар ғуури комгорон зад...

Нигорам дўш дар мажлис ба азми ракс чун бархост,  
Гирех бикшуд аз абрӯву бар дилҳои ёрон зад.

Ман аз ранги салоҳ он дам ба хуни дил бишустам даст,  
Ки ҷашми бодапаймояш сало бар ҳушёрон зад.

Кадом оҳандилаш омӯҳт ин оини айёри,  
К-аз аввал чун бурун омад, раҳи шабзиндадорон зад.

<sup>1</sup> Ушбу мақола атоқли навоийшунос олим Ёқубжон Исҳоқовнинг «Навоий поэтикаси» китоби («Фан», Тошкент, 1983, 112-119-бетлар) дан, муаллифнинг ўз тавсиясига кўра, айрим қисқартириш ва таҳрирлар билан олинди.

*Дар обу ранги рухсораш чи жон додему хун хўрдем,  
Чу нақшаш даст дод, аввал рақам бар жонсупорон зад.*

*Манаш бар хирқаи пашмин кужо андар каманд орам,  
Зирўҳмёе ки мижгонаш раҳи ханжаргузорон зад.*

*Назар бар қуръаи тавфиқу юмни давлати шоҳаст,  
Бидеҳ коми дили Ҳофиз, ки фоли баҳтиёрон зад.*

#### **Мазмуни:**

Сахар пайтида Шарқ подшоҳи тоғлар устига байроқ тикканда,  
Ёрим марҳамат қўли билан орзумандлар эшигини қоқди.  
Фалак меҳрининг (қўёшининг) ҳоли тоғ учун равшан бўлгач,  
У (ёрим) чиқди-да, комронлар (хушбахтлар) гурури устидан  
чиройли қилиб кулди.

Нигорим ўтган кеча мажлисда рақс тушишга жазм этиб  
ўрнидан қўзғалди  
ва қошлар тугунини ечиб, уни ҳамроҳлар қалбига ўрнатди.

Мен ўша дамда юрак қони билан қўл ювишни афзал кўрдим.

Унинг хумор кўзлари хушёрларни даврага даъват этди.

Унга бу қадар айёрлик йўлларини қайси бир тошбағир  
ўргатди экан?

Пайдо бўлган заҳоти, аввало, бедор ошиқларга ғорат келтириди.

Унинг рухсори таровати учун жонни ҳам бердигу қон ютдик.

У ўз суратини намоён қилгач, дастлаб фидойиларни  
кўз остига олди.

У жингалак сочли гўзалнинг киприклари ханжаргузорларни  
талон-торож қилганда  
мендек бир жулдур кийимли ожиз қандай қилиб уни  
ўз домига илинтирсинг!

Шоҳ давлатининг иқболи ва муваффакияти қуръасига биноан  
Ҳофиз дилининг комини бер, чунки у ҳам баҳтиёрларнинг  
саодатини истади.

#### **Фоний ғазали:**

*Чу шоҳи занг чатри санжари бар кўҳсорон зад,  
Ба ҳафтум қальян Кайвони аббоси шиорон зад.*

*Шуд аз хуни шафак рўй уфук гулбун ба сўги меҳр,  
Ки гардун ноҳуни анжум ба рух чун сўгворон зад.*

*Ман аз навмеди аласлаш ба рой халқ дар баста,  
Ки ёр аз марҳамат ногаҳ дари уммеворон зад.*

*Дари дайри мугон бикшодаму омад дарун сармаст,  
Ки шамъи оразаш оташ ба они бекаророн зад.*

*Чунон гавғо ба дайр афтод, к-аз ошуби сармасти  
Фалак сад таъни хомуши ба гүши шахриёрон зад.*

*Зи мижгонаш ҳазорон неши заҳролуд ҳар соат  
Кашид, аммо ҳама болои реши дилфиғорон зад.*

*Зи чини турра сад марғули мушкинро гирех бүкшод  
Вале бар риштаҳои сабҳаи шабзиндадорон зад.*

*Чу акси жоми лаъли оташинаш ҳар тараф афтод,  
Ҳазорон барқи расвои ба они тавбакорон зад.*

*Зи хуни халқ агарчи лолазор ангехт дар олам,  
Ба ёри як-ду жоми лолагун лекин ба ёрон зад.*

*Ҳамон жоми фано, к-он шаб гадои кард аз ў Фони,  
Дамо-дам аз май боки сало бар комгорон зад.*

### **Мазмуни:**

Ҳабаш подшоси ҳашаматли ҷодирини тоғлар устига тиккач,  
Қора Кайвоннинг (Сатурн) еттинчи қалъасига белги (нишона)  
ўрнатди.

Қуёшга мотам тутган уфқнинг юзи шафақ қонидан қип-қизил  
бўлди ва осмон азадорлар каби юзига юлдузлар тирноғини урди.

Ошиқларнинг ғамгин ҳолатини кўрган қора булутлар бу пасткаш  
олам юзига ҳар соатда ёшли кўзларидан сув сепди.

Мен васлидан ноумид бўлиб, одамлардан хилватга чекинган  
эдим, ногоҳ ёр марҳамат юзасидан орзумандлар эшигини кокди.

Муғлар ҳароботининг эшигини очдиму (у) сармаст ичкарига кир-  
ди ва унинг жамоли шамъи бекарорлар жонига ўт ёқди.

Ҳароботда шундай гавғо кўтарилидики, фалак бундай

Сармастлик гавғосидан подшоҳлик қулоғига хомушлиқдан юзлаб  
таъна-маломат қилди.

У ҳар соатда киприкларидан минглаб заҳарли ниш тортиди-ю,  
бириқ уларни дилағорлар ярасига урди.

Зулфи ўрами билан юзлаб мушкин чигалликлар тугунини ечди,  
лекин уларни уйқусиз ошиқларнинг тасбехи ипига ўрнатди.

Лаълдек (қызил) оташин жомининг акси ҳар тарафга тушгач, тавба килганлар вужудига минглаб расволик алансини урди.

Гарчи ҳалк қонидан олам юзида лолазор ҳосил бўлса ҳам, лекин мадад қилиб, бир-иккита лолагун жомни ўз дўстларига тутди.

Ўша кечада Фоний гадоси бўлиб тилаган фано жоми абадийлик майдидан ҳар замонда баҳтиёрларни баҳраманд этди.

Фоний Ҳофиз ғазалининг вазни, радифи ва бешта қоғиясини (янги контекстда) саклаган. Лекин ғазалга янгича мазмун, фалсафий рух киритган. Ана шу янги мазмун ўзига хос композицияни тақозо этган.

Ҳофиз ғазали Қуёш чиқишини тасвирлаш билан бошланади. Шунга параллел ҳолда ёр ҳам пайдо бўлади ва дастлабки икки байтда Қуёш харакати билан ёрнинг фаолияти синхроник равишда боради.

Кейинги байтларда ёрнинг тавсифи биринчи ўринга чиқади ва асосий тасвир шунга қаратилади. Унинг фаолиятини қуёшга қиёслаш сезиб олиш қийин бўлган бир даражага ўтади. Ғазалнинг холосаси ҳам олдинги байтлардан мустақил бўлиб, маълум даражада нейтрал кўринишга эга (биринчи байт билан эса руҳан боғланади). Ғазал бутунлай тасвир асосига қурилган бўлиб, шоирнинг субъектив муносабати («ман», «манаш» орқали) 4- ҳамда 7-байтлардагина очиқ кўринади. Ҳофиз ғазалини композиция жиҳатидан тўрт қисмга (1-2, 3-6, 7, 8), Фоний ғазалини эса 3 қисмга ажратиш мумкин.

Фоний ғазалининг 1-3-байтларида тун тасвири боради. 4-10-байтлар эса ёрнинг пайдо бўлиши (бу тонг отиб, қуёш чиқиши) ва унинг борлиққа ва ошиқлар қалбига кўрсатган таъсири тасвирига бағишлиланади. Гап ёр ҳакида борса ҳам, ҳар бир байтдаги мазмун ва поэтик детал бутун тасвир қуёш билан боғлиқ эканлигидан далолат беради. 11-байт эса шоирнинг фалсафий холосасидан иборат.

Бу ғазалда ижтимоий рух яна ҳам чукурлаштирилган («фалак подшоҳлар қулоғига юзлаб таъна-маломат қилди» (6-байт); «у ўзининг киприкларидан минглаб заҳарланган нишни фақат қалби жароҳатланганлар ярасига урди» (7-байт); «ҳалқ қонидан ер юзида лолазор пайдо қилса ҳам, бир-икки лолагун майни ўз яқинларига тутди» (10-байт) ва ҳоказо.

Фоний ғазалидаги тун тасвирига бағишлиланган дастлабки уч байт гўё қасиданинг бош (насиб) қисмини эслатади ва лирик қаҳрамон – ошиқ руҳий ҳолатини асосли, изчил ҳолда кўрсатиб, унинг кечинмаларини янада бўрттириб, шеърга динамик рух баҳш этади. 4-байтда эса Ҳофиз тасвирлаган ҳолатга етиб келинади ва Фоний унинг

ғазали матласидаги иккинчи мисрани ўзига хос тазмин сифатида ишлатиб, кейинги воқеалар тасвирини давом эттиради.

Хуллас, ана шундай ижодий муносабат оқибатида шеърдаги тасвир янада кенг ва тадрижий характер касб этади.

Хофиз шеъридаги кўтаринки услугуб Фонийда янада ривожлантирилади.

Навоийнинг ўзбекча ғазали эса унинг Ҳофиз ғазалига бўлган ижодий муносабатининг янгича аспектини намойиш этади.

Навоийнинг форсий шеъри татаббуниң ижодий намунаси бўлиб, унда шоир иҳтизо<sup>1</sup> ва тазмин санъатини (салх шакли) ишлатган бўйла, ўзбекча ғазални тўла маънода татаббу деб бўлмайди. Бу ғазал Ҳофиз ғазалининг радифи (ўзбекча шакли), вазни ва биринчи байтнинг дастлабки мисрасини ташкил этган образли тасвир таъсирида яратилган оригинал фалсафий ғазалdir:

Саҳар ховар шаҳи чарх узраким хайлу ҳашам чекти,  
Шуойи хат била кўхсор уза олтун алам чекти.

Қазо фарроши чекти субҳнинг сиймин супургусин,  
Музаҳҳаб парларин андоқки, товуси ҳарам чекти.

Китоба сунъи килки «Сураи ваш-Шамс» тафсирин  
Фалак тоқи ҳавошисида зарҳалдин рақам чекти.

Муazzин Каъба тоқи узра гулбонги Самад урди,  
Бараҳман дайр айвонида оҳангি санам чекти.

Яқо чок этти гоҳи субҳ ул мотамғаким, ошиқ  
Бу муҳлик шоми ҳижрон ичра юз хуноби ғам чекти.

Замона кулди ул ғофилғаким, даврон ситам тигин  
Анга урмогин англаб, ўзгага тиги ситам чекти.

Алар<sup>2</sup> кўнглида бир гул ҳажридин хори фироқ ўлса,  
Баҳона йиғламоққа бир неча жоми алам чекти.

Ва гар ҳуд васл иқболи мұяссар бўлса бир соат,  
Фаридун тахти узра базм тузди, Жоми Жам чекти.

<sup>1</sup> Иҳтизо – бирор асарнинг тарзу услубига татаббу қилиб, ўшанга ўхшаш асар яратиш услуби.

<sup>2</sup> Навоий МАТ ва ТАТда бу сўз «агар» шаклида берилган – Н. Ж.

*Бўлуб матлуб рухсорига маҳву жомдин сармаст,  
Юзин туфроққа кўйди, бошини оллиға ҳам чекти.*

*Навоий шояд ул раҳравға бу мақсуд насиб ўлғай,  
Ким ул дашти фано қатъ эткали ийллар рақам<sup>1</sup> чекти<sup>2</sup>.*

(«Наводир уш-шабоб», 606-ғазал)

Бу ғазалнинг биринчи байтида «салх» санъати усталик билан кўлланган<sup>3</sup>. Ҳофизда «Шарқ подшоҳи тоғлар устига байроқ тикканда» ибораси келгуси воеаларнинг (бутун ғазалдаги) бошланиш пайтини билдирувчи истиоравий гап сифатида битта мисрани ташкил этса, Навоийда у барча тафсилотлари билан кенгайтирилиб, бутун бир байтда берилади ва тантанали манзара сифатида намоён бўлади.

Ҳофиздаги истиоравий поэтик тасвир Навоий учун туртки бўлган. Навоий вазн ва радифни («чекти» – «зад»нинг ўзбекчаси, лекин мазмунан кенг) сақлаган ҳолда, ҳам мазмунан, ҳам композиция жиҳатидан ўзига хос бўлган янги типдаги ғазал яратган.

Ҳофиз ғазалидаги ихчам образли тасвирни Навоий ўзининг фалсафий-поэтик мулоҳазалари асосида кенгайтириб, поэтик образнинг моҳияти ва имкониятларини янада чукурлаштирган.

Агар Ҳофиз ғазалида тасвир бевосита ёр образи билан боғланган бўлса, Навоий шеърида ёр образи деярли йўқ, балки табиат ҳодисаларини, унинг муайян бир бўлагини фалсафий талқин қилиш унинг асосини ташкил этади.

1–6-байтлар тонг манзарасининг истиоравий мусалсал (силсили) тасвиридан иборат. 1-байтда – тонгнинг умумлашган, кўтаринки тасвири берилади: Қуёш (Шарқ подшоҳи) бутун аскару навкарлари билан осмон (кўқ) устига юриш қилиб, тоғлар силсиласи устига байроқ (олтин алам) тиккан голиб шоҳга, кейинги байтларда тонг пайтидаги ҳолат қазо фаррошининг кумуш супургисига, мавжудотнинг ранг-баранг товланиши товуснинг алвон парларига ўхшатилади (2-байт), осмон гумбази қирғогига битилган «Қуёш сураси» («Сураи ваш-Шамс»)нинг тафсирига (3-байт), муаззин-

<sup>1</sup> Навоий МАТ ва ТАТда бу сўз «қадам» шаклида берилган – Н. Ж.

<sup>2</sup> Ё. Исҳоқов ғазалнинг Ҳ. Сулаймон нашридаги 10 байтли матнидан фойдаланган. Ғазалнинг 13 байтли тўлиқ матни Навоий МАТ ва ТАТда чоп этилган – Н. Ж.

<sup>3</sup> Салх – бошқа шоир асаридан айрим парчани маъно ёки таркибан бир оз ўзгаришиш орқали келтириш санъати.

нинг Каъба гумбази устидан эшилган ёқимли садосига (4-байт), хижрон шомида фаму андуҳ чеккан ошиқнинг мотамсаро ҳолига ачинган тонгнинг ёқасини чок этиб ташлашига (5-байт) ўхшатилади, ва ниҳоят, тонгга нисбат берилган ана шундай истиоравий сифатлар 6-байтда энг юқори нуқтага чиқади. Дастреб қараганда, бу байтнинг мазмуни олдингилар билан боғланмагандек тувлоди. Гўё шоир тонгнинг кетма-кет тасвирини тугатиб, янги мавзу байёнига ўтгандай кўринади. Бироқ жиддий эътибор қилинса, тонг билан боғлиқ изчил тасвир ҳали тугамаган, балки янги босқичга кўтарилиб, чукур ижтимоий маъно касб этган. Бироқ бу босқичга ўтиш кескин «сакраш» тарзида рўй берган деб бўлмайди. Бундан олдинги байт ҳам (5-байт) олдингиларига нисбатан моҳият эътибори билан бир даража юқори бўлиб, бунда ижтимоий рух ҳозирча ишқий (шоми хижрон ичра юз хуноби фам чеккан ошиқнинг аҳволи билан боғлиқ) аспектда кўринади ва бу, ўз навбатида, кескин ҳукм шаклида ифодаланган чукур ижтимоий хулосани баён қилиш учун замин ҳозирлайди.

Хўш, «Замона кулди» деганда шоир нимани назарда тутмокда? Аслида, у ҳали ҳам тонгни сифатлашдан узоқлашган эмас. Маълумки, «чехраси ёришмоқ ёки очилмоқ» каби иборалар табассум ва кулги билан боғлиқ тушунчаларни ифодалайди. Шунингдек, «кулгини (жумладан, Навоийнинг ўзида ҳам) тонгнинг муҳим ижбий сифати тарзида кўллаш (ташхис – жонлантириш усули орқали) анъана ҳолига кирган. Лекин шуниси характерлики, бу байтда кулги майнин табассум эмас, балки кескин заҳарханда бўлиб, ижтимоий маъно касб этган. Содда қилиб айтганда, тонг – бу даврнинг ўзига ситам тифи тегмасдан бурун бошқалар – уриб қолиш пайида бўлган ғофиллар (ғафлат – бу қоронғилик, зулмат маъносида) устидан истеҳзо тўла аччиқ кулгиси. Шундай қилиб, тонг пайтинг бадиий тасвири ҳақиқий маънода ижтимоий-фалсафий мазмун касб этади. Кейинги уч байт (7, 8, 9-байтлар) шоирнинг фалсафий-поетик мулоҳазаларидан иборат. Навоий энди тонгнинг силсилини таърифидан у билан боғлиқ ҳолат тасвирига ўтади. Тонг ҳар кимга, унинг вазияти ва руҳий аҳволига боғлиқ ҳолда, ўзига хос кайфиёт бағишлиади: кимдир ҳижрон тиканидан азоб чекиб, шабнамдек кўз ёш тўқади (кўёш кўтарила бошлаганда гул юзидағи шабнам доналари томиб, гул косасига йиғилиб қолган сув ҳам йўқолади – сипқорилади). Лекин кимга васл иқболи мұяссар бўлса, Күёш авж нуқтасига чиққанидек, юксак тахт устида Жамшид жомидан май ича-

ди. Бирок (тасаввуф фалсафаси бўйича) висолга эришиш – бу ўз вужудини матлуб вужудида маҳв этиш (мистик камолотнинг «факру фано» босқичи) орқали амалга ошади. Шунинг учун ҳам шоир ёзади:

*Бўлуб матлуб рухсорига маҳву жомдин сармаст,  
Юзин туфрокка кўйди, бошини оллиға ҳам чекти.*

Агар шеърни бошидан охирига қадар изчил кузатсак, бутун тасвир Күёшнинг чиқиши, унинг авжга етиши (висолга етишиш палласи) ва ниҳоят ботиши (фано, яъни йўқ бўлиши) билан мутаносиб эканлигига қаноат ҳосил қиласиз. Муҳими шундаки, ғазалнинг матласи билан унинг асосий воқеа тасвири тугаган 9-байти ўз руҳи жиҳатидан бир-бирига зид, лекин айни замонда, 9-байт 1-байтнинг (ҳам табиат ҳодисаси сифатида, ҳам фалсафий маънода) изчил хулосасидан иборат: Күёш ҳашаматли ғолиб шоҳ сифатида бош кўтарди, энг юксак чўққига эришди (висол) ва ниҳоят, тупроққа бош кўйди (фано бўлди).

Охирги байтда шоир ана шу йўлни (тасаввуф фалсафаси нуқтаи назаридан) инсоннинг ҳаёт йўли учун бир идеал йўл деб билади ва хулоса ясади.

Ғазал қасиданинг табиат тасвирига бағишланган бош қисми – ташбиб сингари бошланиб, кейинроқ ижтимоий мазмун касб этади (бу 6-байтда кульминацион нуқтага чиқади) ва ниҳоят, фалсафий умумлашма даражасига кўтарилади.

Демак, Ҳофизнинг, асосан, ишқий руҳдаги ғазалидаги образли бир тасвир (биринчи мисра) Навоийни том маънода фалсафий-ижтимоий руҳдаги янги бир шеър яратишга илҳомлантирган. Ғазалнинг тасвир йўсуни ҳам ўзига хос: агар Ҳофиз ғазалида тасвир асосида «ёр» ва унинг фаолияти турса (Фоний татаббусида ҳам), бу ғазалда «ёр» образи учрамайди. Табиат ҳодисасини ижтимоий ҳаёт воқеалари асосида таҳлил ва талқин этиш диккат марказида туради. Шеърнинг поэтик композицияси унинг семантик структураси талаби билан юзага келган.

Шеърнинг услуби ниҳоятда кўтаринки руҳда ва уни қўпгина қасидалар учун хос бўлган монументал услуб деб айтиш мумкин.

Шеърдаги динамизмни унинг замирида ётган ва маълум даражада мавхум бўлган фикрий асосни (Күёшнинг ҳаракат йўли) тушуниб этиш натижасида пайқаб олиш мумкин.

Уумуман, шеърдаги күтаринки услуг унинг мазмуни – шоирнинг  
ғоявий мақсади тақозоси билан юзага келган бўлиб, ифоданинг  
мазмун билан тўла мутаносиблигидан далолат беради.

Хуллас, ҳар бир поэтик детал ёки образ муайян адабий оқим  
ёхуд индивидуал поэтик услуг доирасида ўзининг хилма-хил функ-  
ционал имкониятларини намойиш этиши мумкин.

Навоий шеъриятидаги бой поэтик образлар ва образли ибора-  
ларни киёсий ўрганиш шоир поэтик услубининг шаклланишига таъ-  
сир кўрсатган адабий анъаналарнинг ролини объектив баҳолашга  
имкон яратади.

Ёқубжон ИСҚОКОВ

## ОЧМАҒАЙ ЭРДИНГ ЖАМОЛИ ОЛАМОРО КОШКИ

Эътиборга лойик бўлган бадиий етук асарларга жавобия айтиш  
ёки татаббу килиш мумтоз адабиётимизда анъанага айланган ҳодиса  
эди. Бу ўзига хос ижодий мусобака бўлиб, бир қанча тенг қимматли  
ранг-барагн асарларнинг пайдо бўлишига сабаб бўлди. Алишер  
Навоий ва Жомий орасида ҳам ана шундай ижодий ҳамкорлик,  
бир-бирларининг асарларидан илҳомланиш бўлганини биламиз.  
Аммо тадқиқотчиларимиз аксар ҳолларда Навоийнинг устози Жомий  
ижодидан таъсиrlанганлиги ҳақида фикр юритадилар. Ваҳоланки,  
Абдураҳмон Жомий ҳазратлари ҳам улуғ Навоий асарларидан  
таъсиrlаниб, татаббулар ёзганлар.

Жумладан, Алишер Навоийнинг форс тилида яратган «Тухфат ул-  
афкор» қасидаси Хирот адиллари орасида кенг шухрат қозонади.  
Аслида, бу қасида Ҳусрав Дехлавийнинг «Дарёйи аброр» қасидасига  
жавобия тарзида ёзилган бўлиб, Жомийга бағишланган эди.  
Навоий ушбу қасидани Марвда якунлаб, Хиротга Жомийга юбора-  
ди. Жомий асарни ўқиб, таҳсин ва тухфалар билан Навоийга мак-  
туб йўллайди. Бундан ташқари, «Баҳористон» асарида «Тухфат ул-  
афкор» қасидасини форсий шеърнинг мумтоз намунаси сифатида  
алоҳида қайд қилиб, унинг матласини келтиради.

*Оташин лаъле, ки тохи ҳусравонро зевар аст,  
Ахгаре баҳри хаёли хом пухтан дар сар аст.*

(Подшолар тожини безаган оловдай қизил лаъл бошдаги хом-  
хаёлларни пиширадиган чўйдир).

«Тұхфат ул-афкор» қасидасининг «йигирмадан ортиқ байты муаммо тариқи ва истилоҳи била» (Навоий) ёзилған зди. Бу Жомийни янада тұлқынлантиради ва у бошдан охиригача муаммо тариқида бир қасида яратадиким, унинг матласи қуидаги:

Жоҳ дорй жоҳилосо дар сар, эй комил, мудом  
Жоҳилат хонам, на комил, чун туро жоҳ аст ком.

(Эй үзини комил ҳисоблаган одам, жоҳиллар каби бошингда мансаб (жоҳ) фами бор. Сени комил эмас, жоҳил дейман, чунки мақсадинг мансабдир).

Алишер Навоий Жомийга бағишлиңган «Хамсат ул-мутаҳайириң» асарида буни фахр билан қайд этади (Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тұплами, 15-жилд. – Тошкент: «Фан», 70–71-бетлар).

«Хамсат ул-мутаҳайириң» асарида шунга үшаш яна бир маълумот көлтирилған. Навоий ёздади: «Бир қатла бу фақирнинг түркча бу матлағыким:

Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,  
Солмағай эрдинг бори оламға ғавғо кошки, –

әл орасида шұхрат тутуб әрди ва подшоҳ ҳазратларининг (Хусайн Бойқаронинг – Н.К.) сұхбатларида дөғи үқиғулур әрди, шуюъ (овоза) ва шұхрати ул ерга етдиким, Ҳазрати Маҳдумға (Жомийга – Н.К.) дағи масмұы бўлуб (әшитилиб), аларға ҳам дағдаға улким, бу баҳру кофия ва радиғда шеър дегайлар. Бу доия (ният) пайдо бўлуб, чун түркча алфоз била назмға илтифот қиласа алғандар, бир форсий ғазал айтдиларким, матлағы будурур:

Дидаме дидори он дидори раъно кошки,  
Дида равшан кардаме з-он рўйи зебо кошки».

(Алишер Навоий, МАТ, 15-жилд, 71-б.)

Демак, Абдураҳмон Жомий түркій тилни яхши билған, бу типда яратылған асарларни ўқиб завқланған. Шунинг учун у Навоийнинг нафакат достонлари, балки лирик асарларини ҳам мутолаа қилиб, юксак баҳолаган. Навоийни улуғ ижодий ишларга руҳлантириб турған. Навоийнинг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, Жомий улуғ ўзбек шоириңинг форсий шеърларига ҳам, түркій асарларига ҳам жавобия айтган, бироқ түркій шеърга түркій тилда эмас, балки форсий тилда татаббу битган. Бу ўзига хос нодир адабий ҳодиса, түркү тожик ҳамкорлиги, руҳий яқинлигининг ифодаси зди.

Бирок мұхими яна шундаки, Жомийнинг татаббу тариқида ёзган ғазали ҳам эл орасида шұхрат топиб, Ҳусайн Бойқаро әтибиорини қозонади ва подшоҳ Навоийга ушбу форсий ғазалга мұсаддас боғлаш (хар бир байтни олти мисралиң бандға айлантириш)ни амр этади. Ҳазрат Навоий бу амрни бажарадилар – яна янги бир ажо-йиб асар вужудға келади. Мұсаддас бундай бошланади:

*Кардаме дар хоки күйі дүст маъво кошки,  
Судаме рұксори худ бар хоки он по кошки.*

*Омайд берун зи күй он сарви боло кошки,  
Буркъа афқандай зи рүйи оламоро кошки.*

*Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,  
Дида равшан кардаме з-он рүйи зебо кошки<sup>1</sup>.*

(Дүст күчаси тупроғида макон-маъво тутсайдим, ул оёклар тупроғига юзимни сұртсан қаны зди, у сарв қоматли ёр күчасидан чиқсайди кошки, оламни ёритувчи юзидан никобини олсайди, у раъно дилдорнинг дийдорини кўрсайдик, кўзимни ўша зебо юздан равшан қилсайдим кошки).

Алишер Навоий ушбу мұсаддасни форсий шеърлар тўплами – «Девони Фоний»га киритган.

Бу ўринда шуни қайд этиш керакки, Алишер Навоий «кошки» радифи билан учта ғазал ва бир мұхаммас ёзган.

Чунончи, «Бадоэъ ул-бидоя» девонида (20 жилдликнинг биринчи жилди) иккита «кошки» радифли ғазал бор. Биринчи ғазал матласи:

*Сиҳҳатим озурда жононимда бўлгай кошки,  
Дарди онинг тинмагур жонимда бўлгай кошки.*

Иккинчи ғазал матласи:

*Бўлгой эрди юз туман, минг ранжу меҳнат кошки,  
Бўлмагай эрди балову дарди фурқат кошки.*

Учинчи ғазал матласини юқорида келтирдик<sup>2</sup>. Шуни ҳам қайд этамизки, Навоий ўзининг «эл орасида шұхрат тутган» бу ғазалига

<sup>1</sup> Охирги мисра «Хамсат ул-мутахайирин»да «Дида равшан кардаме аз хоки он по кошки» тарзида келади.

<sup>2</sup> Аммо шуни айтиш керакки, ушбу матла турли нашрларда турлича. Масалан, «Ҳазойин ул-маонийнинг 1959 йилги нашрида (Х.Сулаймон нашри) «Жамолинг олам аро кошки» (2-жилд, 629-б.) 20 жилдликнинг 2-жилдидаги «Жамол олам аро кошки», 4-жилдидаги «Жамоли олам оро кошки» тарзида келади. Бизнингча, охирги вариант тўғрига ўҳшайди. Чунки у вазнга ҳам, умумий маънога ҳам мувофиқ келади. «Хамсат ул-мутахайирин»да ҳам шу кўринишда келтирилган.

ўзи мухаммас боғлаган ва «Наводир уш-шабоб» девонига киритган. Яъни, бунинг тимсолида шоир ўзига ўзи татаббу қилган дейиш мумкин. Бундай «Тахмис»лар (ғазални мухаммасга айлантириши) Навоийда анча.

Энди Жомий билан Навоийнинг зикр этилган «кошки» радишли ғазалларининг қиёсий таҳлилига ўтамиз. Бунинг учун ҳар икки ғазални қўйида келтирамиз.

#### Навоий ғазали:

Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки,  
Солмағай эрдинг бори оламда ғавғо кошки.

Чун жамолинг жилваси оламға солди рустахез,  
Килмағай эрди кўзум они тамошо кошки.

Бўлмагай эрди кўзум ўтлук юзунг кўрган замон,  
Ишқинг ўти шуъласи кўнглумда пайдо кошки.

Айлагач ишқинг балоси зор кўнглумни ҳазин,  
Килмағай эрдинг мени маҳзунға парво кошки.

Тушмагай эрди фирибомуз лутфунг, билмайин,  
Нотавон кўнглумга васлингдин таманно кошки.

Лутф ила кўнглумни васлингдин талабгор айлабон,  
Килмағай эрдинг яна зулм ошкоро кошки.

Бевафолиқ англагач, ишқингни кўнглум тарқ этуб,  
Килмағай эрди ўзин оламда расво кошки.

Эмдиким девонаю расвойи олам бўлмишам,  
Васл чун мумкин йўқ, ўлтургай бу савдо кошки.

Эй Навоий, бевафодур ёр, бас не фойда,  
Нечаким десанг агар, ёхуд, магар ё кошки.

(«Наводир уш-шабоб», 625-ғазал)

#### Жомий ғазали:

Дидаме дидори он дилдори раъно кошки,  
Дида равшан кардаме з-он рўйи зебо кошки.

Хотир андар сояи туби наёсояд маро,  
Соя кардй бар сарам он сарви боло кошки.

Гарчи имрўз аз жамоли ў нагаштам баҳраманд,  
Ваъдаи ин давлат афтодӣ ба фардо кошки.

Ошиқонро рухсати гул чидану дидан чӣ суд,  
Будӣ он гулчехаро изни тамошо кошки.

Кошки гӯям маро гаштӣ висоли ту насиб,  
Бенасибонро насибе нест илло кошки.

Бо вужуди ақлу дин сомон нагирад кори ишқ,  
Дар ҳужуми ин шудӣ он ҳар ду яғмо кошки.

Назми Жомиро, ки шуд дар васфи лутфи ў чу дур,  
Жо набудӣ ғайри гӯши шоҳи воло кошки.

Шоҳ Абулғозӣ, ки мегӯяд шаҳи анҷум зи дур,  
Будиям дар силки наздиқони ў жо кошки.

Ҳар чӣ ҳоҳад, бод ҳосил дар ҳарими базми ў,  
В-аз ҳарими базми ў сад сола раҳ то кошки.

### Мазмуни:

(Кошки ўшал раъно қадли дилдорнинг дийдорини кўрсайдим, (ўшанда) кўзларимни у зебо юз нуридан равшан қиласардим. Менинг хотирим жаннатдаги туби дарахти соясида тинчланмайди, кошки ул баланд сарв бошимга соя солсайди. Агар бугун унинг жамолидан баҳраманд бўлмасам-да, бу давлатга эришиш ваъдаси тонгла кунга қолдирилсайди. Ошиқларга гул териш ва кўришга рухсатдан нима фойда, ул чехрани тамошо қилишга изн берилса эди кошки. Кошки сенинг висолинг менга насиб этди деб айтсан эди, бенасибларга илло (йўқ)дан бошқа насиб бўлсайди кошки. Ишқнинг иши ақл ва дин билан ривожланмайди, ишқ ҳужуми туфайли бу иккиси барбод бўлсайди кошки. Шоҳ васфига дур каби тизилган Жомий назми улувут дошоҳ қулоғидан бошқа ерда жой олмас эди кошки.

Шоҳ Абулғозики, ўлдузлар (осмон) шоҳи узоқдан: «унинг яқинлари қаторида бўлсайдим кошки» дейди. Унинг базми ҳарими (маҳрами) да неки бўлса ҳосил бўлсин, аммо шуниси борки, унинг базми маҳрамлигидан «кошки»га қадар юз йиллик йўл бор).

Ҳар икки ғазал ҳам тўққиз байтдан иборат. Жомий, Навоий айтганидай, «баҳр ва қоғия ва радиғ»ини сақлаган. Аммо диккат қилиб қиёслаганда, икки ғазал орасида маъно ва мазмун нуқтаи назаридан сезилиларли фарқ борлигини кўрамиз. Бу фарқ нималарда кўринади?

Биринчидан, Навоий ғазалида афсус, пушаймонлик, содир бўлган воқеадан задалик, озурдалик ҳисси акс этган. Яъни, шоир тасвирига кўра, ёр жамолининг жилваланиб зоҳир бўлиши (бу Оллоҳ тажаллиси ҳам, ергаги маҳбуб ҳуснининг кўриниши ҳам бўлиши мумкин) ошиқ дилни изтироб ва қийноқларга солади, ошиқ «қани энди сени кўрмасам, бу балолар ҳам бошимга тушмас эди, ишқ домига тушмаган бўлар эдим» қабилида нола чекади. Шу боис, Навоий ғазалида инкор маъносидаги сўзлар кўп. Чунончи: «очмағай эрдинг», «солмағай эрдинг», «қилмағай эрдинг», «бўлмағай эрди», «тушмагай эрди» ва ҳоказо. Бироқ шуниси ҳам борки, мана шу инкор ва афсуслар замирида тасдиқ ва таслим ғояси ётади. Бошқача айтганда, ишқ – бу тақдири азал, бу ошиқ учун марҳамат, Ҳусн пайдо бўлдими, ишқ ҳам пайдо бўлади – кўнгил ақлга бўйсунмайди.

Жомий ғазалида эса, бунинг акси ўлароқ, афсус-надомат эмас, балки талаб ва қўмсаш маъноси ифодаланган. Шоирнинг лирик қаҳрамони Ёр юзини кўришга муштоқ: қани энди у раъно юзни кўрсам, дийдоридан тўйиб, кўзимни равшан қилсан, дейди.

Умуман, «кошки» сўзи – «қани эди», «агар», «агарда», «шундай бўлсайди» ёки «шундай бўлмасайди» каби маъноларни англатиб келади. Абдураҳмон Жомий Ёрга интизорлик, садоқат изҳорини ифодаласа, Навоий ишққа гирифтор кўнгилнинг изтиробларини тасвирилаган.

Иккинчидан, Навоий ғазалининг ички қурилиши билан Жомий ғазалининг тузилиши орасида ҳам фарқ бор. Навоийда: биринчи байтда Ёр жамолининг оламда очилиши, иккинчи байтда кўзнинг шу Жамолга тушиши, учинчи байтда Ишқ шуъласининг кўнгилда пайдо бўлиши, тўртинчи, бешинчи ва олтинчи байтларда Ҳуснининг кўнгилни лутф билан сийлаши, авраши, кейинги байтларда Ёр лутфининг алдамчилиги, бевафолиги тасвириланади, яъни: Жамолни кўз кўради, кўздан кўнгилга ўт тушади, бу ўт аввал роҳат бағишлайди, сўнгра зулм қилиб, фироққа солади, қийнайди. Охири, бечора ошиқ бунга кўникади.

Демак, лирик қаҳрамон бошидан ўтган воқеа бир тизим шаклида тасвир этилган. Абдураҳмон Жомий ғазалида бундай воқеабандлик тизими йўқ. Унда соғинган кўнгилнинг орзулари, ишқ тавсифи, ёр ваъдасига умид боғлаш ғоялари ўзаро боғлаб тасвириланади.

Учинчидан шуки, Жомий ғазали сulton Ҳусайн Бойкарога бағишланган, шоир шоҳнинг «яқинлари – маҳрамлари қаторида

бўлсайдим кошки» деган сўзлар билан асарни якунлайди. Навоий ғазали ҳеч кимга бағишиланган эмас.

Тўртинчидан, Навоий анъянага амал қилиб, ўз тахаллусини ғазалинг охирги байтида келтиради, Жомий эса ўз тахаллусини еттинчи байтда келтирган. Жомийнинг бундан мақсади шоҳга бўлган ҳурматини ифодалаш бўлган, албатта.

Аммо Алишер Навоий Жомий ғазалига мусаддас боғлагандга, таҳаллусини келтирмаган. Бу ҳам анъянага зид. Чунки бирор ғазалига мухаммас ёки мусаддас боғлаганлар ўз тахаллусларини қўшиб қўйганлар. Афтидан, бунда Навоий ҳам Жомий ва Ҳусайн Бойқарога эҳтиром юзасидан шундай йўл тутган. Аммо Навоий мусаддаси султонга ҳам, Жомийга ҳам маъқул тушади ва янги асар сифатида бадиий сўз ихлосмандлари оғзиға тушади.

Алишер Навоий мусаддас ёзиш талабларига тўлиқ риоя этган, яъни илова қилинган байтлар ғазал байтлари маъносини ривожлантирган, тўлдириган. Мавжуд мавзу ва мазмундан четга чиқиш кўзга ташланмайди.

Шу тариқа, ушбу адабий ҳодиса бир томондан, Навоий ижодий салоҳиятининг бемисл кудрати, унинг асарлари қадру қимматини, Навоий билан Жомий орасидаги зеҳну заковат, адабий маслак ва қалб яқинлигини ифодаласа, иккинчи тарафдан, бу икки буюк адаби нинг давр подшоси, «шоҳу дарвешлик»ни ўзида мужассам этган нозиктабъ шоир Ҳусайн Бойқарога муносабатини ҳам белгилаб турибди ёки бошқача айтсак, Ҳусайн Бойқаронинг адабий ҳаётга фаол иштироқи, Навоий ва Жомийга бўлган чукур ҳурмати, улар истеъододи меваларини кўпайтириш сари қилган харакатлари намунасини кўрамиз. Бу уч буюк зот XV аср Ҳирот адабий мухитининг марказида турганлар ва улар сиймосида адабиёт ва халқ, маънавият ва давлат бирлашган эди.

Уларнинг бир-бирини кўллаши, илҳомлантириб туриши улуғвор бир маданиятнинг, сўз санъати намуналари бўлган ўлмас обидаларнинг яратилишига сабаб бўлди.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ДИН ОФАТИ БИР МУГБАЧАЙИ МОХЛИҚОДУР

Садриддин Айний ўзининг Навоийга бағишланган китобининг «Алишер Навоий ва нағис санъатлар» деган фаслида шундай ёзади: «Навоий мусиқа соҳасида кўзга кўринарли ишлар қилди. Аввало, унинг ўзи мусиқа билан шуғулланиб, бу соҳада мутахассис бўлди. У мусиқа илмини бу илмнинг назария ва амалиётини яхши билган Хожа Юсуф Бурҳон деган кишидан ўрганди. У яхши шоир ҳам бўлиб, ўз шеърларини кўйга солиб ўқир ва «Исфаҳон» номли бир кўй ихтиро қилиб, уни ўзининг бир шеърига басталаган эди.

Алишер ҳаваскор ёшларни ўзи ва бу соҳанинг бошқа мутахассисларига бериб, тарбиялаб етишитиарди. Чунончи, ёшлигига ўзининг мусиқага бўлган қобилиятини кўрсатган машҳур устоз Кулмуҳаммадни аввал Навоийнинг ўзи тарбиялаб, сўнгра мусиқа хакида «Аслул-усул» деган асар ёзган Мавлоно Алишоҳга шогирд қилиб бериб, уни бу соҳанинг назарияси ва амалиётига мутахассис қилиб чиқарди.

Алишернинг шогирларидан бўлиб, қозилик ҳамда вазирлик мартабаларига зришган Хожа Абдуллоҳ Марворид, унинг ёрдами ва раҳбарлигида мусиқадан ихтисос олиб, бу соҳада бир китоб ёзди.

Абдуллоҳ Марворид Навоийнинг:

Дин офати бир мугбачайи мохлиқодур,  
майхораву бебок  
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
сармасту яқом чок, –

деб бошланадиган бир мустазодига «Сармасту яқом чок» деган ном билан кўй басталайди. Восифийнинг «Бадоев ул-вақоевъ»даги муболагалироқ таъбирига кўра, бу ашула ўша вактларда Хиротда жуда машҳур бўлган ва кўйланмайдиган бирор уй ва бу ашулани эшитганда ёқасини чок қилмайдиган бирор тингловчи бўлмаган. Бу кўй Бухорода охирги вактларга қадар «Машрабхоний» номи билан кўйланар эди».

Қадрли ўкувчи, биз таҳлилларимизнинг ушбу қисмини мана шу мустазодга бағишлаймиз. Аввал «мустазод» нималигини Навоийнинг ўз тилидан билиб олайлик. Шоир ўзининг «Мезон ул-авzon»ида бу хақда шундай дейди: «Ва яна бу халқ орасида бир суруд бор экандурким, ҳазажи мусаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнида анга

байт боғлаб битиб, анинг мисрасидин сўнгра ҳамул баҳрнинг икки руқни била адо қилиб, суруд нағамотига рост келтирурлар эрмисх ва ани «мустазод» дерлар эрмиш, андоқим, мустазод:

Эй ҳуснунга зарроти жаҳон ичра тажалли  
Мафъувлу мафоийлу мафоийлу фаувлун  
    мазҳар санга ашё  
    мафъувлу фаувлун  
Сен лутф била кавну макон ичра мувалли  
    олам санга мавло».

Хожа Абдуллоҳ Марворид кўй басталаган мустазод шундай:

Дин оғати бир муғбачайи моҳлиқодур,  
    майхораву бебок  
Ким, ишқидин онинг ватаним дайри фанодур,  
    сармасту яқом чок.  
Ҳам туррасининг дуди вараъ белига зуннор  
    мен кофири ишқи,  
Ҳам юзи мажус ўти киби шуълафизодур,  
    мен ўртанибон пок.  
Ул чехра фуруғи тушубон зор танимға  
    бир навъ куярким,  
Ҳар кимса ани кўрди, соғиндики, ёнодур  
    йт ичиди хошок.  
Ҳайвон суйи жонимни олур лаълидин айру  
    ул журъайи майким,  
Тегмиш анга майгун лаби жонимға даводур  
    не заҳру, не тарёк.  
Бу навъки ойлар майи васли ҳавасидин  
    маҳмур бўлубмен,  
Мушкилки ёзилғай бу хумореки мангодур  
    соғар бўлуб афлок.  
Сойилмену мақсадум эрур нақди висолинг  
    бухл айлама, жоно  
Ким, барча мазоҳибдаки ишқ аҳли ародур,  
    мазмум эрур имсок.  
Ҳажрингда юзи сарғарибон дам ура олмас  
    бечора Навоий,  
Гўёки хазон фаслида бебаргу наводур  
    ул булбули ғамнок.

(«Наводир уш-шабоб» девонидан)

Маълум бўлганидек, Навоийнинг ҳаёт вақтида бир анжуманда мазкур мустазод кўйга солиб ўқилганда, барча мажлис аҳли ёқасини йиртиб оҳ чекканлигига сабаб бунда теран маъно ва юксак санъат борлигидир. Мустазоднинг биринчи байти шундай ўқилади:

Ди:-но-фа ти-бир-муғ-ба ча-ай: мо-ҳ ли-қо-дур  
май-хо-ра ву-бе-бок

Ким-иш-қи ди-на:-нинг-ва та-ним-дай-ри фа-но-дур  
сар-мас-ту я-қом-чок.

«Муғбача» – муғбала дегани. Муғ, аслида, оташпаратларнинг руҳонийисидир. Муғбача муғлар ибодатхонасида шогирд болалар.

Ўтпаратлар ўтга сифинганлиги учун уларнинг ибодатхонасида доим ўт ёниб турган. Мана шу ўтга ҳаммадан кўпроқ алоқадор шахс муғбача бўлган. Чунки бу ўтга, биринчидан, амали, яъни хизмати билан, иккинчидан, ихлоси билан яқин. Болаларнинг юраги фитратан, яъни яратилишдан катталарникига нисбатан тоза бўлади. Катталар ўз ибрат амали ёки сунитарбияси билан бузмаган болаларнинг нияти доим яхши бўлади ва улар эзгуликка интилевчан бўладилар. Мана шунга кўра, муғбачанинг ўтга ихлоси ҳам мартабали муғларникига нисбатан ортикроқ бўлиши табиийдир. Ўтнинг ишққа нисбати бор. Мутлақ ишқ борлиқдаги азалию абадий ҳарорат ва жозибадан иборат, нисбий ишқ инсондаги кучли муҳаббат, яъни етук дўйстона муносабат ва олам ёки инсон ҳақиқатини идрок этишга бўлган зўр иштиёқдир.

Боладаги мазкур фитрий ихлоснинг аҳамияти жуда улуғ бўлиб, бунга мутафаккирлар алоҳида эътибор берадилар. Боланинг ихлос билан қилган хизматининг ўзи ҳам, оқибати ҳам буюқдир. Ундан ташқари, ҳақиқат аҳли нуқтаи назаридан хизмат буюргувчидан хизматни адо этгувчи устун туради.

Мана шуларни ҳисобга олиб, ҳақиқат шууридан баҳраманд буюк шоир Навоий муғбачани инсоннинг маънавий камоли йўлида ихлос билан хизмат қиласидиган ёшларнинг тимсоли сифатида олиб, «муғбача» сўзини рамзий маънода кўллаган. Бунга асос муғбачадаги ихлос ва хизмат. Ихлос ва хизмат ўтга қаратилган. Ўтнинг ишққа нисбати бор. Ишқ эса илм билан биргаликда, баъзан илмсиз ҳам кишини камолга етказувчи омил ҳисобланади.

Энди муғбачага, яъни камолот йўлида хизмат қилувчи йигитга берилган сифатларга эътибор берайлик. Сифатларнинг бири моҳлиқодир. «Моҳлиқо» – ой юзли дегани. Демак, муғбачанинг ранги тоза, юзи нуроний экан. Кишининг маънавий гўзаллиги унинг қиёфасида ҳам акс этади. Сифатлардан яна бири «дин офати» деган сифатдир. «Дин» деганда, биринчи навбатда, муқаддас деб хисобланган қонун-қоидалар ва шу қонун-қоидаларга риоя қилиш тушунилади. Дунёда дин кўп. Диннинг моҳиятига юзаки қараб, унга таассуб қилиш ёки уни сувиистеъмол қилиш дин намояндалари орасида, ҳатто, бир динга оид турли мазҳаб вакиллари ва ундан ҳам ёмонроғи, бир мазҳабга оид кишилар орасида қонли тўқнашувларни келтириб чиқарувчи адоватга сабаб бўлади. Бунга тарихда мисоллар жуда кўп. Мустазоддаги «дин офати»дан мурод кишидаги мазкур диний таассуб ва диний адвокатларни йўқотишдир. Ҳақиқий ошиқда бу сиёсий хислатлар бўлмайди. Демак, мазкур муғбачанинг яна бир сифати кишидаги мазкур салбий хислатларни йўқотиш экан. Оташпарастлик ҳам бир дин. Шунга кўра, муғбача ҳам дин офати эмас, дин куввати бўлиши керак эди. Лекин Навоий тазод йўли билан, биринчидан, мисранинг бадиий кучини оширган, иккинчидан, «муғбача»нинг шеърда рамзий маънода эканлигини билдирган.

Муғбачага берилган сифатлардан яна бири «майхора»дир. «Майхора» – май ичувчи, майпараст дегани. Бу ердаги майдан мурод мазкур ишқ лаззатидир. Демак, инсоний камолот йўлида хизмат қилувчи йигитга, ҳам унинг эзгу нияти, ҳам холис хизмати, ҳам бу эзгу нияту холис хизмат оқибати унга доим лаззат бағишлиб туради.

Муғбачага берилган охирги сифат «бебок». «Бебок» – қўрқмас дегани. Бунинг мазмуни шуки, мазкур йигит ўзи танлаган ҳақиқат йўлидан, бошига қилич келса ҳам, қайтмайди, турли таъналардан, бўхтон ва айномалардан ҳамда бу йўлда учрайдиган ҳалокатли қийинчиликлардан қўрқмайди.

Шундай қилиб, Навоийнинг маҳбуби «Дин офати бир муғбачайи моҳлиқодур, майхораву бебок» экан. Мана шундай йигитнинг ишқида шоирнинг ватани дайри фано, ўзи сармаст, ёқаси чок экан.

«Ватан» сўзи бу ерда доимий жой маъносида. «Дайр» сўзининг биринчи маъноси файриисломий ибодатхона, иккинчи кўчма маъноси майхонадир. «Дин офати» муғбачага зидлаштирилган бўлса,

«дайр» мұғбачага үйғунлаштирилган. Агар шу ўринда «майкада», «майхона» каби сўзлардан бири ишлатилса, у сўз «мұғбача» сўзига үйғунлашмас эди. Бу мусаввирнинг бир-бирига мос бўёқларни то-пиб ишлатолмаганига ўхшаб қолар эди. Навоийнинг шу ўринда дайр сўзидан фойдаланиши унинг етук санъаткорлигидан нишона-дир.

Шоир «дайр» сўзининг биринчи, яъни ибодатхона маъносидан уни «мұғбача» сўзига үйғунлаштириш учун фойдаланган бўлса, унинг иккинчи, яъни майхона маъносини «фано» тушунчасини муйяянлаштириш, шу билан бирга, бу тушунчани «майхора» ва «сармаст» сифатларига үйғунлаштириш учун кўллаган.

Фано сўзининг бу ердаги маъноси маъшук хаёлига бутунлай берилиш натижасида ўзни бутунлай унутишидир. Фано майхонага ўхшатилган, шоир бу фано майхонасининг муқимига айланган. Демак, ошиқ Навоий ишқда фано макомига эришган, яъни ўзининг борлигини сезмайдиган даражага етган ва у ишқ майидан сармаст, яъни бошидан ақлу хуши кетган, ёқаси чок, яъни йиртиқ.

Мустазоднинг иккинчи байти шундай ўқиласи:

Ҳам-тур-ра си-нинг-ду:-ди ва-раъ-бе-ли га-зун-нор  
ман-ко-фи ри-иш-қи  
Ҳам-юзз-и ма-жу-сў:-ти ки-би:-шуъ-ла фи-зо-дур  
мен-ўр-та ни-бон-пок.

«Турра» деб сочнинг жингалакларига айтилади. «Дуд» – тутун дегани. Турра, яъни сочнинг жингалаклари буралиб чиқаётган тутунга ўхшатилган. Турранинг бу ўринда дудга ўхшатилишининг сабаби тутуннинг ва мұғбачанинг ўтга муносабати борлигидадир.

«Вараъ» – «бебок»нинг зидди бўлиб, тақводор, яъни ўзини ғайришаръий ёки ғайрирасмий ишлардан сақловчи деган маънода, «зунор» эса исломдан ўзга диндаги руҳонийларнинг махсус қора белбоғидир.

Биринчи байтда шоир мұғбачани «дин офати» деган эди. Энди бу ерда шуни аниқлаштириб, унинг жингалак қора сочининг ўзи ҳам шундай гўзалки, буни кўрган «вараъ», яъни ўзини жуда эҳтиёт қиласидиган тақводор киши ҳам исломга зид бўлса-да, уни белига зунор, яъни муқаддас бир белбоғ қилиб боғлашга тайёр, мана

шунинг учун мени кофирикда айбласалар ҳам, унинг ишқидан қайтмайдиган даражага етганман, дейди.

Муғбачадан мурод ҳакиқат ишқи йўлидаги маъшуқ эканлигини ёддан чиқарманг. Диндан чиқиш ва кофир бўлишдан мақсад ҳакиқат ишқи йўлида бебокона, яъни қўрқмасдан, таассуб ва хурофотдан қутулиб, исломнинг моҳиятини англаган ҳолда мақсад сари эркин ҳаракат килишдир.

«Мажус» деб ўтпарамастларга айтилади, баъзан офтобпараст ва ойпарамастлар ҳам шу жумлага киритилади. «Мажус» сўзи форсча «манжӯш» сўзининг арабчалашган шакли деган фикр бор. «Манжӯш» – кичиккулоқ деган маънода. Оташпарамастликнинг асосчиси Зардўштнинг қулоғи кичкина бўлгани учун шу лақаб вужудга келган, дейилади.

«Шуълафизо» – шуъла орттирувчи, яъни кучли шуъла ҳосил қуловчи дегани. Муғбачанинг ўтдай қизил юзи ўтпарамастларнинг ўти сингари ловуллаб ёнади. Навоий яна мавзуни ўт доирасидан ташқари чиқармаслик учун муғбачанинг юзини унга алоқадор бўлган мажус ўтига ўхшатган ва унинг қизиллигини шуълафизодур, деган. Мана шу ўтга шоир «мен ўртанибон пок», яъни, мен бутунлай ёниб тамом бўлдим, дейди. Бу ерда «пок» сўзининг алоҳида аҳамияти бор. Киши ишқ ўтида ёнгандা, масалан, олтин ўтда соғ ҳолга келтирилганидек, бутун салбий хислатлари гўё куйиб йўқ бўлиб, пок ҳолга келади ва пок маъшуққа эришиш даражасига етади.

Мустазоднинг учинчи байти шундай ўқилади:

Ул-чех-ра фу-ру:-фи:-ту шу-бон-зо-р та-ним-ға  
бир-нав-ъ ку-яр-ким,  
Хар-ким-са а-ни-кўр-ди со-ғин-ди-ки-ё-на-дур  
йт-ич-и-да хо-шок.

«Фуруғ» – ёруғлик дегани. «Ул чехра фуруғи»дан мурод маъшуқ, яъни муғбача юзидан ёғилиб турган нурдир. «Софимоқ» феълининг биринчи маъноси тасаввур қилмоқ, бир нима деб ўйламоқдир. Мазкур байтда «соғимоқ» ана шу биринчи маъносида қўлланган. Лекин Навоий бу байтда маъшуқ юзидан ёғилиб турган нур менинг ожизу озғин танимга тушиб, уни шундай кўйдирдики, буни қўрган киши ўтида хошок, яъни чўп ёняпти, деб ўйлайди, деган. Маъшуқ юзида-

ги нур яна ўтга ўхшатилган, ошиқ жисми чўпга. Бу байтда ҳам мавзуу ўт доирасидан ташқари чиқарилмаган.

Маъшуқ чехрасининг нуридан ошиқ жисмининг ўтга тушган бир чўпдек куйишини қандай тушуниш керак?

Аслан ягона бўлган мутлақ борлик мавжудотда чексиз ва рангбаранг кўринишларда зуҳур қиласди, яъни намоён бўлади. Борлик ўзининг энг гўзал юзини инсон чехрасида кўрсатган. Шунинг учун етук кишининг чехраси Навоий ва унинг эътиқодидаги кишилар учун мутлақ гўзалликка эришиш воситаси ҳисобланади. Чунки бу чехра мутлақ гўзалликнинг кўзгуси бўлиб, уни фақат шу кўзгу орқали идрок қилиш мумкин. Линза орқали жамланиб тушган күёш нури нарсаларни кўйдирганидек, инсон чехрасида мутлақ гўзаллик нурини жамлаб қабул қилиш қобилиятига эришган ошиқнинг жисми ўтда куйган хасдек ўртанади. Яна шуни ҳам назарда тутиш керакки, бу ўринда тан куйиши, нафс балосининг куйиши ва шунинг натижасида кишининг юраги тозаланиб, ахлоқий камол касб этишидир.

Мустазоднинг тўртинчи байти шундай ўқилади:

Хай-вон-су-йи-жо-ним-ни о-лур-лаъ-ли ди-най-ру:

ул-жур-аъ ий-май-ким,

Тег-миш-а нга-май-гун-ла би-жо-ним-ға да-во-дур  
не:-зах-ру не-тар-ёк.

«Хайвон суйи» – тириклик суви дегани ва бундан мурод Хизр ичган ва шу туфайли дунёда абадий ҳаёт касб этган афсонавий сувдир. Навоий мана шу афсонавий ҳаёт сувига ҳақиқат майини қарама-қарши қўяди ва ундан ҳайвон суйи менга умр бағишлишмайди, балки жонимни олади, дейди. Бунинг зимнида тे-ран мазмун бор. Чунки ҳақиқатдан йироқ афсонавий мақсадларга берилиб, шунга етишаман деб, дўсту душманни ажратмасдан, ҳам ўзини ва ҳам дўстларини, ҳатто, авлодини хонавайрон қилганлар бор.

Бинобарин, Навоий, ҳушёр кишига ҳаёлий ҳаёт суви ҳақиқат эътибори билан оғу эканлигини таъкидлаш мақсадида «ҳайвон суйи жонимни олур» деган. Аммо шу ерда «лаълидин айру», яъни ҳақиқий маъшуқнинг ҳақиқий ҳаёт манбаи бўлган лаби бўлмаган тақдирда, деган шарт ҳам бор. Бунинг маъноси шуки, киши

ҳақиқатни мақсад қилиб, доим шуни назарда тутса, афсоналар, гайривоқеий, хаёлий нарсалар уни тўғри йўлдан оздиrolмайди. «Ул журъайи майким, тегмиш анга майгун лаб» дегандаги «журъа» – қултум дегани, «майгун» – май рангли, яъни қизил дегани. «Қизил» маъносида «майгун» сўзини ишлатишдан мақсад лабни майга уйғунлаштиришдир. «Майга теккан майгун лаб» деб ўша лабнинг ўша майга тегишининг шоирона табиийлигига қизил маъносида «майгун» сўзини қўллаш билан эришилган. «Май» сўзининг ўзи рамзий, ҳақиқат ишқи ва унинг сархушлиги маъносида истеъмол қилинган.

Нима учун шоир ўша култумни заҳр бўлса ҳам, тарёк бўлса ҳам, менинг жонимга даво, дейди? Заҳр бўлса, жоннинг давоси эмас, оғати-ку? Гап шундаки, улуғ бир мақсадга интилган киши унинг аччик-чучугини татиши табиий ва унинг аччиғига чидаши керак бўлади. Бугина эмас, Навоийлар фикрича, мақсад йўлидаги аччик ҳам чучук деб қабул қилиниши керак. Чунки бу аччиқнинг ширин натижаси бор. Лекин натижасиз, муваққат шириналар ҳақиқат аҳли қошида ҳақиқий аччиқдир.

Мустазоднинг бешинчи байти шундай ўқилади:

Бу-нав-ъ ки-ой-лар-ма йи-вас-линг-ҳа ва-си:-дин  
мах-му:-р бў-либ-мен,  
Муш-кил-ки ё-зил-ғай-бу ху-мо-ри:-ки ма-нга:-дур  
со-ғар-бў лу-баф-лок.

Махмур бўлмоқ – хумори бўлмоқ дегани. Хумор майнинг кайфидан кейин келадиган дард ва майга бўлган талабдир. Мазкур байтда васл, яъни маъшуққа эришиш майга ўҳшатилган ва бу эришишга бўлган кучли талаб хуморга ташбех қилинган.

Шоир, мен шунчалик хумориманки, агар фалакларни соғар, яъни коса қилиб васл майини ичсам ҳам, хуморимнинг ёзилиши қийин, дейди.

Бу байтда афлок соғар бўлса ҳам хуморим ёзилиши қийин деган гапда муболага борга ўхшайди. Аслида ундан эмас. Чунки бу ерда гап ичиладиган, ейиладиган нарса ҳақида кетаётгани йўқ. Агар ичимлик бўладиган бўлса, фалакни соғар қилиб эмас, бир челягиги ҳам қоринга сифдириб бўлмайди. Аммо маънавий нарсаларни киши чексиз равишда ўзлаштириши мумкин. Мисол учун илмни

оладиган бўлсак, киши уни ҳар қанча ўзлаштирса, унга оғирлик ёки ортиқчалик қилмайди. Аксинча, унинг билимга бўлган иштаҳаси борган сари очилиб боради.

Олим билган сари, ўрганган сари, янги-янги муаммолар кўпайиб боради. Жумбокларни ҳал қилишга одатланиб қолган донишманд-нинг маърифатга бўлган хумори ҳам борган сари ортиб боради. Ҳар бир ҳал қилинган масала унга кучли бир лаззат бағишлади.

Маънавий талаб ишқ даражасида бўлса, унинг васли лаззати ва хумори ҳам чексиз даражада бўлади.

Мустазоднинг олтинчи байти шундай ўқилади:

Со-йил-ме ну-мақ-су:-ду мэ-рур-нақ-ди ви-со:-линг  
бух-лай-ла ма-жо-но

Ким-бар-ча ма-зо:-хиб-да ки-иш-қах-ли а-ро:-дур  
маз-му:-мэ ру-рим-сок.

«Сойил» – тиланчи, «нақд» – пул, «бухл айламак» – хасислик қилмоқ, «мазмум» – қораланган, «имсок» – торлик қилиш, қурумсоқлик дегани. «Мазоҳиб» – «мазҳаб»нинг кўплиги. Навоий бу байтда ўзини гадога, васлни пулга ўхшатган ва мен сенинг васлингнинг гадосиман, мендан ҳусн бойлигини аяма, агар аясанг, бу иш бой кишининг тиланчига нисбатан хасислик қилганига ўхшайди. Хасислик қилиш эса барча мазҳаблардаги ишқ аҳли қошида қораланади, деган.

Мустазоднинг мақтаси, яъни охирига байти шундай ўқилади:

Ҳаж-ринг-да ю-зи:-са-р-фа ри-бо-н-да-м-у ра-ол-ма-  
бе-чо-ра На-во-ий,


Гў-ё:-ки ха-зон-фа-ли да-бе:-ба-р-гу на-во-ду-  
ул-бул-бу ли-ғам-но-к.

Яъни, айрилиқ туфайли ҳазон япроғидек юзи сарғайган Навоий кузда гулидан жудо бўлиб, овози чиқмай қолган ғамгин булбулга ўхшаб индамай қолди, дейди.

Бу байтдаги «бебаргу наво» алоҳида бадиий аҳамиятга молик. «Барғ» сўзининг япроқдан ташқари, яна чолғу ва куй маъноси ҳам бор бўлиб, майшату ишрат учун керакли бўлган нарсаларни ҳам билдиради. Ундан ташқари, илтифот маъносида ҳам қўлланади. «Барғга «наво» бирикиб, «баргу наво» бўлганда,

унга яна кучу қудрат ва хонадон ривожи деган тушунчалар ҳам қўшилади. Мазкур байтда бу маъноларнинг ҳаммаси бор. Шу билан бирга, у ҳам булбулга, ҳам Навоийга алоқадор. Яна шуниси ҳам борки, «Навоий» «бенаво» бўлса, «-ий» қолиб, шоирнинг асли (ўзаги) йўқ бўлади. Ҳақиқий инсон вужудининг асоси мақсад навосидан иборат. Васл баҳорида у равнақда, ҳажр ҳозонида эса тупроқдадир.

Алибек РУСТАМОВ



«БАДОЕЬ УЛ-ВАСАТ»  
(ҮРТА ЁШ ГҮЗАЛЛИКЛАРИ)



## ҮН САККИЗ ЁШ ҲАЙРАТЛАРИ

Үн саккиз минг олам ошуби агар бошиндадур,  
Не ажаб, чун сарвинозим үн саккиз ёшиндадур.

Деса бўлгайким, яна ҳам үн саккиз йил ҳусни бор,  
Үн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Үн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдурур  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки, бор  
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,  
Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.

Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,  
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффошиндадур.

То Навоий тўкти ул ой фурқатидин баҳри ашк,  
Хар қачон боқсанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.

(«Бадоеъ ул-васат», 156-ғазал)

Машхур ва манзур бу ғазалда шоир ишқий-фалсафий мавзуда баҳс этади. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида битилган:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоилун

Ғазал услубан таъриф-тавсиф турида яратилган. Асарнинг мақсад-моҳияти үн саккиз ёшдаги манзур (назарда тутилган муайян сиймо) малоҳатини васф этишга қаратилган. Лекин бу васф инсон умрининг навқирон палласи ҳамда ҳусну жамол ҳақидаги фалсафий мушоҳадалар билан йўгирилган. Ҳатто, баъзи байтларда тавсиф иккинчи ўринга ўтиб, таъриф, фалсафий умумлашма ифодаси биринчи даражага кўтарилади. Ёхуд таъриф-тавсиф баравар меъёрда, уйғун акс эттирилган бўлса ҳам, фалсафий моҳият зътиборни тортади. Чунончи, матлада үн саккиз ёшли дилбарнинг сарвинозлигидан

күра, унинг шу ёшдаги маънавий-руҳий аҳволи тасвирига кучли урғу берилган.

«Ўн саккиз минг олам» – бадииятда тимсолга айланган турғун сўз бирикмаси бўлиб, у бутун борлиқ ўн саккиз минг оламдан иборат, деган оламнинг чексизлиги ҳақидаги қадимий тасаввурлардан келиб чиқкан. Шоир «Сарвинозимнинг бошида ўн саккиз минг олам фавғоси бор, аммо бунга ажабланмаслик керак, чунки у ўн саккиз ёшдадур», дер экан, биргина сарвиноз аҳволига эмас, умуман, инсоннинг ўн саккиз ёшига таъриф беради. Таъриф умуминсоний бўлганидек, ўн саккиз ёшли муайян инсон тасвириланган бўлиши эҳтимол, унинг ҳаётий сиймоси бизга маълум эмас. Балки, матладаги таърифу тавсифга ўн саккиз яшар гўзал қиз эмас, баркамол бир ўспирин тальяти асос бўлгандир.

Мұхтарам мухлис, Навоий йигит кишини васф этгани ҳақидаги таҳминимизга дарҳол эътиroz билдириш ёхуд буни нотўғри талқин этишдан сақланишингизни сўраймиз. Бу – ҳали илмда узил-кесил ўрганилмаган муаммо. Навоийнинг йигитлар васфида битилган ўнлаб лирик асарлари борки, улар турили андишалар билан «Хазойин ул-маоний»нинг 1959–60-йилларда чоп этилган Ҳамид Сулаймон нашрига киритилмаган ва халқка етиб бормаган. Бу ғазал ҳамда қитъалар Навоий мукаммал ва тўла асарлари тўпламида бослиди, энди илмий баҳоланиши керак. Назаримизда, бу ҳодиса Навоий дунёкараши билан боғлиқ. Ҳарқалай, асарга ўн саккиз минг олами мушоҳада этишга қодир, ўн саккиз минг оламнинг дарди билан яшайдиган, ақлу заковати ўн саккиз минг олам тилсимларини еча оладиган, ҳусни ўн саккиз минг оламни лол қолдирадиган, ҳаяжон ва эҳтирослари ўн саккиз минг оламни ўртайдиган ўн саккиз ёшли инсон сиймоси сабаб бўлган. Эҳтимол, бу Навоий орзуидаги комил инсондир.

Кейинги байтларда матладаги ғоявий мазмун тадрижий такомиллаштирилади. 2–3-байтлар матлада васф этилган даражадаги камолотга эришган инсон етуклигининг яшовчанлиги ҳақида баҳс этади:

Деса бўлгайким, яна ҳам ўн сакиз йил ҳусни бор,  
Ўн саккиз ёшинда мунча фитнаким бошиндадур.

Ўн саккиз йил дема, юз саксон йил ўлса, улдуур  
Ҳусн шоҳи, ул балоларким, кўзу қошиндадур.

Мазкур байтлардан бошлаб ғазалдаги лирик қаҳрамон умумлашма образлиқдан бир оз чекланади. Яъни, ўн саккиз ёшли инсон эмас, гўё ўн саккиз ёшдаги манзур васфи давом этади. Бундай фикримизга боис ғазалнинг матладан кейинги қисмида кўпроқ аёл зотигагина хос фазилатлар қаламга олинганидир. Албатта, Навоийнинг бундай ғазаллари тагзаминида илоҳий ҳусн тимсоли ҳам туришини эсда саклашимиз керак. Учинчи байтдаги «ҳусн шоҳи» ибораси айнан шундан далолат беради.

Фоявий мазмуннинг байтларда тадрижий ривожланишига тадриж усули билан бирга ружуъ санъати ҳам кўмаклашган. Шоир иккинчи байтда: «Сарвиноз ўн саккиз ёшиндаки ўн саккиз минг оламга татиидиган ҳусну жамолни зоҳир этган экан, ўн саккиз минг олам мажароларини бошига сифдиролган экан, ундаги бу кобилият яна ўн саккиз йил бемалол сакланади», дер экан, учинчи байтда бу фикридан қайтади. Ўз-ўзини «Ўн саккиз йил дема» сўзлари билан инкор этиб, «Яна юз саксон йил ўтса ҳам, кўзу қошида турфа балолар жилва қиласр экан, ул ҳусн шоҳи сифатида гўзаллик салтанатида ҳукмфармолик қиласверади», деган хулосага келади. Ружуъ моҳияти мана шу ўз-ўзини инкор этиб, фикрни кучайтиришдадир. «Кўзу қошида»ги ул балолар сехрига келсак, бунда Шарқ ғазалиётida кўз ва қош мадҳида айтилган (масалан, кўзниң хунхорлиги, жаллодлиги, фитнагарлиги; қошнинг шамшир каби қаттоллиги, бирининг имо қилиб, бирининг жон олиши ва ҳ.к.) ҳамма сифатлар назарда тутилади.

Шоир ақл бовар қилмайдиган даражадаги ҳусн соҳибини тасвирлаётган бўлса-да, унинг қонуний ва табиий ҳол эканлигини икрор этади:

Ҳайрат этмон ҳусни нақшидаки, ҳар ҳайратки бор,  
Барчаси эзид таоло сунъи наққошиндадур.

Чунки Навоийнинг дунёқарашича, ҳар қандай ҳайратомуз гўзалликнинг яратувчиси ва ижодкори «сунъ наққоши», яъни Худодир. Ҳар бир модда, жисм, жонзот, шу жумладан, инсон ҳам бу илоҳий мавжудотнинг зарраси, бўлаги, акси янглиғ намоён. Ҳар бир чиройда Тангри таоло жамоли жилваланиб туради.

Навбатдаги байт сарвинознинг ниҳоятда гўзал, аммо бекиёс бағритошлигига киноя тарзида яратилган:

Тан анга сийму ичинда тош музмар кўнглидин,  
Ақлға юз ҳайрат, ул ойнинг ичу тошиндадур.

Сарвинознинг танаси (ташқи чиройи) кумушдай товланиб, ўзига мафтун этади. Аммо бу кумуш вужуд шундай сирга эгаки, унинг ичи кўнгил яширинган тошдан иборат. Бу синоатга инсон ақли юз карра хайрону лол коладики, манзурнинг сийрати суратида ҳам намоён. Бу инсон табиати, қалб ва қиёфаси орасидаги мутаносиблик ҳамда зиддиятнинг навоийвор фалсафий ифодасидир.

Бу ғазалда ҳам, анъанадагидек, мақтадан олдинги байтда май-фурушга мурожаат қилинади:

*Май кетур, эй муғки, юз ҳайрат аро қолмиш Масих,  
Бул ажабларким, бу эски дайр хуффоиндадур.*

Соқийга мурожаат тарзида битилган анъанавий байтлар ғазал-нинг бошқа байтларидан алоҳида, мустақил маънога эга бўларди. Бу байт эса ғазалнинг олдинги қисми мазмуни билан чамбар-час боғлиқ битилган. Олдинги байтларда лирик қаҳрамон ўзининг ҳайратларини изхор этган эди. Бунда эса Масих «юз ҳайрат аро» қолгандилиги ҳақида гап боради. Яъни, бу кўхна майхона (дунё) ажо-йиботларига лирик қаҳрамон (Навоий) юз ҳайрат изхор килганидан Масих ҳам юз чандон ҳайрат ичидаги қолади.

Бу ерда «хуффош»— кўршапалак образи атайнин танлаб киритилган. Кўршапалак, яъни лирик қаҳрамон кўхна майхона (дунё) ажо-йиботларини кўргунча майхонага кириб, ваҳдат майдан қонмагунча, ғофил эди. «Эски дайр» ажо-йиботларини идрок этгач, кўзлари ярк этиб очилди ва юз ҳайратга тушди. Бундай мўъжизадан жонбахш Масих ҳам юз ҳайратга тушади, чунки у ўликни тирилтириши билан машхур, кўр кўнгил кўзига нур ато этишга у кодир эмас.

Мақтага келиб, таъриф-тавсиф ойга, қуёшга қадар кўтарилади:

*То Навоий тўкти ўл ой фурқатидин баҳри ашк,  
Хар қаҷон боксанг, қуёш акси анинг ёшиндадур.*

Навоий ул ой, яъни хусн шоҳи фироқига дучор бўлганидан (бу фоний дунёга мемон бўлганидан) бўён йиглайди ва кўз ёшларида ул қуёш – илоҳий талъятнинг акси мудом жилоланиб, шуълала-ниб туради. Кўринадики: дастлабки байтлар тагзамиnidагина ту-йиш мумкин бўлган сўфиёна образ ва маънолар мақтагача ошкора балқиб юзага чиқди.

Матлада бошланган тасвир мақтагача изчил ривожланди. Ғазалдаги сўэ, образ ва ифодалар ҳам шундай ривожга мувофик ҳаракатлантирилди. «Ўн саккиз минг олам», «ўн саккиз йил», яна «ўн

саккиз ёш», яна «үн саккиз йил», «юз саксон йил», «хайрат», «ақлга юз хайрат», «юз хайрат» сүз бирикмалари ғазалдаги мазмун ва ғояннинг силсилавий тадрижини таъминлади. Натижада, асар композицияси мусалсал даражасида такомиллашди. Ғазал юксак бадиияти туфайли шуҳрат тутди, ҳалққа севилиб, тилдан тилга, дилдан дилга кўчди.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ЗУЛФУНГ ОЧИЛИБ, ОРАЗИ ...

Зулфунг очилиб, орази дилжў била ўйнар,  
Хиндубачае шўхдурур, сув била ўйнар.

Ул шўх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,  
Бир тифлдор, алқиссанки, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,  
То ғамзаси ул нарғиси жоду била ўйнар.

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулоиб,  
Мажнунга ажаб йўқ, агар оҳу била ўйнар.

Бир лўйлий бозигар эрур чанбар ичинда  
Холингки, ўшул ҳалқайи гесу била ўйнар.

Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,  
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар.

Муғ дайрида маст ўлса, Навоийни кўрунгким,  
Бир олма киби гунбази мину била ўйнар.

(«Бадоев ул-васат», 166-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бу ғазал шоирнинг ўрта ёшдаги бадиий камолотини, ўрта ёш гўзалликларига мафтунлигини, ўрта ёш эҳтирослари инъикосини ифодалаб турибди. Асарнинг мазмун-мундарижаси маъшуқа жамолини васф этишдан иборат. Аммо ундаги васф анъанавий тавсифий ғазаллардан кескин ажралиб туради. Ҳар бир хусусият васфи муайян қиёсий тасвир асосига курилган. Зулфунг эшилиб, силкина-силкина юз теграсида ўйноқланиши шунчаки айтиб ўтиб кетилмайди. Акс ҳолда, зулф васфи куруккина таърифланган бўлиб қоларди. Шоир

шу холатга мос ҳәёттій тамсил топади. Тамсил усулида сув билан ўйнаб турған хиндубачани зулфга муқояса этади. Бу қиёсга хиндубача ва зулфнинг икки монанд белгиси – қоралиги ва шұхлиги асос бўлади. Шунингдек, бу қиёсдан маъшуқа юзининг сувдай тиник, мусаффо ва ҳәётбахшлиги аён англашилади. Шоир ғазалнинг мазмунига мутаносиб, шұх ва ўйноқи оҳанг танлаган. Бу ҳазажи музсаммани ахраби макфуфи маҳзуф вазнидир:

Мафъулу мафоилу мафоилу фаулун:

Ғазалнинг мумтоз қўшиққа айланиши ва ҳалққа манзур бўлишида ҳам мана шу шакл ҳамда мазмуннинг бадиий мутаносиблиги сабаб бўлган. Ғазал мураддафлиги, радифга «ўйнамок» феъли танлангани тасодифий эмас. Бу ҳам – бадиий мутаносиблик тақозоси. Ғазалда мазмун ва бадиий тасвир мутаносиблиги изчил давом этади. Бу эса ғазалнинг композицион жиҳатдан якпора шаклда вужудга келишини таъминлайди. Зулфнинг болаларга хос ўйинқароқлиги тасвири кейинги байтларда ҳам ўша маромда сақланган:

Ул шұх кўнгул лавҳин этиб тийра нафасдин,  
Бир тифлдур, алқиссаны, кўзгу била ўйнар.

Ўйнай-ўйнай боғлади уйқумни фусундин,  
Тоғамзаси ул наргиси жоду била ўйнар.

Ҳәёттій лавҳалар билан қиёслаб тасвирлаш, тамсил усули бу ғазалда услубий воситага айланган. Чунки у бутун ғазал доирасида амал қиласи. Маъшуқанинг кўзи тасвирланган байтга зытибор беринг:

Тонг йўқки, кўзунг бўлса кўнгул бирла мулойиб,  
Мажнунга ажаб йўқ, агар оху била ўйнар.

Бир қарашда, байтда кўз тасвири асосий мақсад эмасдай туюлади. Аслида эса, асосий мақсад кўз тасвири. Буни шоир бевосита эмас, билвосита амалга оширади. У шундай мазмунни ифодалайди: «Сенинг кўзинг менинг кўнглим билан ўйнашгани таажжубланарли эмас, чунки мажнуннинг оху билан ўйнаши табиий». Бундан англашиладики, шоир маъшуқа кўзи оху сингари гўзал, хуррак, ўйноқи эканлигини, шунингдек, лирик қаҳрамон кўнглининг мажнунхоллигини ҳам сўзаро тасвирлаб ўтган. Ҳәёттій асосларда акс этган хол тасвири ҳам диққатга сазовор:

*Бир лўлийи бозигар эрур чанбар ичинда  
Холингки, ўшул ҳалқайи гесу била ўйнар.*

Шоир талқинича, тебраниб турган маъшука ҳалқаси теграсидаги хол чамбарак ичиди ўйин кўрсатайтган лўливаш гўзалга монанд. Демак, васф этилаётган хол шунчалар дилнишин ва жозибадор.

Одатда, мустақиллиги билан ажралиб турадиган матладан олдинги байтда шоир зоҳидга танқидий муносабатини тамсилий усулда, образли тарзда қистириб ўтади:

*Зоҳид била нафс этса тамасхур, не ажабким,  
Ит сайд қилур вақтида тулку била ўйнар.*

Бунда ов чоғида итнинг тулки билан ўйини лавҳаси зоҳиднинг нафсга муносабатини очиб беришга хизмат қилган. Байт заминига нафснинг тулқидек ҳийлагарлиги ҳам сингдирилган. Фазал ихлос-мандларини жуда қизиқтириб келган тилсимлардан бири еттинчи, яъни тугалланма байтнинг мазмунидир.

*Муг дайрида маст ўлса, Навоийни кўрунгким,  
Бир олма киби гумбази мину била ўйнар.*

Шарҳлашга уринсак, дастлаб байтнинг мазмуни жуда соддадек туюлади. Яъни гўёки, «Майхонада маст бўлган чоғида Навоийни кўрарсиз, у олам гумбазини қўлида бир олма каби ўйнатиш қудратига эга бўлади». Аммо байтнинг замирида бундан кўра салмоқли ва сехрли маъно яширингандек, шарҳдан кўнглимиз тўлмайди. Балки, байтнинг ботинида сўфиёна мазмун ётгандир. Фараз қилайлик, «муғ»- маънавий майхона, унда маст бўлиш – Ҳаққа эришиш тимсоли бўлсин. Бунда маънан Ҳақ даражасига кўтарилиган лирик қаҳрамоннинг олам гумбазини бир олма каби ўйнаши (борлиқни маънавий жиҳатдан тугал англаб етиш)ни аникрок тасаввур этиш мумкин. Тугалланманинг фалсафий тус олиши Навоий ғазалиёти учун умумий хусусиятдир.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА**

## ОТАШИН ГУЛ БАРГИДИН ХИЛЪАТКИ ...

Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур,  
Хилъат эрмас, ул бир ўтдурким, менинг жонимдадур.

Оташин лаъледурурким, анда музмар бўлди жон,  
Оташин гул баргидин хилъатки жононимдадур.

Жон куши хунобидин тутмиш малоҳат нахли ранг,  
Ё либоси лолагун сарви хиромонимдадур.

Катл биймидур, тараҳҳумнинг доги уммеди бор.  
Бу либоси олким, ул номусулмонимдадур.

Васл шоми куймаган парвона шояд қолмағай,  
Бу шафақгун ҳуллаким шамъи шабистонимдадур.

Тутмасун гул сұхбатидин сарв ўзни кўп сарфароз,  
Эй сабоким, ул тўни гулгун менинг ёнимдадур.

Соқиё, гулранг май солиб кетур паймонаким,  
Зухд биймидин халал факр ичра паймонимдадур.

Эй Навоий, истама жон булбулин ҳар гулдаким,  
Ул тўни гулгун, лаби гулбарги хандонимдадур.

(«Бадоеъ ул-васат», 194-ғазал)

### Луғат

**Оташин** – оловдай.

**Хилъат** – тўн, устки либос.

**Музмар** – яширилган, беркитилган, махфий, ичида.

**Хуноб** – қонли ёш, қайғу ёши.

**Малоҳат** – чирой, хусн, дилкашлик, жозиба, мазали.

**Бийм** – қўркув.

**Тараҳҳум** – раҳм-шафқат.

**Ол** – қизил.

**Ҳулла** – безакли, нафис матодан тикилган кийим.

**Паймона** – қадаҳ, ичимлик пиёласи.

**Паймон** – аҳд, келишув, ваъда.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Жононим кийган олов рангли гулдай нафис түн (устки либос), түн эмас у гўё менинг жонимдаги ўтдир.
2. Жононим устидаги олов рангли гулдай либос шундайин олов каби лаълдирки, унда жон яширингандир.
3. Ё бу жон қуши хуноби – қонли кўз ёшидан ранг олган малоҳатли (тароватли, жозибали) ниҳолдир ёки сарви хиромоним (гўзал қоматли ёрим) устидаги лоларанг либосдир.
4. Бу қизил либос ул кофир ёр эгнида экан, қатл қўрқуви мавжуд, аммо раҳму шафқатидан умидим ҳам бор.
5. Бундай шафақдай қизариб кўринган нафис либос шамъи шабистоним – тунларни ёритувчи шамъдай гўзал ёрим эгнида экан, васл шомида ушбу шамга талпиниб ёнмаган парвона қолмаса керак.
6. Эй сабо (тонг шамоли), гулдай либос кийган маҳбуба менинг ёнимда бўлса, сарв дарахти гул билан сухбат қилаётгани (бирга, ёнма-ёнлиги) билан мақтаниб, кеккаймасин.
7. Эй соқий, менга гул рангли (қизил) май тўлдирилган қадаҳни келтиргин, зеро зуҳду тақво ҳавфи фақрдаги аҳду паймонимга ҳалал бермоқда.
8. Эй Навоий, жон булбули тўни гулга ўхшаган, лаби гул баргидай кулиб турган ёримда экан, уни ҳар қандай гулга ошуфта бўлишини истама.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ғазалда ҳам дастлабки олти байт олов, гул, ўт, лаъл, хуноб, лолагун, шафақгун, гулгун, гулранг каби қизил рангли ашёлар воситасида ясалган тасвирларга бағишлиланган. Бу тасвирлар: 1) ёрнинг қизил либосда гўзал сурат касб этганини кўрсатиш; 2) шунга монанд тасвирий манзара яратиш ва 3) бунинг лирик қаҳрамонга таъсирини намоён этиш учун хизмат қилган. Бундай асарларда Алишер Навоийнинг бадиий сўздан фойдаланиш маҳорати, бемисл санъаткорлиги ярқ этиб кўзга ташланади. Ҳар бир сўз, ибора, ташбеҳ тасвирланаётган объектга нечоғлиқ муносаб ва ўкувчидаги завқ уйғотувчи, ҳайратга солувчи хусусиятга эга. Жононнинг либоси гул баргидай нафис, у худди алангладай барқ уриб туради. Олов шуъласига дикқат килсангиз ҳам қизғишилик, ҳам нафислик, ҳам ҳароратни сезасиз,

барқ уриб очилган гул ҳам худди словдай ял-ял ёнади, қизил түн кийгап махбуба ҳам ана шундай жозибали ва шу боис у ошиқ қалбига ўт солади, ўртайди, ёндиради. Навоий дейдикى, жоним ана шу ўт ичидә ёки ўтдай қип-қизил лаъл орасига қизил лаблар қатига яшириңганд.

Бу ғазалда ҳам қизил либосли ёрнинг қотиллигига ишора қилинганд (4-байт). Албатта, қатл бошқа ғазалларда ҳам, бу ерда ҳам күчма маънода, яъни ошиқнинг жони жонона ихтиёрида, у хохласа ошиқ жонини олиши ёки унга жон ҳадя этиши мумкин. Аслида, бундан ошиқ ҳам хафа эмас. Мажнун Лайли ишқида жон берганидан хурсанд, фақат Лайлига етишса бас. Иккинчидан, қизил ранг – қон ранги, қурбонлик белгиси. Ошиқи зор қурбон бўлиш хавфидан қутулмайди. Аммо ушбу байтда Навоий раҳму шафқат ҳақида ҳам гапиради. Жонона ошиқка раҳм қилиб, унинг жонини олмаслиги ҳам мумкин. Бунда ишлатилган «номусулмон» сўзи кофир маъносида бўлса ҳам (кофирлар раҳмсиз бўлади, демоқчи), лекин уни соғдиний маънода тушуниш ноўрин. Бу ерда у маъшуқа сифатларидан бири сифатида қўлланилган, яъни маъшуқадан шафқат кутиб бўлмайди, у ошикни буткул маҳв этишга тайёр. Ўқувчиларга равшан бўлсин учун еттинчи байтдаги «факр» тушунчасига изоҳ бермоқ лозим. Бу тушунча байтда зуҳдга қарама-қарши маънода келтирилган. Зуҳд тақводорлик маъносида ишлатилади. Аммо жаннат умидидаги тақво. Факр эса, фақат Худованд талабидаги орифона ниёзмандликдир. Яъни, Худодан бошқа нарсаларга кўнгил боғламаслик, ихтиёри батамом Оллоҳга топшириш. Факр Навоий ижодида кўп марта тавсиф этилган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## СИР САҚЛАШ САБОГИ

Дўстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,  
Бошингиэга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.

Фош қилманг роз, чунким асрай олмай қилдингиз,  
Ўзгалардин асрамоқ боре таманно қилмангиз.

Ишқ асрориға тил маҳрам эмастур зинҳор  
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.

Чун күнгүлдүр қалбу тил ғаммоз, махфий розни  
Жон ҳаримиидин бу иккига хувайдо қилмангиз.

Чун күнгүл тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас  
Айтмоқким, элга андин нукта имло қилмангиз.

Саҳва этиб, чун роз дуррин сочтингиз, нозим бўлуб  
Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз.

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,  
Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъю қилмангиз.

Менда ҳижрон дардию, йўқ васл, боре дўстлар,  
Чорае гар қилсангиз, жуз жому саҳбо қилмангиз.

Чун Навоий ишқ розин асрай олмай қилди фош,  
Отини роз аҳли тумморинда иншо қилмангиз.

(«Бадоеъ ул-васат», 216-ғазал)

Панд-насиҳат мавзууда яратилган, тўққиз байтдан иборат бу ғазал сир сақлаш маданиятидан сабоқ беради. Рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган: Фоилотун фоилотун фоилотун фоилун. У мавзу, ғоя, мазмун жиҳатидан «Наводир уш-шабоб» девонидаги «Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим» сатри билан бошланувчи ғазалга жуда яқин. Қизиги шундаки, бу ғазалларнинг бошка хусусиятлари ҳам бир-бирига мутаносиб: яратилиш даври, ҳажми, вазни, лирик қаҳрамони бир хил. Қиёсий таҳхил этилганда, уларнинг ҳар бири мустақил ва оригинал ғазал эканлигини тасдиқловчи қатор фазилатлар юзага чиқади.

«Кимсани дард аҳли деб сирримға маҳрам айладим» ғазали услубан ғазалнинг шарҳи ҳол турига мансуб. Унда лирик қаҳрамоннинг ўз замондошларидан бирига сирини изҳор этгани ва бунинг оқибатида бошидан кечирган изтироблари шарҳланади. Бу ғазалда эса лирик қаҳрамоннинг сир ва сирдош сақлаш маданиятига оид ҳаётий тажрибадан келиб чиқсан тугал, қатъий умумлашма, хуласалар панднома услубида ифодаланади.

Биринчи ғазал, композициясига кўра, радд ул-матла санъати асосига қурилган, якпора ғазал. (Бу ғазал ҳақида тўлиқ тасаввур учун қаранг: Ё. Исҳоқов. Навоий поэтикаси. Тошкент, «Фан» нашриёти, 1983, 140–141-бетлар). Биз таҳхил этаётганимиз ғазал эса композицион хусусиятларига кўра мусалсал ғазалдир.

Бу икки ғазални бир шоир шуурида кечгандар кечинмаларнинг тадрижий такомили натижаси сифатида баҳолаш, уларга бир-бирининг мантикий давоми сифатида караш мумкин. Чунки шоирнинг ҳәётий саргузаштлар никоясида етилган хулосалари «Эй Навой, дема сирринг кимсага...» дебон биринчи ғазал мақтасида бошланган ва иккинчи ғазалда түлиқ акс этган. Бу ҳолат «икки ғазал бир йўла ёзилган экан», деган фикрни үйғотмаслиги лозим. Улар шоир ҳәётининг бир даври – қариллик босқичида, лекин турли фурсатларда, турли воқеалар турткиси билан ёзилган бўлиши эҳтимол. Ғазалларнинг бири «Наводир уш-шабоб»дан, иккинчisi «Бадоеъ ул-васат» девонидан ўрин олиши ҳам балки шу билан изоҳланар.

*Дўйстлар, маҳрам деб элга роз ифшо қилмангиз,  
Бошингизга юз бало куч бирла пайдо қилмангиз.*

Бу бир маҳаллар «кимсани дард аҳли деб сиррига маҳрам айлаган» ва бундай очиқ кўнгиллиги туфайли «ўз-ўзини куч била расвойи олам айлаган» лирик қаҳрамоннинг ўз шахсий фожиасидан жамиятга берадётган сабоги. Аввалги ғазалнинг «кимсани дард аҳли деб», «дема сирринг кимсага» иборалари шоирнинг муайян кишиларга нисбатангина ишончи яраланганидан гувоҳлик қиласа, бу ғазал матласидаги «элга роз ифшо қилмангиз» сўзлари шоирнинг кишиларга ишонавериб қўп панд егани ва умуман, элга, жамиятга ишончи йўқолганидан далолат беради. Иккинчи байт матладаги фикрни янада кучайтиради:

*Фош қилманг роз, чунким асрой олмай қилдингиз,  
Ўзгалардин асрармоқ боре таманно қилмангиз.*

Шоирнинг таъкидлашича, инсоннинг ўз сирини асрашга ўз иродаси ожизлик қиласа, ўз оғзига кучи етмаса, сирини пинҳон тутишни бошқалардан умид қилиши ақлга сифмайди. Чунки бошқалар ҳам унингдек бир бандайи ожиз-да. Шунинг учун одам, аввало, ўзига ўзи пишиқ бўлиши лозим. Шу тариқа шоир умумдан хусусга кўчади:

*Ишқ асрорига тил маҳрам эмастур зинҳор  
Ким, кўнгулдин тилга они ошкоро қилмангиз.*

Ғазал ҳажвий ва киноявий руҳда давом этади: «кимса», «эл», «ўзгалар»ни қўя турайлиги, аввал, ўз аъзоларимизни назорат қилайлик. Маълум бўладики, «расвойи олам», «юз бало»га мубта-

ло бўлишимизнинг биринчи боиси тил экан, чунки сиримизни илк ошкор этувчи – у. Демак, сир-асрорни зинхор-базинхор «кўнгулдин тилга» кўчирмаслик керак. Аммо кўнгулга ишониб бўлармикин?

Чун кўнгулдур қалбу тил фаммоз, маҳфий розни  
Жон ҳаримидин бу иккига хувайдо қилмангиз.

Афсуски, кўнгил ҳам маҳрами асрор бўлолмайди, чунки уни «қалб» деб атайдилар. Навоий бу ўринда «қалб» сўзининг ўз (кўнгил) ва кўчма (қаллоб, фирибгар, нопок) маъноларидан маҳорат билан фойдаланган. Бу эса кўнгилдан қаллоблик ва фирибгарлик зоҳир бўлиши хавфидан далолат. Шундай қилиб, кўнгил – хиёнаткор, тил – сотқин («тил» сўзининг харбдаги маъносини ҳамда «фаммоз» сўзининг сир очувчи, чакимчи маъноларини эсланг) экан, маҳфий сирни жондан бу икки аъзога кўчирмаслик, уни фақат жонда асраром мъякул. Акс ҳолда, «маҳфий сир» жондан кўнгилга, кўнгилдан тилга, тилдан «кимса»га, «кимса»дан «ўзгалар»га, «ўзгалар»дан «эл»га ўтиб фош бўлади. Карабисизки, сохиби асрор яна – расвойи олам. Фазалдаги силсилавий тасвир тил ва кўнгил тафтиши билан тугамайди. Чунки инсоннинг ички имкониятида сирни фош этувчи бошқа воситалар ҳам бор:

Чун кўнгул тил бирла маҳрам бўлмади, ҳожат эмас  
Айтмоқим, элга андин нукта имло қилмангиз.

Шоир тилни сўзлашдан, кўнгилни тилдан, жонни кўнгилдан тийғандан кейин, сирни ошкор этувчи яна бир омил – имлодан (сирни ёзув орқали фош этишдан) тийилишини огохлантиради.

Шунчалик эҳтиёткорликка қарамай, бордию сир элга аён бўлиб қолса, шоир «Оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмай» – шармандаликка равнақ бағишламай, хоинларни жазолашни маслаҳат кўради:

Чок-чок айлаб кўнгулни, тилни айлаб юз тилим,  
Ташлаб итларга, аларнинг ёди қатъо қилмангиз.

Бу байт сир сақлаш санъати ҳақидаги мусалсал мушоҳадаларнинг – «Сир сақлаёлмайдиган вужуд – ҳалокатга маҳкум» маъносидаги изчил мантиқий якунидир.

Албатта, сирни бу қадар пинҳон сақлаш камдан-кам кишилар кўлидан келади. Айниқса, Навоий сингари сухан аҳлига собит совуққонлик билан сир сақлаш душвор, чунки шеър аҳли таъсирчан,

әхтиросли, очиқкүнгил бўлишади. Лирик қаҳрамон ўз саргузаштида-  
ги саҳву хатони назарда тутиб: «Саҳв этиб, чун роз дуррин сочтингиз,  
нозим бўлуб оҳнинг дудин саҳобу кўзни дарё қилмангиз», – дея  
ўзгаларга сабоқ беради.

Бу ва ғазалнинг сўнгги икки байтида, шоир ўзидағи «ҳижрон  
дардини баралла изҳор этиб, «дўстлар»дан чора – «жому саҳбо»  
тилаб турибди. Ғазал лирик қаҳрамоннинг ўз айби – «ишқ розини  
асрай олмагани»га икрор бўлиб, уни «роз ахли» – сир сақлай олуви-  
чилар тоифасига киритмасликлари илтижоси билан тугалланади.  
Демак, ғазал мундарижаси пишиқ ишланган. Ғазал сир сақлашнинг  
мукаммал сабоги, унга асос бўлган шахсий кечинма ҳамда оқибат-  
натижадан тузилган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### ТАҚДИРНИНГ ТЕРСЛИГИ ТАЛҚИНИ

Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сухбатин кўнглум писанд этмас.

Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳрае ондин тилармен, баҳраманд этмас.

Нетай хуру пари базминки, қатлим ё ҳаётимға  
Аён ул заҳри чашм айлаб, ниҳон бу нўшханд этмас.

Керакмас ой или кун шаклиним, ҳусну малоҳатдин  
Ичим ул чок-чок этмас, таним бу банд-банд этмас.

Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким,  
Бузуғ кўнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас.

Кўнгул ўз чархи золидин, фирибин емаким, охир  
Ажал сарриштасидин ўзга бўйнунгға каманд этмас.

Ул ой ўтлуг юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,  
Мұхаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

(«Бадое ул-васат», 238-ғазал)

Навоийнинг бу ғазали ишқ мавзуида яратилган. Етти байтдан  
иборат. Услубига кўра ғазалнинг изҳор турига мансуб. Композиция  
жиҳатидан якпора ғазалдир. Ҳазажи мусаммани солим вазнида яра-  
тилган:

Маълумки, Навоий ғазалиёти инсон руҳий ҳаётини бутун мурракаблиги ва муфассаллиги билан қамраб акс эттирган. Мазкур ғазалда ҳам ҳаётий, аммо зиддиятли ҳолат, армонли дард кўйланади. Ғазал ўз эстетик идеалига мос инсонни (дўст ёки ёр) топа олмаётган лирик қаҳрамон қалб изҳори билан бошланади:

*Мени мен истаган ўз сухбатига аржуманд этмас,  
Мени истар кишининг сухбатин кўнглум писанд этмас.*

Навоий ҳаётий бу ҳолатни шундай топқирилик ва самимият билан тасвирлаганки, бу савдо ҳар бир аҳли дил бошидан ўтган ёки ўтиши мумкин. Эркин Воҳидовнинг бир матласи айнан шундай ҳолатни ифодалashi билан Навоий матласига ҳамоҳангдир:

*Мен севармен жондан ортиқ, севганим суймас, нетай,  
Ҳам севиб, мен севмаган ўз ҳолима қўймас, нетай?*

Бу далил шуни кўрсатадики, Навоий қаламга олган туйғу замон ва макондан қатъи назар, одамзод руҳида ҳамиша яшовчи умум-инсоний туйғудир. Бу туйғунинг ҳаётйлиги, умуминсонийлиги яна шундаки, уни факат ошиқ-маъшуқлар муносабатига боғлаб қўйиб бўлмайди. Ғазал мазмунига кенгрок назар билан ёндашиш ва унда оддий одамлар орасида кечадиган муюмала жараёнини ҳам кузатиш мумкин:

*Не баҳра топқамен ондинки, мендин истагай баҳра,  
Чу улким, баҳрае ондин тилармен, баҳраманд этмас.*

Ҳаётнинг оддий фалсафаси мужассамлашган бу сатрларда. Байттарди акс – терс такрор санъати асосига қурилгани бежиз эмас. Унинг мазмунигина эмас, шакли ҳам ҳаётда, кўпинча, баҳтга қарши, терс ҳолатлар ҳукм суришини кўрсатишга қаратилган: Сен кимгадир интиласан, у эса сенга беларво, бошқа бирорга талпинади; кимдир сенга интилади, сен эса унга локайд, бошқа кишига илҳақ яшайсан; кимдир сендан баҳраманд бўлишни истайди, аммо сен уни баҳраманд этолмайсан; сен кимнидир баҳраманд этишни истайсан, бироқ у сендан бебаҳра яшайди ва ҳ.к.

Лирик қаҳрамон «нетай хуру пари базмин», «керакмас ой ила кун шакли» дея одамий меҳр-оқибатдан маҳрум мавжудотни инкор этади ва «Керак ўз чобуки қотилваши мажнуншиоримким, Бузуғ

күнглумдин ўзга ерда жавлони саманд этмас» сўзлари билан ўз диди, эътиқодига мос инсонни ихтиёр этади.

Улуғ шоирнинг маҳорати шунда ҳам намоёнки, у реалистик мазмунга ҳаётй ифода излаб топган:

Ул ой ўтлуг юзин очса, Навоий тегмасин деб кўз,  
Мухаббат тухмидин ўзга ул ўт узра сипанд этмас.

Халқнинг исириқ тутатиш одатидан бадиий ашё сифатида фойдаланиш байтнинг ниҳоятда оригинал чиқишига сабаб бўлган.

Ғазал халқимизнинг севимли мумтоз қўшиклари хазинасидан муносиб ўрин олган. Оғаҳий мазкур ғазалга «Фалаким, яхшилар базимида қадримни баланд этмас» сатри билан бошланувчи ажойиб мухаммас боғлаган.

**Нусратулло ЖУМАХЎЖА**

### **АҲД КИЛДИМ: ИШҚ ЛАФЗИН ТИЛГА ...**

Алишер Навоийнинг ҳар бир ғазали ўзига хос ёндашиш, ўзига хос таҳлил ва тафсир усулини тақозо этади, чунки ҳар бир ғазал алоҳида руҳий ҳолат, алоҳида поэтик фикр ва ҳис-туйғулар ривожини ифодалаб келади, тасвир тарзи, санъатлар мунтазамлиги ва мутаносиблиги ҳам шунга мувофиқ. Мазкур ғазалда эса Ишқ водийсида мушкулотларга дуч келган ошиқнинг бир лаҳзалик ҳолати, иккиланиши, гайрнинг сўзига кулоқ солиб, гўё вақтинча «араз», «истигно» билан ёридан юз ўгиришга беҳуда уриниши тасвирланади. Одатда, истигно (ўзини озод ҳисоблаш, ноз қилиш, араз) маъшуқ хислати бўлиши керак, ошиқ эса ниёзманд, ҳамма вақт ёрга содик одамдир. У шу хислати билан машхур. Бу ерда анъанага хилоф равишда иш тутилмадимикин? Йўқ, ундей эмас. Навоий лирик қаҳрамонининг озурдалигини маъшуқ нози сингари тушунмаслигимиз керак. Бу «истигно» – ишқдан тавба-тазару «аҳди» замирида ошиқ кўнглининг ҳар қандай азобларга бардош бериш, дарду балоларга тайёр туриши маъноси ётади. Ошиқ ишқ қийноқларидан қутулишга чора излайди, аммо кўллаган тадбирлари беҳуда бўлиб чиқади. Чунки у бу домга абадул-абад гирифтор, ишқни тилга олмайман, дейди, лекин у тилига келаверади, сирини элга билдиргиси келмайди, аммо дарди ошкор бўлаверади. Зоро, ошиқнинг инон-ихтиёри ўзида эмас.

Одамда шундай ҳолатлар бўладики, оҳанрабодай тортиб турган нарсадан безор бўлсанг ҳам, жоннинг қийноғисиз яшаш мумкин эмаслигини, кутулишга интилиб, кутуломаслигингни англаб бадтар изтироб чекасан. Навоий айни шу руҳий ҳолатни қаламга олган, яъни тилда тавба қилиб, инкор этиб, аслида кўнгил қаърида бунинг аксини тасдиқлаш. Ўзига хос шеърий санъат бу. Бир неча байтда кўринадиган, баъзан бутун ғазал бўйлаб ёйиладиган ушбу усульнинг классик шеършуносликда номи йўқ. Вокеан, Навоий каби улуғ шоирларнинг турфа санъатлари, услубий ихтиrolарига ном топиш, уларни тадқиқ этиши осон юмуш эмас. Навоий худди сон-саноқсиз комбинацияларни ёд биладиган, ҳар гал янги, хайратланарли юришларни ўйлаб топиб, ғалабага эришадиган шоҳмотчи мисол иш тутади. Сўзнинг битмас-туганмас имкониятлари, мутаассир этувчи ифодавий кудратини намойиш этади. Сўздан мўъжиза яратиш, класикларнинг ўз тили билан айтганда, сўзнинг додини бериш – улуғ санъаткорларга насиб бўлган баҳт.

Рамали мусаммани маҳзуф баҳрида ёзилган ушбу ғазалнинг аввалги беш байти ана шу тавба-тазарруъ мазмунида, яъни «инкор – тасдиқ» усулида ёзилган, шу жихати билан бу байтлар ўзаро боғланади. Қолган уч байт ғазалнинг умумий мазмуни билан бевосита эмас, балки бавосита боғланади. Шу сабабли ғазални пароканда дея олмаймиз. Тўғрисини айтганда, мен «пароканда» истилоҳини шеърга нисбатан кўллашга қаршиман. Чунки парокандалик бадиий асарга хос ҳусусият эмас, у бутунлай боғланмаган байтлар йигиндисини билдиради. Улуғ шоирларда, жумладан, Навоийда бундай шеър йўқ. Байтлар, юзаки қараганда, мазмунан боғланмаган, турли мавзуда бўлиб туюлса-да, ботинан улар ўзаро алоқадор. Шунинг учун бундай ғазаллар таҳлилида бевосита боғланиш (мусалсал) ва бавосита боғланиш деган тушунчалардан фойдаланишини маъкул деб биламан. Шундай қилиб, мазкур ғазал ҳасби ҳол, яъни ошиқ кечинмаларини ифодалайдиган асар бўлиб, байтлари қўйидагича шарҳланиши мумкин.

Биринчи байт:

Аҳд қилдим ишқ лафзин тилга мазкур этмайин,  
Тил неким, хомам тилидин доғи мастур этмайин.

(«Бадоеъ ул-васат», 504-ғазал)

«Мазкур» – зикр этиш, тилга олиш, «хомам» – қалам, «мастур» – ёзиш, рақам этиш. Қолган сўзлар тушунарли. Аммо бу байтнинг,

қолаверса, бутун ғазалнинг ўзак – калит сўзи ишқидир. Ишқ нима? Одамлар орасидаги алоҳида майл, севги, муҳаббат, деб жавоб берамиз дафъатан ва аксар аёл билан эркакнинг ўзаро муносабатлари, бир-бирига интилишини кўз олдимизга келтирамиз. Албатта, аёл ва эркак орасидаги муҳаббат, оила ишқ асосига қурилса ёмон бўлмайди, бу ҳаёт қонунига мувофиқ, чунки ҳаётнинг ўзи ҳам муҳаббатдан яралган. Лекин ишқни кенгроқ маънода, кайхоний андозага олиб қарасак-чи? Сўфи орифлар тушунадиган маъноларга дикқат қилсак-чи? Ахир, Навоий ишқнинг ана шу маъноларига кўпроқ зътибор берган-ку. Сўфилар талқинига кўра, ишқ – дўстлик туйғусининг олий даражага кўтарилиши: дўст орқали маърифатни, шоҳни севиш. Воқеан, дўст тушунчасининг ўзи ҳам кўп маъноли, «дўст» деганда улар юксак заковат, қалбида эзгулик нури порлаб турган инсон ва Мутлақ илоҳни англаганлар. Ана шундай дўст, яъни Ёр ишқига гирифтор бўлган одамлар бир-бирларисиз туролмайдилар, агарчи бу боғланиш юз кулфат ва алам келтирса-да. Шунинг учун ишқ сўзи ранж, дард сўзлари билан маънодош бўлиб қолган. Бу сўзнинг асл этимологик маъноси ҳам шунга ишора этади: у арабча «ашақа» (зарпечак) сўзидан келиб чиқсан. Зарпечак, биламизки, ўт-ўланлар, дараҳтларга ўраниб олиб, уларнинг ширасини сўриб қуритадиган гиёҳ. «Ишқ ҳам авжга кўтарилганда бамисоли зарпечакдай одамни бедармон қиласди, сезиш қобилиятини сусайтириб, еб-ичишидан маҳрум этади, ишққа чалинган кишига ўзгаларнинг гап-сўзи малол келади, у дўстдан бошқага қарамайди», – деб ёзади «Истилоҳоти урафо» луғатининг муаллифи Сайд Жаъфар Сажжодий (289-бет). У яна давом эттиради: «Дейдиларки, ишқ шундай бир ўтки, ошиқнигина эмас, маъшуқни ҳам ёндиради, ишқ бало дарёсиdir ва илоҳий жунундир ва дилнинг маъшук сари қиём этишидир».

Ишқ олдида денгизлар – томчи, тоғлар – зарра. У денгизни жўшу хурушга келтириб, тоғни талқон қила олади. «Эй ишқ, балойи жон эрурсен, Ҳам жонима дармон эрурсен», – дейди Алишер Навоий «Лайли ва Мажнун»да. Бу ҳақда олдинги бобларда тўхталдик, тақрорлашга ҳожат бўлмаса керак. Фақат бу ўринда шуни эслатиб ўтамизки, ишқ азобига чидамаган ошиқ ҳақиқий ошиқ эмас, бўлмаса у Навоийнинг лирик қаҳрамони каби: «Энди ишқ сўзини тилга олмасликка, тилга олишгина эмас, уни ҳатто қофоз саҳифасига ёзмасликка аҳд қилдим», – дейиши ҳеч гап эмас. Гирифторлик гирдоби ичидаги ҳасрат бу, аммо у ёлгон

«аҳд». Аслида ошиқ бу баҳри азимга бадтар шўнғимоқчи, зеро ошиқнинг занжири ҳам, қаноти ҳам ишқ, уни буд этадиган ҳам, нобуд қиласидиган ҳам кутулиб бўлмас шу Буюк жозиба. Шоир иккинчи ва учинчи байтларда «аҳди»ни давом эттиради; чунончи, иккинчи байт:

*Барча элга фитна бўлғон кўзга мафтун бўлмайин,  
Хар киши наззора айлар юзни манзур этмайин.*

Яъни: «Барчани фитна – фириб билан алдаган кўзга мафтун бўлмасликка (алданмасликка), барча қарайдиган юзга қарамасликка аҳд қилдим». Барчани фитна билан ўзига мафтун этадиган кўз дунё бўлиши ҳам, дунё нафосати билан боксан Мутлақ руҳ чашмаси бўлиши ҳам, юз-кўзидан нур ёғилиб турган комил инсон бўлиши ҳам мумкин. Хар ҳолда, маъшуқ кўзи фитнакор, алдамчи эканлиги аниқ. У барчани ошуфта этади. Ишқ, аслида, ана шу мафтункор юзу кўзга қарашибдан бошланган, ўша кўзларки, бечора ошиқни бир лаҳза тинч қўймайди. Хўш, агар юз ва кўз илохий сифат – тажаллиёт белгиси бўлса, нега у мафтункор, алдамчи? Гап шундаки, сўфилар наздида маъшуқ кўзи – басират даражаси, яъни қалб кўзининг ўткирлиги, айни вактда у ошиқни имтиҳон этувчи, синовдан ўтказувчи куч. Илохий жамол турли кўринишда жилоланиб, қалбга йўл излайди. Жило, мавж, товланиш – сехру жоду, мафтункорлик эмасми? Кўз, шу билан бирга, файбнинг манбай, сиру асрор чашмаси. Юз эса – илохиёт жамоли тимсоли ва комил инсон чехраси. Навоий даври кишиларининг ва буюк шоир тушунчаси ана шундай. Ҳам олам нафосати, ҳам инсон қалби гўзаллиги ва ҳам барча гўзалларнинг гўзали, барча равшанликлар манбай деб ҳисобланган Илоҳни бир ибора, бир ташбеҳ билан ифодалаш, Уни лирик кечинма орқали ёниб куйлаш. Буларнинг ҳаммаси Яхшилик ва Эзгуликка ошиқликни таърифлаш ва охир-оқибат инсон маънавиятини юксалтиришига хизмат этиш истагидан туғилган. Оқил ва одил инсоннинг юраги Илоҳ фазилати билан тўлиқ ва бу унинг аъмоли, фитратида намоён бўлади, бошқалар шу қалбнинг файзини идрок этиб, ундан баҳра олиб, Илоҳга яқинлашадилар. Шунинг учун бундай файзли одамлар эътиборни тортади, ҳамма уларга қараб интилади, уларнинг хоки пойини кўзига суртади. Шу учун бу илохий юз ва «фитнакор» кўзлардан бекиниш – Илоҳдан юз ўгириш билан баробар! – Яхшиси Ишқ оловида ёниш насиб этсин, жоду кўзлардан жудо қилмасин.

Учинчи байт:

*Ишқ қуфри бирла тақво хонақосин бузмайин,  
Бут хаёлидин күнгил дайрини мәмур этмайин.*

Ишқ – қуфр, ошиқ бўлиш – кофирилик. Бу кимнинг фикри? Албатта, бу мутаассиб диндорлар, ишқу ошикликтин ҳақиқий маъносини тушуниб етмаган кишиларнинг фикри, улар ҳаётни, илоҳий муҳаббатни куйлаган шоирларни шундай тамғалар билан айбламоқчи бўлганлар. Лекин қизиги шу ердаки, тасаввуфнинг ваҳдату вужуд фалсафасини чукур идрок этган шайх – орифлар, айниқса, Аттор, Румий, Хофиз, Жомий, Навоий, Машраб каби шоирлар буни ўзлари ҳам тан олганлар. Чунки суратпаст, масаланинг моҳиятига етмаган жоҳил руҳоний талқинидаги кофирилик билан сўфи шоир на зарда тутган кофирилик бошқа-бошқа нарсадир. Руҳонийлар бутга сиғинган одамларни кофир десалар, сўфилар «касрат оламининг зулми, дунё талаби, ваҳдатдан жудоликни» қуфр деб уқтирганлар («Миръот ул-ушшоқ»).

Ишқнинг кофири бўлиш – сўфи наздида ҳақиқий имонга эга бўлиш, нечунким, фарқлар, кўпликлар олами орқали, ёпиқлик пардасини кўтариш, дунёни тарқ этиш орқали ваҳдатга етилади. Диндор руҳоний Илоҳни севишни эмас, Унга сажда қилиш, тоат-ибодат билан жаннатий бўлишини тарғиб этади. Сўфи бўлса, Илоҳдан бошқасини тан олмайди, расм-русумлар, одат-маросимларни инкор этади, Илоҳ жамоли акс этган барча мавжудотни, бутни ҳам, насроний қизига ҳам севиш мумкин, деб таълим беради. Шайх Санъонни эсланг (Навоийнинг «Лисон ут-тайр» асари қаҳрамони). У румлиқ қизга ошиқ бўлиб, исломдан воз кечиб, насроний динига киради, ишқ йўлида нимаики юз берса – барига чидайди ва оқибатда илоҳий муҳаббатга эришади.

Шайх Санъон саргузаштига дикқат қилинса, ваҳдат майдан сархуш сўфилар эмас, балки тақводор зоҳид ва сохта шайхлар кофир бўлиб чиқади. Чунки «кофир – сифот, асмөв ва афъол даражасидан ўтмаган одам» («Миръот ул-ушшоқ»). Навоий «ишқ кофири» иборасини «бут» ва «дайр» сўзлари билан ёнма-ён қўллаган. Сабаби шуки, «бут» асосий матлаб, мақсад, яъни маъшуқ тимсоли, дайр эса – бутхона, оташпастлар ибодатгоҳи бўлиб, тасаввуф истилоҳида орифлар мажлиси ва зоти аҳадият ҳузуридир. Кўнгил дайрини бут хаёли билан безаш – пир сухбатини кўмсаш демак. Шундай қилиб, байтнинг мазмуни бундай: «Ишқнинг бехудликлари, парҳезсизлиги, сармастлиги билан тақво – тийилиш, яъни зоҳид

хонақохини бузмаслик, маъшуқага сифиниш, унинг ёдида ёниш фикри билан кўнгил уйини обод этмасликка аҳд қилдим», яъни пир суҳбатидан дилимни узишга сўз бердим.

Тўртинчи байт:

Ҳар кечада бир лаб майи васлидин этмай жонни масти,  
Ҳар кун онинг ҳажрида кўнглумни маҳмур этмайин.

Кечада кундуз, васл ва ҳижрон, май ва маҳмурлик сўзлари ҳам тазод ва ҳам таносиб санъатларини ҳосил этиб, аввалги байтларда ифодаланган ошиқлик шартларини инкор этиш давом эттирилган. Сўфиёна талқинга риоя этадиган бўлсак, лаб – маънавият оламидан малаклар воситасида анбиё ва орифларга нозил бўлиб, завқ ва илҳом пайтида улар кўнглидан тилига кўчадиган калом («Миръот ул-ушшоқ»), май – илоҳий тажаллиёт, маҳмур – шу ваҳдат майдидан беҳудлик. Байтнинг мазмуни: Ҳар кечада бир ширин лаб, яъни ориф кўнглида пайдо бўлган илоҳий каломни эшлиши лаззатидан жоними ни масти қилмайин ва ҳар куни шу каломдан ажralиб, кўнглимни хуморли (бу сўз қўмсаш, соғиниш маъносида ишлатилган) қилмайин, деб қарор этдим. Ёки мана бундай шарҳлаш ҳам мумкин: «Ҳар кечада пири орифнинг маънавият оламидан илҳом бўлиб тушган каломни лаззатидан жонни хушнуд этиш ва ҳар кун ўша маърифат каломими кўмсаб, хумор бўлишдан тийинайин дедим». Навоий бу байтда кечада кундузни қиёслагандан ёруглик ва зулумотни эмас, балки, аксинча, кечаси бўладиган пири мурид орасидаги хилват суҳбатларни, кундузи эса уларнинг ўзаро ажralиб кетишларини назарда тутган. Демак, ошиқ учун бундай кундузлардан кўра, пир васлини мунаввар этган тун афзал.

Шу тариқа, тўртта байтда ошиқнинг «ўз маслагидан қайтишга аҳдлари» баён этилиб, шеърнинг оҳангি, матн қаватидаги маънолар эса барча «аҳд»лар ёлғон эканини, инкорларнинг замирида тасдиқ яширинганини билдириб туради. Ошиқнинг ана шу кинояли ҳолатини англатиш учун шоир бешинчи байтда оҳиста «мантиқий ўтиш» усулини қўллайди, ғазал мазмунига ўзгариш киритилади. Мана ўша байт:

Гар чидай олмай кўнгул берсам бирорга ногаҳон,  
Бори эл ичра чидай олғонча машхур этмайин.

Ошиқликнинг талабларидан воз кечишига «аҳд» қилган лирик қаҳрамон энди ўзининг бунга чидай олмаслигини англайди, энди

у бир гўзалга, мукаррам дўсти азизга кўнгил бериши мукаррар. Лекин энди у ишқини пинҳон тутишга «аҳд қиласи», дейди. Аммо бу иш имкондан хориж, чунки ошиқлик ошкоро бўлмай иложи йўқ – дардни яширасанг, иситмаси билдириб қўяди.

Шундай экан, ишқ ва майни (ваҳдоният нурини) тарк этиб бўлмайди.

*Ишқу май анжоми чун ҳажр ўлди, қўй, эй шайхким,  
Ўзни бу иқболдин куч бирла маҳжур этмайн.*

Анжом – тугалланиш, оқибат демак. Маҳжур – айрилиқда қолган одам. Байтнинг насрый мазмуни эса бундай: «Ишқ ва май, яъни илоҳий неъматга интилишни йиғиштириб қўйиш, тарк этишнинг оқибати ҳажр – айрилиқдир. Қўй, эй шайхким, ўзимни бу саодат – ошиқлик ва бодапастлик саодатидан куч билан ажратмайн!».

Мана энди ҳаммаси равшан бўлди: Алишер Навоий тақвадор шайх гапига кириб, ошиқлини тарк этмоқчи бўлган одамнинг аҳволини кўрсатмоқчи экан. Шайх ишқни куфр деб, бехуда, маъносиз нарса деб тушунтирган, уни тилга олмасликка, фитначи кўзларга қарамасликка чақирган. Аммо ошиқ охири билдики, Ишқдан – илоҳий файздан ажралиш азоби ишқ азобидан кўра ҳам зўрроқ, йўқ-йўқ, бугина эмас, ошиқлик азоби ҳузур-ҳаловатга элтувчи, руҳий камолот сари етакловчи тозаланиш, халос бўлиш азоби экан. Шунинг учун бу азоб – саодат.

Хуллас, лирик қаҳрамон ғазалнинг олтинчи байтига келиб, ўз баённомаси («аҳди»)дан бутунлай қайтади, унинг олдин айтган гаплари ўз-ўзини синаш, ёхуд аллақандай кинояли усулда ишқ оловининг шухратини муболагали қилиб ифодалашдай таассурот қолдиради. Инкор замиридаги тасдиқ зоҳирий тасдиққа айланиб, ошиқнинг ўз имкону эътиқодида собит эканлиги маълум бўлади. Мана шундан кейин Навоий қўйидаги умумий контекстга «ёпишмайдиган» еттинчи байтни келтиради:

*Зулм ила эл жонига ўт ёқма, эйким шоҳсен,  
Гар десанг дўзах ўтига жонни маҳрур этмайн.*

Ошиқона ва орифона ғазалларда, кўпроқ мақтадан олдинги байтда бирор ўгит-насиҳат қилиш ғазалчиликда кам учрайдиган ҳодиса эмас. Бундай ҳолни Ҳофизу Саъдий, Жомий ва Навоийда тез-тез учратамиз. «Дўзах оловига жоним кўймасин десанг, эй шоҳ, зулм билан

халқ жонига ўт ёқма». Бунинг олдинги байтларга алоқадорлик жои борми? Бевосита эмас, аммо бавосита бор. Ишқизлиқ, Илоҳдан бехабарликнинг ўзи зулм демак, бундай одам подшо бўлса – эл ҳолига вой, чунки ишқи йўқ одам бераҳм, бешафқат бўлади. Илоҳ ишқи, умуман кўнгилнинг мухаббатга мойиллиги одамни адолат ва инсофа ошно этади. Навоийнинг бу қистирма насиҳат байти шундан далолат берадики, у лирик кечинмалар тасвири асносида ҳам шоҳни адолатга чақириш, золимларни жазолаш, халқни улардан халос этиш ғоясини ўтказишни лозим топган ва буни зарур деб ҳисоблаган. Ишқ, илоҳ, адолат тушунчалари Навоий учун ўзаро зич алоқадор. Унинг катта-кичик барча асарларига бу ғоя сингдирилган. Фазалнинг мақтаи ҳам еттинчи байт каби умумий мазмунга тўғридан-тўғри боғланмайди, аммо у еттинчи байтнинг ўзига ҳам унчалик яқин эмас:

*Гарчи маъзур ўлди маъмур, эй Навоий ўзни мен  
Дўст маъмур айлаган хизматда маъзур этмайин.*

Маъмур сўзининг бир маъноси амр – фармон, иккинчи маъноси обод, фаровонлик. Маъзур – узрли, кечирилган. Бу икки сўз байтда тажнис санъатини яратишга хизмат қилган. Яъни «Гарчи маъмур – маъзур (подшо амри вожиб бўлганидай дўст хоҳиши ҳам вожиб) деган маколга асосан, эй Навоий, мен ўзимни дўст амр айлаган хизматдан четга тортмайин». Ёки: «Узрларим кўпайиб кетди, эй Навоий, дўст амр айлаган хизматдан ўзимни маъзур тутмайин» ва яна: «Гарчи узроҳлик кўпайиб кетган бўлса ҳам, эй Навоий, мен дўст обод айлаган мажлис хизматидан бўйин товламайин».

Бу уч изоҳимизда ҳам Навоий байтининг маъноларидан қайсиdir томони акс этди, бирор назаримда, иккинчи вариант ҳақиқатга хийла яқин, чунки у фазалнинг умумий мазмунини якунлай олади. Мактадан бошлаб давом этган «аҳд»ларини шоир узроҳлик деб айтади, яъни узрим жуда узайиб кетди, кел, гапни қисқа қилиб, Дўст амр этган хизматни узр айтмасдан бажарайин, деди у. Ошик учун дўстнинг хизматидан шарафли иш йўқ, у доим бунга тайёр туриши керак. Улуғ шоирнинг маслаги шу эди.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## УЛ ҚҮЁШ ОҚ УЙДАВУ ...

Ул қүёш оқ уйдаву мен музтарибмен ҳар сари,  
Үйлаким, фонусдин парвона қолгой ташқари.

Садқаси бўлмок эрур мақсуд мен саргаштаға,  
Оқ уйи давриға буким айланурман ҳар сари.

Ичкари ул гул тувурлуғни кўтармаслар, нетай,  
Эй сабо фарроши, бир лутф айлабон ул ён дари.

Парда кетгоч, мен заифи зорга осон эрур  
Йўлларидин чигнинг солмоқ ўзумни ичкари.

Оқ уй ичра ҳар недур зоҳирдур ул юз тобидин,  
Шамъ бўлса уйда, ташқардин бўлур зоҳир бари.

Гар фалак хиргоҳи бўлса пеши хонанг, не осиғ,  
Умр хайли чунки кундин-кунга келмас илгари.

Эй Навоий, ул маҳи хиргахнишин ҳифзи учун  
Кўзанак эрмаски, ҳар сори тикилмиш кўзлари.

(«Бадоев ул-васат», 591-ғазал)

### Лұғат

**Музтариб** – изтироб чекувчи, паришон, бетоқат.

**Саргашта** – сарсон, овора, паришон.

**Тувурлуғ** – ўтовнинг тўйнугига ёпиладиган кигиз.

**Дори (дари) мок** – бормоқ, кирмоқ, яқин йўламоқ, ҳозир бўлмоқ.

**Чиғ** – ўтқоқ, чодирнинг атрофиға ўраб қўйиладиган бўйра.

**Тоб** – ҳарорат, товланиш, порлоқлик.

**Хиргоҳ** – чодир, ўтв.

**Осиғ** – фойда, нафъ.

**Кўзанак** – кўрикчи.

### Ғазалнинг насрый баёни

1. Күёш юзли гўзал маҳбубам оқ ўтов ичиди ўтирибди, мен эса ўтовнинг (уйнинг) атрофида паришон айланиб юрибман. Бу худди фонус ташқарисида қолган парвонага ўхшайди.

2. Ёрнинг оқ уйи (ўтови) атрофида саргардон айланишдан мақсадим унга жонимни садқа қилмоқдир.
3. (Ичкарига қарай десам), ул гўзал ўтирган ўтовнинг дарchasига осиб қўйилган кигизни ичкаридан кўтариб, дарчани очмайдилар. (Шунинг учун ёлвораман) эй сабо шамоли (уй тозаловчиси), бир марта лутф айлаб, ул дарча кигизни кўтар.
4. Парда (кигиз) кўтарилса, мен бечора ошики зорга ўтовни ўраб турган чиф (бўйра)ни кўтариб ичкари кириш осон бўлади.
5. Оқ ўтов ичида ул ойнинг юзи порлашидан ҳаммаёқ ёруғ ва кўриниб туради. Ахир, унда шамъ ёниб тургач, ташқаридан ҳамма нарса кўриниб туради.
6. Уйингнинг олдида фалак чодири бўлса ҳам фойдасиз, зеро умрнинг йиллари (йилларнинг суворийлари) олдинга эмас, орқага қараб кетади.
7. Эй Навоий, чодир (ўтов)да ўтирган ой юзли ёрни қўриқлаш учун кўзлари ҳар томонга тикилган кўзанак – қўриқчи эмассан.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ғазалда ажойиб манзара чизилган: ёр оқ ўтов ичида, аммо ошиқ ташқариди, худди фонус ичидаги шамга етолмай, ташқариди қолган парвонадай. Ошиқ ўтов атрофида безовта, бетоқат бўлиб айланади, ичкарига назар солишининг иложи йўқ, чунки ўтов дарчалари ҳам кигиз билан беркитилган, ўтовнинг атрофи эса чиф – қамишдан ёки новдадан тўқилган (бўйрага ўхаш) мато билан ўраб чиқилган. Ошиқ тонг елига мурожаат қилиб, дарчадаги ёпинчиқ наматни кошки кўтарсанг, шунда мен чигни суреб ичкари қарапдим, деб ёлворади. Шу аснода оқ уй (ўтов)нинг сурати чизилади: ичкарини ёр жамоли шамдай ёритган, ташқари эса коронғи (хижрон тунидай).

Бундай тасвир ғазалга аниқ ҳаётий мазмун бағишилаган, Навоий уста рассомдай оқ кигиздан тикланган ўток, унинг ичидағи соҳибжамол ёр хуснidan ёришиб кетган ўтов, ўтов атрофида нима қилишини билмай, сарсону ҳайрон айланиб юрган ошиқ ҳолатларини чизади. Умуман, Алишер Навоий ғазаллари орасида ана шундай манзарали тасвиirlар анчагина бор. Чунончи, ёр гоҳ кемада дарё сайрида, гоҳ ўтовда. Гоҳ чопқир от миниб майдонда чавгон ўйнаётган ҳолатда, гоҳ лола сайрида. Гоҳ боғ ичида айланниб, гул тераётган ҳолатда тасвиirlанади. Бу манзаралар ўқувчи кўз олдида ошиқнинг кечинмаларини янада жонли, реал ва жозибали

қилиб күрсатишга хизмат қилади. Умуман, келтирилгандай ғазал устида сүз бораёттанды шуны айтыш керакки, Навоий замонида баҳор бошланиши билан шаҳар ахли, бутун-бутун хонандолар далага күчиди чикар, майсазорлар устида ўтов тиклаб, чорвасини бокиб семиртиришдан ташқари, қиши учун ёф, курут, қатиқ ғамлаганлар. Бундан ташқари, бу ўзига хос бир хушнудлик кайфиятини пайдо қилган, сайру тамошо ўрнида ўтган. Айнисса, аъёнлар, мулқорлар учун дала сайри ўзига хос байрам тусини олган. Ҳусайн Бойқаронинг оиласи, сарой ахли билан Хиротдан ташқарига чикиб ўток тикиши, ҳар хил спорт ўйинлари ташкил этиб, дилхушлик қилиши Зайнiddин Восифийнинг «Бадоев ул-вақоев» асарида кенг тасвиранган. Бундай анъанавий сайру гашт (лола сайри)ларида Навоий ҳам иштирок этган.

Демак, жонли манзаралар тасвирига бағишлиланган ғазаллари унинг лирикасидаги алоҳида қатлам бўлиб, улуғ шоир санъаткорлиги, маҳоратининг муҳим қиррасини белгилайди. Бундай ғазалларда одатда таносуб санъати кўлланган бўлади. Яъни тасвиранаётган воқеага муносаб ранглар, бир-бирига мос ашёлар қаламга олинниб, улар орасидаги ташки ва ички ўхшашикдан гўзал, қалбни кувонтирадиган лавҳа чизилади. Келтирилган ғазалда ҳам оқ ўй (ўтов)га мувофиқ, шам, қуёш, фонус, ой ташбехга олинганки, улар мутаносиб бир завқ берадиган гўзалликни вужудга келтирган.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ЎЛТУРГУСИ

*Бир кун мени ул қотили мажнуншиор ўлтургуси,  
Усрук чиқиб, жавлон қилиб, девонавор ўлтургуси.*

*Гар заъф ила ожизлигим кўнглига раҳме солса ҳам,  
Бошимга еткач, секретиб беихтиёр ўлтургуси.*

*Васли аро гар ўлтурур, жонимға юз минг шукур эрур,  
Чун қолсам андин бир замон ҳижрони зор ўлтургуси.*

*Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,  
Хажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.*

*Майдон аро, эй ахли дин, кирманг тамошосиғаким,  
Юз кўрмайин ул кофири чобуксувор ўлтургуси.*

*Лаълинг закоти май тутиб тиргумасанг, эй муғбача,  
Дайр ичра мен дилхастани ранжи хумор ўлтургуси.*

*Дерлар Навоий қатлиға гул-гул очибтур оразин,  
Кўргунча они, войким, бу хор-хор ўлтургуси.*

(«Бадоеъ ул-васат», 615-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ёшлиқ лирикаси маҳсулидир. Ражази мусаммани солим вазнида битилган:

Мустафъилун мустафъилун мустафъилун мустафъилун

Ғазал ишқий мавзуда яратилган. Етти байтдан иборат. Услубига кўра, ғазал шарҳи ҳол турига мансуб. Таркибий изчилиги жиҳатидан якпора ғазалдир.

Фоявий мазмун-мундарижаси билан ғазал анъанавий руҳга эга. У лирик қаҳрамоннинг маъшуқа шафқатсизлигидан шикояти, айни пайтда, хижрон қийноғи ва висол иштиёқи изҳори билан бошланади.

Мұхаббат дардига чалинган ошиқ турфа мұраккаб, зиддиятли ҳолатларга тушади. Мазкур ғазал лирик қаҳрамони ҳам лаҳзалик висол шукронаси ва «хижрони зор» қатли аро ўртанади:

*Васли аро гар ўлтурур, жонимға юз минг шуқр эрур,  
Чун қолсам андин бир замон, хижрони зор ўлтургуси.*

Ғазалда тасвирланишича, ошиқлик инсон учун шундай қисматки, у мудом ишкнинг изтиробли лаззатлари ва лаззатли изтироблари оғушида яшашга маҳкум. Бу ҳажвий руҳда шундай ифодаланади:

*Ошиқ бўлурда билмадим мен нотавони хастаким,  
Ҳажр ўлса, ғам куйдургуси, васл ўлса, ёр ўлтургуси.*

Иккинчи лирик қаҳрамон – маъшуқа «ожиз», «дилхаста», «нотавони хаста» ошиққа қарама-қарши ўларок, шўх, шаддод қиёфада гавдаланади. Бу «мажнуншиор», «девонавор», «кофири чобуксувор» ифодаларида ҳам яққол кўринади.

Тасвир жозибадорлиги, мусиқий оҳангдорлик боис, ғазал ҳалқнинг машҳур ва севимли қўшиғига айланган.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ОШУФТАХОЛ ЭТМИШ МЕНИ

Бир парипайкар ғами ошуфтахол этмиш мени,  
Элга ақволим демактин гунгу лол этмиш мени.

Мен ҳавоийни, не тонг, күргузсалар бир-биргаким,  
Эгма қошиңг фикри, андоқким, ҳилол этмиш мени.

Ошкор этмас эдим ишқин, vale үткан кеча  
Бода зүр айлаб, йиғи безэтидол этмиш мени.

Ёр күйи ичраким, туфроғ ила тенг бўлмишам,  
Ишқ ғавғоси бу янглиғ поймол этмиш мени.

То танимға ўт туташмиш, барқдекдур ҳайъатим,  
Фурқатинг то заъфдин, андоқки, нол этмиш мени.

Ўт солурмен оҳ ила оламға, мен ким, зуҳд ким,  
Зоҳиди афсурда оё не хаёл этмиш мени.

Дашти ваҳшиға анис ўлсам Навоийдек, не тонг,  
Ул пари савдоси чун мажнунмисол этмиш мени.

(«Бадоев ул-васат», 619-ғазал)

Ғазал Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб. Рамали мусамманни маҳзуф вазнида яратилган:

Фоилотун ғоилотун ғоилотун ғоилун

Ғазал муҳаббат кечинмаларидан баҳс этади. Етти байт давомида шу мавзу изчили ёритилганига қараганда, ғазал таркиби якпорадир. Ғазалнинг гоявий мазмуну лирик қаҳрамоннинг қалб кечинмалари изҳори асосига қурилган.

Шоир муҳаббат дардига чалинган ошиқ ақволини тасвиirlашда анъанавий йўлдан боради. Шунинг учун ғазалнинг матни содда, машҳур, тушунарли, ортиқча шарҳлашга эҳтиёж йўқдек туюлади. Айниқса, матладаноқ бир муҳаббат тарихи акс этган яхлит лирик асар мазмунини осон англаб олиш мумкин.

Ғазалнинг ҳар байти навоийвор маҳорат маҳсули ҳамdir.

Мен ҳавоийни, не тонг, күргузсалар бир-биргаким,  
Эгма қошиңг фикри, андоқким, ҳилол этмиш мени.

Бир қараща, фақат ошиқ ақволи тасвиirlанаётгандек кўринади. Лекин аслида, маъшуқа тасвири ҳам зимдан мужассамлаштирил-

ган. Шоир ҳаёттй лавҳа – янги ой, яъни ҳилол пайдо бўлиши билан одамлар бир-бирларига уни кўрсатиб, шукроналар қилишлари манзарасидан фойдаланиб, ишқ савдоси унинг қоматини ҳилолдек нозик ҳолатга олиб келганини ифодалайди. Аммо ҳилол тимсолига мурожаатидан муддао факат ошиқ аҳволи тасвири эмас. Балки бунинг воситасида ошиқнинг ишқ туфайли ой сингари ҳаволаниб кетгани, маъшуқаннинг ҳилол каби эгмақошлиги тасвири ҳам аёнлашгандир.

Лирик қаҳрамон аҳволи руҳиясининг тасвири байтма-байт тадрижий кучайиб боради:

*То танимға ўт туташмиш, барқдекдур ҳайъатим,  
Фурқатинг то заъфдин, андоқки, нол этмиш мени.*

Ойдек ҳаволаниш қаёқдаю, чақиндек чақнаш қаёқда? Ҳилолдек нозикланиш қаёқдаю, нол (қамиш қалам ичидаги ингичка томир, қилтириқ) дек ҳолатга тушиб қаёқда? Фазал инсон руҳиятининг шундайин нафис манзаралари тасвири билан қимматлидир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

### КИМКИ БИР КЎНГЛИ БУЗУҒНИНГ...

Кимки бир кўнгли бузуғнинг хотирин шод айлагай,  
Онча борким, Каъба вайрон бўлса, обод айлагай.

Гарчи халқ озодасимен, ёр агар бандам деса,  
Андин ортуқ англаким, бир банда озод айлагай.

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун  
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Ёр ҳижронидин ўлгумдур, бу навъ эрмиш сазо  
Ул кишигаким, бирауга ўзни мұтод айлагай.

Неча сабр авроқи ёзғай кўнглуму бир оҳ ила  
Сарсари ишқинг етиб, борини барбод айлагай.

Шайҳдин зухду риёйи касб ўлур, ё раб, қани  
Дайр пириким, фано расмини иршод айлагай.

Одам авлодида камдур одамийлик шеваси,  
Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.

Не балодурким, фалак ҳар кимга чекса тийғи кин,  
Ёнгилиб аввал менинг жонимға бедод айлагай.

*Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.*

(«Бадоев ул-васат», 621-ғазал).

Ҳикматомуз байт билан бошланган бу ғазал Навоий ижодиетининг камолот босқичи – қарилек лирикаси маҳсули. У – ижтимоий мавзуда битилган ғоявий теран асар. Тўқиз байтдан иборат. Услубан таъриф, шарҳи ҳол, изхор уйғунлашган аралаш турдаги ғазал. Таркибий жиҳатдан мустақил байтли ғазаллар туркумига мансуб. Мураддаф, рамали мусаммани маҳзуф вазнида ёзилган:

Фоилотун      фоилотун      фоилотун      фоилун

Ушбу ғазал биргина матланинг ўзи билан адабиёт тарихига киришга ва абадий эъзозланишга сазовор. Матланинг қіммати, аввало, юксак инсонпарварлик ғояси билан йўғирилганидадир. Рухи чўқкан, дили вайрон, дардманнад кишининг дардини олиш, кўнглини кўтариш, кайфиятини чоғлаш, унга таскин-тасалли бериш ҳаётнинг ҳар бир дамида, ҳар кимнинг қўлидан келадиган энг оддий инсоний эзгулик. Аммо суръатли ва шафқатсиз ҳаёт чорраҳаларида аксарият кишилар бундай савоб ишни унутадилар, ёхуд уddeлай олмайдилар. Ҳатто, баъзилар инсон дилини оғритиш – дилозорлик билан шуғулланадилар. Навоий бу оддий инсоний бурчни адо этишини Каъбадай муқаддас обида бузилган тақдирда, уни қайтадан тиклаш, тирилтириш, ободонлаштиришдай яхшилик тарзида улуглайди.

Навоийнинг бу байти шу қадар сеҳрловчи, ҳайратомуз ҳикмат сифатида машҳур бўлдики, улуғ донишманднинг издошлари асрлар мобайнида бу ҳикматни турли шаклларда шарҳлаш, такомиллаштиришга интилдилар. Масалан, Бобораҳим Машрабнинг оташин ғазалларидан биридаги мана бу байт Навоийнинг шоҳбайтига ҳамоҳанг жаранглайди:

*Тавофи олами дил қил жаҳонда ҳар башардин сен,  
Агар бир дилни сен бузсанг, юзар Каъба бузулмазму?*

Машраб инсон дилини тавоффа этиш савоби қадр-қімматини янада юксакка кўтаради. Бир инсон дилини оғритиш юзлаб Каъбаларни вайрон этиш қадар гуноҳи азимлигини уқтиради.

Навоийнинг аҳилликка, биродарликка чорловчи бу матласи жуда чуқур тарихий асосга таянган. Каъбанинг вайрон бўлиши ва сўнг қайта қурилишига ишора қилиш оддийгина бадиий тўқима эмас, балки олис тарих ҳақиқатини ғазалхонга эслатувчи талмех санъа-

тидир. Тарихдан маълумки, бузилган Каъба ибодатхонасини турли жамоа вакиллари ҳамкорлик, бирлик, ахилликда қайта қурғанлар. Каъбани қайта куришдаги энг масъулиятли вазифа – муқаддас Қора тошни ўз анъянавий жойига ўрнатиш муаммосини Мухаммад алайҳиссалом бажарган ва бу иш унинг пайғамбарлик салоҳиятини далилловчи мұхим белгилардан бўлиб қолган. Шоҳбайт ва тарих қиёсидан келиб чиқадиган мантиқий хулоса шуки, «кимки бир күнгли бузуғнинг хотирин шод айласа», бузилган Каъбани қайта куришга, яъни Мухаммад пайғамбар даражасидаги курдат ва кароматга муссар бўлади.

Ушбу байт бадиияти фақат фалсафий-аҳлоқий моҳияти билан эмас, сода ва тушунарли услуги билан ҳам қимматлидир.

Ғазалда висолга ташналиқ, ёрга эътиқод туйғулари сингдирилган байтлар мұхим ўрин тутган:

Ёрдин ҳар кимки бир сўз дер, туганмасдин бурун  
Истарамким, аввалидин ёна бунёд айлагай.

Лирик қаҳрамонда маҳбуба ёдига меҳр-муҳаббат, интилиш шу қадар барқамолки, у ёр хаёлидан узилиб қолишини, у ҳақдаги муждалар мұхтасар бўлишини истамайди. Маҳбуба ҳақида сўз бошлаган киши ҳикоятини тугаллаб қўйишидан хавотирга тушиб, суҳбатдоши ёр васфини қайтадан бошлишини истайди. Бу – соғинч, ҳижрон хисларининг майин лиризм, ҳажв воситасида ифодалангани.

Ғазалда ижтимоий салмоқдор мазмун, одамийлик фалсафаси барқ уриб турган байтлар етакчилик қиласи.

Одам авлодида камдур одамийлик шеваси,  
Одам эрмас улки, майли одамизод айлагай.

Одамийлик фалсафаси фақат одамдаги олижаноб фазилатларни таърифлашдангина иборат эмас. Ғазалнинг тугалланма байти Навоийнинг Астробод сургунида кечирган мاشаққатли ҳаётини эслатувчи биографик хусусиятга эга:

Беша ичра девлар мақтули ўлсун, эй пари,  
Гар Навоий ёна азми Астробод айлагай.

Бу Навоийнинг таржимаи ҳолига оид маълумотларни тўлдирувчи, қувватловчи мұхим далилдир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

«ФАВОЙИД УЛ-КИБАР»  
(КЕКСАЛИК ФОЙДАЛАРИ)



## МАНГА НЕ МАНЗИЛУ МАЬВО АЁН ...

Манга не манзилу маъво аён, не хонумон пайдо,  
Не жонимдин асар зохир, не кўнглумдин нишон пайдо.

Хирад махфий, бадан фоний, кўнгул ғойиб, тараб маъдум,  
Бори саҳл эрди, бўлса эрди ул номеҳрибон пайдо.

Шикебу сабру хуш итмиш, қарору ақлу жон кетмиш,  
Не ғам, гар бўлса ул ороми рух, ул кути жон пайдо.

Ҳаёли жонда пайдодур, сўзи афғонда пайдодур,  
Ўзи ҳам нетти, ваҳ, оллимда бўлса бир замон пайдо.

Ўлар ҳолатдамен онсиз, тарабдин кўрмайин ўлмай,  
Деманг, таъжил ила ул умр бўлса ногаҳон пайдо.

Қиёмат эрди онсизким, юз очти, эй мусулмонлар,  
Бўлунг воқифки, бўлди фитнайи охирзамон пайдо.

Кесар юз нахлни ҳар дам, қилур юз сарвни хуррам,  
Таажжуб кўрки, бу гулшанда эрмас боғбон пайдо.

Ҳазар қилмоқ қазо жаллодидин бўлмаски, йиллардур  
Килур қатл, ўйлаким, не тийғ эрур пайдо, не қон пайдо.

Санга жон шавқдин берди Навоий, йўқ ажалдинким,  
Ажал топқунча эрмас ул заифу нотавон пайдо.

(«Фавойид ул-кибар», 34-ғазал)

### Луғат

**Хирад** – ақл.

**Маъдум** – йўқ, йўқолган, яширин, кўринмас.

**Саҳл** – осон.

**Шикеб** – сабр, тоқат, ором.

**Итмоқ** – йўқолмок, тугамок.

**Кут** – қувват, озуқа.

**Таъжил** – шошилинч, тез, зудлик.

**Маҳ** – ой.

**Наҳл** – ниҳол.

**Ногаҳон** – бирданига, тўсатдан.

### **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Менинг манзилим, муқим турадиган яшаш жойим ҳам, қаердалигим ҳам маълум эмас. Жонимдан бирор белги, кўнглимдан нишон ҳам йўқ.
2. Ақл кетди, жисмим ҳам йўқдай. Кўнглим ғойиб бўлган, хурсандлик кўринмайди. Лекин агар ул номеҳрибон (ёр) пайдо бўлсайди, буларнинг (ўз ҳолига) қайтиши ҳеч гап эмас эди.
3. Орому тоқатим, ақлу ҳушим йўқолди, дилда қарорим йўқ, жоним ҳам кетибди; Бироқ агар ул ороми жоним, руҳимнинг куввати, жон озиғи пайдо бўлсайди, бу йўқотишлардан фам чекмасдим.
4. Унинг хаёли – суврати жонимда пайдо, сўзлари фифону ноламда кўриниб туриби, қанийди унинг ўзи ҳам бир лаҳзада олдимда пайдо бўлиб қолса.
5. Усиз (уни кўрмасам) ўлар ҳолатдаман (чунки у яширин), ўлиш кувончидан кўролмайсан, деманг, бордию бирданига ул гўзал Ёр (умр) пайдо бўлиб қолса, жисмимга қайта жон киради.
6. Усиз қиёмат эди. Юз очгандан кейин, эй мусулмонлар, огоҳ бўлинг, чунки энди охирзамон фитнаси юз беради.
7. Ҳар дамда юз ниҳолни (навқирон ошиқларни) кесади ва юз сарвага (сарвқоматларга) жон бағишилаб, шод этади. Ажаб ҳолатки, бу боғбон кўринмайди.
8. Қазо (такдири азал) жаллодидан қочиб қутулиб бўлмайди, унга чап бериш, ундан нафрлатланиш бефойда. Бу жаллод йиллар, асрлардирки тифсиз, қон тўқмай юз минглаб одамларни қатл этади.
9. Эй Навоий, сенга Оллоҳ жон шавқини (рағбати, орзуласини) бердими ёҳуд ажал истагиними, зеро ўлмагунча ул заифу нотавон пайдолик – ҳақиқий борлиқка эга бўлмайди.

### **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Ишқ иэтироби, пайдову пинҳон, гоҳ кўринадигандай, аслида, яширин Ёр ёди билан ақлу ҳуши, сабру тоқатини йўқотган ошиқ

ҳолати тасвирланган бу ғазалда. Ошиқнинг дарди ҳаддан зиёд, шу даражадаки, у ўй-жойи, манзил-маконини ҳам эслай олмайди. Лекин, агар Ёр олдимда бир лаҳза пайдо бўлганда ҳамма-ҳаммаси қайта тикланган, ақлу ҳушим ҳам жойига келган, орому осойиштагим яна барқарор бўларди дейди ошиқ ва буни уч байт давомида янги-янги ташбехлар, кетма-кет келтирилган оҳангдош тамсиллар орқали куйлади, ўкувчининг қалбини ҳам маҳзун тўйғуларга тўлдиради. Айрилиқ – маҳзунлик, оғир дард. Шоир буни бўрттириб кўрсата билган.

Аммо тўртинчи байтдан бошлаб ўзга бир фикр баён этилади. Яъни дастлабки уч байтда ошиқнинг айрилиқдаги соғинчи, соғинч дардидаги беҳудлиги ва Ёрнинг кўринмаслиги, пайдо эмаслиги тасвирланса, тўртинчи байтда Унинг хаёли – сурати жонда пайдолиги, сўзлари ошиқнинг нола-фифонида эшистилаётгани – пайдолиги ҳақида гап боради. Бешинчи байтда Ёрнинг умуман яширинлиги – пинҳонлиги айтилади ва қўшиб қўйиладики, ошиқ Ёрни кўрмоқ учун ўлишга ҳам рози, аммо кўрмаса ҳам, айрилиқда «ўлар ҳолатда»дир. Бу фикр бошқа иборалар билан олтинчи байтда ҳам такрорланади. Бу қандай Ёр? Нега у ҳам пайдо, ҳам пинҳон?

Алишер Навоийнинг тўрт девонида «пайдо» радифли тўккизта ғазал бор. Уларда Тангри таолонинг Зотининг тажаллисини акс эттириши, инсонларнинг бир-бири ва дунё гўзаллигини севиши ана шу тажалли нури туфайли экани устида шоирона мушоҳада боради. Сўз юритаётганимиз ғазалда ҳам шу маъно акс этганини сезиш мумкин. Аммо бу фикр ғоят нозик ва бир умумлашган ҳолда давом этади. Зийрак китобхон дикқат қиласа, реал маҳбубдан айрилган ошиқ ахволи тасвирини ҳам, Тангри таоло жамолини қидираётган, шунга ошуфта ва интизор солик дарвеш кечинмаларини ҳам сезиши мумкин. Шу боис, кейинги байтларда боғбони кўринмайдиган боғ, ундаги бир ёқда яшнаётган сарвлар (навқирон инсонлар), иккинчи ёқда қуриб кетаётган ниҳоллар (жон берәётган бебаҳт ошиқлар) тасвирланган. Навоий ушбу фикрни қазову қадар ишига келтириб боғлайди: инсон тақдир занжирида, қисмати азалдан белгиланган, дейди. Ҳақиқий жононга этишиш учун эса фоний бўлмоқ лозим. Шоир хуласаси ана шундай.

Бироқ инсон буни англаган тақдирда ҳам дунёдан умид узолмайди, ҳаёт ана шу «пайдову пинҳон» занжири ичидагавом этаверади.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## ТУН ОҚШОМ КЕЛДИ КУЛБАМ СОРИ...

Тун оқшом келди кулбам сори ул гулрух шитоб айлаб,  
Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб.

Килиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.

Күёшдек чехра бирла тийра кулбам айлагач равшан,  
Манга титратма тушти зарра янглиғ изтироб айлаб.

Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.

Ки: «Эй, зори балокаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?»  
Мен ўлдум лолу айта олмадым майли жавоб айлаб.

Чиқорди шишайи май, дөғи бир соғар тұла қүйди,  
Ичиб, тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.

Ки: «Эй мажнун, пари күрдунг магарким, тарки хуш эттинг?  
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафың хижоб айлаб».

Ичиб, фарёд этиб туштум аёғиға, бориб ўздин,  
Мени, йўқ бодаким, лутфи анинг масти ҳароб айлаб.

Ониким, элткай васл уйқуси ишрат туни мундоқ,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.

(«Фавойид ул-кибар», 59-ғазал)

Навоийнинг ўрта ёш лирикасига мансуб бу ғазал ўзининг бадиий баркамоллиги билан муаллифнинг авжи ижодий балогатидан дарак беради. Ишқий мавзуда яратилган бу асар түккиз байт ҳажмида бутун бир лирик мундарижани қамраб олган воқеабанд ғазалдир. Услубан, шархи ҳол типидаги ғазал. Ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган:

Мафоилун

мафоилун

мафоилун

мафоилун

Ушбу ғазалнинг ўзига хослиги ва бадиияти, аввало, композицион таркибida кўринади. Асар маъшуқанинг лирик қаҳрамон масканига кириб келиши, унинг ташки қиёфаси тасвири, маъшуқа ва лирик қаҳрамон мулокоти, мусоҳабаси ҳамда лирик хотима қисмларидан ташкил топган. Ғазалнинг воқеабандлиги унда муйян воқеа лирик

новелла тарзида ифодаланганидагина эмас, балки асар бирор-бир ходиса (масалан, висол оқшоми турткиси) таъсирида яратилганида ҳамдир.

Биринчи байт маъшуқанинг лирик қаҳрамон манзилига ташриф буюриши ҳакида хабар берибгина қолмайди, унда маъшуқанинг маънавий қиёфасига чизгилар бор. Унинг «шитоб айлаб», «Хироми суръатидин гул уза хайдин гулоб айлаб» келишидан соғинч, меҳр-муҳаббат, ҳаё, эҳтирос туйгуларини туйиш мумкин.

Иккинчи байтда маъшуқанинг ташқи қиёфасига чизгилар мароқли акс этган:

*Килиб мужгонни шабравлар киби жон қасдиға ханжар,  
Белига зулфи анбарборидин мушкин таноб айлаб.*

Маъшуқанинг шабравваш мужгони (киприклар) ошик жони қасдиға ҳезланган ханжарга қиёсланади. Мужгоннинг бундай тасвири олий даражадаги маҳорат маҳсулидир. Чунки унда мужгон бир йўла шабрав (тункезар қароқчи)га ва унинг қўлидаги каттол куроли – ханжарга ўхшатилган. Бугина эмас, мужгоннинг шабравга қиёси заминида маъшуқанинг тундек тим қора кўзлари тасвири ҳам зимдан мужассамлашган. Тим қора кўз манзаридиа киприкнинг қароқчига монандлиги табиийроқ. Шабрав мавжуд экан, унинг фолият майдони ҳам мавжуд бўлишини бадиий мантиқ тақозо этади. Байтнинг иккинчи сатри тасвиридан энди маъшуқанинг ўзи ҳам жон қасдиға камарбаста шабрав қиёфасига киргандек бўлади. Аслида эса, ўз муддаосига эришиш учун белини маҳкам бойлаган сиймо тасвиридан мақсад маъшуқанинг «зулфи анбарбори» мадҳидир.

Ғазалнинг тўртинчи байтидан бошлаб лирик сюжет ўзининг ҳадди аълосига кўтарилади ва 4-8-байтларда асарда баён этилган бутун бошли лирик ҳикоятнинг мағзи-моҳияти тажассум топади:

*Кулуб ўлтурдию илким чекиб, ёнида ер берди,  
Такаллум бошлади ҳар лафзини дурри хушоб айлаб.*

*Ки: «Эй зори балоқаш ошиқим, менсиз нечуктурсен?»  
Мен ўлдум лолу айта олмадим майли жавоб айлаб.*

*Чикорди шишайи май, доғи бир соғар тўла қуиди,  
Ичиб тутти менга, юз навъ нозосо итоб айлаб.*

*Ки: «Эй Мажнун, пари кўрдунг магарким, тарки ҳуш эттинг,  
Такаллум қил бу соғарни ичиб, рафъи ҳижоб айлаб».*

*Ичиб, фарёд этиб туштум аёғига, бориб ўздин,  
Мени, йўқ бодаким, лутфи анинг масти ҳароб айлаб.*

Бу тасвирни муайян ҳаётин воқеанинг айнан кўчирмаси тарзида қабул қилиш қийин, албатта. Унда муболагали, рамзий, ҳаёлий, романтик бўёклар балқиб турибди.

Хатто, тугалланма байт ғазалда акс этган воқелик лирик қаҳрамон орзулаган ва ҳаёлида яратган висол оқшомидек таассурот қолдиради:

*Аниким, элткай васл уйқуси ишрат туни мундок,  
Навоийдек нетар то субҳи маҳшар тарки хоб айлаб.*

Бундан, ёр висолига, ишрат туни васл уйқусига мусассар бўлган киши Навоий сингари маҳшар тонгигача тарки хоб этишига ҳеч бир ҳожат йўқ, деган маъно чиқади. Англашиладики, тасвирланган висол оқшомининг Навоийга насиб этгани даргумон. У висол онларини тасвирлай туриб, айни пайтда, ўзи абадий хижрондалигини яшираётитир. Демак, мазкур ғазалдаги лирик қаҳрамонни шоир шахсияти, лирик кечинмани музалиф саргузашти деб қарамаган маъқул.

Машхур бу ғазал Навоий ижодиётидагина эмас, бутун ўзбек адабиётида айрича ўрин тутади. Бу ғазалга эргашиб, назира ва муҳаммас битмаган ўзбек мумтоз шоири кам топилади. Навоий издошлари ғазалдаги образ, ифодалар, лирик воқеабандликни янада такомиллаштирганлар.

*Нусратулло ЖУМАХЎЖА*

## **НАСРУЛЛОҲИЙНИНГ ҒАЗАЛИ**

Навоийнинг «этмиш» радифли бир ғазалини мақом қўйларидан бўлмиш Насруллоҳийда ашула қилиб айтилганини биласиз. Ушбу мақола шу ғазал шарҳига бағишиланади. Ғазал матни қуйидагича:

*Паризодеки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш,  
Малойик күшларин ул ҳалқамўлар бирла банд этмиш.*

*Самандингким, ёлиндек тез эзур, юз шукрким, гардун  
Анга бизни самандарваш, мунга гарди саманд этмиш.*

*Чекарга ишқ оташгоҳига девона кўнглумни  
Қазо ҳар бир шарар торини бир ўтлуғ каманд этмиш.*

Вафога телбалиқдин нописанд ўлсам, ани күрким,  
Жафога кимни менча ул парипайкар писанд этмиш.

Майи равшан тут, эй соқийки, күнглум тийра қилмиш шайх,  
Даму афсун била баским анга изҳори панд этмиш.

Лабингда нұшу захри ҳажр оғзимда тонг зермас, гар  
Манга ҳар захрханд ўлғанда ул бир нұшханд этмиш.

Лаби лаълин малоҳат холи бирла баҳравар қилған,  
Менинг жонимни дөғи ишқ бирла баҳраманд этмиш.

Биравким, сарадек озодаваш бўлди бу боғ ичра,  
Қазо дехқони ҳам сарсабз ани, ҳам сарбаланд этмиш.

Навоий, кеч висол уммидидинким, Ҳақ сени беҳад  
Залилу зору ёрингни азизу аржуманд этмиш.

(«Фавойид ул-кибар», 261-ғазал)

Бу ғазал ҳазажи мусаммани солим, яъни мафоийлун мафоийлун  
мафоийлун мафоийлун ёки та-нан-нан-нан та-нан-нан-нан та-нан-  
нан та-нан-нан-нан вазнида бўлиб, унинг тақтеи, яъни ҳижо ва  
рукнлари қуидагича:

Па-ри-зо-де ки-муш-кин-зул фи-жо-ним-мус та-ман-дэт-миш  
Ма-ло-йик-куш ла-рин-ул-хал қа-мү:-лар-бир ла-бан-дэт-миш  
Са-ман-динг-ким ё-лин-дек-те: зэ-рур-юз-шук р-ким-гар-дун  
А-нга-биз-ни са-ман-дар-ваш му-нга:-гар-ди: са-ман-дэт-миш  
Че-кар-га-иш қ-о-таш-го ҳи-га-де-во на-кўнг-лум-ни  
Қа-зо-ҳар-бир ша-рар-то-ри: ни-бир-ўт-лик ка-ман-дэт-миш  
Ва-фо-фа:-тел ба-лик-дин-но пи-сан-дўл-сам а-ни:-кўр-ким  
Жа-фо-фа-ким ни-мен-ча:-ул па-ри-пай-кар пи-сан-дет-миш  
Ма-йи:-рав-шан ту-тэй-со-қий ки-кўнг-лум-тий ра-қил-миш-шайх  
Да-му:-аф-сун би-ла:-бас-ким а-нга:-из-ҳо ри-пан-дэт-миш  
Ла-бинг-да:-нў: шу-зах-ри:-ҳаж р-оғ-зим-да: то-нгер-мас-гар  
Ма-нга:-ҳар-зах р-хан-дўл-ған да-ул-бир-нў: ш-хан-дэт-миш  
Ла-би:-лаъ-лин ма-ло-ҳат-ҳо ли-бир-ла-бах ра-вар-қил-ған  
Ме-нинг-жо-ним ни-до-ғи:-иш қ-бир-ла-бах ра-ман-дэт-миш  
Би-рав-ким-сар в-дек-о-зо да-ваш-бўл-ди: бу-бо-ғич-ра:  
Қа-зо-дех-ко ни-ҳам-са-са-б за-ни:-ҳам-са-ба-лан-дэт-миш  
На-во-ий-кеч ви-со-лум-ми: ди-дин-ким-Ҳақ се-ни:-бе:-ҳад  
За-ли:-лу:-зо ру-ё-ринг-ни а-зи-зу:-ар жу-ман-дэт-миш

Матладаги «мушкин» сўзи «мушк» сўзидан ясалган нисбий сифат бўлиб, мушқдан иборат деган маънода. Зулф қоралик ва хушбўйлик жиҳатларидан мушкка ўхшатилади ёки «мушк» ва «мушкин» деб сифатланади.

«Мустаманд», аслида, «мустманд» шаклида бўлиб, унга «а» ортирилган ва шу шаклда оммавийлашган. Мазкур товушнинг «мустаманд» сўзига ортирилишига, биринчидан, «мустаҳкам», «мустақил» сингари «муста» деб бошланадиган сўзларнинг кўплиги ва шеърда бу сўзни «мустаманд» деб ўқишнинг вазн ва талаффуз жиҳатидан кулагиgidir. Бирор нарсага зор бўлиб, шунинг қайғуси билан банд бўлганд кишини «мустаманд» дейилади.

«Малойик» – малакнинг кўплиги. «Малак» деганда диний маънодаги фаришта ва табиий маънодаги ҳаётий кувватлар тушунилади. Мазкур байтда кишига хусну фазилат багишловчи ҳаётий кувватлар «малойик күшлари» деб қушга ўхшатилган. Бу ерда малакнинг күшга ташбех қилинишининг сабаби шуки, киши қўлга киритган фазилатларини сақлай олмаса, ундан ажраши мумкин. Омма таъбири билан айтганда, фариштаси учиб, фариштасиз қолиши мумкин. «Ҳалқамў» ҳалқа шаклидаги сочdir.

«Паризодеки» дегандаги «э» таъкидни билдиради, «ки» эса боғловчи бўлиб, «мушкин зулфи мустаманд этмиш» деган гапнинг «паризод»нинг сифати эканлигини билдиради. Демак, «Паризоде-ки, мушкин зулфи жоним мустаманд этмиш» деган мисрани «мушкин зулфи, яъни қоп-кора жингалак сочлари менинг жонимни мустаманд, яъни ҳожатманд этган ул паризод» деб тушуниш керак бўлади. «Паризод» сўзида «и»дан сўнг, «з»дан олдин (талаффузда – Н.Ж.) «й» товуши бор. Охириги товуш «т» эмас, «д» бўлади. Навоийнинг манзури мисли кўрилмаган даражада шундай гўзал эканки, уни «одамизод», яъни одам наслидан деб бўлмас, «паризод», яъни пари наслидан дейиш керак экан. Мана шу паризод Навоийча: «Малойик күшларин ул ҳалқамўлар бирла банд этмиш», яъни сочининг хар бир ҳалқаси, жингалаги билан бир малак қушини ўзига боғлаб олган экан. Навоий жонининг қуввати эса ўша жингалак соchlarda ва шунинг учун у унга зор экан.

Газалнинг иккинчи байтидаги «саманд» – ёлу думи сомонранг, танасиmallараң от. Хозир оддий сўзлашувда кўпинча охирги то-вуш «д» тушириб, «саман» деб айтилади. Аммо бу сўзнинг адабий талаффузи (ўзбек мумтоз адабиёти тилидаги – Н.Ж.) – «саманд». «Ёлин» – аланга дегани. Бу сўз кўчма маънода «Юрагида ёлини

бор» деган мақол таркибида ҳам учрайди. «Гардун» осмонга нисбатан унинг айланиш жиҳати назарда тутиб айтиладиган сўз. «Самандарваш» – самандарсифат, самандарсимон дегани. Самандар ўти ичидаги яшайдиган бир жонивор деб тасаввур қилинади. Ҳаёти ишқ ўти ичидаги бўлган ошиқ самандарга ўхшатилади.

Байтда Навоий ўз манзурининг отини ёлиндек, яъни алангадек тез деган. Бу ўринда ўт билан боғлик бошқа сўзларни ишлатмасдан «ёлин» сўзининг қўлланишидан Навоий отнинг ёлини ҳам назарга олганлиги англашилади. Тажнис санъатидан хабардор ўкувчи буни bemalol фахмлайди. Чунки бу ерда яширин тажнис бор. «Ёл» билан «ёлин» сўзлари шаклан бир-бирига яқин бўлгани учун тажнис ҳосил қиласди. Аммо бу ерда «ёл» сўзи зикр этилмагани учун буни «яширин тажнис» дедик. Байтда яна «гардун» билан «гард» сўзлари ҳам бор. Бу ҳам тажнис, лекин яширин эмас. Бу ерда Навоий отнинг ёлини ҳам эътиборга олганлигига бизда воқеий асос ҳам бор. Чунки саманд отнинг ёли ва думи сомонранг, яъни аланга рангида, та-наси эса малларанг, яъни аланга остидаги ўт тусида бўлади. Ошиқ шоирнинг кўз ўнгига саманд юргурганда унинг ёли ҳаракатдаги ёлин бўлиб кўринади.

Гардун Навоийни шундай саманднинг ва ёлиндек ёлу табиятига самандарваш қилибди. Шоир гарддек, манзури самандининг оёғи остида бўлиб, самандар ўти ичидаги яшагандек, ишқ ўти ичидаги бўлганлигига юз шукр қиласди. Акс холда, у ҳеч кимни ва ҳеч нарсани ёқтиримайдиган ва ўзи ҳеч кимга маъқул бўлмайдиган совуқ бир мутакаббир бўлур эди. Аммо Навоий бошидан кечирган ҳодисалар уни тўғри тарбиялаб, табиятини ҳақиқат шууридан баҳраманд қилибди.

Бу ўринда шоир ҳаёт мактабини фалакнинг маънодоши бўлмиш «гардун» сўзи билан ифодалашнинг иккита сабаби бор.

Биринчиси «гардун»нинг чиғириқ, ғалтак ва арава деган маънолари ҳам бор. Буларнинг ҳаммасидан эзиш ва эзилиш натижасида чанг ҳосил бўлади. Иккинчиси «гард» сўзи «гардун» сўзининг таркибида бор.

Фазалнинг учинчи байтидаги «чекмоқ» – тортмоқ дегани, «оташгоҳ» деб ўтхона, гулхан каби ўт ёниб турган ерга айтилади. «Шаар» сўзи «шарор» шаклида ҳам ишлатилади ва учкунни, яъни ўтнинг саҷраган бўлагини билдиради. «Тор» сўзининг биринчи маъноси ип бўлиб, бу байтда ана шу маънода ишлатилган. «Каманд» – ёввойи ҳайвонларни, уй ҳайвонларининг асовини, уруш ва олишувларда эса душман ёки рақибни илинтириш ва кўргон

деворига осилиб чиқиш учун күлланадиган сиртмок, арқон. Каманд оддий қилиб «арқон» деб ҳам юритилади. Масалан, бирор ҳайвон ёки кишига каманд солса, «арқон солди» дейилади. Арқон сўзи худди шу каманд маъносида «аркан» шаклида русчада ҳам күлланади. Аммо рус тилида «аркан» сўзидан ташқари «ласко» деган сўз ҳам бор.

«Девона» – телба, яъни ақлсиз дегани.

«Қазо» сўзи оламда юз берадиган ҳодисаларнинг қуллий қонунини билдиради. Масалан, ернинг қүёш атрофида айланиши, ернинг ўз ўки атрофида айланиши туфайли туннинг кун билан, куннинг тун билан алмашиниши қазо ишидир. Агар инсон ҳаётидан мисол келтирадиган бўлсак, туғилиш ва ўлиш қазо, лекин муайян шахснинг умри тақдирдир. Қазони киши ўзгартиролмайди, аммо унинг айрим ҳодисаларидан фойдаланиш ёки сақланиш чораларини кўра олади. Бу «тадбир» деб аталади. Масалан, инсон қүёш нуридан турли йўллар билан фойдаланиши ва унинг зараридан сақланиши мумкин. Лекин қуёшнинг ўзига таъсир қилиб, унинг нуридаги табиий хоссаларни ўзгартиролмайди. Аммо баъзи жоҳил мансабдорлар ҳом хаёллар билан ва айрим эътиқодсиз мутахассислар ўз мавқенини сақлаш мақсадида «табиятдан инъом кутмаймиз», «коинотни забт этамиз» деган хатарли шиорлар остида куч билан ҳалқни табият қонунига зид ишларни қилишга мажбур қилиб, инсонни ҳалокат йўлига бошлайдилар.

Дунёдаги замонавий фожиаларнинг кўпи тадбирда табият қонунларига зид сунъий воситаларни ўйлаб топиб, ишлаб чиқариб, шулардан фойдаланиш натижасида вужудга келди.

«Ишқ оташгоҳи» деган бирикма ўхшатишдан иборат бўлиб, бунда маънавий ишқ назарда тутилган ва унинг макони оташгоҳ, ўт макони деб тасаввур қилинган.

Мана шу ўхшатиш туфайли ишқ ҳаракатини кўрмаган киши ҳам ўтни яхши билгани учун ишқ хусусида ўзига яраша тасаввурга эга бўлади. Яна Навоий ўзининг кўнглини девона кўнглим деган. Қандай кўнгил девона кўнгил дейилади? Девона – оқил, ақллининг зидди. Ақлга бўйсунмаган кўнгил девона кўнгил бўлади. Бу масалада адаш-маслик учун бир-бирига зид бўлган икки кайфиятни яхши тушуниш керак. Ақлга бўйсунмайдиган кўнгил бошқа, ақлга бўйсунмайдиган нафс бошқа. Эзгу мақсад, камол, ҳақиқат йўлида ақлнинг баъзи

хато хуласаларига эътибор бермаслик ишқ макони бўлмиш қизик кўнгилда бўлади.

Шахсий манфаати, ўз нафси йўлида ақл инкор қилса ҳам, ҳийлаю найранг, фиску фасод ва зулму ситамлардан тийинмаслик ишқ учкунидан бебаҳра совуқ кўнгилларда бўлади.

Гап шундаки, киши оламдаги кўп нарсаларни тажриба ва хис билан идрок қилиши мумкин. Баъзилари учун эса ақл ҳам керак бўлади. Аммо олам ва ундаги мавжудотнинг кишининг ақли етмайдиган жиҳатларини идрок қилишда кўнгил керак бўлади. Кўнгилга келган нарсани эса ақл далил етишмаслиги туфайли, у маъқул бўлса ҳам, инкор этади. Аммо кўнгилдаги иш ижобий шаклда содир бўлгач, бу тажриба асосида ақл уни тан олади.

Мехр ҳақиқий ишқнинг жамият ва ундаги ҳар бир шахснинг яхши турмуш кечириши учун улуғ аҳамияти бўлган кичик бир учкунидир. Бинобарин, Навоййнинг телба кўнглидаги маънавий ишқнинг чексиз ижтимоий ва шахсий аҳамияти бор.

Навоййнинг ишқий истеъдоди кучли бўлгани ва унинг кўнгли гўзалликка телбаларча интилгани учун учраган ҳар бир нарса, жумладан, от мингандай йигит ҳам, унинг оти ҳам, уларнинг ҳар бир харакати ҳам или ўт учқунларидан иборат каманд бўлиб уни ишқ маконига, яъни ҳақиқий ишқга тортар экан.

Ғазалнинг тўртинчи байтидаги сўзлар ҳаммага таниш. «Ани кўрким» дегандаги «ани»дан мурод маҳбуб эмас, ҳолатдир. Навоий мана бу ҳолатни кўрким, манзурнинг назарида мен телба бўлганим учун унинг вафосига лойиқ эмасман, аммо жафо қилишга келганда, энг лойиги менман ва ҳеч кимга ул пари-пайкар менга бўлганчалик жафо қилмайди. Вафо қилиш керак бўлганда бу телба, бунга вафо қилиб бўлмайди, дейди. Аммо жафо вактида шарт қўйилмайди.

Бешинчи байтидаги «майи равшан»дан мурод ҳақиқий пок ишқдир. Равшан сўзи «софий» сўзининг маънодоши қилиб ишлатилган. Ҳар бир нарсанинг, жумладан, майнинг куйкасиз кисми «софий» деб аталади, куйкаси «дурд» ёки «дурдий» дейилади. Бу ўринда «равшан» сўзининг ишлатилишига сабаб байтда «тийра» сўзининг борлигидир. Шайх шоирнинг кўнглини тийра, яъни хира қилган. «Дам» сўзининг ишлатилишига сабаб, кўзгуга дам урилса, у хирадашади. Шайхнинг афсундан иборат, яъни ҳақиқатга зид насиҳати ошиқнинг кўнглини дам кўзгуни хира қилгандай хира қилибди. Зидди тийра кўнгилни равшан қилиши керак.

Бунинг учун «майи равшан», яъни пок ишқ лозим. Бундай ишқ майини соқий, яъни ҳақиқий ишқ устоди ичиради. «Шайх»дан мурод риёкор шайх, яъни қаллоб тариқатчи, «панд» – насиҳат дегани.

Демак, товламачилик билан пирлик даъвосини қилувчи шайх даму афсун, яъни дам солиб сеҳрлаш йўли билан Навоийнинг кўнглини унга бу телбалик йўлидан қайт, деб изҳори панд, яъни насиҳат айлаб тийра қилибди. Шунинг учун шоир майи равшан тут, эй соқий деб, бегараз ишқ устодидан пок ишқ таълими билан кўнглини равшан қилишни илтимос қилмоқда.

Олтинчи байтдаги «нўш» «захр»нинг, яъни заҳарнинг зидди. Шифобаҳш, ҳаётбаҳш ва ширин нарсалар, жумладан, асал – «нўш» дейилади. «Тонг эрмас» – ажаб эмас, яъни хайрон қоладиган жойи йўқ, оддий ва табиий ҳол дегани. Байта Навоий манзурига қараб, ҳар гал мен жон аччиғида кулиб қўйганимда, дил бир ширин табассум қиласа, бунинг ажабланарли ери йўқ, чунки сенинг лабингда нўш, менинг оғзимда айрилиқ заҳри бор, дейди. Шоир бу ўринда ўз юрагини, ранг ва торликни ҳам эътиборга олиб, маҳбубининг лаби билан боғлиқ қилиб қўйган. Ошиқ юрагининг кайфияти маъшуқ лабининг кайфияти билан боғлиқ. Бу нисбат беришда ҳақиқатдан иборат ҳусни таълил бор.

Муҳибда бир-бирини инкор қилувчи азоб ва роҳат берувчи икки ҳолат юз бермоқда. Бу ажабланарли ҳол. Аммо шоир бунинг ажабланарли ери йўқ, дейди. Чунки ҳажр туфайли келаётган азоб кишининг жисмоний жиҳати билан чекланган. Маҳбуб табассумидан юракка етган руҳий лаззат эса, кишининг маънавий жиҳати билан боғлиқ бўлиб, у жисмоний азобни ҳам роҳатга айлантиради.

Ёттинчи байтда маҳбубининг лаълга ўхшаш қизил лабини унга малоҳат бағишловчи қора ҳол билан безаган холиқ менинг жонимни ҳам ишқ доғи билан баҳраманд қилди, дейилган.

Маҳбубининг лаби ҳам, муҳибнинг жони ҳам бир қора нуқтадан баҳраманд. Аммо бириники малоҳат холи, иккинчисиники ишқ доғи. Лекин бу доғ бўлишига қарамасдан, ишқ доғи бўлгани ва ҳусн сабабчиси бўлмиш холга нисбати борлиги учун у лаззат манбаи, шунинг учун шоир «мени баҳраманд этмиш» дейди.

Саккизинчи байтдаги «озодаваш» – озодасифат, озодалар сифатига эга бўлган дегани. Салбий сифатлардан озод бўлиб, ижобий хислатларни касб қилган пок, саховатли ва кароматли киши «озода» дейилади.

Сарв тик ва доим кўкариб турадиган хушманзара дарахт. Сарв дарахтларнинг озодаси ҳисобланади, чунки у ҳазон бўлмайди ва кишиларга қувват бағишлайди. Бағдан мурод ҳам сарв ўсган боғ, ҳам инсон ўсадиган дунё. Кимки бу дунёда боғдаги сарвдек турли иллатлардан холи бўлиб, юртни ободу элни хушнуд қилса, қазо дехқони, яъни олами кўкартириб яшнатувчи қонуний кучлар унинг ўзини ҳам сарвдек яшнатиб, кўкартириб шоду хуррам қилади.

Ғазалнинг мақтасидаги «залил» – хор дегани. «Аржуманд» нинг асли «аржманд» бўлиб, «мустаманд»да «а» орттирилганидек, бунда ҳам талаффузга кулагай бўлгани учун «у» орттирилган. Байтнинг мазмуни равшан. Бу ўринда висол умидидан кечишга даъват қилингандা, висол мусассар бўлмаган тақдирда, маҳбуб ёдининг ўзи ҳам камол йўлидаги тараққиётга сабаб бўлиши назарда тутилади.

Алибек РУСТАМОВ

### ГАР ЖАФО ҚИЛ, ГАР ВАФОКИМ ...

*Гар жафо қил, гар вафоким, дилситоним сен менинг,  
Гар мени ўлтур ва гар тиргузки, жоним сен менинг.*

*Хоҳ раъно қад била борғил ёнимдин жилвагар,  
Хоҳ кел қошимғаким, сарви равоним сен менинг.*

*Кўнглум ичра сенсену ишқинг, не дей ҳолим сенга,  
Чун бу янглиғ маҳрами рози ниҳоним сен менинг.*

*Жилва айлаб ҳар замон, афгону оҳим қилма айб,  
Ҳам сен-ўқ чун боиси оҳу фифоним сен менинг.*

*Лаълидин бир-икки сўз мазкур қил, эй хаста жон,  
Бори бу бир-икки дамким, меҳмоним сен менинг.*

*Телбалардин гарчи рад қилдинг мени, лек англағил,  
Ким пари рухсоралардин танлағоним сен менинг.*

*Ўлди меҳрингдин Навоий, бевафо дебсан ани,  
Эртаки нозик мизожи бадгумоним сен менинг.*

(«Фавойид ул-кибар», 344-ғазал)

## **Луғат**

**Рози ниҳон** – яширин сир.

**Сен-ўқ** – сенинг ўзинг.

**Мазкур кил** – тилга ол, гапир.

**Рухсора** – юз; пари рухсора – пари дай чиройли юзли.

**Эртаки** – қадимги, азалдан, кўпдан бери.

**Нозик мизож** – кўнгли нозик, нозиктабъ, юмшоқ табиатли.

**Бадгумон** – ёмон фикрларга борадиган, шубҳа билан қарайдиган одам.

**Дилситон** – дилбар, дилни мафтун этувчи.

## **Ғазалнинг насрый баёни**

1. Агар жафо қилсанг ҳам, вафо қилсанг ҳам майли, чунки барибир кўнглимни олгансан; мени ўлдирасанми, тиргизасанми – бу сенинг ишинг, чунки менинг жоним сенсан.
2. Истасанг, раъно қад билан ёнимдан жилва қилиб ўт, истасанг, зебо қадингни намойиш этиб ёнимга кел, чунки барибир, сен мен учун энг зебо қоматли, шамшоддай гўзал соҳибжамолимсан.
3. Нимасини айтай, кўнглим ичидан сендан ва сенинг ишқингдан ўзга хеч нарса йўқ, ана шундай, яширин сирларимга маҳрамим ҳам сенсан.
4. Ҳар дамда жилва қилиб, оху фифон чекишиларимни айб этма, зеро оху фифонимнинг сабабчиси сенсан.
5. Эй ишқ дардида хаста жоним, ёрнинг лаъл лабидан бир-икки сўз хикоя қилиб бер, зеро бу бир-икки лаҳза меҳмонимсан менинг.
6. Гарчи телбалардан бири деб рад қилган бўлсанг ҳам, бироқ билб ол: пари юзлилардан танлаганим сенсан.
7. Навоий меҳру муҳаббатингни кўмсаб ўлди, сен эса уни бевафо дебсан. Эй менинг нозик табли, бадгумоним, аразчим.

## **Ғазалнинг умумий мазмун-маъноси**

Бу ғазалда ҳам Ёрга вафодорлик туйгуси, садоқат ҳисси ифодаланган. Умуман, ошиқлик – бу аввало содиқлик, ошиқ ҳар қандай шароитда, қанча азоб чекмасин, маҳбуба жафо қилса, ўзини олиб қочса, ҳатто мазах қиласа ҳам, садоқат кўрсатиши, васл умидида яшashi лозим. Ошиқда ноз-истигно, араз ва кина бўлмайди. Ошиқ –

талағор. Маъшуқа эса ноз қилиши, аразлаши, ошиқни синаши мүмкін. Мұмтоз адабиётимизда бу қатый анъана. Айникса, ма-жозий ишқ ғояси тараннум этилган ғазал ва рубоидларда бу аниқ күзға ташланып туради.

Ушбу ғазалда ҳам ҳазрат Навоийнинг лирик қаҳрамони (ошиқ) севгилисига мурожаат қилиб, менга жафо қылсанг ҳам, вафо қылсанг ҳам, барибир сени севаман, ёнимдан бепарво ўтиб кетсанг ҳам, олдимга келиб табассум қылсанг ҳам муносабатим, түйгуларим ўзгармайди, деб худди онт ичгандай, дилидаги гапларни түкиб солади. Зеро, маҳбуба ишки ошиқнинг бутун вужудини қамраб, күнглидан жой олган. Ғазалнинг дастлабки иккى байтида ҳаракатлар тазоди ифодаланған: жафо ва вафо, ўлдириш ва тирилтириш; ёр ёнидан жилва билан ўтиб кетиш ва ёр ёнига келиб туриш. Бу орқали шоир ошиқ садоқати билан бирга маъшуқа хислатларини тасвирлашга муваффак бўла олган. Жафо қиласидиган ҳам, вафо қиласидиган ҳам маҳбуба, ўлдирадиган ҳам, тирилтирадиган ҳам унинг Ўзи. Яъни вафо қилса – тирилтиради, агар жафо қилса – ўлдиради. У ошиқ қалбини ҳаммадан кўра теранроқ англайди, чунки у ошиқнинг яширин сирларига маҳрам.

Бешинчи байтда муҳаббат дардида жон берәётган ошиқ ҳолати ифодаланған, яъни шоир жонга мурожаат қилиб, Ёрнинг лаълдай лаблари – сўзларини такрор қил, зеро сен мен учун бир-икки дамлик меҳмон бўлиб қолдинг, дейди. Ёр васлидан умидини узган одамнинг ҳасрати бу, албатта. Аммо бу фикрнинг замирида бошқа маъно ҳам бор: ошиқнинг жони – унинг Ёри. Шундай экан, маъшуқа вафо қилмаса, рад этса, жон ҳам у билан бирга кетади.

Яна бир маъно шуки, дунёнинг ўзи, умр кайхоний – илоҳий миқёсда олганда, бир-икки дам, холос. Ошиқу маъшуқлар бир-бирининг дийдорига тўймай фоний бўладилар (Лайли ва Мажнун каби) ёки Илоҳ васли нашидаси ҳам шундай қисқа... Олтинчи байт мазмуни буни тасдиқлайди. Бунда телба ва пари сўзларига дикқат килинг: ҳалқ орасида пари кўрган ёки пари теккан одам телба, девона бўлади, деган гап бор. Навоий шунга ишора қилиб, ошиқ тилидан: эй маҳбуба мени телба деб рад этдинг, лекин бунинг сабабчиси сенинг ўзинг, чунки сенинг паридай юзингни кўриб, мен шу аҳволга тушдим, дейди.

Ғазалда тасвирланған маъшуқа нафақат жафокор, балки мафтункор ҳусну жамол эгаси бўлиш билан бирга, нозик табиатли, бадгумон, сал нарсага аразлайдиган, ошиғини баъзан жеркиб турадиган,

фиғону ноласини ёқтирмайдиган киши сифатида кўринади. Бу фикр мақтада аниқ ифодаланган: ошиқ висол истаб, меҳр истаб жон бердии, аммо маҳбуба уни бевафо деб айблайди. Навоий шунда ҳам ҳазиломуз, меҳрли сўзлар билан маҳбубани сийлади: «Эй менинг қадимий эркатойим, нозикмижозу бадгумоним». Ана шундай, ошиқ ҳеч қачон маъшуқадан хафа бўлмайди, унинг ҳамма нозини кўтаради, ҳамиша унга меҳрли, хуш ёқадиган сўзлар айтади.

Навоий наздида ишқ қудрати, ошиқлик матонати ана шундай буюк.

Нажмиддин КОМИЛОВ

## НАВРЎЗ ВА МАНЗУР МАЛОҲАТИ

Мувоғиқ кийдилар, бўлмиш магар наврўз ила байрам,  
Чаман сарви ёшил хильъат, менинг сарви равоним ҳам.

Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,  
Анинг шайдоси бир дехкон, мунга шайдо бари олам.

Чаман сарви қолиб бебар, менинг сарвим бўлуб дилбар,  
Ани ел айлабон музтар, бу елдин секретиб адҳам.

Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин гулғул,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.

Қилиб оҳим сари парво, буён майл этмадинг қатъо,  
Сабодин, эй қади раъно, бўлур ҳам сарв гаҳ-гаҳ ҳам.

Бу боғ ичра май, эй соқийки, бормен асру муштоқи,  
Ки, анда сарв ҳам боқий эмас, гул аҳди ҳам маҳкам.

«Навоий, кўйин эт манзил, юзу қаддига бўл мойил  
Ки, боғ этмас сени хушдил, гулу сарв айламас хуррам.

(«Фавойид ул-кибар», 420-ғазал)

Навоийнинг ёшлиқ лирикасига мансуб, табиатнинг янгиланиш байрами – Наврўз мадҳига, баҳорий либос кийган маъшуқа тасвирига бағишланган бу асар табиат ва инсон гўзаллигини улууглаш, ҳаётсеварлик ғоялари билан сугорилган. Киёсий тавсифий услубда яратилган. Бошдан-оёқ табиат ва инсоннинг қиёсий тавсифидан

иборат бўлгани учун у композицион жиҳатдан якпора ғазалдир. Ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган.

мафоилун      мафоилун      мафоилун      мафоилун

Ўзбек мумтоз адабиётида, хусусан, Навоийгача бўлган даврда Наврўз мадҳига маҳсус бағишиланган ғазал кам. Шу жиҳатдан, бу ғазал оригиналдир. У наврўзнома ғазаллар яратиш анъанаси шаклланишида муҳим ўрин тутади.

Ғазалнинг бадиий қиммати шундаки, шоир севикли сиймосини табиат билан уйғун равишда тасвирлашга муваффақ бўлади. Уни сарвга ўҳшатади, барча ҳаракатлари ҳамда фазилатларини сарв билан қиёслаш жараёнида очади. Шоир муқояса жараёнида чаман сарвидан сарвқад дилбарнинг гўзаллигини ошириб тасвирлашга мойиллик билдиради. Сарвнинг кўриниши ҳайрон қараб турган кишини эслатади. Буни шоир сарв наврўз айёмида жавлон ураётган маъшуқага ҳайрону лол қолди, дея талқин этади:

*Чаман сарви қолиб ҳайрон, менинг сарвим қилиб жавлон,  
Анинг шайдоси бир дехқон, мунга шайдо бари олам.*

Навоий яшнаб яшараётган табиат билан гўзал табиат қўйнида камол топаётган инсон малоҳатини бир-биридан камситмай тасвирлашга мұяссар бўлган. Мана бу байтни ўқиб, сарв ва сарвиноз сувратини тасаввурингизда тиклаб кўринг-а:

*Кўнуб ул сарв уза булбул, чекиб гул шавқидин ғулгул,  
Бу сарв узра очилиб гул, анга тердин тушуб шабнам.*

Байтдаги яна бир нодир фазилат эътиборингизни тортади. Бу «булбул», «ғулгул», «очилиб гул» сўзлари воситасида вужудга келган сажъ санъатидир. Ушбу нозик санъат – шеърдаги оҳангдорлик, маъно урғуси ҳамда эҳтирослар силсиласини кучайтирувчи муҳим бадиий восита. Ғазалнинг кейинги байтлари ҳам мана шундай мусажжа услубда яратилган.

Сўнгги байтлардан тириклик ҳам, баҳор ҳам ўткинчилиги, «сарв ҳам боқий эмас», «гул аҳди ҳам маҳкам эмас»лиги, умрнинг қисқалигидан ўкиниш кайфиятлари барадла сезилиб турадики, бунинг замирида яшашга чанқоқлик ва ҳаётсеварлик тоғаси ётади.

Тугалланма байт ғазал ихлосмандларини севикли инсонни ғанимат билиш ва қадрлашга чорлайди. Наврўзнома ғазал яратиш муносабати билан бу қадар ҳәёттүй кечинма ва хулосаларни ифодалашга эришиш навоийвор маҳорат намунасиدير.

Нусратулло ЖУМАХҮЖА

### РҮМОЛЧА РАМЗИ

Ёғлигинг илгимда, ашкимни равона айларам,  
Кўзга суртуб, ашк аритмогни баҳона айларам.

Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёнлиги  
Кўздин олғач, ёна ашкимни равона айларам.

Ёна еткоч, кўзга ашким турса, олурмен они,  
Ёна борса, чорасин бу навъ ёна айларам.

Кўзда кирпикларни тиллар айлабон, ҳар торига  
Заъфи ҳолим кўз тили бирла фасона айларам.

Балки, ҳар торига жоним риштасин чирмаштуруб  
Жонима касби ҳаёти жовидона айларам.

Бир қадаҳ берсангки, тутса мұғбача, эй пири дайр,  
Нақди дин сармояйи жоми мұғона айларам.

Эй Навоий, токи бўлмишмен фано дайрида маст,  
Ақлу дин ташвишидин фориг тарона айларам.

(«Фавойид ул-кибар», 429-ғазал)

Навоий ғазалиётида инсон ҳаётининг минг бир лаҳзаси, минг бир ҳолати манзараларини кузатиш мумкин. Моҳир шоир қаламида ҳар бир оддий нарса бадиий тасвир ашёсига айланиши ва инсон руҳиятини ёритишга хизмат қилиши мүмкин. Ушбу ғазалда ошиққа маҳбубаси ҳадя этган рўмолча лирик ҳикоя яратиш учун бадиий восьита вазифасини бажарган.

Ғазал Навоийнинг ёшлик лирикасига мансуб. Ғазалда акс этган лирик воқелик инсон ҳаётининг ёшлик мавсумига мос келади. Шунинг учун асарда шоирнинг шахсий кечинмалари ифодаланган бўлса, ажаб эмас.

Етти байт силсиласида лирик қаҳрамон кечинмалари изчил изҳор этилгани туфайли ғазал якпора композиция касб этган. Ғазал рамали мусаммами маҳзуф вазнида ёзилган:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Мана бу сатрларда ҳазин ва дардчил лирик қаҳрамоннинг кўзлари, киприклари, ашканинг рўмолча билан муносабатдаги нозик ва гўзал манзараси тасвирланган:

*Ул кўзумга чун етиб, таскин топиб гирёниги,  
Кўздин олгач, ёна ашкимни равона айларам.*

*Ёна еткоч, кўзга ашким турса, олурмен они,  
Ёна борса, чорасин бу наън ёна айларам.*

*Кўзда кирпикларни тиллар айлабон, ҳар торига  
Зъяфи ҳолим кўз тили бирла фасона айларам.*

Нега оддий бир рўмолча ошиқнинг аҳволи руҳияси, хаётида бунчалик мухим ўрин тутади? Гап шундаки, бу оддий рўмолча эмас. У – рамзий образ. Рўмолча – оила, баҳт, висол, ёрнинг элчиси тимсоли. Лирик қаҳрамон рўмолча ила ёр билан дийдорлашгандай дийдорлашади, ёр билан дардлашгандай дардлашади. Рўмолча билан диллашиш учун ошиқнинг киприклари кўз тилларига айланади. Кўз кўнгилнинг изтиробларини, шикоятларини, розларини киприк тили орқали рўмолчанинг ҳар торига изҳор этади. Чунки рўмолча ёрнинг энг яқин йўлдоши, ҳамдами, маҳрамидир. Рўмолча лирик қаҳрамоннинг ҳам дарду ҳолини – пайғомини маъшуқага етказувчи ҳамрози, марҳами, элчисидир.

Умуман, маъшуқанинг рўмолчаси тимсоли ва унинг бадиий талқини ҳалқ оғзаки ижодиёти намуналарида, Навоийдан кейинги давр ўзбек назмида кенг ўрин тутади. Бобурнинг:

*Ёғлиғингким, жон била мен хастадурмен зор анга,  
Хаста жонлар риштасидиндур магар ҳар тор анга, –*

матлали ажойиб ғазали борки, у Навоийнинг мазкур ғазали таъсирида яратилган.

Нусратулло ЖУМАҲЎЖА

## ЙҮЛУНДА ТУФРОФ ЎЛДУМ...

Йўлунда туфроф ўлдум, эй сабо, ўтсанг губоримга,  
Куюн бўл, доғи элтиб садқа қилғил гулузоримга.

Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айланғай  
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримга.

Фироқи тийри боронинки чектим, қушға ўхшатқай  
Ки, юлмишлар юнгин, боқдан киши жисми фигоримга.

Күёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумоқ мумкин,  
Гар ўлса юз қуёш, толеъ қорорғон рўзгоримга.

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас  
Йигитлик бирла ошиқ шевалик ўз ихтиёrimга.

Жунун водийсида қолур сабо юз дашти пўямдин,  
Анга етмон, не илдам сайр экин чобуксуворимга.

Сени, эй муғбача, маҳрумлиқтин асрасун тенгри,  
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимга.

Фано майхонасининг майфурушиға фидо жоним  
Ки, май эҳсон қилур ҳолатда боқмас йўқу боримга.

Вафо ўтиға мен куйдум, vale топқай Навоийдек  
Мухаббат риштаси боқдан киши ҳар бир шароримга.

(«Фавойид ул-кибар», 540-ғазал)

Навоийнинг тонг елига мурожаат қилиб, қалб кечинмаларини  
изҳор этиш услубида яратилган ғазаллари орасида ушбу ғазал фал-  
сафий теранлиги, бадиий мазмундорлиги билан алоҳида ажралиб  
туради. Матла мазмунига эътибор беринг-а. Гўё лирик қаҳрамон  
маҳбуба ҳажрида ўртаниб тупрокқа айланмиш ва тонг елидан ил-  
тико қилмишки, унинг хоки теграсида қуюндан айланиб, сўнг кўкка  
кўтарилса ҳамда ошиқнинг губори – жисму жаҳонини элтиб маҳбубага  
садқа қилса. Сезилиб турибдики, бу – ошиқона ғазал бошланмана-  
си. Аммо унда қандай ишқ васф этилган? Ҳаётдан кўра, ҳаётот-  
га яқинроқ матла мазмунидан маълумки, ғазалда сўфиёна, илоҳий  
ишқ изтироблари тасвириланган. Чунки дунёда тенгсиз, юксак, ягона  
гўззаллик васлига интилиб, губорга айланиш, илоҳий қудратнинг та-

жаллиси ва рамзи саналмиш табиатга қўшилиб-қорилиб кетиш, бу сўфиёна висол тимсолидир.

Ғазални дунёвий, инсоний ишқа мутлақо дахлсиз деб бўлмайди, албатта. Навоийнинг маҳорати шундаки, ғазалларда унинг сеҳрли қалами илохий ишқ билан инсоний ишкнинг туташ пардаларини чертиб ўтган. Шу боис, ушбу ғазалдан ҳам инсоний ишқа хос муҳаббат, вафо, садоқат, фидойилик руҳи баралла уфуриб туради. Ғазалдаги тўққиз байтнинг бирортаси ҳам ана шундай кўп маънолиликдан холи эмас. Ягона мавзуни изчил бадиий талқин этишига кўра, ғазал якпора таркиблидир.

Навоийнинг бадиияти анчайин мураккаб ва сеҳрли ғазалларидан бири шу. Унинг ҳар сатридаги маънони илгаш, мазмунини аниқ тасаввур қилиш, айниқса, шарҳлаб бериш қийин.

*Гар ўлсам ул малаксиймо пари ҳажринда, айлангай  
Пари бирла малак парвонадек шамъи мазоримға.*

Ушбу байтдан «Мабодо ул малаксиймо париваш висолига етолмай ўлсам, пари билан малак, азбаройи фидойи ва ҳалол ошиклигимга тан берганидан, мазорим устида парвонадек гиргиттон бўлади», деган мазмунни тушуниш мумкин. Аммо бу тушунишимиздан ўзимиз қаноатланмаймиз. Бадиий матн замирида биз англаб етмаган яна қандайдир сеҳрли маънолар ётганини сезамиз. Бу мураккабликнинг сабаби, назаримизда шуки, шоир мавҳум ички руҳий туйғуларни моддий сувратларда ифодалашга ҳаракат қилган. Юкоридаги байтларда кечинмаларгина эмас, улар билан боғлиқ лирик воқеликни ифодалаёттан «пари», «малак» образлари ҳам мавҳум. Кечинмалар моддий ҳаётдан олинган образ ва бадиий ашёлар билан ифодаланган байтлар моҳияти эса анча реал англашилади.

*Фироқи тийри боронинки чектим, күшға ўхшатқай  
Ки, юлмишлар юнгин, бокқан киши жисми фигоримға.*

Тинимсиз ҳажр чеккан лирик қаҳрамон аҳволи қуйидагича моддий манзара яратиш воситасида ифодаланади. Гўё лирик қаҳрамон жисмига ҳижрон ўқлари шунчалар ёмғир каби ёғилганки, буни билиш учун парканд қилинаётган (пати юлинаётган) күшнинг ҳолатини тасаввур қилиш керак. Күш парканд қилинганда, унинг баданидан қанча пар суғурилиб чиқса, лирик қаҳрамон жисмига шунча ҳажр найзаси санчилган.

Хижрондан чорасизлик, толедан шикоят мана бу байтда ўзгача санъаткорлик билан ифодаланган:

Күёш янглиғ юзунг ҳажринда эрмас ёрумок мумкин,  
Гар ўлса юз күёш, толеъ қорорғон рўзгоримга.

Байтдаги қаршилантиришни кўрингки, маҳбубанинг күёшдек мунавар юзига ҳар қанча талпинса ҳам, лирик қаҳрамон ҳажр қоронгулигидан ёруғликка чиқа олмайди. Чунки унинг иқболини ёритиша, бир эмас, юз күёш мухайё бўлса ҳам, асли толеъ қоронгу. Назаримизда, «юз» сўзи орқали шоир тажсин усулини ҳам кўллаган. «Юз»нинг фақат ракам эмас, чехра маъносини ҳам назарда тутиб талкин этсан, юқоридаги мазмунга ҳамоҳанг яна бир маъно чикади: «Күёшдек нурафшон юзинг ҳажрида менинг юзим ёришиши (яъни жамолинг нуридан баҳраманд бўлишим) даргумон, бордию, «күёш янглиғ юзинг» акси билан менинг юзим ҳам күёшдай ёришганда ҳам, тақдирдан қочиб қутулиб бўлмайди, толеим азал-азалдан қораган».

Ғазалда илоҳий ишқ билан инсоний ишқ уйғунлашганини тасдиқловчи, шунингдек, шоирнинг муайян умр босқичида ишққа муносабатини ифодаловчи байт алоҳида эътиборга лойик:

Йигитлар ишқини гар ихтиёр этмай десам, қўймас  
Йигитлик бирла ошиқ шевалик ўз ихтиёримга.

Ғазал Навоийнинг қариллик даврида ёзилган. Байтда эса «Йигитлар ишқи» ва «Йигитлик» ҳакида гап кетяпти. «Йигитлар ишқи» ва «Йигитлик» – инсоний ишқнинг, «ошиқ шевалик» – сўфиёна ишқнинг тимсоли. Шундан хулоса чиқарсак, қариллик ҷоғларида Навоий қалбida инсоний «йигитлик ишқи» билан «ишқи ҳақиқий» уйғун мужассам бўлган.

Мазкур ғазалда муғбача ва майфуруш мадҳига бир эмас, икки байт бағишиланади:

Сени, эй муғбача, маҳрумлуктин асрасун тенгри,  
Агар бир жоми май бирла илож этсанг хуморимга.

Фано майхонасининг майфурushiға фидо жоним  
Ки, май эҳсон килур ҳолатда бокмас йўқу боримга.

Бу байтлардаги майхона, май, муғбача, майфуруш рамзий маънога эга. Бунда маънавият майи хусусида баҳс кетади. Муғбача ли-

рик қаҳрамоннинг маънавий ташналигини қондиради. Шоир бошқа бир асарида васф этганидек, мұғбача, «бир журъя била» унинг жонига наво, күнглига хуруш солади. Шунинг учун шоир тангридан мұғбачанинг ўзини маҳрумлиқдан асрashни илтижо қилмоқда. «Фано майхонасининг майфуруши» эса маънавий ҳомий, маънавий маслак раҳнамоси. Лирик қаҳрамон унга жон фидо қилишининг боиси шундаки, у беҳад саховатпеша, у инсоннинг йўқу борига бокмай – манфаатпарастлик қилмай, шоҳу гадога баробар маънавий ризқ улашади.

Ғазалнинг хулосаловчи мақта байти лирик қаҳрамоннинг висолга интилиб чеккан изтироблари оқибатини ифодалайди:

*Вафо ўтиға мен күйдум, vale топқай Навоийдек  
Мұҳабbat риштаси бокқан киши ҳар бир шароримға.*

«Вафо ўтиға мен күйдум» жумласида вафосизлиқдан шикоят, но-лиш кайфиятлари йўқ. Аксинча, унда вафога эришиш, висол излай-излай, ўтга айланишдан ифтихор туйғулари мужассам. Лирик қаҳрамон жисми олов бўлиб ўртанишидан нега фахрланиши мумкин? Чунки олов ҳам лирик қаҳрамон висолига интилган илоҳий қудратнинг ўзига хос бир тажаллиси, акси. Демак, у ўртаниш воситасида ваҳдати вужудга, висолга, вафога мұяссар бўлди. Ифтихорнинг яна бир ҳикмати шундаки, лирик қаҳрамон ўртанганд оловга назар солган ҳар бир киши унинг ҳар учқунидан мұҳабbat ришталарни топади. Бу фикрдан мурод шуки, вафо ўтидан таралган мұҳабbat ришталари бошқа инсонларни ҳам мұҳабbatга мубтало қилиши, охир-оқибатда висолга, вафога етаклаши муқаррар. Ғазал ҳазажи мусаммани солим вазнида битилган:

Мафоилун мафоилун мафоилун мафоилун

Назаримизда, ушбу ғазал асосида яратилган ашула ана шу вазнга таянгани, унинг оҳангига янада сайқал бергани учун ҳам муваффқиятли чиққан.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ИШҚ ЎТИ – АЗАЛ ҚИСМАТИ

Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти?»  
Дерки: «Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати».

Жисмдин сўрсамки: «Бу заъфингга не эрди сабаб?»  
Дер: «Анга бўлди сабаб ўтлуг бағирнинг ҳирқати».

Чун бағирдин сўрдум, айтур: «Андин ўт тушти манга  
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати».

Кўнглума қилсан газаб, айтурки: «Кўздиндур гунах,  
Кўрмайн ул тушмади бизга бу ишнинг тухмати».

Кўзга чун дерменки: «Эй, тардомани юзи қаро,  
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балою ваҳшати?!»

Йиглаб айтур кўзки: «Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр  
Ким, кўрунди ногаҳон ул шўхи маҳваш тальяти».

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй  
Ким, санга ишқ ўти-ўк эрмиш азалнинг қисмати,

(«Фавойид ул-кибар», 597-ғазал)

Ушбу ғазални Алишер Навоий аввал «Бадоеъ ул-бидоя» девонига киритиб, «Хазойин ул-маоний»ни тартиб бериш чоғида «Фавойид ул-кибар» девонига жойлаштирган. Ҳар иккала девонда ғазал ҳажми етти байтлигича сақланган бўлса-да, асарда таркибий ўзгаришлар бор. Ғазал ишқий-фалсафий мавзуда бўлиб, мунозара йўсинидаги шарҳи хол, изҳор услубида яратилган. Лирик қаҳрамоннинг ишкий қисмати, кечинмалари ҳажвий рӯҳда юзага чиқарилган. Ғазал рамали мусаммами маҳзуз вазнида битилган.

Ғазал ишқ оловида ўртанган лирик қаҳрамон ўз ҳалокатининг сабабини излаб, вужуди ва аъзоларини тафтиш этишидан бошланади:

Жонға чун дермен: «Не эрди ўлмаким кайфияти?»  
Дерки: «Боис бўлди жисм ичра маразнинг шиддати».

Маълумки, жон танани тарк этмасидан вужуд ўлимга юз тутмайди. Шунинг учун ўлмакнинг сабаби, аввало, жондан сўроқланаётир. Жон эса соғлом вужудда ватан тутади. Жон танани тарк этган экан, демак, вужудда унинг яйраб яшаш имкони қолмаган. Дарвоке,

жоннинг жавобидан ҳам шу маъно англашилади. Унинг сабаб кўрсатишича, ошиқ жисми – жасади ичра мараз, яъни касаллик хуружи авж олгани ўлимга боис бўлган. Демак, калаванинг уни жисмга бориб тақалаётир. Жисм – жону вужуд ҳаётининг кўргони. У ўзига ҳеч қандай хасталикни йўлиқтирииласлиги лозим. Заррача хасталик ҳамма фалокатни етаклаб келиши мумкин. Шундай андишалар билан лирик қаҳрамон энди жисмни сўроқقا тутади. Жисм хастаҳол вазиятга қандай тушиб қолдийкин? Аммо бу ўйчан саволига лирик қаҳрамон жуда тез ва кутилмаган жавоб олади:

*Жисмдин сўрсамки: «Бу заъфингга не эрди сабаб?»  
Дер: «Анга бўлди сабаб ўтлуғ бағирнинг ҳиркати».*

Жисм вазиятдан осонгина қутулиб чиқиб кетади. Айбни бағирга, аниқроғи, юракка осонгина ағдариб қўя қолади. Гўёки, бағирнинг ўртаниб ёнишидан жисм – вужудга ўт тушиб, у ҳароратланиб (иситмалаб), хасталик хуруж этган эмиш.

Лирик қаҳрамон ўз ҳалокати сабабкорини топиш осон бўлмаслигини сезади ва фоже қисмати тарихини тафтиш этишда сабртоқат билан давом этади. Жисмнинг сўзига инониб, бағирдан ҳол сўрайди:

*Чун бағирдин сўрдум, айтур: «Андин ўт тушти манга  
Ким, кўнгулга шуъла солди ишқ барқи офати».*

Маълум бўладики, бағир ҳам ўзини гуноҳкор деб ҳисобламайди. Гуноҳни хотиржамлик билан ўзидан соқит этади. Унинг сабаб кўрсатишича, ишқ деб аталган бир чақмоқ (барқ) бор, унинг чақилиши – одат. Ногаҳонда ана шу ишқ чақмоғи чақилгану, кўнгилга шуъла солган. Яъни, кўнгилга шуълавор ёлқин – ишқ офати оралаған. Ана шу ёлқиндан бағирга ўт тушган...

Қарабисизки, жон ҳам, жисм ҳам, бағир ҳам бегуноҳ. Бари гуноҳ кўнгулда. Чунки у ишқ чақмоғининг шуъласига ўрин берган. Лирик қаҳрамон ҳалокати сабабчисини энди топгандай бўлади. Ҳодисалар силсиласи (занжири) келиб кўнгилга боғланди. Ҳаммаси тўғри, қонуний. Агар ишқ чақмоғининг шуъласига кўнгил йўл бермаганида, бағирга ўт тушмас ва бағир ҳароратланиб ёнмас, «ўтлуғ бағир»нинг ловуллашидан жисм дардга чалинмас, жон танани тарк этмас, оқибатда, лирик қаҳрамон ҳалокатга учрамас эди.

Энди лирик қаҳрамон кайфияти, тасвир табиати кескин ўзгаради. Лирик қаҳрамон ҳақиқатни аниқлашга қийналаётгани, жон, жисм,

бағирнинг саркашлыги, гуноҳни ўзидан соқит килиб, ҳамсоғисига тұңқаётганидан тутақиб, сабр косаси тұлади. Унинг тафтиши тергов тусини олади. У күнгилни чинакам айбдор деб билади ва унинг ҳам саркашлик этишидан хавотирланиб, унга ғазаб билан мурожаат әтади:

Күнглума килсам ғазаб, айтурки: «Күэдиндур гунах,  
Күрмайин ул тушмади бизга бу ишнинг тұхмати».

Воажаб, күнгил ҳам қаҳру ғазабдан ҳеч бир ҳайқмай, ўзига қўйилган гуноҳни тұхмат деб, ундан бош тортаётир-ку! Күнгил гуноҳни осонгина кўзга кўчиришини айтмайсизми? Ҳарқалай, күнгил кўзни айблашида бир асос борга ўхшайди. Бу кўзнинг кўриш хусусиятидир. Кўнгил кўз маҳбубани кўрмаса, ишқ чақмоғи шуъласи бизга тушмас эди, деб ўзини оқламоқчи. Кўнгил қийналмай чап бергач, ғазабдан кўзнинг аҳволи не кечаркин?

Кўзга чун дерменки: «Эй, тардомани юзи қаро,  
Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балову ваҳшати?!»

Сўроқнинг сиёсати кўзга келганда янада кучаяди. Энди у ғазабдан ҳам ошиб тушади. Дўк-пўписа, дашном тусини олади. Бу муоммаладан лирик қаҳрамоннинг ўз ҳалокатига жуда ҳам аник сабабкорни топғанлигига ишонч рухини сезиш мумкин. Чунки у кўзга айб қўйишдан бурунок уни «тардомани юзи қаро» дея ҳақорат исеканжасига олади. «Сўнг: «Сендин ўлмиш телба кўнглумнинг балову ваҳшати?!» дея уни қатъий айблайди. Бу – байтнинг изчил бадиий мазмуни.

Шу ўринда сўзлар замирига яширинган сифатлашларни ҳам шарҳлаб ўтайлик. «Тардоман» ва «юзи қаро» сифатлари ҳаёсиз, ахлоқсиз, ор-номуссиз маъноларида кўлланган. Тортинмай ибосиз боқадиган кўзга нисбатан шундай мазмундаги сифатлашлар, дарҳаққиат, хозир ҳам кўлланади ва бу хусусиятнинг турфа маънодо ифодалари халқ тилида мужассам.

Қизизи шундаки, бу ўринда мазкур сифатлашларнинг луғавий маънолари ҳам бадиий мазмунни юзага чиқаришга сафарбар қилинган. Тожикча «тардоман» «тар»–«хўл» ва «доман» – «этак» сўзларидан тузиленген қўшма сўз бўлиб, ундан «этаги хўл» деган маъно англашилади. Бу сўз Алишер Навоий ва бошқа мумтоз адабиёт намояндалари ижодида ҳаёсиз, уятсиз, ибосиз, бузук, фоҳиша, ахлоқсиз, орсиз, номуссиз маъноларида фаол кўлланган. Айни ўринда у кўзнинг табиий хусусиятини ҳам акс эттирган. Яъни, кўз ахлоқий маънодан

ташқари ҳам «тардоман», унинг «этаги» ҳамма вақт ҳўл, у ҳамиша намланиб туриш хусусиятига эга. «Юзи қаро» ҳам худди шундай – ҳам табиий, ҳам бадиий хусусиятни қамраб олган. Бу ифодада лирик қаҳрамон кўзларининг қаро тусда эканлиги ҳам тажассум топган.

Кейинги байт ҳам кўзнинг табиий вазифаси ифодасидан бошлади:

*Йиглаб айтур кўзки: «Йўқ эрди манга ҳам ихтиёр  
Ким, кўрунди ногаҳон ул шўх маҳваш талъати».*

Кўзнинг асосий вазифаси – кўриш. Асли, шу вазифасини бажаргани учун ҳам таънаю дашномга дучор бўлиб турибди. Энди ўз вазифасини бажарган кишига таънаю дашном ёғдириш зулмидир. Бу зулмга жавобан кўз йиглаш (яна бир табиий хусусият)дан ўзга қандай ҳам чора топа оларди? Вокеан, бегуноҳ кўз йиглаб-сиктаб айтадики: «Ногаҳонда бир шўх маҳваш талъати намоён бўлса-ю, у бутун борликини маҳлиё, гўзаллигига ром этса, унга қарамасликка ёхуд уни кўрмасликка менда ихтиёр қоладими?» Кўз гуноҳни ўзидан шундай сокит қиласидики, ошиқ ўз қисматига бошқа бирорвни сабабчи деб топиш ё тахмин қилишига ўрин қолмайди. Кўзнинг жавоби тафтиш ва терговга тортилган барча гумондорларни жавобгарликдан озод этади.

Ушбу жавобдан ошиқ қисматида унинг вужуди аъзолари мутлақо дахлсиз эканлиги тўғрисидаги гаройиб мантиқ келиб чиқади: «Эй ошиқ, ногаҳон ошиқлар ахлини ошуфта этган ўшал ойжамолнинг гўзал сиймоси гавдаланди. Бу баркамол ҳусну жамолнинг жилвалиниши бутун борлиқни сеҳрлади, кўлдан ихтиёр кетди. Кўзнинг унга термулишдан ўзга чораси йўқ эди. Шу замон ишқ деган илоҳий бир чақмок чақилди. Унинг нуридан кўнгилга шуъла тушди: «Балою ваҳшат» янглиғ муҳаббат момақалдироғи гумбурлади, кўнгил телбаланди. Вужудингда муҳаббат ўтининг ёлқинлари оловланди. Бағирга ўт тушди. «Ўтлуг бағир»нинг ёнғини жисмга туташиди. Жисмда ҳарорат (ишқ иситмаси даражаси) кўтарилиди. Жисмнинг вазияти касалликка томон юз бурди. Заифлик зўридан вужуд ўлимга маҳкум бўлди. Жон жисмни тарқ этди. Натижада, сен ўлим ҳалокатига учрадинг». Мана, ошиқ ўз вужуди аъзоларини тафтиш этганида келиб чиқсан мароқли силсилавий фожия тарихи.

Хўш, бу ажойиб тафтиш қандай якун топади? Ҳар бир гумондор гуноҳга мункир келиб турганида, жабрдийда лирик қаҳрамон

ўз саволига ҳаққоний жавобни, ҳалокатининг чинакам сабабкорини қандай аниқлагай? Ҳа, бунга қойим жавоб топиш мушкул. Лекин улуғ шоир бизнинг ҳайрат ва таҳсинимиизга сазовор, фавқулодда гўзал жавобни ғазалнинг мақта байтида жуда ўнғай ифодалаган:

Эй Навоий, барча ўз узрин деди, ўлгунча куй  
Ким, санга ишқ ўти – ўқ эрмиш азалнинг қисмати.

Дарвое, барча бирин-кетин ўзининг узрини айтиб, гуноҳдан, жавобгарлик мажбурияти-ю жазодан халос бўлди. Энди тақдирга тан бериб, ишқ ўтида ўлгунча куйиш, қовурилишдан ўзга илож йўқ. Чунки ишқ ўти Оллоҳ ато этган азал қисмати камонидан ошиққа қарата отилган ўқ экан. Оллоҳнинг иродаси, ишқ оғатидан саркашлик – беҳуда.

Зукко китобхонда нозик бир савол туғилиши табиий: Ғазал «Не эрди ўлмаким кайфияти?» сўроғи билан бошланган эди-ку. Нега энди «ўлгунча куй» ҳукми билан тугалланяпти? «Ўлмак» ва «куймак» маъно-моҳияти жиҳатидан бир-бирига яқин бўлса-да, бошланма билан тугалланма ўртасида шундай номутаносиблик бўлиши тўғрими? Дарҳақиқат, «...бўлди сабаб ўтлуг бағирнинг ҳирқати», «...кўнгулга шуъла солди ишқ барқи оғати» каби далиллар ҳам ўлмак эмас, мұхаббат ўтида куймакдан баҳс бўлаётганини англатади. Гарчи куймакнинг оқибати барibir ўлмак эканлигини эътироф этсак-да, яна баъзи бир далиллардан кўз юма олмаймиз.

Филология фанлари доктори Абдурашид Абдуғафуров «Навоий ижодида сатира» китобида (Тошкент, 1972, 171–172-бетлар) ғазални Навоий ҳажвиёти таҳлили муносабати билан ўрганар экан, ушбу муаммога махсус муносабат билдиради. Унинг фикрича, биринчи мисрадаги «ўлмак» сўзи ўрнига айрим манбаларда, масалан, Ҳозиқнинг мухаммасида «куймак» сўзи келадики, мантиқан «куймак» ўринилдири... Мақтадаги ... «куй» сўзи ҳам матланинг биринчи мисрасидаги «ўлмак» сўзи аслида «куймак» бўлганлигидан дарак беради. Ошиқ «куйиш» («ўлиш» змас!) сабабларини қидирди, асосий айбдорни топди, унга қарши чорасиз эканлигига қаноат ҳосил қилди ва энди зарда билан «ўлгунча куй!» демокда». Бу фикр шунчаки таҳмин эмас. У муайян далил – Ҳозиқ мухаммасидан ташқари, мантиқа ҳам суннади. Ғазалнинг «куймак» билан бошланиб, «куймак» билан тугалланиши тўғри бўлишини Навоий поэтикасидаги лирик композиция яратиш қонуниятлари ҳам тасдиқлайди.

Харқалай, биринчи мисранинг иштибоҳли ёки турли варианлардан иборат эканлигини «Бадоев ул-бидоя» девони нашри (Тошкент, «Фан», 1987) янада ойдинлаштириди. Мисра «Бадоев ул-бидоя», демакки, илк нусхада «Жонға чун дермен: «Не эрди чиқмоғинг кайфияти?» тарзида битилган экан. Эҳтимол, келажакда бирор асл манба топилиб қоларки, унда мисранинг «Жонға чун дермен: «Не эрди күймаким кайфияти?» шаклидаги матнини ҳам кўришга мусасар бўлармиз.

Ғазалнинг бадиий салмоғи, аввало, шундаки, у яхлит бир ишқий драмани ихчам шаклда мужассам этган. Навоийшунос олим Ёкубжон Исҳоқов «Навоий поэтикаси» китобида (Тошкент, 1983, 104- бет) таъкидлаганидек, ғазалда тасвирланган мунозара «баёнининг мантикий ривожи жараённида бирорта ҳам ортиқча деталь учрамайди».

Асардаги барча фазилатлар, шубҳасиз, бадиият ва маҳорат маҳсулидир. Бунда бадиий тил ва услубнинг соддалиги, таркибий курилманинг мумтозлиги асосий омил бўлган. Матн мураккаб тимсоллар, бошқотирма жумла ва иборалардан холи. Ғазалнинг руҳи мусаффо, енгил кулги, майнин табассум кўзготувчи ҳузурбахш ҳажв билан йўғирилган.

Бу бадиий мўъжизани барпо этишда муҳим вазифа бажарган қатор санъатларни қайд этиш мумкин. Улардан бири саволу жавоб санъати. Бадиий мазмун лирик қаҳрамон, яъни шоир ҳамда жон, жисм, бағир, кўнгил, кўз орасидаги саволу жавоб асосида юзага келган. Санъатлардан яна бири ташхис, соддалаштириб айтганда, шахслантириш, жонлантириш усулидир. Ғазалда жон, жисм, бағир, кўнгул, кўз тирик инсондек жонлантириб тасвирланган ва мубоҳасага киритилган.

Тадриж санъати ҳам лирик мазмуннинг даражама-даражага тако-миллашувини, силсилавий сайқал топишини таъминлаган. Бу мусал-саллик лирик қаҳрамон тафтиши ва мунозараси жон, жисм, бағир, кўнгул, кўз иштироқида изчил давом этишида кўринади. Шунингдек, мунозара жараённида руҳий таҳлил, лирик қаҳрамон кайфияти ҳам силсилавий, тадрижий равишда ўзгариб боради. Сокин ва осойишта руҳда бошланган сухбат тергов, дўй-пўписага айланиб кетади. Хаттоки, сухбатдошлардан бири – кўз йиглаб ҳам юборади. Бу лирик қаҳрамон изтиробларининг лаҳза сайин кучайиб бориши, лирик муносабатларнинг тадрижий равишда кескинлашуви натижасидир. Хуллас, ушбу асар ҳазрат Навоий сатрлар силсиласига сеҳр жойланган пурсайқал ғазаллардан биридир.

Нусратулло ЖУМАХЎЖА

## ШОХНИНГ МУНГЛУФ МУШАВВАШЛАР БИЛА ...<sup>1</sup>

Шохнинг мунглув мушаввашлар била не нисбати,  
Комронларнинг балокашларга қайдин улфати?!

Улки, қаҳр этса, қиличидин дамодам қон томар,  
Бағридин қон томгучилар бирла не жинсияти?!

Васл нўши бирла жон топғонға, ваҳ, ондин не ғам  
Ким, тўлодур заҳри қотил бирла жоми фурқати?!

Даҳр қилғондин яланг бошини тенг туфроғ ила,  
Не хабар улким, етар гардунға тоғи рифъати?!

Мўр аёғ остида ўлгандин қачон толқай вукуф  
Арслонким, кўкка чирмашқай гиреви шиддати?!

Бир кеча тонг отқуча ҳижрон ўтиға куймаган  
Қайда билсунким, недур мажруҳ кўнглум ҳолати?!

Кўй бу сўзларнию, бўй ҳолимдин огоҳ, эй рафиқ  
Ким, бу акшом асрү саъб ўлмиш фироқим шиддати.

Эй кўнгул, ишқ ичра йўқ шоҳу гадога имтиёз,  
Ўт аро тенгдур қуруқ ё хўл ёғочнинг ҳирқати.

Ишқ жомидин, Навоий, товба қилмоқ саъб эзур,  
Хоссаким, йўқ зуҳду тақво бирла кўнглум рағбати.

(«Фавойид ул-кибар», 649-ғазал)

Ғазал рамали мусаммани маҳзуз вазнида яратилган. Вазнга со-  
линганда, у кўйидагича ўқиласди:

Фоилотун    фоилотун    фоилотун    фоилун

Шохнинг<sup>2</sup> мунг луғ мушавваш лар била не нисбати,  
Комронлар<sup>3</sup> нинг балокаш ларга қайдин улфати.

<sup>1</sup> Ушбу газал таҳлили улуғ олим Н.М.Маллаевнинг «Алишер Навоий. Лирика» («Ўқитувчи», Т., 1968, 9-12-бетлар) қўлланмасидан олинди.

<sup>2</sup> «Шохнинг» сўзи бу мисрани ўқишида З ҳижолидир – «шоҳ-и-нинг».

<sup>3</sup> «Комронлар» сўзи ҳам ўқилишда бир ортиқча ҳижога эга бўлади – «ком-и-  
рон-лар».

## Луғат

**Мунглуг** – ғамли, қайғули, аламли.

**Мүр** – чумоли.

**Мушавваш** – ташвишли, бесаранжом, күнгли паришон.

**Вуқұф** – билиш, хабардорлик.

**Фирев** – шовқин-сурон, қичкирик.

**Комрон** – мақсадға эришган, баҳтиёр.

**Мажрух** – яраланған, ярали, аламли, дили әзилған.

**Балокаш** – жафо чекувчи, азоб тортувчи.

**Рафіқ** – ўртоқ, дўст, биродар.

**Жинсият** – ҳамжинслик, жинсдошлик.

**Асру** – кўп, жуда, фоятда.

**Нўш** – тотли, ширин таъм, чучуклик; асал, бол.

**Жом** – идиш, май идиши.

**Саъб** – қийин, оғир, машаққатли.

**Ҳирқат** – куйиш, ёниш; күйдириш, ёндириш; ғам, қайғу.

**Фурқат** – айрилиқ, ажралиш, жудолик.

**Даҳр** – дунё, олам, замон, давр.

**Гардун** – фалак, осмон.

**Зухд** – дунёдан воз кечиб, тоат-ибодат билан шуғулланиш.

**Рифъат** – юксаклик; баланд мартаба.

**Тақви** – диндорлик, тақводорлик.

**Хосса** – хусусан, айниқса.

### Байтларнинг насрый баёни:

Шоҳнинг мунгли, ташвишли (кишилар) билан қандай муносабати бўлсин? Мақсадига эришган (кишилар) жафо чекувчиларга қайдан улфат бўлсин?

Қаҳр этгандаги қиличидан дам-бадам қон томувчи киши бағридан қон томувчилар билан ҳамжинс бўлармиди? Висол чучуклиги билан жон топган киши, звоҳ, айрилиқ жоми ўлдирувчи, заҳарга тўла киши ҳолидан ғам чекармиди?

Замон яланғоч бошини тупроқ билан тенг қилган кишининг ҳолидан тоҗининг юксак мартабаси кўкка етган киши хабар топармиди? Шавкатининг шовқин-сурони кўкка чирмашган арслон оёғи остида чумолининг ўлиб кетганидан хабардор бўлармиди?

Бир кеча тонг отгунча айрилиқ ўтига куймаган киши яраланған кўнглим ҳолатини қайдан билсин?! Бу сўзларни кўйиб ҳолимдан огоҳ бўйл, эй дўстким, бу кеча айрилиқ шиддати фоятда машаққатли бўлди.

Эй күнгүл, ишкәда шоху гадога имтиеэ йүк, (чунки) ўт тушганда күрүк ёки хўл ёғочнинг күйиши тенгдир. Эй Навоий, ишқнинг май идишини тарк қилиш қийин, хусусан (шунинг учун) ким, тарки дунё қилиб, такводорлик этишга кўнглимнинг майл-рағбати йўқдир.

#### **Ғазалнинг мавзуси, ғоявий мазмуни:**

Бу ғазал Навоийнинг чукур ижтимоий мазмунга эга шеърлари-дандир. Унда шоир инсоғизлиқ, адолатсизлиқ, зўравонлик ва худбинликдан шикоят қиласи, шу билан бирга, севги ҳақида сўзлаб, айрилиқнинг шиддати, алам-изтиробидан нолиди. Шон-шавкати, тож-тахти билан магурланини кетган золим подшолардан ғазабланиб, чумолидек оёк остида хор-зор бўлган кишиларга ачинади, севгига мурод-мақсадига етиб, ҳижрон алам-изтироби билан машақкат чекаётганлар ҳолига бефарқ қарайдиган худбинлардан ранжиди. Саккизинчи байтда шоҳ ҳам, гадо ҳам барибир инсондир, деган тушунчани ифодалайди. Тўқизинчидан байтда севгини бадбинлик ва таркидунёчиликка қарама-карши қўйиб, инсонга, ҳаётга муҳаббат ғоясини илгари суради. Шундай қилиб, шикоят темаси битилган бу ғазалда ижтимоий мазмун билан интим кайфият уйғуналашиб кетади, бир-бирини тўлдиради, такомиллаштиради.

#### **Ғазалдаги образлар:**

Ғазалнинг асосий лирик қаҳрамони – шоирнинг ўзи. Лирик қаҳрамон, бир томондан, инсоғизлиқ ва адолатсизликдан ачичк шикоят қилган исёнкор, инсоф ва адолат излаган гуманист, мушфиқ киши сифатида, иккинчи томондан, ёр ҳажри билан бағри эзилган, ўртанган, аммо шунга қарамай, ишқдан воз кечмаган, бадбинлик ва таркидунёчиликка майл қўймаган, балки ундан нафратланган умидли ва иродали ошиқ сифатида гавдаланади.

Ғазалда шафқатсиз ва мутакаббир подшо, худбин ошиқ, жафокаш ва ситамдийда кишиларнинг образлари ҳам бор. Лирик қаҳрамон шафқатсиз ва мутакаббир подшо, худбин ошиқдан ғазабланса, жафокаш ва ситамдийда кишиларга ачинади, уларни ҳимоя этади.

#### **Ғазалнинг бадиий ҳусусиятлари:**

Ғазал чуқур ва кучли зиддият (конфликт) асосига курилган, унда инсоғизлиқ ва адолатсизликдан қаттиқ шикоят қилган исёнкор, инсоф ва адолат излаган инсонпарвар (гуманист), мушфиқ инсон – лирик қаҳрамон билан шафқатсиз ва мутакаббир подшо, ҳижрон азоб-машақкатларини чеккан самимий ошиқ билан худбин «ошиқ» ўртасида кураш боради, лирик қаҳрамон ўз маънавий устунлигини сақлаб қолади, ҳаётга, дунёвий севгига умидворлик назари билан қарайди. Шоир зиддият моҳиятини тўлароқ очиш учун тазод (кон-

траст), тадриж (мавзу ва образни аста-секин ривожлантириб, даражама-даража такомиллаштириб бориш) усулидан, хилма-хил бадиий тил воситаларидан, халк ижодиётидан, нутқий ифодавийлик (интонация) дан моҳирлик билан фойдаланган.

Мунгли, ташвишли кишилар – шоҳга, жабр чекувчилар – мақсадига эришиб киблланганларга, бағридан қон томувчилар – қиличиidan қон томувчиларга, васл нўши – заҳри қотилга, боши тупроққа тенг кишилар – тоҳи кўкка етганларга, оёқ остидаги чумоли – шавкатининг шовқин-сурони кўкка чирмашган арслонга қарама-қарши қўйилади ва ҳоказо. Буларнинг ҳаммаси биринчи байтдаги тазод моҳиятини тўлдириб, ривожлантириб, такомиллаштириб боришга хизмат қилади.

Бинобарин, ғазалда қўлланган икки асосий усул: тазод ва тадриж узвий бирликни ташкил этади. Тадриж ғазални воқеабанд ғазал (шартли: сюжетли ғазал) сифатида шакллантиради. Шоир ғазалдаги «қиличиidan қон томар» («қаҳр этса, қиличиidan дамодам қон томар»), «бағридан қон томади» («бағридан қон томғучилар»), «захри қотил», «боши тупроққа тенг» («яланг бошини тенг туфроқ ила»), «боши кўкка етган» («етар гардунга тоҳи рифъати»), «чумоли оёқ остида» («мўр аёғ остида»), «тўқайга ўт тушса, ҳўл-қуруқ баробар ёнар» («ўт аро тенгдур қуруқ ё ҳўл ёғочнинг ҳирқати») каби халқ таъбири ва мақоллари, шунингдек, интонация, риторик сўроқ ва бошқалар ёрдами билан шеърнинг ғоявий-бадиий қимматини оширишга муваффақ бўлган.

Натан МАЛЛАЕВ

## МУНДАРИЖА

Таҳлил лаззатига не етсин (Н. Жумахўжа) .....	3
«ФАРОИИБ УС-СИФАР» (ЁШЛИК ФАРОИИБОТЛАРИ)	
«Хазойин ул-маонийнинг фотиҳаси (А. Рустамов) .....	8
Эрур пайдолигинг пинҳон, валие пинҳонлигинг пайдо (Н. Комилов) .....	17
Эй мусхағи руҳсоринг азал ҳаттидин иншо (Н. Комилов) .....	20
Шоҳу дарвеш ҳикмати (Н. Комилов) .....	23
Ул паривашким, бўлубмен зору саргардон анго (Н. Комилов) .....	46
Жумлайи олам мусаххардур манго (Н. Комилов) .....	50
Мубтало бўлдум санго (Н. Комилов) .....	52
Баҳр ёшурмиш Навоий ҳар дури макнун аро (Н. Комилов) .....	54
Кўнглум ўртансун агар файрингға парво айласа (Н. Комилов) .....	57
Навоий, сен киму ишрат майи... (Н. Комилов) .....	59
Ҳажр ўлумдин талҳ эмиш (Н. Жумахўжа) .....	62
Тийра кулбамға кириб, жоно (Н. Комилов) .....	64
Эй насими субҳ, аҳволим дилоромимға айт (Н. Комилов) .....	66
Ўлтурур маҳрамни сulton... (Н. Жумахўжа) .....	69
Жон ва жонон сирлари (М. Кенжабек) .....	72
Қизил тўн кийди ёр (Н. Комилов) .....	90
Парканд-парканд айлангиз (Н. Жумахўжа) .....	92
Амалға боқмаки, бебаҳри фазл эрур яксон (Н. Комилов) .....	94
Ёрдин айру кўнгул мулкедурур сultonни йўқ (Н. Комилов) .....	97
«Қаро кўзум ...» ғазалининг қиёсий таҳлили (Н. Жумахўжа) .....	99
Қиёсий таҳлил ҳикмати (Н. Жумахўжа) .....	116
Бўлмиш андоқ мунқатеъ ... (Н. Комилов) .....	122
Тун оқшом бўлдию ... (Н. Комилов) .....	125
Мехр кўп кўргуздум ... (Н. Комилов) .....	128
Ёридин ҳеч ким менингдек... (Н. Комилов) .....	131
Ноумиде мен киби борму ... (Н. Комилов) .....	133

Эзур кўнгулда сафо ишқ тоза доғи била (Н. Комилов) .....	136
Сокиё, талх ўлди айшим ... (Н. Комилов) .....	143
Кўйида йиглар эдим ... (Э. Воҳидов) .....	148
Зиҳе ҳар лаҳни булбул ... (Н. Комилов) .....	152
Жилваму айлар қизил тўн ... (Н. Комилов) .....	154
Каманд учига еткурмас ғаму андеша айёри (Н. Комилов) .....	157
Шоир қалбининг фифони (Э. Воҳидов) .....	171
Эврулай бошингға ... (Н. Комилов) .....	173

**«НАВОДИР УШ-ШАБОБ» (ЙИГИТЛИК НОДИРЛИКЛАРИ)**

Ийди рухсоринг кўруб ... (Н. Комилов) .....	178
Жонда кўйдим чирмағон мактубини... (Н. Жумахўжа) .....	180
Фидо (Н. Жумахўжа) .....	183
Ишқи комил – камолотга кафолат (Н. Жумахўжа) .....	186
Хабибимға ҳабиб ўлмиш рақиб (Н. Жумахўжа) .....	190
Маънавий-рухий ором иштиёки (Н. Жумахўжа) .....	192
Шўх икки ғазолингни ... (Н. Жумахўжа) .....	194
Тонг елидан тилаклар (Н. Жумахўжа) .....	196
Килди душман раҳм баским ... (Н. Жумахўжа) .....	199
Сурати шоҳ, сийрати дарвеш (Н. Жумахўжа) .....	201
Ахтарин ашқ эттию совуғ ... (Н. Комилов) .....	204
Чиқмаган жондан умид (Н. Жумахўжа) .....	211
Чиқмаса жонон ғаму андуҳдин (Н. Жумахўжа) .....	213
Кўк бинафшазорини анжум ... (Н. Жумахўжа) .....	215
Юз ёлтию жон олди ... (Н. Жумахўжа) .....	219
Юзунгдек қамар йўқтур ... (Н. Жумахўжа) .....	221
Химмат ва ҳалоллик (Н. Жумахўжа) .....	223
Майхона – ажаб корхона (Н. Жумахўжа) .....	225
Фурқат ичра шарбати лаълинг ... (Н. Жумахўжа) .....	227
Оҳу ашкимдин хабарсиз бўлманг ... (Н. Жумахўжа) .....	230
Тўрт ранг рамзи (Н. Жумахўжа) .....	232
...Ёр узар бўлса муҳаббат риштасин ... (Н. Жумахўжа) .....	234
Бўрк ўрнида бош элтур (Н. Жумахўжа) .....	238
Лўлившан санъати тасвири (Н. Жумахўжа) .....	239

Мехр умиди тутмангиз (Н. Жумахўжа) .....	242
Дўстлар, олам элига ёру ҳамдам бўлмангиз (Н. Жумахўжа) .....	244
Юзунг қуёшму – қуёш юзунгму (Н. Жумахўжа) .....	248
... Йўқму уёт, эй воиз ... (Н. Жумахўжа) .....	250
Йўқтур киши ахли вафодин хокрок (Н. Жумахўжа) .....	252
Букун ахли жаҳондин хастахотирмен ... (Н. Жумахўжа) .....	254
Жонима ваҳшат келурни билмадим (Н. Жумахўжа) .....	257
Йўл эрур беҳад қотик, манзил йироқ асрү (Н. Комилов) .....	258
Нодонликни англамоқ – донолик (Н. Жумахўжа) .....	262
Қон ютуб умре жаҳон аҳлида ... (Н. Комилов) .....	263
Ишқ аро шоҳу гадо тенгдур ... (Н. Жумахўжа) .....	267
Жамол васфи (Н. Жумахўжа) .....	269
Дарди бедавони найлайин (Н. Жумахўжа) .....	274
Фигонимдин фалак ғамгин (Н. Жумахўжа) .....	276
Камол истар эсанг... (Н. Жумахўжа) .....	277
Инсоннинг мангу дарди (Э. Воҳидов) .....	280
Ҳак, магарким, ком учун боштин ... (Н. Жумахўжа) .....	283
Саҳар ховар шаҳи чарх узраким ... (Ё. Исҳоков) .....	286
Очмағай эрдинг жамоли оламоро кошки (Н. Комилов) .....	294
Дин оғати бир мугбачайи моҳлиқодур (А. Рустамов) .....	301

«БАДОЕЬ УЛ-ВАСАТ» (ЎРТА ЁШ ГЎЗАЛЛИКЛАРИ)

Ўн саккиз ёш ҳайратлари (Н. Жумахўжа) .....	312
Зулфунг очилиб, орази ... (Н. Жумахўжа) .....	316
Оташин гул баргидин хильятки ... (Н. Комилов) .....	319
Сир сақлаш сабоги (Н. Жумахўжа) .....	321
Такдирнинг терслиги талқини (Н. Жумахўжа) .....	325
Аҳд қилдим: ишқ лафзин тилга ... (Н. Комилов) .....	327
Ул қуёш оқ уйдаву ... (Н. Комилов) .....	335
Ўлтургуси (Н. Жумахўжа) .....	337
Ошуфтаҳол этмиш мени (Н. Жумахўжа) .....	339
Кимки бир кўнгли бузуғнинг ... (Н. Жумахўжа) .....	340

## «ФАВОЙИД УЛ-КИБАР» (КЕКСАЛИК ФОЙДАЛАРИ)

Манга не манзилу маъво аён ... (Н. Комилов)	344
Тун оқшом келди кулбам сори... (Н. Жумахўжа)	347
Насруллохийнинг ғазали (А. Рустамов)	349
Гар жафо қил, гар вафоким ... (Н. Комилов)	356
Наврўз ва манзур малоҳати (Н. Жумахўжа)	359
Рўмольча рамзи (Н. Жумахўжа)	361
Йўлунда туфроғ ўлдум ... (Н. Жумахўжа)	363
Ишқ ўти – азал қисмати (Н. Жумахўжа)	367
Шоҳнинг мунглув мушаввашлар била ... (Н. Маллаев)	373

*Адабий-бадиий нашр*

***Навоий газалиёти талқинлари***

Тўпловчи, тузувчи, нашрга тайёрловчи  
Нусратулло Жумахужа, филология фанлари доктори

Муҳаррир **Б. Эралиев**  
Рассом-дизайнер **Б. Зуфаров**  
Техник мухаррир **Б. Каримов**  
Мусаххиз **Ш. Ҳакимова**  
Кичик мухаррир **Г. Ералиева**  
Компьютерда тайёрловчи **Л. Абкеримова**

Нашриёт лицензияси А1 №158, 14.08.2009.

Босишига 2018 йил 2 февралда рухсат этилди. Офсет қофози.

Бичими 70×90<sup>1/16</sup>, «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида оффсет усулида босилди.

Шартли босма табоби 28,08. Нашр табоби 23,69.

Адади 2000 нусха. Буюртма №17-69.


Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)



Навоий ғазалиёти талқинлари [Матн]: тўпловчи ва нашрга  
Н 14 тайёрловчи Н. Жумахўжаев. — Тошкент: «O'zbekiston» НМИУ,  
2018. — 384 б.

ISBN 978-9943-28-849-2

УЎК 821.512.133-1  
КБК 84(5Ў)1

Нашриёт лицензияси АI № 158, 14.08.2009.

Босишига 2018 йил 2 февралда рухсат этилди. Офсет қофози.

Бичими 70×90<sup>1/16</sup>. «Virtec Peterburg Uz» гарнитурасида оффсет усулида босилди.

Шартли босма табори 28,08. Нашр табори 23,69.

Адади 2000 нусха. Буюртма № 17-69.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигининг

«O'zbekiston» нашриёт-матбаа ижодий уйи.

100011, Тошкент, Навоий кўчаси, 30.

e-mail: [uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz](mailto:uzbekistan@iptd-uzbekistan.uz)

[www.iptd-uzbekistan.uz](http://www.iptd-uzbekistan.uz)

